

ОБРАЗОВАНИЕ

**НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ
В МИРЕ**

международный научный электронный журнал

**Выпуск №6 (том 1)
(сентябрь 2022)**

OPEN  ACCESS



ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

международный научный электронный журнал

ЧАСТЬ 6 ТОМ 1 СЕНТЯБРЬ 2022 год



**MATEMATIKA DARSLARIDA VA DARSDAN TASHQARI
MASHG‘ULOTLARDA O‘QUVCHILARNI MILLIY MA’NAVIY
MEROSNI ASRASH RUHIDA TARBIYALASH**

Davlatova Shohida Karimovna

Xorazm viloyati Xonqa tuman

48-son IMI matematika fani o‘qituvchisi

Yuldasheva Sabohat Rustamovna

Xorazm viloyati Xonqa tuman

37-IDUM ning matematika fani o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada buyuk allomalar merosini o‘rganish, tariximiz va o‘zligimizni anglash, mustaqil davlatimiz poydevori bo‘lgan yoshlarda yuksak ma’naviy, ahloqiy qadriyatlarni shakllantirish va ularning barkamol avlod bo‘lib voyaga yetishlari uchun mustahkam ma’naviy zamin tayyorlash haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: «Tarix haqida kitob», «Al-jabr va al muqobala hisobi haqida kitob», «Mahbub ul-qulub».

Matematika o‘sib kelayotgan yosh avlodni kamol topishida o‘quv fani sifatida keng imkoniyatlarga ega. U o‘quvchi tafakkurini rivojlantirib, ularning aqlini peshlaydi, uni tartibga soladi, o‘quvchilarda maqsadga yo‘nalganlik, mantiqiy fikrlash, topqirlik xislatlarini shakllantira boradi. Shu bilan birga teoremlarni isbotlash jarayoni va mulohazalarning to‘g‘ri, go‘zal tuzilganligi, simmetriya tushunchasining shakllanishi bilan o‘quvchilarni didli, go‘zallikka ehtiyojli qilib tarbiyalaydi. Ulug‘ allomalarimiz Al-Xorazmiy, Abu Nosir Forobiy, Ahmad Farg‘oniy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abul Vafo Buzjon, G‘iyosiddi Al – Koshi, Umar Xayyom, Nasriddin At-Tusiy, Mirzo

Ulugʻbek va uning shogirdlaridan biri boʻlgan Ali – Qushchilarning matematikaga qoʻshgan xissalarini oʻrganish jarayoni oʻquvchilarni Vatanparvarlik, milliy iftixor ruhida tarbiyalaydi. Matematika rivojiga ulkan hissa qoʻshgan qomusiy olimlarning kashfiyotlari oʻquvchilarda oʻtmishimizga nisbatan hurmat, faxrlanish tuygʻusini shakllantiradi, milliy qadriyatlarni tiklash bilan bir qatorda, ularda koʻproq xalqimizning oʻziga xos maʼnaviyat, fikrlash usullari, muomala va munosabat madaniyatini ilmiy – maʼnaviy ahloqiy sifatlariga eʼtibor va diqqatni tarkib topdiradi, rivojlantiradi.

Xoʻsh, shunday ekan matematika darsining qaysi jarayonida bu gʻoyalarni oʻquvchilarning qalbiga va ongiga singdirish mumkin?

Respublikamiz olimlari tomonidan yaratilgan matematika darsliklarida oʻquvchilarning yoshiga mos holda Al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulugʻbek va uning shogirdi Ali – Qushchi, Jamshid Al – Koshiy, Nasriddin – Tusiyning fandagi kashfiyotlari keltirib oʻtilgan. Darslikdagi murakkab masala, mashqlarni yechish oʻquvchilarni hayotdagi har qanday toʻsiqlarni yengishga, chidamlilikga, sabr qanoatli, toqatli boʻlishga undaydi.

5-sinf darsligida «Natural sonlarning yozilishi va oʻqilishi» mavzusini oʻtganda arab va Rim raqamlari, abjad hisobi haqida soʻz yuritiladi.

Sharq mamlakatlarida abjad hisobi keng tarqalgan boʻlib, unda arab (yoki eski oʻzbek) alifbosidagi har bir harfga aniq bir son qiymati beriladi. Biror soʻzdagi, jumladagi harflarga mos sonlarni qoʻshib, shu soʻz, gapga toʻgʻri keladigan sonni hosil qilamiz. Koʻpincha, shunday jumlar tuziladiki, undagi maʼlum soʻzning harflariga mos sonlar qoʻshilsa, biror muhim xodisaning sodir boʻlgan yili kelib chiqadi. Bunday jumlar «**taʼrix**» deb ataladi. Alisher Navoiyning «Mahbub ul-qulub» asari yozib tugatilgan yilni asardagi ushbu «**taʼrix**»dan bilib olamiz.

«**Taʼrix chu**» «**xush**» lafzidin boʻldi hosil,

Har Kim oʻqusa, ilohi, boʻlgʻay xushdil!

«Xush» soʻzini arab harflari bilan yozib, har bir harfga mos keluvchi sonlarni qoʻshsak va hijriydan milodiy hisobga oʻtsak, 1500 hosil boʻladi. demak, A.Navoiy «Mahbub ul qulub»ni 1500 yilda yozib tugallagan ekan. Alisher Navoiy vafoti munosabati bilan mashhur tarixchi Xondamir yozgan sheʼrda «Ruhiga rahmat nurlari tushgani uchun, Vafoti taʼrixin «anvori rahmat»dan izla» - degan misralar bor. «Anvori rahmat» arab milodiy 1505 yilga toʻgʻri keladi. Yaʼni Navoiy vafot etgan yili kelib chiqadi. Bunday tarixiy manbaalarning darslikda keltirilishi matematika fanining adabiyot, tarix fanlari bilan aloqadorligini, qolaversa buyuk allomalarni matematika faniga boʻlgan munosabatini koʻrsatadi. Oʻqituvchi bu mavzuni oʻtganda alohida eʼtibor bilan qarashi lozim. Yoki mashhur oʻzbek astronomi Ulugʻbek matematikani, jumladan geometriyani bilmasdan turib, yulduzlarni harakat va oʻrnini, yerning quyosh atrofida aylanishi, quyosh va Oyning tutilishi hodisasini aytib bera olarmidi?

Ota – bobolarimiz geometriya qonun-qoidalariga asoslanmaganlarida Samarqand, Buxoro, Xivadagi mashhur minora, madrasalarni, undagi chiroyli bezak va naqshlarni qura olmas edilar. Mustaqillikka erishganimizdan keyin ayniqsa mamlakatimizda har tomonlama yuksalish yaqqol sezildi. Insonlarning, shu jumladan oʻquvchi yoshlarimizning mafkuraviy ongi oʻsdi.

Oʻzbekistonning buyuk allomalar yurti ekanligiga ishonch hosil qildilar, ota – bobolarimizning qoldirgan boy meroslari bizlar uchun aziz, moʻtabar ekanligini anglab yetdilar.

Oʻquvchilarmiz ongida oʻtmishimizga nisbatan bunday hurmat hissini hosil qilishda toʻgarak mashgʻulotlaridan ham foydalanish zarur. Toʻgarak mashgʻulotlarida qomusiy olimlarning boy ilmiy merosi haqida keng suhbatlashish mumkin. Tarixiy yodgorliklarni oʻquvchilarni oʻzlari borib koʻrishlari, asrlar osha yashab kelayotgan bu imoratlarning mustahkamligiga, ota – bobolarimizning irodali sabotli boʻlganligiga ishonch hosil qilishlari tabiiydir. Vatanimizga nisbatan tuygʻulari ana shu yerda tarkib topadi. Ular

kashfiyotlar, ixtirolar osonlik bilan qo‘lga kiritilmasligining, bular zaminida inson mehnati, uning mashaqqatlari yotganligining guvohi bo‘ladilar, yoshlarimizda mulkka egalik hissi namoyon bo‘ladi. Kelgusida avlodlarimiz, kelajak yoshlar uchun biror ezgulik, yodgorlik, ilmiy meros qoldirish o‘zlarining insoniylik burchi ekanligini, buning uchun barcha fanlarni mukammal o‘rganishlari zarurligini tushunib yetadilar. Milliy merosimizni avaylab-asrashga harakat qiladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Muhammad Ibn Muso Al-Xorazmiy, Tanlangan asarlar. Matematika, astronomiya, geografiya. «Fan», Toshkent 1983y.
2. Yushkevich A.P. Istoriya matematiki v sredniye veka M. 1961y.

**MAQSUD SHAYXZODANING O‘ZBEK TARJIMASHUNOSLIGI
RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI**

Saliyeva Ug'iloy Kalmurat qizi

Toshkent davlat transport universiteti

Elektrotexnika va kompyuter muhandisligi fakulteti

Radioelektron qurilmalari RQ-4

Annotasiya: Maqsud Shayxzoda san`at, adabiyot tarix va falsafaga qiziqgan ko`p qirrali istedod soxibi bo`lgan. Bundan tashqari u mohir tarjimon ham bo`lgan. Uning yaratgan asarlari manaviy merosimiz va boyligimiz hisoblanadi. Ushbu maqolada shoirning o`zbek tarjimashunosligi rivojiga qo`shgan hissasi haqida gap borgan.

Kalit so'zlar: o`zbek madaniyati, mumtoz tarjima, jahon adabiyoti, san`at, badiiy mahorat.

Аннотация: Максуд Шейхзаде был разносторонним талантом, интересовавшимся искусством, литературой, историей и философией. Он также был искусным переводчиком. Его произведения – наше духовное наследие и богатство. В данной статье говорится о вкладе поэта в развитие узбекского переводоведения.

Ключевые слова: узбекская культура, классический перевод, мировая литература, искусство, художественное мастерство.

Abstract: Maqsud Sheikhzadeh was a versatile talent interested in art, literature, history and philosophy. He was also a skilled translator. His works are our spiritual heritage and wealth. This article talks about the poet's contribution to the development of Uzbek translation studies.

Key words: Uzbek culture, classic translation, world literature, art, artistic skill.

Maqsud Shayxzoda XX asr o'zbek madaniyati rivojiga katta hissa qo'shgan shoir, dramaturg, olim, tarjimon va pedagogdir. Shoir she'rlarida O'zbekiston madhi o'zbek xalqining fidoiy farzandlariga bag'ishlovlarday yangraydi. Shoirning "Yaxshilik" she'ri G'. G'ulomga, "Sahna qahramoni" Shukur Burxonovga, "Xiyobon" she'ri Mirtemirga bag'ishlangan. Maqsud Shayxzoda 1944-yili "Jaloliddin Manguberdi" dramasini, 1961-yilda "Mirzo Ulug'bek" fojiasini yaratadi.

XX asrning 30-yillarning o'rtalaridan boshlab esa o'rta maktablarning adabiyot dasturlaridan o'rin olgan jahon adabiyoti namunalarini o'zbek tiliga tarjima qilish vazifasi yuklandi. Shu muborak jarayonda Cho'lpon boshchiligida o'zbek badiiy tarjima maktabi maydonga keldi. Shu maktabda saboq olgan tarjimon-shoir va tarjimon – yozuvchilar orasida Maqsud Shayxzoda faxrli o'rinlardan birini egallaydi. 1936 yilda ulug' rus shoiri A. S. Pushkin vafotining 100 yilligini nishonlash bo'yicha katta tayyorgarlik ishlari boshlanadi. O'zbekiston hukumati shu qarorga asoslangan holda iste'dodli tarjimon-yozuvchilarni Pushkin asarlarini tarjima qilish ishiga jalb etib, Toshkent viloyatidagi xushmanzara maskanlardan biri Chimyonda ular uchun ijodiy sharoit yaratib beradi. Yetti yozuvchi 1936 yilning erta bahoridan qariyb kuz oylariga qadar shu yerda tikilgan yetti o'tovda ijod bilan shug'ullanadilar. Rus tilini, rus va jahon adabiyotining mumtoz namoyandalari ijodini aksar hamkasblariga nisbatan yaxshi bilganligi sababli, Shayxzodaning ham shu yetti tarjimon-yozuvchilar guruhidan o'rin olishi tabiiy edi. U Chimyonda Pushkinning badiiy olamiga yanada chuqur kirib, uning o'ndan ziyod lirik durdonalarini katta ilhom bilan o'zbek tiliga mahorat bilan tarjima qiladi. So'ngra buyuk shoirning "Mis chavandoz" dostoni hamda "Motsart va Salyeri" "kichik tragediya"sini o'zbek tiliga mahorat bilan tarjima qiladi. Shayxzoda rus

shoirining har bir she'ridagi lirik tuyg'u va fikr harakatini chuqur his etibgina qolmay, shu she'rga poetik joziba bag'ishlagan ritm, intonatsiya, takror, qofiya va tovush tovlanishlariga xos badiiy nafosatni ham o'z tarjimasida berishga intilgan. Afsuski, shoir 50-yillar avvalida olis o'lkalarga badarg'a qilingani va tirik qaytib kelganidan keyin ham sovet davlatining tavqi la'natidan xalos bo'lmaganligi sababli, Pushkin asarlari to'rt jildligining 1954–1955 yillardagi nashrida uning tarjimalari yosh shoirlar tomonidan o'zbek tiliga qayta o'girilgan. Natijada Pushkinning Shayxzodaning oltin qalami bilan ado etilgan tarjimalari qayta nashr etilmagan. Shayxzodaning Mayakovskiydan qilgan tarjimalari garchand 50-yillarda salbiy baholangan va tarjimon tarjimada siyosiy xatolarga yo'l qo'ygan, deb ayblangan bo'lsa-da, ular o'zbek badiiy tarjima san'atining o'sha davrdagi eng yuksak namunalari bo'lgan va hozir ham shunday bo'lib qoladi. Tarjimon-shoirning adabiy merosida, yuqorida tilga olingan asarlardan tashqari, yana uchta mumtoz tarjima asar bor. Shularning biri – buyuk ingliz dramaturgi U. Shekspirning “Hamlet” tragediyasidir. Bu asar 1935 yilda Cho'lponning buyuk tarjimasida Hamza nomidagi teatr (hozirgi O'zbekiston Milliy akademik drama teatri)da sahnalashtirilib, tomoshabinlar o'rtasida zo'r muvaffaqiyat qozongan va tarjima o'zbek tarjima madaniyatining shoh namunasi sifatida e'tirof etilgan. Ammo Cho'lpon “xalq dushmani” deb e'lon qilinishi bilan uning nomi teatr afishalaridan o'chirib tashlangan. O'tgan asrning 50-yillarida mazkur asarga bo'lgan katta ehtiyoj talabi bilan mazkur teatr jamoasi Shayxzodaga murojaat qilib, asarni qayta tarjima qilib berishni iltimos qiladi. Shayxzoda “Hamlet”ni tarjima qilishga rozilik beradi. Buyuk so'z ustasidan keyin “Hamlet”ni tarjima qilish oson emas edi. Shayxzoda bu o'ta jiddiy va mas'uliyatli vazifaga kirishishdan avval “Hamlet”ning Cho'lpon qalamiga mansub tarjimasini va turli talqinlarini qunt bilan o'rganadi. Cho'lponning soyasi bo'lib qolmaslik uchun tarjima ustida qattiq ishlab, oylab bedor tunlarni o'tkazadi. Spektaklda band bo'lgan artistlar, ko'nikmaga ko'ra, Cho'lpon tarjimasidagi replikalar, monolog va dialoglarni ijro etishda davom qilgan bo'lsalar-da, “Hamlet”ning Shayxzoda qalamiga mansub tarjimasini ham

daho asarga munosib ijodiy ish edi. Shayxzoda 60-yillarda mazkur teatrning iltimosi bilan Shekspirning yana bir asari – “Romeo va Julyetta” tragediyasini ham tarjima qilib berdi. Ammo mudhish tamg‘a shoir manglayidan hali olib tashlanmagani uchun raqiblar bu tarjima asosidagi spektaklning namoyish etilishiga tish-tirnoqlari bilan qarshilik ko‘rsatishdi. Kun bilan tundan, oq bilan qoradan, hayot bilan o‘limdan iborat hayotning g‘aroyibligini qarangi, qonli 1937 yilda gruzin adabiyotining asoschisi Shota Rustaveli tug‘ilgan sananing 750 yilligi “ko‘p millatli sovet xalqi”ning bayrami sifatida nishonlandi. Shu tarixiy voqea munosabati bilan o‘zbek shoirlari zimmasiga “Yo‘lbars terisini yopingan pahlavon” eposini o‘zbek tiliga o‘girish vazifasi G‘afur G‘ulom, Shayxzoda, Mirtemir, Amin Umariy, Temur Fattoh, Davron, G‘iyos Soatiy, Xolid Rasul va Jumaniyoz Sharifiyga yuklandi. 6500 satrga yaqin bo‘lgan asarni qisqa muddatda tarjima qilish oson bo‘lmagani uchun undan 1700 satr ajratib olindi. Asar “Odisseya” va “Iliada”lar uslubiga yaqin, Rustavelining o‘zi kashf etgan uslubda yozilgani uchun uni o‘zbek tiliga tarjima qilish qiyin kechdi. G‘afur G‘ulom, Mirtemir va Amin Umariy tomonidan qilingan tarjimalar muallif uslubiga yaqin bo‘lgani uchun 1937 yilda “Yo‘lbars terisini yopingan pahlavon” asari Shayxzodaning kirish va xotima so‘zlari bilan birga X. Qurbonov, S. Husayn va N. Oxundiy muharrirligida nashr qilinadi. Asar yosh avlod tomonidan, ayniqsa, qizg‘in kutib olinadi. Shu hol bois M. Davron tomonidan to‘ldirilib, 1941 yili A. Umariy muharrirligida qayta chop etiladi. 1959 yilda Moskvada o‘zbek adabiyoti va san’atining o‘nkunligi o‘tkazilishi munosabati bilan respublika rahbariyati “Yo‘lbars terisini yopingan pahlavon”ni to‘liq tarjima qilib, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi nashriyotiga uning akademik nashrini tayyorlash vazifasini topshiradi. Nashriyot gruzin adabiyotining bu shoh namunasini o‘zbek tiliga tarjima qilishga tarjimonlik faoliyatlari bilan katta hurmat va e’tibor qozongan Shayxzoda va Mirtemirni jalb etadi. “Har ikki tarjimon ham akademiya nashriyotining taklifini mamnuniyat bilan qabul qilib, ijodiy ishga g‘ayrat bilan kirishdilar” – deb yozgan edi J. Sharifiy. Nashriyot Gruziyadan “Yo‘lbars terisini yopingan pahlavon” asarining

maxsus qilingan ruscha satrma-satr tarjimasining to‘la matnini oldi. Bu tarjima 1937 yildagidan tamoman farq qilardi. U hatto bir necha martaba ruschaga badiiy tarjima qilingan ilgari matnlardan, masalan, K. Balmont, P. Petrenko, Sh. Nitsubidze, G. Sagarali tarjimalaridan ham katta farq qilardi. Shu narsa Shayxzoda bilan Mirtemir uchun yana qo‘shimcha qiyinchiliklarni tug‘dirdi. Natijada ular o‘zlarining 1937 yilda qilgan tarjimalarini ham qaytadan tarjima qilishga majbur bo‘ldilar. Muhtaram tarjimonlarimiz Shayxzoda va Mirtemir “Yo‘lbars terisini yopingan pahlavon”ning to‘la va mukammal matnini o‘zbek tiliga tarjima qilib, unutilmas yodgorlik, bebaho asarni xalqimizga taqdim etdilar. Shayxzoda adabiy bilim doirasining kengayishi, ijodining mumtoz jahon yozuvchilari badiiy tajribasi bilan boyishida tarjima muxim rol o‘ynadi. Undan tashqari Maqsud Shayxzoda Shekspirning sonetlari, A.S. Pushkinning she‘rlari, „Mis chavandoz“ dostoni, „Motsart va Salyeri“ tragediyasi, M.Yu. Lermontovning she‘rlari va „Kavkaz asiri“ dostonini, shuningdek, Nizomiy, Fuzuliy, Mirza Fatali Oxundov, Ezop, Esxil, Gyote, Bayron, Nozim Hikmat va boshqa yozuvchilarning ayrim asarlarini o‘zbek tiliga katta mahorat bilan tarjima qildi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki Maqsud Shayxzoda Ozbarbayjon va O‘zbek xalq adabiyotining eng zabardast shoir va adiblaridan hisoblanadi. Mana necha yildirki ijodiy asarlari so‘ngan emas va qalbimizning tub tubidan joy olgan. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov tashabbusi bilan Maqsud Shayxzoda nomiga medal, order, va stipendiyalar joriy etilgan . Uning asarlari va hayotiga qiziquvchi yoshlarimiz juda ko‘p va bundan keyin ham kamaymaydi . Maqsud Shayxzodaning ijodi shu qadar qiziqki u faqat bir yo‘nalishda emas balki turli xil yo‘nalishlarda juda qiziq faoliyat ko‘rsatgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boboyev T. “Adabiyotshunoslik asoslari”. Toshkent. 2002. 558 b.
2. Zokirov M. Maqsud Shayxzoda. Adabiy tanqidiy ocherk, T., 1969.
3. Yusuf Shomansur. Shayxzoda — bunyodkor shoir, T., 1972.
4. G‘afurov I., O‘rtoq shoir. Maksud Shayxzoda ijodiyoti, T., 1975.
5. Maksud Shayxzoda zamondoshlari xotirasida, T., 1983.
6. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixi, T., 1999.
7. S. Mirvaliyev, R. Shokirova “O‘zbek adiblari” G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti T., 2016.
8. Shayxzoda Maksud. Shoir qalbi dunyoni tinglar (Tanlangan asarlar) // Toshkent, „Nihol“, 2008.

**АССОРТИМЕНТНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЮМШОҚ ПИШЛОҚ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ.РАСШИРЕНИЕ
АССОРТИМЕНТА И ПЕРСПЕКТИВЫ УВЕЛИЧЕНИЯ ОБЪЕМОВ
ПРОИЗВОДСТВО МЯГКИХ СЫРОВ.
EXPANSION OF THE RANGE AND PROSPECTS FOR INCREASING
THE PRODUCTION OF SOFT CHEESES.**

Абдуллаева Назолат Расулжон кизи

*Фаргона давлат Университети Биотехнология йуналиши 1 –
боскич магистранти*

Давидов Махмуджон Адхамович

Фаргона давлат университети фан номзоди доцент

Annotatsiya: Ushbu maqolada yumshoq pishloqlar assortimentini kengaytirish va ishlab chiqarishni ko'paytirish istiqbollari haqida ma'lumot berilgan. Innovatsion faoliyat, O'zbekiston Respublikasining oziq-ovqat sohasidagi davlat siyosati dasturiga muvofiq, oziq-ovqat va biologik ahamiyatga ega bo'lgan ommaviy iste'mol oziq-ovqat turlarini kengaytirishga qaratilgan. Tadqiqot ob'ekti mahsulotning kimyoviy tarkibini sozlash uchun biz oziq-ovqat bozorida ommaviy iste'mol qilish tufayli sut va yumshoq pishloq sut mahsulotlarini tanladik.

Аннотация: В данной статье представлена информация о перспективах расширения ассортимента мягких сыров и увеличения производства. Инновационная деятельность, в соответствии с программой государственной политики Республики Узбекистана в области питания, направлена на расширение ассортимента пищевых продуктов массового потребления с повышенной пищевой и биологической ценностью. Объектом исследования для корректировки химического состава продукта

мы выбрали молоко и из молочных продуктов мягкого сыра в силу массового потребления на рынке продуктов питания.

Annotation: This article provides information on the prospects for expanding the range of soft cheeses and increasing production. Innovative activities, in accordance with the program of state policy of the Republic of Uzbekistan in the field of nutrition, are aimed at expanding the range of food products with increased food and biological value. The object of the study for adjusting the chemical composition of the product we chose milk and from dairy products of soft cheese due to mass consumption in the food market.

Kalit so'zlar: chorvachilik ,sut va pishloq, yumshoq pishloq, xalqaro bozor, zamonaviy va innovatsion usul.

Ключевые слова: животноводство, молоко, и, сыр, мягкий сыр, международный рынок, современный и инновационный метод.

Key words: animal husbandry, milk, rang, cheese, soft cheese, international market, modern and innovative method.

Введение

В современном мире концепция здорового образа жизни наиболее выражена и распространена в широком диапазоне возрастной категории людей. Данное явление позволяет менять восприятие концепции «питание – источник энергии» в пользу «питание – основа здоровья». Правильное питание, а также употребление продуктов с обогащенным минеральным составом, витаминами, снижает риск заболеваний, повышает общее эмоциональное и физическое состояние человека.

Инновационная деятельность, в соответствии с программой государственной политики Республики Узбекистана в области питания, направлена на расширение ассортимента пищевых продуктов массового потребления с повышенной пищевой и биологической ценностью. Объектом исследования для корректировки химического состава продукта мы выбрали молоко и из молочных продуктов мягкого сыра в силу массового потребления на рынке продуктов питания.

Анализ литературы и методы

Молоко и молочных продуктов относится к числу наиболее распространенных продуктов питания. Из молочных продуктов мягкий сыр из козьего молоко является доступным продуктом для потребления повсюду всеми группами населения.

Еще давным-давно в древности отмечались полезные свойства козьего молока - в Древнем Риме и Греции его использовали в лечебных целях. Калорийность молока козьего составляет 68 ккал на 100 грамм продукта.

По сравнению с коровьим молоком, общее содержание белков в козьем молоке в два раза выше, а усваиваются они в пять раз лучше. Козье молоко содержит практически все необходимые человеческому организму витамины, минеральные вещества и микроэлементы (калоризатор). Содержание витамина В1 на 50%, а В2 на 80% больше, чем в коровьем. По содержанию кальция и фосфора козье молоко приближается к женскому.

Необходимо подчеркнуть, что козоводство является новой развивающейся отраслью животноводства, поэтому, проведение комплексных исследований качественных показателей и технологических свойств молока различных пород коз и разработка технологий новых видов сыра с использованием козьего молока является основных задач государственной политики в области здорового питания населения.

В связи с принятием постановления президента Республики Узбекистан от 29.01.2020 Г. №ПП- 4576, в целях ускоренного развития животноводческой отрасли, внедрения современных и инновационных методов, увеличения объема и расширения ассортимента производимой продукции, а также бесперебойного обеспечения населения качественной и доступной животноводческой продукцией, произведенной в местных условиях, государственной поддержки предприятий, специализирующихся на животноводстве.

Результаты исследований.

Эксперты-аналитики системно анализируют мировой экономический рынок [2], в том числе мировой рынок сыров [3]. Результатом являются данные о постепенном увеличении производства сыра в ряде стран ЕС и, прежде всего в США.

Сдерживающим фактором ускорения объёмов производства сыра во многих регионах Узбекистана является недостаточное количество сыропригодного молока. Тем не менее, в рамках реализации программы импортозамещения, производители сыра увеличивают объёмы производства твёрдых, полутвёрдых и мягких сыров. При этом установлено, что производство сыров и сырной продукции в каждом отдельно взятом области сохраняет свои особенности, ассортиментная политика обладает достаточной гибкостью и обусловлена потребительским спросом.

Обсуждения

Для развития рынка сыра необходимо: - увеличение доли отечественного производства сыра и снижение доли его импорта;- совершенствование ассортимента сыров, в том числе и за счет новых наименований определенного функционального назначения (для детского и диетического питания), а также освоение производства популярных европейских торговых марок;- повышение качества отечественных сыров, в том числе и за счет обеспечения производителей качественным молочным сырьем, а также внедрения на производстве систем менеджмента качества;

- предотвращение выпуска и реализации фальсифицированных сыров, для чего необходимо определить и регламентировать в нормативных документах идентифицирующие признаки, характерные для сыров определенных подгрупп и разновидностей;

- информационное обеспечение потребителей о полезных свойствах сыров и идентифицирующих признаках определенных торговых марок отечественного производства, что позволит улучшить

культуру потребления сыров. Также необходимо отметить, что решение проблемы импортозамещения на рынке сыров связано не только с увеличением отечественного производства, но и повышения их качества и конкурентоспособности, а также культуры их потребления.

И.М. Мироненко характеризуя ассортимент и технологические особенности мягких сыров, подчеркивает, что класс мягких сыров включает сыры высокожирные (> 60 % жира в сухом веществе), полножирные (45-60 %), полужирные (25-45 %), низкожирные (10-25 %) и обезжиренные (< 10 %). По типу созревания в классе мягких сыров присутствуют сыры, созревающие с поверхности и изнутри, созревающие с плесенью – на поверхности и внутри, без созревания или свежие [4]. Основные показатели мягких сыров представлены в таблице 1.1.

И.А. Смирновой исследованы закономерности технологии мягких сыров с термокислотной коагуляцией, разработаны и внедрены в производство новые виды мягких сыров [5, 6]. А.М. Осинцевым проведено теоретическое и экспериментальное исследование процессов, лежащих в основе свёртывания молока при производстве сыра [7].

Значительный научный вклад в развитие технологии мягких сыров и её практическую реализацию внесли учёные Кемеровского технологического института пищевой промышленности Л.А. Остроумов, М.С. Уманский, В.В. Бобылин, И.А. Смирнова, А.М. Осинцев, Л.М. Захарова, И.В. Буянова и др. [8]

Таблица 1.1 – Основные показатели мягких сыров

Показатель	Характеристика по показателю	Представитель
1	2	3
В	Сыры без созревания	Сливочный, Домашний (зерненный)

<p>зависимости от наличия созреваний</p>		<p>творог, зерненный сыр), Чайный, Нарочь, Клинковский, Останкинский, Любительский свежий, Моцарелла, Черкасский, Геленджикский, Диетический</p>
	<p>Созревающие сыры</p>	<p>Русский камамбер, Белый десертный, Любительский зрелый, Смоленский, Дорожный, Дорогобужский, Нямунас, Рамбинас, Рокфор</p>
<p>В зависимости от вида микрофлоры</p>	<p>Кисломолочные</p>	<p>Сливочный, Домашний (зерненный творог, зерненный сыр), Чайный, Нарочь, Любительский свежий, Геленджикский, Черкасский, Моале,</p>

		Останкинский, Клинковский, Моцарелла, Йогуртовый
	Слизневые	Дорожный, Дорогобужский, Калининский, Медынский
	С белой плесенью на поверхности	Русский камамбер, Белый десертный
	Слизневые и с белой плесенью на поверхности	Любительский зрелый, Охотничий,

Продолжение таблицы 1.1

1	2	3
В зависимости от массовой доли жира	Нежирные (м.д.ж. в сухом веществе не более 10 %)	Домашний (зерненный творог, зерненный сыр), Диетический
	Пониженной жирности (м.д.ж. в сухом веществе от 10 до 25 %)	Рикотга, Моцарелла

В зависимости от типа	Сычужное и сычужно-кислотное	Нарочь, Моале, Русский камамбер, Любительский зрелый. Дорогобужский, Рокфор Сливочный
	Кислотное	Йогуртовый, Клинковый
	Термокислотное	Адыгейский, Рикотта

Вывод

Современный зарубежный опыт производства сыров из козьего молока достаточно велик. Французы, разработавшие уникальную систему сыроварения и классификацию сыров, козы сыры выделили в особую группу-исключительно по типу сырья - и называют все козы сыры просто и лаконично - de Chevre (что в переводе и означает «коза»). Франция по праву считается лидером по производству классических козьих сыров как промышленных, так и фермерских. Французы очень гордятся тем, что традиционное сыроварение уцелело даже в условиях индустриализации - 20% французских козьих сыров делают на небольших фермах.

Одни из самых популярных козьих сыров во Франции: Кроттен де Шавиньоль, Шевр, Шабишу дю Пуато. Таким образом, анализ научно-технической литературы позволил нам определить основные направления расширения ассортимента мягких сыров и повышения их пищевой ценности при экономии основного сырья—молока коровьего. Анализ рынка отечественных мягких сыров показывает, что в Узбекистане линейка данных сыров расширяется. В рамках реализации программы

импортозамещения растет производство элитных сыров; сливочного сыра «Маскарпоне» и других. По-прежнему во всех регионах Ферганской области Узбекистана вырабатывается сыр «Адыгейский». Промышленное производство и переработка козьего молока несомненно будет способствовать росту объемов производства мягких сыров.

Список использованных литератур:

1. Смирнов, Е. Р. Мировой молочный рынок – 2010-2011 гг. / Е. Р.

Смирнов // Молочная промышленность. – 2012. – № 2. – С. 5 - 9.(Smirnov,E.R.Mirova Dairy Market 2010-2011/E.R. Smirnov// Military Industry-2012.-№ 2.-P.5-9).

2. Рыбалова, Т. И. Мировой рынок сыров / Т. И. Рыбалова // Сыроделие и маслоделие. – 2014. – № 1. – С. 4-6. (Rybalova,T.I. Miro market cheese/T.I. Rybalova//Cheese making and butter making. - 2014. - № 1. - P. 4-6).

3. Мироненко, И. М. Мягкие сыры. Ассортимент и технологические особенности / И. М. Мироненко, Д. А. Усатюк // // Сыроделие и маслоделие. –2015. – № 4. – С. 36-40.(Mironenko, I. M. Soft cheeses. Assortment and technological features / I. M. Mironenko, D. A. Usatyuk // // Cheese-making and butter-making. –2015. - №. 4. - S. 36-40).

4. Смирнова, И. А. Биотехнологические аспекты производства термокислотных сыров : монография / И. А. Смирнова. – Кемерово, 2002. – 208 с.(Smirnova, I. A. Biotechnological aspects of production thermoacid cheeses: monograph / I. A. Smirnova. - Кемерово, 2002. - 208 p).

5. Смирнова, И. А. Теоретическое обоснование и исследование закономерностей формирования сыров с термокислотной коагуляцией белков

молока : автореф. дис. ... д-ра техн. наук : 05.18.04 /
Смирнова Ирина Анатольевна. – Кемерово, 2003. – 40 с.(Smirnova, I. A.
Theoretical justification and research patterns of formation of cheeses with
thermoacid coagulation of proteins milk: author's abstract. dis. ... Dr. tech.
Sciences: 05.18.04 / Smirnova Irina Anatolievna. - Kemerovo, 2003. - 40 p.

6. Осинцев, А. М. Теоретическое и экспериментальное
исследование

процессов, лежащих в основе свертывания молока / А. М.
Осинцев. –

Кемерово, 2003. – 120 с..(Osintsev, A. M. Theoretical and experimental
research processes underlying the coagulation of milk / A. M. Osintsev. -
Kemerovo, 2003. - 120 p).

BOSHLANG'ICH SINFLARDA TOVUSHLARNI O'RGATISH

*Jizzax viloyati Sharof Rashidov tumani 5-umumiy o'rta ta'lim
maktabiboshlangich ta'lim o'qituvchisi*

Bektemirova Nodira Ilashovna

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda onatili darslarida tovush va harflarni undoshlarni o'rgatish xususida fikr yuritiladi. Boshlang'ich ta'limda bolada to'g'ri yozish ko'nikmalarini shakillanishiga yordam beradi. Ona tili mashg'ulotlarida o'quvchilar tovush va harflar bilan tanishadi va ularning to'g'ri yozish ko'nikmalarini shakillantirish.

Kalit so'zlar: tovushlar, harflar, fonema, shovqinlilar, sonorlar.

Kirish. Tovush- Nutq jaroyonida real talaffuz qilingan, qulog'imiz bilan eshitgan eng kichik va boshqa mayda bo'lakka bo'linmaydigan nutq parchasidir. Biz tovushlarni aytamiz va eshitamiz. Og'zaki nutqning tovush tizimini o'rganadigan tilshunoslik bo'limi fonetika (yunoncha-phone —tovushldegani) deyiladi. Harf tovushning yozuvdagi shartli belgisidir. Harflarni ko'ramiz, yozamiz, o'qiymiz. Harflar fonemalarning yozuvdagi aksi, tasviridir.

Asosiy qism. Savod o'rgatishda tovush-harf bilan tanishtirish unilardan boshlanadi. Hozirgi o'zbek tilida 6 ta unli fonema mavjud: a, o, i, e, u, o. O'zbek tilida 24 ta undosh tovush bor. Yozuvda ular 23 ta harf bilan ifodalanadi: shulardan 3 tasi harf birikmasi, 21 tasi yakka harf bilan belgilanadi. U lar quyidagilar: b, d, f, g, h, j (jurnal), j (jo _ja), k, l, m, n, p, q, r, s, t, v, x, y, z, g', sh, ch, ng. Undoshlarni o'rgatishda ham muayyan tartibga, talabga asoslaniladi. Harf birikmalarini o'rgatishdagi qiyinchilik hisobga olingan holda, ularning alifbe davrining oxirgi bosqichida o'rganilishi maqsadga

muvofigdir. J harfi ikki tovushni ifodalaydi, shuni hisobga olib, unga alohida darslar ajratiladi. Birinchi darsda portlovchi j tovushini o'rgatish, talaffuzini tushuntirish, analitik-sintetik mashqlar yordamida ko'nikmalar hosil qilinadi, keyingi darsda esa sirg'aluvchi j tovushi va uning talaffuzi o'rgatiladi. So'ng bu ikki tovushning talaffuzidagi farq taqqoslash usuli orqali tushuntiriladi.[1]

Tovushlar va ularning tasnifi.

Tovushlar og'iz bo'shligida to'siqqa uchrashi yoki uchramasligiga ko'ra ikki guruhga bo'linadi: unli va undosh. Unli tovushlar - og'iz va bo'g'iz bo'shligida hech qanday to'siqqa uchramay hosil bo'ladigan, tarkibi ovozdan iborat (shovqin deyarli ishtirok etmaydigan) tovushlar. Unli tovushlar tasnifi-ular quyidagicha tasnif qilinadi:

I. Tilning gorizontal harakatiga ko'ra

a) Old qator

b) Orqa qator

II. Tilning vertikal harakatiga ko'ra

a) Yuqori tor unlilar

b) O'rta keng (keng) unlilar

c) Quyi keng unlilar

III. Lablarning ishtirokiga ko'ra

a) Lablangan

b) Lablanmagan

Undosh tovushlar- og'iz va bo'g'iz bo'shligida turli to'siqlarga uchrab paydo bo'ladigan, tarkibi fatsat shovqindan yoki ovoz va shovqindan iborat tovushlar. Ularning talaffuzida havo oqimi sirg'alib yoki portlab chiqadi. Bu havo oqimi un paychalarini titratib yoki titratmay o'tadi.

Natijada turli jihatdan birbiridan farkli. Undosh tovushlar hosil bo‘ladi. Dunyodagi har bir til o‘ziga xos undoshlar tizimiga ega.[2]

Tildagi undoshlar tizimi konsonantizm (lot. consonans — undosh tovush) deyiladi. Undosh tovushlar 3 tomonlama tasnif qilinadi.

I. Hosil bo‘lish o‘rniga ko‘ra undoshlar 3 xil bo‘ladi.

a. Lab undoshlari

b. Til undoshlari

c. Bo‘g‘iz undoshlari

II. Hosil bo‘lish usuliga ko‘ra undoshlar 3xil bo‘ladi.

a. portlovchilar

b. S irg‘aluvchilar

c. Qorishiq (affrikat)

III. Ovoz va shovqinning ishtirokiga ko‘ra 2 xildir.

a. Jaranglilar

b. Jarangsizlar

O‘zbek tili yozuvi tovush yozuvi hisoblanadi, chunki tovush yozuvda harflar bilan ifodalanadi. [3]1-sinf o‘quvchilari quyidagilarni bilib olishlari lozim:

a) tovushni talaffuz qilamiz va eshitamiz;

b) harfni ko‘ramiz, o‘qiymiz va yozamiz;

v) harf – tovushning yozuvda ifodalanadigan belgisi.

O‘quvchilar ko‘pincha tovush bilan harfni aralashtirib, xatoga yo‘l qo‘yadilar. Ularda grafik malakani shakllantirish uchun quyidagilarni o‘rgatish zarur:

1) bir undosh harf yozuvda ikki undosh tovushni ifodalashi mumkin (masalan, maktab soʻzidagi b harfi p tovushini, makt abim soʻzidagi b harfi b tovushini ifodalaydi);

2) joʻja, jajji soʻzlaridagi j tovushi (jarangli, portlovchi) ham, jurnal, vijdon soʻzlaridagi j tovushi (jarangli, sirgʻaluvchi) ham bitta j harfi bilan ifodalanadi;

3) tong, keng soʻzlaridagi uchinchi jarangli undosh tovush (ng) ikki harf birikmasi (ng) bilan ifodalanadi;

4) sh, ch harf birikmalari ham bir tovushni ifodalaydi (shamol, choy).

Xulosa.Xulosa oʻrnida shuni keltirishimiz mumkinki, oʻsib borayotgan har bir yosh avlod har tomonlama yetuk shaxs boʻlib yetishmogi, ushbu ozod va obod vatanimizga, ulugʻ ota-bobolarimizga munosib farzand boʻlib oʻsib unmogʻi- lozim. Buning uchun yoshlogidan, mustahkam bilim olib borishi darkor.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.I.Azimova, K.Mavlonova 1-sinf —Ona tili va Oʻqish savodxonligi Toshkent .2021-yil.

2. I.Azimova, K.Mavlonova 2-sinf —Ona tili va Oʻqish savodxonligi Toshkent .2021-yil.

3. S.Matchonov, H.Bakiyeva, X.G_ ulomova ,Sh, Yo_ ldoshev, G.Xolboyeva ..Ona tili va uni oʻqitish metodikasi .darslik .Toshkent.2021-yil

**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING MATEMATIK
TASAVVURINI VA DUNYOQARASHINI KENGAYTIRISH USULLARI
VA VOSITALARI**

Farg`ona viloyati Marg`ilon shahar Pedagogika kolleji,

Bolalarni matematik tasavvurlarini

shakllantirish fani o`qituvchisi

Abdurahmonova Nilufar Abduraximovna

Annotatsiya: Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda erta yoshdan boshlab matematik tasavvurlarni boyitish, ularning dunyoqarashini kengaytirish, mashg'ulot jarayonida matematik tushunchalar bilan tanishtirishda interfaol usullardan foydalanish, ularni zamon bilan hamnafas yashash ruhida tarbiyalash haqidagi fikrlar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: matematik tasavvurlar, raqamli iqtisodiyot, matematik ong, zamonaviy maktabgacha ta'lim, tenglik va tengsizlik, didaktik materiallar, geometrik shakllar, taqqoslash, hisoblash.

Аннотация: В данной статье изложены идеи обогащения математического воображения дошкольников с раннего возраста, расширения их мировоззрения, использования интерактивных методов введения математических понятий в процессе обучения, воспитания их в духе жизни в ногу со временем.

Ключевые слова: математическое воображение, цифровая экономика, математическое сознание, современное дошкольное образование, равенство и неравенство, дидактические материалы, геометрические фигуры, сравнение, расчет.

Abstract: This article describes ideas about enriching mathematical imagination in preschool children from an early age, expanding their worldview, using interactive methods in introducing mathematical concepts in the process of training, educating them in the spirit of living together with the Times.

Keywords: mathematical imagination, digital economy, mathematical consciousness, modern preschool education, equality and inequality, didactic materials, geometrical forms, comparison, calculation.

Zamon shiddat bilan o'zgarib borayotgan bugungi kunda yurtimiz o'ziga xos rivojlanish, yangilanish, yuksalish yo'lidan bormoqda. Davlatimizning iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlash uchun ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy va ma'rifiy sohalarda tarkibiy islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu iqtisod sohasi bo'ladimi yoki ma'naviyatmi, butun dunyo bunday holatni ijobiy baholab, O'zbekistonni o'ziga xos yo'ldan odimlab borayotganligini e'tirof etmoqda. Bularning barchasining zamirida yuksak ma'naviyatli, aql-idrokli, zamon bilan hamnafas yashaydigan, ijod qiladigan, kelajagimiz egalari bo'lmish zukko bolalarni, yoshlarni tarbiyalash, ularning har sohada dunyoqarashini shakllantirish, yoshligidan atrof-olam haqidagi va matematik tasavvurlarini boyitish masalasi yotadi. Yoshlarda matematika faniga qiziqishni kuchaytirish, iqtidorli bolalarni seleksiya qilib, ixtisoslashtirilgan maktablar va keyinchalik oliy ta'lim muassasalariga qamrab olish ishlarini to'g'ri tashkil qilish kerakligi, bu fan bo'yicha o'quvchi, talaba va o'qituvchilar o'rtasida turli tanlovlar o'tkazib, g'oliblarni munosib rag'batlantirish, olimpiada tizimini takomillashtirgan holda sovrindorlarga beriladigan mukofotlarni ko'paytirish muhimligi, o'qitish sifatini yangi bosqichga ko'tarish, matematika fanidan bilimlarni baholash bo'yicha milliy sertifikatlash tizimini joriy etish zarurligi maqsad qilib olindi. Davlatimiz rahbari o'z murojaatnomalarida ta'kidlaganlaridek, "Matematika hamma aniq fanlarga asos. Bu fanni yaxshi bilgan bola aqlli, keng tafakkurli bo'lib o'sadi, istalgan sohada muvaffaqiyatli ishlab ketadi. Bolalar uchun mazkur fandan oddiy va tushunarli tilda yozilgan ommabop darslik va o'quv qo'llanmalari

yaratish, matematik ongini, kerak bo'lsa, bog'chadan boshlab shakllantirish lozim". Maktabgacha yosh davri-bolalar dunyoqarashi rivojlanishidagi muhim bosqich bolib hisoblanadi, bu davrda ularning fiziologik, psixologik, jismoniy, ruhiy, ma'naviy, axloqiy, aqliy jihatdan rivojlanadi va shu bilan birgalikda insonlarga mehr oqibatli bolish, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat qilish kabi bir qator insoniy fazilatlarni tarbiyalashga zamin yaratiladi. Shu boisdan maktabgacha tarbiya muassasalarida mazkur maqsadlarga kora qator ishlarni olib borish, shu jumladan, turli didaktik oyin texnologiyalaridan foydalanish va boshqa vositalar orqali bolalarning elementar matematik tasavvurlarini shakllantirish, ularni har tomonlama barkamol, jismonan soglom, aqlan yetuk, ruhan tetik qilib tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Maktabgacha ta'lim yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishning poydevori hisoblanadi. Shuning uchun bizning asosiy vazifamiz maktab yoshigacha bo'lgan bolalarni bilimga undash, faollikka chaqirish, amaliy faoliyatning har bir turida matematik tushunchalarning muhimligini ko'rsatish, fikrlashga o'rgatishdan iboratdir. Demak, zamonaviy maktabgacha ta'lim oldida bolalarga yoshligidan boshlab mustaqil, faol matematik tushunchalarni rivojlantirish vazifasi turibdi. Bolalarga matematikadan ta'lim berish va maktabgacha ta'limdagi o'quv-tarbiya jarayonini takomillashtirishning maqsadlaridan biri - bu bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirishdir. Ulardagi matematik bilim hayotdan ajralmagan holda dunyoni chuqurroq, to'laroq o'rganishga imkon yaratadi. Kichik guruh bolalarini o'qitish ko'rsatmali amaliy tusda olib boriladi. Bola yangi bilimlarni tarbiyachining harakatini kuzatayotganida, uning tushuntirish va ko'rsatmalarini tinglab turganida hamda didaktik material bilan o'zi ishlagan vaqtda bevosita idrok etish asosida o'zlashtiradi. Mashg'ulotlar ko'pincha o'yin elementlari to'satdan o'yinchoqlar, buyumlar paydo bo'lishi, „mehmonlar“ kelib qolishi va boshqalar bilan boshlanadi. Bunday vaziyat kichkintoylarni qiziqtiradi va faollashtiradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda boshlang'ich matematik tasavvurlarni shakllantirish jarayonida pedagog turli xil o'qitish usullaridan foydalanadi: amaliy

-I- ko'rgazmali

-I- og'zaki

-I- o'yin tarzida.

Metodlarni tanlashda bir qator omillar hisobga olinadi: ushbu bosqichda hal qilinishi kerak bo'lgan dastur vazifalari, bolalarning yoshi va individual xususiyatlari, zarur didaktik vositalarning mavjudligi va boshqalar. Tarbiyachi usul va metodlarni to'g'ri tanlash, ulardan har bir holatda oqilona foydalanish uchun quyidagilarga e'tibor qaratishi lozim:

- boshlang'ich matematik tasavvurlarni muvaffaqiyatli shakllantirish va nutqda aks ettirish;

- tenglik va tengsizlikning munosabatlarini (soni, hajmi, shakli bo'yicha), ketma-ket bog'liqlik (o'lchamning kamayishi yoki ko'payishi, sonning ko'payishi) munosabatlarini idrok qilish va ta'kidlash, tahlil qilinadigan obyektlarning umumiy xususiyati sifatida miqdori, shakli, o'lchamlarini ajratib ko'rsatish, o'zaro bog'liqligini aniqlash.

- bolalarni o'rganilgan amaliy harakatlar usullarini (masalan, taqqoslash, hisoblash, o'lchash orqali) yangi sharoitlarda qo'llashga yo'naltirish va bu vaziyatda muhim belgilarni, xususiyatlarni, munosabatlarni aniqlash, uning amaliy usullarini mustaqil izlash. Masalan, o'yin sharoitida ketma-ketlikni, o'zgaruvchan belgilarning naqshini, umumiy xususiyatlarini aniqlash.

Boshlang'ich matematik tasavvurlarni shakllantirishda yetakchi usul amaliy usul hisoblanadi. Uning mohiyati obyektlar yoki ularning o'rnini bosuvchi narsalar (rasmlar, grafik chizmalar, modellar va boshqalar) bilan qat'iy belgilangan harakatlar usullarini o'zlashtirishga qaratilgan bolalarning amaliy faoliyatini tashkil etishdir. Boshlang'ich matematik tasavvurlarni shakllantirishda amaliy uslubning o'ziga xos xususiyatlari:

- turli amaliy harakatlarni amalga oshirish;

- didaktik materialdan keng foydalanish;
- didaktik material bilan amaliy harakatlarning o'zaro bog'liqligi;
- eng oddiy shaklda hisoblash, o'lchash va hisoblash ko'nikmalarini rivojlantirish;
- shakllangan g'oyalar va o'rganilgan harakatlardan kundalik hayotda, o'yinda, ya'ni turli tadbirlarda keng foydalanish.

Ushbu metod topshiriq shaklida taqdim etilishi mumkin bo'lgan, tarqatma didaktik material asosida mustaqil ish sifatida bajariladigan maxsus mashqlarni o'z ichiga oladi. Boshlang'ich matematik g'oyalarni shakllantirishda o'yin mustaqil ta'lim usuli sifatida namoyon bo'ladi. Biroq, bu amaliy faoliyatni o'zlashtirishda turli xil o'yinlarning alohida ahamiyatini hisobga olgan holda, barcha sonlarni, raqamlar qatorini, hisobni, guruhlashni, umumlashtirishni, taqqoslashni va boshqalarni o'z ichiga oladi. Boshlang'ich matematik tasavvurlarni shakllantirish bo'yicha barcha didaktik o'yinlar bir necha guruhga bo'linadi:

1. Raqamlar va tartib sonlarga asoslangan o'yinlar
2. Vaqtga oid sayohat o'yinlari
3. Koinotda mo'ljalga olish o'yinlari
4. Geometrik shakllar bilan o'yinlar
5. Mantiqiy fikrlash o'yinlari

Bundan tashqari o'yinlar yordamida bolalar uchun ba'zi fazoviy tasavvurlar aniqlanadi, o'ng va chapni farqlash, narsalarni chapdan o'ngga qarab o'ng qo'l bilan ko'rsatish, yuqoridagi va pastki buyumlar, chapdan o'ngga iboralarini tushunish ko'nikmasi mustahkamlanadi. Bolalar figuralar - doira, kvadrat, uchburchakni sezish, harakat va ko'rish yo'li bilan tekshirib ko'rishni mashq qiladilar, ularni rang va hajmlaridagi farqlarga qarab o'rganadilar.

Raqamlar va sanoq haqida tushunchalarga ega bo'lgandan so'ng bolalarga vaqtini bilish, hafta, yil, oy, sana kabi ma'lumotlar singdiriladi. Katta guruhlarda esa mantiqiy misol va masalalarga javob topish yo'llari turli xil usullar yordamida o'rgatiladi. Ana shunday sharoitda yangi bilimlar o'zaro bir-biriga uzviy bog'lanadi. Natijada ular kengayadi, umumlashadi va mustahkamlanadi. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, shunday xulosa qilish mumkinki, bolalarda matematik tushunchalarni shakllantirish tarbiyachi (pedagog) rahbarligida, maqsadli tashkil qilingan faoliyat jarayonida samarali rivojlanadi. Tarbiyachi (pedagog) rahbarligida ta'lim jarayonida umumiyashtirish, fikrlash, mantiqiy bog'lash bilimlari rivojlanadi va bu pedagogik jarayonda o'z aksini albatta topadi. Fan-texnika va hayotning zamonaviy rivojlanish darajasi maktabgacha ta'lim oldiga o'sib kelayotgan yosh avlodlarga ta'lim-tarbiya berish jarayonini uzluksiz tako-millashtirish vazifasini qo'yadi. Psixologlar, pedagoglar va metodistlar tajribali o'qituvchilar bilan birgalikda matonat bilan darsni tashkil etish yo'llari, shakllari hamda uslublarini izlashmoqda, bilim va ko'nikmalar sifatini ko'tarish sharoitlari ishlab chiqilmoqda. Ta'lim-tarbiya sifatini kuchaytirish talablarini qo'yayotganda yosh avlod bilan matonatli xizmat qilish muhimdir, maktabgacha ta'lim faqatgina aniq bilimlar hajmini belgilabgina qolmay, balki o'zlashtirilgan bilimlar, olingan natijalar asosida bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirishdan iboratdir. Bunday mas'uliyatli vazifalarni bajarish uchun yurtimizda barcha sharoitlar muhayyo! Shu paytgacha yurtimiz farzandlari uchun axborot texnologiyalari, matematika, fizika, astronomiya, biologiya sohalarida chuqurlashtirib o'qitiladigan maxsus maktablar, maktabgacha ta'lim tashkilotlari, iqtidorli o'quvchilar uchun Prezident maktablari ochildi. Ilm-fanga e'tibor kuchaytirildi. Fan doktorlari, nomzodlari, universitet o'qituvchilarining maoshlari oshirildi. Ularning ilm-fan bilan shug'ullanishlari uchun sharoitlar yaratilib, ilmiy loyihalar uchun ajratiladigan grant mablag'lari summalari bir necha baravarga ortdi. Bularning bari Prezidentimizning murojaatlaridan kelib chiqib oldimizga qo'yilgan

vazifalarning bir qismi xolos. Vatanimiz va xalqimiz oldida oldimizga qo'yilgan vazifalarni amalga oshirishda yuzimiz hamisha yorug' bo'lsin!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydagi "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" PQ-4312-son Qarori //

2. Abdullayeva N.Sh. Maktabgacha ta'limni variativ yondashuv asosida takomillashtirish: Avtoref. ... ped. fan..fals dok. (PhD) - T., 2019. - B. 22-23.

3. Abdurahimova D.A. Xalq og'zaki ijodi namunalari vositasida maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash tizimini takomillashtirish: Pedagogika fanlari doktori (DSc) ... avtoreferati. - Toshkent, 2020. - 74 b. (B.31)

4. A'zamova M.N. Maktabga tayyorlov guruhleri tarbiyalanuvchilarida do'stona munosabatlarga asoslangan hamkorlik ko'nikmalarini shakllantirish tizimini takomillashtirish: Pedagogika falsafa doktori (phd) avtoreferati. - Toshkent, 2020. -45 b. (B.18)

5. Ганжиев Ф.Ф. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланиши: Психол согия ... фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. - Бухоро, 2021. -169 б. (Б. 116-117)

**МАКТАБ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТА'ЛИМ-ТАРБИЯ
МУАММОЛАРИ**

Shermatov Nuriddin Nozimjon o'g'li

*Farg'ona viloyati Bag'dod tumani 25-umumiy o'rta ta'lim maktabining
jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi*

Annotatsiya: So'nggi yillarda bolalar va o'smirlarning salomatligi va jismoniy rivojlanishida sezilarli yaxshilanish kuzatilmayapti, shuning uchun bizning davrimizda jismoniy tarbiya muammolari ayniqsa dolzarbdir. Har qanday kasallikka chalingan yoki tez-tez va uzoq vaqt kasal bo'lgan bolalar, ayniqsa, tananing funktsional holatiga mos keladigan jismoniy faoliyatga muhtoj. Maktab o'quvchilarining jismoniy ta'lim-tarbiya masalalari jismoniy tarbiya muammolarini samarali hal qilish va uning maqsadiga erishish imkonini bermaydi.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, maktab, o'quvchilar, bolalar tarbiyasi.

Jismoniy madaniyatni o'rganishning asosiy vositasi - bu bolaning muhim asoslarini, ya'ni har bir inson uchun ob'ektiv zarur va majburiy bo'lgan jismoniy madaniyat darajasini, bola kelajakda nima qilishni xohlashidan qat'i nazar, ularsiz hayotni samarali amalga oshirish mumkin emas.

Mamlakatda aholini jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanishning yangi milliy tizimini yaratish, shuningdek, aholining turli toifalari va guruhlari, jumladan, umumiy o'rta ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya tizimini modernizatsiya qilish zarur. Bundan tashqari, jismoniy tarbiya va sport sohasida infratuzilmani rivojlantirish hamda jismoniy tarbiya va sport faoliyatini moliyaviy ta'minlashni yaxshilash mamlakatimizda jismoniy tarbiyani yanada rivojlantirishga xizmat qiladi. Bugungi kunda mamlakatimizda sog'liqni saqlash

tizimi, ta'lim, fan, mahalla va boshqa sohalarda milliy loyihalar amalga oshirilmoqda. Odamlar birmuncha yaxshi yashay boshladi, xalq va hokimiyat o'rtasidagi aloqa va ishonch asta-sekin tiklanmoqda. Bu darhol hududlarda jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishiga ta'sir qildi.

Bugungi kunda maktab o'quvchilarining aksariyat qismi quyidagi kun tartibiga amal qilishadi: bolalar uyg'onib, eng foydali taom bo'lmagan nonushta qilishadi, maktabga borishadi, ular kuniga olti yoki undan ko'p soatni stollarida o'tirishadi. Uyga qaytgach, ular uy vazifalarini bajaradilar va kunning qolgan qismini kompyuter yoki televizor qarshisida o'tkazadilar. Albatta, barcha maktab o'quvchilari bu rejimda yashamaydilar, ammo shunga o'xshash jadvalda bo'lganlar juda ko'p. Bunday holat katta muammolarni keltirib chiqaradi.

Ushbu muammoni hal qilish uchun bir qator chora-tadbirlar amalga oshirildi:

-maktabda jismoniy tarbiya darsining uchinchi soatining joriy etilishi maktab o'quvchilarining jismoniy faolligini oshirish imkonini berdi;

-jismoniy tarbiya darsini zamonaviy, qiziqarli va kulgili qilish uchun mo'ljallangan yangi ta'lim standartlarini joriy etish. Ko'pgina fitnes markazlarida "bolalar uchun fitnes" yo'nalishi bo'yicha butun bo'limlar mavjud, sog'lom turmush tarzini faol targ'ib qilish ishlari olib borilmoqda.

Insho - ijodiy ish: oʻquvchidan faollik, qiziqish, fikr bildirishni talab qiladi. Material tayyorlash, uni tartibga solish, insho kompozitsiyasi va rejasi haqida oʻylash, logik bogʻlanishni belgilash, soʻz, soʻz birikmasini tanlash, gap tuzish va uni oʻzaro bogʻlash, imloni tekshirish kabi barcha murakkab ishlar oʻquvchidan aqliy kuchini toʻla ishga solish bilan birga, oʻz maʼnaviy faoliyatini boshqarish koʻnikmasini ham talab etadi.

Inshoda til nazariyasi nutq tajribasi bilan qoʻshiladi. Oʻquvchi inshoni, u mustaqil, ijodiy xarakterda boʻlgani, «oʻziniki»ni yozgani uchun ham sevadi.

Maktab rivojining barcha bosqichlarida bolalarning mustaqil tuzgan hikoyasi - inshoga alohida ahamiyat berilgan. Maktablar yangi, oʻquvchilar nutqini oʻstirish, aqliy, ijodiy oʻsishiga moʻljallangan dasturga oʻtishi munosabati bilan uning ahamiyati yanada oʻsdi.

Ogʻzaki va yozma insho material manbaiga, mustaqillik darajasiga, tayyorlash usuli, janri va til xususiyatiga qarab tasnif qilinadi.

Insho material manbaiga koʻra uchga boʻlinadi: 1) oʻquvchining oʻzi koʻrgan-bilganlari, eshitganlari haqidagi, yaʼni mehnat, kuzatishlar, ekskursiyalar, oʻyinlar, oʻz tajribasi va boshqa jonli materiallar asosidagi insho; 2) kitob materiali, rasmlar, film, spektakl, oʻqituvchi hikoyasi va boshqa manbalar asosidagi insho; 3) turli manbalar materialidan foydalaniladigan insho.

Mustaqillik darajasiga, tayyorgarlik koʻrish metodiga koʻra insho ikki xil boʻladi: 1) sinf oʻquvchilari uchun umumiy bir mavzu asosida jamoaviy tayyorgarlikdan soʻng yoziladigan insho; 2) alohida mavzu asosida individual tayyorgarlikdan soʻng yoziladigan individual insho.

Janriga ko'ra hikoya, tasvir, muhokama tarzidagi inshoga bo'linadi. Boshlang'ich sinflarda tasvir va muhokama elementlari mavjud bo'lgan hikoya tarzidagi inshodan ko'proq foydalaniladi.

Inshoni tasnif qilish ta'limiy vazifalarni chuqur anglash va metodik vositalarni tanlashga, shuningdek, ish turlarini zaruriy yo'nalishda, baravar taqsimlashga yordam beradi.

Dasturga ko'ra, 1-sinf o'quvchilari o'yinlari, mehnatlari, voqea-hodisalar haqidagi taassurotlari asosida o'qituvchi rahbarligida hikoya tuzishlari va uni ma'lum tayyorgarlikdan so'ng yozishlari; 2 - sinfda rasmlar seriyasi asosida kichik hikoya tuzish va uni jamoa tarzda tuzilgan reja asosida yozish; tabiatni kuzatish va mehnat jarayoni haqida, bolalarning o'yinlari, ishlari, sayillari haqida, avval o'qituvchi rahbarligida, keyin mustaqil ravishda kichik hikoya tuzish va uni yozish, shaxsiy ishlari haqida xat yoza olish; 3 - sinfda rasmlar (bir mavzuga oid bir necha rasm, syujetli bir rasm, rasmni tasvirlash) asosida, hayotiy tajribalari, kuzatishlari, ekskursiyalardan olgan taassurotlari asosida rejani, avval kollektiv ravishda, keyin mustaqil tuzib hikoya qilish va uni yozish talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

I. IJTIMOIIY-SIYOSIIY

1. Karimov I.A. Barkamol avlod-O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T.: 1998.
2. Karimov I.A. Yangicha fikrlash va ishlash davr talabi. T.: 1997. 5-jild.
2. Mirziyoyev Sh. M. Tanqidiy tahlil, qat'iy intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston.2017.

II. ILMIY-USLUBIIY

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» qonuni. T.: 1997.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 martdagi "Umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida" gi 140-sonli qarori.

3. UMUMIY O'RTA TA'LIMNING DAVLAT TA'LIM STANDARTI VA O'QUV DASTURI. BOSHLANGICH TA'LIM. Toshkent, 2017

1. Abdullayeva K. Nazarov K. Yo'ldosheva Sh. Savod o'rgatish darslari

. T.: O'qituvchi.2006.

1. Ikromova R. Gulomova X. Yo'ldosheva Sh. Shodmonqulova D. Ona tili . 4- sinf uchun T.: O'qituvchi. 2010.

1. Fuzailov S., Xudoberganova M., Ona tili . 3- sinf uchun T.: O'qituvchi .2011.

2. Gafforova T. G'ulomova X. Eshturdiyeva G. 1- sinfda savod o'rgatish. T.: Sharq. 2011.

3. Gapparova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. Alifbe .(Savod .) ” T

.: “O'qituvchi ”2009.

4. Gulomov M. Yozuv daftari. T., Ma'naviyat. 2010.

5. Gulomova X. Yo'ldosheva Sh.Shermatova U. 4- sinfda ona tili darslari. T.: O'qituvchi . 2009.

6.

7. Matchonov S. va boshqalar 4- sinfga o'qish darlari , T.,2012.

8. Safarova R. va boshqalar “Alifbe ” T ., 2010.

9. Safarova R. Va b. Savod o'rgatish. T.: Ma'naviyat. 2008.

10. Tolipov U., Usmonbekova M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. T.: Fan. 2009.

11. Umarova M., Nabiyeva M. “Bayonlar to’plami” Toshkent.2013
12. Xudoyberganova M. “ Insholar to’plami ” Toshkent. 2005.
13. Xudoyberganova M. Muxtorova M. 3- sinfda ona tili darslari. 3- sinf uchun T.: O’qituvchi .2012.
14. Yuldoshev J.G., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari., T.: O’qituvchi. 2012.
15. Qosimova K. Fuzailov S. Ne’matova A. Ona tili . 2- sinf uchun Cho’lpon. 2010.
16. Qosimova K. Ne’matova A. 2- sinfda ona tili darslari T.:Cho’lpon. 2012.

INTERNET MA’LUMOTLARI:

www.ziyonet.uz

www.edu.uz

www.maktabim.uz

www.pedagog.uz

**BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING SAVODXONLIGINI
OSHIRISHDA O'QITUVCHINING OG'ZAKI VA YOZMA NUTQINI
TUTGAN O'RNI**

Quvatova Zulayho Maqsudovna

*Andijon shahar XTBga qarashli 54-umumta'lim maktabi boshlang'ich
sinf o'qituvchisi*

Baxramova Gavxarxon Ibragimjonovna

*Andijon shahar XTBga qarashli 54-umumta'lim maktabi boshlang'ich
sinf o'qituvchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqini rivojlantirish usullari haqida fikrlar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: ritorika, nutq, fikr, notiq nutqi, mustaqil fikrlaydigan

Ritorika yunoncha “ notiqlik san'ati” keng ma'noda esa badiiy nasr haqidagi fan bo'lib, miloddan avvalgi V-IV asrlarda Yunonistonda yuzaga kelgan. Miloddan. avvalgi III-II asrlarda tizimli fan sifatida shakllangan. U Sharqda voizlik san'ati sifatida nom qozongan. Bizga ma'lumki, ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilar ongiga va qalbiga berilayotgan bilim, ko'nikma va malakalarni chuqur singdirish, jismonan sog'lom, ma'nan yetuk, har tomonlama barkamol rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, intellektual salohiyatli, chuqur bilim va zamonaviy dunyoqarashga ega, Vatan taqdiri va kelajagi uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan, o'ziga va o'z imkoniyatiga ishongan yosh avlodni tarbiyalab, voyaga yetkazish bugungi kun va pedagogikaning asosiy maqsad va vazifalaridan biriga aylangan. Shu nuqtai nazardan, boshlang'ich ta'lim doirasida ta'lim sifati va samaradorligini oshirish, ya'ni bolada ijobiy munosabatni shakllantirish, o'qish savodxonligini tarkib toptirish, ularda mantiqiy va ijodiy tafakkurni shakllantirish, ularni og'zaki va

yo'zma muloqot me'yorlarini egallashga hamda o'z-o'zini boshqarish va tuta bilishga o'rgatish uchun boshlang'ich sinflarda sifatli ta'limiy faoliyatni tashkil etishga alohida e'tibor qaratish lozim bo'ladi.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar bilimi sayoz bo'lsa, yuqori sinflarda ham fanlarni o'zlashtirishi talab darajasida bo'lmasligi aniq, ya'ni ta'limda poydevorni mustahkam qo'ymay turib, uning pirovard natijasiga erishib bo'lmaydi. Shunday ekan, sohada hal qiluvchi o'rin tutadigan malakali kadrlar ta'minoti, ularning kasbiy salohiyatini oshirish borasida alohida e'tiborga molik talablar joriy etilgan. Hozirgi kunda o'qituvchiga qo'yiladigan malaka talablari, umuman, shu kabi me'yorlar zamon talabidan kelib chiqqan holda ishlab chiqilmoqda. Boshlang'ich sinflar uchun belgilangan bilimlar massasini o'qituvchi o'quvchiga to'liq va to'g'ri yetkazib berishi juda muhimdir. Zero, bu o'qituvchining notiqlik san'ati, ya'ni ritorika salohiyatiga bog'liqdir. Voizlik san'ati pedagogning o'quvchiga ta'sir etish va yetkazib berishining asosiy kalitidir. Binobarin, pedagogda bilim va fikrlash san'ati bor, biroq notiqlik va e'tibor tortish san'ati bo'lmasa, dars ilmiy-metodik jihatdan to'g'ri tashkil etilsada, o'z samarasini bermaydi. Bunda ritorikaning 5 qismini ko'rib chiqish va pedagog bularning bari yuzasidan o'zida kasbiy va metodik mahoratni shakllantirish bo'yicha ishlashi lozim. Materialni topish. Topilgan va berilmoqchi bo'lgan bilimlar to'plami qabul qiluvchi, ya'ni o'quvchining yosh va individual xususiyatlariga mos bo'lishi lozim. O'quvchi yoshi va shaxsiy xususiyatlariga mos bo'lmagan yangi tushunchalar ular ongida singib, o'z aksini topmaydi. Tushunish oson bo'lishini ta'minlash va ma'lumotlarni joylashtirish. Maktabgacha ta'lim va kichik maktab yoshidagilar ta'limida o'zlashtira olmaslik sabablari sifatida e'tirof etiluvchi bu jihat o'quvchi bilish faoliyatiga kuchli va tartibsiz bosimni yuzaga keltiradi.

Qadimgi yunon notiqklarining fikricha, yaxshi nutqning kuchi fikrlarning o'zaro bog'lanishi bilan belgilanadi. Agar tinglovchilar bir fikrni qabul qilsa, u bilan bog'liq qolgan fikrlarni ham tan oladi. Demak, tayyorlangan materiallar

tushunishga oson bo'lishini ta'minlash uchun to'g'ri izchillik asosida prinsipi asosida berilishi lozim. Bu orqali izchil muntazam o'qilayotgan fanlar orqali o'quvchilarda bilish qobiliyati, o'zlashtirish darajasi va ularning ijodiy kuchlarini rivojlantirib borishni nazarda tutadi. So'z bilan ifodalash. Notiqning nutqi bu uning asosiy qurolidir. Olimlar uni dudama hanjariga qiyos etishadi. Ya'ni u ikki tomoni ham kesuvchi quroldir. Bir tomonida adolat tursa, ikkinchi tomonida adovat. Darhaqiqat, bugungi zamon rivoji kishidan o'z fikrini to'g'ri va to'laqonli ta'sirli qilib bayon etishini talab etadi.

Nutqimizning ta'siri ikki xil omilga bog'liqdir: -nutq sifati; -texnikasi. O'qituvchi yetkazayotgan fikrlari, yoinki, nutqining to'g'ri, aniq, mantiqiy, sof, ta'sirli, jo'yali, boyligi, ifodaviyligi, soda va qisqaligini talab etuvchi omillar uning sifatini tashkil etadi. Nutq paytida o'qituvchining o'zini tutishi, eng avvalo, auditoriyaga kirib kelish jarayoni, xarakteri, so'zlash manerasi(ya'ni so'zlovchining ovoz tembri, toni va tovush to'lqinining tarqalish masofasi), fikr yuritish usuli, tana harakatlari, nutq jarayonida auditoriyani ko'z orqali nazoratga olish va shu orqali so'zlasha olishi uning texnikasini tashkil etadi. O'qituvchi darsni shunday boshlab, davom etib, yakunlanishi kerakki, tinglovchi kim bo'lishidan qat'iy nazar (u o'quvchilar, ota-onalar, hamkasblar va h.k) so'zlovchini yoqtirib qolishi, hech bo'lmaganda, haftada bir soat dars bo'lsa, shu vaqtda sizning leksiyangizdan to'lqinlanib, o'zaro muhokama qilishi kerak.

O'qituvchi ovoz tonining o'zgarishiga alohida e'tiborli bo'lmog'i lozim. Sinf xonasiga o'quvchilar shovqinini bartaraf etish va diqqatlarini o'ziga qaratib olish uchun har kuni turli xil uslublardan foydalanishi va bu foydalanayotgan uslub dars xarakteriga mos bo'lishi ta'lim sifatining oshishini ta'minlaydi. Misol uchun, o'qish darsiga ustoz " bir bor ekan, bir yo'q ekan.-maktabning-sinfidagi zukko o'quvchilar bugun(mavzu nomiga mos keltirish) olamiga qilishar ekan. Bu sayohatga ular 3 guruhga bo'linib, birinchi (ikkinchi, ...) sayyohlar jamoasiga (har bir qator uchun to'polonchi o'quvchilar aytilishi kerak) sardor etib tayinlanibdi va h.k". (Shu o'rinda ularning vazifalari

o'qituvchi tomonidan aytib ketiladi.) sayohat har bir jamoadagi sayyohlar(o'quvchilar) to'liq yo to'liq emasligini aniqlash olish orqali davom ettiriladi. Darsning boshlanishini o'qituvchi qanday boshlasa, dars so'nggiga qadar shu atmosfera auditoriyani tark etmasligini unutmaslik kerak. Yodlash. Ko'plab o'qituvchilarda kuzatiladigan asosiy kamchilik bu ularning o'z nutqlarini yoddan bayon etishlaridir. Dars strukturasi tuzgan vaqt pedagog ketma-ketlikka rioya qilgan holda yuqorida sanalgan jihatlarni inobatga olib, o'z nutqini yodlamagan tarzda bayon etishi lozim. Bunda, albatta, o'qituvchidan yillik va kundalik tayyorgarligi, so'z boyligi, mahorati va ijodkorligi talab etiladi. Ushbu jarayonda o'qituvchi o'zida quyidagilarni jamlagan bo'lishi tavsiya etiladi: - pedagogning o'zi juda dadil va fikriga amin bo'lishi kerak; - nutq to'la isbotlanishi lozim; - nutqdagi hamma narsa muhim hisoblanishi kerak; - nutq materialini sidqidildan to'plash va idrok etgan bo'lishi lozim; - so'zlovchi va tinglovchi o'rtasida erkin muloqot muhitini yaratishi kerak. Talaffuz. So'zlovchining talaffuzi to'g'ri, aniq va yoqimli bo'lishi kerak.

Darhaqiqat, yaxshi nutq yutuq manbai. Talaffuz tonining o'zgarmay, bir me'yorda davom etishi tinglayotgan o'quvchilarni zeriktiradi va diqqatini tarqoqs holatga olib keladi. Ovoz tonining 3 holati: yuqori, o'rta, pastki holatidan birdek o'rinli foydalanish zarur. Sharq Uyg'onish davrining yetuk namoyondalaridan biri Abu Ali ibn Sino o'z asarlarida mudarrislarga faoliyatida muvaffaqiyatga erishish garovi bo'lgan quyidagi tavsiyalarni beradi: Bolalar bilan muomalada bosiq va jiddiy bo'lish; Berilayotgan bilimning o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishiga e'tibor qaratish; O'quvchining xotirasi, bilimlarni egallash qobiliyati, shaxsiy xususiyatlarini nazorat qilish; Bilimlarni o'quvchining yoshi, aqliy darajasiga mos ravishda olib borish; Har bir so'zning bolalar hissiyotini uyg'otish darajasida bo'lishiga erishish; Bolalarni fanga qiziqтира olish. Yuqorida bayon etilgan fikrlarni umumlashtirib aytadigan bo'lsak, boshlang'ich sinflarda ta'lim va muloqotning kaliti nutq bilan, tarbiya va muomalaning kaliti xulq bilan ekanligini yodda tutish zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Y.Rasulova, O.Nurmatova “Pedagogika” o‘quv qo‘llanma /
—T.Adabiyot uchqunlari
2. “KUGlarda ta’lim-tarbiya ishlari nazariyasi va metodikasi” o‘quv
qo‘llanma/ N.Nasritdinova, D.Maqsudova—T.
3. “boshlang‘ich ta’lim va jismoniy madaniyat yo‘nalishida sifat va
samaradorlikni oshirish: muammo va yechimlar” xalqaro ilmiy konferensiyalar
maqolalar to‘plami—T.

**TURAR JOY ARXITEKTURASIDA QUYOSH ENERGIYASIDAN
FOYDALANISH USUL VA USLUBLARI**

**METHODS AND METHODS OF USE OF SOLAR ENERGY IN THE
RESIDENTIAL ARCHITECTURE**

Rahamov B.Ch.

*Termiz davlat universiteti Arxitektura va qurilish fakulteti Bino-
inshootlar arxitekturasi va qurilish kafedrasi 320-guruh talabasi.*

Annotatsiya Maqolada zamonaviy sharoitlar, shuningdek, O'zbekiston qishloq joylaridagi qishloq turar-joy binolarining me'moriy va badiiy echimlarini yanada takomillashtirish uchun moddiy-texnik bazani yaratish masalalari yoritilgan. Bu o'z navbatida turli shakllarda sanoatlashtirishni anglatadi. Zamonaviy me'mor ilmiy-texnikaviy rivojlanishning innovatsion yutuqlarini e'tiborsiz qoldirishga haqli emas.

Kalit so'zlar: qayta tiklanadigan energiya, batareyalar, quyosh tuzilmasining samaradorligini, shamol energetikasi.

The article highlights the issues of modern conditions, as well as the creation of a material and technical base for further improving the architectural and artistic solutions of rural residential buildings in rural areas of Uzbekistan. This in turn represents industrialization in various forms. The modern architect has no right to ignore the innovative achievements of scientific and technological development.

Keywords: renewable energy, batteries, solar structure efficiency, wind energy.

O'zbekistondagi aktinometrik stansiyalar bo'yicha uzoq muddatli kuzatuvlar ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, respublikaning turli hududlari uchun

quyoshli vaqt davomiyligi 2410 dan yiliga 3090 soatgacha o'zgarib turadi. Yoz mavsumida 11 soat va qishda esa 4 soat o'zgarib turadi. O'zbekistonda yiliga quyoshli kunlar soni bo'yicha quyosh energiyasi juda rivojlangan Ispaniya janubidan oshib bormoqda. Yilning faqat uchdan bir qismini quyosh nurlari va ba'zan qor bilan oz miqdorda sovuq mavsum deb xisoblash mumkin. Yilning qolgan qismi quyosh nurlarining juda yuqori darajasiga ega. O'zbekiston xududiga xar yili kelib quyosh energiyasining yalpi saloxiyati sezilarli bo'lib, mamlakatning barcha tasdiqlangan uglevodorod zaxiralarining energiya saloxiyatidan ancha yuqori. O'zbekistonda quyosh nurlari energiyasining texnik saloxiyatini prognozlash umumiy yalpi saloxiyat prognozi asosida va dunyo va O'zbekistonning yutuqlari hisobga olingan holda amalga oshiriladi. Quyosh energiyasining yalpi saloxiyati har bir aktinometrik stansiyaning ma'lumotlari, fizik-geografik sharoitga o'xshash joylar uchun vakili va xaqiqiy bulutlarda quyosh nurlanishi xisobga olingan holda hisoblab chiqiladi. SHunday qilib, quyosh energiyasidan foydalanishning umumiy texnik saloxiyati ushbu bosqichda 176,8 mln. Tonna neft ekvivalenti yoki uning umumiy potensialining 0,4% ni tashkil etadi. Biroq bu ko'rsatkich mamlakatimizda uglevodorodlarning yillik ishlab chiqarilishidan uch barobar ko'pdir. Quyosh energiyasining salmoqli saloxiyatining mavjudligi quyosh energiyasidan foydalanishning quyidagi asosiy yo'nalishlarini belgilaydi:

- Quyosh energiyasini quyoshli issiqlikka aylantirish va uni issiqlik extiyojlari uchun ishlatish. Bugungi kunda O'zbekiston tajribaga ega bo'lib, issiqlik ta'minoti uchun quyosh energiyasidan foydalanish uchun ilmiy-texnik zaxira yaratdi;

-Respublika standarti ishlab chiqildi va quyosh issiq suv tizimini loyixalash uchun quyosh kollektorlari qurilmoqda;

-quyosh issiqlik tizimining asosiy elementi, issiqlik muxandislik xususiyatlari va dizayn parametrlarini hisoblash va optimallashtirish uchun ishlab chiqilgan uslub bo'lib namunaviy kollektor dizayni yoki ularni oldindan

loyixalash jarayonida asoslangan issiqlik ta'minoti tizimini takomillashtirish darajasini xar tomonlama tahlil qilish imkonini beradi;

- yil davomida issiqlik va issiqlik davrida iste'molchilarga issiq suv bilan to'la-to'kis ega bo'lish imkonini beradigan, ikki tomonlama quyosh suv isitgichlarining yil bo'yi ishlashi bo'yicha kichik dizayni ishlab chiqarildi;

- markazlashgan isitish tizimlarida ishlatiladigan kam quvvatli yonilg'ich quyish kuzonxonalarida manba suvini oldingi isitish uchun bitta elektron sxema ishlab chiqilgan va quyoshli konsollarning issiqlik muxandislik parametrlari optimallashtirildi, yakka yoki ko'p qavatli turar-joy binolari, sanoat korxonalari, shuningdek, kichik axoli punktlari va kichik tumanlar energiya resurslari 50% gacha taminlanadi.

Baxolash quyosh energiyasi texnologiyasining quyidagi asosiy yo'nalishlarida amalga oshirildi:

- quyosh nurlanishining past energiyali quyosh kollektorlari tomonidan issiqlik energiyasiga termodinamik konvertatsiya qilish;

- quyosh nurlarini elektr energiyasiga to'g'ridan-to'g'ri fotoelektrik konvertatsiya qilish;

- quyosh nurlanishining elektr energiyasiga termodinamik konversiyalashtiruvchi parabolik-silindrli konversiyalar qabul qiluvchilar asosida quyosh issiqlik elektr stansiyalari tomonidan konvertatsiya qilish [3].

Quyosh energetikasi salohiyatidan foydalanishning muxim yo'nalishi: quyosh energiyasini quyi issiqlik darajasiga aylantirish va uni issiqlik bilan ta'minlash uchun ishlatishdir. Muqobil energiya manbalaridan O'zbekistonda foydalanish uchun Respublikaning iqlim sharoitlariga moslashtirilgan va qishki davrda turar joylar va ijtimoiy binolarning issiqlik talabining 40-50 foizini ta'minlash uchun passiv quyosh issiqlik tizimlarini ishlab chiqish va yaratish bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

Xorijiy va xalqaro miqyosdagi grantlar va korxonalar mablag'lari hisobidan o'z mablag'lari hisobidan bir qator investitsiya loyixalari amalga oshirildi. Biroq, respublikada o'rnatilgan quyosh kollektorlarining umumiy maydoni

sezilarli emas va 40 ming kvadrat metrdan oshmaydi. Quyosh kollektorlari O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, "O'ztransgaz" aksiyadorlik kompaniyasi, "O'zbekiston temir yo'llari", "Olmaliq" va "Navoiy" kon-metallurgiya kombinatlari, boshqa korxonalar va tashkilotlarning ayrim ob'ektlarida, avtomobil transporti, tibbiyot va ta'lim muassasalarining bir qator eksperimental muassasalarida o'rnatildi. Buning sababi quyosh kollektorlari uchun birinchi navbatda ularning narxlarining yuqori bo'lishiga bog'liq emas, ikkinchidan, tabiiy gaz uchun nisbatan past tariflar va shunga muvofiq O'zbekistonda iste'molchilar uchun issiqlik elektr energiyasining etkazib berishdir. Quyosh kollektorlari faqat an'anaviy manbalarni to'ldirish mumkinligini hisobga olgan holda, ularning keng tarqalgan usullari quyidagilar bilan bog'liq: kollektorlarni keyingi texnologik takomillashtirish, ularni quyosh energiyasidan foydalanish uchun kunduzgi quyosh energiyasini qisman to'plash uchun akkumulyatorlar bilan jixozlash; maxalliy ishlab chiqarishni kengaytirish va o'lchov iqtisodiyoti hisobiga issiqlik ta'minoti uchun quyosh kollektorlarining narxini pasaytirish; aholini quyosh kollektorlarini kredit liniyalari va boshqa turdagi qo'llab-quvvatlash yo'li bilan sotib olishni rag'batlantirish; tabiiy gaz uchun tariflarni oshirish, uning tejalishini rag'batlantirish [4].

Quyosh energiyaning xususiyati uchun doimiy muhim yangilanishi va atrof muhitga zarar etkazmasligidir. Quyosh energiyasini fotovoltaik (quyosh) batareyalari elektr energiyasiga aylantirilishi mumkin. Bunday batareyalar kosmik qurilmalarda, radioto'lqinlarda va okean navigatsiya kemalarida, avtonom aloka tarmoklarida, shuningdek, kalkulyatorlar va elektron o'yinchoqlar uchun ishlatiladi.

Quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantiradigan fotoelektrik (yoki fotovoltaik) usuli hozirgi vaqtda ilmiy va amaliy jihatdan eng rivojlangan. Sovet maktabining fizika fakulteti asoschilaridan biri, akademik A. F. Ioffe birinchi marta keng ko'lamda energiya ishlatish istiqboliga e'tibor qaratdi. Biroq, o'sha vaqtda quyosh kameralarining samaradorligi 1% dan oshmadi. Keyinchalik

keyingi yillarda fizika va texnologiya soxasidagi izlanishlar natijalariga ko'ra bu raqam 20-25% gacha ko'tarildi.

Quyosh nurlarini elektr energiyasiga aylantirish mexanizmi elektr energiyasini ishlab chiqarishning boshqa usullaridan farq qiladi. Ushbu usulning xususiyatlari katta xajmdagi uni ishlatish imkoniyatlari va istiqbollarini aniqlaydi.

Elektrni ishlab chiqarishning har qanday usulida elektr to'lashlari kerak va ularni ajratish mexanizmini yaratish kerak. Induksion usulda elektrni olish, metall chastotalar uchun erkin oqimlarni ishlatish va ularni ajratish magnit maydonda o'tkazgichlar xarakati natijasida amalga oshiriladi.

Elektrni ishlab chiqarishda fotovoltaik usulda, strukturaning qismlari mexanik xarakatlar yo'q. Yarimo'tkazgich materiallari va ularning nur bilan o'zaro ta'siri mavjud. Fotovoltaik kamerada erkin tashuvchilar yarimo'tkazgichning nur bilan o'zaro ta'siri natijasida hosil bo'ladi va xujayradagi paydo bo'ladigan elektr maydonining ta'siri bilan ajralib turadi. So'nggi paytgacha deyarli barcha quyosh xujayralari kristalli silikondan tayyorlangan, ammo hozirgi vaqtda boshqa materiallar ham tobora keng foydalanilmoqda [5].

Xalqaro tajribani o'rganish va uni O'zbekiston sharoitlari bilan taqqoslash hozirgi kunda barcha rivojlangan davlatlar va xususiy rivojlanayotgan mamlakatlar alternativ energiya sohasida strategiya va dasturlarni ishlab chiqdi va amalga oshirmoqda. Ushbu davlatlarni hali ham arzon narxlardagi muqobil energiyani amalga oshirishga jalb qilishni rag'batlantiruvchi asosiy omillar quyidagilardir:

1. Qayta tiklanadigan energiya manbalarining etishmasligi, shu jumladan, narxlarining keskin o'sishiga olib keladi. Ba'zi prognozlarga ko'ra, 2050 yildan keyingi an'anaviy energiya manbalarining etishmovchiligi global iqtisodiyot uchun alternativ o'rniga ega bo'lmasa, o'limga olib kelishi mumkin.

2. Atom energiyasini an'anaviy energiya manbalarini almashtirish xavfi yuqori ekanligini anglash. Agar boshqa manbalardan foydalangan holda

energiya ishlab chiqarishda tabiiy ofatlar va odamlarga tasiri bo'lgan bo'lsa, atom elektr stantsiyalarida texnogen falokatlar yuz bergan taqdirda, xayot uchun xavfli radiatsiyaning tarqalishi, xatto halokat hududidan tashqarida va xatto chegaradan tashqarida bo'lishi extimoli yuqori.

3. Muqobil energiya manbalari uchun asbob-uskunalarining texnologik darajasini oshirish, ularning texnik va iqtisodiy samaradorligini oshirish, ham samaradorlikni oshirib, uskunaning narxini pasaytirish.

4. O'zbekiston uchun quyosh elektr energiyasini ishlab chiqarishni rivojlantirish quyosh energetikasi va suv resurslari jixatidan kam bo'lgan hududlarda ulkan to'g'onlarni qurish uchun alternativ misol sifatida ham muximdir.

O'zbekiston uglevodorod resurslariga nisbatan ancha boy bo'lsa-da, bugungi kunda o'z resurslari hisobidan deyarli to'liq energiya tejab turibdi, mamlakat iqtisodiyoti energiya balansidagi umumiy ulushi 90% dan ortiq bo'lgan tabiiy gazning qayta ishlab chiqarilmaydigan uglevodorod resurslaridan foydalanishga juda bog'liq. SHu bilan birga, reproduktiv suv resurslaridan foydalanishning past darajasi (1,3%) iqlim sharoitiga va suv resurslaridan foydalanish darajasiga bog'liqdir. Statistik ahamiyatga ega bo'lgan boshqa muqobil energiya manbalari jalb qilinmaydi.

5. Alternativ energiya manbalari: kelajakda O'zbekistonni (4-5 yil) foydalanish istiqbollari tabiiy gazni 2015-2020 yillar mobaynida yoqilg'i maxsulotlari, benzin, dizel yoqilg'iga aylantirish hisobiga amalga oshiriladi. neft va neft maxsulotlarini olib kirishni rad etish. Biroq, 2020 yildan so'ng, o'z resurslarini sarflanishiga bog'liq bo'lgan suyuq uglevodorodlarning etishmasligi yana ko'payadi va 2030 yildan so'ng bu energiya va umumiy iqtisodiy xavfsizlikka taxdid soladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. /Rasmiy nashr/. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi-Toshkent: "Adolat", 2018. - 112 b.

2.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Faol tadbirkorlik, innovasion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili" da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida" gi Farmoni.

3. Afanasiyeva O. K. Arxitektura maloetajnih domov s ispolzovaniyem vozobnovlyaemih istochnikov energii.// Uchebnoye posobiye. Moskva, 2007.

4. Ankirskoy E. S., Bekker G. P., Puzanov V. U. Avnotomniy selskiy dom. / Texnivheskaya estetika, №12 1986.

5.Barxin B. G. Metodika arxitekturnogo proyektirovaniya. M., Stroyizdat 1993

**ONA TILI DARSLARIDA O‘QUVCHILARGA GRAMMATIK
TUSHUNCHALARNI O‘RGATIB BORISHNING AHAMIYATI**

Xorazm viloyati Gurlan tumani 37-maktabning

ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari

Masharipova Durdona va Saparboyeva Xosiyat

Annotatsiya: Maqolada ona tili ta’limi oldida turgan dolzarb masalalar va ularning yechimlari yuzasidan ayrim tavsiyalar berilgan. O‘quvchilarga grammatik tushunchalarni topshiriqlar asosida oddiy va samarali usullarda tushuntirish yo‘llari batafsil bayon etilgan.

Kalit so‘zlar. Darslik, dars jarayoni, didaktik material, grammatik tushuncha, topshiriq, kognitiv-pragmatik yondashuv, valentlik nazariyasi.

**THE IMPORTANCE OF TEACHING GRAMMAR CONCEPTS
TO STUDENTS IN MOTHER TONGUE CLASSES**

ABSTRACT The article provides some recommendations on current issues facing mother tongue education and their solutions. Ways to explain grammatical concepts to students in simple and effective ways based on assignments are described in detail. Keywords: textbook, course process, didactic material, grammatical concept, assignment, cognitive-pragmatic approach, valence theory.

KIRISH Davlatimiz mustaqillikni qo‘lga kiritgach, barcha sohalarda bo‘lgani kabi ta’lim mazmunida ham tub islohotlar amalga oshirildi. Ona tili ta’limi mazmunining yangilanishi mazkur sohada qilinishi kerak bo‘lgan ishlar ko‘lamini belgilab berdi. Jahonning 20 dan ortiq davlatlaridagi 65 ta nufuzli oliy

ta'lim muassasalarida o'zbek tili va adabiyoti fanining o'qitilishi quvonarli hol, albatta. Ko'plab chet ellik olimlar o'zbek tili, uning rivojlanish bosqichlari, tarixiy taraqqiyoti, o'zbek adabiyoti namoyondalari tomonidan yaratilgan o'lmas asarlar yuzasidan ilmiy izlanishlarni amalga oshirayotganini alohida ta'kidlab o'tish joiz. Mana shunday yutuqlar bilan birga, hali bu sohada yechimini kutayotgan muammolar ham talaygina. ASOSIY QISM Ma'rifatparvar olim Abdulla Avloniy bundan yuz yillar avval aytgan "Tarbiya biz uchun yo hayot - yo mamot, yo najot - yo halokat, yo saodat - yo falokat masalasidir" degan iborasi ayni kunda ham o'z qimmatini yo'qotgan emas. Darhaqiqat, dunyo bilan bo'ylashishimiz uchun yoshlarimizning ta'lim-tarbiyasi muhim ahamiyat kasb etadi. Ona tili ta'limidagi bunday muammoni hal etishning asosiy yechimi darsliklar masalasini tubdan isloh qilish, ulardagi ilmiy-nazariy faktlardagi nomutanosibliklarni bartaraf etish, oddiydan murakkabga tamoyili asosida grammatik qoidalarni bosqichma bosqich, uzviyligini ta'minlagan holda o'quvchi ongiga singdirishdan iboratdir. Ta'limda o'rgangan nazariy bilimlarini o'quvchi amalda qo'llagandagina ona tili ta'limi o'z oldiga qo'ygan maqsadiga erisha oladi. Bugungi kunda ona tili ta'limi oldida turgan dolzarb masalalardan biri darsliklarda grammatik tushunchalarning chalkash holda berilishidir. Darsliklarni yaratish va ularni ta'lim sohasiga joriy etishda uzviylikning ma'lum darajada uzilib qolgani yuqoridagi kabi muammolarning yuzaga kelishiga sabab bo'ladi. Dars va didaktik materiallar o'rtasidagi o'zaro bog'lanishning cheklanganligi esa ta'lim sifatining past bo'lishiga olib keladigan salbiy jihatlardan biri hisoblanadi. Pedagogika ensiklopediyasida dars va didaktik material atamalariga quyidagicha ta'rif beriladi: Dars – (arabcha – saboq, ma'ruza). 1) uzluksiz ta'lim muassasalarida amalga oshiriladigan ta'limning asosiy shakli; 2) o'quv ishlarining asosiy tashkiliy shakli, mantiqiy tugallangan, yaxlit o'quvtarbiyaviy jarayonning aniq vaqt bilan chegaralangan qismi. Didaktik material – o'quvchilarning yozma va og'zaki nutqi, tovush va harflarni idrok etish, so'zlarni o'z o'rnida qo'llagan holda matn tuzish, nutq ko'nikmalari, idroki, xotirasi, nutq tovushlarini tinglash va harflarni ko'rib idrok eta olish

layoqati, tafakkurini shakllantirish va muntazam rivojlantirish, ular nutqida uchraydigan xatolarni bartaraf etishga qaratilgan didaktik materiallar ustida ishlash imkonini beradigan topshiriqlarni ifodalovchi tushuncha. Yuqoridagi fikrlardan ma'lum bo'ladiki, darsliklarda berilishi lozim bo'lgan asosiy didaktik materiallar o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirishga, lug'at boyligini oshirishga, so'zlarni nutq vaziyatidan kelib chiqqan holda eng maqbulini tanlab qo'llay olish malakalarini shakllantirishga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Tan olib aytish kerakki, hozirgi zamon o'quvchisida na og'zaki va na yozma nutq malakalarini yuqori darajada deb bo'lmaydi. Bunga asosiy sabab sifatida ijtimoiy hayotimizda gadjetlar, har xil messenjerlar, ijtimoiy tarmoqlardagi avtomatik sozlamalar biz uchun "muloqot"ni amalga oshirayotganini keltirishimiz mumkin. Ijtimoiy tarmoqlarda ko'p vaqtini o'tkazayotgan yosh avlod savodsizlikning ilk pog'onasiga ham aynan ijtimoiy tarmoqlar orqali kirib kelyapti. O'z aqidalariga ko'ra tejamlilik tamoyiliga rioya etayotgan o'quvchi yoshlarimiz savodsizlik botqog'iga tobora chuqur sho'ngib borayotganlariga ahamiyat berishmayotgani achinarli hol. Mana shunday ko'ngilsiz holatlarning oldini olish, ular yuzasidan tegishli choratadbirlarni ishlab chiqish va dars jarayoniga tatbiq etish ham ayni damda ona tili o'qitish metodikasi fani oldida ko'ndalang turgan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. O'quvchilarning imloviy savodxonligini oshirish borasida quyidagicha topshiriqlarni darsliklar tarkibiga kiritishni tavsiya etgan bo'lardik: 1-topshiriq. Quyida berilgan so'zlar orasidan xato yozilgan so'zlarni imlo qoidasiga muvofiq to'g'rilab yozing. Tasurot, inshoat, hayol, xayot, charxfalak, iptido, tarannum, dasyor, tanavul, mutola. Taassurot, inshoot, xayol, hayot, charxpalak, ibtido, dastyor, mutolaa. O'quvchilar bu topshiriqni bajarish jarayonida har bir so'zni imlo lug'atidan qidirib topadilar, ularning imlosi yuzasidan aniq bir to'xtamga keladilar. O'quvchi o'zi izlab topgan ma'lumotni yillar davomida eshitganidan ko'ra ko'proq yodida saqlaydi. 2-topshiriq. Yuqorida keltirilgan so'zlarning ona tilimizga qaysi tildan kirib kelganligini aniqlab, quyidagi jadvalga joylashtiring. Arab tilidan o'zlashgan so'zlar Fors-tojik tilidan o'zlashgan so'zlar Taassurot,

inshoot, xayol, hayot, ibtido, tarannum, mutolaa. Charxpalak, dastyor. Yuqorida berilgan topshiriqni bajarish asnosida o'quvchilarning kognitivpragmatik qobiliyatlarini rivojlantirish, ularni ijodiy izlanishga da'vat etish ko'zda tutilgan. Shu bilan birga o'quvchilar o'zbek tili leksikasining boyish manbalari yuzasidan grammatik tushunchaga ham ega bo'ladilar. 3-topshiriq. Yuqoridagi so'zlarning ma'nolarini "O'zbek tilining izohli lug'ati" kitobidan izlab toping. Ularning ma'nolari orasidan hozirgi kunda eng ko'p qo'llaniladigan dominant ma'nosi yuzasidan o'z fikrlaringizni bayon eting. Taassurot – ta'sirchanlik, hassoslik; g'am-anduh, xafagarchilik. Ko'rilgan, his etilgan hodisa, kishi yoki narsa to'g'risida ko'ngilda, xotirada qolgan iz, tug'ilgan fikr va his-tuyg'ular majmui. Bu so'zning hozirgi kunda ko'rilgan, his etilgan hodisa, kishi yoki narsa to'g'risida ko'ngilda, xotirada qolgan iz, tug'ilgan fikr va his-tuyg'ular majmui ma'nosi keng qo'llaniladi. Qolgan so'zlar ham xuddi shu yo'sinda izohlanadi. Ularning ma'nolaridagi torayish va kengayish hodisalari tahlil etiladi. Bu topshiriq o'quvchilarning so'z boyligini oshirishga xizmat qiladi. Nutq jarayonida so'zlardan mantiqan to'g'ri va maqsadli foydalana olish ko'nikmalarini shakllantiradi. 4-topshiriq. Yuqorida keltirilgan so'zlarni boshqa so'zlar bilan kengaytirib, so'z birikmalarini hosil qiling. Iliq taassurot, gidrotexnik inshoot, xayol qilmoq, o'simliklar hayoti, charxpalakning g'irch-g'irchi va b. O'quvchiga bunday topshiriqlarni berish jarayonida ularning ham grammatik, ham nutqiy bilimlari sinovdan o'tkaziladi. Hosil qilingan so'z birikmalari orasida xayol qilmoq so'zi mavjud. Ayrim o'quvchilarning bunday xatoliklarga yo'l qo'yishi juda ko'p uchraydigan holat. Sababi o'quvchida nazariy bilimlarning yetishmasligi, qo'shma so'z va so'z birikmasining farqiga bormaslikdir. Qo'shma fe'l va so'z birikmasi shakliy jihatdan bir-biriga o'xshaydi. Ikkalasi ham ikki so'zning mazmun va grammatik jihatdan birikishidan hosil bo'ladi va ikkisi ham tushunchani ifodalaydi. Lekin qo'shma so'z nutqqa tayyor holda kirib kelishi va ma'lum tushuncha yuzasidan umumiy ma'no ifodalashiga ko'ra so'z birikmasidan farq qiladi. So'z birikmasi esa nutqiy hodisa, ya'ni u nutq jarayonida hosil bo'ladi. So'zga nisbatan aniq

tushunchani ifodalaydi. O'quvchiga bunday nazariy ma'lumotlarni tushuntirishda faqat ilmiy jihatdan yondashmay, yuqoridagi kabi topshiriqlar orqali mavzuning mohiyati ochib berilsa, fanga nisbatan kompetensiyaviylikning samaraliroq amalga oshirilishiga zamin yaratgan bo'lar edi. Bu topshiriq yana shunisi bilan ham ahamiyatliki, o'quvchi so'z birikmasini hosil qilish jarayonida so'zlarning valentlik nazariyasi bilan ham yaqindan tanishadi. Har bir so'z o'z ma'nosi doirasida birikish imkoniyatiga ega bo'lgan boshqa so'zlar bilan leksik-semantik maydonni hosil qilishi yuzasidan ham nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'ladi. Yozma nutq o'ta murakkab faoliyat turi hisoblanadi. Chunki bu faoliyat turida yozishga qo'shimcha ravishda eshitish, so'zni his etish, idrok qilish, esda saqlash kabi bir qancha murakkab psixik jarayonlar ham amalga oshiriladi. o'zbek tilidagi ayrim so'zlar eshitilganiday yozilmaydi. Ularni, albatta, morfologik yozuv qoidasiga binoan yozishimiz shart. Bu jihatdan o'quvchi yetarlicha orfografik bilimga ega bo'lishi talab etiladi. Darsliklarda o'quvchilarning yozma nutqini rivojlantirishga qaratilgan mashqlarni ta'limiy funksiyalariga ko'ra 4 guruhga ajratish mumkin: 1. Fonetik jarayonlarni rivojlantirish uchun tanlanadigan mashqlar; 2. Aniq artikulyatsiya va maktabda muvaffaqiyatli o'qish uchun zarur bo'lgan tovushni hosil qiluvchi mashqlar; 3. Nutqni harakatlantiruvchi kichik motorikani rivojlantirish jarayoni; 4. Harflarni obrazli tasavvur qilish va ko'rib idrok etishga o'rgatuvchi mashqlar

XULOSA O'qituvchi har bir darsga ta'limiy maqsad qo'yish jarayonida maksimal darajada o'quvchining og'zaki va yozma nutqi ustida ishlashni ko'zlashi lozim. Ona tili fanini tilshunoslik emas, nutqiy madaniyatni shakllantiruvchi o'quv predmeti sifatida qabul qilish maqsadga muvofiqdir. Darsliklardagi asosiy e'tiborni o'quvchi kundalik hayotida duch keladigan va yozma nutqda ko'p uchrovchi xatolar yuzasidan nazariy ma'lumotlar berilishiga qaratish lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR (REFERENCES)

1. R.Safarova Pedagogika ensiklopediyasi. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, Davlat ilmiy nashriyoti, - T.: - 2015.- 250-b.
2. M.Qodirov, H.Ne'matov, M.Abduraimova, R.Sayfullayeva, B.Mengliyev Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. - T.: Cho'lpon nomidagi NMIU. 2019.
3. G'.Hamroyev. Umumiy o'rta ta'lim tizimida fonetikaga doir o'quv materiallarining metodik ta'minotini takomillashtirish. PhD dissertatsiyasi. – Samarqand-2019.
4. Usmanova Z.I. Ona tili darsliklari takomillashmoqda. "Экономика и социум" №4(83), 2021, ч.2, 521-527.
5. Usmanova Z.I. (2021) Nazariyadan amaliyotga. Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya, 158-161.
6. Usmanova Z.I. (2021). Yangi davr darsliklari Academic Research in Educational Sciences, 2 (11), 282-287.

DIGITAL ECONOMY

Yodzhu Technical Institute in Tashkent

“Banking” faculty

Sevinch Jonuzoqova Botir qizi

Abstract: This article provides information about the digital economy, its importance, digitization and its types in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Digital economy, new technologies, business models, Nicholas Negropon

Introduction: Uzbekistan aims to take a strong place among the strong democratic, advanced developed countries. Entering the ranks of the 50 developed countries of the world is the main task. The reforms in this regard are being implemented in order to create decent conditions for our people. If you are paying attention, in recent years, the leaders of Uzbekistan have been recognized by the international community. Efforts to liberalize the economy of the country with the largest population in the region and to attract more foreign investment are being carried out continuously. Such changes and updates are also relevant in the fight against poverty and unemployment in Uzbekistan, whose economy has been based on agriculture for centuries. Employing millions of its citizens, whose livelihood has been going on the back of foreign labor migration for decades, is focused on creating new sources of employment in the country itself, not on paper, but in practice.

The declaration of 2020 as the "Year of Development of Science, Enlightenment and Digital Economy" in the Address of the Head of State to the Oliy Majlis and the development of the "Roadmap" in this regard also play an important role in the above priorities. For example, the task of transitioning to a

digital economy in the next five years was set as a firm goal, not only warmly welcomed by the international community of experts, but also shows that it was an extremely rational decision even in today's pandemic period. Therefore, it is not surprising that in the next few years we will be among the top fifty countries in the world in terms of business environment.

MAIN PART

The digital economy is the transformation of the existing economy into a new system by creating new technologies, platforms and business models and introducing them into everyday life. Digital economy is a system of economic, social and cultural relations that can be implemented based on the use of digital technologies. Although the term was originally coined by American programmer Nicholas Negroponte in 1995, it is widely used in all fields today. The digital economy reduces corruption by establishing a human-free management system, increases tax revenues by concluding "smart" contracts, increases the transparency of budget expenditures, and provides an opportunity to provide public services through a single electronic platform. Today, politicians, economists, journalists, businessmen - almost all of them - use this term.

In 2016, the World Bank published the report "Digital Dividends" for the first time about the state of the digital economy in the world.

The new concept of the digital economy is a unified system of maintaining, processing and transmitting all information digitization technologies within the scope of human activity. Digitization of the economy creates an opportunity to build a new economy with a creative approach. Digitization of the economy is an opportunity to maintain real competitiveness in the future. This is an important issue, especially for a country like Uzbekistan, which is surrounded by land and has a long way to access world ports.

The digital economy is also the rise of electoral culture. If it progresses, we will get rid of this mental retardation. By getting rid of mental retardation,

we will get rid of time, heavy or redundant work, we will have a quality index, we will be closer to advanced countries and peoples, and poverty will also decrease. The most important way to increase intelligence is to improve the education system. Everyone should strive to have something that everyone enjoys. Therefore, it is not for nothing that the head of state named this year as "The Year of Development of Science, Enlightenment and Digital Economy". The emphasis that the transition to the digital economy will be our most important goal in the next five years is directly related to the development of science and education. Therefore, in today's fast-paced world, the digital economy is being widely introduced in all sectors of the economy of advanced countries, in the context of deepening globalization processes around the world.

We are even witnessing that some countries have switched to active use of artificial intelligence, which is considered the pinnacle of this field. According to the results of the analyzes conducted by the authoritative international organizations, the digital economy allows to increase the gross domestic product by at least 30%, and at the same time, to eliminate the secret economy and drastically reduce corruption. It can be seen that this field is a serious impetus for the high development of all sectors and industries in our country. It should be emphasized here that the digital economy is the main link of corruption and "hidden economy". Because numbers seal everything, store it in memory, provide information quickly when needed. In such conditions, it is impossible to hide any information, make secret deals, not provide full information about this or that activity, the computer will reveal everything.

CONCLUSION

In conclusion, it should be said that developed countries are focusing on the areas of transport, telecommunications, energy, data processing, healthcare, medicine logistics, tourism, foreign economic activities, real estate and production when creating digital economy platforms. The development of these sectors will allow to create infrastructure and technological base, transferring

them to other sectors, Uzbekistan can develop a mature digital economy as quickly as possible. Many programs of the digital economy of advanced countries (USA, Austria, Australia, Great Britain, South Korea, etc.) focus on the social directions of "digital medicine" and "smart city". The implementation of social projects "Digital medicine" and "smart city" requires more complexity and diversity, and such projects are recognized by the general public.

REFERENCES

1. Bank, European Investment (5 May 2022). Digitalisation in Europe 2021-2022: Evidence from the EIB Investment Survey. European Investment Bank.
2. Bukht, Rumana; Heeks, Richard (3 August 2017). "Defining, Conceptualising and Measuring the Digital Economy". Rochester,
3. Peitz, Martin; Waldfogel, Joel (6 August 2012). The Oxford Handbook of the Digital Economy. Oxford University Press.
4. Mesenbourg, T.L. (2001). Measuring the Digital Economy. U.S. Bureau of the Census.

**О'YINNING MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI PEDAGOGIK
JARAYONIDAGI O'RNI**

Jurakulova Gulnoza To'lqinovna

Navoiy viloyat Uchquduq tuman 13-sonli DMTT Direktori

Adizova Mahliyo Muxiddinovna

Navoiy viloyat Zarafshon shahar 1-sonli DMTT Tarbiyachisi

Mamanazarova Muhayyo Madiyorovna

Navoiy viloyat Uchquduq tuman 2-sonli DMTT Tarbiyachisi

Shomurodova Maxfuza Shonazarovna

Navoiy viloyati Uchquduq tumani 1-sonli DMTT Tarbiyachisi

Annotatsiya: O'yinning bola tarbiyasidagi asosiy roli bolalar tashkilot hayotini u bilan boyitishni talab etadi.

Kalit so'zi: bolaning, tasavvurlari, haqiqatni, to'ldiradi, xorijiy, borliq, hayotdagi.

O'yinning bola tarbiyasidagi asosiy roli bolalar tashkilot hayotini u bilan boyitishni talab etadi. SHuning uchun ham o'yin bolalar hayotining kun tartibiga doimiy qilib kiritilgan. O'yinlar uchun nonushtagacha va undan keyin, mashg'ulotlardan so'ng, sayrlardan so'ng, kechqurun uyga ketishdan oldin vaqt ajratiladi. Ertalab o'ta harakatchanlikni talab qilmaydigan o'yinlar uchun sharoit yaratish maqsadga muvofiqdir. Mazmunan ko'proq didaktik o'yinchoqlar, stol ustida o'ynaladigan stol-bosma o'yinlari, syujetli-rolli o'yinlarni o'ynagan ma`qul.

Sayr davomida harakatli o'yinlarni, qurish-yasash o'yinlarini tashkil etish foydalidir. Kun tartibida o'yin uchun maxsus vaqt belgilash o'yinning mustaqil faoliyat sifatida mavjud bo'lishining va uni bolalar hayotini tashkil

etish shakli sifatida, tarbiya vositasi sifatida qo'llanilishining eng muhim pedagogik shartidir.

Bolalar o'yining o'ziga xosligi shundaki, u tevarak-atrofdagi hayotni, qishilarning faoliyati, ishlari, harakatlarini, ularning ish jarayonidagi o'zaro munosabatlarini aks ettiradi. O'yin paytida hona bolalar uchun dengiz, o'rmon, metro, temir yo'l vagoni bo'lishi mumkin.

Bola hech qachon jim o'ynamaydi, bitta o'zi o'ynasa ham u o'yinchoq bilan gaplashadi, o'zi tasvirlayotgan qaxramon bilan muloqot o'rnatadi, onasi, bemor, shifokor xullas hamma-hammaning o'rniga o'zi gapiraveradi. So'z obrazning yaxshiroq ochilishiga yordam beradi.

Nutq o'yin jarayonida juda katta ahamiyatga ega. Nutq orqali bolalar fikr almashadi, o'z his-tuyg'u, kechilmalarini o'rtoqlashadi. So'z bolalar o'rtasida do'stona munosabatlar o'rnatilishiga, tevarak-atrofdagi hayot voqealariga bir xilda munosabatda bo'lishga yordam beradi.

Bolalarning o'zi yaratgan o'yindan kelib chiqadigan yoki kattalar tomonidan taklif etilgan o'yinning g'oyasi, mazmuni, o'yin harakatlari, rollar, o'yin qoidalari uning tuzilishini tashkil etuvchi qirralardir.

O'yin g'oyasi - bu nima o'ynashni belgilab olish: "do'kon, "shifoxona", "uchuvchilar", "bolalar tashkilot" va shunga o'xshashlar. O'yin mazmuniga, g'oyasiga qarab bolalarning bunday o'yinlarini bir necha o'ziga xos guruhlariga bo'linadi.

Ular, O'yinlarning bunday bo'lishi albatta shartli bo'lib, bir o'yinda har xil hayotiy voqealar aks etishi ham mumkin.

G'oya o'yinning mazmuni, jonli to'qimasi, uning rivojlanishini, o'yin harakatlarini, bolalar munosabatlarining har xilligi va o'zaro bog'lanishini belgilab beradi. O'yining qiziqarli bo'lishi va unda bolalarning qanday ishtirok etishlari o'yinning mazmuniga bog'liq. O'yinda bola ijro etadigan rol o'yining asosiy o'zagi va tarkibiy qismidir. SHuning uchun ham bu o'yinlar rolli yoki syujetli-rolli o'yinlar nomini olgan.

Bolalar o'yiniga tarbiyachining rahbarlik qilishi. O'yin bolalarning qiziqarli ermagigina bo'lib qolmay, shu bilan bir qatorda u bolalarni rivojlantirish va tarbiyalashning muhim vositasi hamdir. Ammo o'yin kattalar tomonidan tashkil etilib, unga rahbarlik qilingandagina ijobiy natija beradi.

Pedagog bolalar o'yiniga rahbarlik qilar ekan, quyidagi talablarga e'tibor berishi zarur: o'yin mazmunini ta'lim-tarbiya beruvchi ahamiyatga ega bo'lishi, aks ettirilyotgan narsalar haqidagi tasavvurlar to'g'ri va to'la bo'lishi, o'yin harakatlariga faol, ma'lum maqsadga qaratilgan, ijodiy xususiyatga ega bo'lishi kerak. Hamma va ayrim bolalarning qiziqishlarini e'tiborga olgan holda o'yinga rahbarlik qilish, o'yinchoqlarni va boshqa kerakli materiallardan maqsadga muvofiq foydalanish, bolalarning o'yinda xayrixoh va xursand bo'lishlarini ta'minlash lozim.

Pedagog bolalar o'yiniga rahbarlik qilar ekan, bola shaxsining hamma tomonlariga: ongiga, his tuyg'ulariga, irodasiga, hulqiga ta'sir etishi va bundan bolalarni aqliy, axloqiy, estetik va jismoniy tomondan tarbiyalashda foydalanishi lozim.

O'yin jarayonida bolalarning bilimlari va tasavvurlari boyib, chuqurlashib boradi. O'yinda u yoki bu rolni bajarayotib, bola o'zining butun diqqatini o'yinga qaratishi lozim. Bola o'ynayotganda qishilar mehnati, ularning aniq harakatlari, munosabatlari to'g'risidagi tasavvuri etarli emasligini sezib qoladi, buning natijasida kattalarga savol bera boshlaydi. Tarbiyachi bolalarning bunday savollariga javob berib, ularning bilimlariga anqlik kiritadi, boyitadi.

Tarbiyachi o'yin orqali bolalarda ona-vatanga, o'z xalqiga boshqa millat qishilariga ijobiy munosabatni shakllantiradi, mustahkamlaydi. O'yin orqali tarbiyachi bolalarda jasurlik, to'g'rilik, o'zini tuta bilishlik kabi sifatlarni tarbiyalaydi.

O'yin bolalarda ijtimoiy axloqni, ularning hayotga, bir-biriga bo'lgan munosabatini shakllantiruvchi o'ziga xos maktabdir. O'yinda bola qishilarning axloq-odob normalarini, mehnatga munosabatlarini bilib oladi.

Eksport mahsuloti ishlab chiqaradigan va uni mustaqil ravishda yoki ixtisoslashgan tashqi savdo birlashmalari va firmalari orqali sotadigan, vazirliklar, idoralar, korporatsiyalar, kontsernlar, uyushmalar va kompaniyalarning tarkibiy bo'linmalari hisoblangan korxonalar uchun quyidagi miqdorlarda sotishning umumiy hajmida o'zi ishlab chiqargan mahsulot (ishlar, xizmatlar)ning erkin almashtiriladigan valyutaga eksportdagi ulushiga bog'liq holda mol-mulk solig'ining tabaqalashtirilgan stavkalari belgilanadi:

- eksport ulushi 15 foizdan 30 foizgacha bo'lganda belgilangan stavka 30 foizga kamaytiriladi;
- eksport ulushi 30 foizdan ortiq bo'lganda belgilangan stavka 50 foizga kamaytiriladi.

Ko'rsatilgan imtiyoz savdo-vositachi korxonalariga, shuningdek erkin almashtiriladigan valyutaga xom ashyo tovarlari - paxta tolasi, ip gazlama, lint, neft, neft mahsulotlari, gaz kondensati, tabiiy gaz, elektr energiyasi, qimmatbaho, rangli va qora metallarni eksport qiladigan ishlab chiqarish korxonalariga tatbiq etilmaydi.

Yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan solliq hisoblab chiqarilayotganda solliq solinadigan baza quyidagilarning qiymatiga kamaytiriladi:

1) uy-joy-kommunal xo'jaligi obyektlarining. Uy-joy-kommunal xo'jaligi obyektlariga quyidagilar kiradi: uy-joy fondi, vodoprovod tarmoqlari (suv chiqarish inshootlari bilan), kanalizatsiya tarmoqlari (tozalash inshootlari bilan), gaz va issiqlikni taqsimlash tarmoqlari (ulardagi inshootlar bilan), kommunal-maishiy ehtiyojlar uchun qozonxonalar (shu jumladan asbob-uskunalar);

2) madaniyat va san'at, xalq ta'limi, sog'liqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport, ijtimoiy ta'minot sohasiga kiradigan ijtimoiy-madaniy soha obyektlarining;

3) yuridik shaxslarning madaniyat muassasalari, maktabgacha va umumta'lim o'quv muassasalari ehtiyojlari uchun foydalaniladigan mol-mulkining;

4) qishloq xo'jaligi (o'simlikshunoslik, chorvachilik, baliqchilik) mahsulotlarini yetishtirish va saqlash uchun foydalaniladigan qishloq xo'jaligi korxonalarini balansida bo'lgan mol-mulkning;

5) sug'orish va kollektor-drenaj tarmoqlari obyektlarining;

6) aloqa yo'ldoshlarining;

7) kredit hisobidan olingan asbob-uskunaning, uni foydalanishga topshirilgan paytdan boshlab besh yilga, lekin kreditni uzish uchun belgilanganidan ko'p bo'lmagan muddatga;

8) tabiatni muhofaza qilish va sanitariya-tozalash maqsadlari, yong'in xavfsizligi uchun foydalaniladigan obyektlarning. Obyektlarni tabiatni muhofaza qilish va sanitariya-tozalash maqsadlari uchun foydalaniladigan obyektlarga kiritish tabiatni muhofaza qilish organining ma'lumotnomasi asosida amalga oshiriladi;

9) umumiy foydalanishdagi temir yo'llar va avtomobil yo'llari, magistral truboprovodlar, aloqa va elektr uzatish liniyalarining, shuningdek ushbu obyektlarning ajralmas texnologik qismi bo'lgan inshootlarning;

10) konservatsiya qilinishi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori qabul qilingan asosiy ishlab chiqarish fondlarining;

11) lizingga olingan mol-mulkning, lizing shartnomasi amal qiladigan muddatga;

12) soliq to'lovchining balansida bo'lgan hamda tadbirkorlik faoliyatida foydalanilmayotgan, fuqaro muhofazasi va safarbarlik ahamiyatiga molik obyektlarning;

13) shahar va shahar atrofidagi yo'nalishlarda yo'lovchilar tashiydigan shahar yo'lovchilar transporti tashkilotlari transport vositalarining (avtobuslar, tramvaylar, trolleybuslar, metropoliten poezdlari);

14) tuzilgan shartnomalarga muvofiq yuridik shaxsning buyurtmasi bo'yicha ishlar bajarish uchun kasanachilarga bepul foydalanishga berilgan asbob-uskunalarining (foydalanish davriga);

15) telekommunikatsiyalar tarmoqlarida tezkor-qidiruv tadbirlari tizimi texnik vositalarining;

16) ishlab chiqarishga yangi joriy etilgan yangi texnologik jihozlarning, besh yillik muddatga. Yangi texnologik jihozlar olingan (import qilingan) paytdan e'tiboran uch yil ichida realizatsiya qilingan yoki bepul berilgan taqdirda, mazkur imtiyozning amal qilishi mol-mulk solig'ini to'lash majburiyatlari imtiyoz qo'llaniladigan butun davr uchun tiklangan holda, bekor qilinadi.

Yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqdan quyidagilar ozod qilinadi:

1) sog'liqni saqlash, jismoniy tarbiya hamda ijtimoiy ta'minot, xalq ta'limi, madaniyat va san'at tashkilotlari;

2) uy-joy-kommunal xo'jaligi va boshqa umumfuqaroviy ahamiyatga molik shahar xo'jaligi korxonalari. Uy-joy-kommunal va boshqa umumfuqaroviy ahamiyatga molik shahar xo'jaliklari jumlasiga uy-joy fondini bevosita boshqarish, saqlash hamda undan foydalanishni amalga oshiruvchi tashkilotlar, sanitariya tozalash va yig'ishtirish, obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish, shaharlar hamda shaharchalarni tashqi yoritish, vodoprovod suv olish inshootlaridan, taqsimlanadigan tarmoqlardan (tozalovchi

inshootlari bilan) foydalanish va suvni taqsimlash, kanalizatsiya tarmoqlaridan foydalanish (tozalash inshootlari bilan), gaz taqsimlanadigan tarmoqlardan foydalanish hamda gazni taqsimlash, qozonxona, issiqlik taqsimlanadigan tarmoqlardan foydalanish va kommunal-maishiy ehtiyojlarga hamda aholiga issiqlikni taqsimlashni bevosita amalga oshiruvchi tashkilotlar, xizmat binolarining xo'jalik boshqarmalari, o't o'chirish komandalari, uy-joy-kommunal xo'jaligining xo'jalik boshqarmalari, uy-joy-kommunal xo'jaligi va shahar xo'jaligining umumfuqaroviy ahamiyatga molik boshqa korxonalari kiradi;

3) nogironlarning jamoat birlashmalari, «Nuroni» jamg'armasi va «O'zbekiston chernobilchilari» assotsiatsiyasi mulkida bo'lgan, ishlovchilari umumiy sonining kamida 50 foizini nogironlar, 1941–1945 yillardagi urush va mehnat fronti faxriylari tashkil etadigan yuridik shaxslar, bundan savdo, vositachilik, ta'minot-sotish va tayyorlov faoliyati bilan shug'ullanuvchi yuridik shaxslar mustasno. Ushbu imtiyozni olish huquqi belgilanayotganda xodimlarning umumiy soniga shtatda bo'lgan xodimlar kiritiladi;

4) yangi tashkil etilgan korxonalar – davlat ro'yxatidan o'tkazilgan paytdan e'tiboran ikki yil mobaynida. Mazkur imtiyoz tugatilgan (qayta tashkil etilgan) korxonalarining ularga qarashli alohida va tarkibiy bo'linmalarining ishlab chiqarish quvvatlari hamda asosiy fondlari negizida tashkil etilgan korxonalariga, shuningdek korxonalar huzurida tashkil etilgan yuridik shaxslarga nisbatan, agar mazkur yuridik shaxslar ushbu korxonalardan ijaraga olingan asbob-uskunalarda ishlayotgan bo'lsa, qo'llanilmaydi;

5) ixtiyoriy tugatilayotgan tadbirkorlik subyektlarini – yuridik shaxslarni davlat ro'yxatidan o'tkazuvchi organ ixtiyoriy tugatish to'g'risida qabul qilingan qaror haqida xabardor qilingan kundan e'tiboran. Ixtiyoriy tugatish qonun hujjatlarida belgilangan muddatlarda tugallanmagan yoki tugatish tartib-taomili to'xtatilgan va faoliyat qayta tiklangan taqdirda, ushbu imtiyoz qo'llanilmaydi hamda soliq summasi imtiyoz qo'llanilgan butun davr uchun to'liq miqdorda undiriladi.

Yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqni hisoblab chiqarish soliq to'lovchi – O'zbekiston Respublikasining rezidenti tomonidan Soliq kodeksining 267-moddasi birinchi qismiga muvofiq hisoblab chiqarilgan soliq solinadigan bazadan va belgilangan stavkadan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi.

Soliq davri mobaynida soliq to'lovchilar har oyda joriy to'lovlarni to'laydilar, mikrofirmalar va kichik korxonalar bundan mustasno. Joriy to'lovlar summasi tegishli yil uchun mol-mulkning o'rtacha yillik qoldiq qiymatidan (o'rtacha yillik qiymatdan) va belgilangan stavkadan kelib chiqqan holda hisoblab chiqarilgan yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq yillik summasining o'n ikkidan bir qismi miqdorida belgilanadi. Joriy to'lovlar miqdorini hisoblab chiqarish uchun soliq to'lovchi soliq bo'yicha hisobga olish joyidagi davlat soliq xizmati organiga belgilangan shakldagi ma'lumotnomani joriy yilning 20 yanvarigacha taqdim etadi.

Byudjetga joriy to'lovlarni to'lash har oyning 25-kunidan kechiktirmay amalga oshiriladi.

Yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqning hisob-kitobi soliq bo'yicha hisobga olish joyidagi davlat soliq xizmati organlariga ortib boruvchi yakun bilan yilning har choragida hisobot davridan keyingi oyning 25-kunidan kechiktirmay, yil yakunlari bo'yicha esa yillik moliyaviy hisobot taqdim etiladigan muddatda taqdim etiladi.

To'lanishi lozim bo'lgan, yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq summasi hisob-kitoblarni topshirish uchun belgilangan kundan kechiktirmay byudjetga o'tkaziladi.

O'zbekiston Respublikasining norezidentlari bo'yicha yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqni hisoblab chiqarish soliq solinadigan bazadan va belgilangan stavkadan kelib chiqqan holda quyidagi tartibda davlat soliq xizmati organlari tomonidan amalga oshiriladi:

O'zbekiston Respublikasida faoliyatni doimiy muassasa orqali amalga oshirayotgan O'zbekiston Respublikasining norezidenti soliq Kodeksining

79-moddasida nazarda tutilgan tartibda yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqni to'lovchi sifatida O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organida hisobda turishi shart. Yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliqni hisoblab chiqarish uchun O'zbekiston Respublikasining norezidenti hisobot yilidan keyingi yilning 25 yanvarigacha doimiy muassasaning soliq bo'yicha hisobga olish joyidagi davlat soliq xizmati organiga mavjud soliq solinadigan mol-mulk to'g'risidagi ma'lumotnomani taqdim etadi. Taqdim etilgan ma'lumotnoma asosida davlat soliq xizmati organi yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq summasi hisob-kitobini o'n kun ichida amalga oshiradi va to'lov xabarnomasini yozadi;

O'zbekiston Respublikasi hududida ko'chmas mulkka ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi norezidentlari ko'chmas mulkka bo'lgan huquq davlat ro'yxatidan o'tkazuvchi organda ro'yxatdan o'tkazilganidan keyin o'ttiz kun ichida mustaqil ravishda yoxud o'zining vakolatli vakili orqali O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organida yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq to'lovchi sifatida hisobga turishlari shart. O'zbekiston Respublikasining ko'chmas mulk joylashgan yerdagi davlat soliq xizmati organi O'zbekiston Respublikasining norezidentiga yoki uning vakiliga soliq to'lovchidan yoki ko'chmas mulkka bo'lgan huquqlarni davlat ro'yxatidan o'tkazuvchi organdan olingan ma'lumotlar asosida to'lov xabarnomasi yozadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq O'zbekiston Respublikasining norezidentlari tomonidan yilda bir marta soliq hisoboti davridan keyingi yilning 15 fevralidan kechiktirmasdan to'lanishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vahobov A., Sirojiddinova Z. O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti. – Toshkent: Moliya, 2001. – 174-b.
2. Gataulin Sh. Soliqlar va soliqqa tortish. T.: 1996. 18-bet.
3. Jo‘rayev A., Meyliyev O., Safarov G. Soliq nazariyasi — T.: TMI, 2004. — 210 b.
4. Zavalishina I.A. Soliqlar: nazariya va amaliyot. / «Iqtisodiyot va huquq dunyosi» nashriyot uyi, 2005. □ 544-b.
5. Zaynalov J.R. Soliqlar va soliqqa tortish. □ S.: Samarqand kooperativ instituti, 2002. □ 366

“БЫЛИ ЛИ ЛАТЫШИ ТЮРКАМИ?”

СЕРЬЁЗНАЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ РАБОТА

ИЛИ ОЧЕРЕДНОЙ ДИЛЕТАНТИЗМ?

Юзбашев Тимур Абибуллаевич

Студент 1 курса японской филологии УзГУМЯ

Аннотация: В данной статье приведён анализ работы филолога Галины Шуке “Были ли латыши тюрками?”, в которой сделано сенсационное заявление о происхождении латышского языка и этноса на тюркской основе. Действительно ли доводы автора заслуживают внимания или же это надуманные причины и они не стоят рассмотрения?

Ключевые слова: Любительская лингвистика, этимология, топонимы, происхождение языков.

Думаю, не будет лукавством сказать, что лингвистика — одно из научных направлений, наиболее страдающих от любителей и дилетантов, которые решили, что раз способны говорить на своём родном языке, то и все тайны такого сложного и многогранного явления, как язык в целом, доступны их пониманию. В интернете и некоторой литературе можно найти уймы предположений, явно сделанных не на основе научной лингвистики. Эти лингвистические лженаучные идеи высказываются такими людьми, как Александр Николаевич Драгункин (автор учебников по английскому языку, но также написал работы, в которых доказывал происхождение всех языков мира из русского), Валерий Алексеевич Чудинов (находил древнерусские надписи на Солнце и луне), Александр Юрьевич Хиневич (автор Велесовой книги и т.н. Буквицы, которую выдаёт за докириллическую письменность древних славян) и другие.

Перечисленные выше личности довольно популярны и, несмотря на явную ложность их утверждений, они находят толпы и толпы последователей, которые верят им и даже защищают в случае критики. В данной статье я не буду вновь раскрывать лженаучность их концепций, т.к. сделано это было уже много раз до меня, в том числе и видным деятелем лингвистической науки Андреем Анатольевичем Зализняком. Его работа “Из заметок о любительской лингвистике” стала для меня очень полезным материалом при подготовке к этой работе.

Однако не стоит думать, что лженаучные идеи о языке возникают только в России. “Языковой болезнью” заболевают и деятели других стран. В этой статье я бы хотел подробнее остановиться на труде филолога (как гласит описание книги) Галины Шуке “Были ли латыши тюрками?”. Если верить тому же описанию книги, автор обучает латышскому, русскому, французскому и английскому языкам, в дальнейшем нам понадобится эта информация. А пока, начнём же знакомство с её трудом.

Уже со второй страницы делается сильное утверждение. Если оглавление труда как бы пытается преподнести неуверенность автора, не утверждает, но ставит вопрос о тюркском происхождении латышей, то уже следующая строчка имеет сенсационное объявление: “Феномен обнаружения тюркского субстрата Прибалтики”!

Далее автор сообщает, кому посвящает свою книгу: “Исследователям свободным от политических предрассудков и амбиций, служащим Её Величеству Истине, посвящаю”. Если бы не эти строки, то всю последующую критику можно было бы отмахнуть ссылкой на несерьёзность произведения, будто бы книга представляет собой не более, чем издёвку, но после таких слов подобный контраргумент не может быть принят.

Поначалу введение не вызывает вопросов. Автор описывает теорию праязыка, повествует об идеях Матиаса Александра Кастрена и В.М. Иллича-Свитыча, но потом начинается пассаж о географических названиях, в которых уже начинает проявляться любительская сущность данной книги. Галина подмечает сходство географических названий в разных частях планеты, например: Кемерово (город в России) и Кемер (город на берегу Средиземного моря в Турции), Мальта (остров) и Малта (городок в Латвии, а также район Стамбула) и тому подобное. Исходя из предположений о родстве всех языков, автор считает, что родственные связи можно найти и между географическими названиями.

Но вот неожиданность, Галина не уходит в глубинные исследования этимологии названий, а начинает сравнивать их с турецкими современными словами! Кемерово и Кемер, по её мнению, произошли от турецкого *kemer* (пояс), Мальта и Малта — от *Malda* (в наследии).

Автор сопоставляет всего лишь внешнюю оболочку, а именно, форму названий, но не их происхождения. При таком подходе можно найти огромное количество совпадений: Города Лик, Рай, Род, Серна, Сон, Сало; Реки Морда, Сор, Мера, Раб. Смотрите, как много русских названий есть в топонимах Европы! Может Галина Шукке ошибается, и на самом деле во всех языках есть русский субстрат? На его основе возник латышский и от латышского уже пошёл тюркский? Абсолютно нет. Такой метод установления праязыка может быть действенным и для других языков: испанец увидет в названии рек Кама и Ока свои родные сама “кровать” и оса “гусь”, итальянец в Пьяне – *piana* “тихая”. Как мы видим, для лингвиста-любителя отыскать на карте названия, похожие на слова своего родного языка, не составляет проблем. Подобные открытия сами по себе, без историко-географического и лингвистического анализа, не представляют никакого интереса.

Возникает закономерный вопрос: а почему всё-таки мы обращаемся именно к турецкому языку? Почему именно ему мы придаём особый статус? Что выделяет его среди остальных языков?

Галина Шуке аргументирует свой выбор тем, что “тюркологи (не называя конкретных имён) отмечают особую древность тюркских огузских языков”. А сам турецкий она именует одним из древнейших тюркских языков. Более того, одним из доводов Галины в пользу своих положений становится утверждение, что слова “тюркок” и “турок” называются одним словом *türk*, так же, как и словом *türkolöjü* обозначают и “тюркологию” и “туркологию”, что якобы доказывает близость этих понятий.

Ах, если бы всё было так легко. Здесь, как и во всей книге, прослеживается ложное предположение о том, что язык в наше время и несколько тысячелетий назад остаётся одним и тем же. К сожалению, это не так. Язык можно сравнить с живым организмом, который не консервируется в одном состоянии, а видоизменяется с течением времени. Само собой, есть более и менее консервативные языки, но и они тоже подвержены изменениям. Сравним современный русский и древнерусский: с. р. : “И стали тужить люди в городе и сказал: “Нет ли кого, кто бы смог перебраться на ту сторону...?””; д. р. : “И въстужиша людье въ городѣ и рькоша: “Нѣ ли кого, иже бы на ону страну моглъ дойти””^[1]. Это пример несколько консервативного языка, т.е. современные носители русского поймут около 50% древнерусского текста, но вот если мы приведём, скажем, современный и древний английский: с. а. : “1066 In this year the monastery at Westminster was hallowed on Childermas day (28 December). And king Eadward died on Twelfth-mass eve (5 January) and he was buried on Twelfth-mass day, in the newly hallowed church at Westminster”; д.а. : “An. M.LXVI. On þyssum geare man halgode þet mynster æt Westmynstre on Cyldamæsse dæg . se cyng Eadward forðferde on Twelfts mæsse æfen . hine mann bebyrgede on Twelftan mæssedæg innan þære niwa halgodre circean on

Westmyntre”^[2]. Как мы видим, здесь уже наблюдаются проблемы. Если англичанин сядет читать Беовульфа на древнеанглийском, то его затея вряд ли увенчается успехом. Вот тут и кроется проблема, если сравнивать языки между собой только на основе их современной формы, то научная ценность у таких изысканий равна нулю. Если тюрки действительно как-то повлияли на латышей, то нужно сравнивать древнетюркские формы, а после анализировать, не могла ли эта форма попасть в латышский из других источников. Пример подобного анализа приведён ниже с этимологией названия гор Kangaru kalni.

Далее автор описывает ареал расселения тюркских огузских народов и ссылается на исследование латвийского географа и журналиста Юриса Пайдере, в котором он утверждает, что тюркские руны можно найти по всей Восточной Европе и Центральной Азии, кроме того, тюркские руны якобы поразительно схожи с германскими, что должно намекать на происхождение последних от первых. Кроме того, за этим следует ещё более сильное заявление, якобы лингвисты находят тюркские корневые морфемы и словообразовательные аффиксы в языках индейцев Америке, языках басков, шумеров и даже этрусков. Галина подкрепляет своё утверждение ссылкой на работу М.З. Закиева “Происхождение тюрков и татар”.

Автор делает утверждение о дешифровке Глозельских надписей при помощи тюркских языков. Глозельские надписи — артефакты с алфавитными письменами на неизвестном языке. Их датируют то эпохой неолита, то палеолита, но также их относят и к железному веку. Всего было найдено более 3000 артефактов, включая скульптуры, вазы и глиняные таблички. Окажись эти надписи подлинными, произошёл бы невероятный поворот в истории письменности, ведь это означало изобретение алфавитной письменности населением Западной Европы, а не финикийцами. Тем не менее, эти находки были сочтены ложными^[3].

И снова автор возвращается к названиям, но уже не только географическим, а ещё и этническим. Так, в названии народа эскимосы Галина видит турецкий корень *eski* (древний), в названии Ирака – *irak* (далёкий), бурятов – *bürütü* (окутывать, покрывать).

Как мы уже пояснили выше, одно соответствие формы слов ещё не означает их родственность. Разберём же данные примеры. Однозначной этимологии слова “эскимос” у нас нет. Но есть как минимум три теории:

1. Алгонкины называют эскимосов “эскиманциг”, т.е. те, кто питается сырой рыбой.
2. Ив Годдард полагал, что название народа произошло от алг. *ayaškimew* (Та, кто шьёт зимнюю обувь)
3. Жозе Мэйо (José Mailhot) высказал гипотезу о происхождении этнонима из слова *Esquimaux* (Те, кто говорят на другом языке), которые французские купцы, встретившиеся с инуитами, адаптировали из языка индейцев.

Из этих трёх теорий ясно, что название “эскимосы” произошло из местных языков, а тюркского корня *eski* здесь нет вовсе.

Название Ирак пришло из арабского (*عراق* “*iraaq*”), но его дальнейшая этимология спорная. Возможно, оно произошло от имени города Урук, или же связано с ср.-перс. *eṙāq* «низкие земли».

Происхождение название народа бурятов до сих пор остаётся неизвестным, но есть несколько основных версий:

1. От хакасского слова *пыраат*, восходящего к термину *бури* (тюрк.) — волк, или *бури-ата* — волк-отец, предполагающего тотемный характер этнонима, так как многие древние бурятские роды почитали волка как своего прародителя. В хакасском языке общетюркский звук *б* произносится как *п*. Под этим именем русским казакам стали известны предки западных бурят, жившие к востоку от предков хакасов. В

дальнейшем пыраат трансформировалось в русское брат и было перенесено на всё монголоязычное население в пределах Русского государства (братья, братские люди, брацкие мунгалы) и затем принято эхиритами, булагатами, хонгодорами и хори-бурятами в качестве общего самоназвания в виде буряад.

2. От слов бу — седой, в переносном смысле старый, древний и ойрот — лесные народы, в целом переводимое как древние (коренные) лесные народы.

3. Д. Банзаров считал, что бурят — это фонетический вариант этнонима бурут (бургут). Этноним бурут восходит к слову бури. Значение слова бури — волк. Помимо названия волка, также обозначало цвет (масть) — серый, светло-серый, темновато-пепельный.

Автор даёт предысторию тому, что сподвигло её на такое исследование. Галина утверждает, что изучая турецкий язык, она вдруг осознала турецкое (именно турецкое, не тюркское) происхождение большого количества слов родного для неё русского языка. Галина пишет о возможности дешифровки географических названиях Латвии, которые никак не связаны с латышским языком, при помощи турецкого языка.

Далее автор пишет о наличии неиндоевропейского субстрата на территории Европы и этногенезе Малой Азии и Латвии. Для целей данной статьи эта информация не представляет никакого интереса, поэтому её мы затрагивать не будем.

“Мы уже говорили о народе шумеров, который занимает особое место в формировании знаний и культуры народов Малой Азии. Известно, что сами себя шумеры называли кангарами. Кангары — название древнего тюркского этноса Месопотамии. Это ученым позволяет говорить о тюркских корнях шумеров, что подтверждает анализ их языка”^[4]. Само собой, никаких ссылок не будет, т.к. предполагается, что большая часть читателей, увидев слово “известно”, не будет проверять эту информацию.

На самом деле самоназвание шумеров – sag-gig-ga (черноголовые). Что же касается названия “кангары”, то они действительно существовали, но не в Месопотамии, а на территории современного Казахстана. И вот наступает тот момент, для чего в повествование были включены Кангары: Галина утверждает тюркское происхождение названия горы в Латвии – Kangaru kalni, что якобы переводится как “Горы кангаров”. На самом же деле слово Kangaru пришло в латышский из ливонского. Лив. kangaru означало какое-либо возвышение^[5]. Таким образом, название горы переводится как “возвышенные горы/холмы”.

Не менее удивительны пассажи автора о происхождении латышских имён. Самое распространённое Janis Шукке соотносит со словом уап (гореть), т.к. латышский бог Ян олицетворяет солнце. Это латышское имя пришло из иврита и является когнатом английскому Джон. “Латышское имя Krisjanis, очевидно, восходит к тур karshi uap (встречный огонь)”^[6] пишет автор. Такие слова, как “очевидно”, “конечно”, “известно” используются в наиболее сомнительных утверждениях. Таким образом Галина хочет хоть немного легитимизировать свои доводы, надеясь на то, что ленивые читатели не будут ничего проверять. Данное имя широко распространилось в период принятия христианства, следовательно, Krisjanis – адаптация христианского имени Кристиан.

В работе представлено ещё огромное количество различных слов и их турецкого “предка”, поэтому, в целях краткости, далее мы будем разбирать только действительно уникальные случаи.

В главе, посвящённой грамматическому наследию от турецкого в латышском, Шукке устанавливает некоторые фонетические изменения:

- Звук [ü] переходит в дифтонг [ie], гласные [e] и [u]: dün > diena, güneş > uguns.

- Звук [ö] переходит в дифтонг [uo] (на письме обозначается просто о) и гласный [e]: Kök > koks, böbür > bebris.

- Звук [ı] переходит в [a], [i] и [e], якобы из-за близости по месту артикуляции: Algı > alga, sırma > sirms.

- Звук [i] переходит в [ie]: mihr > miers.

- Звук [e] переходит в [au], [a],[i] [ie]: yeni > jauns, keman > kamanas, tek>tikai, devasa > dievs.

- Звук [u] перешёл в долгий [ū]: Duman > dūmaка, kuka > kūka.

- Звук [a] перешёл в [e]: almak > elki.

- Звук [o] перешёл в [u]: yom > jumis.

Казалось бы, замечательно. Автор нашла закономерности, по которым происходили фонетические изменения от тюркского протолатышского до современного языка! К сожалению, ситуация вовсе не такая позитивная. Внимательные читатели уже увидели проблему, но для начала давайте вспомним слова, которые Галина Шуке приводила в начале книги: Латышское kamanas произошло от keman, ilkss – ilk, žebērklis – sebretnek. В первой паре первый звук [a] действительно перешёл в [e], третий [a] можно было бы объяснить латышским новоделом, якобы добавили окончание “as”, чтобы звучало более по-латышски, но почему второй [a] не перешёл в [e], хотя в тюркском “протослове” оно есть — совершенно непонятно. Во второй паре [i] остался прежним, хотя должен был перейти в [ie]. В третьей паре первый звук [e] остался прежним, хотя по описанным выше “фонетическим законам” он этого сделать не может, а правила для образования длинного [ē] в латышском Галина не придумала. Кроме того, можно было заметить нестыковки уже в примерах, которыми автор подкрепляет свои доводы об изменении гласных: böbür > bebris – звук [ü] перешёл в [i], хотя он этого делать не должен, Algı > alga, – звук

[a] остался прежним. *almak* > *elki* – проигнорируем изменение согласного, второй [a] вдруг стал [i]. Из всего вышеописанного мне приходится сделать вывод, что открытые Галиной Шуке “закономерности” — не более чем выдача желаемого за действительное. Если в начале своей работы автор всего лишь искала соответствие между языками, то уже потом она захотела придать больше наукообразности своей работе и решила выдумать подобные фонетические законы, но, к сожалению, забыла о чём писала буквально строчку назад, в результате вскрылись фатальные ошибки. Да, далее она пытается создать себе возможности для защиты, в частности, пример с *kamanas* и *keman* Галина объяснила через стремление латышского языка к гармонии гласных, но как тогда определить, что в данном конкретном слове гласные изменились в целях гармонии или из-за фонетических законов?

Мы ещё не затрагивали разделы “Морфология”, “Синтаксис” и “Словообразование”, но, думаю, приведённых выше примеров уже достаточно для того, чтобы показать несостоятельность теории Галины Шуке. Самое страшное то, что есть люди, прочитавшие данный труд и действительно уверовавшие в тюркское происхождение латышей. Такие люди начинают вести агрессивное насаждение своих идей другим, а несогласных они предают анафеме и оскорбляют. Такое поведение наблюдается у последователей любой лжелингвистической концепции. Я считаю, что научному сообществу следует обратить пристальное внимание на проблему любительской лингвистики и проводить мероприятия по разоблачению подобных антинаучных идей.

Указатель цитируемой и использованной литературы:

1. Повесть временных лет (6476 (968)) г.)
2. The Anglo-Saxon Chronicle
URL:<https://www.public.asu.edu/~gelder/hel/chron.html>
3. A. Vayson de Pradenne (1933). The Glozel Forgeries. *Antiquity*, 4(14)
<https://doi.org/10.1017/S0003598X00004518>
4. Галина Шуке (2010). Были ли латыши тюрками? стр. 12
5. Saarikivi, J., & Pitkänen, R-L. (Eds.) (2007). Borrowing of place names in the Uralian languages. (*Onomastica Uralica*; No. 4). p. 38
6. Галина Шуке (2010). Были ли латыши тюрками? стр. 25

**ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЕР
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ “КЛАСТЕР”
УСЛУБИНИ ИНТЕРАКТИВ КАРТОГРАФИК МАНБАЛАР БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ (Самарқанд вилояти Булунғур тумани мисолида)**

*Давлат Солик Кумитаси Хузуридаги Кадастр Агентлигининг
Давлат Кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти Бошкармаси
Самарқанд шаҳар филиали"да мухандис*

Аннотатсия: Масофавий зондлаш , географик ахборот тизимлари ва глобал жойлашишни аниқлаш тизими интегратсияси ер ости сувлари гидрологияси, ресурсларни бошқариш, атроф-муҳит мониторинги ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш соҳасида ривожланаётган тадқиқот ёъналишларидир. РС, ГИС, ГПС ва юқори даражадаги ҳисоблаш соҳаларидаги соънги ютуқлар бир вақтнинг оъзида бир қатор маълумотларни вақт ва иқтисодий жиҳатдан самарали тарзда тақдим этиш ва қайта ишлашга ёрдам беради. Ушбу мақолада Булунғур тумани мисолида ушбу масалалар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: космик, ер тизиш, кадастр, ер ресурслари, фотограмметрия.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 13 декабр куни ер ресурслари, геодезия ва кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раҳбарларининг соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Маълумки, ер ва кўчмас мулк кадастри ишларини яхшилаш мақсадида жорий йилда

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси таркибий тузилмаси ва фаолият йўналишлари қайтадан тасдиқланди. Ҳар қандай карта тузишда у ҳох қоғоз карта бўлсин хох рақамли ишлар аввал маълумот тўплашдан бошланади. Олдинлари бу ишлар қийин математик ҳисоб-китоблар қилишни талаб қилар ва уларни бажаришга йиллар кетиши мумкин эди. Ҳозирда геодезик янги технологиялар ишлаб чиқарилди ва бунинг натижасида ер ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Самарқанд вилояти Булунғур туманида жами 2 та мева-сабзавотчилик, 1 та ғаллачилик, 1 та картошқачилик ва 5 та узумчилик йўналишида кластер ташкил этилиб фаолият юритиб келмоқда.

"БУЛУНҒУР САНДВИК" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери туман ҳокимининг 2018 йил 8 августдаги №1738-Қ сонли қарори билан кластер этиб расмийлаштирилган, унга тумандаги Ўзбекистон, Мингчинор, Улуғбек, А.Махсумов ва Бешкуви агрофирма массивидан жами 346 гектар, шундан фойдаланиладиган 342,33 гектар ер майдони узок муддатли ижара шартномасига асосан сабзавот йўналишида фаолият юритиш учун ажратиб берилган.

Шунингдек, "БУЛУНҒУР-САНДВИК" мева-сабзавотчилик агрокластерига 370 та фермер хўжаликлар ва уларнинг 1500,0 гектар майдони ҳамда кластерни ўзидаги 342,33 гектар майдонга сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун бириктириб берилган.

"БУЛУНҒУР-САНДВИК" мева-сабзавотчилик агрокластери томонидан етиштирилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари сотилишида корхона томонидан 2022 йил январ-апрел ойлари давомида маҳсулотлар экспорти амалга ошириш бўйича **584** тонна қуритилган сабзавот маҳсулотларини **2000.0** минг АҚШ долларига экспорти амалга оширилган. "БУЛУНҒУР-САНДВИК" кластер корхонасининг инфратузилма объектлари ҳамда техника ва агрегатлари, мавжуд қайта ишлаш қуввати 40000 тоннани, оддий омборхона 200 тоннани ташкил

этади ва корхонада 20 та юк ташувчи автомашиналар ҳамда 10 та турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд.

2022 йил ҳосили учун корхона томонидан фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш учун жами **2515.0** млн.сўм миқдорида аванс маблағлари ҳисобига уруғ ва кўчатлар ажратилган бўлиб, аҳоли ва шартнома қилмаган бошқа тадбиркорлик субъектларига тўловлар маҳсулот сотиб олиш вақтида амалга оширилади.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери туман ҳокимининг 2018 йил 5 августдаги №1086-Қ сонли қарори билан кластер этиб расмийлаштирилган, унга тумандаги "Дўстлик" ва "Булунғур" агрофирма массивидан жами 1314,0 гектар лалми ва фойдаланилмайдиган ер майдони узок муддатли ижара шартномасига асосан боғдорчилик йўналишида фаолият юритиш учун ажратиб берилган.

2021 йил 1 октябр ҳолатига 588 гектар майдонга интенсив боғ ташкил этилган (327 га гилос, 195 га шафтоли, 66 га черешня) ҳамда 2022 йил лойиҳага киритилган 400 гектар майдонга интенсив боғ ташкил этиш бўйича питомникларда етарли кўчатлар тайёрланган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластерининг ишлаб чиқариш қувватлари талабларидан келиб чиқиб, тумандаги 40 та фермер хўжалиklarининг 200 гектар ер майдони бириктириб берилган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери томонидан етиштирилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари сотилишида корхона томонидан 2022 йил январ-апрел ойлари давомида маҳсулотлар экспорти бўйича **103.4** тонна мева-сабзавот маҳсулотларини **275.4** минг АҚШ долларига экспорттини амалга оширилган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластерининг инфратузилма объектлари ҳамда техника ва агрегатлари мавжуд қайта ишлаш қуввати 10500 тоннани, 4500 тонналик музлаткичли

омборхона ташкил этади ва корхонада 22 та турли русумдаги кишлок хўжалиги техникалари мавжуд. 2022 йил ҳосили учун корхона томонидан шартнома тузилган фермер хўжаликларига жами **74.0** млн.сўм миқдорида аванс маблағлари ҳисобига кўчатлар тарқатилган, аҳоли ва шартнома қилмаган бошқа тадбиркорлик субъектларига тўловлар маҳсулот сотиб олиш вақтида амалга оширилади.

Туманда **"ПЕТ АГРО ОИЛ"** МЧЖ ғаллачилик йўналишида кластери туман ҳокимининг 2021 йил 2 ноябрдаги №125-7-93-Қ/21-сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, кластерга тумандаги 764 та ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари билан 6290 гектар майдондаги 15239 тонна донга фьючерс шартномаси тузилган. Кластер томонидан 2022 йил ғалла ҳосили учун ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига аванс сифатида минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4704-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг 2020 йил 25 майдаги 327-сонли қарори билан **“ЗАРАФШОН ГРЕН АГРО”** МЧЖ картошкачилик кластери ташкил этилиб, кластер корхонасида 2 нафар янги иш ўрни ташкил этилган. Кластер корхонасига 61 та фермер хўжалиги 435 гектар ер майдони бириктирилиб берилган. 2022 йил ҳосили учун кластер томонидан 822 гектар майдонга картошка уруғи экилди, такрорий экин сифатида кечки 400 гектар майдонга элита ва Р-1 уруғлик картошкалари экилиши режалаштирилган.

2022 йилда кластер томонидан инвестиция лойиҳаси бўйича 300 тонналик музлаткичли омборхона қурилиши лойиҳалаштирилган, лойиҳа қиймати 1200 млн. сўм, шундан 400 млн. ўз маблағи, 800 млн. сўм банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган, жихозлар Хитой

давлатидан келтирилади натижада 5 нафар янги иш ўринлари ташкил этилади.

Туманда узумчиликни ривожлантириш, сохага илғор технологияларни жалб қилиш, йирик плантацияларда узум етиштиришни ташкил этиш мақсадида туман хокимининг 2021 йил 21 июлдаги №22-7-93-Қ/21-сонли қарори билан узумчилик йўналишида кластерлар ташкил этилиши белгилаб қўйилган, шу асосида туманда 5 та узумчилик йўналишида кластерлар ташкил этилди. Булардан 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ТУРОН ГЪАФФАРОВ”** Агро кластерига 52 та фермер хўжалигининг 593 гектар ер майдони, 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ОЛҚАРТЕПА”** Агро кластерига 74 та фермер хўжалигининг 480 гектар ер майдони, 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ”** Агро кластерига 57 та фермер хўжалигининг 1000 гектар ер майдони, 2022 йил 21 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“БУЛУНГУР АГРО ГРОУП”** МЧЖ кластерига 37 та фермер хўжалигининг 437 гектар ер майдони ва 2022 йил 12 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ШОҲЖАХОН ЖСД”** Агро кластерига 44 та фермер хўжалигининг 455 гектар ер майдони бириктириб берилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. З.Д.Охунов., И.Й.Абдуллаев. “Фотограмметрия” Ўқув қўлланма. Т., Чоълпон. 2007 йил -160 б.
- 2.Сафаров Э.Географик ахборот тизимлари. Тошкент., Университет, 2010 й.
3. Бобоколонов М.Х. “Аҳоли карталарини яратишда картографик усулларни таҳлил қилиш” магистрлик диссертацияси. СамДАҚИ. Самарқанд. 2013 й.

**TUYALAR BRUTSELLYOZI EPIZOOTOLOGIYASI,
EPIDEMIOLOGIYASI, UMUMIY VA ALLERGIK DIAGNOSTIKASI,
OLDINI OLIISH CHORALARI**

Ulug'muradov A.D., v.f.f.d., kichik ilmiy xodim;

Ruzimurodov M.A., v.f.n., katta ilmiy xodim;

Quvatov B.H., kichik ilmiy xodim;

Muxtorov F.N., tadqiqotchi.

Veterinariya ilmiy-tadqiqot instituti. E-mail: nivi@vetgov.uz

Annotatsiya: Ushbu maqolada tuyalar brutsellyozining epizootologiyasi, diagnostika usullari va oldini olish va qarshi kurash bo'yicha adabiyot ma'lumotlari va VITI Brutsellyoz laboratoriyasida ushbu kasallik diagnostikasi bo'yicha olib borilayotgan tadbirlar keltirilgan. Maqolada Respublikadagi tuyachilik xo'jaliklari rahbarlari, aholi va veterinariya mutaxassislariga tuyalar brutsellyozi bo'yicha materiallar berilgan.

Kalit so'zlar. Brutsellyoz, urbanizatsiya, infeksiya, FAO, gidrobursit, serotip, abort, KBT, RBT, XR.



Kirish. Osiyo va Afrikaning ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlarida tuyalar ko'chmanchi aholining eng muhim daromad manbalaridan biri hisoblanadi. Urbanizatsiyaning o'sishi bilan tuya suti va go'shti bozori kengayib bormoqda va tuya mahsulotlarini tijoratlashtirish va iste'mol qilish ko'rsatgichlari ortib bormoqda.

Epizootologiyasi. Tuyalar brutsellyozi Avstraliyadan tashqari tuya boqiladigan barcha mamlakatlarda uchraydi. Ko'pgina mamlakatlarda hayvonlar va podalarda kasallikning yuqori darajada tarqalganligi qayd etilgan bo'lib, bu nafaqat insonlarga kasallikning yuqish xavfini keltirib chiqaradi, balki klinik jihatdan ko'zga tashlanmaydigan hayvonlarning savdosi natijasida infeksiyaning keng tarqalish xavfini ham oshiradi.

Tuyalar – juft tuyoqlilar turkumiga kirib, ikki turga bo'linadi: bir o'rkachli (*Camelus dromedarius*) va ikki o'rkachli (*Camelus bactrianus*) tuyalar. Birinchisi G'arbiy Osiyo, Shimoliy Afrika, Yaqin va O'rta Sharqning cho'l mintaqalarida, ikkinchi tur tuyalar esa, Markaziy va Sharqiy Osiyoning qurg'oqchil hududlarida yashaydi. Tuya go'shti asosan Qizil dengizni o'rab turgan Saudiya Arabistoni va Iordaniya kabi mamlakatlarda iste'mol qilinadi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO) 2009 yilda dunyoda tuyalar sonini taxminan 26 mln. bosh (Avstraliya bundan mustasno) deb hisoblagan. Kelajakdagi iqlim o'zgarishi natijasida yuzaga keladigan atrof-muhit o'zgarishlariga moslasha olmaydigan chorva mollarining o'rnini tuyalar egallashi sababli bu raqamlar kelgusida ortishi mumkin. Jumladan, O'zbekistonda ham bugungi kunda taxminan 30 mingdan ziyodroq tuyalar mavjud. Ular asosan aholi shaxsiy qaramog'ida parvarishlanadi.

Ushbu maqolaning **maqsadi** tuyalar brutsellyozining diagnostikasi, epizootologiyasi va aholi salomatligiga ta'siri hamda iqtisodiy oqibatlarini ko'rsatib berishdan iboratdir.

Tuyalar bardoshli va saqlanishi oson bo'lsa-da, ular o'tmishda ko'pincha taxmin qilinganidek, boshqa chorva molari kasallanadigan kasalliklarga chidamli emas. Tuyalar asosan mayda shoxli hayvonlar va qoramollardan kasallikni yuqtiradi. Bu kuzatuv boshqa hayvonlarda kasallik chaqiruvchi barcha *Brucella* turlari va biovarlari tuyalardan ham ajratilganligi bilan tasdiqlanadi. Tuyalarda *Brucella abortus* va *Brucella melitensis* turlari aniqlangan. Kasallik bo'yicha birinchi ma'lumotlar 1931 yilda keltirilgan. Tuyalarda klinik belgilar

odatda yengil kechsa-da, brusellalar yangi sogʻilgan sut yoki ularning xom goʻshti orqali insonlarga yuqishi va endemik hududlarda jiddiy muammoga aylanishi mumkin.

Tuya brutsellyozining **klirik koʻrinishi** simptomsiz kechishidan - abortga qadar farq qilishi mumkin [2]. Urgʻochi tuyalarda gidrobursit va granulomatoz endometrit rivojlanishi mumkin [6]. Yoʻldoshning ushlanishi, bepushtlik va jinsiy kechikish holatlari ham qayd etilgan. Erkak tuyalarda orxit belgilari, baʼzan oʻtkir oqsoqlik bilan birga artritning boshlanishi ham kuzatilishi mumkin [4], [2].

Diagnostikasi. Tuyalarda brutsellyozning tarqalishi toʻgʻrisidagi soʻnggi maʼlumotlar nisbatan kam [5], [6]. Hisobotlarning aksariyati tuyalarda brutsellyoz serotipining tarqalishiga qaratilgan; namunalarni olish va qayta ishlashning nisbatan qulayligini hisobga olsak, bu ajablanarli emas. *Brusellalarni* oʻstirish va fenotipik xarakteristikasi boʻyicha tashxis qoʻyish nafaqat mashaqqatli va koʻp vaqt ham talab etadi, balki tadqiqotchi uchun ham infeksiyani yuqtirib olish xavfi yuqori hisoblanadi. Qoʻzgʻatuvchini ajratib olish limfa toʻqimasi [7], abort qilingan homila, vaginal surtmalar [8], sut [9], tuxumdonlar va zararlangan boʻgʻimlarda taqdqiotlar olib borish orqali erishiladi.

Allergik test. Baʼzi tadqiqotchilar, ayniqsa sobiq SSSRda ikki oʻrkachli tuyalarda turli allergenlardan foydalangan holda brutsellyoz uchun teri testlarini sinab koʻrishgan [10]. Teri testi juda oʻziga xos hisoblanadi, lekin uning sezgirligi tuyalarda past boʻlib, testdan podani tekshirish uchun foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Tuyalar brutsellyozi uchun serologik testlarning hech biri hali tuyalarda qoʻllanilishi tasdiqlanmagan. Biroq, turli xil serologik testlarning kombinatsiyasi tuyalarda diagnostika samaradorligini oshirishi aniqlangan. Tavsiya etilgan serologik testlar Komplement bogʻlash reaksiyasi (KBR), Roz bengal test (RBT), seroaglyutinatsiya testi (SAT) va raqobatbardosh IFT (c-ELISA). Jumladan, VITI brutsellyoz laboratoriyasining joriy 2022 yilga ish rejasiga

tuyalar brutsellyozi bo'yicha tadqiqotlar o'tkazish kiritilgan. Shundan kelib chiqib, laboratoriya tomonidan 2021-2022 yillar davomida hududlardagi tuyachilik xo'jaliklaridan keltirilgan jami 109 bosh tuyalar qon zardoblari brutsellyozga amaldagi qoidalar asosida serologik tekshirildi. Joylarda insonlar tomonidan yangi sog'ilgan tuya sutini (parnoe moloko) davo sifatida iste'mol qilishlarini inobatga olib, laboratoriya mutaxassislari tomonidan Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani "Shonazar Xalifa" nomli ishlab chiqarish kooperativida parvarishlanayotgan 11 bosh tuyalardan tanlov asosida 5 boshidan yangi sog'ilgan sut namunalari olinib, Sutda xalqa reaksiyasi (XR) orqali tekshirildi, manfiy natijalar olindi. Bunday monitoringlar laboratoriya xodimlari tomonidan Respublikaning Navoiy, Surxondaryo, Qashqadaryo, Jizzax viloyatlarida ham rejali davom ettirilmoqda.

Epidemiologiyasi. Tuya boqiladigan barcha mamlakatlarda tuya brutsellyozi qayd etilgan. Bu kasallik, ayniqsa, O'rta yer dengizi, Yaqin Sharq va Fors ko'rfazi, Afrika, Yevropa va Lotin Amerikasining ayrim qismlarida endemik hisoblanadi. Hayvonlar oziq-ovqat, suv, og'iz suti, infeksiyalangan sut, ayniqsa yo'ldoshni va abort qilingan homila orqali yuqadi. Tuyalar *brusella* uchun asosiy xo'jayin ekanligi ma'lum emas, lekin ular *B.abortus* ga ham *B.melitensis* ga ham sezgirdir. Shuning uchun tuyalarda kasallikning tarqalishi, ular bilan birga boqiladigan asosiy xo'jayinlarning infeksiyalanish darajasiga bog'liq.

Oldini olish va qarshi kurash. Brutsellyoz dunyoning ko'plab mintaqalarida yo'q qilinsada, boshqalarida u keng tarqalgan va iqtisodiy jihatdan muhim kasallikdir. Tuyalar brutsellyozida barcha harakatlar kasllikni aniqlash va oldini olishga qaratilgan, chunki amaliy davolash yo'q. Tuyalar *B.abortus* S19 va *B.melitensis* Rev-1 shtammlaridan tayyorlangan vaksinalar bilan muvaffaqiyatli emlangan, ammo hozirgacha tuyalarni emlash uchun optimal yoshlari va ularning serologik javoblari haqida juda kam ma'lumotlar mavjud. Yosh (3 oylik) tuyalar vaksinaning to'liq dozasini, kattalar (10 yosh) esa kichik dozani oladi. Albatta bunda hududdagi qoramollar va mayda shoxli hayvonlarni

brutsellyoz kasalligiga qarshi doimiy tekshirib borish va endimik hududlarda kasallikka qarshi emlash ishlari olib borilishi katta ahamiyatga ega. Bugungi kunda VITI qoshida tashkil etilgan ishlab chiqarish uchastkalarida brutsellyozga qarshi liofillangan vaksinalar ishlab chiqarish va kasallikka moyil barcha turlar, jumladan, tuyalarni ham profilaktik emlash ishlari borasida tadqiqotlar olib borilmoqda.

Xulosa. Zoonoz kasallik hisoblanmish brutsellyoz tuyalar populyatsiyasiga ta'siri e'tiborsiz qoldirilganda, insonlar uchun xavfi juda yuqori bo'ladi. Shu bois, davlat veterinariya va sog'liqni saqlash organlariga tuyalar brutsellyozi diagnostikasini doimiy olib borishlari va doimiy nazorat, hayvonlar egalari, tuya mahsulotlarini iste'molchilari, qaror qabul qiluvchilar o'rtasida ushbu kasallik haqida keng tushuntirish ishlari olib borilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Хайвонлар бруцеллёз касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган ТИЗИМ. //Утверждена Государственным ветеринарном комитетом Р.Уз. 2018 г.
2. Musa MT, Eisa MZ, El Sanousi EM, Abdel Wahab MB, Perrett L. Brucellosis in camels (*Camelus dromedarius*) in Darfur, Western Sudan. *J Comp Pathol.* 2008;138:151–5. [PubMed] [Google Scholar];
3. Agab H, Abbas B, Ahmed HJ, Mamoun IE. First report on the isolation of *Brucella abortus* biovar 3 from camels (*Camelus dromedarius*) in Sudan. *Camel Newslett.* 1994;12:52–5. [Google Scholar];
4. Abbas B, Agab H. A review of camel brucellosis. *Prev Vet Med.* 2002;55:47–56. [PubMed] [Google Scholar];
5. El Tahir Y, Nair RR. Prevalence of brucellosis in the Sultanate of Oman with reference to some Middle East countries. *Vet Res.* 2011;4:71–6. [Google Scholar];

6. Musa MT, Shigidi MTA. Brucellosis in camels in intensive animal breeding areas of Sudan. Implications in abortion and early-life infections. Rev Sci Tech. 2001;54:11–5. [Google Scholar];
7. Abu Damir H, Tag El Din MH, Kenyon SJ, Idris OF. Isolation of Brucella abortus from experimentally infected dromedary camels in Sudan: a preliminary report. Vet Res Com. 1989;13:403–6. [PubMed] [Google Scholar];
8. Gameel SE, Mohamed SO, Mustafa AA, Azwai SM. Prevalence of camel brucellosis in Libya. Trop Animal Health Prod. 1993;25:91–3. [PubMed] [Google Scholar];
9. Radwan AI, Bekairi SI, Prasad PV. Serological and bacteriological study of brucellosis in camels in central Saudi Arabia. Rev Sci Tech. 1992;11:837–44. [PubMed] [Google Scholar];
10. Сайтахметова Р.Ж., Аллергический метод диагностики бруцеллеза верблюдов. Автореферат кандидата ветеринарных наук. Алмата. 1994 г.

АКТУАЛЬНОСТЬ ЗАЩИТЫ АВТОРСКИХ ПРАВ

*Абдуллаходжаев Гайрат Талипович. к.ю.н., доцент,
академик Академии Турон Республики Узбекистан
Национальный институт художеств и дизайна (Ташкент,
Узбекистан)*

*Алимов Нодир Юнусович. доцент кафедры “Общественных
наук, педагогики и профессионального образования”
Национальный институт художеств и дизайна (Ташкент,
Узбекистан)*

Аннотация: В данной теме изучаются вопросы по передаче авторских прав третьим лицам и нарушения в сфере авторского права; даётся правовая оценка взаимодействия автора произведения в сфере науки, литературы и искусства.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, правила уступки, пиратство, индивидуализация, моральные права, правомочия автора.

IMPORTANCE OF COPYRIGHT PROTECTION

1. Abdullahodzhaev Gairat Talipovich PhD in Law, Associate Professor, Academician Academies Turon of the Republic of Uzbekistan National Institute of Fine Arts and Design (Tashkent, Uzbekistan)

2. Alimov Nodir Yunusovich. Associate Professor of the Department of “Social Sciences” National Institute of Fine Arts and Design (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract: At this work, the issues of copyright transfer to third parties and violations in the field of copyright are studied; a legal assessment of the interaction of the author of the work in the field of science, literature and art is given.

Key words: intellectual property, assignment rules, piracy, individualization, moral rights, author's rights.

Основной причиной появления данной статьи было вызвано появлением у авторов произведений проблемы по урегулированию отношений по передаче имущественных прав другим лицам.

Так при продаже произведений изобразительного искусства возникают вопросы по повторному исполнению ранее проданной (картины, композиции, объекта дизайна), такие же вопросы возникают у авторов при защите объектов интеллектуальной собственности (идея, товарный знак) как неопубликованных, так и доведенных до сведения неопределенных лиц.

Следующим аспектом в регулировании правоотношений возникают у работников ВУЗа создающих произведения относящихся к объектам авторского права (живопись, рисунок, миниатюра, композиция гончарного искусства, дизайнерские проекты и. т.д.). В целях обеспечения защиты прав, вышеуказанных категорий авторов создаются «Центры интеллектуальной собственности» на правах юридического лица, бюджет которого формируется как из бюджета ВУЗа, так и внебюджетных средств (членские взносы, гранты, спонсорская помощь, издательство и др.). Все эти действия отражены в соответствующих законах Республики Узбекистан и нормах международных конвенций.

С обретением независимости в Узбекистане идет активное построение основ правового государства. В частности, созданы и продолжаются работы по созданию основ законодательства в сфере

Основная часть. Многолетняя практика и педагогический опыт показывают, что при изучении иностранного языка самоподготовку курсантов невозможно представить без преподавателя. Именно он выступает и в качестве обучающего, всесторонне развивающего и формирующего субъекта, и в качестве создателя языковой среды. Отметим, что зачастую выразить свою мысль или передать содержание текста тяжело даже на родном языке. Данный процесс вдвойне сложнее для тех, кто изучает язык как иностранный. На сегодняшний день существует большое количество педагогических технологий, методик, которые облегчают, ускоряют процесс развития речи. «Необходимо отметить, что широкое использование многообразных методов самостоятельной работы (подготовки), побуждающих к мыслительной, практической и научной деятельности обучающихся, развивает важные интеллектуальные качества человека, обеспечивающие в дальнейшем его стремление к постоянному овладению знаниями и применению их на практике. В этом плане следует признать, что самостоятельная работа является не просто важной формой образовательного процесса, а должна стать его основой»¹⁰.

⁹<https://cyberleninka.ru/article/n/samostoyatel'naya-podgotovka-slushateley-i-kursantov-v-obrazovatelnyh-organizatsiyah-mvd-rossii#>

¹⁰<https://cyberleninka.ru/article/n/samostoyatel'naya-podgotovka-slushateley-i-kursantov-v-obrazovatelnyh-organizatsiyah-mvd-rossii#>

На наш взгляд, такие методы и приемы обучения, как «Прочитай и повтори», «Мозаика», «Задай вопрос», «Ручка на середине стола», «Продолжи/Заверши фразу», «Кластер», «Синквейн», «Ролевая игра», «Займи позицию», «Консультант» и др. эффективно реализуют цель самостоятельной работы по русскому языку. На основе перечисленных методов и приемов сформулированы условия нижеперечисленных упражнений. «Упражнения – это планомерно организованное, сознательно осмысленное многократное повторение определенных действий и приемов, которые усложняются с целью формирования, закрепления и совершенствования практических навыков и умений учащихся»¹¹.

Подробнее остановимся на методах и приемах, которые, по нашему мнению, наиболее эффективны при организации и проведении самостоятельной работы. Причем методы и приемы ранжируются в зависимости от уровня организации самостоятельной работы. При делении самостоятельной работы по уровням мы опирались на теорию Л.В. Щербы, который выделил основные задачи обучения иностранным языкам. Назовем наиболее важные из них:

«1. Умение правильно прочесть, в случае надобности и понять при помощи словаря ...

2. Умение выразить свое желание и задать самые простые вопросы (возможно с небольшими неточностями), понять ответы на подобные вопросы.....

3. Умение точно понять всякий нехудожественный текст любой трудности, оставляя непонятыми лишь неважные слова и лишь изредка прибегая к помощи словаря.....

4. Умение поддерживать разговор на любую тему, делая при этом небольшие ошибки, однако речь вполне понятна как с точки зрения фонетики, так и с точки зрения лексики и грамматики.....

¹¹ https://pedagogika.org/index/prakticheskie_metody_obucheniya_uprazhneniya/0-142

5. Умение грамотно писать научные и технические статьи, деловые бумаги и письма

6. Умение свободно и тонко понимать самые трудные тексты

7. Умение хорошо писать ответственные документы, литературные статьи и т.п. необходимо для дипломатических работников и выступающих

в прессе.....

8. Умение свободно и абсолютно правильно, с точки зрения фонетики,

говорить публично необходимо дипломатическим работникам и всем

выступающим публично»¹².

Мы считаем, предложенный нами комплекс упражнений для самостоятельной подготовки представляет собой отражение всех видов речевой деятельности.

Сравним:

Элементарный уровень. Данный уровень предполагает формирование навыков чтения текста на иностранном языке и его перевода на родной язык. Здесь предлагается работа с одним небольшим по объему текстом и рекомендуются следующие упражнения:

Упражнение 1. Прочитайте текст. Выпишите новые слова. Переведите на узбекский язык. Перескажите.

Упражнение 2. Соберите текст.

Упражнение 3. Ответьте на вопросы (по тексту).

Упражнение 4. Продолжите фразу (из текста).

Средний базовый уровень. Организация самостоятельной работы данного уровня основана на формировании навыков аудирования и воспроизведения услышанного. Например,

¹² Методика обучения иностранным языкам. – Казань, 2016. – с. 14-15.

Упражнение 1. Слушайте. Запишите слова, которые прозвучали. Переведите их на узбекский язык.

Упражнение 2. Прослушайте текст. Скажите, о чем он.

Упражнение 3. Запишите основное содержание текста в виде ключевых слов.

Упражнение 4. Передайте содержание текста на узбекском языке.

Продвинутый уровень. Самостоятельная работа данного уровня основана на формировании навыков говорения и свободного перевода. Например,

Упражнение 1. Прочитайте и перескажите текст.

Упражнение 2. Сформулируйте вопросы и ответьте на них.

Упражнение 3. Составьте текст на свободную тему.

Упражнение 4. Ролевая игра.

Профессиональный уровень. Уровень предполагает умение вести монолог/диалог на языке специальности. Использование во внеаудиторном занятии текстов, связанных с деятельностью курсантов.

Упражнение 1. Составьте монолог-описание и монолог-сообщение.

Упражнение 2. Примите участие в вопросно-ответной беседе.

Упражнение 3. Проведите консультацию как специалист в своей области.

Упражнение 4. Ролевая игра.

Регулярная работа курсанта по данной схеме обеспечит развитие иностранной речи. Следовательно, самостоятельная работа должна войти в привычку курсанта. «Привычка, – писал К.Д. Ушинский, – укореняется повторением какого-нибудь действия, повторением его до тех пор, пока в действии начнет отражаться рефлексивная способность нервной системы и пока в нервной системе не установится склонность к

этому действию. Повторение одних и тех же действий есть, следовательно, необходимое условие установления привычки»¹³

Вывод: Правильно организованная самостоятельная работа поможет курсантам достичь высокого уровня активности, а также сформировать у них не только учебные навыки, но и навыки вообще какой-либо работы по определенной методике или педагогической технологии. Итак, самообразование – это индивидуальное и опосредованное получение и закрепление новых знаний, формирование определенных умений и навыков.

Литература:

1. Методика обучения иностранным языкам. – Казань, 2016. – с. 14-15.
2. Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 1999. – 520 с.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/samostoyatelnaya-podgotovka-slushateley-i-kursantov-v-obrazovatelnyh-organizatsiyah-mvd-rossii#>
4. https://pedagogika.org/index/prakticheskie_metody_obucheniya_upr_razvitiya/0-142

¹³ Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 1999. – 520 с.

**МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA RIVOJLANISH
MARKAZLARINING AHAMIYATI**

Buxoro pedagogika kolleji

Badiiy ijodiy faoliyat o’quv amaliyoti o’qituvchisi

Bo’ronova Nigora Ibodovna

Annotatsiya: Ushbu maqolada, maktabgacha ta’lim tashkilotlarida rivojlanish markazlarining rivojlanishi, qanchalik e’tiborga molik va muhim ahamiyatga ega ekanligi haqida ma’lumotlar berib o’tilgan.

Kalit so’zlar: tematik vazifa, reja, didaktik material, o’yin uskuna, qurilish, syujetli o’yinlar, til, nutq, san’at.

Annotation: In this article, the development of development centers in pre-school educational organizations is given information about how significant and important it is.

Keywords: thematic task, plan, didactic material, game equipment, construction, plot games, language, speech, art.

Аннотация: В данной статье развитию центров развития в дошкольных образовательных организациях дана информация о том, насколько оно значимо и важно.

Ключевые слова: тематическое задание, план, дидактический материал, игровой инвентарь, построение, сюжетные игры, язык, речь, искусство.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev *“Zamonaviy maktabgacha ta’lim sog‘lom va barkamol avlodni voyaga yetkazishda muhim o‘rin tutadi”* deya ta’kidlaydi.

Respublika Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son *“O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”*gi qarori hamda, 2016-yil 29-dekabrdagi PQ-2707-son *“2017-2021-yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari*

to'g'risida"gi qaroriga muvofiq Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 21-noyabrdagi 929-son "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi to'g'risidagi nizomi maktabgacha ta'limga bolalarni sifatli tayyorlash, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida moddiy texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta'lim tashkilotlarining davlat va nodavlat tarmog'ini kengaytirish va shu orqali maktabgacha ta'limga bola qamrovini oshirish va sohaga ilg'or xorij tajribalarini tadbqiq qilish imkononi beradi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiya jarayoni ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablari va "Ilk qadam" davlat dasturi asosida rejalashtiriladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda rivojlanish markazlarini tashkil etishning asosiy sharti pedagogdan tayyor bilim olishdan ko'ra, bolaga rivojlanish markazlarida faoliyatni tanlash imkoniyatini berish, bunda u atrofdagi dunyo haqida bilimlarni mustaqil ravishda egallashi, ko'nikmalari va qobiliyatlarini rivojlantirish, bolaga qiziquvchanlik, mustaqil izlanish, tadqiqot jarayoniga qo'shilish imkoniyatini berishdir. Rivojlanish markazlari ta'lim, rivojlantiruvchi, o'qitish, rag'batlantiruvchi, uyushgan, kommunikativ funksiyalarni bajarishi kerak. Eng muhimi, ular mustaqillikni rivojlantirish ustida ishlashlari kerak, bolalar va kattalar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning shaxsga yo'naltirilgan ta'limga asoslangan bolaning tashabbusini rag'batlantirishi kerak.

Gurux xonasidan moslashuvchan va o'zgaruvchan tarzda foydalanish talab etiladi. Rivojlanish markazlaridagi tematik, didaktik materiallarlar bolaning ehtiyojlari va manfaatlarini qondirishga xizmat qilishi kerak. Markazlarning dizayni estetik, bolalar uchun jozibali bo'lishi kerak, va mustaqil faoliyatga bo'lgan istakni keltirib chiqarishi kerak. Guruh xonasida rivojlanish markazlarini yaratishda o'yin faoliyatining etakchi rolini hisobga olish kerak. Rivojlanish markazlaridagi jihozlar xavfsiz va didaktik materiallarlar bolaga tegishli bo'lishi va bolalarning yoshiga mos bo'lishi kerak. Rivojlanish markazlaridagi didaktik materiallarlar tematik vazifalarni hisobga olgan holda

o'zgarishi kerak. Markazlarni uskunalar bilan ortiqcha jihozlamalik zarur. Rivojlanish markazlari bolalar va kattalar bilan aloqa qilish va birgalikdagi faoliyatni, shuningdek o'z o'zi bilan shug'ullanish imkoniyatini ta'minlashi kerak. Tematik rejalashtirishga ko'ra, pedagog rivojlanish markazlarini didaktik materiallarlar va o'yin uskunalari bilan ta'minlash ustida o'ylashi va to'ldirishi kerak. Markazlarni bolalar va pedagoglarning birgalikdagi faoliyati va hunarmandchilik mahsulotlari bilan to'ldirish mumkin. Har bir markazning maqsadiga muvofiq haftaning boshida pedagogning tematik rejasiga binoan, materiallarlar tayyorlanadi va jihozlanadi.

Markazlardagi bolalar faoliyati: o'yin, mustaqil nutq, kognitiv, kommunikativ, kognitiv-tadqiqot, eksperimental, ijodiy, kommunikativ, mehnat, samarali, musiqiy va badiiy.

Pedagogning faoliyati:

- bolalarni tabiat, musiqa va ijod dunyosiga jalb qilish va bolani o'rgatish;
- mustaqil ravishda bilimlarni egallash, bilimga bo'lgan qiziqishni rivojlantirishga, yangi bilimlarni olishga bo'lgan ehtiyoj, o'rganish va rag'batlantirish, shu bilan birga sub'ekt bo'lish;
- Bolalar bilan birga uyushgan tadbirlar tashkil etish;
- qiyinchiliklar yuzaga kelganda, bolaga beg'araz va o'z vaqtida og'zaki va amaliy yordam ko'rsatish;
- bolaning shaxsiy qiziqishini rag'batlantirish;

Rivojlanish markazlarida o'quv va bilim jarayonini tashkil qilish uchun turli xil usullar, uslublar va o'yin shakllaridan foydalanish: suhbat, hikoya, shou, badiiy adabiyot o'qish ensiklopedik adabiyotlarni o'qish, ko'rib chiqish va muhokama, tushuntirish, munozara, video namoyishlarni tomosha qilish, kompyuter taqdimotlarini tomosha qilish, ijodiy faoliyat, tadqiqotlar, tajribalar,

tajriba jonli va jonsiz tabiatning sirlari va boshqalardan foydalanish. Bolaning rivojlanishi faqat o'quv faoliyatida emas, balki o'yin tarzida ham amalga oshiriladi. Markazlardagi bolalarning o'yin va kognitiv faoliyati davomida tarbiyachi bolalarning ishini kuzatib boradi, tavsiya etilgan materiallar bolalar uchun qanchalik qiziq, qulay va xavfsiz ekanligiga e'tibor qaratadi. Agar kerak bo'lsa, tarbiyachi didaktik materiallarni to'ldiradi yoki o'zgartiradi. Tarbiyachi guruhdagi barcha bolalar besh kun davomida har bir markazga tashrif buyurishini ta'minlaydi. Kuzatish va tahlil asosida kutilayotgan natija, muammolar, echimlar tarbiyachi har hafta oxirida bolalarning o'z maqsadlariga erishgan yutuqlarini qayd etadi, agar shunday bo'lsa, muammolar pedagogning va bolalarning va uning ota-onalarining shaxsiy ishi bilan belgilanadi. Shunday qilib, rivojlanish markazlarida to'g'ri tashkil etilgan ishlar har bir bolaga o'ziga yoqadigan narsani topishga, uning kuchli va qobiliyatiga ishonishga, kattalar va tengdoshlar bilan o'zaro munosabatlarni o'rganishga, tushunishga imkon beradi va ularning his-tuyg'ularini va xatti-harakatlarini baholashga imkon beradi va aynan shu rivojlanayotgan ta'lim asosida yotadi.



Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim vazirligi tasarrufidagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni sifatli maktab ta'limiga tayyorlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Jumladan:

1. "Ilk qadam" dasturini ta'lim-tarbiya jarayonga tadbiq etish, dasturni to'laqonli ishlab ketishida metodik ta'minot va metodik yordamning o'ri belgilab olindi.

2. “Ilk qadam” dasturi asosida barcha yosh guruhlarida mavjud markazlar hamda umumiy guruhda ishlashni tashkil etishda tarbiyachining o‘rniga alohida e‘tibor qaratildi. Ta’lim tashkilotining ishchi o‘quv dasturi tashkilot pedagoglari tomonidan ota-onalarni jalb etgan holda tuziladigan va amaldagi qonunchilik tartibida tasdiqlanadigan qilib belgilandi. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalar “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturi asosida 5 ta markazda faoliyat yuritadilar. Bular quyidagilardir:

1. Til va nutq markazi. (Nutq o‘stirish, tabiat, atrof-olam va badiiy adabiyot bilan bog‘liq mashg‘ulotlar)
2. Qurish-yasash, konstruksiyalash va matematika markazi. (Qurish yasash va matematika mashg‘ulotlari)
3. San‘at markazi (Rasm, applikatsiya, loy qurish, yasash mashg‘ulotlari va origami)
4. Syujetli-rolli o‘yinlar va dramalashtirilgan markaz. (Guruh yoshiga mos bo‘lgan syujetli qoidali o‘yinlar)
5. Ilm-fan va tabiat markazi. (Tabiat, atrofi olam bilan tanishtirish mashg‘ulotlari)

Markazlardagi faoliyatlar tahliliga to‘xtaladigan bo‘lsak, til va nutq markazida bolalarning do‘stlari orasida o‘z fikrlarini bera olishlari, mavzu asosida hikoyalar tuzish, savol-javoblar qilish, bolalarga suhbatlar tashkil etish imkoniyati mavjud bo‘ladi. Bola markazda o‘zi xohlagan mavzusida hikoyalar tuzishi ham mumkin.

Qurish-yasash, konstruksiyalash va matematika markazida bolalarda sensor tarbiya, ijodkorlik rivojlanadi. Bola bir vazifani bajarishi orqali ham qurish –yasash ham matematika bilan shug‘ullanish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Bolalarni o‘yin jarayonida tinglansa “Menga yashil rang kerak”, “Men yasagan uycha ikki qavatli”, “Seniki kichkina, meniki esa kattakon”, “Meni mashinamga 10 ta odam sig‘adi” degan jummlarni eshitasiz. Demak bolalarning muloqatida

qo'shish, ayirish, taqqoslash, kattalik kabi ilk matematik tasavvurlar kengayib boradi.

San'at markazida bolalarni kayfiyatini ko'tarish imkoni mavjud. Bolalarning ijodiy qobiliyatlari qo'llab-quvvatlanadi. San'atning rassomlik, haykaltaroshlik, turlariga hammaga ham bir xil iqtidor berilmagan. Shu sababli bunda faqat iqtidorli bolalar ishtirok etadi. Markaz kerakli jihozlar bilan to'liq ta'minlansa, yasash, chizish texnologiyalari ertalabki, kechki soatlarda o'rgatilsa, markaz ishi rivojlanadi. Oilada bolaga bunday sharoit har doim ham yaratib berilmaydi. Markazda ishlasa bolaning mayda motorikasi rivojlanadi. Mayda motorikaning rivojlanishi esa, bola nutqining rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Syujetli-rolli o'yinlar va dramalashtirilgan markaz bolalar iqtidorini namoyon bo'lishi, o'z mahoratini ko'rsatishi uchun juda qulay muhitdir. Bu markazni bolaning "Men"ini shakllantiruvchi markaz deb ham atash mumkin. Markazdagi barcha jihozlar bolalar hayotida uchraydigan jihozlar bo'lib, o'yin jarayonida bola ulardan foydalanishni o'rganadi, kasblar bilan yaqindan tanishish imkoniga ega bo'ladi. O'yinda oila a'zolarining o'zaro munosabatlari aks etadi va ular orqali ahloqiy tarbiya olish (tarbiyachi uchun esa oiladagi muhitni o'rganish) imkoni yaratiladi.

Ilm-fan va tabiat markazida tajriba sinov maydonchasida o'tkazilayotgan tajribalar bolalarda qiziqish uyg'otadi va ularni yangi ixtirolar qilishga undaydi. Bu markaz bolalarni tabiat va undagi hodisalarni bilish uchun eng katta imkoniyat markazi hamdir. Markaz faoliyati to'g'ri tashkil etilsa bolalar tabiat haqidagi bilimlarning 90%ini o'zlashtiradi. Markaz nafaqat bolalarda balki pedagoglarda ham qiziqish uyg'otadi. Hayotimiz davomida ishlatiladigan narsalarni qayerdan kelganligini, ulardan nimalar olinganligi haqidagi ma'lumotlar bolalarning o'z qo'llari bilan urug'larni tuvaklarga sepish orqali unga suv qo'yishi va urug' unib chiqishi bola uchun juda qiziqarli holatlar sanaldi.

Yuqorida izohi keltirib o'tilgan markazlar faoliyati bolani maktab ta'limiga tayyorlashda rivojlantiruvchi muhit vazifasini bajarib, shu o'rinda 6-7 yoshli bolalarning maktabga tayyorgarlik xaritasini ilova qilib o'tishni joiz deb bildik. Zero, mazkur yoshdagi bolaning rivojlanish xaritasi ta'lim jarayonining muvaffaqiyatlilikgi va samaradorligini aniqlaydi. Masalan boladagi,

1. Jismoniy rivojlanish va sog'lom turmush tarzini shakllantirish
2. Ijtimoiy-hissiy rivojlanish
3. Nutq, muloqot, o'qish va yozish ko'nikmalari
4. Bilim olish (anglash orqali rivojlanish)
5. Ijodiy rivojlanish kabilar uni maktab muhitiga tayyorlovchi asosiy me'zonlar sanaladi.

O'quv yili yakuniga yetgandan so'ng maktabga tayyorlov guruhi bo'yicha o'tkazilgan monitoringa asosan amalga oshirilgan ishlarni kutilayotgan natijalar bilan taqqoslash ishlari o'tkaziladi va bu orqali MTTning keyingi o'quv yiliga mo'ljallangan ustivor vazifalarini belgilaydi.

Xulosa

Maktabgacha ta'lim tizimida har bir bola o'ziga kerakli ko'p ma'lumotlarni oladi, chunki, bola yosh va savollarga boy zabon bo'ladi, u har bir savoliga to'g'ri javob olishi esa uni kelajagiga kata ko'mak bo'ladi. Har bir maktabgacha ta'lim tizimida bolalarni ongini rivojlanishiga, iqtidorlarini ochishga yordam berib, ko'maklovchi resurslar mavjud bo'lishi lozim. Nafaqat rivoji, balki, uning sog'lomligi ham birinchi o'rinda turadi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash kerakki, bolalarni rivojlantiruvchi markazlarda faoliyat yuritishlari ularni maktab ta'limiga tayyorlashda har tomonlama yetuk aqliy va jismoniy barkamol bo'lib ulg'ayishlariga, ularda milliy qadriyatlar va urf-odatlariga sodiq bo'lib shakllanishlari uchun zamin yaratadi, ularning kasb-hunarga bo'lgan qiziqishlarini orttiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son “O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrdagi PQ-2707-son “2017-2021-yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarga qo‘yiladigan “Davlat talablari”. 2018-yil 3-iyul, ro‘yxat raqami 3032.
4. “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturi O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligining 2018-yil 7-iyuldagi 4-sonli hay’at yig‘ilishi qarori bilan tasdiqlangan va nashr etilgan dasturi.
5. Maktabgacha ta’lim muassasalarida qisqa muddatli guruhlar faoliyatini tashkil etishda tarbiyachilarni tayyorlash bo‘yicha trening moduli. T.: 2017-y.
6. “Bolangiz maktabga tayyormi?” O‘zb Res. Xalq ta’limi vazirligi Respublika ta’lim markazi, Ma’rifat-Madadkor nashriyoti.

**INNOVATION YONDASHUV ASOSIDA
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI RAXBARLARINI
BOSHQARUV KOMPATENTLIGINI RIVOJLANTIRISH
MEXANIZMLARI**

*Andijon viloyati Buloqboshi tumani 1-sonli
Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti
Direktor Nargiza Ğofurova Xolmaxamatovna*

Annotatsiya: Maktabgacha ta'lim tashkilotlarini boshqarish va rejalashtirish bugungi kunning dolzarb vazifalardan sanaladi. Maqolada boshqarishning yangi usullari to'g'risida fikrlar bildirilgan.

Kalit so'zlar: boshqarish, rejalashtirish, tashkilot, faoliyat, imkoniyat, xususiy turkumlar, tashkil etish, rahbarlik qilish, nazorat qilish, samaradorlik, ta'lim sifati, bilimdonlik, xabardorlik.

Abstract: Management and planning of preschool education today is one of the most important tasks. The article proposes ideas for new management methods.

Keywords: management, planning, organization, activity, opportunity, private categories, organization, leadership, control, efficiency, quality of education, knowledge, awareness.

Maktabgacha ta'lim tashkilotini boshqarish, rejalashtirish va tashkil qilish ishini bajarish tufayli ta'lim tashkiloti jamoasi a'zolarining kuch-g'ayratini samarali birlashtirish uchun zarur, ammo yetarli bo'lmagan shart-sharoit yaratiladi.

Amaliyotdan shu narsa ma'lumki, odamlar real bajarayotgan ishlar ularga qo'yilayotgan rasmiy talablarga har doim ham mos kelavermaydi.

Ijtimoiy tashkilotlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, ularga kiruvchi odamlar o'z sabablariga ega bo'lgan holda, o'z oldilariga o'zlari maqsad qo'yishga qodirdirlar. Ular nimanidir qilishni xohlashlari va xohlamasliklari va shunga qarab ishlashlari mumkin. Odamlar tashkilotga kelgach, u o'zlarining manfaatlarini amalga oshirish imkonini berishini xohlashadi. Bu hol yuz bermasa, ular yo tashkilotdan ketadilar yok salohiyatlari va iqtidorlarini ishga to'liq safarbar etmaydilar. Birgalikdagi faoliyat yaxshi rejalashtirilgan va uyushtirilgan bo'lsa, ijrochilar bu jarayonga tuzatish kiritishni talab qiladigan qandaydir ichki va tashqi shart sharoit o'zgarmagunga qadar nimani, qaerda va qay yo'sinda bajarishlarini bilishgandagina u muvaffaqiyatli kechadi. Bu o'zgarishlar rejalashtirilgan harakatlarni amalga oshirish uchun xavf tuxdirishi yoki, aksincha, qandaydir yangi imkoniyatlarni ochishi mumkin. Boshqaruv yuz berayotgan o'zgarishlarga o'z vaqtida munosabat bildirishi, buning uchun esa bu haqda axborotga ega bo'lishi lozim. Bunday axborotni olish va ishning borishiga tuzatish kiritish zarurligini aniqlash uchun nazorat qilish deb ataladigan maxsus boshqaruv harakatini amalga oshirish zarur.

Boshqaruv nazorat tufayli o'zi usiz faoliyat yuritmaydigan eng muhim tarkibiy qism — qayta aloqaga ega bo'ladi. Nazorat boshqaruvning «ko'zini ravshan» va o'zgarishlarga nisbatan ta'sirchan qiladi. Ushbu o'zgarishlarga munosabat esa rejalashtirish, tashkil etish va rahbarlik qilish orqali amalga oshiriladi.

Natijada boshqaruv davrasi yopiq holga keladi. Rejalashtirish, tashkil etish, rahbarlik qilish va nazorat qilish murakkab tuzilmaga ega bo'lib, o'zi ham ko'plab boshqa ishlardan tashkil topadi. Masalan, u rejalashtirish, vaziyatni tahlil etish, prognozlash, maqsad qo'yish, samaradorlikni baholash, ish rejasining biron-bir variantini tanlash haqida qaror qabul qilish kabilarni o'z ichiga olishi mumkin. Rahbarlik qilish qo'l ostidagi xodimlarga topshiriqlar berish, jamoa ahvolini tahlil qilish, qo'l ostidagi xodimlarning ishini baholash, taqdirlash va jazolash haqida qarorlar qabul qilish, xodimlarni xabardor qilish,

nizoli vaziyatlarni hal qilishni va h. k. ko'zda tutadi. Ta'lim tashkilotini boshqarishda bitta emas, balki ko'plab boshqaruv turkumlari amalga oshiriladi. Bu turkumlar ierarxik tuzilmaga ega — xususiy turkumlar nisbatan umumiy tuzilish tarkibiga kiradi. Masalan, ta'lim tashkilotida o'quv-tarbiya jarayonini boshqarishning umumiy turkumida boshlanqich va umumiy o'rta ta'limni rejalashtirish, tashkil etish, unga rahbarlik va uni nazorat etish turkumlari ajratib ko'rsatiladi. Bu turkumlar ham, o'z navbatida, murakkab tuzilmaga ega. Masalan, boshlang'ich ta'limni boshqarish turkumi ichida va ayrim sinflar, predmetlarni o'rganishni rejalashtirish, tashkil etish, rahbarlik qilish, nazorat qilish turkumlari ajratiladi. Boshqaruv jarayonida, ayni paytda, turli boshqaruv turkumlari ishi amalga oshiriladi. Kimdir mashg'ulotlar jadvaliga tuzatishlar kiritishi, kimdir o'qituvchining ishini nazorat qilib borishi, yana kimdir pedagogika kengashining ish rejasini muhokama qilishi mumkin. Bu boshqaruv turkumlarini nafaqat bexabar kuzatuvchi uchun, balki aksariyat boshqaruv sub'ektlari uchun ham nooshkor holga keltiradi. Ammo boshqaruv faoliyatining yaxlitligi uchun javob beruvchi ta'lim tashkiloti rahbari ushbu turkumlarni tuzib, ularning har birini kuzatib borishi kerak. Rejalashtirish, tashkil etish, rahbarlik va nazorat qilish hokimiyat munosabatlarini amalga oshirishi tufayli boshqaruv ishi deb hisoblanadi.

Samaradorlik tushunchasi, garchi ijtimoiy munosabatlar jarayonida ko'p qo'llanilsa-da, boshqaruv nazariyasida eng kam ishlangan tushunchalardan biridir.

Samaradorlikning umumiy nazariyasi mavjud bo'lmaganligi bois ushbu yo'nalishdagi barcha urinishlar hozircha kutilgan natijaga olib kelmadi. Faoliyatning turli sohalarida samaradorlikning o'z xususiy ko'rsatkichlaridan foydalaniladi. Ammo ta'limda bugungi kunda bunday ko'rsatkichlar yo'q. Shunga qaramay, samaradorlik tushunchasi sifatga yo'naltirishda juda muhim va foydalidir. Vazifaning butun murakkabligini anglagan holda, boshqaruv samaradorligi nima ekanligini aniqlashga urinib ko'ramiz. Samaradorlik haqida

gapirishdan oldin faoliyat unumdorligi tushunchasini kiritamiz. O'ar qanday faoliyat ozmi-ko'pmi unumli bo'ladi. Unumdorlik — bu qandaydir vaqt ichida olingan natijalarning foydaliligi va u bilan bog'liq xarajatlar o'rtasidagi nisbatni ko'rsatuvchi faoliyat xususiyati demakdir. Unumdorlikdan ko'pincha boshqaruv samaradorligi ko'rsatkichi sifatida foydalaniladi. Garchi faoliyat unumdorligi bilan boshqaruv samaradorligi bir-biriga bog'liqligi shubhasiz bo'lsa-da, biroq ular bitta narsa emas. Ta'limning boshqa ta'lim tashkilotiga nisbatan yuqoriroq natijalari ushbu ta'lim tashkilotida boshqaruv sifati yuqori bo'lishidan har doim ham dalolat beravermaydi. Masalan, ta'lim tashkiloti ajoyib moddiy bazaga ega bo'lsa, moliyalashtirishning qo'shimcha manbalari hisobiga o'qituvchilarga boshqa ta'lim tashkilotlaridagiga nisbatan yuqoriroq ish haqi to'lay olsa, ushbu barcha ne'matlardan mahrum bo'lgan oddiy ta'lim tashkilotidagiga qaraganda ta'lim sifati yuqoriroq bo'lishini ta'minlashi mumkin. Lekin masala har bir ta'lim tashkiloti o'zida mavjud imkoniyatlardan nechog'li yaxshi foydalanayotganligidadir. Boshqaruv sifatini baholash aynan shu savolga beriladigan javobga bog'liq.

Boshqaruv o'z vazifasiga ko'ra foydali natija olish uchun imkoniyatlardan to'liq foydalanishni ta'minlashi kerak. Ushbu vazifani qanchalik yaxshi uddalasa, u shunchalik samarador bo'ladi. Boshqaruv samaradorligi deganda erishilgan va erishish mumkin bo'lgan unumdorlik o'rtasidagi munosabatni aks ettiruvchi xususiyatni tushunamiz. Bunday ta'rifni faoliyat ko'rsatishni boshqarishga nisbatan ham, rivojlanishni boshqarishga nisbatan ham ishlatsa bo'ladi. Lekin bu holatlarning har birida turli natijalar va turli xarajatlar hisobga olinishi kerak. Ta'lim tashkiloti o'zi uchun ta'lim sifati iloji boricha yuqori darajada bo'lishini ta'minlay oladi (bu yuqori samaradorlik hamda faoliyat yuritishni boshqarishdan dalolat berishi mumkin), ammo ayni paytda u yangiliklarni o'zlashtirish va o'zining salohiyatini kuchaytirish uchun ob'ektiv tarzda ta'limning mavjud imkoniyatlaridan foydalanmasligi mumkin. Bu ta'lim tashkilotini rivojlantirishni boshqarish samaradorligi pastligidan

dalolat beradi. Ta'lim sifati ta'lim oluvchi yoshlarning xabardorligini rivojlantirishni ta'minlaydigan ta'lim faoliyatining turli jihatlarini, o'qitish mazmuni, shakllari va metodlarini, moddiy-texnika bazasini, kadrlar tarkibini va h. k. tavsiflovchi ko'rsatkichlar yig'indisi bilan belgilanadi. «Bilimdonlik» («xabardorlik») termini menejmentda keng qo'llaniladi. Ammo uni ta'lim tizimida ishlatish u qadar ommalashmagan. O'quvchilar va talabalarga nimani berish maqsad qilib qo'yilganligini aniqlash uchun ko'pincha bilim, qadriyat yoki ishonch va e'tiqod tushunchalaridan foydalanib kelingan va hozir ham shulardan foydalanilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Камилова Г. А., Курбанова Г. Р., Джаббарова С. З. Особенности формирования педагогических навыков у воспитателей дошкольнообразовательных учреждений //Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 25-27.
2. Kamilova G. Maktabgacha talim muassasalarida ekologik tarbiyani tashkil etishda integrativ yondashuv //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
3. Olimovna K. G. The importance of the criteria of pedagogical technologies at training highly qualified personnel //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 5 n(18). 4. Камилова Г. А., Тураева О. С. ФОРМИРОВАНИЕ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //Проблемы науки. – 2021. – С. 50.
5. Eshova S. D., Rajabova K. I. Organization of didactic games for preschoolers.
6. Rajabova I. Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
7. Xamidovna R. I. Play as a means of developing the creative abilities of

Preschool Children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.

8. Rajabova I. Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.

9. Хамроева Н. А. МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы науки. – 2021. – №. 3 (62). – С. 74-76.

10. Хамроева Н. А., Назарова Д. Ж. Особенности речевого развития детей старшего дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. –С. 37.

**МАКТАБГАЧА ТАЙЙОРЛОВ ГУРУХ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ
МАШГ'УЛОТДАГИ FAOLLIKLARIDA NOAN'ANAVIY
O'YINLARNING AHAMIYATI**

*Andijon viloyati Buloqboshi tumani 1-sonli
Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachi
Xafiza Yuldasheva Nasrullayevna*

Annotatsiya : Maktabgacha ta'lim tizimida tarbiyachi xodimlarning bola faoliyatidagi roli va tarbiyachi mahorati.

Kalit so'zlar: Tarbiyachi, kompetentlik, kompetensiya, individ, ijtimoiy zamonaviy tarbiyachi.

Yosh avlodni shaxs sifatida shakllanishida oiladan tashqari, uzluksiz ta'limning ham o'z o'rnini hamda vazifalari bor. Tarbiyachi yosh avlodni xalqimizning munosib farzandlari qilib tarbiyalashdek muhim va faxrli shu bilan birga ma'suliyatli vazifani bajaradi. Tarbiyachining siyosiy yetukligi bolalarning tarbiyalash sifati uchun xalq va jamiyat oldidagi o'z ma'suliyatini anglashga ta'lim - tarbiya ishlarini hal etishga ijodiy yondoshishga o'z maxoratini doimo faollashtirib borishva hamkasblarning ishdagi o'sishga ko'maklashuviga yordam beradi. Tarbiyachi o'zi yashab turgan o'lka xayotini bilishi tabiat va jamiyat omillarini tushunishi ijtimoiy faol bo'lishi kerak. Pedagog – tarbiyachi shaxsiga qo'yilgan talablar: Bolalar bog'chasida bolalar bilan olib boriladigan ta'lim va tarbiya ishning butun mazmunini tarbiya vazifalari bilan belgilanadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim tarbiya berishning maqsad va vazifalari: 1)bolalarni jismoniy va aqliy jihatdan

rivojlantirish 2)ularning ruhiyat, shaxsiy qobiliyatlari, intilishi va ehtiyojlarini qondirish: 3) milliy va umuminsoniy qadiryatlarga, mustaqillik g'oyalariga sodiq holda voyaga etib borishini ta'minlash: 4)ularni maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo'yilgan davlat talablariga muvofiq maktabgacha ta'limiga tayyorlashdan iborat.Pedagog-tarbiyachi bolalarga kundalik hayotda, o'yinlarda, mashg'ulotlarda, bigalikdagi mehnat faoliyatida va ular bilan bo'ladigan muomalada ta'sir ko'rsatadi. U har bir bolani diqqat bilan o'rganishi, uning shaxsiy xususiyatlarini, qobiliyatlarini bilishi, pedagogik nazokatini namoyon qilishi, bolalarning xulq-atvorini, ish natijalarini haqqoniy baholashi kerak, ularga o'z vaqtida yordam ko'rsata olishi, oiladagi ahvoli bilan qiziqishi zarur. Hozirgi zamon tarbiyachisining asosiy fazilatlaridan biri o'z kasbiga sadoqatliligi, goyaviy e'tikodliligi o'z kasbini sevishi va bu kasbga bo'lgan cheksiz sadoqat o'qituvchi – tarbiyachi boshqa kasb egalaridan ajratib turiladi. Ayniqsa majburiy ta'lim guruhi tarbiyachisi o'ziga yuklangan vazifani bajarish uchun bolalarda o'sha faoliyatiga nisbatan qiziqish uyg'ota olish, ularning diqqatini jalb qilib, faolligini o'stirish, bolalarning xulqini, xatti-harakatini haqqoniy baholay olishi kerak.Har bir faoliyat uchun kerakli materiallarni oldindan tayyorlab qo'yishi kerak.Kun tartibini to'g'i tashkil eta bilishi, bolalar jamoasiga undagi har bir a'zoni e'tiborga olgan holda rahbarlik qila bilish.Bolalarning ruhiy va jismoniy holatini aniqlay bilishi va buni bolalar bilan amalga oshiriladigan ta'lim-tarbiyaviy ishlarida e'tiborga olishi lozim.Majburiy guruh tarbiyachisi tashkilotdagi tarbiyachi xodimlardek, ota-onalar bilan muntazam ravishda suhbatlar, uchrashuvlar o'tkazib, axborot almashtirib turishi kerak.Pedagog bolalarga nisbatan hayrihoqlik munosabatda bo'lishi, har bir bola uchun qulay sharoit yaratishi, hafa bo'lsa ovuntara olishi kerak.Kun tartibida olib borgan ta'lim-tarbiya ishini tahlil qila bilishi va uni yanada yaxshilash yo'llarini topa olishi kerak.Pedagog – tarbiyachi shaxsiga quyiladigan muhim talablaridan biri shuki, u o'z predmetini, uning metodikkasini chuqur o'zlashtirgan bo'lishi zarur. Predmetni va uning nazariyasi chuqur bilishi bolalarni bilishga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi.Bu pedagog – tarbiyachining

obro'sini ko'taradi. Tarbiyachi kasbiga xos bo'lgan muxim fazilatlaridan talablaridan biri bolalarni sevish ularning xayoti bilan qiziqish har bir shaxsni xurmat qilishdan iborat. Bolani sevgan butun kuch va bilimini bolalarni kelajagi buyuk vatanga sodiq fuqaro qilib tarbiyalashga safarbar kilaoladigan odamgina haqiqiy tarbiyachi pedagog bo'la oladi. Bolaga befarq uning kelajagi va qiziqmaydigan tarbiyachilik kasbiga loqayd odam haqiqiy pedagog – tarbiyachi bo'la olmaydi. Bolalarni sevish – pedagogning murakkab mehnatini jozibali va engil qiladi. O'qituvchi tarbiyachining bolalarga munosabati pedagogikada tarbiyalanuvchi shaxsga xurmat, unga talabchanlik bilan bir qatorda turadi. Bu munosabat bolada pedagoga nisbatan ishonchni uyg'otadi, o'qituvchiga bolalarga chinakam ma'naviy murabbiysi bo'lishga imkon beradi. Maktabgacha talim tashkiloti tayyorlov guruh tarbiyachilari mashg'uotlarida noan'anaviy mashg'ulotning 'rni.**Nutq o'stirish** umumiy guruhdagi o`quv faoliyatida 5-6 yoshli bolalar uchun “**Bir nom bilan ayt**” didaktik o`yinini qo`llash mumkin.

Maqsad: bolaning tabiat va jixozlar haqidagi bilimini mustahkamlash, so`z boyligini kengaytirish, nutqini rivojlantirish, tez fikrlash va topqilikka o`rgatish.

Jihozlar: turli mevalar, sabzavotlar, hayvonlar, mebellar, transportlar va daraxtlar tasvirlangan rangli rasmlar.

O`yin qoidasi: bola tarbiyachi ko`rsatgan rasmlarni bitta umumiy nom bilan nomlashi kerak.

O`yinning borishi: tarbiyachi umumiy bitta nom bilan nomlanadigan rasmlarni ketma-ketlikda ko`rsatadi. Masalan, karam, piyoz, qalampir, kartoshka, sabzi rasmlarini ko`rsatganda bolalar bularni bir nom bilan sabzavotlar deb atalishini aytadilar. Ayiq, bo`ri, tulki, olmaxon, kiyik, yo`lbars rasmini ko`rsatganda bular yovvoyi hayvonlar deb atalishini aytadilar. Bu o`yin orqali bolalar rasmda ko`rsatilgan jonli va jonsiz predmetlarning xususiyatlari, rangi, qayerda o`sishi yoki yashashi haqida ham ma`lumotga ega bo`ladilar.

Soʻzlarni qayra takrorlash orqali nutqi rivojlanadi, soʻz boyligi ortadi. Tarbiyachi bolalarni gapirtish orqali ularning nutqidagi kamchiliklarini ham aniqlash imkoniga ega boʻladi va notoʻgʻri talaffuz qilgan soʻzlarini toʻgʻri talaffuz qildirishga harakat qiladi.

“Juftini top” didaktik oʻyini.

Maqsad: bolalarni tabiatdagi jonzorlar bilan tanishtirish, ular haqida tasavvurga ega boʻlishga oʻrgatish, ularda topqirlik, tez fikrlash, bilimdonlik qobiliyatlarini shakllantirish.

Jihozlar: turli hasharotlar, gullar, mevalar, daraxtlar tasvirlangan rangli didaktik tarqatmalar toʻplami.

Oʻyin qoidasi: bola tarbiyachi tomonidan aralashtirilgan kartochkalardagi bir xil rasmlarni tanlaydi.

Oʻyinning borishi: Tarbiyachi rasmlar tasvirlangan varaqni kartochkalarga kesib oladi. 10 juft kartochkadan iborat toʻplam hosil boʻlgach, kartochkalar aralashtiriladi va yuza qismini pastga qilib terib chiqiladi. (boʻsh tomoni tepaga) Oʻyinchilar navbat bilan 2 tadan kartochkalarni ochadi. Agarda ochilgan kartochkalar bir xil boʻlsa, unda oʻyinchi kartochkalarni oʻzida olib qoladi, aks holda kartochkalarni ochishda davom etadi. Agar kartochkalar mos boʻlmasa, oldingi holatida, yaʼni teskari qilib qoʻyadi va kartochkalarni ochish navbati keyingi oʻyinchiga oʻtadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar tushunchalarni rivojlantirishga hissa qoʻshadigan matematik toifalarga (shakli, miqdori, hajmi, vaqti, joylashuvi) oʻz-oʻzidan qiziqish bildiradilar. Maktabgacha taʼlim tashkilotlarida pedagoglar bolalarning bu boradagi bilimlarini, yaʼni ilk matematik tasavvurlarini kengaytirib boradilar.

Umumiy guruhdagi matematika mashgʻulotlarida ham “Qiziqarli matematika”dan didaktik oʻyinlarni qoʻllash bolalarni elementar matematik

tasavvurlarini shakllanishiga, ma`lumotlarni qabul qilish, fikrlash, diqqat, xotirani rivojlantirish, dunyoqarashini kengayishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Zaxarash, T. O'qituvchilar malakasini oshirish mazmunining zamonaviy yangilanishi / T. Zaxarash // Maktabgacha ta'lim - 2011.-№ 12. S.74

2. Svatalova, T. O'qituvchilarning kasbiy kompetentsiyasini baholash bo'yicha qo'llanma / T. Svatalova // Maktabgacha ta'lim - 2011.-№1. S.95.

3. Xoxlova, O.A. O'qituvchilarning kasbiy vakolatlarini shakllantirish / O.A. Xoxlova // Katta o'qituvchining qo'llanmasi - 2010. - № 3.- B.4.

МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ TASHKILOTI – PSIXOLOG – BOLA

Andijon viloyati Buloqboshi tumani 1-sonli

Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti

*tarbiyachi **Ōgiloy** Yaqubjonova Xusanovna*

Annotatsiya: Ushbu maqola “Maktabgacha ta'lim tashkiloti -psixolog bola” mavzusida bo'lib, ushbu maqolada, Tashkilot psixologining asosiy vazifasi bolani tashqi dunyoga moslashtirish, rivojlanishida ko'mak berish va o'zaro munosabatlarda muomala madaniyatiga o'rgatishdan iborat. Psixolog ota-onalar hamda MTT xodimlari bilan birgalikda, hamfikir bo'lib faoliyat yuritishi va psixologning MTTda bola va tarbiyachi bilan amalga oshirayotgan vazifalari haqida nma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: Motivatsiya, kreativ. tarbiyachi, pedagog, muloqot, sezgi, tafakkur, ijod.

MTTga psixolog nima uchun kerak? U MTTda qanday vazifani bajaradi, unga qo'yilgan talablar nimalardan iborat? Bu savollarga ko'pchilik ota-onalar qiziqishadi. Bola o'z yaqinlaridan ajralib, bog'cha atalmish mo'jaz bir olamga tushib qoladi. Bu yerda u qoidalarga rioya qilishni, boshqa bolalar bilan o'ynashni hamda mustaqil ovqatlanishni, tengdoshlari va kattalar bilan qanday muloqot qilishni o'rganadi. Ko'p bolalarning adaptatsiya jarayoni qiyin kechadi. Shuning uchun ham bolaning MTT hayotiga moslashishida pedagog-psixologning yordami zarur. Psixolog kim? Psixolog – bolalar, ularning ota-onalari hamda Tashkilot xodimlari uchun juda kerakli mutaxassis. Agarda psixolog bolalar bilan ishlayotgan bo'lsa, ota-onalar bundan qo'rqmasliklari kerak. Chunki u shifokor emas, u hych qanday tashxis qo'ymaydi. Pedagog-psixologning vazifasi boshqacha.

MTT psixologi uch yo'nalishda ish yuritadi:

Bola bilan ishlash. Psixolog birinchi o'rinda bolaning xarakteri, uning ruhiyati, fe'l-atvori hamda qo'rquvlarini o'rganadi. Farzandingizning bolalar bog'chasiga moslashishiga, ulardagi muammolar, ziddiyatli vaziyatlarni hal qilishda yordam beradi. Bolaning ota-onasi bilan ishlash. Psixolog ota-onalar bilan ishlashda bir necha usullardan foydalanadi. Bular: bolaning bog'chaga kelgandagi holatini tushunish, ota-onaga farzandi bilan qanday munosabatda bo'lish kerakligi haqida tavsiyalar beradi. MTT xodimlari bilan ishlash. Tarbiyachining Tashkilotdagi ishi oddiy, katta mehnat talab qilmaydiganday ko'rinadi. Ammo bu noto'g'ri. Psixolog bog'chada pedagogning yordami bilan ish yuritadi. Pedagog hamda psixolog o'zaro maslahatlashgan holda boladagi muammolarni hal qilishadi. Pedagog guruhdagi har bir bola bilan til topish olishi, uning jajji yurakchasiga kirishi, unga do'st, o'rtoq bo'lishi kerak.

MTT psixologining vazifalari:

- *Moslashtirish*
- *Tashxislash*
- *O'qitish*
- *Maslahat berish*
- *Tahlil qilish*
- *Muammoli vaziyatlarda yechim topish*
- *Moslashtirish*

Psixolog har bir bolaning MTTga moslashishiga yordam beradi. Ko'pchilik bolalar qayerda ekanligini, Tashkilotda o'zini tutishni bilmaydi. Psixologning vazifasi bolani mana shu vaziyatdan olib chiqish, ya'ni u bilan ishlashi, bolalar bog'chasi bola uchun qulay va yaxshi joy ekanligini uqtirishi

lozim. Psixolog har bir bola bilan alohida shug‘ullanishdan tashqari guruh bilan ham ish olib boradi. Tashkilotda yuqoridagi vazifalarni bajarish uchun psixolog kundaligi ishlab chiqilgan. MTT psixologi pedagoglar hamda ota-onalar bilan hamkorlikda faoliyat yuritadi. Ushbu bosqichning vazifasi – bolaga jamoaning bir bo‘lagi ekanligini va u bog‘chada o‘zini yaxshi his etishini uqtirishdan iborat.

Tashxislash

MTT psixologi bolaning ruhiyati, qobiliyati, nimalarga moyilligi hamda kelajakda u bilan bog‘liq qanday muammolar yuzaga kelishini o‘rganadi. Har bir bola bilan yaxshi ishlash uchun uning yashash tarzini bilish kerak. Boshqa bolalar bilan qanday muloqot qiladi, yoki oddiy pichoq-qoshiqlarni to‘g‘ri ushlashni biladimi va boshqalar. Diagnostika jarayonida psixolog boladagi muammolarni aniqlaydi. Bular: nutqiy muammolar, asabiylik, rivojlanishning kechikishi, harakatlaridagi o‘zgarishlar va boshqalar bo‘lishi mumkin. Psixolog bunday muammolarni mukammal o‘rganib chiqib, bolalar bilan yanada qattiq ishlaydi. Balki kerakli maslahat uchun bolani mutaxassisga olib borishni ham tavsiya etadi.

O‘qitish

Psixolog – birinchi o‘rinda o‘qituvchi, har bir bolaning to‘liq rivojlanishi uning vazifasiga kiradi. Bu vazifani bajarish uchun u, barcha yoshdagi bolalar uchun rivojlantiruvchi va ta’limiy dasturlarni ishlab chiqishi, ota-onalar bilan suhbatlashishi, ijtimoiy moslashuv usullarini, bolalar uchun turli xil o‘yin metodlarini yaratish kabilarni amalga oshiradi.

Maslahat berish

MTTda psixologning maslahati xarakter bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

- shaxsiy (har bir bola bilan suhbat);
- umumiy (bolalar jamoasi bilan ishlash);

- shaxsiy (har bir ota-ona bilan suhbat);
- umumiy (bir guruh ota-onalar bilan);
- shaxsiy (bola va uning ota-onasi bilan);
- umumiy (ota-ona va tarbiyachilar bilan);
- umumiy (tarbiyachilar va bolalar bilan).

Maslahatlashish jarayonida psixolog quyidagi savollar bilan murojaat qiladi:

Bolaning bog‘chaga moslashishiga qanday yordam berish mumkin?

Bolalar bog‘chalari bilan qanday munosabatda bo‘lish kerak?

Bolalar bilan o‘yin mashg‘ulotlari, turli vaziyatlarga taqlid qilish.

Har bir bolaning ehtiyojlari va muammolarini tahlil qilish.

Ziddiyatli va muammoli vaziyatlarni hal qilish

Shaxsiy masalalarda ota-onalar va tarbiyachilar bilan ishlash

Kamchiligi bor bolalar bilan ishlash hamda bu haqda ota-onasiga bildirish va boshqalar

Psixologning maslahatlari bolaning yaxshi rivojlanishida hamda ota-onalarga tayyor qo‘llanma sifatida asqotadi. Tahlil qilish

Tahliliy jihatdan psixologning vazifalari:

- *Bolalarning xatti-harakatlari va muammolarini tahlil qilish*
- *Hisobotlar tayyorlash*
- *Yo‘riqnomada ko‘rsatilgan vazifalarni bajarish va boshqalar.*
- *Muammolarga yechim topish*

Psixolog MTTdagi muammoli vaziyatlarni hal qilishda yordam beradi:

Tarbiyachilardagi kamchiliklarni aniqlash. Agarda boladagi muammoni psixolog tomonidan hal qilish imkoni bo'lsa, u bu vaziyatni o'rganadi, tahlil qiladi, mutaxassislar bilan maslahatlashadi va b. Nizolarni bartaraf etishda ko'maklashadi

Bolalar, ularning ota-onalari, tashkilot xodimlari bilan bog'liq ayrim masalalar ustida ishlaydi. Ushbu vaziyatdan chiqib ketish uchun turli tadbirlar tashkillashtiradi. Psixologning vazifasiga kirmaydigan qoidalar ham mavjud. Bular:

- ✓ ***Bolaga tashxis qo'yish***
- ✓ ***Davolanishni tayinlash***

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, farzand tarbiyasida ota-onalarni majburlamaslik. Psixologning ishi faqatgina maslahat yoki yordam berish hisoblanadi. Bola uchun xavfli bo'lgan xatti-harakatlarni bajarmaslik. Tashkilot psixologining asosiy vazifasi bolani tashqi dunyoga moslashtirish, rivojlanishida ko'mak berish va o'zaro munosabatlarda muomala madaniyatiga o'rgatishdan iborat. Psixolog ota-onalar hamda MTT xodimlari bilan birgalikda, hamfikir bo'lib faoliyat yuritadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vohidov M., *Maktabgacha tarbiya psixologiyasi*, T., 1970;
2. Davletshin M., *Krbiliyat va uning diagnostikasi*, T., 1979;
3. Tokareva V., *Talaba shaxsining axloqiy rivojlanish psixologiyasi*, T., 1989;
4. G'oziyev E., *Psixologiya fani XXI ayerdagi*, T., 2002;
5. G'oziyev E., *Psixologiya*, T., 2003;
6. Qodirov B., *Layoqat psixologiyasi*, T., 1989;
7. Shoumarov G'., *Oila psixologiyasi*, T., 2000;

**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA AXLOQIY
MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI.**

*Andijon viloyati Buloqboshi tumani 1-sonli
Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti
tarbiyachi **Dildora Abralova Maxamatovna***

Bolalarning go`dakligidan ongi va tafakkurini to`g`ri shakllantirib bormasak, kelajakda yuksak saviyali bilim va ma`naviyatga ega bo`lgan barkamol avlodni tarbiyalash qiyin kechadi.

Sh.M.Mirziyoyev

Annotatsiya: Ushbu maqola MTT tarbiyalanuvchilarining aqliy, ma`naviy varuhiy, rivojlanishi hamda ularni shaxs sifatida kamol toptirishning asosiy shart- sharoitlari.

Kalit so`zlar: Tarbiyachi, shaxs, tarbiya , ma`naviy, aqliy, pedagogik, o`yin, uzluksiz ta`lim.

Maktabgacha ta`lim bolaga ijtimoiy muhit tomonidan ta`sir ko`rsatadigan, malakali shaxslar tomonidan ta`lim-tarbiya faoliyatni samarali tashkil etadigan ilk bilim dargohi hisoblanadi. Har bir bola ruhiyati o`ziga xos bo`lgan murakkab konfiguratsiyaga ega, shu bilan unga ta`sir etuvchi omillar va ularning ta`siri ham juda xilma-xildir. Maktabgacha yoshdagi bolalarning qiziqishlari va faolliklari ham aynan maktabgacha ta`lim tashkilotida mashg`ulot jarayonlarida o`z ifodasni topadi. Xuddi shuningdek hozirgi kunda tarbiyalanuvchi bolajonlar o`rtasida olib boriladigan asosiy mashg`ulotlar bolaning diqqati va xulq-atvor ko`nikmalariga ijobiy ta`sir etib bolada hayotga o`zgacha bir qiziqish paydo qiladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tashkil etilgan pedagogik jarayon bola shaxsini har tomonlama rivojlantirishga qaratilishi zarurligi va shartligi hammaga ayon. Pedagogik jarayonni asosiy ko'rinishlaridan biri bu, bola shaxsiga ehtiyotkorlik bilan pedagogik-psixologik yondashish kerak. To'la ma'noda tashkil etilmagan pedagogik jarayon o'sayotgan bolani miyasida bo'shliqlar paydo bo'lishiga olib keladi. Bola o'sgan sari uning miyasi, aqli to'ladi. Shuning uchun ota-onalar tarbiyachilar diqqatida bo'lishi kerak. Bolalarni yoshiga qarab rivojlantirishga qaratilgan ta'limiy o'yinlar harakatlarni rivojlantiruvchi va hatto bolalarning sog'ligini tiklovchi o'yinchoqlar bo'lishi kerak. Bolalarni nutqini rivojlantirishda o'yinchoqlarning o'rnini katta Hozirgi vaqtda o'yin faoliyati to'liq amalga oshirilgandagina bola shaxsi rivojlanadi. O'yin faoliyatini bevosita kattalar bilan birga amalga oshiradi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda ta'lim sohasidagi islohatlar avvalo oiladan boshlanadi. Xuddi shu o'rinda shuni ta'kidlab o'tish lozimki, maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning asosiy bug'ini hisoblanadi. Avvalo bu tizimga ota-onalarning ijtimoiy faoliyati va farzandlari uchun shart-sharoit yaratishlari nazarda tutilgan. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ish mazmuniga esa kichkintoylarni maktab bosqichida o'qishga tayyorlashdir. Maqsadimiz bilimni sifatini ko'tarish va dunyo andozalari darajasiga olib chiqish. Maktabgacha yoshdagi bolalarning odob ahloqli va mehnatga layoqatli, yetuk bo'lishiga juda katta e'tibor beriladi. Bolalarni ilk yoshdan boshlab uyda, kuchada, bog'chada, mexmonda o'zini tutish qoidalari, muomila madaniyati, ovqatlanish, kiyinish-yechinish, saranjom-sarishta yurish, odobli mehnatsevar bo'lish va boshqalar mehnatini qadrlash kabi odatlarga o'rgatish orqali bolani odob ahloqli mehnatga moyil qilib tarbiyalash, Maktabgacha ta'lim tashkiloti ishining mazmuni, tarbiyaning asosini tashkil etadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning odob ahloqi va mehnatkash bo'lib tarbiyalanishi uchun ularga salomlashish va xayrlashishni bilish, o'zidan kattalarga sizlab murojaat qilishni bilishni o'rgatib borish zarur. Ularga «*labbay*», «*xup bo'ladi*», «*xush kelibsiz*», «*rahmat*», «*salomat bo'ling*», «*mumkinmi*», «*kechirasiz*»,

Bizga ma'lumki, KCL (50 mM) ta'sirida chaqirilgan aorta pryeparatining qisqarish faolligi silliq muskul hujayralari plazmalyemmasida joylashgan potyensialga bog'liq Ca^{2+} -kanallari faollashishi bilan yuzaga kyelyedi. Bunda muhitdagi K^+ ionlari konsyentratsiyasi ortishi, myembrana potyensial qiyamati o'zgartiradi, bu o'z nabvatida myembrana dyepolyarizatsiyasini yuzaga kyeltiradi va potyensialga bog'liq Ca^{2+} -kanallari faollashadi hamda hujayralarni sitoplazmasida Ca^{2+} ionlari konsyentratsiyasining ortishi hisobiga qisqarishni kyeltirib chiqaradi [Vandier S., 2002].

Shu nuqtai nazardan, ushbu tajribalarda F -18 va F -11 alkaloidlarini KCl (50 mM) bilan chaqirilgan kalamush aorta pryeparatining qisqarishiga ta'siri o'rganildi. Bunda ushbu alkaloidlar dozagaga bog'liq kuchli ryelaksant ta'sirga ega ekanligi aniqlandi. F-18 alkaloidi (5-150 mkM) konsentratsiyalarda


kalamush aorta preparatining bazal tonusiga ta'sir qilmadi. (1-



rasm)

1–rasm. F-18 alkaloidining aorta silliq muskuli preparatida 50 mM KCl yordamida yuzaga kelgan qisqarish faolligiga konsentrasiyaga bog`liq relaksant ta'siri. KCl (50 mM) ta'sirida yuzaga kelgan qisqarish kuchi nazorat sifatida 100% deb olingan (barcha holatlarda ishonchlilik ko`rsatgichi * $p < 0.05$, ** $p < 0.01$; $n = 6$).

Xuddi shunday tajribalarda F-11 alkaloidi KCl (50 mM) bilan chaqirilgan kalamush aortasi pryeparatining qisqarishiga ta'siri o`rganildi. Bunda F-11 alkaloidi konsyentratsiyaga bog`liq holatda (10–200 mkM) ryelaksant ta'siriga ega ekanligi aniqlandi. (2-rasm).




2–rasm. F-11 alkaloidining aorta silliq muskuli preparatida 50 mM KCl yordamida yuzaga kelgan qisqarish faolligiga konsentrasiyaga bog`liq relaksant ta'siri. KCl (50 mM) ta'sirida yuzaga kelgan qisqarish kuchi nazorat sifatida 100% deb olingan (barcha holatlarda ishonchlilik ko`rsatgichi * $p < 0.05$, ** $p < 0.01$; $n = 5$).

Qon tomir silliq muskul hujayralari funksional faolligi ta'minlanishida $[Ca^{2+}]_{in}$ dinamik o'zgarishi katta ahamiyatga ega bo'lib, silliq muskul hujayrasida KCl (50 mM) yordamida yuzaga keltirilgan qisqarish kuchi bevosita plazmalemmasida joylashgan potensialga bog'liq Ca^{2+} -kanallar aktivasiyasi bilan bog'liqligi tasdiqlangan

Navbatdagi tajribalarda yuqoridagi keltirilgan taxmini tekshirib ko'rish uchun Krebs–Xenzelayt fiziologik eritmasi tarkibida $CaCl_2$ konsentrasiyasini o'zgartirish asosida yoki $[Ca^{2+}]_{out}$ konsentrasiyasi 0,5–2,5 mM diapazonda F-18 va F-11 alkaloidlarining relaksant ta'siri o'rganildi. Bunda $[Ca^{2+}]_{out}=2.5$ mM sharoitda silliq muskul preparatining izometrik qisqarish kuchi amplitudasi maksimal qiymatga etishi qayd qilindi

Tajribalarda F-18 alkaloidining relaksant ta'siri $[Ca^{2+}]_{out}$ konsentrasiyasiga bog'liq amalga oshishi aniqlandi, bunda alkaloid mavjud inkubasiya sharoitida aorta preparatining qisqarish faolligini nazoratga nisbatan $75,4 \pm 3,9\%$ gacha kamaytirdi (3–rasm).



3-rasm. F -18 alkaloidining aorta silliq muskuli preparatida 50 mM KCl yordamida yuzaga keltirilgan qisqarish faolligiga $[Ca^{2+}]_{out}$ konsentrasiyasiga bog'liq relaksant ta'siri. KCl (50 mM) ta'sirida yuzaga kelgan qisqarish kuchi nazorat sifatida 100% deb olingan (barcha holatlarda ishonchlilik ko'rsatgichi $*p<0.05$, $**p<0.01$; $n=5$).

Shunday qilib, ushbu tajriba syeriyalaridan olingan natijalar tahlili shuni ko'rsatadiki, F-18 alkaloidi F-11 alkaloidiga nisbatan kuchli ryelaksant ta'siriga ega bo'lib, bu esa plazmatik myembrana va SR darajasidagi Ca^{2+} ionlari transportini ta'minlash bilan bog'liq jarayonlarni modifikasiya qiluvchi komplekx myexanizmlar asosida amalga oshadi. Umuman olganda ushbu tyekshirilayotgan alkaloidlarning ryelaksant ta'siri SMH larida $[Ca^{2+}]_i$ miqdorining pasayishini ta'minlaydigan Ca^{2+}_L -kanallarning bloklanishi bilan birga plazmalyemmadagi Ca^{2+}_R -kanallariga, shuningdyek SR dan Ca^{2+} chiqarilishini ta'minlovchi ko'pgina myexanizmlarga asoslangan.

XULOSALAR

1. F-18 va F-11 alkaloidlarining yaqqol namoyon bo'lgan ryelaksant ta'siriga ega bo'lib, uning asosida silliq muskul hujayralari $[Ca^{2+}]_{in}$ miqdorining kamayishi yotadi, va buni ta'minlashda bir qancha myexanizmlar ishtirok etadi.

2. F-18 va F-11 alkaloidlarining KCL–bilan chaqirilgan qisqarish sharoitidagi ta'siri silliq muskul hujayralaridagi $[Ca^{2+}]_{in}$ miqdorini kamayishi, asosan plazmalyemmadagi Ca^{2+}_L – kanallari orqali Ca^{2+} ionlari kirishini susaytirishi sababli ta'minlanadi.

Adabiyotlar

1. Berridge M.J. Inositol trisphosphate and calcium signaling // Nature. –1993. – V.361(6410). – P.315-325.
2. Brozovich F., Nicholson S.J., Degen S.V., Gao Y., Aggarwal M., Morgan K.G., Watts S. Mechanisms of vascular smooth muscle contraction and the basis for Pharmacologic treatment of smooth muscle disorders // Pharmacol. Rev. – 2016. – V.68(2). – P.476-532.
3. Watanabe S., Yamamoto I., Hirano K., Kobayashi S., Kanaide H. Mechanisms of caffeine-induced contraction and relaxation of rat aortic smooth muscle // J Physiol. – 1992. – V.456. – P. 193-213.

**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA NUTQ
MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH.**

Ibraimova Sanobar Qalbaevna

Qoraqolpog'iston Respublikasi Qonlikul tumani

Qonlikul tumani Maktabgacha Ta'lim Bo'limiga qarashli 12-sonli

Maktabgacha ta'lim tashkiloti metodisti

Annotatsiya: Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda nutq madaniyatini shakllantirish, bolalarni nutq faoliyatini rivojlantirish masalalari to'g'risida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlari: nutq madaniyati, muloqot, lingvistika, sof lingvistika, zamonaviy lingvistika, emotsional munosabatlar, birgalikdagi faoliyat, tovushli munosabat, kommunikativ omil, intellekt

Аннотация: В статье обсуждается речевая культура в дошкольных учреждениях, развивать детскую речевую деятельность, правила преподавания детей других языков - комментарии.

Ключевые слова: речевая культура, связь, лингвистика, чистая лингвистика, современная лингвистика, оборудование, оборудование, коммуникативный фактор, интеграция

Annotation: The article discusses speech culture in preschools, to develop children's speech activities, the rules of teaching children other language - comments .

Keywords: Speech Culture, Communication, Linguistics, Pure Linguistics, Modern Linguistics, Equipment, Equipment, Communicative Factor, Intelligure

Maktabgacha yoshdagi bolalarni nutq faoliyatini rivojlanishi murakkab ruhiy jarayon bo'lib, u faqat bolaning eshitgan nutqiga taqlid qilishidan iborat emas. Bu esa, bolalarda umuman muloqot faoliyatini rivojlantirish bo'lsa, birinchi navbatda, muloqotga ehtiyoj mavjudligi bilan bog'liqdir. Bola borliqning yangi tomonlariga yo'naltirilganligi: amaliy faoliyatdan olamni, so'ngra odamlarni, ularning munosabatlarini o'rganishga o'tishi yangi maqsadlarga xizmat qiluvchi yangi muloqot vositalari zaruratini keltirib chiqaradi. Bola leksikani kengaytirish, uning o'z kechinmalarini yanada keng va xilma – xil ifodalashni o'zlashtirishi uchun imkoniyat yaratadi.

Bola nutqini zamonaviy va to'laqonli rivojlantirish uchun atrofdagi odamlar bilan o'zaro hamkorlik qilish orqali bolaning muloqotga bo'lgan ehtiyoj tarkibini boyitish zarur. Bolalarning nutqni egallab olishlarining sababi ularning muloqot faoliyatlarining asosini ehtiyoj- motivatsiyasini tashkil qilishi, uning tarkibi o'zgarganligidadir. Bolalar bog'chasida verbal boshqarish jarayonida bolalarni nutqi sust shakllanadi. Demak, ushbu bosqichda bo'lgan davrning asosiy ahamiyati shundan iboratki, ularni nutqi ravon bo'lishida uning ichida navbatdagi bosqichi – faol nutq paydo bo'lishi bosqichiga o'tish uchun zarur bo'lgan sharoit vujudga keltiriladi. Bolaning faol nutqini o'zlash-tirishining ikkinchi bosqichida uchta asosiy jihat ajralib chiqadi. Ular qo'yidagilardir:

- emotsional munosabatlar;
- birgalikdagi faoliyat ya'ni hamkorlik, davomidagi munosabatlar;
- tovushli munosabatlar.

Kommunikativ omilning ko'rib chiqilayotgan har bir jihati u yoki bu darajada va o'z holicha bolalarning kommunikativ vazifani hal etishlariga, ya'ni nutqdan foydalanishlariga yordam beradi. Nutqni rivojlantirishning uchunchi bosqichida – bolaning materiyasi leksika va grammatika bolaning

muloqot vazifasini o'zlashtirgan holda katta-lar bilan muloqotga bo'lgan ehtiyojga va uning tarkibiga uzviy bog'liq bo'ladi. Bu bola nutqining yangi, yanada murakkab va keng qamrovli jihatlarini o'zlashtirishiga olib keladi. Bolaning ruhan shakllanishida nutqning hal qiluvchi o'rinni egallashi uning turli bosqichlarda rivojlanishiga yordam beruvchi shart – sharoitlar va omillarning ahamiyatini yanada oshiradi. Bolalar nutqini rivojlantirishni rag'batlantiruvchi yoki uni sekinlashtiruvchi kuchlarni aniqlash ushbu jarayonda aniq maqsadni ko'zlagan holda pedagogik say – harakatlarni uyushtirish kalitidir.¹⁴

Agarda bolada atrofidagi kattalar beshikdalik chog'idan boshlab to'g'ri so'zlashga o'rgatsalar, bu holda bunday bola intellektual jihatdan normal rivojlanadi: unda tasavvur qilish, so'ngra fikrlash va hayol surish qobiliyati paydo bo'ladi; har bir yosh bosqichda bu qobiliyat takomillashib boradi. Bola intellektining rivojlantirish bilan bir vaqtda uning emotsional – irodasi ham takomillashib boradi. Bolaning hayoti kattalar turmush faoliyatiga uyg'unlashgan bo'ladi. Ayni paytda bolada unga ta'sir o'tkazish uchun biror – bir o'ziga xos insoniy vositaga ehtiyoj mavjud bo'lmaydi. Mazkur rivojlanishning asosiy genetik vazifasi - kichkintoylarda katta odam bilan muloqotga kirishish qobiliyati va vositalarini shakllantirishdan iboratdir. Maktabgacha yoshdagi tarbiyachining bolalarga o'z ona tilini o'rgata olish qobiliyati uning kasbiy tayyorgarligining muhim ko'rsatkichi hisoblanadi. Bolaga tabiat ato etgan barcha aqliy qobiliyatlar ona tilini o'zlashtirish, ayniqsa, uni maktabgacha yoshda o'rganib olishi tufayli yuzaga chiqadi hamda rivojlanadi.

Bolalarning ona tilida avloddan – avlodga o'tib kelayotgan xalq ma'naviy boyliklarini qanchalik meros qilib olishlari, tarbiyalanuvchilarning kelgusida o'z davrining ilmiy yutuqlarini o'zlashtira olishlari, ularning insoniyatning ilg'or she'riy va estetik ideallariga sodiqligi, ya'ni mustaqil

¹⁴ F. R. Qodirova. R. M Qodirova «Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi» 2006, 7- bet.

Bolalar bog'chasida tarbiyalanayotgan bola o'rtoqlari bilan o'ynaydi, qo'lidan kelgancha mehnat qiladi. Bu jarayonda o'z harakatlariga baho berishga, fikrni boshqalarga tushunarli qilib bayon eta olishga o'rganadi. Bola kuzatish va nutq orqali dunyoni, borliqni bilib oladi, tevarak – atrofdagi narsa va buyumlarning, voqea va hodisalarning nomini, sifatlari va belgilarini, xususiyatlarini, o'xshash va farqli tomonlarini aytishga o'rganadi.

Demak, bugungi kunda nutqqa bo'lgan bunday talab kishi ongi va tafakkuriga o'z ona tilisini yaxshi bilgani kabi boshqa tillarni ham yaxshi bilishi, uni o'rganishi maqsadida qo'yiladi. Bunday talablarni amalga oshirish ilk bor maktabgacha ta'lim tashkilotlaridan boshlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. F. R. Qodirova. R. M. Qodirova. Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi. Toshkent- 2006y.

2. Q. Shodiyeva. Nutq o'stirish uslubiyoti. Nashriyot – manba ijodiy uyi. Toshken – 2008.

**МАКТАБГАЧА TALIM TASHKILOTLARIDA EKOLOGIK
MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI VA
RIVOJLANTIRISH YO'LLARI**

*Toshkent shahar Shayxontohur tumani "Delfinchik"nomli 3-son DMTT
direktori Raxmatova Zumrad Zarifovna va tarbiyachi-metodist
Karabayeva Muattar Abbasovna*

Annotatsiya: Ushbu maqolada bolalarda tabiatni asrash, uni muhofaza qilishga o'rgatish, umuman, ekologik tarbiya berish bugungi kunning dolzarb masalasidir. Shu bois maktabgacha ta'lim tashkilotlarida barcha predmet mashg'ulotlarida ushbu tarbiya elementlarini bolalarga singdirish orqali ularda ekologik madaniyatni shakllantirish mumkin. Bunday o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish yaxshi samara berishi yoritilgan.

Kalit so'zi: Tabiatni asrash, atrofdagi olam, pedagogik texnologiya, ekologik tasavvurlar, ekologik matarbiya.

Annotatsiya: V dannoy stat'ye okhrana prirody, obucheniye detey yeye okhrane, ekologicheskoye vospitaniye v tselom yavlyayetsya aktual'nym voprosom na segodnyashniy den'. Poetomu formirovat' u detey ekologicheskuyu kul'turu mozhno putem privitiya etikh elementov vospitaniya na vsekh predmetnykh zanyatiyakh v doshkol'nykh obrazovatel'nykh uchrezhdeniyakh. Govoryat, chto ispol'zovaniye pedagogicheskikh tekhnologiy v takom obuchenii ochen' effektivno.

Klyuchevyye slova: okhrana prirody, okruzhayushchiy mir, pedagogicheskaya tekhnologiya, ekologicheskiye idei, ekologicheskoye obrazovaniye.

Annotation: In this article, the protection of nature, teaching children to protect it, and environmental education in general is a topical issue today. Therefore, it is possible to form an ecological culture in children by introducing

these elements of education in all subject lessons in preschool educational institutions. It is said that the use of pedagogical technologies in such teaching is very effective.

Key words: Nature conservation, the world around us, pedagogical technology, ecological ideas, ecological education.

Tabiatni asrash, uni muhofaza qilishga o'rgatish, umuman, ekologik tarbiya berish bugungi kunning dolzarb masalasidir. Shu bois maktabgacha ta'lim bolalariga barcha predmet mashg'ulotlarda ushbu tarbiya elemenlarini bolalarga singdirish orqali ularda ekologik madaniyatni shakllantirish mumkin. Bunday o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish yaxshi samara beradi. Tarbiyachi bolalarning bilish faoliyatini tashkil etishda ularning xohishiga ko'ra individual tarzda, juftlikda yoki kichik guruhlarda ishlash shakllaridan foydalanish yaxshi samara beradi. Shuningdek, berilgan vazifalari ham hamma uchun yagona va majburiy bo'lmasdan, bir necha variantda tayyorlanishi va bolalar o'z xohishiga ko'ra tanlashlari mumkin. Masalan, 1-variantda yangi mavzu yuzasidan o'quv materialini tayyorlash, savollarga javob topish o'rgatish, ob'ektning rasmini chizishga o'rgatish; 2-variantda o'quv materiali mazmunidagi atama va tushunchalardan foydalanib izo'lash bolalarga etkazib berish; 3-variantda qo'shimcha ma'lumotlardan foydalanib, tabiat haqida hikoya tayyorlash. Bolalarga vazifalarining bunday shaklda berilishi bolalarga o'z imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda avval berilgan vazifasining yengilroq variantini, keyin murakkabroq variantini bajarishga o'tish, o'z kuchi va bilimini sinab ko'rish imkonini beradi. Bolaning bu boradagi har bir yutuq'i tarbiyachi tomonidan o'z vaqtida rag'batlantirib turilishi, yutuq va kamchiliklarning qayd etilishi, kamchiliklarni barham etish maqsadida uyushtirilgan yordam o'z samarasini beradi.

Ta'lim-tarbiya sohasida pedagogik munosabatlarni demokratlashtirish uchun tarbiyachi:

- bolalarning bilish faoliyatini samarali tashkil etish va boshqarish usullari;

- o'rganiladigan mavzuning didaktik maqsadidan kelib chiqqan holda turli qiyinchilikdagi kundalik topshiriqlari va ularni bajarish yuzasidan ko'rsatmalarni tayyorlash ko'nikmalari;

- bolalarning o'rganish-bilish faoliyati va olingan natijalarni tahlil etish, tegishli hollarda zarur o'zgartirishlar kiritish usullari;

- turli pedagogik muammoli vaziyatlarni tahlil qilish va ulardan eng oqilona usullarni egallagan bo'lishi lozim.

Pedagogik texnologiya jarayonini o'rganishning soddalashtirilgan tartibini quyidagicha tushunish mumkin:

- tushuntirish – o'quv materialining ma'no-mazmunini, undan foydalanish tartibini o'zi tushungan darajada boshqalarga yetkazish faoliyatidan iborat jarayon;

- tushunish – o'quv materialining ma'no-mazmunini idrok qilish, undan ko'rsatilgan tartibda mustaqil foydalana olishni; - o'rgatish

– axborotdan foydalanish va turli harakatlarni ko'rsatilgan tartibda mustaqil bajarish ko'nikmalarini egallash;

- o'zlashtirish – tushunish, o'rganish orqali bilish materialining ma'nomazmunini, undan foydalanish yoki harakatlarni bajarish tartibi to'g'risida bilim va ko'nikmalar hosil bo'lishi. O'zlashtirish shartli ravishda quyidagi uchta darajaga ajratiladi:

1) o'rgatilgan bilim, ko'nikmalarni to'g'ri takrorlash.

2) ularni amaliy faoliyatda qo'llash, ulardan tegishli maqsadlarda foydalanish imkoniyatiga ega bo'lish;

3) ularni ijodiy tahlil qilish, qiyoslash, umumlashtirish, xulosalar chiqarish asosida takomillashtirish faoliyatini amalga oshirish imkoniyatiga ega bo'lish;

Shu bilan birga, pedagogik texnologiyalarning hammasida ham birdek qo'llaniladigan va ta'lim-tarbiya jarayonining tarixiy tarkib topishida va

rivojlanib borishida hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan asosiy tarkibiy elementlar so'zlash, ko'rsatish va mashqlar bajarishdan iborat bo'lib, ular o'zaro quyidagicha ketma-ketlikda va bog'liqlikda amal qiladi. Agar bolalarning o'qish motivlari, mashg'ulotlarning boshidan oxirigacha diqqatini jamlashi, eslab qolishi, xotirada saqlashi va o'rganganlarini amalda mustaqil qo'llay olishi kabi ko'rsatkichlari muntazam ravishda masalan, 100 foiz bo'lganda edi, ana shundagina ularning o'zlashtirishlarini nazorat qilishga vaqt sarflamaslik mumkin bo'lar edi. Lekin amalda bunday emasligi hammaga ma'lum, shu sababdan hozirda nazoratning reyting usulini yanada takomillashtirgan holda amalga joriy qilinmoqda. Mavjud pedagogik texnologiyalar aslida yuqorida aytilgan so'zlash, ko'rsatish, mashqdan iborat uchta tarkibiy elementning har turli kombinatsiyalarini tashkil qiladi. Ular bir-biridan ta'lim-tarbiyaning ayrim yo'nalishiga, mazmuniga va usullariga alohida e'tibor berilgani hamda unga muvofiq maqsadlarga qaratilgani bilan farqlanadi. Har qanday tarbiya turi singari ekologik tarbiya ham bolaga dastavval oilada, so'ng bog'cha partasiga ilk bora o'tirishni o'rganganidanoq o'rgatib boradi. Ekologik tarbiyani nafaqat atrofdagi olam, tabiat bilan tanishtirish yoki ekologiya mashg'ulotlarida, balki barcha mashg'ulot soatlarida amalga oshirish mumkin. Masalan: maktabgacha ta'limning barcha guruhlarida nutiqni rivojlantirish mashg'ulotlarida, 6 dan 7 yoshgacha bo'lgan guruhlarda, mashqlarni bajarish jarayonida bevosita qushlar, gullar bilan bog'liq kichik hajmdagi sodda matnlarni aytib berish bilan birga ularning mohiyatini bola ongiga to'g'ri yetkazish orqali ekologik tasavvurlarini boyitish mumkin. 5-6 dan, 6 dan 7 yoshgacha bo'lgan guruhlarining "Atrofdagi olam bilan tanishtirish" mashg'ulotda tabiat fasllari – bahor, yoz, kuz, qish oylaridagi tabiat tasviri, undagi o'zgarishlar, vatanimizning betakror tabiati, qush va hayvonlar haqida tushunchalar berilgan. Tarbiyachi bolalarning yosh xususiyatlarini e'tiborga olgan holda maqollar, she'r, hikoyalardan misollar keltirib bolalarning ekologik tasavvurlarini yanada kengaytiradi. Bu bilan bolalarni tabiatni sevishga, uning boyliklarini asrab- avaylashga o'rgatib boradi. , 6 dan 7 yoshgacha bo'lgan guruhlarda "Chinor", "Hakka", "Hasan va

Qaldirg'och", "Do'lana", "Gulzorda" singari tabiat bilan bog'liq mavzular o'tish maqsadga mofiq. "Nutqni rivojlantirish" mashg'ulotlarida esa ekologiya, xususan ona tabiat bilan bog'liq hikoyalarni tarbiyach mahorat bilan bolalarning yosh, xususiyatiga mos qilib so'zlab berishi lozim. "Chittak", "Kanareyka", "To'rt ko'z", "Zarg'aldoq", "Gulbeor" kabi mavzular yordamida bolani tabiatni sevuvchi, o'simlik va hayvonlarga ozor bermaydigan qilib tarbiyalash mumkin. Tabiyat bilan tanishtirishda ham turli xildagi bevosita ekologik tarbiya bilan bog'liq hikoyalarni tarbiyach o'yinlar orqali bolalar ongiga sgdirishi kerak. Masalan: "Men nimani yaxshi ko'raman" o'yini

O'yinning borishi: Bolalar bir- birlariga ko'ptokni irg'itib shunday deydilar. "Men ...yaxshi ko'raman" Misol tariqasida: Gulni, bog'ni, olmazorni, suvni, shaftoli va hakoza.

Maqsad: Bolalarda ekologik madaniyatni shakllantirish o'ziga baho berish vaguruhda ishonchli muhitni yaratish mumkin. Atrogdagi olam bilan tanishtirishda "Toza suv oqsin Orolga" (muallif G'ani Abdullayev) bolalarni ekologik muammolar haqidagi tasavvurlarini boyitadi: –Oyi, Orol degan dengiz bor ekan-a? –Bor, nima edi? –Suvsirab yig'layotganmish-a? Tuzlari esa shamoldan atrofga to'zg'iyotganmish. –Gaplaring g'alati-ya. Kimdan eshitding? –Tarbiyachimizdan. Bekorchi suvlar Sirdaryoga quyilsa, yaxshi bo'larkan. Daryo to'lib oqsa, suvi dengizga yetib borarkan. Shu rostmi? – Rostlikka rost-ku, bunga ko'proq kattalar qayg'urishi kerak... Choyingni ichginda, buzoqchangni boqib kel. Buzoqchasini yetaklab borayotgan Nodirning qo'lida jajji ketmoncha, xayoli esa oqqushlardek parvozda. U buzoqchasini o'tloqqa qo'ydi-da, sigirini o'tlatib yurgan Sadirni chaqirdi. – Mana bu suvni qara, bekorga jarga oqyapti. Ariq qazib, soyga buramiz. – Nega endi? – hayron bo'ldi Sadir. –Soyga bursak, Sirdaryoga quyiladi. Daryo esa Orolga. Orol esa suvga zor. Ikkovlon galma-gal ishlab ketmonchani bo'sh qo'yishmadi. – Yashavor, og'ayni. Suvni yangi ariqchaga ochadigan bo'ldik, – quvonib ketdi Nodir. – Ochmay tur. Iflosligini qara, – shaldirab oqayotgan suvga nazar soldi sinfdoshi. – Daryodagi, Oroldagi baliqlarni kasal qilsa... –To'g'riku-ya, suvni

tozalash qiyin-ov. Ko'pchilik unga yomon narsalarni tashlagani-tashlagan,– dedi Nodir. –Bundan keyin suvni kim iflos qilsa, kattalarga aytamiz. Jazosini berishadi. – Bo'пти. Orolga toza suv borgani yaxshi. Ikki do'st suv toza bo'lgach, uni o'zlari qazigan ariqchaga ochishadigan bo'lishdi. Bu mashg'ulotni pedagogik texnologiyaga asosida quyidagicha loyihalashtirish mumkin: Mavzu: Toza suv oqsin Orolga. (G'ani Abdullayev) Vaqt: 30 daqiqa. Mashg'ulot nomi:.Orolni asraymiz. Maqsad: Bolalar: suv va havoning hayot uchun ahamiyatini ta'riflaydi, to'g'ri va ravon gapirishga, suvni isrof qilmaslika rioya qilish ko'nikmalarini va malakalarini rivojlantirish, suv haqidagi bilim boyligini oshirish. Bolalarda Vatanga va tabiat ne'matlariga to'g'ri munosabatni shakllantirish. Vatanimiz tabiiy ne'matlarini hurmat qilish va e'zozlashga o'rgatish orqali ekologik tarbiya berish.. Jamoa bo'lib ishlashga, o'zaro yordam, birbirini qo'llash kabi sifatlarni egallashlariga yordam berish. Mashg'ulot jarayoni: 1-bosqich. O'tgan mashg'ulotni so'rab va rag'batlantirish. 5 daqiqa 2-bosqich. Yangi mashg'ulotni e'lon qilinishidan oldin Orol dengizi, mintaqamizdagi ichimlik suvi muammosi haqida qisqacha suhbat o'tkaziladi. Suvdan foydalanishga va insonlarning suv inshootlariga qilayotgan munosabati oqibatlarini haqida bolalarga ma'lumot beriladi. Suhbat. Tarbiyachi bolalar bilan birgalikda Nodirning va Sadirning qilgan ishlarini muhokama qiladilar.Hikoyani tarbiyachi bolalarga so'zlab beradi. Hikoyani tarbiyachi ro'larga bo'lib savol javob o'tkazadi. Hikoya mazmuni qayta hikoya qilinadi. Mashg'ulotlarda o'tilgan hikmatli gap, tez aytish va topishmoq ustida ish olib boriladi. 10 daqiqa 3-bosqich. Tarbiyachi bolalarni guruhga ajratadi. Ularga A4 qog'ozi tarqatiladi. Vazifa: Har bir guruh tarbiyachi yordamida, tayyorlab qo'yilgan rasim Orol dengizi rasmini chizadi va Orol dengizini asrash uchun nima qilish mumkinligini haqidagi mulohazalarini rasmni chizib bo'lgach davom etiradi. Soy – tog'dan oqib keladigan suv yo'li. Orol dengizi – O'zbekistonimizdagi dengiz. Uning suvi juda kamayib ketganligi sababli, atrof-muhitga yomon ta'sir qilmoqda. Sirdaryo – O'zbekistonimizdan oqib o'tadigan daryo nomi. U oqib borib, suvini Orol dengiziga qo'yadi.

“Qorning esa achchig’i kelib dehqonga debdi: - Yomg’ir ham, men ham bu yil me’yorida yog’dik. Lekin sen nam ushlab turadigan daraxtlarni kesding. Qorlarimni taqsimlash – daraxtlarning ishi. Daraxt bo’lmasa, hamma qor bahorda erib oqib ketadi. Soyda suv bo’lmasa o’zing aybdorsan. Dehqon o’ylab qarasa qorning gaplari to’g’ri ekan. U toqqa qaytgach, bir talay ko’chat ekib parvarishlabdi. Ko’chatlar voyaga etgach soyda yana suv to’lib oqa boshlabdi.” Bunday hikoya va ertaklardan shunday xulosa chiqadiki, agar inson tabiatga nisbatan to’g’ri munosabatda bo’lmas ekan, undan oqilona, tejamli foydalana olmas ekan bir kun kelib tabiat ham undan o’ch oladi, uni jazolaydi. Tabiatning bu hayotiy qonunini ertakni aytib berish jarayonida bolaga to’g’ri yetkaza olish lozim. Toki har bir bolada yoshligidanoq tabiatga, mehr- muhabbat uyg’onsin. Uni sevuvchi, ardoqlovchi bo’lib tarbiyalansin. Ushbu ertakning xulosa qismini xalq maqollari bilan ham bog’lab yakunlash mumkin. Masalan: “Birni kessang o’nni ek!”, “Bobongning tol ekkani o’ziga non ekkani”, “Bir yil tut ekkan kishi yuz yil gavhar teradi”, singari maqollarni aytib, bolalar o’rtasida tabiatga doir maqol aytish musobaqasi o’tkazilsa bunday mashg’ulotlar bolalar xotirasida uzoq saqlanadi. Bundan tashqari 6 dan 7 yoshgacha bo’lgan guruhlarning “Atrofdagi olam bilan tanishtirish” mashg’ulotda tabiat fasllari, bevosita ekologik tarbiya bilan bog’liq “Quyuncha”, “Mehnat, mehnatning tagi rohat”, “Bahor keldi”, “Chumchuqcha” nomli hikoya va masallar ham tarbiyachi aytib berishi, ular yordamida Tabiat bilan tanishtirish mashg’ulotlarida ham ekologik tarbiya berish imkoniyatlari yaratiladi. Bizningcha 3-7 yoshli guruhlarda qadimiy merosimiz hisoblangan hadisi sharif namunalaridan, buyuk allomalarimizning asarlaridan, iboratli hikoyatu – rivoyat, turli afsonalardan kiritilsa yanada yaxshiroq bo’lardi. Chunki qadimda ham garchi ekologik tarbiya termini mavjud bo’lmasada, ona tabiatga muhabbat ruhidagi tarbiya juda kuchli bo’lgan va bu bolaga go’dakligidanoq o’rgatib borilgan. Sir emaski, o’zbek xalqi o’zining boy tajribasi, teran xalq og’zaki ijodiyotiga ega. Hozirgi bog’cha oldida turgan dolzarb muammolardan biri ta’lim – tarbiya mazmunini milliyashtirishdir. Xo’sh, ekologik tarbiyani amalga oshirishda

milliy poydevor mavjudmi? – degan savolga hech ikkilanmasdan ha mavjud deya javob berishga ishonchli manba mavjud. Xalq tajribasi – yosh avlodga ekologik bilim va tarbiya berishning asosidir. Dono o'zbek xalqining ming yillik tarixi, barqaror shakllangan urf – odati, xalq maqollari, milliy – madaniy merosi yuqoridagi fikrni yaqqol isbotlab beradi. Maktabgacha ta'lim 3-7 yoshdagi guruhlarda bolalar tabiatshunoslik markazlarida materialini o'rganish orqali tabiatga, vatanga, ona zaminga qanday munosabatda bo'lishni o'rganadilar. Bunda bolalarni tabiatni sinchkovlik bilan kuzatishga o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. 6 dan 7 yoshgacha bo'lgan guruhlarda, tabiatshunoslik markazlarida milliy – madaniy merosimizda to'plangan ma'lumotlardan bolalarga ekologik tarbiyani tarkib toptirishda foydalanish muhim ahamiyat kasb ektadi. Maktabgacha ta'lim Davlat o'quv dasturida ko'zda tutgan “Havo”, “Suv”, “Tuproq”, “Tog' jinslari”, “O'simliklar va hayvonlar”, “Tabiatni muhofaza qilish”, “Yil fasllari” singari bo'lim va boblarni o'rgatish jarayonida xalq maqolaridan qoydalanish juda o'rinli hisoblanadi. Xalq maqolaridan har bir mavzuning mazmuniga qarab foydalanish maqsadga muvofiqdir. Masalan: “Havo” bulimida yoki “Yil fasllari” bo'limida “Yog'inlar” mavzusini yoritganda quyidagi xalq maqolaridan foydalanish o'rinlidir. Savr yomg'iri – sar oltin. Savr kelsa muz turmas. Savalab yoqqan yomg'ir yomon Maydalab yoqqan qor yomon. Sumbulada suv soviydi Mezonda – kun. Toqqa qalin qor tushganiYerning qonib suv ichgani. Havo uning muhofazasi haqida tushuncha berganda Tog' havosi – dard davosi Toza havo – dardga davo. Quyosh kirmagan uyga soya kiradi. Quyosh nuri davo duri. Singari xalq maqollaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. O'zbek xalq maqollari – “Tabiat to'g'risida javohirlar sandig'ini ekologiya xonalarida tashkil etish bolalarni ota – bobolar to'plagan qimmatbaho fikrlar bilan qurollantirishga ularda milliy g'ururni shakllantirishga, tabiat bergan har bir inomdan o'z o'rnida foydalanishga, xullas ekologik milliy madaniyatni tarkib toptirishga yordam beradi. Sharq xalqlari falsafasi, milliy madaniy merosi, ilm xazinasini jahon xalqlari taraqqiyotida yetakchi omil ekanligi hech kimga sir emas. Inson va tabiat o'rtasidagi

munosabatlarning ildizi xuddi mana shu makonda suvga qonmog'i darkor. Biz pedagoglar mana shu sarchashma suvidan yosh avlodni bahramand etishimiz ham qarz, ham farzdir. "Suv" mavzusini o'tish jarayonida bolalarga suv boyliklarini tejash va ifloslantirmaslik haqida quyidagi she'riy misralarni keltirish maqsadga muvofiqdir:

Bugun tashnalikdan tortib ko'p azob,

Oldinga suv so'rab kelibsan shutob.

Chashmadan avvalo shirin suv ichma,

Ichdingmi, ustiga tuproqni sochma.

Bugun chashma suvini qilsang agar xor,

Boshqa icholmassan bu suvdan zinhor. (Faxriddin Gurgoniy).

O'lkamizning tabiiy o'simliklar dunyosi ularning foydasi, bu boyliklarni muhofaza qilish kerakligi haqidagi masalalar bilan yoshligidan oilada, bog'cha partasidan keng tanishtirib borish o'z samarasini beradi. Bunda ekologiyadan ilmiy tushunchalar bog'chalarda barcha markazlarda ayniqsa, 3-7 yoshli bolalarni tarbiyalashda, ekologiya, elementar matematika, nutqni rivojlantirish, rasm chizish mashg'ulotlarda tarbiyachi ekologiya haqida ma'lumotlar bilan tanishtirib borish, tabiatni sevishga va vatan parvarlik tuyg'ulari shakillanib boradi. Elementar matematika fanida beriladigan ekologik ta'lim-tarbiya jarayonida bolalar tabiatdagi salbiy yoki ijobiy o'zgarishlar inson sog'ligiga qanday ta'sir qilishi haqida aniq tasavvurga ega bo'lishadi. Masalan: Respublikada ko'plab sanoat korxonasi borligi, ularning havoga zaharli moddalarni chiqarayotganligi, bunday holat ko'p yildan keyin shu maromda ketaversa nimalarga olib kelishi mumkinligi kabi misollar vositasida ekologik falokat oqibatlarini bolalarga tushuntiriladi, yoki yana bir elementar matematika mashg'ulotlarida echiladigan oddiy masalani olib qaraylik. Rustam 4 ta qo'chat o'tkazadi, ertaga yana 5 ta ko'chat o'tkazadi, ikki kunda nechta ko'chat o'tkazadi? Ushbu masala ham ekologik tarbiya berishga asos bo'la oladi. Masala orqali bolalarni daraxtlarni sindirmaslikka, ularni yanada ko'paytirishga o'rgatish mumkin. Bolalarni tabiatni kuzatish, unda qanday boyliklar borligiga

ishonch hosil qilishga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Masalan, 6-7 yoshdagi bolalarga quyidagi savollar bilan murojaat qilish ularni kuzatuvchanlikka o'rgatishi mumkin: Tevarak atrofdagi dalalarning ko'rinishi qanday? Bu yerda qanday o'simliklar o'sadi? Bodorchilik, fermer xo'jaliklarida qanday ishlar bajariladi? Vatanimiz tabiati, qush va hayvonlari haqida qanday she'rlarni bilasiz? 5- 6 yoshdagi bolalardan Tabiatda qanday o'zgarishlar bo'ladi? Tabiat boyliklari deganda nimani tushunasiz? "Nutqni rivojlantirish", "Mehnat ta'limi" mashg'uloti, "Atrofimizdagi olam" mashg'ulotlarda ekologik tarbiya berish imkoniyati mavjud. Agar tarbiyachi pedagogik mahorat ustasi bo'lsa bu imkoniyatni tez ilg'aydi va o'tiladigan mavzuning mazmuniga qarab ekologik tarbiyani mohirona amalga oshiradi.

Mashg'ulotdan tashqari tadbirlar mashg'ulotlarda olingan bilimlarni kengaytirish, chuqurlashtirish va konkretlashtirish, tabiatni o'rganishga qiziqish uyg'otish, bolalar faolligi va mustaqilligini rivojlantirish, vaqtdan tejamli foydalanish imkoniyatlarini beradi. Mashg'ulotdan tashqari tadbirlarga turli xildagi bayramlar, viktorinalar, savol javob kechalari, guruhlararo va bog'chalararo bellashuvlar (musobaqalar), uchrashuvlar kiradi. Ushbu tadbirlar jarayonida ham bolalarga ekologik tarbiya berish mumkin. Tabiatshunoslik markazi bo'yicha yo'lga qo'yilgan mashg'ulotdan tashqari tadbirlar bolani har tomonlama rivojlantirish vositalaridan biridir. Ekologik tarbiyaga doir mashg'ulotdan tashqari tadbirlar tashkiliy shakli, mazmuni, o'tkazish metodlari jihatidan xilma – xil bo'lishi kerak. U guruhlar tarkibi, yoshi qiziqishi va ehtiyojiga, bog'chani tabiiy o'rami, yil fasli, xona va jixozlarga bog'liq. Mashg'ulotdan tashqari tadbirlarning bircha turlari bir – birlarini to'ldirishlari va takomillashtirishlari lozim. Maktabgacha ta'lim bolalariga ekologik madaniyatni shakllantirishning yo'llaridan biri mashg'ulotdan va bog'chadan tashqari tarbiyaviy tadbirlar jarayonidir. Buning uchun bugungi kun tarbiyachisi izlanuvchan, harakatchan, ijodkor bo'lsa, u ta'lim bergan bolalar har tomonlama yetuk, bilimdon bo'lishiga shubha yo'q. Tarbiyachi avvalo shuni esda tutib, tadbirlar mavzularini tuzishda mavzu mohiyatidan kelib chiqib uning

mazmunini ochishga asosiy diqqat e'tiborini qaratmog'i lozim: "Inson onadan tug'ilib olamga kelgan birinchi daqiqalaridanoq tabiat ehsonidan bahramand bo'ladi. Ya'ni ilk bor havodan to'yib nafas oladi. Insonni ona tug'ib tarbiyalasa, tabiat o'stiradi. Shuni uchun uni "Ona – tabiat" deb ataladi. Ona tabiat mehrimizga, shafqatimizga zor bo'lib qoldi. Ko'pgina hayvonlar, turli nodir o'simliklar qirilib ketmoqda. Yakka-yu yagona Orol dengizimiz ham halokat yoqasida turibdi. Biz hozirgi kunda har bir daraxt, buta, giyohga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishimiz darkor. Yuqoridagi fikrlar bola ongiga yetib bora olsa, uning qalbida tabiatimiz halokatiga nisbatan achinish, mehr – shafqat, uni asrash hissi uyg'onsa – bu bizning, ya'ni tarbiyachilarning baxtimizdir. Mashg'ulotdan tashqari bilim berish jarayonida tarbiyachining asosiy vazifasi – bolalarni ijtimoiy ommabop, atrofdagi olan bilan tanishtirish mashg'ulotdah maqsad bilmga ehtiyoj hosil qilishdan iborat bo'lmog'i lozim. Ekologik tarbiyani singdirishda ommaviy tarzda mashg'ulotdan tashqari ishlar, ekskursiyalar, konkurslar, diapozitiv va kinofilmlarni ko'rsatish bilan tematik kechalar, har xil tadbirlar, ("Qushlar bayrami"), ("Gullar bayrami"), daraxtlar o'tqazish va boshqalarni amalga oshirish katta ahamiyatga egadir. Ularni o'tkazishdan maqsad – mashg'ulotlardan tashqari ishlarga iloji boricha ko'proq sonda bolalarni jalb qilish, ularda qatnashishga qiziqish va xohishlarini uyg'otish, bolalar faolligini yo'lga qo'yishga yo'naltirilmog'i lozimdir. Ekologiya bo'yicha mashg'ulotdan tashqari ishlar va bog'chadan tashqari ishlarda olingan bilimlarni kengaytirish, chuqurlashtirish va konkretlashtirish, atrof – muhitni o'rganishga qiziqish uyg'otish, Bolalar faolligi va mustaqilligini rivojlantirish, bo'sh vaqtni tashkil etish imkoniyatini beradi. Bu ishlarning tarbiyaviy ahamiyati ayniqsa kattadir. Ular bolalar xulq – atvoriga ta'sir ko'rsatadi, moddiy dunyoqarashni va mehnat madaniyatini shakllantiradi, bilishga qiziqishini va mutaqil kuzatsh ko'nikmalarini rivojlantiradi, jamoatchilik hissini va tabiatga muhabbatni tarbiyalaydi. Demak mashg'ulotdan tashqari tadbirlar jarayonida bolalarga ekologik tarbiya berish bolalarni har tomonlama rivojlantirish vositalaridan biridir. "Gullar bayrami" tadbiri

yordamida bolalarni ekologik ruhda tarbiyalashning qulay imkoniyatlari yaraladi ushbu tadbir mashg'ulot yoki bog'chalararo o'tkaziladi. Tadbirga tayyorgarlik bir necha hafta oldin boshlanadi. Bolalar o'zlari o'stirib, parvarish qilayotgan turli gullar bilan tadbirga ishtirok etadilar. Bu tadbir vositasida bolalarga o'simliklarga nisbatan mehr ortadi ularni parvarish qilib, yanada ko'paytirishga o'rganadilar. Eng muhimi ekologiyani asrashga o'z hissalarini qo'sha olishga o'rganadilar Ta'lim jarayonida bolalarni tabiat bilan tanishtirishning va ularga ekologik tarbiya orqali ekologik madaniyatni shakllantirishning xilma – xil yo'llari mavjud. Mashg'ulotlar o'tkazish, o'yinlari o'ynash, ekskursiya, mehnat, kundalik hayoti shular jumlasidandir. Tabiatga doir mashg'ulot va boshqa mashg'ulotlar bolalarga ta'lim va tarbiya berishning asosiy vositasi hisoblanadi. Dasturda belgilangan bilim va malakalarni tarbiyachi ta'lim tamoyillari asosida bolalar o'zlashtira oladigan qilib tashkil etadi. Kundalik hayotda kuzatish, o'yin mehnat vaqtida bolalarning shaxsiy bilimlari, tushuncha va tasavvurlari yig'ilib boradi. Ularni aniqlash va tizimlashtirish imkonini beradi. Bu mashg'ulotlarning ayrimlarida boshlang'ich bilimlar shakllantiriladi. Masalan: Endigina bog'cha ostonasiga qadam qo'ygan bola hali ko'p narsalarni ongli ravishda anglay olmaydi. U o'zi bilib bilmagan holda daraxt shoxlarini sindirish yoki bog'cha bog'ini bezab turgan gullarni sindirish tabiiy bir holdir. Har bir pedagog, xususan maktabgacha ta'lim tarbiyachisi buni oldini ola bilmog'i darkor. Bu esa o'z navbatida ekologik madaniyatni tarbiyalashga ilk qadam hisoblanadi. Mashg'ulotlar davomida tarbiyachi bolaga o'simliklarning inson hayotida tutgan o'rnini sodda, hayotiy misollar yordamida tushuntira olishi lozim. Yoki yana bir oddiy misol. Bolaning partaga, kitob betlariga chatib bo'yab tashlashi ham sir emas. Mohir pedagogdan esa bolaga bog'cha hayotining ilk kunlaridanoq bu odatlarning noto'g'ri ekanligini uqtirish talab etiladi. Ana shu parta yoki kitobning tayyor holga kelishi uchun qanchadan – qancha daraxt – yog'ochning, o'simlikning nobud bo'lganligini va bu jarayonda ko'plab kishilarning mehnati singanini bolaga ongli etkaza olish muhimdir. Bunga bir vaqtning o'zida nafaqat ekologik tarbiya, balki axloqiy, mehnat va iqtisodiy

tarbiya ham amalga oshiriladi. Mashg'ulotlar davomida tarbiyachi kuzatish, rasmlarni ko'rish, badiiy asarlarni, hikoyalarni o'qish, diafilm va shunga o'xshashlarni ko'rsatishdan foydalanadi. , 3 dan 7 yoshgacha bo'lgan guruhlardan, boshlab mashg'ulot o'tiladigan mashg'ulot xonasida "Tabiyat burchagi"ni tashkil etish, taniqli shoir va olimlarning tabiatga oid she'rlari, fikrlari, hikoyalarini to'plash va ularda mashg'ulotlar jarayonida foydalanish yaxshi samara beradi. Buni anglagan tarbiyachi mashg'ulot xonasida maxsus tabiat markazlarini tashkil etsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Shuningdek, mashg'ulotdan tashqari mashg'ulotlarda bolalarni kishilarning mehnat faoliyatlari bilan tanishtirish, o'lkashunoslikka doir materiallarni yig'ish, hikoya mazmuniga doir o'simlik va hayvonlarning rasmini chizish, applikatsiyalar, gerbariyalar, albomlar tayyorlash ishlariga bolalarning diqqatlari jalb etib kelinmoqda. Maktabgacha ta'lim bolalarini tabiat, uning boyliklarini muhofaza qilishga o'rgatishda "Yashil olam qo'riqchilari", "Biz tabiatda yashaymiz va mehnat qilamiz" kabi to'garak faoliyatini yanada yaxshilash va ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida bolalarni tevarak – atrof bilan tanishtirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bulardan tashqari tabiatni sevish, uni muhofaza qilish ishlarida faol qatnashishlarini tashkil qilish uchun bolalarning ota – onalari bilan yaqindan aloqa o'rnatish, ularga bu borada tegishli maslahat, yo'llanmalar berib boorish ham yaxshi natija beradi. Bu borada tarbiyachi oila bilan hamkorlikda ish olib borishi yaxshi natija beradi.

Adabiyotlar ro'yhati

- 1, Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xafsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. -T.: O'zbekiston,
- 2.Shavqiddin Toshmatovich Usmonov "Maktabgacha yoshdagi bolalarda vatanparvarlik turruhini shakllantirish" "Uzliksiz ta'lim" ilmiy-uslubiy jurnal Toshkent 2021 yil
- 3.Novikov Yu.I. Oxrana okrujayuey sredi. -M.: Vishaya shkola, 19987.Egamberdiev R.
- 4.Ekologiya. -T.: O'zbekiston, 1993.
- 5.Tursunov X.T. Ekolojiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish. -T.: Saodat RIA, 1997.
- 6.Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. -T.: Yangi asr avlodi, 2005.
- 7.To'xtaev A., Xamidov A. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. -T.: O'qituvchi, 1995.
- 8.Shavqiddin Toshmatovich Usmonov " Matematik tasavvurlarni shakllantirish " amaliy mashg'ulotlarini tashkil etish va o'tkazishda didaktik o'yinlardan foydalanish. Navoiy 2021-yil

TAXEOMETRIK SYOMKA

Alisher Xaqberdiyev

*“TIQXMMI” MTUning Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar
institutining “Yer resurslari, kadastr va geoinformatika”*

kafedrasining katta o’qituvchisi

Xudayqo’lova Madina, Karimova Inobat

*“TIQXMMI” MTUning Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar
institutining talabalari.*

Anotatsiya. Ushbu maqolada taxeometrda syomka qilishning rivojlanish darajasi takomillashib borayotgani ko’rsatiladi.

Kalit so’zlar: dalnomer iplari, piket nuqtalar, kroki, konturlar, otmetka, stansiya, limpli orientirlash, piket.

Тахеометрический сёмка

Аннотация. В данной статье показано развитие тахиметрического измерения.

Ключевые слова: дальномерные нити , пикетные пункты, эскиз , контуры, отметка, станция , вялая ориентация , пикет .

Taxometric syomka

Abstract. This article shows the development level of tachymeter measurement is improving.

Keywords: dalnomer threads, picket points, sketch, contours, mark, station, limp landmarks, a picket.

Taxeometrik syomka deganda gorizantal va vertikal burchakni bir asbob bilan bir vaqtning o'zida o'lchash, joyning planini tuzishda imkon beradi. Taxeometr o'rnatilgan joy stansiya deb ataladi. Taxeometrik syomka asosan relyefi jihatidan notekis, maydoni jihatdan unchalik katta bo'lmagan, bo'yiga cho'zilgan, uni esa tor bo'lgan joylarda syomka ishlar olib boriladi.

Taxeometrik syomka jarayonida maxsus yoki nivelir asbobidagi reykanadan foydalanishimiz mumkin. Aniq va oson sanoq olishimiz uchun maxsus taxeometrik reykalardan foydalanamiz. Bunday reykalalar esa mayda bo'laklardan iborat. Bundan tashqari dalnomer iplari bo'yicha sanoq olishimiz mumkin. Har xil shakldagi turli xil rangga bo'yalgan dalnomer iplari bo'ladi. Syomka jarayonida dala ishlarida tugagandan so'ng, kun bo'yi o'lgangan maydonlarni hissoblab chiqiladi. Taxeometrik syomka har bir nuqta qilib qo'yildan stansiyadan belgilash uchun gradus chiziqlar va oraliq doira bo'lgan kroki chiziladi yani ko'z bilan chamalab chiziladi. Krokida piket nuqtalarning nomerlari, ularni bir-biriga nisbatan joylashgan o'rni va joy konturlari ko'rsatiladi. Taxeometrik syomka planini chizish uchun qog'ozga kordinatalar to'rini chizamiz. Kordinatalar yordamida stansiyalar plandagi o'rinlarini belgilab beradi. Taxeometrik yo'l bilan rumb burchaklar chizgan holda belgilash mumkin. So'ngra bu yo'llarni tush bilan chizib, har bir stansiyalarning nomeri bilan belgilab otmekalari yoziladi. So'ngra doiraviy trasportir yordamida piket nuqtalarning plandagi joylashgan o'rnini belgilab beradi. Bundan tashqari planda berilgan stansiyalar transportirni nolga qilib limpni orentirlangan chiziqqa qo'yilib, aylana bo'yicha piketlar yo'nalishi aniqlanadi. Belgilagan nuqtalarimizni stansiya bilan tutashtiramiz. Agarda shu chiziq bo'yicha masofa olib borib tutashtirsak, nuqta o'rni topiladi. Topilgan nuqtalarimiz balandlik nuqtalari bo'lsa, kroki bo'yicha birlashtirib, konturlarni hosil qilamiz. Qalamda chizib olingan planni daladagi joy bilan taqqoslab ko'ramiz. So'ngra yordamchi chiziqlar va yozuvlarni o'chirib, chizgan planimizni tartibga keltirib olamiz.

Kichik uchastkalarni syomka qilish jarayonida chegara bo'ylab taxeometrik yo'li va dioganallar o'tkazamiz. Taxeometrik yo'l bilan birgalikda shu joyda joylashgan barcha obyektlarni tafsiloti va relyefi bilan birgalikda syomka qilinadi. Bunday vaqtda nuqtalarni shunday tanlashimiz kerakki, relyefning barcha ko'rinishlari planda to'g'ri tasvirlanishi shart.

Hozirgi kunda taxeometrik syomka oddiy geodezik asbob bo'lib teodalit – taxeometr yani doiraviy taxeometr bilan ish olib boriladi. Syomka jarayonida o'lchashlarni bajarishda asbobning gorizantal va vertikal doiralari hamda ko'rish trubasi asosiy ro'lni bajarib beradi. Ipli dalnomer ham muhim hissoblanadi. Gorizantal doira yordamida syomka qilishda har bir nuqta yani piket qarab, gorizantal burchak va vertikal burchak yordamida vertikal burchakni, ipli dalnomer yordamida piketni nuqtagacha bo'lgan masofani o'lchash ishlari olib boriladi. Hozirgi kundagi ishlab chiqarilayotgan elektron taxeometrlar o'lchash va hissoblash vazifasini bajargan holda, unchalik katta bo'lmagan hududlar o'lchanadi. Elektron taxeometrlar ikki turga bo'linadi. Bular sistemali va kundalik syomkalarda ishlatiladigan taxeometrlarga bo'linadi. Bir-biridan farqi aniqlik jihatidan hamda avtomatlashtirilgan darajasiga qarab farq qilinadi. Sistemali taxeometrqa Elta S10, S20 (Germaniya), TPS-Sistem-1000 (Shveysariya) va boshqa taxeometrlar. Elta S10 sistemali taxeometrlar bilan burchak o'lchash aniqligi 1', ga teng. Masofa o'chash aniqligi esa $1\text{mm}+2\text{ppt}$ ga teng. U motorlashgan bo'lib, bir qancha imkoniyatlarga ega. O'lchash vaqtida to'la avtomatik hissoblaydi. O'lchash natijasida o'lchangan barcha ish jarayonlarni xotirasiga yozib oladi.

Kundalik hayotimizda o'rta aniqlikdagi taxeometrlar TC600, Elta R55 hozirgi kunda ishlab chiqarilayotgan taxeometr bo'lib, burchaklarni o'lchash aniqlik darajasiga ega. Taxeometrqa dastur joylashtirilgandan so'ng asbobni balandligini bog'laydi. Masalan ma'lum nuqtaga birlashtirish, qutbiy nuqtaga kesishtiradi. Perpendikulyar uzunlikni esa aniqlab beradi. Nuqtalar orasidagi masofani aniqlashda va obyektlarni balandligini aniqlashdagi ishlarni bajarishda

yordam beradi. Topografik yo'l bilan topografik kartada ikkita punkt orasi loyihalangani. Taxeometr yo'lda tomonlar orasidagi masofani gorizantal burchak to'la qabul qilinadi. Taxeometrik syomkani bajarish vaqtida ko'pincha teodalit va reykanadan foydalaniladi.

Taxeometrik yo'l deb hamma tomonlarini o'lchash, ular orasidagi burchaklarni va har bir nuqtani, vertikal burchaklarini o'lchashda, ochiq va yopiq ko'pburchakli nuqtaga aytiladi. Zamonaviy geodezik asboblarni faqatgina optik asboblardan iborat bo'lmay, balki zamonaviy bo'lib zamon talabiga javob beradigan darajada kompyuterlashtirilgan elektron sistemali dasturlar ishlab chiqarilmoqda. Geodezik asboblarni ishlab chiqaruvchilar zamonaviy optik asboblarni bilan birgalikda elektron, lazerli nivelirlar, elektron teodalitlar va boshqa asboblarni ishlab chiqarishmoqda.

Elektron taxeometrlar asosan firmalar tomonidan ishlab chiqarilmoqda va ishlab chiqarilayotgan asboblarni har birini parollashimiz mumkin. Qutubli syomkada asosan rejalash va rejalash ishlarida masofani va vositali o'lchashda, balandlikni aniqlash uchun, maxsus bo'lgan ishlarni esa doiraviy qabullar usulida poligometriyani o'lchash vaqtida va doiraviy egrilarni rejalash ishlarida qo'llashimiz mumkin. Bundan tashqari zamonaviy elektron taxeometrimizni avtomatlashtirish darajasiga ko'ra uch turga bo'linadi. Bularga mexanik, motorlashtirilgan va motorlashtirilmagan turlari mavjud. Topografik syomka jarayonida asosan zamonaviy bo'lgan elektron asboblarni yordamida ish bajarishimiz mumkin. Lekin syomka jarayoni avvalgidek qoladi.

Elektron taxeometrimizni yaratish vaqtida taxeometrik syomka jarayonimiz to'la deb ayta olmaymiz. Balki qisman avtomatlashtirilish imkoniyati paydo bo'ldi. Gorizantal va vertikal syomka jarayonida qutubli syomka usulidan foydalanamiz. Kordinatalar topishda elektron asboblarda aniqlik yuqori bo'ladi. Turli injenerlik ishlarda doiraviy va avtomatik taxeometrlar yordamida o'lchaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. E. Nurmurotov, O'.O'tayev. Geodeziya.
2. A. Nazirov. Geodeziya 1-qism.
3. H. Murakov, C. Axmedov. Geodeziya va Kartografiya.
4. Q. N.Norho'jayev. Injenerlik Geodeziyasi.

OZON QATLAMINING YEMIRILISHINI OLDINI OLISH

Xudayqo'lova Madina, Karimova Inobat

“TIQXMMI” MTUning Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar

instituti talabalari

Anotatsiya : Ushbu maqolada ozon qatlamini yemirilishini oldini olib butun dunyoni balki yer yuzasidagi barcha mavjudodlarni asrab qolish mumkin.

Kalit so'zlar: Monreal protokoli, Vena konvensiyasi, ultrabinafsha nurlari, kosmik parvozlar ,AES, ekologiya, eksport, import, fotosintez.

Предотвращение разрушения озонового слоя

Аннотация. В этой статье рассказывается о предотвращении истощения озонового слоя, спасении всего мира и всех существ на поверхности земли.

Ключевые слова: Монреальский проткол, Венская конвенция, ультрафиолетовые лучи, космические полеты, АЕС, экология, экспорт, импорт, фотосинтез.

Preventing the depletion of the ozone layer

Abstract. This article is about preventing the depletion of the ozone layer and saving the whole world and all the creatures on earth.

Keywords: Montreal Protocol, Vienna Convention, ultraviolet rays, space flights, ecology, export, import, photosynthesis.

Xozirgi kunda butun dunyoni hafga solayotgan ozon qatlamining yemirilishi dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Yerdagi energiyaning asosiy manbalaridan biri bu quyosh energiyasi hisoblanadi. Ozon qatlami esa

ultrabinafsha nurlarini qaytaruvchi vosita hisoblanadi. Agarda bunday hodisalar shunday davom etsa inson hayotiga zarar yetadi yani ko'pgina kasalliklarni kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Yerdagi barcha narsalarga kislorod yetishmasligini keltirib chiqoradi. Ozon qatlamini yo'q bo'lishi barcha insonlar uchun fojia bilan tugashi muqarrar. Huddi Marsga o'xshab cho'llar paydo bo'lib osimliklar o'smay qolishiga olib keladi. Yerdagi barcha jonzorlar qirilib ketishiga sababchi bo'ladi. Bu degani hayot tugadi degani.

Faqatgina bu emas, bundan tashqari bir qancha muammolarni yuzaga keltiradi. Bular quyidagilardan iborat:

- Qatlamlar yemirilish natijasida quyosh nuri, katta tezlikda quyosh nurlari yerga yetib kelib, yer yuzasini kuydurib yuboradi.
- Insonga eng zarur bo'lgan ko'z nurini ko'rishini zararlaydi.
- Insonning imunitetini pasaytirib kasalliklarni yengib o'tishni to'xtatib qo'yadi.
- Okean va dengizdagi barcha jonzorlar, suv o'tlari o'sishdan to'xtaydi.
- Yer yuzasidagi o'simliklar ham vegetatsiya davri to'xtab qoladi.
- Hosildorlik pasayib ketadi. Daraxtlarga qancha e'tibor qaratib ishlov bersak ham samarasiz. Daraxtlar biz uchun kislorod vazifasini bajarib beradigan vosita hisoblanadi.

Mutaxassislarimiz takidlab o'tganidek inson ozoq-ovqatsiz besh hafta , suvsiz besh kun , havosiz esa besh daqiqa yashashimiz mumkin ekan. Shunday ekan havo hamma tirik organizimlarga bog'liq ekan. Tabiatdagi barcha hodisalarga esa sabab bo'ladi. Oddiygina bir misol atmosfera bo'lmaganda kunduzi +200 gradus issiq, kechqurun esa -100 , -120 gradusgacha sovuq bo'lgan bo'lar edi. Bu esa ayanchli holatdir. Ozon qatlamidagi yemirilishlar birinchi bo'lib 1985-yil Antarktida paydo bo'lgan. Keyinchalik esa Avstraliyaga tomon kattalashayotgani ma'lum bo'ldi. 1992-yilga kelib esa Arktika ustida kuzatilgan. Shunday hodisalarni oldini olish maqsadida 1985-yilda 147

mamlakatlar bilan Ozon qatlamini yemirilishini oldini olish maqsadida Vena konvensiyasi qabul qilindi. Ikki yildan so'ng esa 1987-yilning 16-sentabr kuni ozon qatlamini yemirayotgan moddalar bo'yicha Monreal protokoli imzolandi. Shu kundan boshlab ozon qatlamini himoya qilish bo'yicha butun dunyoga xalqaro kun deb e'lon qilindi.

1988-yil "Ozon qatlamini qutqaraylik" shiori bo'yicha Londinda Xalqaro anjuman bo'lib o'tdi. 1989-yil "Ozon qatlamini muhofaza qilish deklaratsiyasida, 2000-yilga qadar freon gazlaridan" ishlab chiqaradigan barcha zavod va fabrikalarimizni kamaytirish bo'yicha qarorlar qabul qilindi. Aynan shu yili har yilgiga nisbatan kichrayib borayotgani ma'lum bo'ldi. Bu haqda esa "Naked-science" nashriyotdagilar habar qilishdi. Endilikda Monreal protokoliga a'zo bo'lgan davlatlar London 1998-yil 10-iyunda imzoladi. Monreal esa 2006-yil 31-oktabr, Pekin 2006 -yil 31-oktabrda dalolatnomaga shu kuni tuzatishlar bo'lib o'tdi va ro'yhatdan o'tishdi. 1990-yilda kelib esa dalolatnomaga o'zgartirish yana qaytadan o'zgartirishlar bo'lib o'tdi. O'zbekiston Respublikasi ham 1993-yildan boshlab Monreal protokolidagi davlatlardan biri hisoblanadi. 1995-yildan boshlab fireonni ishlab chiqish ikki barobar kamaytirish kerakligini aytib o'tdi. 2019-yil 24-iyul kuni Toshkent shahrimizda "Radisson Blu "nomli mehmonxonamizda O'zbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Taraqqiyot Dasturi hamda Global ekologik jamg'armasining "O'zbekistonda global isish salohiyati past va ozonni yemirish salohiyati bo'lmagan energiya samarador texnologiyalarni joriy etish orqali GXFU ni butunlay iste'moldan chiqarish " qo'shma loyihasining taqdimoti bo'lib o'tdi. Bu tadbirdagi tashkilotchilar, vazirliklar va idora vakillari hamda loyiha hamkorlari ishtirok etdi. Asosiy faktlarga asoslangan holda 1998-yilda Shimoliy qutbda ozon qatlamini yemirilish darajasi 26 mln.kv.km.ga yetibdi. Bu degani Avstralya qit'asidan 3 barobar katta ekanligi ma'lum bo'ldi. 2000-yilga kelib esa fireon ishlab chiqarish to'xtatildi. Endilikda esa bu say yarakatlarimiz natijasini

2050-yilga kelib mehnatimiz samarasini ko'ramiz. Insoniyatning ilmiy izlanishlari natijasida ko'pgina ekologik muammolar kelib chiqmoqda. Ba'zi ma'lumotlarga ko'ra 2011-yil Rossiyada ufiq radiyatsiyasi oshib ketishi kuzatildi. Bunga sabab shimoliy yarim yarimsharda ozon qatlami buzilishi kutilganligidadir. Hozirgi kunda texnologiyalarimiz ekologik jihatdan talab darajasida javob bermasligi sababli barcha sanoat-korxonalaridagi oqova suvlariga va turli xil gazlar atmosferaga chiqarib tashlamoqda. Ushbu chiqindilar esa noorganik va organik moddalarni keltirib chiqarmoqda. Ular o'simlik hayvonat olamiga, tabiiy suv havzalariga inson salomatligiga va tuproqlarni zaharlashiga sabab bo'lmoqda. Jumladan reaktiv parvozlar yani raketa, sun'iy yo'ldoshlar, samalyotlarni kosmosga uchirish va avtomabillardan chiqayotgan gazlar ham atrof -muhitni zararlamoqda. Bu esa insonning tabiatga ta'siri demakdir. Chiqindilarni esa qayta ishlab chiqorishimiz kerak. Shuning uchun havoga chiqayotgan turli hil gazlar ham ekologik muammolarni keltirib chiqarmoqda. Buning uchun ishlab chiqarayotgan barcha texnikalarimizni atrof-muhitga zarar yetmaydigan qilib ishlab chiqishimiz kerak. Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 11-nayabrdagi "Ozonni buzuvchi moddalarni va tarkibida ular mavjud bo'lgan mahsulotlarni O'zbekiston Respublikasiga olib kirishni va O'zbekiston Respublikasiga olib chiqishni tartibga solishni takomillashtirish to'g'risida" dagi 247-sonli qaroriga asosan viloyatlarimizda bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda.

Biz yoshlar bu bilan cheklanib qolmasligi kerak ko'kalamzorlashtirish ishlarini amalga oshirish. Zavod va fabrikalar atrofida, ko'chalarda daraxtzorlarni tashkil qilsak maqsadga muoffiq bo'ladi. Inson hayotida ko'pgina qiyinchiliklarga duch keladi. Shu qiyinchiliklarga sabir toqat bilan yengib o'tadi. Albatta bu qiyinchiliklarni ham yengib o'tishga qodir. Aniqlangan xabarlarga ko'ra 2016-yilga kelib Ozon qatlami 3,4 mln.kv.km ga kamroq zaralanganini aytib o'tildi. Ob-havoni o'rganayotgan mutaxasislarimiz havo sharlari bilan o'rganishdi. 2017-yilda ahm birozgina bo'lsa ham kichrayganligi

ma'lum boldi. Lekin hali ham 19.7 mln.kmv.km ni tashkil qilib turibdi. Bu degani Rassiyaning maydonidan ikki marta kattadir. Ilmiy izlanishlar natijasida AES yordamida ozon qatlamini freonlardan tozalashimiz mumkin ekan. AES quvvati kamida 10 GVT bo'lishi kerak. Quyosh taxminan bir soniya ichida 5-6 tonna azod ishlab chiqaradi. Biz AES larni sonini ko'paytirish natijasida ozon qatlamini yo'q qilish natijasida, ishlab chiqaradigan texnologiyalarimizni tenglashtirib olishimiz mumkin. Bu esa "Ozon fabrikasi"ni yaratish maqsadga muvofiqdir. Olimlarimiz faqatgina bu loyiha bilan cheklanib qolishmadi, sun'iy yo'llarini bilan atmosferadan ham ozon qatlamini ishlab chiqarish mumkin ekan. Bizda qanchalik ko'p g'oya takliflar bo'lgani bilan amalga oshirishimiz uchun sarmoyamiz yetarli darajada emas. Shuning uchun ham loyihalarimiz ham ishlab chiqarishimiz ham ortga cho'zilib qolib ketadi yoki amalga oshirilmay qoladi. Rivojlanishimiz esa sekinlashib qoladi. Biz lekin bu masala bo'yicha e'tiborsiz bo'lmasligimiz kerak. Aksincha yanada izlanishlarni davom ettirishimiz zarur. Kelajak avlod uchun ham ilmiy- izlanishlarni davom ettirishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. S.M.Turobjonov, T.T Tursinov, K.M Adilova. Toshkent 2012-yil. Atrof-muhit kimyosi 3-4 betlar.
2. <http://uniset/uz>.
3. Geografiya.uz.
4. Xabar.uz.

IJOD NAQSHI

Karimova Inobat, Xudayqo'lova Madina

*“TIQXMMI” MTUning Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar
institute talabasi*

Annatatsiya. Ushbu maqolada atoqli shoirimiz Abdulla Oripovning qisqacha hayot yo'li va ijodi shuningdek ,tahlikali bir davrda qo'rqmasdan ijod qila olgani va zamoni oldindan ko'ra olish qobiliyati har bitta yoshga o'rnak bo'la olishi bayon etilgan.

Kalit so'zlar: shoir, “qoq”, O'zbekiston Respublikasi, Yassaviy, Navoiy, Cho'lpon, Iogannes Bexer, “O'zbekiston” , “Jannatga yo'lga” ,“Hakim va ajal”, “Ulug' Vatan farzandisan”.

Творческое вдохновение

Аннотация. В данной статье в кратком виде рассказывается о жизни и творчестве нашего известного поэта Абдуллы Орипова, а также о том, что он умел бесстрашно творит в опасный период и что его умение предвосхищать время может быть примером для молодежи.

Ключевые слова: поэт, Республика Узбекистан , Яссави , Навои ,Чолпон , Йоханнес Бехер, “ Узбекистан”, “Дорога в рай “, “ Лекар и смерть”, “ Ты дитя великой Родины”.

Pattern of creation

Abstract. This article describes the short life and work of our famous poet Abdulla Oripov, as well as the fact that he was able to create fearlessly in a

dangerous period and that his ability to anticipate the times can be an example for every age.

Keywords: poet, Republic of Uzbekiston, Yassaviy, Navoi, Cholpon, Iogannes Bexer, "Uzbekiston", "Road to Paradise", "Judge and Death", "You are a child Great Motherland".

“**Ayniqsa** , bahor paytlarida bu yerlarga yog'in ko'p tushar, Qo'ng'irotov etaklari ming xil o't-o'lan, chuchmoma-yu qizg'aldoqlar bilan, quyon to'pig'-u ismaloq bilan, karrag-u hazorisfand bilan, qo'zigullar bilan qoplanar, tevarak-atrof jannatiy bir manzara kasb etardi. Sel suvlari to'planib qolgan kichik-kichik ko'llarni “qoq” deyishardi. Uning toza suvini odamlar tashib ichishar, bola-baqra chuchmoma-yu ismaloq, zamburug' terib, Qo'ng'irotov etaklarida kunlarini kech qilar edi” shunday jannatmakon maskanda voyaga yetgan suyuqli adibimiz Abdulla Oripov 1941-yilning 21-martida Qashqadaryo viloyatining Koson tumanidagi Nekoq qishlog'ida tug'ilgan. Serg'ayrat shoirimiz hozirgi o'zbek she'riyatiga yangi badiiy ruh, tafakkur yo'sinlarini olib kirish bilan bir qatorda siyosatda ham o'zini ko'rsata oldi va 1996-yilda O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi, ayni vaqtda O'zbekiston Respublikasi Mualliflik huquqini himoya qilish davlat agentligi raisi lavozimida faoliyat yuritdi.

Abdulla Oripov dastlabki she'rlaridan boshlab milliy she'riyatda yangi poetik tafakkurning qaror topishi yo'lida ijod qildi va shu o'rinda vaqt o'tishi bilan oilaviy hayotda paydo bo'la boshlagan yangicha qarashlar , fikr va xattixarakterat erkinligiga bo'lgan ehtiyoj shoir she'rlarining g'oyaviy mundarijasini belgilab berdi.

Barcha shoirlar tabiatida bo'lgani kabi Abdulla Oripovning dastlabki she'rlarida muhabbat, romantik kayfiyat o'z o'rnini egallagan. Lekin, keyinchalik hayotning o'zi falsafiy mushohadalarga joy bo'shatib bera boshlagan. Chunki, shoir hayotidagi past-balandliklar shoir ijodiga ta'sir

ko'rsatmasligining imkoni yo'q edi. Shoirning "Jannatga yo'l", "Hakim va ajal" dostonlarida ham ma'naviyatga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, odamlarning ruhiy olamidagi ayrim qusurlar bilan ilmiy-texnik taraqqiyot va tafakkurning parvozi o'rtasidagi ziddiyatni ochiq-oydin ochib tashlangan. Balki shuning uchun ham shoir "Mening deyarli har bir she'rim hayotdagi ma'lum bir voqea-hodisa bilan bog'liq, jo'nroq qilib aytganda, har birining turtkisi bor" degandir.

Abdulla Oripov nafaqat shoir, shu o'rinda tarjimon ham edi. Shoir xalqimizni dunyo adabiyotining eng sara namunalari bilan tanishtirish maqsadida Dantening "Ilohiy komediya" asarini, L.Ukrainka, T.Shevchenko, N.Nekrasov, Q.Quliev, R.Hamzatov singari shoirlarning she'rlarini o'zining qilich kabi o'tkir, gul kabi nozik mahorati bilan o'zbek tiliga tarjima qildi.

"Tarjima jarayoni men uchun eng ulug' maktab bo'ldi. Agar qog'oz ustida eng ko'p ter to'kkan bo'lsam, o'sha tarjima ustida to'kkanman. Ona tilimizning naqadar boy ekanligiga imkon keltirgan bo'lsam, o'sha tarjima jarayonida imkon keltirganman. Azbaroyi tarjima asl nusxadan kam bo'lmasligi uchun tilimiz boyligidan imkon boricha to'liq foydalanish uchun izlandim, til xazinamizdan so'zlar axtardim. Bunga nechog'liq erishganman, bu boshqa mavzu, biroq ishondimki, bizning tilimiz hech bir mubolag'asiz jahondagi eng go'zal va eng badavlat tillardan biridir"-deb xotirlaydi o'zining tarjimonlik faoliyatini Abdulla Oripov.

Atoqli shoirimiz o'zining falsafiy teran fikrlashi, insoniy samimiyati bilan uyg'unlashib ketgan she'rlari orqali insoniyat qalbiga kirib bordi va o'chmas iz qoldirdi desak hech mubolag'a bo'lmaydi.

Ijodkor o'zining yuksak iste'dodi va o'lmas ijodi bilan mohiyatan Yassaviy, Navoiy, Cho'lpon, Bobur, G'afur G'ulom singari ijodkorlarning badiiy an'alarining davomchisidir.

O'z davrida o'rnatilgan sovet tuzumga qarshi borib xalq manfaatini ko'zlab, porloq kelajakni o'ylab, adolat va erkinlikni o'z she'rlarida madh etmoq haqiqiy qahramonlikdir. O'sha davrdagi bunday sharaf esa hamma ijodkorlarga ham nasib etavermaydi. Chunki, avvalgi mafkura, ayniqsa Stalin hayotligi davrida shoirlar shaxs sifatida o'z yuragini ocholgan emas edi. Keyingi davrdagi muhit sharofati bilan bizning avlod shoirlari yurakdagi dardlarini asta-sekin ocha boshladilar, bu dardlar xalqning umumiy dardiga, xalqning pinhona kayfiyatiga bir qadar mos tushdi va o'quvchilar necha o'n yillardan buyon eshitilmagan ohanglarga quloq tuta boshladi. Vaqt o'tishi bilan esa yolg'onni yozishga umumman ehtiyoj qolmadi.

Lekin ayni bir tahlikali zamonda haqiqiy ijodkorning qonidagina jo'shqinlik, ong shuuri-yu, qalb qo'ri bilan kelajakni zamondan oldin ko'ra olish qobiliyati hammaga ham nasib qilavermasa kerak. Shunday qobiliyat sohibi bo'lgan ijodkorlar safidan Abdulla Oripov o'z davridagi tuzumga bog'liq bo'lmagan holda yurt kelajagini , porloq kunlarni oldindan ko'ra olgan va tahlikali bir davrda bularni o'z she'rlarida aks ettira bildi. Hozirgi kunda mustaqil O'zbekistonimizning shonli tarixi-yu, jannatmakon o'lka ekanligini bayon etgan , har bitta shaxs qalbida faxr tuyg'usini uyg'otadigan O'zbekiston Respublikasining Madhiyasi ham shoirimizning Vatanga bo'lgan muhabbatini har bitta satrida o'ziga jo aylab , kelajak avlod qalbiga singdira olgan desak adashmaymiz.

Abdulla Oripov ijodi har bitta yosh shoir uchun ijod maktabi desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki , shoirning she'riyat dunyosiga kirib, uni kezgan har bitta inson ijod ummoniga g'arq bo'ladi. Men ham shoirning ijod ummonidan simirgan holda "O'zbekiston" she'ridan ilhomlanib o'zimning "Ulug' Vatan farzandisan " she'rimni bitganman. Shu o'rinda she'rdan bir parcha keltirib o'tishni joiz topdim:

Yurt! Men uchun ko'ksimdagi or ,

Balki issiq, bo'laversin qor.

Yerlari unumli, oltin kon,

Shudir menga Jannatiy makon.

Buyuk olmon shoiri Iogannes Bexer “Kishi fikrlari o'lmasligi uchun har kuni, har doim fikrlab, tafakkurini charxlab turmog'i shart” deganidek zamon bilan hamnafas bo'lib, shoirlarning ijodini chuqurroq o'rganib borishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. “O'zbek adiblari” kitobidan. S.Mirvaliyev, R. Shokirova. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 2016-yil
2. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi.
3. KUN.Uz sayti.

TEXNOLOGIYA DARSLIGIDA XATOLAR

Buxoro viloyati Romitan tumani

19-maktabning texnologiya fani o'qituvchi

Latifa Voxitova Sayfullayevna

Anatatsiya: Ushbu maqolada texnologiya darslarini o'qitish samaradorligini oshirish, texnologiya fanini o'qitish jarayonida ta'limning zamonaviy metodlari, pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning o'ziga xos jihatlari, yangi information pedagogik texnologiyalarni tadbiq qilishning muhim ahamiyatlari bayon qilingan.

Kalit sóz: Xatolar, texnologiya fani, chizmalar.

"Texnologiya" darsligining chop etilishini fan o'qituvchilari intiqlik bilan kutgan edik va nihoyat tarixda birinchi marta 2014-2015-yil 5-sinfglar uchun, 2017-yil 6-7-, 2019-yili esa 8-9-sinfglar uchun mazkur darslik chop etildi. Darslik mualliflaridan minnatdormiz. 2020-yilda esa texnologiya 5-sinf qayta nashr etilgan darsligiga maxatronika mavzusi kiritilgan.

Mexatronika-dastur asosida boshqariladigan mashinalar va tizimlarni yaratish, ulardan foydalanishgan yonaltirilgan mexanika, informatika va elektronika vositalari va tamoyillari majmuasidir.

2021-yilda esa, 6-sinf texnologiya faniga yangi nashriga Arduiono mavzsusi kiritildi. Bu mavzular o'qituvchi uchun ham, o'quvchi uchun ham notanish, albatta!

Arduino-elektron loyihalarni yaratish uchun foydalanadigan ochiq manbali platforma. U juda katta bo'lmagan platforma bo'lib, o'z professorial va xotirasiga ega qurilmadir.

Va nihoyat 2022-yilga kelib,7-sinf texnologiya faniga fotorezistr mavzusi yangi qóshildi.

Fotorezistr-yoruǵlikning kuchi ta'sirida óz qarshiligini ózgartiradigan yarim ótkazgichli qurilma.

Demak,kitoblarga yangidan yangi mavzular kiritilyapti,lekin óquvchi uchun oldin notanish bólgan tushunlarni ularga tushuntirib berish uchun óqituvchi va ma'ruzaning ózi kamlik qilishi turgan gap!Maktab darslik tizimiga ózgartirish kiritilar ekan,shu vaziyatni tólaqonli ózgartirish uchun asbob-uskunalar bilan ham maktabni jihozlash kerak.Har doim shahar markazlaridagi maktablarga ózgartirish asnosida birinchilardan bólib,jihozlanadi,cheikka hududlar ta'minlangunga qadar,darslikka yana ózgartirish kiritiladi.

Xósh,bu hol qachongacha davom etadi.Maktablarda texnologiyani xonasini tóliq amaliy jihozlar bilan ta'minlasak ekan,óqituvchi óquvchiga zamonaviy atamalarni tushuntirib berishi anchagina soddalashadi.Hozir texnika-texnologiyalar rivojlangan pallada yashayapmiz.Qay yangilikka,qay ma'lumotga qaramang robotlashgan uskunlar namoyishi...

Faqatgina shahar,viloyat markazlari emas,yoinki,faqatgina endi rekontruksiyadan chiqqan maktablar emas,hamma maktablar tóliq fanga,mavzuga doir jihozlar bilan ta'minlangandan sông,ózgartirishlar kiritilsa, maqsadga muvofiq bólar edi,nazarimda. Undan tashqari,texnologiya darslarida axborot komunikatsion texnologiyalaridan foydalanish katta ijobiy natija beradi. Chunki oldin o'quvchilarga texnologiya darslarida amaliy mashg'ulotlar jarayonida buyumlar tayyorlash jarayonini o'qituvchi tomonidan birma-bar namoyish qilib berilar edi, bu ortiqcha vaqt sarflanishiga, ayrim paytlarda o'qituvchining qayta ko'rsatib berishiga ham to'g'ri kelar edi. Bugungi kunda esa axborot komunikatsion texnologiyalaridan foydalanib tasvirga olingan mehnat operatsiyalarining videodarslarini o'quvchilarga havola etib, o'quvchilar ishini o'qituvchi tomonidan bimalol nazorat qilish imkonini beradi,

o'quvchilarning bilim darajalarini sezilarli darajada oshirishga imkon beradi. Axborot kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishning yana bir ahamiyatli tomoni shundaki, o'quvchilarga malakali duradgorlar, chilangarlar, oshpazlar, tikuvchilar va turli sohadagi hunarmandlarimiz tomonidan bajarilgan o'quv mashg'ulotlari "Master klass" larni namoyish etish orqali ularda turli xil mehnat ko'nikmalarini shakllantirish, kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini ham yaxshi yo'lga qo'yish imkoniyatini beradi. Biz yuqorida texnologiya darslarida axborot kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishning ayrimlarini ko'rsatib otdik.

Xulosa qilib aytganda texnologiya darslarida axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan keng foydalanilsa, o'quvchilarda texnik-texnologik hamda texnologik jarayon davomida bajariladigan operatsiyalar yuzasidan olgan bilim, ko'nikma va malakalarini mustaqil amaliy faoliyatida qo'llash, kasb-hunar tanlash, milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida ijtimoiy munosabatlarga kirisha olish kompetensiyalarini shakllanadi, texnologiya ta'limi darslari sifati samarali bo'ladi.

Hozirgi kunda deyarli barcha fanlarni o'qitishda innovatsion texnologiyalardan keng qo'llanilib kelmoqda. Innovatsion texnologiyalar ta'lim taraqqiyotini harakatga keltiruvchi kuch hisoblanadi. Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish xamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosat darajasiga ko'tarildi.

Texnologiya fanini amaliyotsiz tasavvur qilish qiyin. Amaliyotni b'olsa, texnikasiz. Agar texnologiya xonalarimizni ham DTS talablariga mos ravishda tayyorlasak, o'quvchi-yoshlar ham bu fanni "yuqoriroq" fanlar qatorida k'organ b'olishardi.

**АНАЛИЗ НЕОРГАНИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ. ОПРЕДЕЛЕНИЕ
СОСТАВА**

Гофуров Абдушукур Абдужалол ўгли¹

Атакулов Суннатullo Абдухакимович¹

Каюмов Жамшид Маъруфжон ўгли¹

¹магистры Национального Университета

Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

**ВАЖНОСТЬ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЛИТИЯ В ПРОМЫШЛЕННЫХ
ВОДАХ. РАЗРАБОТКА ЭКОНОМИЧНЫХ СПОСОБОВ
ОТДЕЛЕНИЯ ЛИТИЯ ОТ НАТРИЯ И КАЛИЯ.**

В настоящее время спрос промышленности на литий растет очень быстро. Если ранее литий применялся в основном для производства литиевых аккумуляторов для смартфонов и ноутбуков, сейчас довольно высокий спрос на литиевые аккумуляторы предъявляют компании, производящие электромобили.

В 2020 году в мире было добыто 80'000 тонн лития^[1]. По прогнозам добыча лития продолжит расти год за годом. Так как современная тенденция на транспортные средства, являющимися дружелюбными по отношению к экологии растет. А вместе с ней и спрос на такие автомобили и на литий. Рост потребления лития стимулировал рост геологической разведки его минеральных ресурсов и привел к резкому росту разведанных запасов лития. Разведанные показали, что солевые озера и подземные рассолы, попутные нефтяные воды являются хорошим сырьем для добычи лития^[2]

Содержание лития и таких элементов как Ca, Mg, K, Cl, Br, Sr и др. многократно превышают кондиционные требования для промышленного освоения рассолов, встречающихся в других странах. Также, в некоторых промышленных водах содержится значительное количество лития, что делает целесообразным разработку экономичных методов добычи лития из данных вод для использования в промышленных масштабах. В подземных рассолах содержится от 1 мг/л до 1500 мг/л лития^[3].

Но наличие ионов калия и натрия в рассолах и других водах мешают определению и выделению лития из-за схожести их свойств. Данная проблема известна науке довольно давно и большинство ученых уже занимались её решением. Благодаря их трудам, в данный момент разработано много методов отделения лития от натрия и калия в различных растворах^[4]. Но большинство данных методов разработаны для применения в качественном анализе. Соответственно, они применяются в анализе вод и не нашли свое применение в промышленности. Но растущий спрос на литий, а также его присутствие в рассолах и промышленных вместе с калием и натрием требуют разработку новых, современных и экономичных способов его отделения от данной смеси.

Использованная литература:

1. U.S. Geological Survey, 2021, Mineral Commodity Summaries 2021: U.S. Geological Survey 200p., <https://doi.org/10.3133/mcs2021>
2. «Литий: ресурсы, добыча и перспективы развития мирового рынка» П.Г. Кудряцев, Н.П.Кудряцев. Polymate Ltd - Израильский исследовательский центр п/я 73, Мигдаль Эмек, 2310001, Израиль. Environmental vehicles.
3. «Литиевые подземные воды Иркутской области и Западной Якутии» С.А.Алексеев, Л.П.Алексеева, А.Г.Вахромеев, А.Г.Владимиров, Н.И.Волкова. Химия в интересах устойчивого развития 20. (2012) 27-33. Россия.
4. Аналитическая химия лития. Н.С.Полуэктов, С.Б.Мешкова, Е.Н.Полуектова. Издательство «Наука» Москва 1975.

ELEKTROUYQUNING INSON ORGANIZMIGA BO‘LGAN TA’SIRI

*Toshkent Davlat Texnika Universiteti Muhandislik
texnologiyalari fakulteti Biotibbiyot muhandisligi
kafedrası III bosqich talabasi*

Zokirova Fararangizaxon

Annotatsiya. Maqolada bugungi kunda zamonaviy kelajakning imkoniyatlaridan bo‘lgan eletrouyquning tibbiyotdagi o‘rni haqida batafsil ma’lumotlar keltirilgan. Elektrouyquning inson organizmiga bo‘lgan ta’sirini ko‘rib chiqamiz.

Kalit so‘zlar: Orbital mastoid, Fronto-oksipital, impulsli tok, elektrouyqu, elektrosonoterapiya, markaziy asab tizimi, yurak-qon tomir tizimi.

Fizioterapiyada keng qo‘llaniladigan davolash usullaridan elektrouyqu (neyrouyqu) bo‘lib, u past chastotali impulsli oqimlar orqali inson markaziy asab tizimiga ta’sir qiladi va tibbiyotda keng qo‘llaniladi. Uyqu – bu inson hayotida muhim o‘rin tutuvchi holatdir. Uyquga bosh miya markazlari javob beradi va ular gipotalamus¹⁵da joylashgan bo‘ladi. Uyqu holatida organizm kun davomida sarflagan jismoniy va psixik resurslarni qayta tiklab oladi.

XX asrning 60-yillaridan boshlab davolashda 200 Gts chastotaga ega bo‘lgan impulsli toklardan foydalana boshlangan. Dastlab bu davolash usuli turli mamlakatlarda elektr razryadlari bilan baliqlarga ta’sir etishni amalga sinab ko‘rilgan bo‘lsada, asosiy imkoniyatlar impulsli rejimni amalga oshiradigan apparatlarni ishlab chiqarishga qaratilgan.

¹⁵ Gipotalamus (lotincha: hypothalamus; qadimgi yunoncha: υπό [gipo]... va θάλαμος [thalamos] — xona) gipotalamik soha — miyadagi ko‘ruv bo‘rtig‘ining ostki qismi; unda vegetativ nerv sistemasining markazlari joylashgan; Gipotalamusda nerv hujayralarining 30 juftdan ortiq to‘plamlari — yadrolari bor.

Markaziy nerv sistemasiga past chastotali va kichik impulsli tok kuchi bilan ta'sir qilish usuli 1948-yilda N. M. Liventsev, V. A. Gilyarov, Z. A. Kirilov va Yu. E. Segal tomonidan taklif qilindi. 1-150 Gts chastotali 0,4-2 ms davomiylikka ega bo'lgan impulsli tok ta'siri bosh miyada tarqalgan tormozlanish va uyquchanlikka olib keladi. Impulsli rejimda turli fizikaviy faktorlar bilan ta'sir etishdan foydalaniladi. Biroq, elektr tokidan foydalanish asosida bu o'z tadbig'ini elektroterapiyada topdi. Elektroyuqu usuli tabiiy va fiziologik uyquga yaqin bo'lgan uyquni chaqiradi. Oxirgi yillardagi tekshiruvlar shuni ko'rsatadiki, fiziologik uyquga qaraganda elektroyuqu ta'siri insonning psixoemotsional holatga ijobiy ta'sir qiladi, organizm funksional tizimlarini normallashtiradi. Buzilgan gomeostazni tiklaydi, og'riq qoldiradi, qichishga qarshi ta'sir ko'rsatadi. To'g'ri burchakli impulsli tok bosh miyaga ta'sir qilishi natijasida markaziy nerv tizimining funksional o'zgarishlari yuzaga kelishida vegetativ, nerv, endokrin sistemasi yaxshilanadi, qon bosimi normallasadi, nevroz, astenik holat, uyqusizlik, emotsional turg'unsizlik, tomir buzilishlari, oshqozon va 12 barmoqli ichak yara kasalligi, paradontoz (bakterial kasallik), paradontit, yuzdagi og'riqlar, yuz travmasini davolashda bu usuldan foydalaniladi.

1953-yildagi "Elektroson" tadqiqotlarida (aslida Kalendarov tadqiqotlari bilan bir vaqtda) olim V.A. Gilyarovskiy ham mualliflar bilan birga elektronarkoz va elektrosleep o'rtasida sezilarli farqlar mavjudligini ko'rsatadi. Elektroyuquning to'rtta bosqichi ajratildi, ularning har biri miyada tarqalishida farqlanadi:

1. Uyquchanlik, bunda inhibitsion reaksiyalari hali miya yarim korteksida aniqlanmagan va shartli refleks barqaror bo'lib qoladi.
2. Sayoz uyquning gipnoz fazalari paydo bo'lishi bilan qisman inhibitsion jarayoni. Shartli refleks beqaror va faqat stimulning uzoq ta'siridan keyin qayd etiladi.

3. Chuqur uyqu. Miya yarim korteksining sezilarli inhibisyonu rivojlanadi, shartli refleks yo‘q, shartsiz refleks saqlanib qoladi, eshitish analizatori yo‘qoladi.

4. Juda chuqur uyqu. Ushbu bosqich kamdan-kam rivojlanadi. Inhibisyon miya yarim korteksidan subkortikal-poyali shakllanishlarga tarqaladi. Shartsiz va shartli reflekslar yo‘qoladi.

Yurak-qon tomir tizimi kasalliklarida elektrouyquning og‘riq qoldiruvchi ta'siri 1974-yilda Banshchikov V.M. va bir guruh olimlar tomonidan o‘tkazilgan klinik tajribada aniqlangan. Yurak-qon tomir tizimidagi funktsional neyrogen o‘zgarishlar, angina pektorisi va gipertenziya¹⁶ bilan og‘riqan bemorlarning qonida xolesterin darajasining pasayishi 1975-yilda Kamenskaya N.S. tomonidan o‘tkazilgan klinik tajribada isbotlangan.

Roytenburg S.R tomonidan o‘tkazilgan psixofiziologik tadqiqotlarda. va Molodtsova Ya.M. 1976-yilda elektrouyqudan keyin bemorlarda hissiy va aqliy zo‘riqlashlarni bartaraf etishi isbotlangan. Xususan, gipertoniya va stenokardiya bilan og‘riqan bemorlarni kuzatishda siydikda katexolaminlar, shuningdek, ularning prekursorlari DOPA ning chiqarilishining kamaygan.

Impulsi past chastotali oqim ko‘z bo‘shlig‘ining teshiklari orqali bosh suyagi bo‘shlig‘iga kiradi, miya tomirlari va nervlari bo‘ylab harakatlanadi; miya suyuqligi, eng yuqori elektr o‘tkazuvchanligiga ega, miya yarim korteksiga, subkortikal shakllanishlarga, gipofiz beziga va markaziy asab tizimining boshqa qismlariga ta’sir qiladi.

Giyohvand moddalardan farqli o‘laroq, giyohvandlik protseduradan keyin rivojlanmaydi, xotira va aql kamaymaydi, markaziy asab tizimining rivojlanayotgan inhibisyonu himoya hisoblanadi. Ko‘pgina mamlakatlar

¹⁶ Gipertenziya (giper... va lot. Tensio — kuchayish) — aslida qon tomirlari, organizm kovak a‘zolari, bo‘shliqlari va to‘qimalarda gidrostatik bosimning ortishini anglatuvchi umumiy tushuncha. Gipertenziya termini ko‘proq kalla ichki bosimi va kon tomirlari (arteriya va vena) bosimi oshganda qo‘llaniladi.

mutaxassislari “Tabiiy uyqu sifati bo‘yicha elektr uyquga tengdir”- degan fikrni ilgari surushadi.

Elektruyquda hissiy qo‘zg‘aluvchanlik pasayadi, tungi uyqu va kayfiyat normallasadi-sedativ, organizmdagi metabolizmning markaziy mexanizmlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, qonning transport funksiyasini yaxshilanishi-almashinuv-trofik, miya va koronar qon aylanish tizimida salbiy o'zgarishlarsiz yurak va qon tomirlari faoliyatini markaziy va vegetativ tartibga solishning qayta tuzilishi-gemoginamik, markaziy asab tizimining og'riq sindromi va og'riq sezuvchanligining pasayishi-analjezik, gipofiz bezining aniq stimulyatsiyasi hamda nevroz va nevrotik kasalliklar, bosh og'rig'i, uyqusizlik, post-travmatik va surunkali charchoq sindromi kuchayishi – Markaziy asab kasalliklari, 1-2A darajali arterial gipertenziya, birlamchi arterial gipotenziya, yurak ishemik kasalligi, ateroskleroz, angina pektorisi, oshqozon va o'n ikki barmoqli ichakning oshqozon yarasi (alevlenme va remissiya bilan), meteorizm, spazmlar, remissiya davridagi bronxial astma, surunkali kasalliklar yuqori nafas olish yo'llari remissiyada, endokrin patologiyalar, genitouriya tizimining kasalliklari, teri kasalliklari: ekzema, atopik dermatit, neyrodermatit- teri kasalliklari, nevroz, diqqat yetishmasligi giperaktivligi buzilishi, vegetovaskulyar distoni¹⁷ga qarshi terapevtik ta'sirga ega.

Elektrosonoterapiya ko'pchilik ma'lum kasalliklar uchun ko'rsatiladi, chunki har qanday patologiya u yoki bu tarzda markaziy asab tizimining funktsional holatini buzadi, adaptiv mexanizmlarni, kortiko-visseral munosabatlarni beqarorlashtiradi.

Elektrouyqusi paytida miyaning qismlari ta'sirlanganligi sababli, ehtiyot bo'lish juda muhimdir. Terapiya mashg'ulotlarida qatnashish uchun ruxsat shifokor tomonidan individual ravishda belgilanishi kerak. Ko'rish organlarining

¹⁷ Vegetovaskulyar distoniya - yurak -qon tomir tizimining buzilishi, bu asab va endokrin tizimlar faoliyatining buzilishining natijasidir.

yalligʻlanish kasalliklari, epilepsiya, onkologiya, tana haroratining oshishi, bosh suyagida metall konstruktsiyalarning mavjudligi, qon tomir yoki yurak xuruji kasalliklarida hamda homiladorlik davrida abort qilish yoki erta tugʻilish xavfi yuqori boʻlgan hollarda elektrouyqu amalga oshirilmaslik tavsiya etiladi.

Elektroterapiya usulining nisbatan zararsizligiga qaramay, uni uch yoshgacha boʻlgan bolalar uchun ishlatish taqiqlanadi. Jarayonni amalga oshirishdan oldin, kontrendikatsiyalar mavjudligini istisno qilish kerak. Elektrouyqusining davomiyligi 15 daqiqadan oshmasligi kerak. Elektrosonoterapiyani umumiy taʼsir protseduralari umumiy gaz, mineral va radon vannalari, Vermel boʻyicha umumiy galvanizatsiya bilan birlashtirmaslik kerak. Mahalliy protseduralar dori elektroforezi, terapiyasi, mashqlar terapiyasi, massaj, mexanoterapiya. elektrosleep bilan bir kunda belgilanishi mumkin boʻladi.

Eletrouyqu davomida elektrodni joylashtirishning ikkita usuli mavjud:

1. Orbital mastoid. Bir-biri bilan bogʻlangan va katodga ulangan ikkita elektrod koʻz qovoqlari yopiq holda koʻzlarga qoʻyiladi, anodga ulangan ikkinchi vilkali elektrod mastoid jarayonlarga joylashtiriladi. Elektrodni joylashtirishning bu usuli asosan dorilarning elektrosonforezi uchun qoʻllaniladi: brom, kaliy yodid, nikotinic kislota, markaziy asab tizimiga tinchlantiruvchi taʼsir koʻrsatadigan seduksen. Ushbu usul noqulay, chunki elektrodlar koʻzlar oldida joylashgan.

2. Fronto-okspital. Katodga ulangan bitta elektrod peshona sohasiga, ikkinchisi esa anodga ulangan boʻyinning orqa tomoniga oʻrnatiladi. Samaradorlik nuqtai nazaridan, texnika birinchisiga oʻxshaydi, ammo bemor uchun qulayroqdir.

Xulosa qilib aytganda, elektrouyquning fiziologik va terapevtik taʼsiri kompleksi turli xil uyquga taʼsir qilish qobiliyati bilan bogʻliq. Impuls oqimidan

miyaning pastki qismiga yaqin joylashgan subkortikal-poyali shakllanishlar, xususan: talamus, gipotalamus, gipofiz bezi, magistralning retikulyar shakllanishi va limbik tizim eng ko'p ta'sir qiladi. Natijada, bu tuzilmalarning funktsional holati o'zgaradi, tana tizimlarining vegetativ va endokrin regulyatsiyasi yaxshilanadi. Elektroyquning markaziy asab tizimidagi inhibitsion jarayonlarini muvozanatlashi, tinchlantiruvchi va og'riq qoldiruvchi ta'sir ko'rsatish qobiliyati retikulyar shakllanish, miya yarim korteksining faolligini pasayishi va opioid ishlab chiqarishning ko'payishi bilan bog'liq. Shu bilan birga, impulsi oqimlarning transserebral ta'siri butun yurak-qon tomir tizimiga normallashtiruvchi ta'sir ko'rsatadi, markaziy va periferik gemodinamikani periferik qarshilikni kamaytiradi, qonning kislorod sig'imi, mikrosirkulyatsiya va miyokard trofizmini yaxshilaydi. Elektroyqu samaradorlikni oshiradi, kayfiyatni yaxshilaydi, charchoqni kamaytiradi, tabiiy uyquni chuqurlashtiradi. Shu bilan birga, terapevtik ta'sirning tanlangan pulsni takrorlash tezligiga bog'liqligi qayd etadi. Insult va uni davolash uchun ekanligi aniqlangan. Elektrosonoterapiya protseduralarini o'tkazish uchun Electroson-4T, ES-10-5, EGASS, Magnon-SLIP va boshqalar ishlatiladi.

Yana aytish joizki, eng yaxshi terapevtik natijalar bemorlarning uyquchanlik yoki gipnozli uyqu holatida uzoq vaqt qolishidan keyin olinishi mumkin. Elektro uyquning qisqa protseduralaridan so'ng, kayfiyatning yaxshilanish protseduralari qayd etiladi. Klinik tibbiyotda elektroyqu usulining ko'lami ancha kengdir, chunki organizmdagi har qanday kasallik yoki patologik jarayon markaziy asab tizimining funktsional holatini, adaptiv mexanizmlarni buzadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tibbiy texnika va yangi tibbiyot texnologiyasi: 0 ‘quv qo‘llanma / S.Umarov, E.Bozorov, O.Jabborova; - T .: “Iqtisod-Moliya”, 2018. -2 1 6 b
2. Amaliy tibbiyotda yangi texnologiyalar / G. J. Jarilkasinova; D.R. Adizova; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta-maxsus ta‘lim vazirligi. –T. O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2012.-208 b.
3. «Tibbiyot Texnikasi» fanidan darslik. Salim Xalloqovich Umarov. Toshkent- 2014.
4. <https://trainingtools.ru/uz/ugri-pryschi-akne/elektroson-mehanizm-deistviya-chto-takoe-elektroson-pokazaniya-i-protivopokazaniya-procedury-osobenno/>
5. <https://uztext.com>
6. <http://www.hozir.org/s-x-umarov-tibbiyot-texnikasi.html?page=155>

**BEMORLARDA GEPATIT A — BELGILARINI TASHXISI VA
DAVOLASH XUSUSIYATLARI**

*Siyob Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat
salomatligi texnikumi o'qituvchilari:*

Najmiddinova Nazira Pardaboyevna,

Saidraxmanova Aqiqa Kirjigitovna,

Toshpo'latova Oysha O'ralboy qizi,

Anatatsiya: Virusli gepatit A kasalligiga olib keluvchi havf omillarini kamaytirish maqsadida bemor bolalarda immun tanqisligi holatini vaqtida davolash, sog'lom turmush tarzini targ'ibot qilish, kasalliklarni o'z vaqtida davolashdan iborat. Ushbu kasallikka qarshi kurashishning eng samarali choralari havfsiz suv ta'minoti va oziq-ovqat havfsizligini ta'minlash, sanitariya sharoitlarini yaxshilash, qo'l gigienasi va gepatit A ga qarshi emlashdir.

Kalit so'zlar: Virusli gepatit A, RNK-virus, astenovegetativ, gepatomegaliya, subfebril tana xarorati, Giperbilirubinemiya, Genotiplar, bolalar.

**HEPATITIS A IN PATIENTS - DIAGNOSTIC SYMPTOMS AND
FEATURES OF THE TREATMENT**

Anatation: In order to reduce the risk factors leading to viral hepatitis A disease, it is necessary to treat immunodeficiency in sick children, promote a healthy lifestyle, and treat diseases in time. The most effective measures to combat this disease are ensuring safe water supply and food safety, improving sanitation, hand hygiene and vaccination against hepatitis A.

Keywords: Viral hepatitis A, RNA virus, asthenovegetative, hepatomegaly, subfebrile body temperature, Hyperbilirubinemia, Genotypes, children.

Gepatit A (Botkin kasalligi) — RNK-virus bo'lib, Picornavirus oilasiga, Enterovirus sinfiga mansub, o'tkir virusli jigar shikastlanishiga olib keladi. Uning o'lchami 27-30 nm. Virusning qobig'i yo'q. Bundan tashqari, virusning yana to'rtta inson virusi genotipi va uch xil maymun virusi genotipi aniqlangan.

Genotiplardan qat'i nazar, barcha A turdagi viruslar o'xshash antigen, immunogen va himoya xususiyatlariga ega ekanligi aniqlandi. Ya'ni virusning bir serotipi bir xil standart reagentlar bilan aniqlanadi va bir xil vaktsina bilan oldi olinadi.

Virusli gepatit - o'tkir yuqumli kasallik; jigar hujayralarining zararlanishi, umumiy intoksikatsiya belgilari, teri va shilliq qavatlarining sarg'ayishi, peshobning to'q sariq yoki "pivo"ga o'xshash, najasning oqimtir tusga (gilvata rangiga) kirishi, jigar, ba'zan taloqning ham kattalashishi bilan ifodalanadi. Virusli. gipatit . deganda bir-biriga o'xshash olti xil gepatit tushuniladi, bular A, V, S, D, Ye, G viruslari qo'zg'atadigan kasalliklardir. Ular yuqishiga qarab og'iz orqali (A, Ye) va parenteral yo'l bilan yuqadigan (B, S, D, G) xillarga ajratiladi. A va Ye virusli gepatitlarda viruslar bemorning axlati orqali tashqariga chiqadi.

Shuning uchun axlat, suv, oziq-ovqat mahsulotlari, bemor foydalangan buyum va narsalardan ifloslanish juda xavfli hisoblanadi. Parenteral yo'l bilan yuqadigan V. g .lar shprints, igna va b. tibbiy asboblarni yetarli zararsizlantirmaslik oqibatida, shuningdek qon va qon preparatlari quyish hamda turli tibbiy muolajalar (ginekologik, stomatologik va b.) vaqtida yuqishi mumkin.

KASALLIKNING XUSUSIYATLARI

Kasallikning tarqalishi asosan yilning issiq davrida sodir bo'ladi. Biroq, uzoq inkubatsion davri va subklinik bosqichi tufayli infeksiya bahor va kuzda ko'proq aniqlanadi. Taxminan har 3-5 yilda gepatit A boshqa yillarga nisbatan ko'proq tashxislanadi.

Gepatit A virusiga yoshidan qat'iy nazar faqat odamlar moyil b'ladi. Hayvonlar ushbu virusga moyil emas. Insonlarda ushbu kasallikdan sog'aygach,

Gepatit A ga qarshi doimiy, umrbod immunitet paydo bo'ladi, ya'ni odam bu kasallikka ikkinchi marta chalinmaydi. Dunyoda yuqumli kasalliklarni nazorat qilish bo'yicha xalqaro tashkilotning ma'lumotlariga ko'ra, virusli gepatit A yiliga 1,4 million odamni kasallaydi. O'zbekiston Gepatit A o'rtacha tarqalgan hududlar doirasiga kiradi.

Tegishli sanitariya-gigiyena sharoitiga ega bo'lgan rivojlangan mamlakatlarda virusli gepatitning tarqalish ko'rsatkichi past bo'ladi. Umuman, kasallikka chalinish ehtimoli yuqori bo'lgan kishilarga:

- Ushbu kasallik endemik bo'lgan hududlarga sayohat qilganlar;
- OIV (Odam immunitet tanqisligi virusi) yoki OITS bilan og'riqan (orttirilgan immunitet tanqisligi sindromi) bo'lganlar;
- Giyohvand moddalarni iste'mol qiluvchilar;
- Virusli gepatit B yoki gepatit C bilan kasallangan shaxslar;
- Aholining yopiq guruhlaridagi shaxslar (masalan, o'quvchilar).

Virusli gepatit A — jigar infeksiyalarining eng ko'p uchraydigan sabablaridan biridir. Masalan, 1988 yilda Shanxayda JSST (Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti) ga ko'ra, epidemiya 300 ming kishini zararlagan. Virusli gepatit A ning yakuni bolalikda ijobiydir, kasallik asimptomatik (alomatlarsiz) tarzda o'tadi, hayot sifatiga ta'sir ko'rsatmaydi. O'smirlik davrda kasallik jiddiy shaklda o'tadi va kasallikdan so'ng qat'iy ravishda parhezga rioya qilish kerak. O'lim holatlari faqat qarilarda kuzatiladi va har 1000 ta holatdan 4 tasini tashkil etadi.

GEPATIT A NING QO'ZG'ATUVCHISI VA RIVOJLANISHI

Gepatit A ning virusi **HAV** (Hepatitis A virus) deb ham ataladi. Virus quruq va issiq sharoitlarga (60 °C) chidamli, sho'r va chuchuk suvda oylar davomida saqlanadi. Ultrabinafsha nurlanishi ostida 1 daqiqada, 121°C

issiqlikdagi avtoklavda 20 daqiqa davomida, xloramin yoki xlor preparatlari bilan ishlov berilganda 5-7 daqiqada nobud bo'ladi.

Virusning nam muhitda chidamliligi:

- 20-22 °C — 3-4 hafta;
- 4-6 ° C — 3-4 oy;
- 60 °C — 12 soatgacha;
- 100 °C — 5 daqiqagacha.

Virion sferik shaklga ega bo'lib, markazida bitta RNK (ribonuklein kislota) ipi mavjud. Sog'lom odamning kasallanishi najas-og'iz yo'li bilan amalga oshiriladi. Kasal odamlar najas bilan birga juda ko'p viruslarni chiqaradi va yomon sanitariya-gigiena va suvni ifloslanishi sharoitlarida yuvilmagan qo'llar, suv, meva-sabzavotlar orqali o'giz bo'shlig'iga va qizilo'ngachga, u yerdan ovqat hazm qilish tizimi epitelial hujayralari orqali qonga, qon oqimi bilan esa jigarga hujayralarigacha (**gepatotsitlar**) yetib boradi.

Gepatit A virus faqat hepatotsitlarda ko'payadi va ularga zarar keltiradi, bu esa jigar yetishmovchiligining rivojlanishiga olib keladi. Virusning ortiqcha soni o't suyuqligi yo'lchalari orqali o't xaltasiga, u orqali me'da-ichak trakti orqali tashqi muhitga chiqariladi.

Kasallik alomatlari sezilarligiga ko'ra to'rtta shakli farqlanadi:

1. Subklinik (kasallik belgilari yo'q);
2. Xiralashgan (kasallikning alomatlari sezilar-sezilmas, umumiy holsizlik ko'rinishida);
3. Sariq kasalliksiz (teri sarg'ayishisiz aniq alomatlar);
4. Sariq kasallik (terida sariqlik mavjudligi bilan kasallikning umumiy simptomatikasi).

Virusli hepatit A uchun maxsus antivirus davo yo'q. Dori vositalari kasallik alomatlari va kasallik paytida hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan.

Viruslarning hayotiy faoliyati mahsulotlaridan va hepatotsitlarning nobud bo'lishi natijasida hosil bo'lgan zaharlanishni kamaytirish uchun detoksikatsion davo.

KASALLIKNI OLDINI OLISH

- Xavfsiz va toza ichimlik suvini ichish;
- Oqova suvlarni ishonchli qayta ishlash va filtrlash;
- Shaxsiy gigienaga rioya qilish;
- Faol hayot tarzi olib borish;
- Sport bilan shug'ullanish;
- Ish va dam muvofiqligi;
- Surunkali jigar xastaligi bilan odamlar vaktsina (emlash)

olish.

Virusli gepatitlarning oldini olishda shaxsiy gigiyena qoidalariga bekamu ko'st amal qilish, kasallikni o'z vaqtida aniqlab, bemorni kasalxonaga yotqizish va u bilan yaqin bo'lganlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish hamda u tutgan idish-tovoq va buyumlarni dezinfeksiya qilish muhim.

Kasalxonadan chiqqan bemorlar ma'lum muddat dispanser nazoratida bo'lishlari lozim. Kasallikning oldini olish maqsadida A va V gepatitlarga qarshi vaksinatsiya qilinadi (emlanadi). U yangi tug'ilgan chaqaloqlarga, 2-marta esa 1 oyligida teri ostiga yuboriladi.

Revaksinatsiya bola 6 oyligida o'tkaziladi. Emlash natijasida 95% bolalarda kasallikka qarshi immunitet paydo bo'ladi; epidemiologik jarayonlarga qarab kattalarga ham vaktsina yuboriladi, u birinchi bor qilingandan keyin oradan 1 oy va 6 oy o'tgach qayta emlanadi. Emlash natijasida immunitet paydo bo'lib, u 15— 20-yilgacha saqlanadi va kasallik tar-qalishining oldini oladi, virus tashuvchilik himoyalanaadi. Profilaktika maqsadida bolalarga gammaglobulin (normal immunoglobulin) dan ukol qilinadi.

Davolash asosan bemorning umumiy ahvoli va kasallikning klinik belgilariga qarab olib boriladi; yengilroq xilida deyarli dori-darmonlar berilmaydi, kun tartibi va parhezga (qarang Parhez bilan davolash) rioya qilish tavsiya etiladi. Kasallikning boshqa shakllarida ham parhez va kun tartibiga amal qilishdan tashqari, glyukoza, vitaminlar, tuzli eritmalar, qon hamda plazma

va qon oʻrnini bosuvchi suyuqliklar, zarur hollarda gormonlar, antibiotiklar va h. k. buyuriladi. Bemorga vitaminlar, uglevodlar, oqsilga boy ovqatlar, shuningdek turli meva sharbatlari beriladi.

Adabiyotlar

1. OʻzMe. Birinchi jild. Toshkent 2000-yil
2. Allergologiya va Immunologiya. Milliy yetakchilik. ГЭОТАР Медиа 2013 (журнал российский)
3. E.I. Sàlimîv . Xàtàrli àllàrgik holàtlàr. T.,1993.
4. M.F. Ziyayàvâ. Àllàrgik kàsàlliklàr. Uslubiy qoʻllànmâ. T., 2001.
5. Informatsionniy portal www.gepatit.com.ua
5. [www. ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**JIZZAX VILOYATIDA REKREATIONS HUDUDLARNI
RIVOJLANTIRISH.**

Nozima Sadinova Gulamovna

Toshkent turizm kasb-hunar kolleji turizm fanlari o'qituvchisi.

Annotatsiya: Maqolada mamlakatimizning jizzax viloyatida uning tabiiy potentsiali orqali turistik qishloq ovullarini yaratish yo'nalishlari hamda uning institutsional asoslari bayon qilingan.

Kalit sozlar: Turistik qishloq ovullari, rekreasiya, madaniy-tarixiy meros, viza, infratuzilma, ziyorat, turizm mahallasi va qishlog'i.

Mamlakatimizda turizm sohasini strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Shuningdek, hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim omillaridan biri sifatida ichki turizmni jadal rivojlantirish, sayyohlarni mamlakatimizning madaniy-tarixiy merosi hamda tabiiy boyliklari bilan tanishtirish, uning asosi sifatida viza rejimining liberallashtirilishi, chet el fuqarolarini ro'yxatga olish tartibining soddalashtirilishi, turizm tarmog'ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ'ib qilish imkonini beradi. Ammo, o'tkazilgan dastlabki tahlillar turizm tarmog'ini tartibga soluvchi normativ-huquqiy asosning nomukammalligi, alohida turizm xizmatlarini ko'rsatish qoidalarining, shuningdek, rivojlangan dunyo ahlining mamlakatimiz tabiatining o'ziga xosligi, ko'plab hududlarda bahavo turistik ob'ektlar mavjudligi to'g'risida

ma'lumotlar mavjud emasligini ko'rsatmoqda. Shuning uchun ham turizm resursining asosi sanalgan dunyo xilma-xilligini namoyish qiluvchi turizm predmetlari faqatgina reklama, targ'ibot orqaligina xalqaro turizm ixlosmandlarini o'z domiga tortishi mumkin. O'z navbatida ta'kidlash joizki, turizm sohasining kirib kelishi va uning rivojlanishi dunyoning har qanday mamlakatiga ham nasib qilavermaydi, chunki mazkur sohaga bo'lgan turizm mahsulotlari bozorida unga bo'lgan talab to'g'ridan-to'g'ri iqtisodiy ehtiyojlar bilan emas, balki ijtimoiy ehtiyojlar bilan belgilanadi. Ijtimoiy ehtiyojlar ichida ziyoratga, rekreatsiyaga bo'lgan ehtiyoj inson ruhiyatida uy-joyga bo'lgan ehtiyojdan ham ko'ra 3 marta ko'proqdir. Mamlakatimizda mazkur sohani rivojlantirishning dolzarbligi ham shundadir. Turizm sohasining serdaromad, shuning bilan birgalikda mashaqqati kamroq faoliyat turi ekanligini e'tirof etib, mamlakatimizda mazkur sohani rivojlantirish, takomillashtirish yuzasidan tinimsiz izlanishlarni olib borish maqsadga muvofiq sanaladi. Ana shunday yo'llardan biri-aholi gavjum, shuningdek, iqlim sharoiti mo'tadil bo'lgan hududlarda aholining turistik xizmat ko'rsatishini amalga oshirishi bilan birga aholining o'zi ham mazkur turistik mahsulotdan bahramand bo'ladigan faoliyat turlaridan biri bu turistik qishloq ovullarini tashkil etish hisoblanadi. Turistik qishloq ovullarini tashkil qilishning institutsional asosi bo'lib, birinchi navbatda, 2019-yil 16-aprelda qabul qilingan «O'zbekiston Respublikasining turizm to'g'risida» gi Qonuni, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-avgustdagi «O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi PF-5781-sonli Farmoni xizmat qiladi. Mazkur institutsional asoslarga ko'ra, 2019-yil 1-noyabrdan boshlab eng yuqori turizm salohiyatiga ega bo'lgan fuqarolar yig'inlari (shaharcha, qishloq, ovullar hamda shahar, shaharcha, qishloq va ovullarning mahallalari) ro'yxatini shakllantirish, ushbu fuqarolar yig'inlari hududlarida 20 tadan kam bo'lmagan oilaviy mehmon uylari tashkil etilganda va turistlar uchun kamida besh xil xizmat turlari (yashash va/yoki ovqatlanish bo'yicha xizmatlardan tashqari) ko'rsatilgan taqdirda ularga «Turizm mahallasi», «Turizm qishlog'i» yoki

«Turizm ovuli» maqomini berish, 2020-yildan boshlab «Turizm mahallasi», «Turizm qishlog‘i» yoki «Turizm ovuli» maqomi berilgan fuqarolar yig‘inlari «Obod qishloq» va «Obod mahalla» davlat dasturlariga birinchi navbatda kiritilishi qat’iy belgilab qo‘yilgan [1].

«O‘zbekiston Respublikasining turizm to‘g‘risida» gi Qonunining 5-moddasiga ko‘ra xalqaro va ichki turizm uning shakllari hisoblanadi. Turizm tashkil etilayotgan turning o‘ziga xosligi, mavzusi, davomiyligi, harakatlanish usullari va turning boshqa xususiyatlaridan kelib chiqqan holda madaniy-tarixiy, ziyorat, ekologik, ma’rifiy, etnografik, gastronomik, ishbilarmonlik, ijtimoiy, sport, tibbiy, yoshlar turizmi, agroturizm hamda turizmning boshqa turlariga bo‘linishi mumkin [2]. O‘zbekiston turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha keng ko‘lamli imkoniyatga, shuningdek, juda katta rekreatsiya salohiyatiga ega, unda jami 7,4 ming madaniy meros ob‘ektlari mavjud, ulardan 209 tasi to‘rtta muzey shaharlar – «Xiva shahridagi Ichan-qal’a»,

«Buxoro shahrining tarixiy markazi», «Shahrisabz shahrining tarixiy markazi», «Samarqand shahri» hududida joylashgan bo‘lib, YUNESKO butunjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan [3].

Mamlakatimizda so‘nggi yillar davomida turizm xizmatlari eksporti hajmi ikki baravar oshdi, xususan, so‘nggi ikki yilda 546,9 million AQSh dollaridan 1041 million AQSh dollariga, ya’ni 190,3 foizga oshdi. Joriy yilda xorijiy tashrif buyuruvchilar sonining o‘shish sur’ati o‘rtacha yillik 8 foizni tashkil etgan bo‘lsa, o‘tgan yilda 7 foizni tashkil qilib, bu ko‘rsatkich 2,69 million nafardan oshganligini ko‘rsatib turibdi. O‘tgan yil yakunlari bo‘yicha respublikaga 5,3 million xorijiy turistlar tashrif buyurdi. Xususiy sektorni qo‘llab-quvvatlash va muhofaza qilishga qaratilgan choralar ko‘rilgani natijasida yil yakuni bo‘yicha 950 taga, mehmonxona xo‘jaliklari soni – 661 tadan 900 taga yetdi. Respublika hududiga olib kirilayotgan 8 va undan ko‘proq yo‘lovchi tashishga mo‘ljallangan turistik klassdagi avtotransport vositalarini sertifikatlash qilishning yangi mexanizmi joriy etilgani hamda buning natijasida so‘nggi yilda

turistik klass avtotransport vositalarining parki 128 donaga ko'paytirilgani (47 avtobus va 81 mikroavtobus) mazkur sohaga berilayotgan e'tiborning yaqqol dalilidir. Eng asosiysi qishloq ovullarini yaratishga ko'maklashuvchi xorijiy fuqarolarni respublika hududida vaqtinchalik ro'yxatga olish tartibi soddallashtirilgani, mazkur tartib «E-MENMON» tizimi orqali to'liq raqamli texnologiyaga o'tkazilganligi, shuningdek, mehmon uylarini sertifikatlash tartibi bekor qilinganligi bu borada ayni muddaodir. Bugungi kunda mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha bir qancha istiqbolli dasturlar belgilab olingan bo'lib, uning samarasi sifatida 2020-yilda turizmni rivojlantirish uchun mustahkam qonunchilik bazani yaratishga qaratilgan institutsional islohotlar, infratuzilmani modernizatsiyalash va mamlakat brendini targ'ib qilish, hamda 2021–2025-yillarda mamlakat iqtisodiyotida turizm industriyasi ulushini ko'paytirish, ushbu yo'nalishda zarur infratuzilmani rivojlantirish va dunyo bozorida respublikaning turizm salohiyatini targ'ib qilish orqali mamlakatning yalpi ichki mahsulotida turizm ulushini 5 foizgacha (shu paytgacha 2,3%) yetkazish, shuningdek, 2025-yil yakuniga qadar 9 milliondan ortiq turistlarni, shu jumladan uzoq xorijdan 2 million turistni jalb qilish belgilab quyilgan [2]. Mamlakatimizda yaratilayotgan shunday institutsional imkoniyatlardan kelib chiqqan holda xulosa qiladigan bo'lsak, Jizzax viloyatida ham turizmni rivojlantirish uchun keng qamrovli imkoniyatlar mavjud. Jizzax viloyati O'zbekistonning markaziy mintaqasida joylashgan bo'lib, shu tufayli har taraflama keng ko'lamli xo'jalik yuritish imkoniyatiga egadir. Uzunligi sharqdan g'arbga, ya'ni Yangiobod tumanidan Forish tumanigacha 180 km, janubdan shimolga, ya'ni Baxmal tumanidan Mirzacho'l tumanigacha 175 km. ni tashkil etadi. Maydoni 21,1 ming kv.km. Shundan 4,8 ming kv.km. (22,7 %) qishloq xo'jaligida foydalanishda bo'lgan yerlardir. O'rmon va o'rmonchilik bilan bog'liq ekinlar ekiladigan maydon 1,8 ming (8,5 %) kv.km dan iboratdir [4]. Maydonining katta qismini sharqdan g'arbga va qisman shimoli-g'arb tomonga cho'zilgan Chimqortog' va Molguzar, g'arbdan sharqqa, sharqi-janubga va janubga tomon cho'zilgan Nurota tizma tog'lari, shimol tomondan

Qozog‘istondagi Chordora to‘g‘onidan viloyatning shimoli-g‘arbidan Navoiy viloyati hududiga qadar cho‘zilgan Aydarko‘l tashkil etadi. Bu qadimiy yurtda ajdodlarimiz zakovati, salohiyatidan darak beruvchi – qadimiy turkiylarning quyosh yili timsoli – «Quyosh taqvimi», («Saklar taqvimi»), 19-fevraldan 21-martgacha quyosh nuri tushadigan Huttosh, shuningdek, Qantartosh, Hamaltoshlarning o‘zi sirli bir olam. Viloyatda ziyorat turizmini rivojlantirish uchun ham Sa‘d ibn Vaqqos, Usmand ota, Novqa ota, Xo‘jamushkent ota, Parpi ota, Sayfin ota, Savruk ota, Qulfisar ota kabi ziyoratgohlarlar xizmat qiladi. E‘tiborli jihati bu yerdagi tabiiy buloqlardan yiliga o‘rtacha 16–20 mln. kubometr suv olish imkoniyati mavjud. Eng asosiysi viloyatning Baxmal, Zomin, G‘allaorol tumanlari hamda Sh. Rashidov va Forish tumanlarining tog‘li hududlarida yog‘ingarchilik nisbatan mo‘l bo‘ladi. Shuningdek, haroratning mo‘tadilligi tufayli Baxmal, G‘allaorol va Forish botiqlarida, Zominsoy, Yettikechuv va Ko‘rpasoyda suvning parchalanishi nisbatan kam. Viloyatda turizm va uning zaminidagi rekreatsiya klasterlarini rivojlantirish uchun ham birmuncha sezilarli imkoniyatlar, ya‘ni viloyat tabiatining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri tog‘lar va tog‘ yon bag‘irlarida tarkibida temir, oltingugurt, vodorod, radiy, kremniy kislotasi, karbon gazi, ishqorli termo-minerallar bo‘lgan bir qator shifobaxsh suv manbalari mavjud. Darhaqiqat, ayni paytda viloyatning G‘allaorol, Forish, Mirzacho‘l tumanlarida ana shunday bal’neologik suvlar bilan davolovchi «Marjonsuv», «Birlashgan», «Gagarin» nomli sihatgohlar va bir nechta davolash maskanlari ishlab turibdi. Shuning bilan birgalikda viloyatning Zomin, Jizzax, Baxmal tumanlarida ham ma’danga boy manbalari bor. Viloyatdagi barcha ma’danli suvlar kimyoviy va balneologik tarkibiga ko‘ra eng tabiiy, o‘ziga xosligi bevosita hududning ancha qismini egallagan tog‘lik zona ekanligi bilan bog‘liqdir. Mazkur hududlarning tog‘ yon bag‘irlarida bir-biridan go‘zal tabiat go‘shalari, archazorlar bodomzorlar yong‘oqzorlar, shifobaxsh o‘tloqlar, soyliklar, zilol suvlar, hatto, musaffo toza havo qatlamining o‘zi bir olam. Ulkan daralarda qir-adirlar va soyliklarda kamyob o‘simliklar va hayvonlar, parrandalarning turfa xillari mavjud. Baxmal va

Zomin tumanlaridagi qir-adirlar, ulkan bogʻ-rogʻlar, shuningdek, Baxmaldagi dengiz sathidan 2600 metr balandlikdagi maʼdanli suv, Xalq bogʻi va qoʻriqxonalar, ajoyib sharsharalar, qirlar bagʻridagi oʻnlab chashmalar insoniyatni oʻziga chorlovchi saxiy tabiatning oʻziga xos neʼmatidir. Viloyatda turizm klasterlarining asosiy poydevori sanalgan Zomin tumanidagi 1976-yilda tashkil etilgan 48 ming gektarli Xalq bogʻining tabiati oʻta goʻzal. Balandligi dengiz sathidan 4 ming metrgacha choʻzilgan togʻ yon bagʻrida yoz va bahorda havo qatlami kamalak rangida tovlanadi. Qalin archazorlar va bahaybat daralar, soyliklardagi toshqin suvlar goʻyo tabiatning haqiqiy tabiiy koʻrgazmasini namoyish etadi. Albatta bu kabi jarayonlarning xususiyati shundaki, inson hamisha koʻpincha oʻzlashtirilmagan, inson qoʻli tegmagan tabiiy goʻshalarga ehtiyoj sezishidadir. Xalq bogʻi yonida Zomin qoʻriqxonasi tashkil etilgan, Xalq bogʻi va qoʻriqxonaning umumiy maydoni 78 ming gektarni tashkil etadi. Bu qoʻriqxonada 100 dan ortiq shifobaxsh va dorivor oʻsimliklar, oq tirnoqli ayiq, yovvoyi choʻchqa, boʻrsiq, alqar, (togʻ echkisi), jayra kabi hayvonlar, kemiruvchilar, kalxat, qora turna, bulduruq, tuvaloq, kaklik, tustovuq kabi parrandalarning 150 dan ortiq turlari uchraydi. Ushbu tabiat maskanida «Zomin» sanatoriysi, Oʻriklisoy dam olish maskani, sayyohlar uchun koʻplab mexmonxona uylari faoliyat koʻrsatib turibdi. Shu sabab mazkur rekreatsion hududlarda yil mobaynida dam oluvchilar, sayyohlar, yaʼni rekrentlar oqimi uzilmaydi. Viloyat relʼefi shimol, shimoli-gʻarb tomondagi pasttekisliklar, choʻl va dashtlardan qirlar, togʻlar sari balandlab borishi bilan bogʻliq ravishda hayvonlar turlari ham koʻpayib boradi. Viloyatda baliqchilik sanoatini rivojlantirish uchun ham keng koʻlamli imkoniyatlar mavjud, xususan, Aydarkoʻl-Tuzkon Arnasoy koʻllarida baliqlarning zogʻora, laqqa, suzak va ilonbaliq kabi turlari bor. Buning ajablanarli tomoni shundaki, aydarkoʻl-tuzkon Arnasoy koʻllari viloyatda baliqchilik sanoatini rivojlantirish bilan bir paytda rekreatsiyani rivojlantirishga ham xizmat qiladi.

Viloyatning tabiiy iqlim sharoiti keskin mo'tadil. Yozi quruq va issiq, qishi nisbatan yumshoq. Baxmal, qisman Zomin, Forish tumanlarining tog'liq hududlarida yoz fasli biroz salqin o'tadi. Yilning eng issiq oyi cho'l zonalarida iyun-iyul, tog' zonasida iyul-avgust. Kunning uzunligi kunduz yozda 15 soat, qishda 9 soat davom etadi. Yanvar oyida harorat +1+4 daraja, iyul oyida esa +26+28 daraja. Bir yillik yog'in miqdori 400-500 mm. Vegetatsiya davri 240-260 kun. Havoning namlik darajasi qishda 70-80 %. Bir yilda quyoshli kunlar 2800-3000 soat atrofida. Birinchi qorning yog'ishi asosan oktyabr oyiga to'g'ri keladi. Viloyat hududining nisbatan yaxlitligi va subtropik kengliklarga yaqinligi harorat rejimining birxilligini ta'minlaydi. Yil davomida o'rtacha 250-270 kun havo ochiq, osmon beg'ubor bo'ladi. Fevraldan noyabrgacha quyosh energiyasi nisbatan ko'proq bo'ladi. Havoning harorat yig'indisi janubiy pasttekisliklarda 5,5 ming daraja, shimoliy pasttekisliklarda 4,3-4,5 ming darajaga etadi. Viloyat hududida yog'ingarchilik asosan qish va bahor fasllariga to'g'ri keladi. Shimoldan janubga tomon yog'ingarchilik ko'payib boradi. Yillik yog'in miqdori balandligi 276 metr bo'lgan Mirzacho'lda 295, balandligi 392 metr bo'lgan Sangzorda 400 mm.dan oshadi. Qor turib qoladigan kunlar bir yilda tekisliklarda 20-22 kun, tog'li hududlarda 60-70 kunni tashkil etadi. Hududning tekislik qismida yillik yog'in miqdori 200 mm. atrofida. Bug'lanish darajasi 100-120 mm.ga teng. Viloyat hududida shimoli-g'arbda vaqti-vaqti bilan kuchli shamol bo'lib turadi. Aprel va may oylarida kuchli shamol, do'l va jala yog'ish holatlari uchraydi. Viloyat aholisi 2020-yil yanvar oyi holatiga 1382100 kishini tashkil etib, yil boshidan 29700 kishiga yoki 102,2 foizga ko'paydi. Shundan 647900 kishi – shahar joylarida (46,8%) va 734200 kishi qishloq joylarida (53,2 foiz) istiqomat qiladi.

Foydanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. "O'zbekiston Respublikasining turizm to'g'risida" gi Qonuni. 2019 yil 16 aprelda qabul qilingan.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 13 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-5781 son Farmoni.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi "O'zbekiston respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PF-5611 son Farmoni.

5. Aynaqulov M.A. Xudayberdiyev B.B. Jizzax viloyatida turistik qishloq ovullarini yaratish yo'nalishlari va uning institutsional asoslari // Институциональное развитие взаимоотношений финансово-кредитной системы с реальном сектором экономики. Материалы XII международной научно-практической конференции 10-11 июня 2020 года. Самарканд - 2020-185 с.

**ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЁР
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ “КЛАСТЕР”
УСЛУБИНИ ИНТЕРАКТИВ КАРТОГРАФИК МАНБАЛАР БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ (Самарқанд вилояти Булунғур тумани мисолида)**

*Давлат Солик Кумитаси Хузуридаги Кадастр Агентлигининг
Давлат Кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти Бошкармаси
Самарқанд шаҳар филиали"да муҳандис
Axmedova Muhayyo*

Аннотатсия: Масофавий зондлаш , географик ахборот тизимлари ва глобал жойлашишни аниқлаш тизими интегратсияси ер ости сувлари гидрологияси, ресурсларни бошқариш, атроф-муҳит мониторинги ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш соҳасида ривожланаётган тадқиқот ёъналишларидир. РС, ГИС, ГПС ва юқори даражадаги ҳисоблаш соҳаларидаги соънги ютуқлар бир вақтнинг оъзида бир қатор маълумотларни вақт ва иқтисодий жиҳатдан самарали тарзда тақдим этиш ва қайта ишлашга ёрдам беради. Ушбу мақолада Булунғур тумани мисолида ушбу масалалар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: космик, ер тизиш, кадастр, ер ресурслари, фотограмметрия.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 13 декабр куни ер ресурслари, геодезия ва кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раҳбарларининг соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Маълумки, ер ва кўчмас

мулк кадастри ишларини яхшилаш мақсадида жорий йилда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси таркибий тузилмаси ва фаолият йўналишлари қайтадан тасдиқланди. Ҳар қандай карта тузишда у ҳоҳ қоғоз карта бўлсин ҳоҳ рақамли ишлар аввал маълумот тўплашдан бошланади. Олдинлари бу ишлар қийин математик ҳисоб-китоблар қилишни талаб қилар ва уларни бажаришга йиллар кетиши мумкин эди. Ҳозирда геодезик янги технологиялар ишлаб чиқарилди ва бунинг натижасида ер ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Самарқанд вилояти Булунғур туманида жами 2 та мева-сабзавотчилик, 1 та ғаллачилик, 1 та картошқачилик ва 5 та узумчилик йўналишида кластер ташкил этилиб фаолият юритиб келмоқда.

"БУЛУНҒУР САНДВИК" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери туман ҳокимининг 2018 йил 8 августдаги №1738-Қ сонли қарори билан кластер этиб расмийлаштирилган, унга тумандаги Ўзбекистон, Мингчинор, Улуғбек, А.Махсумов ва Бешкуви агрофирма массивидан жами 346 гектар, шундан фойдаланиладиган 342,33 гектар ер майдони узоқ муддатли ижара шартномасига асосан сабзавот йўналишида фаолият юритиш учун ажратиб берилган.

Шунингдек, "БУЛУНҒУР-САНДВИК" мева-сабзавотчилик агрокластерига 370 та фермер хўжаликлар ва уларнинг 1500,0 гектар майдони ҳамда кластерни ўзидаги 342,33 гектар майдонга сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун бириктириб берилган.

"БУЛУНҒУР-САНДВИК" мева-сабзавотчилик агрокластери томонидан етиштирилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари сотилишида корхона томонидан 2022 йил январ-апрел ойлари давомида маҳсулотлар экспорти амалга ошириш бўйича **584** тонна қуритилган сабзавот маҳсулотларини **2000.0** минг АҚШ долларига экспорти амалга оширилган. "БУЛУНҒУР-САНДВИК" кластер корхонасининг инфратузилма объектлари ҳамда техника ва агрегатлари, мавжуд қайта

ишлаш қуввати 40000 тоннани, оддий омборхона 200 тоннани ташкил этади ва корхонада 20 та юк ташувчи автомашиналар ҳамда 10 та турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд.

2022 йил ҳосили учун корхона томонидан фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш учун жами **2515.0** млн.сўм миқдорида аванс маблағлари ҳисобига уруғ ва кўчатлар ажратилган бўлиб, аҳоли ва шартнома қилмаган бошқа тадбиркорлик субъектларига тўловлар маҳсулот сотиб олиш вақтида амалга оширилади.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери туман ҳокимининг 2018 йил 5 августдаги №1086-Қ сонли қарори билан кластер этиб расмийлаштирилган, унга тумандаги "Дўстлик" ва "Булунғур" агрофирма массивидан жами 1314,0 гектар лалми ва фойдаланилмайдиган ер майдони узок муддатли ижара шартномасига асосан боғдорчилик йўналишида фаолият юритиш учун ажратиб берилган.

2021 йил 1 октябр ҳолатига 588 гектар майдонга интенсив боғ ташкил этилган (327 га гилос, 195 га шафтоли, 66 га черешня) ҳамда 2022 йил лойиҳага киритилган 400 гектар майдонга интенсив боғ ташкил этиш бўйича питомникларда етарли кўчатлар тайёрланган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластерининг ишлаб чиқариш қувватлари талабларидан келиб чиқиб, тумандаги 40 та фермер хўжалиklarининг 200 гектар ер майдони бириктириб берилган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластери томонидан етиштирилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари сотилишида корхона томонидан 2022 йил январ-апрел ойлари давомида маҳсулотлар экспорти бўйича **103.4** тонна мева-сабзавот маҳсулотларини **275.4** минг АҚШ долларига экспорттини амалга оширилган.

"САМАРҚАНД ГАРДЕН ПЛАСТ" МЧЖ мева-сабзавотчилик агрокластерининг инфратузилма объектлари ҳамда техника ва агрегатлари

мавжуд қайта ишлаш қуввати 10500 тоннани, 4500 тонналик музлаткичли омборхона ташкил этади ва корхонада 22 та турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд. 2022 йил ҳосили учун корхона томонидан шартнома тузилган фермер хўжаликларига жами **74.0** млн.сўм миқдорида аванс маблағлари ҳисобига кўчатлар тарқатилган, аҳоли ва шартнома қилмаган бошқа тадбиркорлик субъектларига тўловлар маҳсулот сотиб олиш вақтида амалга оширилади.

Туманда **"ПЕТ АГРО ОИЛ"** МЧЖ ғаллачилик йўналишида кластери туман хокимининг 2021 йил 2 ноябрдаги №125-7-93-К/21-сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, кластерга тумандаги 764 та ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари билан 6290 гектар майдондаги 15239 тонна донга фьючерс шартномаси тузилган. Кластер томонидан 2022 йил ғалла ҳосили учун ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига аванс сифатида минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4704-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман хокимининг 2020 йил 25 майдаги 327-сонли қарори билан **“ЗАРАФШОН ГРЕН АГРО”** МЧЖ картошкачилик кластери ташкил этилиб, кластер корхонасида 2 нафар янги иш ўрни ташкил этилган. Кластер корхонасига 61 та фермер хўжалиги 435 гектар ер майдони бириктирилиб берилган. 2022 йил ҳосили учун кластер томонидан 822 гектар майдонга картошка уруғи экилди, такрорий экин сифатида кечки 400 гектар майдонга элита ва Р-1 уруғлик картошкалари экилиши режалаштирилган.

2022 йилда кластер томонидан инвестиция лойиҳаси бўйича 300 тонналик музлаткичли омборхона қурилиши лойиҳалаштирилган, лойиҳа қиймати 1200 млн. сўм, шундан 400 млн. ўз маблағи, 800 млн. сўм банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган, жихозлар Хитой

давлатидан келтирилади натижада 5 нафар янги иш ўринлари ташкил этилади.

Туманда узумчиликни ривожлантириш, сохага илғор технологияларни жалб қилиш, йирик плантацияларда узум етиштиришни ташкил этиш мақсадида туман хокимининг 2021 йил 21 июлдаги №22-7-93-Қ/21-сонли қарори билан узумчилик йўналишида кластерлар ташкил этилиши белгилаб қўйилган, шу асосида туманда 5 та узумчилик йўналишида кластерлар ташкил этилди. Булардан 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ТУРОН ГЪАФФАРОВ”** Агро кластерига 52 та фермер хўжалигининг 593 гектар ер майдони, 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ОЛҚАРТЕПА”** Агро кластерига 74 та фермер хўжалигининг 480 гектар ер майдони, 2022 йил 11 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ”** Агро кластерига 57 та фермер хўжалигининг 1000 гектар ер майдони, 2022 йил 21 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“БУЛУНГУР АГРО ГРОУП”** МЧЖ кластерига 37 та фермер хўжалигининг 437 гектар ер майдони ва 2022 йил 12 январда давлат хизматлари рўйхатидан ўтган **“ШОҲЖАХОН ЖСД”** Агро кластерига 44 та фермер хўжалигининг 455 гектар ер майдони бириктириб берилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. З.Д.Охунов., И.Й.Абдуллаев. “Фотограмметрия” Ўқув қўлланма. Т., Чоълпон. 2007 йил -160 б.
- 2.Сафаров Э.Географик ахборот тизимлари. Тошкент., Университет, 2010 й.
3. Бобоколонов М.Х. “Аҳоли карталарини яратишда картографик усулларни таҳлил қилиш” магистрлик диссертацияси. СамДАҚИ. Самарқанд. 2013 й.

**ИСПОЛНЕНИЕ НАКАЗАНИЙ В ВИДЕ ШТРАФОВ, ЛИШЕНИЯ
ПРАВ И МОРАЛЬНОГО ИСПРАВЛЕНИЯ**

*Каракалпакский
государственный университет
Юридический факультет,
направление юриспруденция
3-курс Есемуратов Жасурбек*

Аннотация: Данная статья позволяет ознакомиться с основанием исполнения штрафов, исполнения муйюань лишения прав, порядком производства морально-исправительных работ.

Ключевые слова: Штраф, основание исполнения штрафа, исполнение наказания в виде лишения прав, порядок исполнения исправительных работ.

Штрафом является взыскание денежной суммы, указанной в УК РФ, с осужденного в доход государства на основании приговора суда. Штраф определяется в размере от пятисот до шестисот минимальных размеров заработной платы. Для несовершеннолетних назначается сумма от двух до двадцати минимальных размеров месячной заработной платы. Основанием для исполнения штрафа является вступившее в законную силу решение суда. Порядок исполнения штрафа - совершеннолетний, приговоренный к штрафу, должен добровольно уплатить штраф в течение одного месяца со дня вступления приговора в законную силу, а несовершеннолетний - в течение шести месяцев. Исполнение штрафа начинается на следующий день после вступления решения суда в законную силу. При этом суд знакомит осужденного с порядком уплаты штрафа, разъясняет условия уплаты, указывает форму уплаты и

последствия отказа от уплаты. Если осужденный добровольно не уплатит штраф в течение этого срока, исполнение штрафа будет направлено в принудительное исполнение. В соответствии со статьей 44 УК РУз наказание выражается во взыскании с виновных денежных средств в доход государства в размере, установленном УК. Штраф является видом наказания, которое оформляется отдельным документом, и время исполнения штрафа начинается с момента вступления приговора в законную силу, и ГЛАВА 4 Исполнение взыскания в виде штрафа

СУММА Штраф: Срок добровольной уплаты: В случае уклонения от уплаты штрафа заменяется следующими видами взысканий: От пяти до шестисот минимальных размеров оплаты труда Для совершеннолетних
Для несовершеннолетних Один месяц Шесть месяцев исправительных работ или ограничения по возрасту отбывания наказания или лишения свободы
Десять минимальных размеров оплаты труда за каждый месяц приравниваются к штрафу в размере шестикратного размера и налагаются на срок не более трех лет. В отношении несовершеннолетних размер налагаемого штрафа по решению суда от двукратного до двадцатикратного размера минимальной месячной заработной платы выплачивается за счет доходов государства. Это наказание в первую очередь сказывается на материальном состоянии виновного. По этой причине оно считается наиболее действенным наказанием, а в определенных случаях позволяет не изолировать преступника от общества. Согласно статье 44 УК Республики Узбекистан штраф может быть назначен в размере от пятисот до шестисот минимальных размеров заработной платы и только в качестве основного наказания. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 3 февраля 2006 года № 1 «О практике назначения судами наказаний за преступления» содержит рекомендации по применению штрафов, в том числе штрафов при назначении, помимо размера штрафа, в постановляющей части приговора указывается общая сумма, исчисленная исходя из минимальной месячной заработной платы на момент

совершения преступления и выраженная в денежной единице. При определении размера неустойки в виде штрафа суд должен, как правило, исходить из возможности ее фактической уплаты. Например, следует учитывать материальное положение ответчика, а также наличие на его попечении несовершеннолетних детей, престарелых родителей и др. [Собрание постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. 1991-2006 гг. Т.2. - Т.: Адолат, 2006. - С. 227]. Совершеннолетний, приговоренный к штрафу, должен добровольно уплатить штраф в течение одного месяца со дня вступления приговора в законную силу, а несовершеннолетний - в течение шести месяцев. При исполнении штрафа суд знакомит осужденного с порядком уплаты штрафа, разъясняет сроки уплаты, предупреждает о форме платежа и последствиях неуплаты. Если осужденный добровольно не уплатит штраф в установленный законом срок, то штраф взыскивается судебным приставом-исполнителем в обязательном порядке. Согласно статье 30 Закона Республики Узбекистан «Об исполнении судебных документов и документов иных органов», принятого 29 августа 2001 года и вступившего в силу с 1 января 2002 года, оно должно быть осуществлено и исполнено судебным приставом-исполнителем в течение максимальный срок два месяца с даты окончания срока, установленного для добровольного исполнения документа 62". Поэтому по этой норме срок обязательного исполнения штрафа не должен превышать двух месяцев. Наказание в виде исправительных работ осуществляется на предприятиях, в учреждениях и организациях независимо от форм собственности. Лица, осужденные к исправительным работам с условием отбывания наказания по месту работы, до отбывания наказания продолжают трудовую деятельность на предприятии, в учреждении или организации, где они работали. Осужденные к этому виду наказания привлекаются к общественно полезному труду, а в их воспитании принимают участие администрация и трудовые коллективы предприятия, на котором осужденный отбывает

наказание. Важнейшим аспектом этого наказания является то, что если осужденный остается на своем рабочем месте для отбывания наказания, ему не приходится менять профессию и осваивать новую. При этом он не забывает знания и навыки, связанные с его профессией, а развивает их дальше.

Согласно статье 451 Уголовного кодекса Республики Узбекистан обязательные общественные работы состоят в принуждении осужденного к безвозмездному выполнению полезных общественных работ. Если осужденный работает или учится, обязательные общественные работы выполняются в свободное от работы или учебы время. «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению надежной защиты прав и свобод граждан», вступивших в силу с 1 апреля 2017 года. в систему уголовных наказаний было введено уголовное наказание в виде «обязательных общественных работ». Согласно этому Закону Уголовный кодекс Республики Узбекистан дополнен новой главой 6 1 под названием «Исполнение и отбывание наказания в виде обязательных работ». В соответствии со статьей 14 ГК РФ наказание в виде обязательных работ исполняется органами внутренних дел или иным органом, определяемым судом. Соответственно, исполнение наказания в виде обязательных работ осуществляется путем проверки исполнения наказаний органов внутренних дел по месту жительства осужденного. Места (сооружения), где осужденный может нести обязательные общественные работы, и виды обязательных общественных работ определяются инспекцией по исполнению наказаний по представлению местных исполнительных органов. Лицо, осужденное к обязательным общественным работам, должно быть привлечено к отбыванию наказания не позднее десяти суток со дня получения извещения суда о вступлении приговора в законную силу при проверке исполнения наказаний

соответствующих органов внутренних дел. тело. В период исполнения наказания предоставление осужденному очередного ежегодного отпуска по основному месту работы не приостанавливает исполнение наказания в виде обязательных работ.

Лишение определенного права - лишение лица определенного права заключается в запрещении виновному занимать те или иные должности на предприятиях, в учреждениях или организациях либо заниматься той или иной деятельностью в течение срока, определяемого судом. При применении наказания в виде лишения определенного права в качестве дополнительного наказания оно исполняется органом, исполняющим основное наказание. Исполнение наказания в виде лишения определенных прав - исполнение наказания в виде лишения определенных прав осуществляется инспекцией по исполнению наказаний органов внутренних дел по месту жительства осужденного.

Исправительные работы - исправительные работы определяются как деятельность по принуждению лица к труду с отчислением от десяти до тридцати процентов его заработной платы за счет доходов государства на основании приговора суда.

В соответствии со статьей 46 Уголовного кодекса Республики Узбекистан исправительные работы состоят в принуждении лица к работам с отчислением от десяти до тридцати процентов его заработной платы за счет доходов государства или в иных местах, определяемых органами, контролирующими исполнения этого приговора. При отсутствии у осужденного постоянного места жительства исполнение наказания возлагается на инспекцию исполнения наказаний по месту вынесения приговора. Лица, осужденные к обязательным общественным работам, освобождаются от отбывания наказания, если они становятся нетрудоспособными или достигают пенсионного возраста в период отбывания данного вида наказания, а также в случае ухода женщин в

отпуск по беременности и родам во время отбывания этого вида наказания. В случае наступления указанных обстоятельств в период отбывания осужденным обязательных общественных работ инспекция по исполнению наказаний направляет в суд представление об освобождении осужденного от отбывания наказания. Следует отметить, что обязательные общественные работы выполняются бесплатно.

Использованная литература:

1. Jinoyat-ijroiya huquqi: Darslik // Mualliflar jamoasi. - T.: TDYU, 2019. 328-bet.
2. O'zbekiston Respublikasining jinoyat – ijroiya kodeksi, Yangi tahrir, 2021
- 3 . F.E.Muxamedov, G.A.Alimov, R.R.Shakurov, A.A.Rasulev, Jinoyat qonunchiligi normalarini qo'llashga oid masalalar to'plami. Toshkent – 2019

**JARIMA, MUYUYUAN HUQUQDAN MAHRUM QILISH VA
AXLOQAN TUZATISH ISHLARI TARIQASIDAGI JAZOLARNI
IJRO ETISH**

Qoraqalpoq Davlat Universiteti

Yuridika fakulteti Yurisprudensiya yo'nalishi

3-bosqich talabasi Esemuratov Jasurbek

Annotatsiya. Ushbu maqolada jarima jazosining ijro etish asosini, muyyuan huquqdan mahrum qilish jazosining ijro etishi, axloqan tuzatish ishlarini ijro etish tartibi bilan tanishib chiqish imkonini beradi

Kalit so'zlar: Jarima jazosi, jarima jazosini ijro etish asosi, muyyuan huquqdan mahrum qilish tariqasidagi jazoni ijro etish, axloq tuzatish ishlarini ijro etish tartibi

Jarima jazosi - mahkumdan sud hukmi asosida davlat daromadiga JKda belgilangan miqdorda pul summasini undirishdir. Jarima eng kam oylik ish haqining besh baravaridan olti yuz baravarigacha miqdorida belgilanadi. Voyaga yetmaganlarga esa eng kam oylik ish haqining ikki baravaridan yigirma baravarigacha miqdorda tayinlanadi. Jarima jazosini ijro etish asosi - jarima jazosini ijro etish asosi bo'lib sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi hisoblanadi. Jarima jazosini ijro etish tartibi – jarima tariqasidagi jazoga hukm qilingan voyaga yetgan shaxs jarimani hukm qonuniy kuchga kirgan kundan boshlab bir oylik muddat ichida, voyaga yetmagan esa olti oy ichida ixtiyoriy ravishda to'lashi shart. Jarima jazosini ijro etish sud hukmi qonuniy kuchga kirgan kunning ertasi kunidan boshlanadi. Bunda sud mahkumni jarimani to'lash tartib-qoidalari bilan tanishtiradi, to'lash muddatlarini tushuntiradi, to'lov shakli

va to'lashdan bosh tortganlik oqibatlarini eslatib o'tadi. Agarda mahkum mana shu muddat mobaynida jarimani ixtiyoriy ravishda to'lamasa unda jarima jazosini ijro etish majburiy ijroga yuboriladi.

O'zbekiston Respublikasi JKning 44-moddasiga muvofiq, jarima jazosi aybdordan davlat daromadiga Jinoyat kodeksida belgilangan miqdorda pul undirilishida ifodalanadi. Jarima alohida hujjat bilan ijro etiladigan jazo turi bo'lib, hukm qonuniy kuchga kirishi bilan jarimaning ijro etilish vaqti boshlanadi va 4-BOB Jarima tariqasidagi jazoni ijro etish Jarima miqdori: Ixtiyoriy ravishda to'lash muddati: jarimani to'lashdan bo'yin tovlansa, quyidagi jazolar bilan almashtiriladi: Eng kam oylik ish haqining besh baravaridan olti yuz baravarigacha Voyaga yetganlar ga nisbatan Voyaga yetmaganga nisbatan Bir oy Olti oy axloq tuzatish ishlari yoki xizmat bo'yicha cheklash yoxud ozodlikdan mahrum qilishning har bir oyi eng kam oylik ish haqining o'n olti baravari miqdoridagi jarimaga tenglashtirilib, uch yildan ko'p bo'lmagan muddatga tayinlanadi Voyaga yetmaganlarga nisbatan eng kam oylik ish haqining ikki baravaridan yigirma baravarigacha sud hukmida tayinlangan jarima miqdori davlat daromadi hisobiga to'lanalishi lozim. Mazkur jazo eng avvalo aybdor shaxsning moddiy ahvoliga ta'sir ko'rsatadi. Ayni shu sababli u eng samarali jazo hisoblanadi va muayyan hollarda aybdorni jamiyatdan ajratmaslik imkoniyatini beradi. O'zbekiston Respublikasi JKning 44-moddasiga muvofiq, jarima eng kam oylik ish haqining besh baravaridan olti yuz baravarigacha miqdorda va faqat asosiy jazo tariqasida tayinlanishi mumkin. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi plenumining "Sudlar tomonidan jinoyat uchun jazo tayinlash amaliyoti to'g'risida" 2006-yil 3 fevraldagi 1-son qarorida jarima tariqasidagi jazoni qo'llash bo'yicha tavsiyalar berilgan bo'lib, jumladan, jarima tariqasidagi jazo tayinlanganda hukmning qaror qismida jarima miqdori bilan bir qatorda uning jinoyat sodir etilgan vaqtdagi eng kam oylik ish haqi miqdoridan kelib chiqib hisoblangan, pul birligida ifodalangan jami summasi ham ko'rsatilishi lozim. E'tiblorli tomoni jarima tariqasidagi jazoni tayinlash va

miqdorini belgilashda sud, odatda, uning amalda to'лана olinishi imkoniyatidan kelib chiqishi lozim. Bunda, chunonchi, sudlanuvchining moddiy ahvoli, shuningdek qaramog'ida voyaga yetmaganlar farzandlari, keksa ota-onasi borligi va hokazolar inobatga olinishi lozim [O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi plenumi qarorlari to'plami. 1991-2006. T.2. – T.: Adolat, 2006. – B. 227]. Jarima tariqasidagi jazoga hukm qilingan voyaga yetgan shaxs jarimani hukm qonuniy kuchga kirgan kundan boshlab bir oylik muddat ichida, voyaga yetmagan shaxs esa olti oy ichida ixtiyoriy ravishda to'lashi shart. Jarima jazosini ijro etishda sud mahkumni jarimani to'lash tartib-qoidalari bilan tanishtiradi, to'lash muddatlarini tushuntiradi, to'lov shakli va to'lashdan bo'yin tovlaganlik oqibatlarini to'g'risida ogohlantiradi. Agarda mahkum qonunda belgilangan muddat mobaynida jarimani ixtiyoriy ravishda to'lamasa, unda jarima sud ijrochisi tomonidan majburiy tartibda undirib olinadi. O'zbekiston Respublikasining 2001-yil 29-avgustda qabul qilingan va 2002-yil 1-yanvardan kuchga kirgan "Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish to'g'risida"gi qonunining 30-moddasiga muvofiq "ijro harakatlari va ijro hujjatining talablari ijro hujjatining ixtiyoriy ijro 62 etilishi uchun belgilangan muddat tugagan kundan e'tiboran ko'pi bilan ikki oy muddat ichida sud ijrochisi tomonidan amalga oshirilishi va ijro etilishi kerak". Demak, mazkur normaga ko'ra jarima jazosini majburiy ijro etish muddati ikki oydan oshmasligi lozim.

Muayyan huquqdan mahrum qilish - shaxsni muayyan huquqdan mahrum qilish sud tayinlagan muddat davomida aybdorning korxonalar, muassasalar yoki tashkilotlarda u yoki bu mansabni egallashini yoxud u yoki bu faoliyat bilan shug'ullanishni taqiqlashdan iboratdir. Muayyan huquqdan mahrum qilish jazosi qo'shimcha jazo sifatida qo'llanilganda asosiy jazoni ijro etuvchi organ tomonidan amalga oshiriladi. Muayyan huquqdan mahrum qilish tariqasidagi jazoni ijro etish - muayyan huquqdan mahrum qilish tariqasidagi jazo ijrosi mahkumning yashash joyidagi ichki ishlar organlarining jazolarni ijro etish inspeksiyasi tomonidan amalga oshiriladi.

Axloq tuzatish ishlari - axloq tuzatish ishlari bu sud hukmi asosida shaxs ish haqining o'n foizidan o'ttiz foizigacha miqdorini davlat daromadi hisobiga ushlab qolgan holda uni mehnatga majburan jalb qilishdan iborat bo'lgan faoliyat tushuniladi.

O'zbekiston Respublikasi JKning 46-moddasiga asosan axloq tuzatish ishlari shaxs ish haqining o'n foizidan o'ttiz foizigacha miqdorini davlat daromadi hisobiga ushlab qolgan holda uni mehnatga majburan jalb qilishdan iborat bo'lib, jazo sudning hukmiga muvofiq mahkumning o'z ish joyi yoki mazkur jazo ijrosini nazorat qiluvchi organlar belgilab beradigan boshqa joylarda o'taladi. Mahkum doimiy yashash joyiga ega bo'lmagan taqdirda hukmning ijrosi hukm chiqarilgan joydagi jazolarni ijro etish inspeksiyasi zimmasiga yuklanadi.

Axloq tuzatish ishlari tariqasidagi jazo mulkchilik shaklidan qat'iy nazar, korxonalar, muassasalar va tashkilotlarda o'taladi. Jazoni o'z ish joyida o'tash sharti bilan axloq tuzatish ishlariga hukm qilingan shaxslar sudlangunga qadar o'zlari ishlagan korxonada, muassasa yoki tashkilotda mehnat faoliyatini davom ettiraveradilar. Ushbu jazo turiga hukm qilinganlar ijtimoiy foydali mehnatga jalb qilinib, ularni tarbiyalashda mahkum jazoni o'tayotgan korxonada ma'muriyati va mehnat jamoalari qatnashadilar. Bu jazoning g'oyat muhim tomoni shundaki, mahkum jazoni o'tash uchun o'z ish joyida qoldirilgan bo'lsa, kasbini o'zgartirishga va yangi kasbni o'rganishga to'g'ri kelmaydi. Bu bilan u kasbi bilan bog'liq bo'lgan bilim va mahoratini esidan chiqarib qo'ymaydi, balki yanada rivojlantiradi.

O'zbekiston Respublikasi JKning 451 -moddasiga asosan majburiy jamoat ishlari shaxs mahkumni haq to'lanmaydigan foydali jamoat ishlarini bajarishga majburiy tarzda jalb qilishdan iborat. Mahkum ishlayotga yoki o'qiyotgan bo'lsa, majburiy jamoat ishlari ishdan yoki o'qishdan bo'sh vaqtda o'taladi. 2017 yil 1 apreldan kuchga kirgan "Fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini ta'minlashga doir qo'shimcha

chora-tadbirlarning qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonunga ko‘ra jinoiy jazolar tizimiga “majburiy jamoat ishlari” tariqasidagi jinoiy jazo turi kiritildi. Ushbu Qonunga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-ijroiya kodeksi “Majburiy jamoat ishlari tariqasidagi jazoni ijro etish va o‘tash” deb nomlangan yangi 61 -bob bilan to‘ldirildi. JIKning 14-moddasiga muvofiq majburiy jamoat ishlari jazosi ichki ishlar organlari tomonidan yoki sud belgilaydigan boshqa organ tomonidan ijro etiladi. Shunga ko‘ra majburiy jamoat ishlari tariqasidagi jazoni ijro etish mahkumning yashash joyidagi ichki ishlar organlarining jazolarni ijro etish inspeksiyasi tomonidan amalga oshiriladi. Mahkum majburiy jamoat ishlarini o‘tashi mumkin bo‘lgan joylar (obyektlar) va majburiy jamoat ishlarining turlari jazolarni ijro etish inspeksiyalari tomonidan mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining taklifiga ko‘ra belgilanadi. Majburiy jamoat ishlariga hukm qilingan shaxs jazoni o‘tashga sudning hukm qonuniy kuchga kirganligi haqidagi xabarnomasi tegishli ichki ishlar organining jazolarni ijro etish inspeksiyasiga kelib tushgan kundan e’tiboran o‘n kundan kechiktirmay jalb qilinadi. Jazoni ijro etishda mahkumga asosiy ish joyidan navbatdagi har yilgi mehnat ta’tilining berilishi majburiy jamoat ishlari tariqasidagi jazoning ijrosini to‘xtatib turmaydi. Majburiy jamoat ishlariga hukm qilingan shaxslar jazoni o‘tash vaqtida mehnatga yaroqsiz bo‘lib qolsalar yoxud pensiya yoshiga yetgan bo‘lsalar, shuningdek ayollar bu turdagi jazoni o‘tayotgan vaqtda homiladorlik va tug‘ish ta’tiliga chiqsalar, jazoni o‘tashdan ozod qilinadilar. Mahkum majburiy jamoat ishlarini o‘tashi davrida yuqoridagi holatlar yuzaga kelgan taqdirda, jazolarni ijro etish inspeksiyasi tomonidan sudga mahkumni jazoni o‘tashdan ozod qilish to‘g‘risida taqdimnoma yuboriladi. Qayd etish kerakki, majburiy jamoat ishlari bepul asosda bajariladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Jinoyat-ijroiya huquqi: Darslik // Mualliflar jamoasi. - T.: TDYU, 2019. 328-bet.

2. O'zbekiston Respublikasining jinoyat – ijroiya kodeksi, Yangi tahrir, 2021

3 . F.E.Muxamedov, G.A.Alimov, R.R.Shakurov, A.A.Rasulev, Jinoyat qonunchiligi normalarini qo'llashga oid masalalar to'plami. Toshkent – 2019

JINOYATLARNING OLDINI OLISH CHORALARI

Qoraqalpoq Davlat Universiteti

Yuridika fakulteti Yurisprudensiya yo'nalishi

3-bosqich talabasi **Esemuratov Jasurbek**

Annotatsiya. Mazkur maqolada jinoyatlarning oldini olish choralari tushunchasi, turlari va huquqiy oqibatlarini hamda jinoyatlarning oldini olishning protsessual vositalari haqidagi bilimlarini samarali o'zlashtirishda imkoni beradi

Kalit so'zlar: Jinoyat, jinoyatlarning oldini olish choralari tushunchasi, turlari va huquqiy asoslari, mamlakatimizda jinoyatlarning barvaqt oldini olish va huquqbuzarliklarga qarshi kurash holati

Jinoyat — jinoyat qonunida nazarda tutilgan ijtimoiy xavfli qilmish. Muayyan qilmishni jinoyat deb hisoblash masalasi har bir davlatda o'zining ijtimoiy tuzumi, aholining turmush tarzi, milliy xususiyatlari, urf-odatlarini, an'analariga muvofiq xalqaro huquq me'yorlari e'tiborga olingan holda hal etiladi.

Qilmish jinoyat ekanligini aniqlash uchun quyidagi umumiy belgilar nazarga olinadi:

1. qilmishning ijtimoiy xavfliligi;
2. aybning mavjudligi;
3. jazoga sazovorligi.

Har qanday jinoyat qilmishda mazkur belgilarning barchasi birdaniga mavjud bo'lishi shart, ulardan biri mavjud bo'lmasa, qilmishni jinoyat emas, deb hisoblashga asos topiladi.

Ehtiyot chorasi ayblanuvchi, sudlanuvchi surishtiruvdan, dastlabki tergovdan va suddan bo‘yin tovlashining oldini olish; uning bundan buyongi jinoiy faoliyatining oldini olish; uning ish bo‘yicha haqiqatni aniqlashga halal beradigan urinishlariga yo‘l qo‘ymaslik; hukmning ijro etilishini ta‘minlash maqsadida qo‘llaniladi. Kafillar ushbu ehtiyot chorasi qo‘llanilishiga sabab bo‘lgan ayblovning mohiyati, ayblanuvchiga qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan jazo, oldini olish maqsadida kafillik tariqasidagi ehtiyot chorasi ko‘rilgan harakat ayblanuvchi, sudlanuvchi tomonidan sodir etilgan taqdirda kafillarning javobgarligi haqida ogohlantirilishi lozim. Bu ma‘lumotlar kafillikka berish bayonnomasida qayd qilinib, uni shu ehtiyot chorasini qo‘llayotgan mansabdor shaxs, ayblanuvchi, sudlanuvchi va kafillar imzolashi lozim yoki bu ma‘lumotlar sud majlisi bayonnomasida aks ettiriladi. Bundan tashqari, har bir kafillikka oluvchi kafillik to‘g‘risida tilxat beradi.

Kafillar ularni javobgarlikka tortish uchun sabab bo‘ladigan asoslar kelib chiqqunga qadar o‘z zimmalariga olingan majburiyatlardan voz kechishlari mumkin. Kafillar ayblanuvchining, sudlanuvchining xulq-atvorini kuzatishga imkoni bo‘lmaganligini bahona qilishga haqli emaslar, ular bartaraf etib bo‘lmaydigan vaziyatning ta‘sirini isbotlab beradigan hollar bundan mustasno.

Ayblanuvchi, sudlanuvchi oldi olinishi uchun shaxsiy kafillik qo‘llanilgan harakatlarni sodir etgan taqdirda, kafil qonunda belgilangan javobgarlikka tortilishi mumkin.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda o‘tkazilgan islohotlar natijasida jinoyatlarning barvaqt oldini olish va huquqbuzarliklarga qarshi kurashishda yangi ish uslublari tatbiq qilinib, aholi va jamoatchilik bilan uzviy muloqot yo‘lga qo‘yildi, ushbu sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari keng joriy etildi. Jinoyatlarning barvaqt oldini olish va huquqbuzarliklarga qarshi kurashishda davlat organlari va jamoat tashkilotlari o‘rtasida hamkorlik yanada kuchaytirildi. Olib borilayotgan keng ko‘lamli ishlar natijasida fuqarolarda jinoyatchilikka qarshi kurashishga va

huquqbuzarliklarning oldini olishga daxldorlik hissi shakllandi. Amalga oshirilgan tizimli ishlar natijasida 2018-yilning 7 oyida umumiy jinoyatlarning 38,2 foizga, jinoyat-qidiruv yo'nalishidagi jinoyatlarning 38,3 foizga kamayishiga erishildi. Biroq, jinoyatlarning barvaqt oldini olish va huquqbuzarliklarga qarshi kurashish borasidagi faoliyatda yechimini kutayotgan xato va kamchiliklar hamda foydalanilmayotgan imkoniyatlar mavjud. O'tkazilgan tadbirlar va ko'rilgan choralar yetarli darajada samara bermaganligi oqibatida, Andijon, Surxondaryo viloyatlari, Qoraqalpog'iston Respublikasida qotillik va badanga og'ir tan jarohati yetkazish, Farg'ona viloyatida nomusga tegish, Jizzax viloyatida bosqinchilik, Namangan, Jizzax viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasida transport vositasini olib qochish jinoyatlari oshgan. Ichki ishlar, Xalq ta'limi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirliklari, Yoshlar ittifoqi, Xotin-qizlar qo'mitasi va boshqa jamoat tashkilotlari faoliyati ham kutilgan natijalarni bermagan. Jinoyatlarning qariyb 30 foizi voyaga yetmaganlar va yoshlar, 12,5 foizi xotin-qizlar tomonidan sodir etilgan. Buxoro, Jizzax, Samarqand va Navoiy viloyatlarida xotin-qizlar tomonidan fohishalik bilan shug'ullanish kabi salbiy holatlar ko'paygan. Mahalla faollari, jamoat tashkilotlari va profilaktika inspektorlari tomonidan notinch va noqobil oilalarni, o'z vaqtida aniqlash, ularning manzilli ro'yxatlarini tuzish, oiladagi ma'naviy-axloqiy muhitni sog'lomlashtirishga qaratilgan ishlar to'g'ri yo'lga qo'yilmaganligi oqibatida, o'ta og'ir jinoyatlar sodir etilgan. Xususan, 277 ta qotillik jinoyatining 116 tasi yoki 42 foizi qarindosh-urug'larning oila-turmush doirasidagi janjallari, 25 tasi yoki 9 foizi esa, qo'ni-qo'shnilarning o'zaro kelishmovchiliklari zahirida kelib chiqqan. Ayniqsa, maishiy va mulkiy nizolar zahirida sodir etilgan yengil tan jarohati yetkazish bilan bog'liq huquqbuzarliklar tahlil qilinib, kelgusida jinoyatlarning oldini olish va nizoni hal etishga qaratilgan choralar ko'rilmaganligi oqibatida, og'ir va o'ta og'ir jinoyatlar sodir etilgan. Ilgari sudlangan shaxslarni profilaktik hisobga olish va ular bilan profilaktik tadbirlar o'tkazishda ham jiddiy kamchiliklarga yo'l qo'yilgan. Jumladan, ushbu toifadagi shaxslar tomonidan jinoyat sodir etish

holatlari Jizzax viloyatida oshgan, Andijon, Buxoro, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo, Farg‘ona viloyatlari, Toshkent shahri va Qoraqalpog‘iston Respublikasida esa yuqoriligicha qolgan. Bundan tashqari, sodir bo‘lgan har bir jinoyatni avvalo, jinoyat sodir bo‘lgan va jinoyat sodir qilgan shaxsning yashash joyidagi mahallalarda keng jamoatchilikni jalb qilgan holda muhokama qilish to‘liq ta‘minlanmagan. Ichki ishlar organlari tomonidan boshqa hududdan kelib jinoyat sodir etgan fuqarolarning qilmishlari haqida ularning yashash joylariga xabar berish amaliyoti to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilmagan. Ayrim hududlarda “Jamoatchilik nazorati” maskanlarining ish faoliyati talab darajasida tashkil qilinmagan. Tezkor-qidiruv ishlari to‘g‘ri tashkil qilinmaganligi sababli, umumiy jinoyatlarning 6 foizi, jinoyat-qidiruv yo‘nalishidagi jinoyatlarning 8,1 foizi fosh etilmagan. Tergov va sud organlaridan yashiringan qidiruvdagi shaxslarning 71,5 foizi ushlanmagan. Yo‘l-transport hodisalarining oldini olish borasida o‘tkazilgan tadbirlar samarasiz bo‘lganligi bois, Namangan, Andijon, Navoiy, Qashqadaryo va Jizzax viloyatlarida odam o‘limiga sababchi bo‘lgan yo‘l-transport hodisalari oshgan. Ichki ishlar organlari xodimlari tomonidan jinoyat haqidagi ariza va xabarlarini qayd etmaslik yo‘li bilan jinoyatlarni hisobdan yashirish holatlariga hamon barham berilmagan. Xususan, 48 ta jinoyatlar qayd etmaslik yo‘li bilan hisobdan yashirilgan. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonunga hamda fohishalik bilan shug‘ullanganlik uchun javobgarlikni kuchaytirish yuzasidan qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish masalasi oxiriga yetkazilmagan. Sog‘liqni saqlash vazirligining ichkilikka ruju qo‘ygan, giyohvandlikka chalingan shaxslarni va tajovuzkor ruhiy kasallarni davolash muassasalarini muayyan hudud geografiyasidan kelib chiqqan holda soni va qamrovini oshirish hamda ularni tegishli mutaxassis va anjomlar bilan ta‘minlash masalalari bo‘yicha hanuzgacha amaliy ishga kirishilmagan. Davlat organlari va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirilgan chora-tadbirlar samarali tashkil etilmaganligi bois, fuqarolarning o‘z joniga qasd yoki suiqasd qilish holatlari Buxoro, Jizzax, Navoiy, Farg‘ona, Qashqadaryo,

Toshkent viloyatlari va Qoraqalpog‘iston Respublikasida oshgan. Yoshlar o‘rtasida ularning sog‘lig‘i, tarbiyasi va ruhiyatiga salbiy ta‘sir ko‘rsatuvchi tramadol, sonnat va lirika kabi psixofaol dori vositalariga ruju qo‘yish holatlari ko‘paygan. Ayni paytda, qonun hujjatlarida ushbu vositalarning noqonuniy savdosi bilan shug‘ullanganlik uchun javobgarlik nazarda tutilmagan.

Xuloso qilib aytgach, Ichki ishlar idoralari va huquqni muhofaza qiluvchi boshqa organlar mas‘ul xodimlari, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari va aholi ishtirokida huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlar tashkil etilmoqda. Poytaxtimizning shu maqsadga qaratilgan chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda. Profilaktika kunida jinoyatchilikka qarshi kurashish, uning oldini olish, qonun ustuvorligini ta‘minlashga qaratilgan ishlar samaradorligini oshirishga e‘tibor qaratilayotir. Farzandlarimizning har tomonlama yetuk inson bo‘lib voyaga yetishi uchun ularning chuqur bilim olishi muhim ahamiyatga ega

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jinoyat protsessual huquqi darslik Mualliflar jamoasi// - T: TDYU nashriyoti 2021- 248 bet

2. S. Saxaddinov, O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat – protsessual kodeksiga sharhlar. Yangi asr avlodi – 2014

3. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) ma‘lumotlaridan foydalanilgan

МЕРЫ ПО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ ПРЕСТУПНОСТИ

*Каракалпакский государственный университет
Юридический факультет, направление юриспруденция
3-курс Есемуратов Жасурбек*

Данная статья дает возможность эффективно получить знания о понятии, видах и правовых последствиях мер профилактики правонарушений, а также о процессуальных средствах профилактики правонарушений.

Ключевые слова: понятие, виды и правовые основы преступности, меры профилактики правонарушений, состояние ранней профилактики правонарушений и профилактики правонарушений в нашей стране.

Преступлением является общественно опасное деяние, определяемое уголовным законом. Вопрос о признании конкретного деяния преступлением решается в каждой стране с учетом норм международного права в соответствии с ее социальной структурой, образом жизни населения, национальными особенностями, обычаями, традициями.

Для определения того, является ли преступление преступлением, учитываются следующие общие признаки:

1. общественная опасность деяния;
2. наличие вины;
3. Наказание.

В любом преступном деянии все эти признаки должны присутствовать одновременно, при отсутствии одного из них есть

основание считать деяние преступным. Мера пресечения для предотвращения уклонения обвиняемого, подсудимого от дознания, предварительного следствия и суда; предотвращение его дальнейшей преступной деятельности; пресечь его законные попытки узнать правду по делу; используется для обеспечения исполнения приговора. Поручители должны быть предупреждены о характере обвинения, повлекшего за собой применение данной меры пресечения, о наказании, которое может быть применено к обвиняемому, и об ответственности поручителей в случае совершения деяний, для предотвращения которых была применена мера пресечения. принято в качестве гарантии. Эти сведения должны быть внесены в протокол о даче поручительства и подписаны должностным лицом, применяющим данную меру пресечения, обвиняемым, подсудимым и поручителями, либо эти сведения должны быть отражены в протоколе судебного заседания. Кроме того, каждый поручитель должен выдать гарантийную расписку. Поручители могут отказаться от своих обязательств до тех пор, пока не появятся основания для привлечения их к ответственности. Поручители не имеют права оправдывать себя тем, что не имели возможности наблюдать за поведением обвиняемого, подсудимого, за исключением случаев, когда они доказывают влияние непреодолимых обстоятельств. В случае совершения обвиняемым, подсудимым действий, за которые используется личное поручительство, поручитель может быть привлечен к ответственности в установленном законом порядке. В результате реформ, проведенных в последние годы в нашей стране, внедрены новые методы работы в области раннего предупреждения преступлений и борьбы с правонарушениями, налажен органичный диалог с населением и общественностью, внедрены современные информационно-коммуникационные технологии. широко внедряются в этой области. Укреплено взаимодействие государственных органов и общественных организаций в сфере раннего предупреждения преступлений и борьбы с правонарушениями. В результате проводимой

масштабной работы у граждан сформировалось чувство причастности к борьбе с преступностью и предупреждению правонарушений. В результате проведенной системной работы за 7 месяцев 2018 года достигнуто снижение на 38,2% от общего числа преступлений и на 38,3% преступлений по направлению уголовного розыска. Однако в деятельности по раннему предупреждению преступлений и борьбе с правонарушениями имеются ошибки и недостатки, ожидающие своего решения, а также неиспользованные возможности. В результате недостаточной эффективности проведенных мероприятий и принятых мер имели место убийства и тяжкие телесные повреждения в Андижанской, Сурхандарьинской областях, Республике Каракалпакстан, бесчестие в Ферганской области, нашествия в Джизакской, Наманганской, Джизакской областях и в Республике Каракалпакстан. В Каракалпакстане увеличилась преступность по угону автомобилей. Деятельность министерств внутренних дел, народного образования, высшего и среднего специального образования, Союза молодежи, Комитета женщин и девушек и других общественных организаций не дала ожидаемых результатов. Около 30 процентов преступлений совершено несовершеннолетними и молодыми людьми, 12,5 процента - женщинами. В Бухарской, Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях участились такие негативные ситуации, как проституция женщинами. Соседские активисты, общественные организации, инспекторы профилактики не смогли должным образом выявить неблагополучные и недееспособные семьи, составить их адресные списки, улучшить морально-нравственный климат в семье, в результате чего были совершены тяжкие преступления. В частности, из 277 убийств 116 или 42% были вызваны семейными ссорами между родственниками, а 25 или 9% - взаимными разногласиями между соседями. В частности, были проанализированы преступления, связанные с легкими телесными повреждениями, совершенными во время бытовых и имущественных споров, а в связи с отсутствием мер, направленных на

предупреждение будущих преступлений и разрешение споров, совершены тяжкие и особо тяжкие преступления. Имеются также серьезные недостатки в профилактическом учете ранее судимых и проведении в отношении них профилактических мероприятий. В частности, количество преступлений, совершенных лицами данной категории, увеличилось в Джизакской области, и осталось высоким в Андижанской, Бухарской, Наманганской, Самаркандской, Сурхандарьинской, Сырдарьинской, Ферганской областях, городе Ташкенте и Республике Каракалпакстан. не в полной мере обеспечена охрана населения в микрорайонах, где произошло преступление и где проживает лицо, совершившее преступление, не была должным образом организована, в некоторых регионах работа центров «Общественного контроля» не была организована на должном уровне 8.1 процент нераскрытых преступлений. 71,5% разыскиваемых лиц, скрывающихся от следственных и судебных органов, не задержаны. Из-за неэффективности принимаемых мер по предупреждению дорожно-транспортных происшествий увеличилось количество дорожно-транспортных происшествий с человеческими жертвами в Наманганской, Андижанской, Навоийской, Кашкадарьинской и Джизакской областях. Случаи сокрытия преступлений сотрудниками органов внутренних дел путем нерегистрации заявлений и сообщений о преступлении до сих пор не устранены. В частности, 48 преступлений были сокрыты от учета путем их неучета. Не завершен вопрос о внесении изменений и дополнений в Закон «О профилактике правонарушений» и в законодательство об усилении ответственности за занятие проституцией». Здравоохранение еще не приступило к практической работе по вопросам увеличения количества и охвата учреждений для лечения алкоголиков, наркоманов и агрессивных психических больных исходя из географии определенного региона и обеспечения их соответствующими специалистами и оборудованием. в связи с тем, что мероприятия, проводимые совместно с общественными организациями, не были эффективно организованы,

участились случаи самоубийств или убийств граждан в Бухарской, Джизакской, Навоийской, Ферганской, Кашкадарьинской, Ташкентской областях и Республике Каракалпакстан. здоровье, образование и духовное участились случаи пристрастия к психоактивным препаратам, таким как трамадол, сонет и лирика, оказывающим негативное влияние на лошадь. На данный момент правовыми документами не предусмотрена ответственность за незаконный оборот этих инструментов.

В заключение организуются профилактические мероприятия, направленные на предупреждение правонарушений и преступлений с участием ответственных сотрудников органов внутренних дел и других правоохранительных органов, представителей государственных и общественных организаций, населения. Меры нашей столицы, направленные на достижение этой цели, последовательно реализуются. В День профилактики уделяется внимание повышению эффективности работы, направленной на борьбу с преступностью, ее предупреждение, обеспечение законности. Для того чтобы наши дети выросли вполне зрелыми людьми, им важно получить глубокие знания

Использованная литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jinoyat protsessual huquqi darslik Mualliflar jamoasi// - T: TDYU nashriyoti 2021- 248 bet

2. S.Saxaddinov, O'zbekiston Respublikasining Jinoyat – protsessual kodeksiga sharhlar. Yangi asr avlodi – 2014

3. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) ma'lumotlaridan foydalanilgan

ISH VAQTI HAQIDA

Qoraqalpoq Davlat Universiteti

Yuridika fakulteti Yurisprudensiya yo'nalishi

3-bosqich talabasi Esemuratov Jasurbek

Annotatsiya: Ish vaqti muddatining ishning samaradorligin oshirishda o'rni, dunyo mamlakatlarining ish vaqti bo'yicha o'rnatqan tartiblari, rivojlangan mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan holda bu masalaga yondoshuv.

Kalit so'zlar: ish vaqti, dunyo statistikasi, eng zahmatkash mamlakatlar, ish vaqti qisqa mamlakatlar, mehnat unumdarliligi.

Mehnat kodeksining 114-moddasida ish vaqti haqida quyidagicha tushincha berilgan : “Xodim ish tartibi yoki grafigiga yoki mehnat shartnomasi shartlariga yarasha o'zlari mehnat vazifalarini bajarishhi zarur bo'lgan vaqt ish vaqti hishoblanadi”. Mamlakatimizda normal ish vaqti haftasiga 40 soatdan oshib ketmasligi kerakli haqida MK. ning 115-moddasida atab o'tilgan. Hozir dunyo uchun 40 soatlik ish haftasi standart bo'lib qolmaqta. Biroq kelajakda bu tendensiya ham o'zgarishi mumkin.

1930-yillarda iqtisodchi Jon Meynard Keynes dunyo 2030-yilga borib, texnologik rivojlanish sababli 15 soatlik ish haftasiga o'tadi, deb bashorat qilgan. Dunyo hozircha bu tendensiyadan uzoq, lekin turli ish usullari va texnologiyalar ishlab chiqarish obektlarida doimiy turda sinovtan o'tkazib borilmoqda.

Bu natijaga erishish osonlikcha bo'lmagan. Ish vaqtini qishqartirish uchun insoniyat ko'plab ko'tarilish va inqiloblarni boshtan kechirgan. Insoniyat

tarixida birinchi marta kuniga 8 soatlik mehnatti 1914-yilda Amerika Qo'shma Shtatlarida avtomobil ishlab chiqarish korxonasi asoschisi Genri Ford o'zlar xodimlariga taklif etgan. U o'qituvchi va faylasuf Robert Ouenning 8/8/8 8 soat uyqu, 8 soat ish, 8 soat dam olish degan g'oyasidan ilhomlangan holda ushbu tendenciyaning o'zlari qo'l ostidagi ishchilarga qarata qo'llagan. Uning boshqa hamkasblari bunday harakatti axmoqlik deb hishoblagan.

Biroq, vaqt shuni ko'rsattiki —ajoyib ishbiarmon Genri Ford bu yerda mag'lub bolmadi, uning kompaniyasining foydasi yangi tendensiya bo'yicha ikki baravar ko'paydi! Xodimlar ko'proq dam olishh imkoniyatiga ega bo'ldi, bu esa avtomatik turda yanada samarador ishlash uchun kuch berdi. Fordning bu ishi ko'pchilikka namuna bo'ldi - 8 soatlik ish kuni standarti dunyoga tarqaldi. Hozir kunda insoniyat eng kam ish vaqti Niderlandiyada bo'lib, aholishi haftasiga 29 soat ishlaydi. Keyingi o'rinda Daniya va Norvegiya - haftasiga 33 soat, 3-o'rinda bo'lsa Avstraliya (haftasiga 34 soat) turadi. Hammaga zahmatkash aholi sifatida ma'lum bo'lgan Germaniya bo'lsa haftasiga 35 soatdan ko'p ishhlamaydi. Mamlakatdagi iqtisodiy krizis sababli, xodimlarni ishdan bo'shatishdan ko'ra ish vaqtini qisqartishni abzal ko'rgan. O'tgan yillardagi statistikaga ko'ra, yil davomida eng ko'p ishlaydigan mamlakatlar bular—Meksika, Kosta-Rika, Janub Koreya, Greciya, Chili kabi mamlakatlardir. E'tibor bering : bu davlatlarning ko'plari asosan " o'rta darajadagi" va " o'rtachadan quyi" mamlakatlar, eng rivojlangan emas, balki eng qoloq davlatlar da emas. Umuman olganda, nima uchun ko'plab Osiyo mamlakatlari bu TOPga kirgani aniq emas, bu yerda ko'p ishlash yaxshi hishoblanadi, odamlar asosan dam olmaydilar va ta'tilqa chiqmaydi. Bu asosida ularning mintaliteti bilan aloqador bo'lishi mumkin. U, eng qisqa vaqt ish ishlaydigan davlatlarning TOP 10 ligiga bo'lsa Yevropa mamlakatlari kirgan. Yevropa mamlakatlari iqtisodiyotida mehnat unumdarlighi ishlagan soatdan ko'ra muxim hishoblanadi. Qisqartirilgan ish kuni va ish haftasining asosiy afzalliklari :

- Inson ishta kamroq sharshaydi, ya'ni u yanada samarodor ishlashi mumkin ;
- Cheklangan ish vaqti chalgishga o'rin qoldirmaydi.- xodim mehnat jarayoniga to'liq jalb qilinadi ;
- Ish vaqti qanchalikk qisqa bo'lsa, shuncha ko'p diqqatni ishga jamlay oladi ;
- Xodim ko'proq vaqtini uyda, oilasida va do'stlari doirasida o'tkazadi, qiziqtirgan mashg'ulotlariga ko'proq vaqt ajratadi, dam oladi, demak, uning mehnatga kuch va quvvati ko'proq ;
- Kamroq ishlaydigan odam salomatligida muammolar kamayib, ko'proq kuchga ega bo'ladi.

Buni maksimal va minimal ishlaydigan Yevropaning ikkita davlati—Greciya bilan Germaniya misolida ko'rib chiqadigan bo'lsak, OECD ning mehnat natijalari bo'yicha xulosoia kam ishlaydigan Germaniyada ish unumdarlighi Greciyaga nisbatan 70% ga ko'p ekanligi aniqlangan.

Endi ko'p ishlashning minus tomonlari ko'rib chiqsaq. Bunda «mehnatga o'ch» bo'lgan Osiyo mamlakatlariga e'tibor qaratishh zarur. Hattoki bu davlatlarda «ish ishlashdan o'lish» degan mohiyatti ifodalashchi karoshi degan nomlari bor bo'lib, haqiqattanda ham ko'pchilik ishchilar ish vaqtida vafot etadi. Janubiy Koreya OECDning ko'p ish ishlovchi mamlakatlar reytinginde TOP 10 liktan birnecha yillar davomida o'rin egallab kelmoqda. Bu mamlakat aholishi orasida qonun bilan 40 soat etib belgilab qo'yilarilgani bilan, haftasiga 50 soatdan ishlash normal holatga aylangan. Xodimlar nafaqaga chiqmaganligi sababli ko'p oylik oladi, binobarin bitta oy davomida ishlagan ish haqi barobariga xorijiy davlatlarga borib dam olib qaytishlari mumkin. Biroq, haddan tashqari ko'p ish ishlash natijasida va ruhan, va jismonon hordiq natijasida xodimlar haftasiga

ikki marta yoki undan ham ko'p spirtli ichimlik ichadi. Bu zamonaviy ichimlik subkulturalik madaniyatni «xusik» deyiladi. Bu marosim hamkasblar ish vaqti tugallangannan so'ng, hamkasblar birgalikda ovqatlanish va ichimlik ichish uchun o'tkaziladi. Xodimlarning haddan tishqari ko'p ishlashi taqozo etilganligi sababli bu ziyofat Koreya madaniyatining subkulturasina aylandi. Osiyo jamiyatida ishh, o'qish sohasinda yoshlarga ko'p bosim yuklatilishi sababli ayni vaqtda Janub Koreyada sampo avlodi paydo bo'ldi. Bu avlod oila qurib, farzandli bo'lishdan bosh tortmoqda, binobarin oxirgi vaqtda mamlakat damografiyasi pasayib, tug'ilishlar soni o'lishlar sonidan kamayib barmoqta. Bu yosh avlodning jamiyatdagi ish sohasinda qo'yilgan yuqori standartlariga zid reaksiyasi bo'ldi

Umumiy olganda ish vaqti haqida Osiyo davlatlariga emas, Yevropa davlatlariga e'tibor qaratish zarur deb o'ylaymanki. Yevropa mamlakatlari iqtisodiyotida mehnat unumdorligi ishlagan soatdan ko'ra muxim. Eng kam ish vaqti bo'lgan 10 mamlakatga kiritilgan barcha Yevropa mamlakatlari eng rivojlangan mamlakatlar ekanligi da bekorga emas. Yakunlab ayqanda, kuchli iqtishodiyot uchun ko'p ishhlash zurur emas, samarodor ishhlash zurur.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. O'zbeksdan Respublikasi Mehnat Kodeksi
2. Mehnat nizolari va ularni hol etishhning huquqiy muammolari. Y. Tursunov, Sh. M. Gaziev 2009.
3. Mehnat munosabatlariga oid normativ -huquqiy hujjatlar to'plami - 792 b.

Internet materiallari:

1. <https://lex.uz>
2. <https://my.gov.uz>
3. <http://old.mehnat.uz>
4. <https://stat.uz>
5. <http://hozir.org>

HUQUQ NORMALARI VA TUSHUNCHALARI

Kimsanov Akrambek Nurmatovich

Andijon viloyat Asaka tuman 36-umumiy o'rta ta'lim maktabi

Annotatsiya: Huquq normasi yuridik fan, xususan, davlat va huquq nazariyasining fundamental kategoriyalaridan biri hisoblanadi. Ushbu maqolada huquq normalari va tushunchasi haqida kerakli ma'lumotlar berilgan

Kalit so'zlar: : Huquq normasi , Gipoteza , Sanksiya , Dispozitsiya , huquq majburiyatlari

Huquq normasi - davlat tomonidan belgilanadigan, muayyan shaklda ifodalanadigan, ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan umummajburiy yurish-turish qoidasi. Huquq normasi tegishli normativ-huquqiy hujjatlar, shuningdek, huquq manbaining boshqa turlari shaklida namoyon bo'ladi. Huquq tarmoqlariga bog'liq holda ma'muriyhuquqiy, jinoiy-huquqiy huquq normalari, mehnat, ekologiya, xalqaro, konstitutsiyaviy, xo'jalik va huquqning boshqa tarmoqlariga oid huquq normalari farqlanadi. Amal qilish vaqtiga ko'ra, doimiy (rasmiy bekor qilingunga qadar amal qiladigan) va vaqtinchalik (faqat muayyan vaqt oralig'ida amalda bo'luvchi) Huquq normasi bo'ladi. Huquq normasi amal qilish hududiga qarab, umumiy va mahalliy normalarga bo'linadi, bunda birinchisi butun mamlakat hududida amal qilsa, ikkinchisiga kiradigan normalar ma'lum hududlarda amal qilishi mumkin. Huquq normasi sub'yektlariga qarab, umumiy va maxsus normalarga ajraladi, bunda birinchisi hamma huquq sub'yektlari uchun, ikkinchisi esa, aholining muayyan guruhi yoki aniq belgilangan doiradagi sub'yektlar (pensionerlar, nogironlar, ichki ishlar xodimlari va shahrik.) uchun taalluqli bo'ladi. Bulardan tashqari, Huquq normasini boshqa qator mezonlar asosida tasniflashlar ham

mavjud. «Norma» soʻzi lotinchadan olingan boʻlib, «qoida», «namuna» degan maʼnolarni anglatadi

Huquq normasi - davlat tomonidan oʻrnatiladigan yoki maʼqullanadigan, muayyan shaklda ifodalanadigan, ijtimoiy munosabatni tartibga solishga qaratilgan umummajburiy xulq-atvor qoidasi Huquq tizimining barcha elementlari (norma, institut, soha) huquq normasi bilan chambarchas bogʻliqlikda mavjud boladi. Boshqacha aytganda, huquq normasi huquqiy tizimning asosini, boshlangʻich hujayrasini tashkil etadi. Shu sababli unda, avvalambor, huquq m azm unining asosiy xususiyatlari ifodalanadi. Huquq normalari ijtimoiy normalar sifatida kishilarning ozaro munosabatlaridagi xulqatvor normalari jumlasiga kiradi. Bu ruxsat berish, cheklash, taqiqlash yoki pozitiv huquqqa xos majburiyatlar qoidasini oʻz ichiga oluvchi qoidadir. Huquq normasi - ijtimoiy hodisa sifatida huquqning asosiy, muhim qismi, butun huquqiy tizimning bosh tushunchasidir. Huquqning shakllanishi va amalga oshirilish jarayoni, qonunlar, barcha yuridik tushunchalar va tuzilishlar, hatto nazariya ham oʻz zamirida bevosita yoki bilvosita huquq normasiga ega boʻladi Huquq normasining asosiy belgilari quyidagilardan iborat:

1. Irodaviy xarakterga egaligi. Unda jamiyatning davlat irodasi, manfaati, maqsadi aks etadi. Mazkur iroda ijtimoiy voqelikning ijtimoiy-iqtisodiy, milliy, maʼnaviy, tabiiy va boshqa shart-sharoitlar bilan bevosita bogʻliq boʻladi.
2. Normativligi. Huquq normasining normativligi jamiyat rivojlanishining muayyan davrida tipik va barqaror holatda boʻlgan hamda ozining takroriyliigi va umumiyliigi bilan tavsiflanadigan kishilarning munosabatlari va harakatlarini tartibga solishida namoyon boʻladi.
3. Davlat bilan oʻzaro bogʻliqligi. Huquq normalari davlat tomonidan oʻrnatiladi, maʼqullanadi, oʻzgartiriladi yoki bekor qilinadi. Oʻz navbatida, davlatning jamiyat hayotining turli yoʻnalishlaridagi faoliyati huquq normalari bilan chegaralanadi va tartibga solinadi. Huquq normalarining bajarilishi davlat tomonidan taʼminlanadi.
4. Umummajburiyligi. Bu shuni anglatadiki, huquq

normalari barcha huquq subyektlariga qaratilgan bo'ladi va ushbu normalar ular tomonidan bajarilishi majburiy hisoblanadi.

5. Rasmiy va shaklan aniqlikka egaligi. Huquq normasi umumijtimoiy iroda sifatida davlat tomonidan o'rnatilgan rasmiy yuridik hujjatlar shaklida (normativ-huquqiy hujjatlar, normativ shartnoma va boshqalar) ifodalanadi. Shuningdek, boshqa ijtimoiy normalardan farqli ravishda huquq normalari aks etgan normativ-huquqiy hujjatlar muayyan rekvizitlarga ega bo'ladi (qabul qilingan vaqti, joyi, ro'yxat raqami, nomi va boshqalar).

6. Tizimlilik. Tizim so'zi yunoncha «systeme» terminidan olingan bo'lib, o'zbek tilida «yaxlit», «qismlardan iborat» degan ma'nolarni bildiradi. Mazkur belgi huquq normasining muayyan tarkibiy qismlarning mantiqiy, izchil va mutanosiblikda ekanligini anglatadi. Huquq normasi kichik tizimlardan, ya'ni o'zaro bog'liq elementlardan iborat bo'ladi. Ularning bo'linishi yuzasidan turli xil qarashlar mavjud bo'lishiga qaramasdan, barcha huquqshunos olimlar tomonidan huquq norma elementlari 3 ta (gipoteza, dispozitsiya va sanksiya) ekanligi yakdil qabul qilinadi.

Huquq normasi o'z ichki tuzilishiga ega bo'lib, 3 qismdan iboratdir: gipoteza, dispozitsiya, sanksiya. Gipotezada Huquq normasida belgilanadigan qoida qanday sharoitda va holatda kim tomonidan amalga oshirilishi ko'rsatiladi. Dispozitsiyada gipotezada ko'rsatilgan hollardagi munosabatlar ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari ifodalanadi. Sanksiya dispozitsiyada ko'rsatilgan qoidani buzgan shaxsga nisbatan davlat organi qo'llashi mumkin bo'lgan ta'sir chorasini belgilaydi. Konstitutsiyaviy normalar 3 qismdan emas, asosan gipoteza va dispozitsiyadan iborat bo'ladi. Jinoiy va ma'muriy javobgarlikni ko'zda tutuvchi normalar esa — asosan dispozitsiya va sanksiyadan iborat bo'ladi (mas, Jinoyat va ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodekslarning maxsus qismi normalari).

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. - T.: Adolat, 2018. - B. 257.
2. Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi / masul muxarrirlar: X. Rahmonqulov, akademik, J.F.D., prof., X. Boboev, J.F.D., prof. - T.: Adolat, 2007. B. 672.
3. Davlat va huquq nazariyasi: Darslik / prof. X.T. Odilqoriyev tahriri ostida. - T.: Sharq, 2009. B. 277.
4. O'zbekiston huquq ensiklopediyasi / Nashr uchun masul R.A. Muxitdinov va boshliq; masul muxarrir N. Toychiev. - T.: Adolat, 2010. B. 140

CHIZMACHILIK DARSLARIDA IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH BOSQICHLARI

Sanoyeva Sarvinoz Na'matullayevna.

Navoiy viloyati Uchquduq tumani 10-umumiy o`rta ta'lim maktabi

Annotatsiya. Ushbu maqola o'quvchilarining chizmachilik darslarida ijodkorlikka o'rgatish, hamda ularning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va uni shakllantirish bosqichlari haqida tahliliy fikrlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: ijod, qobiliyat, loyihalash, dizayn, texnika, grafik faoliyat.

STAGES OF DEVELOPING CREATIVITY IN DRAWING LESSONS

Abstract. This article provides analytical ideas on how to teach students creativity in drawing lessons, as well as the stages of developing and shaping their creative abilities.

Keywords: creativity, ability, design, design, technique, graphic activity.

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСТВА В УРОКАХ РИСОВАНИЯ

Аннотация. В статье представлены аналитические идеи о том, как научить учащихся творчеству на уроках рисования, а также этапы развития и формирования их творческих способностей.

Ключевые слова: творчество, способности, дизайн, дизайн, техника, графическая деятельность.

KIRISH Insonning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish har doim tadqiqotchilarni ham, bolalar bilan bevosita amaliy ish boradigan o'qituvchilarni

ham hayajonlantiradi. Bu masalani ijodiy yechishda tasviriy san'at, chizmachilik va texnologik ta'lim fanlari katta yordam beradi – bu bola shaxsining ijodiy qobiliyatlarini, uning ijodiy individualligini real rivojlantirish imkoniyatlaridan foydalana oladigan amaliy ta'limiy fanlardir. MUHOKAMA VA NATIJALAR

O'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun quyidagi metodlarni qo'llash mumkin bo'ladi: 1. Qobiliyatlarni, moyillikni rivojlantirish; 2. Ularning imkoniyatlarini hisobga olgan holda har bir o'quvchining qiziqishlari; 3. Turli xil ijodiy vazifalarni ongli ravishda hal qilish texnikasini o'zlashtirish; 4. Amaliy mashg'ulotlar orqali o'quvchilarning ijodkorligini boshqarish va kuchaytirish; Shaxsning ijodiy xususiyatlarini shakllantirishda rasm chizish Ijodkorlik har xil, ammo uning turlari asosan bir-biriga bog'liqdir. Shunday qilib, texnik ijodni dizayndan, loyihalashdan ajratib bo'lmaydi. Ijodkorlikning ko'p turlarini bir-biriga bog'laydigan umumiy bog'lanish – bu grafik tasvirlar (ham chizmada, ham texnikada, ham san'atda), avvalambor chizmalar, rasm chizish shaxsning ijodiy fazilatlarini shakllantirish uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochadi. Chizmachilik darslarida o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish yo'nalishlaridan biri bu ijodiy masalalarni hal etishdir. Pedagogik nuqtai-nazardan bahslashish mumkinki, bu faoliyat jarayonida yangi individual muhim qadriyatlar yaratiladi, shaxsning qobiliyatlarini ochilib rivojlanadi. Ijodiy vazifalar – bu o'zgaruvchan yechim natijalariga ega, algoritmi o'quvchiga noma'lum bo'lgan vazifalar. Chizmachilikda ijodiy masalalarni ikki toifaga ajratish mumkin: 1. O'quvchilarning grafik tarkib bilan ishlashga tayyorligini rivojlantirish. Ikkinchisi esa loyihalash faoliyati elementlari bilan bog'liq vazifalar kiradi: loyihalashdan oldin, qayta loyihalashtirish, texnik shartlarga muvofiq o'xshashlik bilan yaratish. Dars jarayonida qanday vazifalarni o'rta tashlab muhokama qilish mumkin? Kombinatorial qidirish uchun sharoit yaratadigan, to'liq bo'lmagan ma'lumotlar bilan bog'liq deyarli barcha taklif qilingan muammolar. Bu vazifalar: 1. Texnik rasimga ko'ra yetishmaydigan chiziqlarni topish (8-sinf); 2. Chizmada yetishmovchi chiziqlarni aniqlab topish (8-sinf); 3.

“Yumaloq detal”ni elementlarini kesimda ko‘rinishi, kesuvchi tekislik orqali kesilgan joyni tasviri (9-sinf); 4. “Yumaloq detal”ning tashqi va ichki konturlari elementlari va o‘qning holati bo‘yicha joylashuvi (9-sinf); 5. Ko‘rinishlari va o‘lchamlari bo‘yicha xilma-xil chizma variantlari (8-sinf); 6. Bir ko‘rinishdan turli xil elementlar qo‘shish orqali boshqa o‘lchamdagi ko‘rinishga o‘tishi (8-sinf); 7. Qirqim turlari va ularning qo‘rinishlari (9-sinf); 8. Asosiy ko‘rinishning kesimda joylashuvi (9-sinf); 9. “Xatoni toping va tuzating” (8-9-sinflar); 10. Ko‘ngilochar mashg‘ulot va h.k. (8-9-sinflar). Bundan tashqari, yana bir qator turli xil ijodiy topshiriqlardan foydalanish mumkin bo‘ladi: 1. Chizma asboblari yordamida chizilgan chiziqlar orqali milliy bezaklarni bajarish (8-sinf). 2. Naqshlarni bajarishda, badiiy shriftlarni yozishda (bir qatordan ikkinchisiga silliq o‘tish) usullaridan foydalanish (8-sinf); 3. Yig‘ilgan detalni alohida qismlarga, elementlarga ajratish (8-sinf); 4. Detal yo‘llariga elementlar qo‘shib, uning shaklini o‘zgartirish (8-sinf); 5. Detalning qismlarini olib tashlash orqali uning shaklini o‘zgartirish (8-sinf); 6. Simmetriya o‘qlari sonini o‘zgartirib, detalning shaklini o‘zgartirish (8-sinf); 7. Detalning qismlarini birlashtirish (konvertatsiya) va boshqalar (8-sinf). Yuqori darajadagi vazifalar – bu loyiha faoliyati elementlari, bu yerda grafik bilan birga texnik yoki konstruktiv qo‘yilgan vazifalar. Loyiha – bu o‘zlarining kundalik faoliyatida dizaynerlar, muhandis-loyihashunoslar, arxitektor va boshqalar tomonidan qo‘llaniladigan murakkab ijodiy jarayon. Loyihalash faoliyati elementlari bilan chizilgan vazifalarni ko‘rib chiqishda, asosan grafik elementlar haqida gap ketayotganini ta’kidlash muhimdir. Ro‘yxatda keltirilgan o‘quv ishlarining turlari chizmalarni o‘qishni kuchaytiradi, chunki ular grafik tasvirlardan foydalanish bilan chambarchas bog‘liqdir. Bunga qo‘shimcha ravishda, ular sxemadan yoki konstruktorlik loyihasiga nisbatan ancha soddaroqdir. Ijodiy grafik faoliyat uchun ta’lim muammolarini hal qilishning mumkin bo‘lgan maksimal samaradorligini ta’minlaydigan, har bir o‘quvchining ma’lum bir davrda u uchun eng yuqori darajadagi ta’lim, tarbiya va rivojlanish darajasiga erishishni ta’minlaydigan, nafaqat muayyan bir bilim hajmini, balki ularni tayyorlash va

qo‘llash usullari bilan ham o‘zlashtirish ko‘rsatkichlarini ko‘taruvchi muhit va sharoitlarni yaratish kerak. O‘quvchilarning ijodiy grafik faoliyati quyidagilarni talab qiladi: - o‘quv jarayoniga tarkibli vazifalarni kiritish shartlarini (sonini, ketmaketligini) hisobga olgan holda o‘quv mashg‘ulotlarini rejalashtirish; - har qanday tegishli ish turiga mos keladigan ijodiy grafik faoliyat usullarini ishlab chiqish; - ijodiy ishlarning aniq turlari uchun eng mos bo‘lgan o‘qitish usullari va vositalarini tanlash; - ijodiy vazifalarning ayrim turlarini bajarish uchun maqbul vaqtni taqsimlash; - maktab o‘quvchilarining individual xususiyatlarini hisobga olish; - dars davomida ijodiy muhit, o‘quvchilarga xayrihohlik muhitini yaratish, o‘quvchining har bir ijodiy taklifiga e‘tibor berish.

XULOSA Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak ijodiy jarayon bazi bir birlamchi kuchlarning namoyon bo‘lishi emas, balki tafakkur, tasavvur va inson faoliyati rivojlanishining tabiiy bo‘g‘inidir. Ijodkorlik nafaqat tushuncha va sezgi harakati, balki harakat usullari haqidagi bilimlarning natijasidir, shuning uchun ijodga o‘rgatish imkoniyati, o‘quvchilarga uning texnologiyasini anglash imkoniyati haqida gapirish tabiiydir. Tegishli metodologiyani ishlab chiqish uchun bolalar ijodiyoti mexanizmlari va u bilan birga keladigan grafik faoliyatning xususiyatlari, maktab o‘quvchilarining o‘ziga xos qiyinchiliklari va xatolari bilan ham tanishish kerak.

REFERENCES

1. Камолов И.Б. Профессиональное образование учащихсяуа ювелирного искусства: теоретические основы - Наука и Мир, 2016
2. Kamolov I.B. Some Stages Associated with Artistic and Creative Activity of Future Jeweler - Eastern European Scientific Journal, 2017
3. Камолов И.Б. К вопросу о психолого-педагогических условиуах профессиональной подготовки мастера-ювелира при изучении основ композиции - Молодой ученый, 2015

**RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MEHNAT
MUNOSABATLARINI TAKOMILLASHTIRISH**

Sanjar Shamsiyev Isomiddin o'g'li

Toshkent Texnika University

Annotatsiya: Maqolada aholini ish bilan bandligini ta'minlashda yangi ish o'rinlarini tashkil etish va ishga joylashtirish muammolari o'rganilgan.

Kalit so'zlar. Bandlik, ish kuchi, faol aholi islohatlar, dasturlar.

**PROVIDING EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN THE
DIGITAL ECONOMY**

Abstract The article examines the impact of population growth on the development of human capital and the rational use of labor resources.

Keywords: Employment policy of human resources, labor market, employment services.

O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini hozirgi 2017-2021 yillarga muljallangan harakatlar strategiyasi davrida mehnat bozoridagi siyosat davlat tomonidan tartibga solish usullari va shakllari hamda xo'jalik yuritishni yangi shakllarini rivojlantirish asosida amalga oshirilmoqda. Davlat ish bilan bandlik xizmati mehnat bozoridagi davlat siyosatini amalga oshirishning tarkibiy qismi bo'lib, uni amalga oshirishning asosiy yo'nalishlari va vazifalarini belgilab beradi. Davlat ish bilan bandlik xizmati mehnat bozorida ijobiy ijtimoiy va iqtisodiy samaraga erishishga yo'naltirilgan. Bu bir tomondan, ko'p sonli ishga joylashtirilganlar normativ bo'yicha ish bilan bandlik Davlat jamg'armasiga ajratmalar ajratilishi uchun shart-sharoit yaratadi, ikkinchi

tomondan esa ishsizlik nafaqasi oluvchilar soni kamayadi va faol yo'nalishlar uchun sharoit yaratiladi. Bu esa o'z navbatida, ularning ishga joylashishi uchun sifat ko'rsatkichlarini oshiradi. Aholi bandligini ta'minlashda, ishchi kuchidan samarali foydalanish buyicha O'zbekiston Respublikasining "Aholini ish bilan ta'minlash to'g'risida"gi qonun, Prezident farmonlari, qarorlari Vazirlar Mahkamasining qarorlari va bir qator me'yoriyhuquqiy hujjatlar qabul qilinib, bu sohada ijobiy o'zgarishlar yuz bermoqda. Lekin shunga qaramasdan mintaqa darajalarida mehnat resurslarini foydali mehnatga jalb etish, yangi ish joylarini barpo qilish, ishchi kuchidan samarali foydalanish borasida bir qator ilmiy va amaliy muammolari hamon dolzarbligicha qolmoqda. Ish bilan bandlik deganda avvalo, iqtisodiy faol aholining qonun hujjatlariga muvofiq, daromad keltiradigan faoliyatga ega bo'lishi tushuniladi. O'zbekiston Respublikasining "Aholini ish bilan ta'minlash to'g'risida"gi qonunining 2-moddasiga asosan ish bilan ta'minlash-fuqarolarning qonun hujjatlariga zid kelmaydigan, o'z shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq bo'lgan, ularga ish haqi (mehnat daromad) keltiradigan faoliyatidir. "Ish o'rinlarini tashkil etish va ishga joylashtirishga muhtojlar 2020 yilda 1335,3 ming kishini tashkil etmoqda. Ishga joylashganlar soni 388531 kishini tashkil etadi. Dastlabki ma'lumotlarga ko'ra, respublikamizda doimiy aholi soni 2020 yil 1 aprel holatiga ko'ra 34036,8 ming kishini tashkil etdi va 2020 yilda 131,6 ming kishiga yoki 0,4 foizga oshdi. SHu jumladan, shahar aholisi soni 17183,7 ming kishini, qishloq aholisi 16853,1 ming kishini tashkil etadi, ya'ni jami aholi soniga nisbatan shahar aholisi 50,5 foizni, qishloq aholisi 49,5 foizni tashkiil etadi. Samarqand viloyati dastur asosida 39952 ta o'ringa 45114 ta yoki 12,9 foiz o'sishga erishilib yangi ish o'rinlari yaratilgandir. Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish bilan bog'liq ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning hozirgi sharoitida ustivor vazifa sifatida iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitlariga muvofiq keladigan aholini ish bilan bandlik siyosatining maqsad va vazifalarini ishlab chiqish hamda amalga oshirishdir. Aholini ish bilan bandligi zamonaviy hayot sifatini ta'minlash, inson kapitali rivojlanishiga shartsharoitlar yaratish va mehnat taqsimotini nisbatan

yuqori darajaga o'tishini ta'minlash bilan bog'liq bo'lgan mehnat faoliyatining turli ko'rinishlarini va yo'nalishlarini o'z ichiga oladi. Aholini oqilona ish bilan bandligini ta'minlamasdan turib ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, iqtisodiy islohotlar yo'lidan yanada ilgarilab borish va zamonaviy mehnat bozorini ta'minlash mumkin emas. Bunda milliy iqtisodiyotimizning o'ziga xos tomonlarini hisobga olgan holda, ish bilan bandlikning faol yo'nalishlarini rag'batlantirish asosida maqsadli dasturlarni ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega, bu esa ish bilan bandlik siyosati inqirozga qarshi dastur bilan, ko'p ukladli iqtisodiyotni takror hosil bo'lish jarayonini jadallashtirish, iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlarni isloh qilish bilan hamda mehnat resurslarini rivojlantirishning umumiy strategiyasi bilan chambarchas bog'liq bo'lishi lozimligini ifodalaydi. Xududlarda aholini ish bilan ta'minlash davlat siyosati mehnat bozori konyukturasi va uning rivojlanish istiqbollariidan kelib chiqqan holda umumdavlat va hududiy ish bilan bandlik dasturlarini ishlab chiqish va realizatsiyasini amalga oshirishda namoyon bo'ladi. Ushbu sohada Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida mehnat bozorida samarali davlat siyosatini yuritilishida xo'jalik yuritishning yangi shakllarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Xo'jalik yuritishni yangi shakllarini vujudga kelishi iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va rivojlanayotgan tarmoqlarni modernizatsiyalash jarayonlari bilan muvofiqlikda amalga oshirilmogda. Mustaqil ish bilan bandlikni o'sishi uchun zarur sharoitlar ko'proq darajada erkin bozor iqtisodiyotini samarali o'sishi sharoitlariga mos keladi. Amalda mustaqil ish bilan bandlikni mavjud bo'lishining o'zi xususiy sektorga bog'liq, shuning uchun xususiy sektorni o'sishiga ko'maklashuvchi siyosiy va iqtisodiy sharoitlar, mustaqil ish bilan bandlikni rivojlanishiga ham yordam beradi. Iqtisodiy islohotlarning ikkinchi bosqichi vazifalaridan biri aholini kichik va xususiy biznesga ko'proq jalb etish, mamlakatda tadbirkorlar va mulkdorlar qatlamini shakllantirish hamda shu orqali aholining ish bilan bandligini ta'minlashga erishishdan iborat bo'ldi. Aholini ish bilan bandlikni ta'minlash maqsadida mehnat bozorini rivojlantirishda quyidagi vazifalarni amalga oshirish

koʻzda tutiladi; ishchi kuchiga talabni oshishi va uning taklifini kamayishiga yoʻnaltirilgan tadbirlarni amalga oshirishni koʻpaytirish; ish bilan bandlik xizmati va uning infratuzilmasida qudratli va tez rivojlanuvchi tizimni yaratish; aholining oqilona ish bilan bandligini shakllantirish; ishsizlikni yoʻl qoʻyiladigan darajasigacha qisqartirish; ish bilan band boʻlmagan mahalliy xodimlarning malakasi, raqobatbardoshligi, ijtimoiy himoyasi va eksportini oshirish, mehnat bozorida ish bilan bandlik va ishsizlikni tartibga solishning samarali tashkiliy-iqtisodiy va huquqiy mexanizmlarini yaratish va h.k. Ish bilan bandlik xizmatining yillar davomida rivojlanishi davrida qonunlar, talablar hamda ijtimoiy-iqtisodiy holatlar oʻzgarimoqda, shunga mos ravishda faoliyat yoʻnalishlari oʻzgarishiga batafsil va aniq tuzatishlar kiritilmoqda. Biroq davlat ish bilan bandlik xizmati organlarining tashkiliy tuzilmasi shakllanib borishi va rivojlanishi koʻp yillar davomida deyarli oʻzgarishsiz qolmoqda. Buguni kunda Oʻzbekiston Respublikasida aholi bandligining holatini tahlil qilish, korxonalarda yangi ish oʻrinlarini yaratish holatini urganishda kuzatish usullari (anketa orqali kuzatish, monografik kuzatish)ni qoʻllash asosida ishchi kuchidan foydalanish holatini tahlil etish prognozlash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining aholini ish bilan band qilishning asosiy omili sifatida baholash kabi masalalarni oʻrganish muhim hisoblanadi.

REFERENCES

1. Sobirov B.B., Khamidov O., Pardaev O.M., Ramos-Ramos S., Soliev M.B., Negmatov B.M. (2015). The role of social media, user generated platforms and crowd sourcing in the development of tourism destinations *Journal of Hospitality Management and Tourism*. Vol. 6 (4), pp. 30-38.
2. Khamidov O. (2017). New Stage of Tourism Development in Uzbekistan: Actual Problems and Perspectives. *World Scientific News*. 86:3, pp. 134-149.
3. Khamidov O.K., Kahhorov O.S. (2020). Prospects of monitoring graduates' employment in digital technologies. *Scientific reports of Bukhara State University*. 4:5, P. 268-273.
4. Khamidov O.Kh., Kakhkhorov O.S. (2020). The specific areas of strategic management of higher educational institutions. *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4, P. 280-289.
5. Khudoykulov K., Khamidov O. (2015). Testing Capital Asset Pricing Model (CAPM) on the Emerging Markets of the Europe. *Spanish Journal of Rural Development*. Vol. VI (3), pp. 1-8.
6. Rakhimov O.K., Khamidov O., Cuesta Garcia T.S. (2019). Improvement and Modernization of Agricultural Irrigation. *Uzbekistan Case Study*. *European Journal of Agriculture & Food Science*. Vol. 2, No. 4.

**RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY
TAJRIBA VA INNOVATSIYA**

Sanjar Shamsiyev Isomiddin o'g'li

Toshkent Texnika University

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy tajriba va innovatsiya haqida soʻz yuritilgan. Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan global iqtisodiyot sharoitida raqamli iqtisodiyot oʻz rivojlanishining boshlangʻich davrida boʻlib, zamonamizning raqamli axborot bosqichiga butunlay oʻtishi atiga bir necha yilni tashkil etadi.

Kalit soʻzlar: raqamli iqtisodiyot, inqilob, insoniyat, xalqaro raqobat, internet, raqamli texnologiya, raqobatdosh, kommunikatsiya.

**FOREIGN EXPERIENCE AND INNOVATION IN THE
DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY**

Abstract This article discusses foreign experience and innovation in the development of the digital economy. In today's fast-paced global economy, the digital economy is in its infancy, and the transition to the digital age is only a few years away.

Key words: digital economy, revolution, humanity, international competition, internet, digital technology, competitor, communication.

KIRISH Iqtisodiy va texnologik taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon boʻlayotgan raqamli inqilob insoniyat hayotini shiddat bilan oʻzgartirib, keng imkoniyatlar yaratish bilan birga, xalqaro raqobat maydonining yanada keskinlashuv davrini boshlab berdi. Raqamli iqtisodiyot ikki xil turli

tushunchalarni ifodalash uchun ishlatiladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne'matlarining ustuvor o'rnini bilan tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o'ziga xos tushuncha bo'lib, uning o'rganish obyekti axborotlashgan jamiyat hisoblanadi. Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan global iqtisodiyot sharoitida raqamli iqtisodiyot o'z rivojlanishining boshlang'ich davrida bo'lib, zamonamizning raqamli axborot bosqichiga butunlay o'tishi atiga bir necha yilni tashkil etadi. ADABIYOTLAR TAHLILI V AMETODOLOGIYA Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot – bu jarayonlarni tahlil qilish natijalaridan foydalanish va katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi ishlab chiqarishlar, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni saqlash, sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda oshirishga imkon beradigan, raqamli ko'rinishdagi ma'lumotlar asosiy ishlab chiqarish omili hisoblangan faoliyatdir. Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma'lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun'iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo'shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar va ICO, 3Dtexnologiyalari singari raqamli texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda. Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko'prog'ida beqiyos o'zgarishlar keltirib chiqarishi ta'kidlanmoqda. Jumladan, Jahon banki ekspertlari fikricha, tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko'payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o'rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi. Dunyoda raqamli iqtisodiyot o'sishining sur'atlari yiliga deyarli 20 foizni tashkil etmoqda. Taraqqiy etgan davlatlarda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7 foizga yetgan. Ular hozirning o'zida raqamli iqtisodiyotning joriy qilinishidan juda katta naf ko'rishmoqda. Raqamlashtirishning ahamiyati va ta'sirini qanchalik ortib borayotganligini baholash uchun so'nggi o'n yillikdagi bir nechta yirik texnologik kompaniyalar va raqamli platformalarning jahon

bozoridagi kapitallarining ulushini ko‘rish kifoya. Dunyo hamjamiyatida ro‘y berayotgan bunday jadal o‘zgarishlar va raqobatning keskinlashuvi jarayonida innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarni keng joriy etmasdan turib, yaqin va uzoq kelajakda mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish, uning raqobatdoshligini ta‘minlay olmasligimiz ayni haqiqat bo‘lib, bu esa, o‘z navbatida, ilmiy va amaliy harakatlarni kuchaytirishni talab etadi. Bu borada, so‘nggi yillarda milliy iqtisodiyotimizni tubdan modernizatsiya qilish bo‘yicha olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar doirasida mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayoti va davlat boshqaruvi tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish borasida qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. Chunonchi, mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, uning asosiy maqsadi ma‘muriy tartib va taomillardan o‘tishni soddalashtirish, aholi turmush sifatini oshirish, investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan. Belgilab olingan asosiy vazifalar ijrosini amalga oshirish, shuningdek, mamlakatimizda raqamli jamiyat rivojlanishi, aholi va tadbirkorlar uchun qulay imkoniyatlar yaratish, byurokratik to‘siqlar va korrupsiyaviy omillardan holi samarali va ochiq davlat boshqaruvi tizimini rivojlantirish borasida ko‘zlangan maqsadga erishish uchun bugungi kunda iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan “raqamli iqtisodiyot” milliy konsepsiyasini ishlab chiqilayotgan bo‘lib, aynan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish orqali yalpi ichki mahsulot hajmini qo‘shimcha 30 foizga o‘stirish imkoni yaratilishi kutilmoqda. Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologik rivojlanish sharoitida O‘zbekistonning iqtisodiy rivojlanishini raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur qilish qiyin. Tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, 2022-yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo‘lishini taxmin qilinmoqda. Lekin, xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo‘yicha O‘zbekiston 170 dan ortiq davlat ichida 103-o‘rinni egallab turishining o‘zi mamlakatimizda bu sohada hali o‘z yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo‘lgan ishlar ko‘pligidan dalolat beradi.

MUHOKAMA Davlatimiz rahbarining ta'kidlashicha, "...yurtimiz xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo'yicha 2019-yilda 8 pog'onaga ko'tarilgan bo'lsa-da, hali juda ham orqada. Aksariyat vazirlik va idoralar, korxonalar raqamli texnologiyalardan mutlaqo yiroq, desak, bu ham haqiqat. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko'p mablag' va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo'lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo'ladi. Shu bois, raqamli iqtisodiyotga faol o'tish – kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo'ladi. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. Shu bilan birga, meni juda qattiq tashvishga soladigan va bezovta qiladigan eng og'ir illat – korrupsiya balosini yo'qotishda ham ular samarali vositadir. Buni barchamiz teran anglab olishimiz darkor. Davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy sohada ham raqamli texnologiyalarni keng joriy etib, natijadorlikni oshirish, bir so'z bilan aytganda, odamlar turmushini keskin yaxshilash mumkin". O'z o'rnida qayd etib etish lozimki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko'rsatmoqda. Jumladan, hujjatlar va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o'tkazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformalarga o'tkazilmoqda. NATIJA Xulosa o'rnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo'nalishlarini sanab o'tish maqsadga muvofiq:

- raqamli texnologiyalar barqaror faoliyat ko'rsatishi uchun institutsional muhit va raqamli infratuzilmani yaratish, davlat xizmatlarini ko'rsatish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlari, sog'liqni saqlash, davlat kadastr va boshqa sohalarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlangan mamlakatlar darajasida internet global tarmog'iga ulanish imkoniyatlari bilan imkon qadar to'liq qoplashni bosqichma-bosqich ta'minlash;

- kadrlar tayyorlash ko'lamini kengaytirish va bu yo'nalishlar bo'yicha chuqur bilimga ega malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni yetishtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to'liq javob beradigan zamonaviy axborot texnologiyalarini o'qitish, shu jumladan, xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda "1 million dasturchi" loyhasini muvaffaqiyatli amalga oshirish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-nazariy bazani mustahkamlash va bu sohada "Raqamli ishonch" jamg'armasi mablag'laridan maqsadli foydalangan holda ilmiy faoliyatni qo'llab-quvvatlash;

- aholining keng qatlamlari o'rtasida "raqamli savodxonlik"ni targ'ib qilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o'zlashtirishga jalb qilish maqsadida o'quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o'tkazish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida me'yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish, shuningdek, "startap" tushunchasi, faoliyati, venchur fondlari orqali ularni moliyalashtirishning huquqiy asoslarini yaratish;

- raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mehnat bozorini tashkil etish va uning mobilligini oshirish, yangi texnologiyalarni tezkorlik bilan o'zlashtirish uchun mutaxassislar malakasini oshirib borish;

- raqamli iqtisodiyot sohasidagi xalqaro hamkorlikni mustahkamlash, yetakchi xalqaro texnologik kompaniyalar bilan o‘zaro hamkorlikdagi loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, innovatsion ishlanmalar bo‘yicha zamonaviy ilmiy-ishlab chiqarish laboratoriyalarini tashkil etish. Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo‘llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim.

XULOSA Shuningdek, davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo‘llab-quvvatlash sohasida raqamli ta’limning zamonaviy metodlarini qo‘llab-quvvatlashi, innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o‘zlashtirishda ko‘maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga chiqadigan risklarni pasaytirish choralari ko‘rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

REFERENCES

1. J.B. Dixit Fundamental of computer programming and IT. – Laxmi Publication PVT. Ltd., 2011. - 557 p.
2. Applegate L. M., McFarlan F.W., McKenney J. L. Corporate information systems management: the issues facing senior executives. Irwin, 1996.
3. Hickerson. Business and Information Systems 3/e. N. Y.: John Wiley & Sons, 2000.
4. Ostanaqulov M. Iqtisodiy tahlil va audit. Darslik. - T: Talqin. 2008. 424 b
5. Qosimova G. Davlat byudjeti ijrosining g‘aznachilik tizimi. O‘quv qo‘llanma. - T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008; 372 b
6. Красноперова О. Бюджетный учет - МТТроссМедиа Ферлаг", 2008; 384 с.

**RAQAMLI IQTISODIYOTNI MAMLAKATIMIZDAGI ROLI VA
AHAMIYATI**

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В НАШЕЙ
СТРАНЕ**

**THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE DIGITAL ECONOMY IN
OUR COUNTRY**

Sanjar Shamsiyev Isomiddin o'g'li

Toshkent Texnika University

KIRISH Raqamli iqtisodiyotning yuksalishi 21-asrning o'ziga xos xususiyatlaridan biridir. Raqamli texnologiyalar jamiyat va iqtisodiyotga ko'p jihatdan ta'sir qiladi, shu jumladan yangi aloqa va hamkorlik vositalari orqali; xizmat ko'rsatishning kuchli tarkibiy qismiga ega bo'lgan yangi mahsulotlar; ma'lumotlarning iqtisodiy o'sish omili sifatida roli; sun'iy intellekt (AI) yordamida vazifalarni avtomatlashtirish; va platformalar kabi yangi biznes modellarining paydo bo'lishi. Shu sababli, raqamlashtirish bizning hayotimiz va birgalikda ishlash tarzimizni tubdan o'zgartiradi. Bu butun jamiyat farovonligi va birlashishi uchun oqibatlariga olib keladi; shuningdek, barcha sohalardagi korxonalar uchun samaradorlik, bandlik, ko'nikmalar, daromadlarni taqsimlash, savdo va atrof-muhitga ta'sir ko'rsatuvchi ta'sirlar. Hukumatning an'anaviy tartibga solish funksiyalari, shu jumladan ilg'or tartibga solish amaliyotlari ushbu transformatsion o'zgarishlar bilan qanday rivojlanishi kerakligi to'g'risida kamroq narsa tushuniladi va aytiladi. Shuning uchun bunday ish bilan shug'ullanish juda muhim, ayniqsa raqamli transformatsiya doimiy tartibga solinadigan jarayon bo'lib, u tartibga solishni talab qiladigan ehtiyojlarni keltirib

chiqaradi. Chakana savdo, moliya, aloqa va o'yin-kulgi kabi sohalar allaqachon ko'p davlatlarda "raqamlashtirilgan". Yuqoridagilarni hisobga olib aytish mumkinki, O'zbekiston milliy iqtisodiyotining raqamlashtirilishi juda muhim va 2020-yilni "Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish" yili deb e'lon qilinishi hozirgi vaqtda mamlakatimiz uchun juda katta ma'noga va ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatib turibdi.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

"Raqamli iqtisodiyot" atamasi birinchi bo'lib 1995-yilda Don Tepkott muallifligida chop etilgan "Raqamli iqtisodiyot: tarmoqli intellekt asrida va'da va xavf-xatar" (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) nashrida alohida tushuncha sifatida istiloh etilgan. Ushbu nashrda raqamli iqtisodiyotning asosiy tarkibiy qismlariga fundamental innovatsiyalar (yarimo'tkazgichlar, protsessorlar), asosiy texnologiyalar (kompyuterlar) va bog'lovchi infratuzilmalar (internet va telekommunikatsiya tarmoqlari) ajratib ko'rsatiladi. Raqamli iqtisodiyot ikki xil turli tushunchalarni ifodalash uchun ishlatiladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne'matlarining ustuvor o'rni bilan tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o'ziga xos tushuncha bo'lib, uning o'rganish obyekti axborotlashgan jamiyat hisoblanadi. Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan global iqtisodiyot sharoitida raqamli iqtisodiyot o'z rivojlanishining boshlang'ich davrida bo'lib, zamonamizning raqamli axborot bosqichiga o'tishi atiga bir necha o'n yilni tashkil etadi.

TADQIQOT NATIJALARI

Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma'lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun'iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo'shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar

ibratlidir. Amir Temur nomi tarixda Movarounnaxr va buyuk Turkiston o'lkalarida ilm-fan homiysi sifatida ham qolganini ta'kidlash lozimdir. Ma'lumki, u nafaqat o'z mamlakatini, balki o'zga o'lkalarni ham obod qilish uchun katta kuch va g'ayrat sarflagan. Doktor Shamsuddin Samiyning "Alq A'lom" qomusining "Temur" bandida Amir Temurning o'zi olim bo'lgani, ulamolarning rahnamosi, ularni yaxshi ishlarga rag'batlantiruvchi shaxs ekanligi zikr etilgan va o'z poytaxti Samarqandni katta g'ayrat bilan obod qilib, u yerda qator madrasa, kutubxona va madaniyat saroylarini barpo etgani, "Tuzuklar" nomi bilan asar yozib, turli qonunlar yaratgani, o'z tarjimai holini ham adabiy, chig'atoy tilida yozgani hamda Temur va temuriylar davrida san'at va adabiyotning rivoj topganini eslatib o'tadi. Shuningdek, doktor Shamsuddin Boboxonov Amir Temur buyuk lashkarboshi, mohir sarkarda sifatida mukammal, yaxshi qurollangan, tezkor hujum qilishga qodir, muayyan taktik va strategiyaga ega bo'lgan qudratli armiyaga asos soldi. Bu armiya o'nlik, yuzlik, minglik va tumanliklarga bo'lingan edi. Amir Temurning harbiy san'ati, uning taktika va strategiyasi ko'p mamlakatlarda, jumladan, Fransiya, Rossiya va boshqa mamlakatlarning harbiy akademiyalarida, maxsus o'rganilgan va hozirgi kunga qadar o'rganib kelinmoqda deb, ta'kidlashi ham Sohibqiron Amir Temurning buyukligidan dalolat beradi. MUHOKAMA Zamondosh tarixchilar sohibqiron Temurning eng xarakterli xususiyatlari - davlat, mamlakat va fuqaroning g'amxo'ri bo'lganligi edi deb e'tirof etishadi, jahongirlik qoidasi esa haqiqat sihat-salomatlik, haqiqat-tartib, haqiqat-adolat deb tushinilgan. Buyuk bobokalonimiz har doim "insonparvarlik va mardlikni Alloh ham, xalq ham ulug'laydi", degan hikmatli so'zlarni takrorlashni xush ko'rgan va o'z hayoti davomida bunga qat'iy amal qilganlar. Dastavval shuni aytish kerakki, Amir Temur, odob-axloq, iymon-etiqod, ta'lim-tarbiya sohasida o'zi yuksaklikka, mukammallikka erishgan siymolardan biridir. Bunga ishoch hosil qilish uchun uning o'zi tomonidan yaratilgan odob-axloqqa oid qoidalar, o'gitlar, pand-nasihatlarini, shuningdek, Sohibqiron haqidagi tarixiy asarlarni ko'zdan kechirish kifoya. Tarix fanlari doktori Ashraf Axmud Sohibqiron Amir Temurning o'zi

amal qilgan sifatlarni yuksak baholaydi. Bular quyidagilar: - Hammaga ham bir xil: jiddiy va odil qaradim. Boyni kambag'aldan ustun qo'ymadim; - Islomga qat'iy rioya qildim; - Men kambag'allarga ko'p xayr-exson qildim. Har mojaro va muammoni diqqat bilan tekshirdim va uni mumkin qadar to'g'ri hal qilishga butun jahdimni sarf qildim; - Xaloyiqqa rahm qildim, barchaga naf yetkurdim; - Birovga nohaq ozor yetkazmadim va mendan yordam so'rab kelganlarni ko'krigidan itarmadim; - Islomga taaluqli ishlarni men har doim kundalik va dunyoviy ishlardan ustun qilib keldim; - Barcha so'zlarimdan doim haqiqatgo'ylikka amal qildim; - Men har kimga va'da bersam, unga vafo qildim; - Doimo o'zimni Allohning yerdagi mulkining posboni deb bildim va parvardigor iznisiz uni sarf etmadim; - Men har doim insof bayrog'ini baland ko'tardim va iymon tarqatishni o'z buyukligimning qudratli zamini deb bildim; - Men doim saidlarga ehtirom bilan qaradim, ulamo va shayxlarni ezozladim. Shunday qilib sohibqiron Amir Temurning ibratli, hayotiy pand-nasihatlar va o'gitlarining har bir mazmun va ma'no kengligi, mantiqning kuchliligi, teranligi, ta'siri, umuminsoniy qadriyatlar asosiga qaratilganligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi, ularni bitmas tuganmas xazina, odob-axloqqa oid dasturlar deya olamiz. Bu o'gitlar sohibqironning juda mashaqqatli va sertashvish, goh muvaffaqiyatli, goh muvaffaqiyatsiz, goh quvonchli, goho sertashvish anduhli umirining ijodiy mevasidir. Bu o'gitlar xalqlarning bir maqsad sari birlashtirgan, jipslashtirgan, muvaffaqiyatlarga erishtirgan sexrli tarbiyaviy kuchga ega bo'lgan durdona-pedagogikadir. Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra Sohibqiron Amir Temur o'gitlarini uning mohiyati va vazifasiga qarab quyidagi guruhlariga ajratib o'rganish maqsadga muvofiqdir: 1) Islom dini va shariat qonunlari haqidagi o'git-nasihatlar; 2) Davlat va uni idora etish; 3) Podsho va vazirlar haqida o'git-nasihatlar; 4) Axloq va odobga oid o'gitnasihatlar. Ushbu qayd etilgan pand-nasihatlar sohibqironning o'z tajribasida sinalgan, hayotga tadbiiq etilgan juda katta ma'naviy, axloqiy, tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan xulosalaridir. Shu sababli ham ular Temur va temuriylar sulolasi davrida ta'lim-tarbiya tizimida katta ahamiyatga molik bo'ldi. Amir Temurning

Movaraunnaxrda fan, ma’rifat va madaniyat sohasidagi sa’yiharakatlari jahon taraqqiyoti tarixida musulmon renessansi deb atalgan ilmiy, ma’rifiy va madaniy yuksalishga olib keladi. Ulug’bek, Qozizoda Rumi, Jamshid Koshiy, Ali Qushchi, Jomiy, Navoiy, Behzod, Bobur va Boburiylar ana shu sharq yuksalishi avj olgan davr farzandi edilar. Amir Temur va temuriylar davrida Movaraunnaxrda ta’lim-tarbiya va pedagogik fikrlar imkon darajasida yoritilgan. Amir Temurning ilm-fan maorif, madaniyat ravnaqi yo’lidagi tadbirlari, uning Mirzo Ulug’bek, Shoxrux Mirzo, Husayn Boyqaro va boshqalar tomonidan yanada rivojlantirilishi haqida so’z yuritiladi. Ishda islom dini, uning mamlakat ilm-fan, maorif taraqqiyotiga ta’siri ham yoritiladi. NATIJA “Amir Temur - buyuk shaxs, - deb yozadi akademik B.Axmedov- kuragi yerga tegmagan sarkarda, yirik davlat arbobi, qonunshunos, talantli me’mor, notiq, ruxshunos, shu bilan birga el-yurt sevgan va uni mashxur qilgan inson ” U yetti iqlim Sohibqironi, 27- mamlakatni birlashtirib buyuk saltanatni vujudga keltirgan Movaraunnaxr Amir Temur va Xurosonda madaniyat, ilmu-ma’rifat, ta’lim-tarbiyani yanada rivojlantirib uni dunyoga tanitadi. U haqiqatdan xam ko’p qirrali aql, salohiyat egasi, donishmand bo’lgan. Uning shaxsi haqida birinchi prezidentimiz I. A. Karimov: “Muxammad Tarag’ay Bahodir o’g’li – Amir Temur yoshlik chog’laridan mard, dovyurak, g’ururli, o’tkir zexn va idrok egasi bo’lib o’sdi. Turli dunyoviy ilmlarni, harbiy san’atni egalladi”,- deb aytgan edi. Quroni Karimni yod oldi. Hadis ilmini o’rgandi. Imonetiqodli, halol pok inson bo’lib etishdi. Amir Temurning O’rta Osiyo tarixida tutgan o’rni uning ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, jabhalardagi merosi, shuningdek davlatni boshqarish, ichki-tashqi siyosat olib boorish, mamlakatni himoya qilish, harbiy san’at, huquq, adolat, ilm-fan, san’at, adabiyot, maorif sohasidagi siyosatiga yetarlicha baho berilmadi. O’zbekiston Mustaqillikka erishganidan so’nggina milliy merosimiz, qadriyatlarimiz, urf-odatlarimiz umuman ma’naviyatimizni o’rganish, unga baho berish va tiklanishning imkoniyatlarini yaratadi. Amir Temurning ko’p qirrali faoliyati, murakkab shaxs ekanligi o’sha davrda yozilgan qator asarlarda ifodalangan. Hofiz Boburning “Zubdat ut tavorix”, SHarofiddin

Ali Yazdiyning “Zafarnoma”, Fasih Ahmad Havofiyning “Mujmali Fasihiy”, Abdurazzoq Samarqandiyning “Matlaus sadayn va majmual baxrayn”, Ibn Arabshohning “Ajayibul- maxdur fi axbori Temur”, nomli asarlari o’sha davrning qimmatli yozma manbalari hisoblanib, ularda Amir Temurning hayoti va ko’p qirrali faoliyati ma’lum darajada, hikoya qilinadi. XULOSA Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, buyuk sarkarda, adolatli shoh Amir Temur Markaziy Osiyoda mo’g’ullarning 150-yillik hukmronligini tugatib, buyuk davlat tuzgan va uni dunyoga tanitgan, shuningdek, Movaraunnaxrda fan va madaniyat ravnaqining asosini yaratgan shaxs sifatida mashxurdir. O’z davrida Turkistonda hunarmandchilik, qurilish, ilm- fan va madaniyatni rivojlantirgan. Bu esa kelajak avlodga ta’lim-tarbiya berishda muhim asos bo’lib xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Karimov I. A. Bizdan ozod va obod vatan qolsin. Toshkent, O’zbekiston, 1994 yil.
2. Karimov I. A. Amir Temur faxrimiz, g’ururimiz. Toshkent, O’zbekiston.
3. Karimov I. A. Istiqlol va ma’naviyat. Toshkent, O’zbekiston.
4. Amir Temur o’g’itlari. Toshkent, Cho’lpon.
5. Amir Temur va temuriylar davrida madaniyat va san’at, Toshkent, Adabiyot va san’at nashriyoti.
6. K. Xoshimov, Pedagogika tarixi, Toshkent, O’qituvchi.
7. Safo Ochil, K. Xoshimov, O’zbek pedagogikasi antalogiyasi, Toshkent, O’qituvchi.

**AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI ADABIY MUHIT VA
TASVIRIY SAN'ATNING BA'ZI JIHLTLARI TARIXIY
MANBALARDA**

Surxondaryo viloyati Jarqo`rg`on tumani

Termiz davlat universitetining Tarix fakulteti talabasi

Xudayberganov Ma'ruf Olimkulovich

Ilmiy rahbar: Sayfulla Tursunov Narzullayevich

Annotatsiya: Ushbu maqolada Amir Temur va Temuriylar davrida madaniy hayoti haqida so`z yuritiladi. Bu davrning katta bir o`zgarishi “Ikkinchi renasans” vaqdidada adabiy muhit va tasviriy san`atda ham bo`lgani yuksalishi haqida turli xil manbalar asosida tahlil qilingan va qimmatli ma`lumotlar berilgan.

Kalit so`zlar: Alisher Navoiy, Husayn Boyqaro, “Tazkirat ush-shuaro”, miniatyura, qo`lyozmalar, renasans, tarixiy asarlar, san`at, rassomchilik, adabiyot, ilm – fan.

**AMIR TEMUR AND THE TEMURIAN PERIOD LITERARY
ENVIRONMENT AND SOME ASPECTS OF FINE ART IN
HISTORICAL SOURCES**

Abstract: This article deals with the cultural life of Amir Temur and the Temurids. A major change in this period was the rise of both the literary environment and the fine arts during the Second Renaissance, which has been analyzed from a variety of sources and provided valuable information.

Keywords: Alisher Navoi, Hussein Boykaro, Tazkirat ush-shuaro, miniatures, manuscripts, renaissance, historical works, art, painting, literature, science.

KIRISH Yaqin yillarda mamlakatimizda xalqimizning jonli kechmishini, o'lkamizning siyosiy-ijtimoiy tarixi, madaniyati va san'ati taraqqiyoti masalalarini o'rganish shaxsan davlatimiz rahbarining nazorati va g'amho'rliigi ostida, hukumatimizning bu boradagi keng qamrovli dasturi asosida olib borilmoqda. Mazkur maqolada uyg'onish davrining ikkinchi bosqichi bo'lgan Markaziy Osiyodagi XIV-XV asrlar davri madaniyati tarixi tadqiq qilindi. Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar-tarixiylik, obyektiv, qiyosiy mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, tamoyillari asosida yoritilgan bo'lib, unda Amir Temur va Temuriylar davri manbalari asosida adabiy muhit va tasviriy san'at qiyosiy taxlil va ketma – ketli asosida taxlil qilingan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA Amir Temur hayoti va faoliyati hamda bu masalani yorituvchi asosiy tarixiy manbalar xilma-xil bo'lib, bu Amir Temurning jahon tarixidagi roli buyuk ekanligidan va uning nomi g'oyat mashhurligidan dalolat beradi. Mazkur manbalar jamiyat tarixini o'rganuvchi olimlarimizning asarlarida, ayniqsa, o'zbek, rus va ingliz tillarida nashr etilgan. Jumladan "Amir Temur jahon tarixida" nomli fundamental tadqiqotda batafsil tahlil etib berilgan. Ushbu tadqiqotda mavzu bo'yicha jahonning turli tillarida nashr etilgan adabiyotlar ro'yhati ham keltirilgan. [1] Temuriylar saltanati hukmronligi davrida Movarounnahr va Xurosonda badiiy adabiyot ham yangi bosqichda ko'tarildi. Shu davrda fors-tojik adabiyoti o'zining yangi rivojlanish pog'onasiga erishgan bo'lsa, o'zbek adabiyoti Alisher Navoiy, Mavlono Lutfiy, Durbek, Hofiz Xorazmiy, Atoiy, Sakkokiy, Gadoiy, Sayyid Qosimiy, Yaqiniy ijodlari misolida o'z taraqqiyotining eng yuksak bosqichiga ko'tarildi. Abdurahmon Jomiyning "Haft avrang", A.Navoiyning "Xamsa", "Hazoyin ul maoniy" asarlari shu davr adabiyotining shoh asarlari edi. Jomiy yetti dostonidan iborat to'plamiga "Haft avrang" (Yeti taxt) deb nom

qo`yar ekan, Temuriylar sulolasidan yetti (Amir Temur, Xalil Sulton, Shohrux, Ulug`bek, Abulqosim Bobur, Abu Said, Mirzo Husayn Boyqaro) ni ko`zda tutgan bo`lsa, Navoiy o`z “Xamsa”sini yaxlit holda Husayn Boyqaroga bag`ishlagan va bu bilan har ikki muallif ham shu davr hukumdorlariga o`zlarining ma`lum ma`noda minnatdorchiliklarini namoyon etgan.

NATIJALAR VA MUHOKAMA Temuriylar davridagi adabiy hayotning o`ziga xos xususiyatlaridan biri adabiy jarayonning yagonaligi, unda turkiy tilda ijod qiluvchilarning ham, forsiyda qalam tebratuvchilarning ham barobar va faol qatnasha olgani edi. Buni biz Alisher Navoiynitng “Majolis un-nafois” tazkirasida yaqqol ko`ramiz. XV asrning ikkinchi yarmidagi ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-madaniy va adabiy hayotda yuz bergan ibratli xodisalardan biri Navoiy-Jomiy munosabatlaridir. Bu ikki buyuk zot ijod sohasida xalqparvarlik va insonparvarlik mavqeida turish bilan birga xalq, davlat ishlarida insof va adolatni yoqlar edilar. Abdurahmon Jomiy g`oyat sermahsul ijodkor bo`lib, undan bizga adabiyotning turli janrlariga fan va san`atining rang-barang sohalariga oid boy meros qolgan. Jomiy asarlari o`z davridayoq Xuroson va Movarounnahr doirasidagina emas, boshqa mamlakatlarga ham keng tarqalgan edi. Ba`zan qo`shni mamlakat podshohlari, masalan, Sulton Ya`qub uning asarlarini so`rab maxsus elchilar yuborgan. Uning asarlari o`z davrida va undan keyin ham ko`p qo`lyozma nusxalarda ko`chirilgan. Masalan, O`zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining Abu Rayxon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti fondida Jomiy asarlarining XV-XVI asrlarda ko`chirilgan o`nlab qo`lyozmalarini uchratish mumkin. Bunday qo`lyozmalar Rossiya, Afg`oniston, Eron va Yevropa mamlakatlaridagi boshqa qo`lyozma fondlarida ham uchraydi. Taniqli sharqshunos Y.E.Bertels “Jomiy monografiyasi”da shoir asarlarining Toshkent kulliyoti asosida shoirning nomini keltiradi. [2] Abduraxmon Jomiy Temuriylar davri ilm fani va adabiyotining faxri, Sharq she`riyatini yuksaklikka ko`targan so`z san`atkorlaridan biridir. U bir necha asrdiki, Navoiy bilan yonma-yon o`zbek shoir va adiblariga ham ustozlik qilib kelmoqda va har doim shunday bo`lib qoladi. XV asr jahon

ma`naviyatining buyuk siymosi Nizomiddin Mir Alisher Navoiy bo`lib uning asarlari turkiy tilning boyishiga yuksak hissa qo`shdi. Bundan tashqari Alisher Navoiy Husayn Boyqaro tomonidan muxrdor qilib tayinlangan paytda el xizmatida bo`ldi. Keyinchalik uni vazir lavozimiga tayinlashdi. Navoiy el-ulus manfaati, shahar va mamlakat obodonchiligi, madaniyat ravnaqi, adolat tantanasi uchun foydalanadiki, bularning barchasi pirovard natijada Sulton Husayn davlatining barqarorligi va nufuzini ta`minlaydi. Hirot bu davrda nihoyatda ko`rkamlashdi, xalq turmushi yaxshilandi, she`riyat, nafis san`at rivoj oldi talabalar uchun “Ixlosiya” madrasasi, darveshlar uchun “Xalosiya” xonaqohi, bemorlar uchun “Shifoiya” shifoxonasi, masjidi Jome` yoniga Qorixona (“Dor ul xuffoz”) qurildi. Ulug` amirning kutubxonasida 70 dan ortiq xattot va musavvirlar qo`lyozmalarni oqqa ko`chirish, ularni badiiy bezash bilan band edilar. Hirotida yana “Nizomiya”, Marvda “Xusraviya” va boshqa madrasalar barpo etildi. Fors tilida birinchi “Xamsa” yozganini qayd etmaydi. Nizomiy vafotidan 100 yil o`tib Hindistonda tug`ilib o`sgan forsiyzabon turk o`g`loni Xusrav Dehlaviy Nizomiy “Xamsa”siga birinchi bo`lib tatabbu yozadi va “Xamsachilik” an`anasini boshlab beradi. Dehlaviy “Xamsa”si Nizomiya ajoyib sharh va undagi mazmunlarning yangicha talqini sifatida o`zining ham falsafaning ham shuhratini olamga yoydi. Keyingi XIV-XV asrlar mintaqa ma`naviyati “Xamsa” an`anasi ta`sirida rivoj oldi, shoirning salohiyati va iqtidori hech bo`lmaganda “Xamsa”ning bir dostoniga javob yoza bilish bilan o`lchanadigan bo`ldi. Bu jahon ma`naviyati tarixida betakror hodisadir. Turkiy adabiyotda Qutb va Xaydar Xorazmiylar boshlab bergan “Xamsachilik” an`anasi o`zining kamolini A.Navoiy ijodida topdi. XV asrning ko`zga ko`ringan adabiyotshunos olimlarning biri Davlatshoh ibn Abouddaula Baxtish al-G`oziy as-Samarqandiydir. Uning tarjimai holiga oid ma`lumotlar juda kam bo`lib, “Tazkirot un-shuaro” (Shoirlar tazkirasi) asarida keltirilgan ba`zi bir ma`lumotlarga qaraganda, u yirik harbiy xizmatchi va davlat rabobi oilasida tug`ilgan. Uni taxminan yashagan yillari 1435-1495 yillarga to`g`ri keladi. Uning “Tazkirat un-shuaro” asarida VII-XV asarlarda yashab ijod qilgan 155

shoir haqida qisqacha, lekin nihoyatda qimmatli ma`lumotlar keltirilgan. Bu asar juda katta davr qariyb sakkiz yuz yil mobaynida Eron va Markaziy Osiyoda yashab ijod etgan shoir va adiblar faoliyatini tadqiq qabzasiga olgan. “Tazkirat ush-shuaro” yoki “Tazkirai Davlatshohiy” muqaddima, xotima va yetti qismdan iborat. Davlatshoh Samarqandiyning mazkur tazkirasi jamoatchilik e`tiborini ko`pdan beri tortib kelmoqda. 1819-yildan bayon asarning ayrim parchalari Rossiya (V.A.Jukovskiy va F.Erdman), Fransiyada (Silvers de Sasi), Angliyada (E.Broun va A.Falkoner), Turkiyada (Fahim Sulaymon afandi), Germaniyada (Hammer) hamda Gollandiyada chop etilgan. Uning to`la matni 1887-yili Bombayda Mirza Muhammad, 1901-yili Londonda E.Broun va 1958-yili Tehronda Xoja Muhammad Ramazoniy tomonidan nashr etilgan. 1900-yili birinchi bor Xivada Muhammad Rafe tomonidan eski o`zbek tiliga (Xorazm shevasida) o`girildi. 1967-yili B.Ahmedov “Tazkirat ush-shuaro” tazkirasidan Mavrkaziy Osiyo va Xurosonlik 32 va 1981-yili 50 dan ortiq shoir hayoti hamda ijodiga oid ayrim parchalarni o`zbek tiliga tarjima qilib, “Davlatshoh Samarqandiy” nomli kitobiga ilova qilgan.[3] Davlatshoh Samarqandiy bilan umrguzaronlik qilgan olimu, davlat arboblardan bo`lgan Husayn Boyqaro (1438-1506), Husayn Voiz Koshifiy (1440- 1505) bo`lib bular XV asrda Xuroson va Movarounnahr madaniyatining madaniyatining rivojiga katta hissa qo`shgan hamda o`z asarlari bilan so`nggi avlodlarga katta ta`sir ko`rsatgan mashxur allomalardan bo`lib tarixda qoldi.[4] Ular qomusiy ijodi bilan o`z davri ma`naviy yuksalishi yo`lida faol xizmat qildi va nafaqat O`rta Osiyo, balki butun Sharq umuminsoniy, madaniy boyliklarini kuchaytirishga sezilarli ta`sir ko`rsatdi. Bu davrda Movarounnahr va Xurosonda XV asrdagi Renessans ya`ni uyg`onish davri vakillaridan biri, Navoiyning shogirdi, “Sharq Rafayeli”, ulug` musavvir va miniatyurasoz Kamoliddin Behzoddir. Nafaqat musulmon sharqi xalqlari balki butun dunyo xalqlari san`ati tarixida sezilarli iz qoldirgan, uning taraqqiyotiga o`zining barakali hissasini qo`shgan zabardast musavvir Kamoliddin Behzod 1455-yilda Hirotida kambag`al hunarmand oilasida dunyoga kelgan. Behzod ota-onasidan juda erta ajraldi. Uni bolaligidayoq Hirotning

mashxur musavviri Amir Ruhillo (Mirak naqqosh) o`z tarbiyasiga olib, tutingan otasi bo`ldi va Kamoliddinga tuz-non berib, kiyim bosh bilan ta`minlab, hartomonlama ilmli qilib voyaga yetkazadi. Yosh Kamoliddin Mirak Naqqosh tarbiyasida, uning Hirotdagi Nigoristonda (san`at akademiyasida) naqqoshlik va miniatyurasozlik hunarining sir-asrorlarini o`rgandi. Behzod miniatyura san`ati tarixida maxsus maktab “Behzod maktabi”ni yaratdi.[5] Behzod miniatyuralari uning tirikligidayoq va ayniqsa undan so`ng musulmon sharqida va g`arbida ham bu san`atning eng oliy yutug`i deb tan olindi hamda eng qimmatli san`at asarlari sifatida mashxur bo`lib ketdi. Behzodning ijodiy merosini o`rganuvchi mutaxassislar fikricha, uning hozirgacha ma`lum bo`lgan asarlari taxminan o`ttizta rasm va rasmlar turkumidan iborat, ulardan eng mashxurlari quyidagilardir:

1. Sharofiddin Ali Yazdiyning “Zafarnoma”siga ishlangan miniatyuralar.
2. Husayn Boyqaroning majlislari tasvirlangan muraqqadagi 40 dan ortiq go`zal miniatyuralar.
3. Abduraxmon Jomiyning “Solomon va Ibsol” asariga ishlangan rasmlar.
4. Amir Xusrav Dehlaviyning “Xamsa”siga ishlangan 33 ta ajoyib miniatyuralar.
5. Sa`diyning “Bo`ston” asariga ishlangan go`zal rasmlar.
6. Nizomiy Ganjaviyning “Xamsa” asariga chizilgan noyob va benazir miniatyuralar.
7. Abdulloh Xotifiyning “Temurnoma” asariga chizilgan rasmlar.
8. Sa`diyning “Guliston” asarlariga ishlangan nafis miniatyuralar.
9. Abduraxmon Jomiy tasviri.
10. Husayn Boyqaro tasviri

11. Shayboniyxon tasviri
12. Shoh Taxmasp tasviri
13. Shoir Abdulloh Xotifiy tasviri
14. Tuyalar jangi
15. Raqsi darvish (darvishlar raqsi)
16. Samarqandda madrasa qurilishi va hokazolar.

[6] Behzod maktabining hozirgi zamondagi davomchilarini Afg`onistonda (Ustod Muhammad Said Mash`al), Eronda (Karim Tohirzoda Behzod), O`zbekistonda (marhum ustod Chingiz Ahmarov) va boshqa sharq o`lkalarida ham ko`rish mumkin. Hozirda Sharq va Yevropa mamlakatlarida san`at, rassomchilik tarixini o`rganishda miniatyura chizish tarixi, xususan, Behzod miniatyura maktabi alohida o`rganiladi va tadqiq etiladi hamda maxsus maktablarda o`qitilardi. Behzod nafaqat Sharq xalqlari musavvirchiligi tarixida, balki jahon rasm san`ati tarixida o`chmas iz qoldirgan, o`zining ajoyib va qimmatbaxo miniatyura durdonalari bilan butun dunyo madaniyati tarixida salmoqli o`rin olgan buyuk va zabardast san`atkordir. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori bilan 2000-yilda Kamoliddin Behzodning 545 yillik tavallud kuni keng nishonlandi. Markaziy Osiyoning XIV-XV asr, ya`ni Temur va Temuriylar davrida yashab ijod etgan mohir tarixnavis, yozma yodgorliklaridan biri Amir Temur topshirig`i bilan yozilgan. "Zafarnoma" asarining muallifi Nizomiddin Shomiydir. "Zafarnoma"ning yozilish tarixi haqida shuni ta`kidlash lavozimki, Mavlono Shomiyning o`zi bergan ma`lumotga ko`ra hijriy 804 yili Amir Temur uni huzuriga chorlab, o`z yurishlari bitilgan yirik bir asar yaratishga undagan. Sohibqiron o`sha davrga qadar munshiy va kotiblari tarafidan tuzilgan bitiklar uni qoniqtirmaganligini aytgan. Yozilajak asar bir tomondan avom xalqqa tushunarli, sodda, ravon tilda va ayni paytda ma`rifatli kishilar e`tiboriga ham loyiq tarzda yozilishini o`qtirgan Mavlono Nizomiddin bu ma`suliyatni o`z bo`yniga olgan.[7]

“Zafarnoma” tarixiy asar sifatida XIV-XV asrlarda Temur va Temuriylar hukumronligi davridagi Markaziy Osiyo, Oltin O`rda xonligi, Ozarbayjon, Eron, Afg`oniston, Iroq, Suriya, Misr, Turkiya va boshqa mamlakatlar tarixiga oid voqealarni o`z ichiga olgan. Asar muqaddimasida Amir Temur tarix sahnasiga chiqqan 1360-yilga qadar Markaziy Osiyoda hukmronlik qilgan Chingiziy hukmdorlar haqida qisqacha ma`lumot berildi. So`ngra Amir Temurning XIV asrning ikkinchi yarmi va XV asrning boshida qilgan yurishlarining batafsil bayoni keltirilgan Xullas, XIV-XV asrlarda O`rta Osiyoda sodir bo`lgan o`zaro nizolar, taxt uchun kurashlar bo`layotgan bir davrda ham ilm-fan, san`at, adabiyot sohalari o`tgan asrlarga nisbatan ancha rivojlandi va bu davr keyinchalik “Musulmon Renessensi” degan atamaning paydo qilib keldi.

XULOSA Mirzo Ulug`bek tomonidan Samarqand shahridagi madrasasida o`ziga xos akademiya bundoy etildi. Unda ushbu davrning yetuk ilm-fan sohiblari faoliyat yuritishdi. Natijada aniq fanlar sohasi juda katta taraqqiy qildi. Ushbu davrda Mirzo Ulug`bek tomonidan qurilgan Rasadxonaning faoliyatini ham ushbu davr ilm-faniga katta hissa qo`shgan deyishimiz mumkin. Ayniqsa unda o`rnatilgan sekstan ushbu davrda kattaligi jihatidan dunyoda ikkinchi o`rinda turganidan ham bilib olishimiz mumkin. Hatto Mirzo Ulug`bek bir yilning qancha vaqtdan iborat ekanligini hisoblab chiqadi va hozirgi kundagiga nisbatan bor yog`i 1 minut-u 2 sekundgagina adashganidan ham ushbu davr madaniy hayotida ilm-fanning taraqqiy etganini bilib olishimiz mumkin. Temuriy shahzoda Mirzo Ulug`bek Samarqand va Buxoro ilmu ma`rifat dargohiga aylantirdi. O`z zamonasining dorilfununi hisoblangan Samarqand, Buxoro, G`ijduvon madrasalarida diniy va dunyoviy fanlardan ta`lim berildi, Shamsuddin Havofiy, Qozizoda Rumi, G`iyosiddin Jamshid, Ulug`bek, Ali Qushchi kabi yetuk olimlar Samarqand akademiyasiga ilmu toliblarga saboq berishdi va bu davrdagi Markaziy Osiyo xalqlarining jahon sivilizatsiyasiga o`z xissasini qo`shdi. Amir Temur va Temuriylar davrida badiiy uslub jihatdan adabiyot nihoyatda takomillashib, yangi pog`onaga

ko`tarildi. Zamonaning yetuk shoirlari Sakkokiy, Lutfiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Atoiy, Durbeklar nasr va nazmda ko`plab nodir asarlar yaratishdi. Bu davrda Markaziy Osiyoda kitobot, xattotlik, musavvirlik, lavvohlik (lavha chizish) va sahhoflik (muqovasozlik) san`ati nihoyatda taraqqiy etdi. Mir Ali Tabriziy, Sulton Ali Mashhadiy, Mir Ali Kitob, Mirak Naqqosh, Qosim Ali kabi xattot, musavvir, lavvohlar o`z sohasining jonkuyarlari bo`lishdi. Ayniqsa, Kamoliddin Behzod asos solgan Hirot musavvirlik maktabi ulkan yutuqlarga erishdi. Xullas, XIV asrning oxiri XV asr Markaziy Osiyo, aniqrog`i, Movarounnahr va Xuroson tarixida o`rta asr uchun oliy darajadagi madaniy – manaviy yuksalish davri bo`ldi. Bu yuksalish Markaziy Osiyoda uyg`onish davrining tiklanishi va oliy darajadagi sivilizatsiyaga qo`shgan hissasi bilan atash mumkin. Bu yuksalishlar xalqimizning keyingi madaniy rivojlanishiga katta zamin yaratdi.

REFERENCES

1. Amir Temur jahon tarixida. BMT. YUNESKO. Parij, - B. 119-128, 256-293.
2. Hayetmetov A. “Ma`naviyat yulduzlari” – T. – B. 220.
3. Boboyev X.B. Amir Temur va temuriylar saltanati. – T.: Kamalak. – 200 b.
4. Azimov E. Amir Temur saltanati. – T.: Adabiyot va san`at nashriyoti. –88 b.
5. Axmedov B. Temur tuzuklari haqida ikki og`iz so`z // Sharq yulduzi. – T. - №8. – B. 132.

**AMIR TEMURNING DAVLAT BOSHQARUVI SOHASIDAGI
ISLOHOTLARI**

Surxondaryo viloyati Jarqo`rg`on tumani

Termiz davlat universitetining Tarix fakulteti talabasi

Xudayberganov Ma'ruf Olimkulovich

Ilmiy rahbar: Sayfulla Tursunov Narzullayevich

Annotatsiya Ushbu maqolada Amir Temurning davlat boshqaruv sohasida, hamda ichki va tashqi siyosatda amalga oshirgan islohotlari o`z davrida uning saltanatini yanada mustahkam bo`lishiga olib kelgan va hozirgi kunda kundun-kun gullab-yashnab borayotgan Mustaqil O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlar ham davlat boshqaruv sohasida mamlakatimizning ertangi kuniga bo`lgan ishonchni yanada mustahkamlab, buyuk davlat arbobi Amir Temur tajribasini chuqur o`rganib, amalda buyuk bobolarimiz tajribasidan unumli foydalanilayotganining isboti sifatida ko`rish mumkin.

Kalit so'zlar: Buyuk davlat arbobi, diplomat, Temur tuzuklari, adolatli tamoyillar, Temuriylar davlati, musulmon fiqhi qoidalari, Islom qudrati, moliya, iqtisod, insonparvar, qonun-qoida, adolat, tartib-intizom, islomiy-mazhabiy, mo'g'ullar.

KIRISH Amir Temur va temuriylar davri davlatchiligi, ma'naviyati o`zining salohiyati, mazmuni, tarbiyaviy kuchi va ta'siri bilan xalqimiz tarixida alohida o`rin tutadi. O`zbekiston o`zining davlat mustaqilligiga erishgach, uning bir necha ming yillik ijtimoiy-siyosiy tarixini har taraflama o`rganish uchun

keng imkoniyatlar yaratildi. Ayniqsa, markazlashgan Amir Temur saltanati, uning o'zbek davlatchiligi va madaniyatini rivojlantirishdagi o'rni masalalariga oydinlik kiritilib, tarixchi, sharqshunos olimlarimiz ko'plab birinchi manba ahamiyatidagi asarlarni o'zbek tiliga tarjima qilib, nashr ettirdilar. Davlatimizning siyosati va xalqimiz xohish-irodasiga asoslangan Vazirlar Mahkamasining 1994 yil 29 dekabrda «Amir Temur tavalludining 660 yilligini nishonlash to'g'risida»gi qarori, 1995 yil 26 dekabrda esa Prezidentimizning «1996 yilni Amir Temur yili deb e'lon qilish to'g'risida»gi farmonlari qabul qilindi. 1996 yil martida «Temuriylar tarixi» davlat muzeyini tashkil qilish xususida, «Amir Temur» ordenini ta'sis etish to'g'risida farmonlar chiqdi. YUNESKO qarori asosida Amir Temur tavalludining 660 yilligi butun dunyoda keng nishonlandi. 1996 yil aprelida shu tashkilotning Parijdagi bosh qarorgohida «Temuriylar davrida fan, madaniyat va ta'lim ravnaqi» mavzuida ilmiy konferensiya o'tkazilib, Buyuk davlat arbobining tarixdagi o'rniga yuksak baho berildi. «Amir Temur jahon tarixida qudratli va gullab-yashnagan davlat barpo etgan buyuk sarkarda va davlat arbobi sifatidagina mavqei tutmaydi. U o'z poytaxti bo'lmish Samarqandni er yuzining chinakam madaniy va ilmiy markazlaridan biriga aylantirdi. Bu ulug' zot qurdirgan me'morchilik va xalq san'atining javohirlari yanglig' bugungacha qad ko'tarib turgan osori atiqalar shahar va qishloqlarimiz ko'rkiga ko'rk qo'shib kelyapti. Sohibqiron zamonasining ajoyib diplomati, davlatlar o'rtasida do'stona munosabatlar o'rnatilishi va iqtisodiy aloqalar rivojlanishining tarafdori sifatida ham mashhur edi. U olimlar va hokimlar, me'morlar va shoirlarning buyuk homiysi yanglig' dong chiqargan». Bugungi kunda demokratik huquqiy davlat qurayotgan xalqimiz Vatanimiz tarixida huquqiy davlat haqidagi tasavvur va qarashlarning yuzaga kelishi hamda rivojlanishi, uning yuridik manbalari, dunyoviy huquq va qonunchilik masalalarini ham bilishni istaydi, albatta. Ana shu nuqtai nazardan qaraganda, Temur tuzuklarini tarixiy-huquqiy tadqiq etish alohida dolzarblik kasb etadi. Zero, o'tmish merosimiz, uning boy davlatchilik va huquqiy asoslari, xususan, Amir Temur davrida davlat va huquq borasida qo'llanilgan adolatli

tamoyillar bugungi kunda mustaqilligimizga ham xizmat qilib, shaxsning yuksak siyosiy, axloqiy va huquqiy madaniyatini shakllantirishda ko'maklashmoqda. Amir Temur hayoti va faoliyatini yorituvchi asosiy tarixiy manbalar benihoya ko'p va xilma-xil bo'lib, bu uning nomi, jahon tarixidagi roli beqiyos ekanligi va g'oyat mashhurligidan dalolat beradi. Amir Temur, Temuriylar davlati, uning tashkil topishi masalalariga bag'ishlangan, chet ellarda va Respublikamizda olib borilgan tadqiqotlarning ilmiy tahlili ham bir qator olimlarimizning kitoblarida yoritilgan. «Temur tuzuklari» ilmiy jamoatchilikni 600 yil mobaynida qiziqtirib kelmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA «XIII asrning 20-yillarida Markaziy Osiyoga mo'g'ul hukmdorlari egalik qila boshlashlari oqibatida Abu Nasr Forobiy, Muso Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad Yugnakiy, Mahmud Koshg'ariy kabilar zakovati bilan tiklangan ilm-fan va madaniyatimiz qoyalari nurashga yuz tutdi, hukmron mafkura hisoblangan islom dini ham o'z maqomidan anchagina mahrum bo'ldi. Chunki Movarounnahrni o'z ulusi o'laroq tasarrufiga olgan Chig'atoyxon islom dinining ashaddiy dushmani edi» Yov asoratida qolgan Movarounnahr xalqi, ozodlik kurashiga shaylanar ekan, ko'ksida asrab-avaylab kelgan istiqlol g'oyasini qudratli kuch va harakatga aylantiradigan ma'naviy asosni axtardi. Turonliklarning erkka bo'lgan intilish va irodasini tarbiyalagan er, avvalo, mashhur ajdodlar vatanparvarligi, so'ngra dini islom va shu yurtda dunyoga kelgan to'rt buyuk tariqat bo'ldi. Mo'g'ullar bosqini arafasida shakllanish bosqichida bo'lgan Futuvvat (javonmardlik, jo'mardlik), Yassaviya, Xojagon (keyinroq Naqshbandiya) va Kubraviya tariqatlari namoyandalari ta'sirida xalq e'tiqodini poklab, ma'nau o'zidan tuban turuvchi dushman ustidan ruhiy g'alabaga erishdi. Temurning ijtimoiy-siyosiy tamoyillari tizimini yanada batafsilroq bayon qilsak, quyidagi manzara hosil bo'ladi:

1. Amir Temur iqtisodiyotni har qanday saltanat poydevori, deb tushungan. «Davlatu saltanat – deb ta'kidlaydi, Temur o'zining «Tuzuklari»da,

– uch narsa bilan – mulk, xazina va lashkar bilan tirikdir». Bu bilan Temur davlatning yashashi va ijtimoiy rivoji uchun, avvalo, iqtisodiy imkoniyatlarga ega bo‘lishi zarurligini ta’kidlaydi.

2. Amir Temurning qarashlariga ko‘ra, har bir mamlakat, turli xil iqtisodiy imkoniyatlaridan kelib chiqib, barcha mintaqalar «xususida to‘la ma’lumotlarga ega bo‘lishi va ularning iqtisodiy xususiyatlarini hisobga olishi» lozim.

3. Amir Temur asosiy ishlab chiqarish vositasi bo‘lgan er egaligiga katta e’tibor qildi va har bir viloyatni idora qilishda davlat, vaqf, xususiy er egaligi tartiblarini saqlab qoldi va bunga er maydonining miqdori, egalik huquqini davlat manfaatini ko‘zda tutib, o‘zgartirishga harakat qildi.

4. Temur mehnatning yaratuvchanlik faoliyatini nazarda tutib, uni ijtimoiy qadriyat, deb tushundi.

5. Amir Temur iqtisodiy tamoyillari tizimida moliya masalalariga katta e’tibor bergan. Chunki moliya Temur nazarida davlatning iqtisodiy tayanchi hisoblangan. Temurning siyosiy-huquqiy qarashlari uning axloqiy qarashlari bilan asoslanadi va diniy axloq ustiga quriladi. Shuning uchun ham Temur nazarida har qanday siyosatning muvaffaqiyati podshohning o‘z fuqarolariga bo‘lgan rahmdilligi, saxovatida-dir. Qur’onda «Taxlaku bi-axloq Alloh» deyilganidek, – deb yozadi Temur, – agar podshoh, biror gunohkorning gunohini kechirsa, bu bilan fuqarosiga rahm qilgan bo‘ladi. Mening barcha ishlarimda ana shunday podshohlar menga ibrat bo‘ldi».2 Temur o‘z siyosatida ham adolat, haqqoniylik, odillikka tayanib ish tutdi. Chunki o‘z siyosatida haq yo‘lini tanlagan. Temur bundan boshqa siyosat yuritishi mumkin emas edi. U nimaiki qilsa, shariat doirasida, musulmon fiqhi qoidalariga tayanib, umuman Islom qudrati bilan ish tutdi. Bu esa Temurning o‘z piri Abu Bakr Toyibodiyning «rosti-rasti» ya’ni, «haqgo‘y bo‘lsang, najot topasan» hikmatini, Ibn Arabshohning yozishicha, Temur o‘z tamg‘asiga muhr sifatida o‘rnashtirgan

edi. Shunday qilib, Temur ham adolat haqidagi o'z qarashlarini diniy tamoyillar asosida bayon qildi. Bizgacha saqlanib qolgan yilnomalar va tarixiy manbalarda Temurning dinga munosabati o'zining yaqqol ifodasini topgan. Jumladan, islom diniga munosabat tamoyilini ishlab chiqqanligi butun temuriylar uchun dastur vazifasini o'tadi. Chunki Temur islom diniga davlatni idora qiladigan siyosiy tamoyili yo'qligi uchun emas, balki uning xalqqa eng yaqin va ma'qul bo'lganligi hamda uning insonparvar xususiyati uchun to'la tayangan. Temurning siyosiy tamoyili markazida inson turadi. Temur o'z davrida saltanat manfaatini xalq manfaatiga bo'ysundira olgan davlat rahbari edi. Temur siyosiy qarashlari tizimining yana bir muhim tomoni shundan iboratki, u har bir siyosiy masalani hal etishdan oldin shu sohaning bilimdon odamlari, olimlari bilan maslahatlashib, so'ngra qaror qilar edi. Uning olimlar bilan qiladigan maslahatlari turli shakl va darajada bo'lardi. Shuni ham aytib o'tish kerakki, XIV-XV asr mutafakkirlari o'z ijodlari va g'oyaviy karashlarida adolatli va ma'rifatparvar shohning eng oliy sifati qilib, birlari adolatni ko'rsatsalar, boshqalari aqlni, uchinchi toifadagilar esa - axloqiy sifatlarni ko'rsatganlar. Shunisi qiziqarliki, agar ular o'zlarining «Ideal davlat» nomli g'oyaviy xayolotini nazariy jihatdan ta'riflagan bo'lsalar, XIV asrga kelib, Amir Temur uni amalda qo'llay oldi va o'zida buxislat va xususiyatlarni mujassamlashtirgan adolatli hukumdor sifatida maydonga chiqdi. O'z saltanati siyosatini tasavvuf asosiga qurgan Temur adolat bayrog'ini baland ko'tarib, xalqni quruq qonun-qoidaga emas, balki insoniy tartib-intizomga bo'ysunishga chaqirgan. Chunki Temur insoniy tartib-intizomga ilohiy tus berib, uni muqaddas deb biladi va shuning uchun ham yomonlikni maqsad qilgan kishilarni jilovlovchi va yaxshilik yo'lida jafo chekuvchilarni quvvatlovchi har qanday podsho va hokimga bo'ysunish kerak, deb hisoblaydi. Amir Temur jahonning katta qismini fath etdi, umrining oxirigacha kamtarona amirlik darajasi bilan qanoatlandi. «Tuzuklar»dan ko'p misollar keltirish mumkin: Ularning nazdida dunyo boyligi emas, inson qadri ustun turgan. Shuning bilan birga, Temur tasavvufning Yassaviya tariqatiga ixlosi baland bo'lganligi haqida ham dalillar bor. Buning

sababi bir tomondan «... Yassaviya ta'limoti o'zining mustahkam intizomi, pok islomiy-mazhabiy, irfoniy-tasavvufiy g'oyalari bilan Turkiston xalqlarini mo'g'ullar zulmi va istibdodiga qarshi jipslashtirib tarbiyalab borgan»ligida bo'lsa, ikkinchi tomondan, Amir Temur Ko'ragon, Xo'ja Ahmad Yassaviyning (1166-1167 yilda vafot etgan) avliyolik martabasidan ma'naviy, ruhiy oziq, kuch olib kelganligidadir. Shuni aytish lozimki, ba'zi olimlar haqli ravishda, Buyuk Temur saltanati – imperiyasining boshqarish qonunqoidalari Naqshbandiy tariqati g'oyalari bilan asoslangan, deb hisoblaydilar. Temur tuzuklarining vujudga kelishi, kuchli mafkuraviy nazariya hamda boy amaliy tajribalar mahsuli sifatida maydonga kelganligi ko'rsatib o'tiladi. «Ana shu tarzda Naqshbandiya tariqati g'oyalari Amir Temur davrida Movarounnahrda va saltanatning boshqa hududlarida kuchli ijtimoiy mafkuraga aylandi», – deb yozadi faylasuf N.G'oyibov.

NATIJARLAR Amir Temur o'zi yashab turgan jamiyatni eng etuk ijtimoiy tizimga aylantirish, farovon hayot qurish maqsadidagina kurashib qolmay, balki bu g'oyalarning butun dunyoda tantana qilishiga ham ishongan edi. Faqat shu maqsaddagina u harbiylik libosini kiygan edi. U ana shunday maqsadlarda jahongirlik qilgan har bir davlat boshlig'i, asosan, to'rt narsani xotirasida saqlash kerakligini uqtiradi: birinchidan, qaysi mamlakatni zabt etmoqchi bo'lsa, to'g'ri tadbir va kengash bilan ish tutish; ikkinchidan, xatoga yo'l qo'ymaslik uchun har bir ishni ko'p o'ylab, sergaklik va ehtiyotkorlik bilan qilish; uchinchidan, o'z atrofida aslzoda er yigitlarni (amirlarni) to'plash va birlashtirish; to'rtinchisi, bugungi kunning ishini ertaga qoldirmaslik. Amir Temur dasturi va siyosiy-huquqiy qarashlarida mukammal jamiyatni orzu qilishdan ko'ra, ko'proq uni amalga oshirish hamda uning mas'uliyatini o'z zimmasiga olish yaqqol sezilib turadi. Shuning uchun ham Amir Temurning davlat arbobi, sarkarda va mutaffakir sifatidagi o'ziga xos tomoni shundaki, u o'zi hukmronlik qilgan saltanat (imperiya) timsolida mukammal jamiyatni qurdi va uni har tomonlama mustahkamlashga harakat qildi. Amir Temur siyosiy

ta'limotining muhim jihati jamiyatni boshqarishda qonunning ustuvorligi, qonunchilik masalasidir. Temur saltanatini boshqarishning asosiy sharti, qonunning hamma a'mollardan ustunligini tan olish va uning asosiy qoidalarini yaratishdan iborat bo'ldi. Temurning qonun ustuvorligi tamoyili zaruriy shart ekanligi haqidagi xulosasida, qonunning ustuvorligi juda teran qo'yilgan: bu g'oya Sohibqironning ongida Imom Ismoil Buxoriy, Imom Abu Iso at-Termiziy, Forobiy, Taftazoniylarning huquqiy ta'limotlarini, Burhonidin Marg'inoniyning «Hidoya»sini, uning «Muxtasar» ini maktab va madrasada o'rganib, olimlar bilan bo'lgan uchrashuvlarida eshitish natijasida shakllangan va shuning uchun jamiyatda qonun ustuvorligi masalasiga «Tuzuklar»da keng o'rin ajratgan. Ya'ni «Ulug' bobokalonimiz Amir Temur «qaerda qonun hukmronlik qilsa, shu erda erkinlik bo'ladi», degan gaplarini tarix sahifalariga zarvaraqlar bilan yozdirgan edi». Temur davrining mumtoz tarixchilaridan bo'lgan Ibn Arabshoh Amir Temurning fazilatlarini sharhlab: «Temur tengi yo'q fe'l-atvorli, chuqur mulohazali kishi bo'lib, uning tafakkur dengizining qa'ri yo'q va (uning) ta'biri tagiga na tekisligu, na g'adir-budur orqali yo'l topiladi», – deb yuksak baho bergan edi.

MUHOKAMA Amir Temurning qanday shaxs va davlat arbobi bo'lganligi hamda uning sifatlari haqida juda ko'p mualliflar o'z fikrlarini aytganlar. Ammo aynan uni ko'rib, suhbat qilgan kishilar Ibn Xaldun, don Klavixo hamda Temurning maslahatchisi va, ayniqsa, g'arb mamlakatlariga yuborilgan xristian elchisi Ioann Fransiskning, hozirda Parij milliy kutubxonasida saklanayotgan xotiralari, ayniqsa, qimmatli, ishonchli dalildir. «Amir Temur fors, arab va turk tillarini biladi. Qur'on ilmi va Islom huquqshunosligi ilmida shu qadar kuchli olimki hech bir musulmon olimi u bilan munozara kilishga qodir emas, u olim va shoirlarga katta hurmat ko'rsatadi. Buning sababi shundaki, uning o'zi olim va donishmanddir».

XULOSA Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, buyuk sarkarda Amir Temurning davlat boshqaruv sohasida, hamda ichki va tashqi siyosatda amalga

oshirgan islohotlari o`z davrida uning saltanatini yanada mustahkam bo`lishiga olib kelgan. Hozirgi kunda kundan-kun gullab-yashnab borayotgan Mustaqil O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlar ham davlat boshqaruv sohasida mamlakatimizning ertangi kuniga bo`lgan ishonchni yanada mustahkamlab, buyuk davlat arbobi Amir Temur tajribasini chuqur o`rganib, amalda buyuk bobolarimiz tajribasidan unumli foydalanilayotganining isbotidir. Bu esa xalqimiz kelajagi uchun adolatli turmush tarzi yaratib berish yo`lida qilinayotgan say-harakatlarning samarasidir.

REFERENCES

1. Azamat Ziyo. O`zbek davlatchiligi tarixi.- Toshkent: Sharq.-365 b.
2. Temur tuzuklari. Ahmedov B. tahriri.- Toshkent: G`afur G`ulom.-144 b.
3. Ahmedov B. Tarixdan saboqlar.-Toshkent: O`qituvchi.-432 b.
4. Muiniddin Natanziy. Muntahab at- tavorix. –Toshkent.-260 b.

**ATMOSFERA HAVOSIGA SANOAT KORXONALARINING TA'SIRI
VA UNI OLDINI OLISH MUAMMOLARI**

Olimova Halima Nodir qizi

Toshkent viloyati Angren shahar 35-maktab kimyo fani o'qituvchisi

olimovahalima@gmail.com

Anotatsiya: Sanoatlashgan shaharlar ko'payib borayotgan hozirgi kunda atmosfera havosini muhofaza qilishning o'rni nihoyatda katta. Shu sababli havoning ifloslanish darajasi ortib boryapdi. Buning oldini olish uchun butun dunyoda bo'lgani kabi O'zbekistonda ham chora tadbirlar olib borilmoqda.

Kalit so'zlar: atmosfera, o'g'it, kimyoviy element, kimyo sanoati, xalq xo'jaligi, ilmiy asarlari, kimyoviy ishlab chiqarish, vatanparvarlik, ilm-fan, taraqqiyot.

Ma'lumki, kimyo sanoati korxonalarida turli kimyoviy moddalar ya'ni, kislotalar, ishqorlar, tuzlar, mineral o'g'itlar, polimerlar, sintetik tolalar va boshqa mahsulot turlari ishlab chiqariladi. Kimyo sanoati ishlab chiqaradigan mahsulotiga, foydalanadigan xom ashyosiga, shuningdek, texnologik jarayonlariga qarab bir necha tarmoqqa bo'linadi. Kimyo sanoatining o'ziga xos xususiyati shundaki, shu sohaga taalluqli korxonalar bir-birlariga uzviy bog'liq holda faoliyat yuritadilar. Ularning ishlatadigan xom ashyolari ham ko'pincha mazkur korxonalar tomonidan ishlatiladi.

Bunda xomashyodan kompleks foydalanish, yani bir korxonada faoliyati natijasida hosil bo'lgan oraliq mahsulotdan boshqa korxonada foydalanishi mumkin bo'ladi.

Kimyo sanoatining rivojlanishi bilan xalq iste'moli mollari ishlab chiqarish ham sezilarli o'sdi. Bu o'z-o'zidan aholi turmush farovonligining

yuksalishiga olib keldi, ammo masalaning boshqa bir jihati ham borki bu hammani tashvishga solmoqda. Kimyo sanoatining rivojlanishi, kimyoviy moddalardan keng foydalanish, sanoat chiqindilari, kimyoviy ishlab chiqarish chiqitlarining ko'payib ketishi tabiiy muhitning zaharlanish darajasining yuqori bo'lishiga olib keldi. Biroq, jamiyat taraqqiyotini, inson ehtiyojlari muammosini hal etishni kimyo fanisiz tasavvur qilib bo'lmaydi, shuningdek, xo'jalik faoliyatida kimyoviy birikmalardan foydalanishdan voz kechib bo'lmaydi. Demak, barcha diqqat e'tiborni ularni ishlab chiqarish me'yoriga, tartib qoidalariga va ulardan ekologik hamda ijtimoiy omillarni hisobga olgan holda oqilona foydalanishimizga qaratishimiz zarur bo'ladi. Shuning uchun, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti tomonidan zaharli kimyoviy moddalarning ruxsat etilgan me'yoriy miqdorlari ishlab chiqilgan. Zaharli kimyoviy moddalarni keng ko'lamda qo'llash, gigiyena fani zimmasiga ko'p muammolarni yechish masalasini qo'yadi. Zaharli kimyoviy moddalar o'z nomi bilan zahardir. Mazkur moddalarning ta'siri faqatgini hayvonlar, hasharotlar yoki o'simliklar uchun xavfli bo'lmay, balki inson uchun ham zararlidir. Zaharli kimyoviy moddalar bilan tashqi muhitning ifloslanishi, o'z navbatida aholi sog'lig'iga va barcha jonivorlarga salbiy ta'sir ko'rsatadi, shuning uchun ham zaharli kimyoviy moddalarni xalq xo'jaligida ko'plab ishlatishning zararli oqibatlarini oldini olish kerak, shuningdek, atmosfera havosini, suv va tuproqni korxonalarining chiqindilari, hamda oqava suvlaridan asrash yo'llarini o'ylab topish dolzarb muammolardan hisoblanadi. Zaharli kimyoviy moddalarga sanitariya-gigiyena jihatidan baho berishga aloqador masalalar Respublika Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan boshqarib turiladi.

Hozirgi kunda atmosfera havosini muhofaza qilish uchun uchta tadbirni amalga oshirish ko'zda tutilgan. Bular texnologik, loyihalash, sanitariya-texnika tadbirlaridir. Mazkur tadbirlar amalga oshirilsa, atmosfera havosining ifloslanishini ruxsat etiladigan darajada ta'minlash mumkin bo'ladi.

Texnologik tadbirlar. Atmosfera havosini muhofaza qilishda texnologik tadbirlarning ahamiyati katta. Tekshirish natijalariga qarab,

obyektlarga va atmosfera havosiga tashlanadigan chiqindilar miqdorini kamaytirish yoki mutlaqo to'xtatish mumkin bo'ladi.

Buning uchun sanoat korxonalaridagi texnologik jarayonlar takomillashtirilishi zarur. Shunda hatto chiqindisiz yoki kam chiqindili mahsulot ishlab chiqarish mumkin bo'ladi. Bunday jarayon berk jarayon bo'lib, bunda chiqindilardan umuman bo'lmaydi yoki chiqindilardan boshqa mahsulot ishlab chiqariladi. Fan va texnika yutuqlaridan chiqindisiz ishlab chiqarishda foydalanish aholi turar joylari havosini toza bo'lishida katta ahamiyatga ega.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan kam chiqindili hamda chiqindisiz sanoat korxonalarini tashkil qilish to'g'risida maxsus qaror qabul qilingan. Yana bir muhim masala, zaharli moddalarni zahari kam bo'lgan moddalarga almashtirishdir.

Masalan, ko'mir yoki mazut yoqib isitiladigan qozonlar gaz bilan isitilsa, atmosferaga chiqadigan zararli moddalar 70-90% ga kamayib ketadi. Xomashyolar tarkibidagi zararli moddalarni yo'qotish ham texnologik jihatdan muhim hisoblanadi. Texnologik jarayonlar biror daqiqa bo'lsa ham to'xtab qolmasligi kerak. Agar jarayon to'xtab qolsa, chiqindilar to'planib atmosfera havosining ifloslanishiga imkon tug'dirishi mumkin.

Atmosfera havosini mutloq ifloslanishdan xoli qilishning iloji bo'lmasa ham, uni kamaytirish, oldini olish mumkin, bu muhandis va texnik xodimlardan hushyorlikni talab qiladi.

Loyihalashga asoslangan tadbirlar o'z ichiga bir qancha kompleks holdagi masalalarni oladi:

- Shahar hududini zonalarga bo'lish;
- Tabiiy changlarga qarshi kurashish;
- Sanitariya himoya chegaralarini tashkil qilish;
- Turar joylar loyihalarini takomillashtiish;
- Turar joylarni ko'kalamzorlashtirish;

Sanoat korxonalari shahar hududida to'g'ri joylashtirilishi, shahar bosh loyihasiga hamda sanitariya me'yorlariga asoslangan holda qurilishi kerak.

Sanoat korxonalarini qurish uchun yer maydoni ajratilayotganda joyning relyefi, uning iqlim sharoiti, tumanlarning paydo bo'lib turish holatlariga ahamiyat beriladi.


Sanitariya-gigiyena tadbirlari sanoat korxonalari va avtotransport vositalaridan ajralib chiqadigan zararli chiqindilarni tozalash va bu usullarni takomillashtirishni o'z ichiga oladi. Mazkur usulda qurilgan tozalash inshootlari, mazkur sanoat korxonalaridan ajralib chiqayotgan zararli omillarni kamaytirish yoki butunlay yo'qotish bilan shug'ullanadi. Tozalash inshootlari changlarni mexanik usulda filtrli apparatlar yordamida, elektrostatik filtrlar va namlaydigan apparatlar vositasida ushlab qoladi.

Atmosfera havosini tozalash yo'lida olib borilayotgan ishlar atmosferaga tushayotgan iflosliklarni bir necha million tonnaga kamaytirmoqda.

Bundan tashqari atmosferani tozalashning bir qancha yo'llari mavjud. Bularga

- Adsorbsiya – qattiq moddalar sirtida zararli gazlarni yuttirish
- Absorbsiya – suyuq moddalarda zararli gazlarni yuttirish.
- Katalitik tozalash – ya'ni moddalarni yo'qib yuborish orqali tozalash yoki turli qo'shimchalar qo'shish orqali zararsizlantirish.


Adsorbsion quruq yo'l bilan H_2S ni tutib qolish uchun ko'pincha temir, rux, mis, marganes oksidlar qo'llaniladi. Keyingi vaqtlarda bu maqsadlarda sintetik seolitlar ishlatilmoqda. Bu usulda H_2S ni tozalash jarayoni kimyoviy jarayonlardan iborat bo'lib, u quyidagi reaksiya bo'yicha boradi:



Regneratsiya jarayoni suv bug'i va havo aralashmasini davriy ravishda haydash yo'li bilan olib boriladi:



Tozalash jarayoni ko'p tokchali adsorber minoralarida olib boriladi. Gazlarni katalitik tozlashda keng qo'llaniladigan usullardan biri, H_2S ning oksidlanishiga asoslangan usuldir:



Bunday yo‘llar bilan zararli gazlarni tozalash hozirgi payt ko‘p qo‘llaniladigan usullardan biri hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, hozirgi paytda juda glabal muammoga aylanib borayotgan sanoat korxonalaridan chiqayotgan zararli gazlarni kamaytirish va ularni oldini olish ushbu yo‘llar orqali ularning miqdorini kamaytirishimiz mumkin va go‘zal O‘zbekiston diyorini yanada farovon qilishga o‘zimizni hissamizni qo‘shishimiz mumkin bo‘ladi.

METHODOLOGY OF TEACHING ENGLISH

Abduvahob Teshaboyev Tadjimhammadovich

MIA Andijan Academic Lyceum of the

Republic of Uzbekistan English

Abstract: This article provides information on English language teaching methodology and modern technologies used in English language teaching.

Key words: English language, teaching methodology, modern methods, pedagogy.

Implementation of the developed experiences of pedagogy and achievements in education is one of the important conditions of today. Currently, a huge base of experience that a teacher can use during his career has been formed, and it is getting richer every day. But despite this, it is difficult for teachers and future professionals to master these experiences [1-4]. The role of the teacher is particularly important in creating best practices and popularizing them among colleagues. Educators should consider the cost and effectiveness of new pedagogical practices when implementing them. The orientation of the teacher's practical activity to innovation provides an opportunity to put into practice the achievements made as a result of theoretical pedagogical research. In order to popularize the results of such studies, it is necessary to introduce them to the general public. Such news can be conveyed to representatives of other pedagogies by providing quick advice by experts in the field, holding trainings at special seminars, giving speeches at conferences, and giving future pedagogues a series of lectures.

Today, the main focus is on the student, his personality and unique inner world. Therefore, the main goal of a modern teacher is to choose methods and forms of organization of educational activities students that optimally correspond to the set goal of personal development. In recent years, the issue of using new information technologies in schools has been raised more and more. It is not only new technical means, but also new forms and methods of teaching, a new approach to the educational process. The main goal of teaching foreign languages is to form and develop the communicative culture of schoolchildren, to teach them to practice a foreign language.

Popular methods of teaching and learning English, Internet resources were used in the research process. During the writing of the article, the principles of theoretical-deductive conclusion, analysis and synthesis, logicity were used. The task of the teacher is to create conditions for practical mastery of the language for each student, to allow each student to demonstrate his activity and creativity. is the choice of teaching methods. The task of the teacher is to activate the cognitive activity of the student in the process of teaching foreign languages. Modern pedagogical technologies, such as collaborative learning, project methodology, use of new information technologies, Internet resources, help to implement a person-oriented approach in the educational process, individualization of teaching taking into account the abilities of children, their level of learning and ensures differentiation. Forms of working with computer training programs in foreign language classes include: learning vocabulary; practice pronunciation; teaching dialogic and monologic speech; teaching writing; the development of grammatical events. The possibilities of using Internet resources are very large. The global Internet creates conditions for students and teachers located anywhere in the world to get any information they need: regional geographical materials, news in the life of young people, articles from newspapers and magazines, etc. can be solved: formation of reading skills and competencies using global network materials; improving the writing ability

of schoolchildren; filling students' vocabulary; formation of students' motivation to learn English. In addition, this work aims to explore the possibilities of Internet technologies to expand the horizons of schoolchildren, establish and maintain business relations and contacts with peers in English-speaking countries. Students can take part in online tests, quizzes, contests, Olympiads, correspond with their peers in other countries, chat, videoconference, etc.

Students can learn about the problem they are currently working on in a project.

The meaningful basis of mass computerization is related to the fact that the modern computer is an effective tool for optimizing the conditions of mental work, in general, in any of its forms. The computer has one characteristic that defines its use as a tool for teaching others and as an aid in the acquisition of knowledge, and that is its inanimate nature.

The machine can have a "friendly" relationship with the user and sometimes "support" him, but he will never show signs of anger and will not let you feel bored. In this sense, the use of computers is perhaps most useful in individualizing some aspects of teaching. The main goal of learning a foreign language at school is the formation of communicative competence, all other goals (education, training, development) are implemented in the process of realizing this main goal. Communicative approach includes communication training and the formation of intercultural communication skills, which are the basis of Internet activities. Without communication, the Internet has no meaning - it is an international multinational, intercultural society, whose life is based on the electronic communication of millions of people around the world, talking at the same time - this is the number and size of the participants in it. the biggest conversation on. Attending a foreign language class for him, we create a real communication model.

Currently, communication, interactivity, authenticity of communication, language learning in cultural context, autonomy and humanitarianism of education are given priority. These principles allow the development of intercultural competence as a component of communicative competence. The ultimate goal of teaching foreign languages is to teach a free orientation in a foreign language environment and the ability to adequately respond to different situations, i.e. contact Today, new methods using Internet resources are opposed to traditional foreign language teaching. To teach communication in a foreign language, you need to create real, real-life situations that stimulate the learning of the material and develop adequate behavior (that is, the so-called principle of communication authenticity). New technologies, especially the Internet, are trying to correct this error. Communicative approach is a strategy that simulates communication aimed at conscious understanding of the material and methods of working with it, creating psychological and linguistic preparation for communication. It is not particularly difficult for the user to implement a communicative approach on the Internet. A communicative task should invite students to discuss a problem or question, students not only exchange information, but also evaluate it. The main criterion that allows distinguishing this approach from other types of educational activities is that students independently choose linguistic units to form their thoughts. In the communicative approach, the use of the Internet is very well encouraged: its purpose is to interest students in learning a foreign language by accumulating and expanding their knowledge and experience. One of the main requirements for teaching foreign languages using Internet resources is interaction in the lesson. is to create a mystery, which is usually called interactivity in the methodology. Interactivity is "combining, coordinating, and complementing communicative goals and resulting efforts by means of speech." By teaching the real language, the Internet helps to build speaking skills and abilities, and also ensures genuine interest and therefore effectiveness in teaching vocabulary and grammar. Interactivity not only creates real situations from life, but also forces

students to respond appropriately to them in a foreign language. One of the technologies that provides student-oriented education is the project method as a method of developing creativity, knowledge activity and independence. The typology of projects is diverse. Projects can be divided into monoprojects, collective, oral, concrete, written and Internet projects. In actual practice, it is often necessary to deal with research projects, mixed projects with creative, practice-oriented and informational features. Project work is a multifaceted approach to language learning, covering reading, listening, speaking and grammar. The project method helps to develop active independent thinking of students and directs them to joint research work. In my opinion, project-based learning teaches children to cooperate, and learning to cooperate instills moral values such as mutual aid and empathy, builds creativity and activates students. In general, the inseparability of teaching and education is observed in the project teaching process. The project method develops students' communication skills, culture of behavior, the ability to form ideas concisely and easily, to tolerate the opinions of communication partners, the ability to receive information from various sources, processes using modern computer technologies, creates a language environment that contributes to the emergence of natural needs. in foreign language communication.

Summary:

The project form of work is one of the most relevant technologies that allow students to apply the accumulated knowledge on the subject. Students expand their horizons, the limits of knowledge of the language, gain experience in its practical use, learn to listen and hear speech in a foreign language, understand each other when defending projects. Children work with reference books, dictionaries, computers, and thus create the possibility of direct contact with the real language, which does not provide language learning in the classroom only with the help of textbooks. Working on a project is a creative process. The student searches for a solution to the problem independently or

under the guidance of the teacher, which requires not only knowledge of the language, but also a large amount of subject knowledge, creative, communicative and intellectual skills. In the process of foreign languages, the project method is almost can be used as part of program materials on any topic. Working on projects develops imagination, fantasy, creative thinking, independence and other personal qualities.

TO modern technologies cooperation technology is also applicable. The main idea is to create conditions for active joint activity of students in different educational conditions. Children are united in groups of 3-4 people, they are given one task, while everyone's role is discussed. Each student is responsible not only for the result of his work, but also for the result of the whole group. Therefore, weak students try to find out what they do not understand from weak ones, and strong students try to make the weak ones understand the task thoroughly. And the whole class will benefit from it, because the gaps will be closed together. The introduction of information technologies into teaching will greatly diversify the process of information perception and processing. Thanks to the computer, the Internet and multimedia, a unique opportunity was created for students to absorb a large amount of information with further analysis and sorting. The motivational basis of educational activity is also expanding significantly. In the context of using multimedia, students get information from newspapers, television, conduct interviews and conduct teleconferences.

References:

- 1.M. Kholdorova, N. Fayziyeva, F. Rikhsittilayeva. "USE OF HELPING TOOLS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE" Tashkent: TDPU named after Nizomi, 2005 O'. Hoshimov, I. Yaqubov. "ENGLISH TEACHING METHODOLOGY" (study guide) Tashkent: "Sharq" publishing house, 2003;[1]
2. Bekmuratova U. B. Abstract on "Using innovative technologies in teaching English". Tashkent - 2012 [2] 3.www.ziyonet.uz[3]
- 4.www.library.uz[4]

БРОККОЛИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ВА ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Болтаев М.А.

ТошДАУ доценти

Омонов Д.Ш

ТошДАУ магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада дунё бўйича етиштирилган брокколи карамининг дурагайларининг ўсиши, ривожланиши ва унумдорлигига об-ҳаво шароитларининг таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Шунингдек етиштирилган брокколининг мавжуд қуритиш ускуналари ёрдамида қуритиш, қайта ишлаш ва сақлаш усуллари келтирилган. Брокколи карам бошлари қуритишнинг ресурс тежамкор, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган тавсиялари ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: брокколи карам; гибрид; етиштириш технологияси; самарадорлик, сақлаш, қуритиш.

Брокколи карамбошчалари – тез бузиладиган маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун брокколи карамбошчаларни яхшиси тўлиқ пишмаган босқичда қоплама барглари борлигида сақлашга қўйган маъқул. Янги узилган брокколи ёғоч ёки бошқа қаттиқ идишга ёки бошчаларга зарар етказмайдиган енгилгина босиладиган юмшоқроқ идишга оғзидан 2-3 см пасроқ қилиб солинади. Карамбошчаларни совутиш камералари шароитида қалинлиги 40-60 мкм бўлган полиэтилен плёнкадан бўлган пакетларда ҳам сақлаш мумкин.

Брокколини 6-8°C ҳароратда 10 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда, 0-0,5°C ҳароратда ва 90-95% нисбий намлик шароитида эса – 60 суткагача сақлаш мумкин.

Брокколи асосан янги узилган ҳолда истеъмол қилинади, қишга олиб қўйиш учун маринадланади ва музлатилади.

Музлатишда брокколи карами ҳароратни -18°C даражада таъминлаш мумкин бўлган совутгич-музлатгичдан фойдаланиш афзал бўлади.

Музлатилган карамни -18°C дан юқори бўлмаган ҳароратда 12 ойгача сақлаш мумкин. Агарда -12°C ҳароратга туширилганда унинг сақлаш давомийлиги 7-8 ойгача, ҳарорат -9°C бўлганида 4-5 ойгача қисқаради.

Брокколи гулкарамнинг асосий рақобатчиси бўлиб, йил оммалашиб бормоқда. Бу сабзавотнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унинг таркиби фосфор, кальций, магний моддалари, А, С, Е, РР витаминлари ва В гуруҳига кирувчи витаминларга жуда ҳам бой. Яшил ва бинафша ранг бошчалари ўзида болалар ва парҳездагилар учун муҳим ҳисобланган ўсимлик оқсили ва аминокислоталарни сақлайди. Бу фойдали сабзавотни доимий равишда истеъмол қилиш учун уларни тўғри сақлашни билиш жуда долзарб ҳисобланади.

Сақлашни самарали ташкил этиш учун энг аввало уни йиғиб-териблиш ва дастлабки ишлов беришни тўғри амалга ошириш керак. Одатда диаметри 13-18 см бўлган, консистенцияси зич бошчалар техник жиҳатда етилган бўлади. Шунингдек, ранги муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, тўқ яшил рангдагилар саралаб олинади, сариқ доғлари бор бўлган бошчалар сақлаш учун яроқсиз ҳисобланади. Ўзагининг кесилган жойидан бошчасининг тепа қисмигача узунлиги камида 10-12 см бўлиши керак. Ҳосил куннинг салқин даврида йиғиб териблинади, аммо ҳарорат -2°C дан паст бўлмаслиги керак. Узишдан олдин музлаган брокколи карами узоқ сақланмайди, таъм хуусиятлари бузилади. Туркумдаги бошқа

маҳсулотларни ҳам зарарлайди, қўланса ҳид чиқаради. Уй шароитида совуткичларда сақланганда брокколи 4°C дан 7°C ҳароратда 3 ҳафтагача, 0°C дан 3°C ҳароратда 2 ойгача, музлатилган ҳолатда (-18°C) эса 6 ойдан 8 ойгача сақланади.

АҚШ аҳолисининг 79 % и брокколини озиқ – овқатда ишлатишади. Ҳар йили америкаликлар 76 минг тонна брокколи истеъмол қилишади. Шунингдан чиқармаслик керакки, эртапишар навлар узок муддат сақлаш усун яроқсиз ҳисобланади. Брокколини узок сақланиши ҳарорат, ҳаво намлиги ва карамнинг сифатига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Қисқа муддатли сақлашда (3 ҳафтагача) ҳарорат 4°C дан 7°C, ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлиши энг мақбул ҳисобланади.

Олимлар брокколининг фойдали ва зарарли томонларини кўп ўрганишган бўлиб, унинг пишмаган бошчаси истеъмол учун яроқли бўлади. Агар техник етилиши давридан ўтиб кетса, унинг бутонлари биологик етила бошлайди ва истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади. Брокколининг кимёвий таркиби қуйидагича: сув – 90%, оқсиллар – 3%, углеводлар - 5,75%, ёғлар - 0,35%, кул миқдори – 0,9%ни ташкил этади. Унинг таркибида аргинин, лизин, треонин, триптофан, фенилаланин ва бошқа алмашинмайдиган кислоталар мавжуд. Шунингдек, А, С витаминлари ва В, Е, К, РР витаминлар гуруҳи брокколида жуда кўп миқдорда учрайди.

Хорижда газли муҳитда сақлаш кенг қўлланилмоқда. АҚШ олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шунингдек, қисқа муддатда CO₂ гази билан (20-40%) ишлов берилганда маҳсулотнинг қариш жараёни сезиларли даражада секинлашган. Хлорофилл ва аскорбин кислотаси йўқолиши секинлашади, этилен ҳосил бўлиши камаяди ва моғор замбруғлари ривожланишининг олди олинади. Балтимор университети (АҚШ) мутахассислари томонидан маҳсулотга карбонат ангидрид ва сульфат ангидридлари билан ишлов берилганда сақлаш учун энергия сарфи 45% гача камайгани аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.1 Мирзиёев Ш.М. ПҚ-4406-сон. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» – Тошкент, 2019 йил 29 июл. [http:// www.Lex.UZ](http://www.Lex.UZ) / 2019 / 1-2-б.

1.2 ГОСТ 7047-55 Витамины А, С, Д, В1, В2 и РР. Отбор проб, методы определения витаминов и испытания качества витаминных препаратов.

1.3 ГОСТ 33854-2016 Межгосударственный стандарт капуста брокколи свежая технические условия.

1.4 Доспехов Д.А. Методика полевого опыта / С основами статистической обработки результатов исследования. — М.: «Колос», 1979. - 416 с.

1.5 Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытноконструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских предложений. // М.: Колос, 1996 – С.34.

**О‘QITUVCHILIK FAOLIYATI SHARQ VA G‘ARB
OLIMLARINING QARASHLARIDA**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti tyutori

A. Safarov,

3-kurs talabasi G. Komilova

Annotatsiya: maqolada o‘qituvchilik kasbining mazmun va mohiyati uning jamiyatdagi nufuzi sharq va g‘arb olimlarining nigohidan aniq misollar bilan tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: ilmiy meros, nazariy, ma‘rifat, modernizastiya, ta‘lim, tarbiya, ko‘nikma, shakl, uslub, vosita.

Yangilanib borayotgan jona-jon O‘zbekistonimizda ta‘lim-tarbiya tizimining sifati va samaradorligini oshirish, bog‘cha tarbiyalanuvchilari, o‘quvchi va talaba yoshlarda zamonaviy bilim va ko‘nikmalarni shakllantirish, ta‘lim tizimlari hamda ilm-fan sohasi o‘rtasida yaqin hamkorlik va integrastiyani, ta‘limning uzviyligi va uzluksizligini ta‘minlash borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, milliy ta‘lim-tarbiya tizimining amaldagi holati uni zamon talablari asosida modernizastiya qilish, yoshlarni yuksak bilim- ma‘rifat egalari, jismoniy va ma‘naviy sog‘lom insonlar etib tarbiyalash, ta‘lim muassasalarining rahbar va pedagog xodimlari nufuzini oshirish, ularning samarali faoliyat yuritishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish bo‘yicha izchil chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab etmoqda¹⁸.

Ma‘lumki, kasb tanlash, kasbga yo‘naltirish, kasb-hunar tarbiyasi masalalari tasavvuf ilmi bilan uyg‘unlashgan Sharq pedagogikasida ming yillar davomida xalqimiz ma‘naviyatining shakllanishida muhim manba bo‘lib kelgan

¹⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta‘lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020-yil 6-noyabrdagi PF-6108 Farmoni.

“Qur’oni karim”, Hadisi shariflarda, shuningdek, buyuk mutafakkirlar Muhammad Ismoil al-Buxoriy, Muhammad Iso at-Termiziy, Mahmud Qoshg’ariy, Abu Nasr Forobiy, Yusuf Xos Hojib, Husayn Voiz Koshifiy, Amir Temur, Alisher Navoiylarning ilmiy merosida nodir fikrlar tarzida o‘z ifodasini topgan.

Mazkur fikrlarning tasdig‘ini Abu Rayhon Beruniyning o‘qituvchi faoliyatiga bergan izohidan ham ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi. Beruniy yoshlarni o‘qitish uchun o‘qituvchi tanlash ota-onaning birinchi va asosiy vazifasi deb bilgan. Buning uchun o‘qituvchi xushmuomala, rostgo‘y, o‘z fanini va o‘qitish qoidalarini yaxshi biladigan, pokiza, yurish va turishda namuna bo‘lishini talab etadi. Agar, – deydi Beruniy, – tarbiyachining o‘zi o‘rnak bo‘lmasa, aytgan gapiga o‘zi rioya etmasa, uning talabi va tarbiyasi samarasizdir¹⁹. Yangi davr pedagogikasining asoschilaridan sanalmish Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat asarlarida ham ta‘lim-tarbiya va bu jarayondagi o‘qituvchining o‘rni va xizmatlari davrning ijtimoiy-siyosiy hayotidan kelib chiqib, o‘ziga xos ravishda talqin etilgan.

Jumladan, Abdulla Avloniy o‘qituvchi faoliyatiga alohida to‘xtalib, bolaning fikriy taraqqiyotini oilaga emas, maktabga, muallimlar zimmasiga yuklaydi: “Fikr tarbiyasi eng kerakli, ko‘p zamonlardan beri taqdir qilinib kelgan, muallimlarning diqqatlariga suyangan, vijdonlariga yuklangan muqaddas bir vazifadir. Fikr insonning sharofatli, g‘ayratli, bo‘lishiga sabab bo‘ladur. Bu tarbiya muallimlarning yordamiga muhtojdirki, fikrning quvvati ziynati, kengligi muallimning tarbiyasiga bog‘liqdir”,²⁰ – deydi.

Darhaqiqat, Abdulla Avloniy o‘qituvchining shaxsiy va kasbiy fazilatlariga keng ta‘rif berib: tarbiyachining shaxsiy fazilatlarini, ya‘ni axloqli, odobli, bilimdonligi, ziyrakligi, topqirligi, farosatliligi, aql-zakovatliligi ta‘lim-tarbiya jarayoni uchun asosiy negiz bo‘lsa, ijodiy izlanish o‘qish va o‘qitishning yangi shakl, uslub hamda vositalarini qidirish o‘qituvchining eng muhim kasbiy

¹⁹ Pedagogika tarixi / Tuzuvchilar: K.Hoshimov, M.Inomova, S.Nishonova, R.Hasanov.– T.: O‘qituvchi, 1996.B–10-12.

²⁰ Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yohud axloq. – T.: O‘qituvchi, 1992. B – 16.

sifatlaridan ekanligini uqtiradi. Bu bilan Abdulla Avloniy o'qituvchi faoliyatiga nisabatan akmeologik yondashuvni o'z davri qiyofasida olg'a suradi.

Abdurauf Fitratning asarlarida ham ta'lim-tarbiya masalalariga alohida e'tibor beriladi. Xususan, olim ta'lim-tarbiya jarayoni, ayniqsa, o'qituvchi o'quvchilarning o'zaro muloqotini tashkil etish, olib borishda eskicha qolipdan chiqib yangi islohotlar qilish kerakligi, buning uchun esa, mudarrisning (eski maktab o'qituvchisi) nodonligiga chek qo'yib, ularni o'qitish usullarini o'quvchilarning individual qobiliyatlariga qarab tubdan o'zgartirish zaruratini bayon qiladi²¹.

Uzluksiz ta'lim tizimini modernizatsiyalash va mazmunan takomillashtirish orqali o'quvchilarni o'qituvchilik kasbiga yo'naltirish muammosi bugungi kunda ham zamonaviy pedagogikaning asosini tashkil etmoqda. So'nggi yillardagi zamonaviy pedagogik-psixologik tadqiqotlarda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligini shakllantirish muammosi keng doirada o'rganilib, uning ilmiy-nazariy asoslari shakllantirildi.

Xususan, kadrlar tayyorlash milliy modeli asosida tashkil etilgan uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim sifatini boshqarish, ta'lim menejmenti muammolari SH.E.Qurbonov, E.X. Seytxalilovlar tomonidan tadqiq etilib, mazkur muammoning echimi yuzasidan ta'lim sifatini boshqarish modeli ishlab chiqilgan²². Uzluksiz ta'limning muhim bo'g'inlaridan bo'lgan umumiy o'rta ta'lim va kasb-hunar ta'limi tizimida ta'lim sifatini boshqarish va nazorat qilishning nazariy va tashkiliy-uslubiy asoslari esa U.I.Inoyatov tomonidan keng o'rganilgan. U.I.Inoyatov o'z tadqiqotlarida kasb-hunar kollejini samarali boshqaruv tuzilmasini shakllantirgan holda ta'limda sifat nazoratini amalga oshirish modelini ishlab chiqqan²³.

²¹ Pedagogika tarixi / Tuzuvchilar: K.Hoshimov, M.Inomova, S.Nishonova, R.Hasanov. – T.: O'qituvchi, 1996. B–36-40.

²² Qurbonov SH., Seytxalilov E. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi: pedagogik ilmiy tadqiqot muammolari va yo'nalishlari. – T.: Fan, 1999 y. – 189 b.

²³ Inoyatov U.I. Teoreticheskie i organizatsionno-metodicheskie osnovi upravleniya kontrolya kachestva obrazovaniya v professional'nom kolledje: Diss. ... dokt. ped. nauk. – T.: 2003. – 327 s.

Pedagog-psixolog tadqiqotchilar M.I.Dyachenko va A.M.Stolyarenkolar bo‘lajak o‘qituvchilarning kasbiy tayyorgarligini uning mavjud moslashish darajalari bilan bog‘lab quyidagicha yoritadilar:

1. Shaxsning kasbiy faoliyatga dastlabki salohiyatli tayyorligi, ya’ni, statik komponentlar kasbiy faoliyatning psixik asoslari, bilim, ko‘nikma, malakalar, zaruriy sifatlar hamda shaxsning zarur bo‘lgan kasbiy imkoniyatlari darajasi.

2. Shaxsning kasbiy faoliyatga bevosita ayni vaqtdagi tayyorligi, ya’ni, mutaxassisning tezkorligi, o‘zgaruvchanligi, ruhiy va jismoniy holati, har qanday holat va sharoitda aniq masalalarni echishga yo‘nalganligi bilan ifodalanadi²⁴.

Amalga oshirilgan ilmiy ishlar pedagogik tushunchalarni aniqlashda turli falsafiy-metodologik yondashuvlar mavjud bo‘lgan hamda hozirda ham mavjudligi ko‘rinmoqda. Dastlab, “ta’lim” tushunchasiga to‘xtalamiz. B.M.Bim-Badning ta’rifiga ko‘ra, ta’lim o‘zida tarbiya, o‘qish va o‘qitishni qamrab oladi. V.I.Andreev «ta’lim»ni «madaniyat»da o‘z aksini topuvchi, o‘qitish va tarbiya orqali amalga oshiriluvchi hodisa sifatida talqin qiladi. o‘z navbatida “o‘qitish” kategoriyasi insonning “ta’limi”, “tarbiyasi” va “rivojlanishi” tushunchalari orqali ochib beriladi. Ba’zi adabiyotlarda “rivojlanish”, “shakllanish” va “moslashish” orqali amalga oshadi deb qayd etilsa, boshqalarida “moslashish” “rivojlanish” orqali deb ta’kidlanadi. Bunga qaramasdan, ko‘plab mualliflar “rivojlanish” tushunchasining nisbatan kengroq va qamrovliroq ekanligini va shaxsning asosiy motivatsion ehtiyojlari, kognitiv, irodaviy va tashkil etuvchilari o‘zgarishlar dinamikasini ifodalashda ko‘proq qo‘llanilishini e’tirof etadilar.

Yuqorida tahlil etilgan ta’riflardan shu holat ma’lum bo‘ldiki, bir guruh olimlar shaxsning kasbiy moslashishi tushunchasini motivlar tizimi, ikkinchi guruh olimlar shaxsning tashqi olamga bo‘lgan ustuvor qarashlar hamda

²⁴ Ilin N.E. Motiv i motivatsii. – M.: Piter, 2008. S– 44

uchinchi guruh olimlar inson faoliyatini belgilab beruvchi xususiyatlar sifatida talqin qiladilar.

Yuqoridagi fikrlarni umlashtirigan holda, kasbiy moslashtirish – shaxs kamolotining muhim jihatlaridan biri bo‘lib, shaxsning faqatgina mehnat va kasbiy faoliyatni tanlash bilan bog‘liq ehtiyoj va qiziqishlarini ifodalaydi (umumiy rivojlanish barcha ehtiyojlar majmuasini, uning borliqqa, atrofdagilarga, o‘ziga nisbatan munosabatlari tizimini ifoda etadi). Kasbiy moslashtirish – mehnat faoliyati yoki kasb sohasining aniq turini tanlash bilan bog‘liq, aniq va ongli ravishda qabul qilinadigan qarorning ifodalanishi bo‘lib, talabalar bilan amalga oshiriladigan maqsadga yo‘naltirilgan ishlar bilan bevosita bog‘liq bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, shaxs manfaatlari, shaxs, davlat va jamiyat, fan, ishlab chiqarish komponentlarini o‘z tarkibiga olgan kadrlar tayyorlash milliy modeliga asosan bo‘lajak o‘qituvchiga yo‘naltirilgan ta’lim jarayonini tashkil etishda ilg‘or texnologiyalarni qo‘llash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga tayanish, uning mazmunini demokratlashtirish va insonparvarlashtirish, ta’lim jarayonini ijtimoiylashtirish va tabaqalashtirish bo‘lajak o‘qituvchini kasbiy-ijodiy faoliyatga tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari tug‘risida”gi 2020-yil 6- noyabrdagi №PF-6108 farmoni.
2. Pedagogika tarixi / Tuzuvchilar: K.Hoshimov, M.Inomova, S.Nishonova, R.Hasanov.– T.: O‘qituvchi, 1996. B–10-12
3. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yohud axloq. – T.: O‘qituvchi, 1992. 16b
4. Pedagogika tarixi / Tuzuvchilar: K.Hoshimov, M.Inomova, S.Nishonova, R.Hasanov.– T.: O‘qituvchi, 1996. B–36-40.
5. Qurbonov SH., Seytxalilov E. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi: pedagogik ilmiy tadqiqot muammolari va yo‘nalishlari. – T.: Fan, 1999 y. – 189 b.
6. Inoyatov U.I. Teoreticheskie i organizatsionno-metodicheskie osnovi upravleniya kontrolya kachestva obrazovaniya v professionalnom kolledje: Diss. ... dokt. ped. nauk. – T.: 2003. – 327 s.
7. Ilin N.E. Motiv i motivatsii. – M.: Piter, 2008. s 44.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI IJODIY

FIKRLASHGA O'RGATISH

DTPI magistri M. Safarova

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy fikrlashga o'rgatish ishlarning ahamiyati, o'quvchilarni ona tili darslarida mustaqil ishdan foydalanishga o'rgatish va ularning faolligini oshirish yo'llari haqida mulohazalar yuritilgan.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim, mustaqil ish, ijodiy fikrlash, grammatik diktantlar, rasmi insholar

Hayot jumboqlarini, tabiatdagi muammolarni o'rganish, ularga tegishli javob topish istagi, baxt-saodatga erishish muammosi, insonning o'zini va olamni bilishga bo'lgan qiziqishlari asrlar mobaynida fikrlashga, o'z fikrlarini mantiqiy asoslashga undab kelmoqda. Sharq allomalari o'z asarlarida bu muammoga alohida to'xtalib o'tganlari bejiz emas. Kaykovus ilmiy asarlar mutolaasidan olingan bilimlar nechog'li haq bo'lmasin, hayotda o'z fikriga tayanib ish ko'rish lozim bo'lgan vaziyatlar ham bo'lishi mumkinligini o'g'liga nasihat tarzidagi «Qobusnoma» asarida yozadi: «Ey farzand, bilgilki, barcha hukmni kitob bo'yicha qilmasdan, o'z fikrlaring bilan ham hukm qilurlar va bunday tadbirlar bilan ham ishni bilib olurlar».

Bugungi shiddat bilan rivojlanib borayotgan zamonda ta'lim tizimining ahamiyati juda katta. Zamonaviy ta'lim tizimida o'quvchilarni erkin, ijodiy fikrlashga o'rgatish lozim. O'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatishda mustaqil ishlar muhim o'ringa ega. Mustaqil ishlar ta'lim samaradorligini oshirishda va ta'lim oluvchining fikrlashini o'stirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatishda mustaqil ishlardan

ham foydalaniladi. Mustaqil ishlarni bajarish davomida o'quvchilarda bilimlarni egallash va mustaqil fikrlash ko'nikmalari shakllanadi. Avvalo, biz mustaqil ishga olimlar tomonidan berilgan umumiy ta'rifni ko'rib chiqaylik. Jumladan, ba'zi olimlar mustaqil ishlar deganda o'qituvchining bevosita yordamisiz, ammo uning nazorati ostida bajariladigan bu vazifani tushunsa, boshqalari esa o'quvchidan faol aqliy faoliyatni, tashabbuskorlikni, avval olingan bilimlarni amaliyotda qo'llashni talab qiladigan ishlar deb bilishadi.

Tilshunos olim, professor A.G'ulomov mustaqil ishlarga shunday ta'rif beradi: "Mustaqil ishlar deganda biz, avvalo, o'qituvchining bevosita rahbarligida uyushtiriladigan hamda o'quvchilarning ona tilidan egallaydigan nazariy bilimlarni mustahkamlash va ko'nikmalarni takomillashtirishga xizmat qiladigan, ma'lum maqsadga qaratilgan faol, ongli faoliyatni tushunamiz".

Professor O.Roziqov esa: "Mustaqil ishlar-o'qituvchining bevosita ishtirokisiz, ammo uning ko'rsatmalari va rahbarligida bajariladigan nazariy, amaliy materiallar ustida uyushtiriladigan o'quvchilarning ongli ravishda faoliyat ko'rsatishlarini ta'minlaydigan Grammatik, ofgografik vazifalari sifatida tushunadi".

Tilshunos olim Safo Matchonov: "Mustaqil ishlar ta'lim-tarbiyaning ajralmas qismidir. Uning o'ziga xos xususiyati o'quv topshiriqlarini o'qituvchi ishtirokisiz, bevosita o'quvchi tomonidan bajarishi bilan belgilanadi. Va asosan matn ustida ishlash orqali amaalgacha oshiriladigan va qo'shimcha adabiyotlardan foydalanish nazarda tutiladi".

Yuqorida berilgan ta'riflarni umumlashtirgan holda mustaqil ishlarga quyidagicha ta'rif beramiz: Mustaqil ish—o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatadi. O'quvchilardan mustaqil izlanuvchanlikni talab qiladi, mustaqil holda xulosa chiqarishga va yangi bilimlarni egallashga undaydi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashiga o'rgatishda ona tili darslarida beriladigan mustaqil ishlar muhim ahamiyatga ega. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga ona tili darslarida beriladigan mustaqil ishlarga quyidagi talablar qo'yiladi:

- mustaqil ishlar pedagogic va psixologik tomondan asoslangan bo'lishi;
- o'qituvchi tomonidan berilgan topshiriq bolalarning o'quv materialini faol idrok etishini ta'minlashi;

- mustaqil ish hayotiy bo'lishi, o'rganilgan nazariy bilimlarni amaliy tatbiq etishning vositasi bo'lishi lozim;

Boshlang'ich sinflarda tashkil qilinadigan mustaqil ishlar hajmi va murakkabligi jihatdan 3 guruhga bo'linadi:

- tayyorlovchi;
- yarim mustaqil yoki oraliq;
- natijasi matnga teng mustaqil ishlar;

1. Tayyorlovchi mustaqil ishlar. Pedagogik-psixologiyadan ma'lumki, boshlang'ich sinf o'quvchilari vazifalarni mustaqil bajarishga ancha qiynaladilar. Bolalar berilgan topshiriqlarni taqlid qilish yo'li bilangina bajara oladilar. Ilg'or o'qituvchilar 1-sinfda dastlabki mustaqil ishlarni quyidagicha tashkil etadi: birinchi navbatda o'qituvchi o'quv qurollari bilan ishlash, o'qish va yozishda gavdani tik tutish kerakligini tushuntirib o'tadi. Asta-sekinlik bilan o'quvchilar o'qituvchi rahbarligida tovushni bo'g'inga, bo'g'inni so'zga birlashtiradilar. Gapni so'zga, so'zni bo'g'inga, bo'g'inni tovushga ajratadilar.

O'qituvchi o'quvchilarga tahlil qilishni o'rgatish uchun doskaga rasm iladi. Rasmda uzum, anor, shaftoli, limon, o'rik, nok tasvirlangan. O'qituvchi bolalarga quyidagicha topshiriq beradi: shirin va nordon tamli mevalarning nomini ikki ustunga ajratib yozing. O'ylang, yana qanday mevalar shirin va nordon tamli. O'quvchilar vazifani bajarishda qiyoslash usulidan foydalanadilar.

Vazifa bajarilgach, tahlil uchun anor so'zi tanlab olinadi. Anor so'zining ikkinchi bo'g'inidagi **n, o, r** tovushlarining artikulyatsiyasini kuzatish topshiriladi. Bolalar tovushlarni birgalikda talaffuz qilishadi. Bu kabi topshiriqlar bolalarni murakkabroq vazifalarni bajarishga tayyorlab beradi.

2. Yarim mustaqil yoki oraliq mustaqil ishlar. Mustaqil ishlarning bu turi yetaklovchi savollar, darslik, tarqatma materiallar, ko'rsatma qurollardan foydalanish asosida bajariladi. Masalan, o'qituvchi doskaga "**paxta**" so'zini

yozib, o'zakdosh so'zlarni topishni buyuradi. O'quvchilar paxta, paxtazor, paxtakor, paxtali, paxtachilik kabi so'zlarni lug'atdan topib yozadilar.

3-sinfda "Gapda so'zlarning bog'lanishi" mavzusi o'tilganda quyidagicha mustaqil ishlar o'tkazish mumkin:

1. Gapni so'zlarga ajrating, har bir so'zning so'rog'ini aniqlang: Qor yog'di. 2. Nuqtalar o'rniga tegishli so'zni qo'yib, gapni kengaytirib yozing: qor yog'di. (oppoq, qizil, ko'm-ko'k).

3. Gapni bugun, qalin so'zlari bilan kengaytirib yozing: Bugun oppoq, qalin qor yog'di.

3. Natijasi matnga teng mustaqil ishlar. O'quvchilarning ijodiy fikrlashi o'sgan sari yanada murakkab vazifalarni bajara oladilar. Shuni hisobga olib, grammatikadan olgan bilimlariga bog'lagan holda ijodiy diktrant, rasmi diktant, rasm asosida bayon va matn tuzishlardan mustaqil ish sifatida foydalanish mumkin. Bu ishlar hajmining kattaligi, bajarish uchun ko'p vaqtni talab qilishi bilan mustaqil ishning oldingi turlaridan farq qiladi. Bunday mustaqil ishlarni oldingilaridan farqlash uchun "Natijasi matnga teng mustaqil ishlar" atamasini ishlatdik. Ona tili darslarida o'tkaziladigan mustaqil ishlar tizimi o'quv materialining mazmuni, o'quvchilarning tayyorgarlik darajasi, mustaqil ishni bajarish uchun ketadigan vaqtga ko'ra aniqlanadi.

Boshlang'ich sinf ona tili darslarida mustaqil ishlar quyidagi xususiyatlariga ko'ra xarakterlanadi:

-mustaqil ishni bajarishda so'ralgan shartlar o'quvchilardan izlanuvchanlikni talab qilishi;

-mustaqil ishni bajarish jarayonida o'quvchilarda yangi boilimlarni egallashga ehtiyoj tug'ilishi;

-o'quvchilarni mustaqil holda hukm, xulosa va umumlashmalar chiqarishga yo'naltirishi lozim.

Boshlang'ich sinf ona tili darslarida keng qo'llaniluvchi mustaqil ish turlaridan biri bu-**grammatik diktantlardir**. Grammatik topshiriqli diktantlar uchun alohida daftar tutiladi. Haftaning bir kunida darsdan keyin o'quvchilardan

diktant olinadi. Diktant matni o'qituvchi tomonidan o'qib turiladi, o'quvchilar esa diktantni husnixat bilan yozadilar. Diktant yozib bo'lingach, o'qituvchi diktantdagi bitta gapni tanlaydi, masalan, Bahorda atrof gullarga burkanadi. Bu gapdan "bahorda" so'zini ajratib olib, fonetik tahlil qilinadi. Unli tovushlarning tagiga chizing. "Bahorda" so'zini tarkibiy qismlarga ajrating. "Atrofdan" so'ziga ma'nodosh so'z toping. Beshinchi gapdagi otlarni aniqlang kabi topshiriqlar berish mumkin bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun mo'ljallangan mustaqil ish turlaridan yana biri – inshodir. Inshoning rasmi, ijodiy, mavzuli kabi turlari bor. Bular ichida eng samaralisi rasm asosida yoziuladigan insholardir. Insho asli arabcha so'zdan olingan bo'lib, "yaratish" degan ma'noni anglatadi. Boshlang'ich sinflarda insho 1-sinfda og'zaki tarzda ya'ni so'zlash orqali, o'z fikrini ifodalashga qaratilgan bo'ladi. Insho o'quvchini fikrini erkin bayon qila olishga, ijodiy fikr yuritishga undaydi. Yozma insholar 1-sinfning ikkinchi yarmidan boshlab, rasm asosidagi savollarga javob tarzida yoziladi. Lekin bu vaqtda insho atamasi ishlatilmaydi. Insho o'quvchini aqliy mustahkamlikka, fikrlashga, eshitgan, ko'rganlarini, kuzatganlarini baholashga, fikrni tartibli ifodalash orqali o'ziga ishonch uyg'otadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga ko'proq rasm asosida insho yozdiriladi. 2-3-sinflarda reja o'qituvchi rahbarligida tuziladi. 4-sinfdan boshlab esa bolalar mustaqil reja tuza boshlaydilar.

Rasm asosida insho yozish. Doskaga oila tasvirlangan rasm ilinadi. O'qituvchi o'quvchilarga savollar beradi.

- Rasmni diqqat bilan kuzating.
- Rasmda kimlar tasvirlangan?
- Siz ularni qanday oila deysiz? Nima uchun?

Oquvchilar javobi umumlashtiriladi. Insho muvaffaqiyatli bo'lishi uchun quyidagi ketma-ketlikda ish olib boriladi:

- rasmni diqqat bilan kuzating;

-rasmning old, o'rta va orqa qismlarida nimalar tasvirlanganligini aniqlash;

-voqea-hodisa ro'y berayotgan joyni tasvirlash;

-ishtirok etuvchilarga ism qo'yish;

-ishtirok etuvchilarning xatti-harakatlarini tasvirlash;

-xulosalash;

Rasm asosida o'quvchilar bilan birgalikda reja tuziladi va reja asosida qayta hikoya qildiriladi. Rasm asosida tuzgan hikoyalariga sarlavha topib, inshoni yozadilar. "Ahil oila", "Mening baxtli oilam" va shunga o'xshash hikoyalar.

Bolalarni ijodiy fikrlashga o'rgatishda ona tili darslarida mustaqil ishlardan foydalanish katta ahamiyatga ega. Shuning uchun ona tili darslarida o'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatishda alohida e'tiborni qaratmoq lozim. So'z (nutq) ustida erkin fikr yuritish nafaqat fanni o'rganishga, ayni paytda o'quvchi tafakkurini rivojlantirishga ham xizmat qiladi. O'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatish jarayonini tashkil qilish uchun boshlang'ich sinfda sinfdan tashqari ishlarda ham mustaqil ishlar bilan ishlash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. K. Qosimova, S. Matjonov, X. G'ulomova, Sh. Yo'ldosheva, Sh. Sariyev "Ona tili o'qitish metodikasi" –T.: Noshir,2009-yil 163-b.

2. S. Fuzailov, M. Xudayberganova, Sh. Yoldosheva 3-sinf "Ona tili" darsligi O'qituvchi nashriyoti. - Toshkent -2009. 126-bet/

3. Kaykovusning "Qobusnoma" asari.

<https://fayllar.org/>

<http://library.ziyonet.uz/uz/book/>

**GENDER YONDASHUV MASALALARINING O‘ZBEKISTONDA
RIVOJLANISH ASOSLARI**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 2 bosqich magistri

Oysoat Qodirova

Annotatsiya: maqolada O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-intellektual hayotidagi gender yondoshuv masalalari va uning rivojlanishi aks etirilgan. Shuningdek, gender yondoshuv masalalari ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: yondashuv, zo‘ravonlik, nazariya, omillar, istiqbol, tamoyil, tadqiqot, tabaqalantirish, rivojlanish.

Аннотация: в статье отражены вопросы гендерного подхода и его развития в социально-экономической, духовно-интеллектуальной жизни Узбекистана. Также были научно проанализированы вопросы гендерного подхода.

Ключевые слова: подход, насилие, теория, факторы, перспектива, принцип, исследование, классификация, развитие.

Abstract: the article reflects the issues of gender approach and its development in the social-economic, spiritual-intellectual life of Uzbekistan. Also, issues of gender approach were scientifically analyzed.

Key words: approach, violence, theory, factors, perspective, principle, research, classification, development.

Hozir biz yashayotgan davr yangilanayotgan O'zbekistonning islohotlarida inson manfaatlarining ustunligiga qaratilgan bir paytda, hali ham oilaviy nizolarning juda katta qismi erkaklar tomonidan ayol huquqlarining tan olinmaslik holatlari shuningdek, ayrim holatlarda jamiyatda ham xotin-

qizlarning huquq hamda imkoniyatlariga etarlicha ahamiyat berilmayotgani haqiqatdir.

O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-intellektual hayotida tub o'zgarishlar sodir bo'layotgan hozirgi kunda o'quv jarayonini shaxsning gender tengligi va farqlari asosida tashkil etish masalasi ham pedagogik jarayon va tadqiqotlarning tarkibiy qismiga aylanishi kerak. Zero, qizlar va o'g'il bolalar o'rtasidagi ijtimoiy hamda o'quv munosabatlarini tartibga solish muhim pedagogik ahamiyatga ega. Chunki o'quv jarayonlari orqali istiqbolda jamiyatning erkak hamda ayol a'zolari orasidagi ijtimoiy munosabatlar qaror topadi.

Mamlakatimizda o'tgan asrning oxirlariga kelib ta'lim jarayonida gender farqlar va o'xshashliklarni hisobga olish haqidagi fikrlar ilgari surila boshlandi. Aslida gender feministik nazariyaning davomi sifatida vujudga kelgan yondashuvdir.

YuNESKONing 1998 yil 9-oktabrdagi anjumanida, oliy ta'lim tizimining maqsadi – zo'ravonlik va zulmdan xoli bo'lgan jamiyatni barpo etish ekanligi e'tirof etildi. Bu maqsadni amalga oshirish uchun yangi pedagogik texnologiyalar va zamonaviy usullarni qo'llagan holda o'quv dasturlarini qayta ishlab chiqish zarurligi qayd etilgan.

Yangidan ishlab chiqilgan o'quv dasturlarida erkak va ayollar tengligi, qolaversa, barcha fanlarning gender omillari hisobga olingan. Jahon amaliyotiga asoslangan mazkur dastlabki urinishlar BMT «Taraqqiyot» dasturi, YuNESKO, «Ochiq jamiyat» «Ko'mak» jamg'armasi instituti tomonidan qo'llab-quvvatlangan edi. Natijada gender tadqiqotlari kursi MDU, Xarkov universiteti va MDH davlatlarining qator oliy o'quv yurtlari dasturlariga joriy etildi. BMT Bosh Assambleyasining 2000 yildagi «Xotin-qizlar – 2000: Gender tenglik, taraqqiyot va tinchlik» mavzusidagi maxsus sessiyasi materiallari, Jahon banki tomonidan tayyorlangan so'nggi tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, iqtisodiy

rivojlanish bilan gender tenglik o'rtasida uzviy bog'lanish mavjud. Mazkur muammoning jamiyat taraqqiyotida muhim o'rin tutishini so'nggi yillarda Germaniya va boshqa Yevropa mamlakatlarida ushbu sohaga bo'lgan qiziqishning ortib borayotganligi misolida ham yaqqol kuzatish mumkin. Jinsga asoslangan ta'lim-tarbiya–o'quvchini kelajakdagi hayotga tayyorlashda har tomonlama ta'sir ko'rsatadigan ta'limiy-tarbiyaviy, ma'rifiy vositalar yig'indisidir.

Bugungi kunda o'quv-biluv jarayonida gender farqlar va o'ziga xosliklarni hisobga olish, tabiiy pedagogik hodisa sifatida e'tirof etilmoqda. "Gender" atamasi 1968 yilda amerikalik psixolog olim Stoller tomonidan ilmiy iste'molga kiritilgan bo'lib, "jins" ma'nosini bildiradi. Jinsiy munosabatlar ilgari ham psixologiyada faol o'rganilgan bo'lsa-da, yangi atamaning paydo bo'lishi ijtimoiy fanlarda yangi oqimlarni yuzaga keltirdi. "Gender tarixi", "Gender psixologiyasi", "Falsafaning gender tomonlari", "Gender antropologiyasi", "Gender sotsiologiyasi", keyinchalik esa "Gender pedagogikasi" kabi fan tarmoqlari shakllandi. "Gender" tushunchasi, avvalo, erkak va ayol, o'g'il va qiz bolalar munosabatlarining ijtimoiy-psixologik hamda pedagogik tomonlarini qamrab oladi. Mazkur tushuncha yangi ijtimoiy qarashlar va madaniyatga bog'liqdir. Pedagogikada bunday yondashuvning qaror topishi o'g'il va qiz bolalarga istiqbolda – mikrosotsiumda ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy jihatdan o'zligini namoyon qilish imkonini beradigan ko'nikma va malakalarni shakllantirishdan iboratdir. Xozirda aholining hukuqiy madaniyati darajasi ortib bormoqda. Ma'lumotli xotin-qizlar o'z huquqlarini yoki ularni qay tarzda amalga oshirishni bilmasliklari vaziyatni yanada jiddiylashtiradi. Bu boradagi kamchiliklarga barham berish, xotin-qizlarni tom ma'noda yangi, demokratik tamoyillarga asoslangan fuqarolik jamiyatining teng huquqli bunyodkoriga aylantirish yo'lida insoniyat ma'naviyati xazinasiga tayanadi.

Bugungi kunda pedagogika fanida erishilayotgan eng muhim yutuqlardan biri gender tenglik va farqlar asosida ta'lim berish

imkoniyatlarining ochilayotganligidir. Bu hodisa ta'limni gumanitarlashtirish nuqtai nazaridan ham alohida qimmatga ega.

Gender nazariyasi erkaklar va xotin-qizlarga xos xususiyatlarni farqlash masalasiga turli nuqtai nazardan yondashadi. Jinslar o'rtasidagi asosiy farqlar erkak va ayolning ijtimoiy o'ziga xosligida namoyon bo'ladi. Ushbu farqlar jamiyatda ijtimoiy institutlar, me'yorlar va madaniy qarashlar vositasida shakllangan. Bunda gender farqlarning ijtimoiy jihatlari muhim ahamiyatga egadir. Gender tabaqalashtirish jamiyat va ta'lim tizimida ijtimoiy-pedagogik jihatdan insonparvarlik tizimini rivojlantirishga asos bo'ladi. Gender pedagogikasining asosi o'g'il va qiz bolalar ta'limining o'ziga xos jihatlari quruq tavsiflash emas, balki gender tabaqalashtirish vositasida shakllantiriladigan o'quv, ijtimoiy ko'nikmalardir.

Birlashgan Millatlar Tashkilotiga a'zo mamlakatlarning ko'pchiligida bo'lganidek, oxirgi o'n yillikda O'zbekiston ayollari ham o'zlarining jamiyatda egallagan mavqelari ortib borayotganini sezmoqdalar.

Hozirgi davrda har tomonlama rivojlangan, keng dunyoqarashga ega bo'lgan o'quvchi va talaba-qizlarni mutaxassislik asosida tayyorlash uzluksiz ta'lim tizimining asosini tashkil etadi. Mamlakatimiz xotin-qizlari salohiyatidan jamiyatimiz ma'naviyati va moddiy farovonligini yanada oshirish yunalishida falsafiy-ijtimoiy xususiyatlar hamda pedagogik-psixologik o'ziga xosliklar mavjuddir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T.: O'zbekiston. 2012.
2. Z.Boboeva, Z.Usmonova. Gender tadqiqoti asoslari kursi xrestomatiyasi. – T.: O'zbekiston, 2003, -276 b.
3. Bok G. Istoriya, istoriya jennin, istoriya polov. THESIS: Женщина, семья. 1994. №6, С. 170-200.

**INDIVIDUAL TA'LIM ORQALI O'QUVCHI SHAXSINI
SHAKLLANTIRISH USLLARI**

*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Pedagogika va
psixologiya kafedrasi katta o'qituvchisi Sh. Maxmudov
Boshlang'ich ta'lim 2 kurs talabasi Murodova Mahbuba*

Annotatsiya: Maqolada o'quvchilarda erkin muloqotni yo'lga qo'yish, dars jarayonida faol qatnashish va o'quvchi shaxsini shakllantirishda individual ta'limning ahamiyati ilmiy jihatdan yoritib berilgan. Shuningdek, o'quvchi shaxsini shakllantirishda individual ta'lim usullari aniq misollar bilan ifodalangan.

Kalit sozlar: individual ta'lim, tarbiya, shaxs, individ, temperament, usul, rivojlanish, xususiyat.

Аннотация: В статье научно освещается значение индивидуального воспитания в свободном общении учащихся, активном участии в учебном процессе и формировании личности школьника. Также на конкретных примерах выражены методы индивидуального воспитания в формировании личности школьника.

Ключевые слова: индивидуальное образование, воспитание, личность, индивид, темперамент, метод, развитие, особенность.

Abstract: The article scientifically highlights the importance of individual education in students' free communication, active participation in the lesson process and formation of the student's personality. Also, the methods of individual education in the formation of the personality of the student are expressed with concrete examples.

Key words: individual education, upbringing, person, individual, temperament, method, development, characteristic.

Shaxs tushunchasi psixologiya fanida juda keng mazmunga ega hisoblanadi. Shaxs mehnat tufayli hayvonot olamidan ajralib chiqqan. Jamiyatda rivojlanuvchi til yordami bilan boshqa kishilar bilan (muloqot) muomalaga kirishuvchi odam shaxsga aylanadi. Jjtimoiy mohiyati shaxsning asosiy tavsifi hisoblanadi²⁵. Shaxsning eng muhim xususiyatlaridan biri bu uning individualligi, ya'ni yakkaholligidir. Shaxs avvalo, shaxs bo'lib yetishishida 3 xislat namoyon bo'lishi kerak. Fikrlaydigan, tafakkur qiladigan **ongi**, so'zlasha oladigan **nutqi** va **ijtimoiylashuvi**.

Individuallik deganda, insonning shaxsiy psixologik xususiyatlarining takrorsiz birikmasi tushuniladi. Individuallik tarkibiga inson dunyoqarashi, qobiliyati, ichki kechinmalari, irodasi va shu kabilar kiradi. Inson tug'ilganida individ bo'lib tug'iladi. So'ngra undagi xislatlar, xususiyatlarga qarab shaxs sifatida namoyon bo'la boshlaydi. Asosan individ shaxs sifatida 3 yoshida tanila boshlaydi. Shaxsni komil inson sifatida tarbiyalash juda murakkab jarayon hisoblanadi. Individual ta'lim o'qituvchining o'quvchiga pedagogik ta'sirini amalga oshiruvchi o'quv mashg'ulotlari shakllaridan biri. Pedagogning o'quvchi bilan sinfdan tashqari olib boradigan ishlari individual ishlar sirasiga kiradi. Bu jarayon pedagogga o'zlashtirishi sust bo'lgan bolalarni shaxsini shakllantirishga juda qo'l keladi. Individual ta'lim O'zbekiston tarixida keng qo'llanilib kelingan.

Ta'lim dargohlarida, bog'cha, maktab, litsey va Oliy o'quv yurtlarida aynan individual ta'lim orqali o'quvchi shaxsini shakllantirish yo'lga qo'yilgan. Negaki, aynan shu yoshdagi bolalar va o'quvchilarda shaxs tushunchasi to'liq shakllanmagan bo'ladi va bu ularni kelajakda komil inson bo'lib yetishishiga yordam beradi. Uni shakllantirish esa pedagogga yuklatiladi. Buning uchun har bir o'quvchi bilan alohida shug'ullanib, uning xarakteri, temperamenti va muomala layoqatini tekshirish lozim bo'ladi.

Individuallashtirish - bizning tushunishimizcha - bu bolada mavjud yoki o'zining individual tajribasida egallagan yagona, alohida va o'ziga xosligini

²⁵ F.Haydarov, N. Xalilova. Umumiy psixologiya.-Toshkent – 2010.

ta'minlab turish va rivojlantirish bo'yicha kattalarning hamda bolaning o'zining faoliyatlaridir.

Individuallashtirish, birinchidan, birlamchi asosiy ehtiyojlarini individual yo'naltirilgan yordam ko'rsatishni ko'zda tutadi. Busiz tabiiy "o'zligini" his etish mumkin emas. Ikkinchidan, aynan mana shu individ uchun xos bo'lgan tarbiya bergan (meros bo'lib o'tgan) jismoniy, intellektual, emotsional qobiliyatlar imkoniyatlarni maksimal, erkin amalga oshirish uchun sharoitlar yaratishni ko'zda tutadi. Va nihoyat, individuallashtirishning uchinchi belgisi, asosiy xislati - avtonom ma'naviy o'zini qurishda, o'zini ijodiy gavidalantirishda, "moslashuvchan bo'lmagan faollik", hayotiy o'z yo'lini tanlashdagi qobiliyatini rivojlantirishda insonga yordam ko'rsatishdir.

Shaxsni individuallashtirish uning "o'zligini" rivojlantirish, keng ma'noda insonparvarlik tarbiyaviy tizimini tashkil etadi. Tarbiyada bunday yondashishning maqsadi, bolalarga, ularning "sub'ektiv mavjudliklarini" tashkil etishda yordam ko'rsatish hisoblanadi. Buning uchun ushbu tarbiyaviy tizimda, insonga o'zini anglash va o'zini amalga oshirishda yordam beruvchi maxsus vositalar ishlab chiqiladi. Endi faqat pedagog emas, balki bolalarning o'zlari ham tarbiyaviy tizimining sub'ekti hisoblanadi (bola asosan, tarbiya ob'ekti hisoblangan ta'sir ko'rsatish tarbiyaviy tizimidan uning asosiy farqi ham mana shundan iborat). Ushbu paradigmada pedagoglar ham, bolalar ham maktab oldida turgan maqsadlarini birgalikda aniqlashtiradilar, ularni amaliy vazifalar darajasiga ko'taradilar va hamkorlikdagi faoliyatda amalga oshiradilar. Maktab insonparvarlik tarbiyaviy tizimi samaraliligining muhim sharti bolalar va kattalarni umumiy jamoaga birlashtirish hisoblanadi. Bolalar va kattalarning o'zaro munosabatlari mavhum munosabatlarni yuzaga keltiradi, ular birinchi navbatda tizimning tarbiyaviy imkoniyatlarini belgilaydi.

Bolani o'rganish bilan o'qituvchi uning individual xususiyatlari haqida aniq ma'lumotga ega bo'ladi. Bolaning individual xususiyati uning xulqiga, o'zlashtirishiga munosabatlariga jamoadagi o'rniga ta'sir etadi. Shu boisdan ham jamoadagi individlar tarbiyalanaётiganda alohida o'quvchini unutish

Kirish.Har bir xalqning, millatning o'z tili va adabiyoti bo'lganidek, o'zbek millatining ham turlima'no so'zlarga boy ona tilisi va boy tarixga ega adabiyoti mavjud. O'z ona tilini bilmagan kishi o'zligini anglay olmasligi haqida turli xil hikmatli so'zlar ham mavjud xalqimizda.O'zbekiston Respublikasida o'zbek tiliga 1989-yil 21-oktabrda davlat tili maqomiberilganidan boshlab, ona tilimizga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. O'zbek adabiyoti esajuda katta ma'naviy, tarixiy xazinaga boy hisoblanadi.

Asosiy qism.Til- millat ko'zgidir. O'z tilini bilish, o'rganish, izlanish, uning ustida tadqiqotlar olib borish har bir millat farzandining vazifasidir. O'zbekiston Respublikasi "Davlat tili to'g'risida"gi, "Talim to'g'risida"gi qonunlari, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" hamda "2004-2009-yillarda maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi"ga muvofiq boshlang'ich sinflarda ona tili fanini o'qitish oldiga yangi-yangi vazifalar qo'yilmoqda. "Ona tili" fanini o'qitishning bosh maqsadi yoshlarimizning ijodiy- mustaqil, o'z fikrini erkin va ta'sirli, mazmunli va mantiqli qilib

yo'zma va og'zaki shaklda ifodalashga, o'zbek tili qonun- qoidalarini ongli o'zlashtirishga o'rgatish, shuningdek, ularning fikr doiralarini kengaytirishga, ona yurtimizga, avlod-ajdodlarimiz qoldirgan boy ma'naviyatimizga, milliy urf-odatlarimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashga qaratilgan. Ma'lumki til o'rganishni boshlang'ich sinflardan boshlab o'rganish juda muhim sanaladi. Onatili o'rganish bolajonlarda og'zaki va yo'zma nutq shakllanib, rivojlanishiga xizmat qiladi. Ona tilifanini o'qitishning bir qator maqsad va vazifalari mavjuddir.[1]

Umumiy o'rta ta'limi muassasalarida ona tili fanini o'qitishning asosiy vazifasi: o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgalar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yo'zma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish; o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z

yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish; ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda to'g'ri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishdan iborat. "Adabiyot" so'zi arabcha "adab" so'zining ko'plik shakli bo'lib, u keng va tor ma'noda qo'llaniladi. Keng ma'noda qo'llanilganda "adabiyot" so'zi o'qishga mo'ljallab yozilgan va chop qilingan barcha asarlarni o'z ichiga oladi. Shunga qaramay, "adabiyot" so'zi (termini) tor ma'noda ham juda faol ishlatiladi va bunda so'z san'atiga daxldor bo'lgan asarlar —badiiy adabiyot tushuniladi.[2] E'tiborli jihati shuki, istilohningayni shu tarzda (tor va keng ma'nolarda) qo'llanilishi rus va boshqa bir qator tillarda ishlatiluvchi "literatura" so'ziga ham xosdir. Zero, bu termin ham "litera" ("harf") so'zidan olingan bo'lib, keng ma'noda umuman chop etilgan mahsulotni, tor ma'noda badiiy adabiyotni anglatadi. Mutaxassislar "adabiyot" so'zining tor ma'nosini ishlatamiz va bunda badiiy adabiyotni nazarda tutamiz.

Demak, adabiyotning o`rganish sohasi —predmeti badiiy adabiyot ekan. Adabiyotshunoslik badiiy adabiyotning kelib chiqishi, rivojlanish qonuniyatlari, ijtimoiy aloqalarini har jihatdan va atroflicha o`rganadi. Adabiyotshunoslikning predmeti bo`lmish badiiy adabiyotga taalluqli ilmiy muammolar ko`lami juda keng. Ularning bir qismi umumestetik (badiiy san`at sohaslarining barchasiga xos) muammolar sirasiga kirsam, boshqa bir qismi sof adabiyot muammolari sanaladi.[3]

Ona tili va adabiyot tushunchalari bir-biriga uzviy bog`liqdir. Shu boisdan , bu ikki fan darslari maktablarda kuchaytirilgan holda tashkil etilinmoqda. Til adabiyotning asosiy quroli. Tilning umumxalq (jonli, milliy), ma`lum qoidalarga asoslangan adabiy til, badiiy (poetik) til kabi ko`rinishlari mavjud.

Til - badiiy obraz yaratish vositasi. So`z yordamida turli-tuman manzaralar, his-tuyg`ular, fikr va hodisalar jonli, ta`sirchan holda tasvirlanadi. Badiiy asardagi har bir so`z asar mazmunini ifodalashga xizmat qiladi. So`zlarni o`z o`rnida qo`llash yozuvchi va shoirning mahoratiga bog`liq. Ijodkor tilning maxsus leksik imkoniyatlari (sinonim va antonimlar, arxaizm va neologizmlar, dialektizm va jargonizm professionalizm va varvarizmlar) dan shuningdek, monolog, dialog, poliloglardan unumli foydalanadi. Badiiy asar tilining xususiyatlari, nazariy asoslari ilmiy adabiyotlarda yoritilgan. Adabiyot fani asosan adabiy, badiiy asarlardan tashkil topganligi bois, ularning bir necha xil turlari mavjud. Adabiy tur, adabiy janr, epos, lirika, drama, roman, tarixiy roman, falsafiy roman, qissa, hikoya, ocherk, tragediya, komediya. Adabiy asarlar shakl jihatidan rangbarangdir, bu esa ularni alohida guruhlarga ajratib o`rganishni taqozo qiladi. Adabiyotni birinchi bo`lib Arastu (er.av. 384-322 yillar) o`zining «Poetika» asarida epos, lirika, drama kabi uch turga ajratib ko`rsatgan. Adabiy turlar janrlardan tarkib topadi.

Janr- fransuzcha soʻz boʻlib, «tur», «jins» degan maʼnoni anglatadi. Adabiy tur lar bir- birlaridan, avvalo, voqelikni gavdalantirish usuliga koʻra farqlanadi. Epos voqeani, lirika inson ruhiy holatini, drama kishi xarakterini gavdalantiradi. Epos soʻzlashuv nutqiga yaqin bir tarzda yozilsa, lirika misra, qofiya, bandga asoslanadi. Drama dialog va monologlardan tashkil

topadi. Epos yunoncha soʻz boʻlib, yeros «soʻz», «nutq», «hikoya» degan maʼnoni anglatadi. Epos xalq ijodiyotiga mansub yirik hajmli asar. Masalan, “Alpomish” qahramonlik eposi. Roman, qissa, hikoya, ocherk, feleton epik tur janrlari hisoblanadi.[4]

Lirika (yunoncha soʻz boʻlib, «lira joʻrligida aytish» demakdir). Sheʼriy asarlarda musiqiy ohang, ritm mavjud boʻladi. Gʻazal, ruboiy, tuyuq, fard, muxammas, musaddas, qasida, chiston kabilar Sharq mumtoz lirik janrlari hisoblanadi. Ulardavafodorlik, sevgi-muhabbat, insoniylik, doʻstlik, hayot haqidagi dard va iztiroblar aks ettiriladi.

«Drama» yunoncha «harakat» degan maʼnoni anglatadi. Dramatik asarlar sahna uchun yaratiladi. Ularning ilk namunalari eramizdan oldin yaratilgan. Tragediya, komediya, opera, balet kabilar dramatik tur janrlari hisoblanadi. Esxil, Sofokl, Evripid, Shekspir singari ijodkorlarning asarlari tragediyaning yuksak namunalaridir. Oʻzbek adabiy otida Behbudiyning “Padarkush”, Maqsud Shayxzodaning «Mirzo Ulugʻbek» tragediyalari maʼlum

va mashhurdir. Komediya “Quvnoq kishilar qoʻshigʻi” degan maʼnoni bildiradi. Aristofanning «Chavandozlar», «Burgutlar», Shekspirning «Qiyiq qizning quyulishi», Molerning «Don Juan» kabi asarlar mavjud. Yuqorida adabiy janrlar haqida qisqacha toʻxtalib oʻtildi. Qachonki, oʻquvchi mana shu janrlar haqida va oʻz ona tilisi haqida toʻliq maʼlumotga ega boʻlsagina bu fanlarning tub mohiyatini tushunib yetishi mumkin.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. www.wikipedia.uz
2. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi,- Xalq ta'limi, 1998, 1-son.
3. "Tilshunoslik atamalarining izohli lug'ati ". N.Uluqov.Namangan
4. "Darsda hammasi bo`lmasa ham pedagogikaning asosiy qismimarkazlashgan".
(Совершенствование процесса обучения. М. 1971. 149 стр.).

**YAPON TILIDAGI KISHILIK OLMOSHLARINING
LINGVOMADANIY JIHATDAN TAHLILI**

Abdukayumova Madina

Toshkent davlat sharqshunoslik universtiteti magistr talabasi

Annotatsiya. Til – milliy qadriyatlarni birlashtirib, xalqning boy va cheksiz madaniyatini namoyon etib turuvchi eng mustahkam zanjir, ma’naviy xazina. Tilning nisbiyligi esa madaniyat va tilning o`zaro bog`liqligida namoyon bo`ladi. Bu ikki tushuncha ajralmas va muntazam bir-birini taqozo etadi. Til o`zining har jabhasida madaniyatni aks ettiradi, madaniyat ham shu o`rinda tilsiz mukammal namoyon bo`la olmaydi. Hozirgi jamiyatda kishilarning o`zaro bir-birlariga ish yuzasidan, muloqat yuzasidan murojaat qilishlari uchun har bir tilda maxsus murojaat so`zlari, ya`ni kishilik olmoshlari muhim o`rinni egallaydi. Kishilik olmoshlarining milliy-madaniy funksional vazifalarini va stilistik jihatdan sharhlash jarayonida yaponlarga xos bo`lgan milliy mentalitet xususiyatlarini o`zbek tilidagi kishilik olmoshlari bilan solishtirib, ikki tildagi milliy mentalitet xususiyatlarini yaqqol ko`rishimiz mumkin bo`ladi.

Abstract. Language is the strongest chain, spiritual treasure, uniting national values and showing the rich and boundless culture of the people. These two concepts are inseparable and regularly demand each other. Language reflects culture in all its aspects, and culture cannot be fully manifested without language. In modern society, special words of appeal, that is, personal pronouns, occupy an important place in every language, so that people address each other for work and communication. Comparing the national-cultural functional functions of personal pronouns and stylistic features of the Japanese national mentality with the personal pronouns of the Uzbek language, we will be able to clearly see the features of the national mentality of the two languages.

Hozirgi kun tilshunoslik ilmida yangi-yangi sohalar vujudga kelib, matn muammosining o'rganilishi bilan bog'liq ishlar jadal rivojlanmoqda. Shu nuqtai nazardan bugungi kunda matn tahlilida tadqiqotchilar semantika, grammatika, kognitologiya, psixolingvistika, lingvomadaniyatshunoslik kabi qator yo'nalishlar qo'lga kiritgan yutuqlarga tayanib ish ko'rmoqdalar. Bundan maqsad – nutq yaratuvchi va uni idrok etuvchi shaxs omilining lisoniy faoliyatda qanday o'rin tutishini aniqlash bo'lsa, ikkinchi tomondan, matnning semantik, lingvomadaniy xususiyatlarini yanada chuqurroq o'rganishdir. Shunday masala sifatida hozirgi kunda tilshunoslik ilmida barchaning e'tiborini tortayotgan til va madaniyat tushunchasi bilan bog'liq bo'lgan lingvomadaniy masalalari ko'pchilik tilshunos olimlar tomonidan tadqiq etilayotgan bo'lsa-da, biroq to'laqonli o'z yechimini topgan emas. Xalqlar o'rtasida ijtimoiy-iqtisodiy, madaniyatlararo munosabatlarni shakllantirish asnosida boshqa tillarga murojaat etish va o'rganish kuchaymoqda. Boshqa tillarni o'rganish esa o'sha xalqning madaniyatini o'rganish, ya'ni, his qilish imkonini beradi. Hozirgi kunga kelib, tilni kichik bir tizimlardan tashkil topgan yaxlit bir tizim sifatida o'rganish, uning mantiqiy madaniyatini hozirgi zamon talablari darajasiga olib chiqish, tilshunos olimlarning asosiy vazifasiga aylangan. Bu borada dunyo bo'ylab til birliklarini yangidan yangi metod va usullar asosida tadqiq etishga tilni, uning birliklarini tobora chuqurroq, teranroq tadqiq etish borasida qator ishlar olib borilmoqda.

Olmosh so'z turkumi tilda o'ziga xos o'rinni egallaydi. Xorijiy tilni puxta egallash, qolaversa u tilda gaplashayotgan millat madaniyatini yaxshiroq anglashda olmoshlar o'ziga xos o'rinni egallaydi. Tildagi kishilik olmoshlari hozirgi zamonda juda ham keng o'rganilayotgan bo'lsada, yapon tilidagi kishilik olmoshlari lingvomadaniy nuqtai-nazardan o'zbek tili bilan qiyoslanib, o'zbek tadqiqotshunoslari tomonidan o'rganilmagan. Ushbu ishda yapon tilidagi kishilik olmoshlarini lingvomadaniy jihatlarini tahlil qilib, o'zbek tili bilan o'xshash va farqli tomonlarini ko'rib chiqildi.

Yapon tilida kishilik olmoshlari deganda ,to'g'ridan-to'g'ri shaxsga tegishli va uning ismi o'rnida ishlatiladigan so'zlar tushuniladi. Ular: 1-shaxs kishilik olmoshlari:私(watashi)、私(watakushi)、私ら(watashira)、私ども(watashidom o)、私たち(watashitachi)、私ら(watashira)、私ども(watashidomo)、僕(bo`ku)、僕たち(bo`kutachi)、俺(o`re)、俺ら(o`rera)、俺たち(o`retachi)、俺ら(o`ra)、おいら(o`ira)、わがはい(wagahai)、われわれ(wareware)

2-shaxs

olmoshlari:あなた(anata)、あなたがた(anatagata)、あなたら(anatara)、きみ(kimi)、きみたち(kimitachi)、きみら(kimira)、おまえ(o`mae)、おまえたち(o`maetachi)、おまえら(o`maera)、きさま(kisama)、きさまたち(kisamatachi)、きさまら(kisamara)

3-shaxs

olmoshlari:このがた(ko`no`gata)、このがたち(ko`no`gatachi)、こいつ(koitsu)、こいつたち(ko`itsutachi)、こいつら(ko`itsura)、その方(sono`kata)、そのかたたち(so`no`katatachi)、そいつ(so`itsu)、(so`itsutachi)、そいつら(so`itsura)、あのかた(ano`kata)、あのかたたち(ano`katatachi)、あいつ(aitsu)、あいつたち(aitsutachi)、あいつら(aitsura)、かれ(kare)、かれたち(karetachi)、かれら(karera)、かのじよ(kano`jyo`)、かのじよたち(kano`jyo`tachi)、かのじよら(kano`jyo`ra).

O`zbek tilida ham kishilik olmoshlari shaxslarga nisbatan ishlatiladi. Ular 3ga bo`linadi:1-shaxs kishilik olmoshlari men,biz;2-shaxs kishilik olmoshlari-siz,sen;3-shaxs kishilik olmoshlari-u,ular.

Yapon tilida olmosh so`z turkumi , aynan kishilik olmoshlari borasida yozilgan ishlardan Suzuki(1975) yapon va yevropa tillaridagi olmoshlarni solishtirgan holda bir qancha tadqiqotlar olib borgan . “Odam deb ataluvchi til kategoriyasi ,ingliz tilida shaxs deb ataladi. Bu odatda “odamlarga bog`liq bo`lgan olmosh” degan ma`noni anglatadi. Shaxs olmoshi odatda uch turga

bo`linadi: birinchi shaxs, ikkinchi shaxs, uchinchi shaxs. Birinchi shaxs so`zlovchi, ya`ni nutq harakatining faol ishtirokchisi, ikkinchi shaxs esa tinglovchi, ya`ni passiv ishtirokchining nutqi . Uchinchi shaxs bu so`zlovchi va tinglovchidan boshqa odamlar va narsalarni nazarda tutadi. Har bir shaxsni ifodalovchi so`zlar esa shaxs olmoshlari deyiladi. ”²⁶. Lekin yapon tilidagi kishilik olmoshlari boshqa tillarnikidan farq qiladi . Ya`ni 2-shaxs kishilik olmoshlarini qo`llashda yapon tilida ba`zi bir murakkabliklar uchray turadi . Ko`pincha ularning o`rnida chaqirish ifodalari (ota, janob Tanaka) kabilar kelishi , 2-shaxs kishilik olmoshlarini mansabi, yoshi jihatidan o`zidan kattalarga nisbatan qo`llab bo`lmasligi shular jumlasidandir ²⁷.

Yapon tilidagi kishilik olmoshlari ishlatilishiga qarab zamon va vaziyat jihatidan turlicha ishlatiladi. Yuqoridagi misollardan , yapon tilidagi kishilik olmoshlarining soni o`zbek tilidagi kishilik olmoshlaridan ancha ko`pligini ko`rish mumkin. Ayniqsa, 1-shaxs kishilik olmoshlari bilan 2-shaxs kishilik olmoshlarining soni 3-shaxs kishilik olmoshlaridan ancha ko`p.

Yaponiyaning Milliy universiteti tomonidan o`tkazilgan “現代雜誌九十種の用語用字“(1962),”Hozirgi ro`znoma Kyujyushyudagi termin va iyerogliflar” (1962) degab atalgan tadqiqot natijalariga ko`ra eng ko`p ishlatiladigan so`zlar sifatida faqatgina 1-shaxs va 2-shaxs kishilik olmoshlari kiritilgan . Yapon tilidagi kishilik olmoshlariga ~たち、~ら kabi qo`shimchalar qo`shilib , ular ko`plikni ifodalash bilan bir qatorda xurmatni ham ko`rsatib beradi. ²⁸ 3-shaxs kishilik olmoshlari esa jins jihatidan farqlanadi. Ya`ni ayollarga 彼女—kanojyo` , erkaklarga nisbatan esa 彼—kare so`zini qo`llashadi. 1-shaxsga tegishli ぼく -bo`ku、おれ-o`re、おいら-o`ira、わがはい-wagahai、 2-shaxsga tegishli きみ-kimi、きさま-kisama kishilik olmoshlari ham erkaklar tomonidan ishlatiladi.

²⁶ Suzuki 1975 (16pg) “Gengo to bunka”

²⁷ Yukinori Takubo 1997”Shiten to gengokoudou” (pp.12-44)

²⁸ “大辞林”

Yapon tilidagi kishilik olmoshlarining boshqa tillardan farq qiladigan jihatlari juda ham ko`p bo`lib , bulardan biri –kishilik olmoshlarining yosh, maqom, jinsga qarab ishlatilishidir.

『新明解国語辞典第五版.I(1997) ga ko`ra わし→わた (く) し so`zi asosan eraklar hamda Yoshi kattalar tomonidan ishlatilindi. 「おれ」 ga qaraganda biroz rasmiy shaklda qo`llaniladi. ぼく kamtarlik bilan o`z tengdoshlariga ,o`zidan kichiklarga gapirayotga ishlatilindi. 「あなた」 「きみ」 「おまえ」 「きさま」 kabi 2-shaxs so`zlari ham suhbatdoshning mavqei, yoshi, jamiyatdagi aloqalariga qarab ishlatilishda farq qiladi. Ko`p holatlarda 2-shaxs kishilik olmoshlarini yoshi va mavqei jihatidan kattalarga nisbatan ishlatish biroz qiyin. Bunday vaziyatlarda kishilik olmoshlarining o`rniga 「お父さん」 kabi 「奥さん」 lar ishlatilindi. Yapon tilida qadimda 3-shaxs kishilik olmoshlariga tegishli olmoshlar bo`lmagan .Ular eski ko`rsatish olmoshlaridan olinib , keyinchalik kishilik olmoshlari sifatida qo`llanila boshlagan . 彼女-u so`zi Meyji davrida paydo bo`lib , 3-shaxs kishilik olmoshi sifatida talqin etila boshlangan.²⁹

Umumiy xulosa o`rnida ikki tilda kishilik olmoshlari shaxsga murojaat etish uchun ishlatilinishini ko`rishimiz mumkin. Yapon xalqining obyektiv, yaxlit va to`liq madaniyati lingvokulturologiyadan xalq madaniyatini uning tilida va shevalarida sistematik tarzda aks etishini talab qiladi. Bu esa xalqning milliy madaniy komponentlariga bog`liq ravishda yapon tilida o`z aksini topadi. Yapon tilidagi kishilik olmoshlarining soni ko`p bo`lib, insonlar orasidagi o`zaro aloqaga , hayotdagi vaziyatga , yosh, mavqega qarab turli o`rinlarda qo`llaniladi. Ayollar va erkaklar tomonidan ishlatiladigan kishilik olmoshlari ham bir-biridan farq qiladi. Ko`p holatlarda 1-shaxs kishilik olmoshlari gapda tushib qolish holatlari ham uchrab turadi. Gapda ishlatilgan kishilik olmoshiga qarab gapiruvchi erkak, ayol , qari yoki yosh , uning mavqei, jamiyatdagi o`rnini bilib

²⁹金田 1988.167

olish mumkin bo`ladi. Bu jihatlari bilan yapon tilidagi kishilik olmoshlari lingvomadaniy jihatdan o`zbek tilidagi kishilik olmoshlaridan tubdan farq qilishini ko`rish mumkin bo`ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Takao Suzuki.Kotobato gengo.Iwanami Shinshyo.1973
2. Yukinori Takubo.Yapon tilidagi kishilik olmoshlari.Shitento gengokoudou.Kurosio Publishers.1997.12-44-b
3. Yamamoto.Yapon tili va chet tili.Kokusai kouryuu to gengo bunka.1982
4. 比嘉正範1976「日本語と日本人社会」[岩波講座日本語]
5. 岩波書店金田一春彦1933日本語新版（下）.I岩波書店
6. 山本.日本人と外国語.1982
7. 鈴木孝夫『ことばと文化』岩波新書、1973
8. 鈴木孝夫『日本語と外国語』岩波新書、1990
9. 福 沢 将 樹
「三人称普通名詞としての人称代名詞」2018
10. バグ
アンドリュ・上原「日本語とヨーロッパ語の二人称代名詞」1999

**TURIZM DESTINATSIYASI TURIZMNING ELEMENTI
SIFATIDA**

*TDIU katta o'qituvchisi PhD
Sa'dullayeva Gulnoza Sodiq qizi*

Annotatsiya. Yigirmanchi asrning oxirida. “Destinatsiya” atamasi turizm sohasida rasmiy atamaga aylandi. Jahon sayyohlik tashkiloti (UNWTO) o‘z hujjatlariga quyidagi rasmiy ta’rifni kiritgan: “Destinatsiya – bu tashrif buyuruvchi kamida bir kecha-kunduz turishi bilan vaqt o‘tkazadigan makondir. U xizmat va diqqatga sazovor joylar kabi turistik mahsulotlarni, sayohatning bir kunidagi turistik resurslarni o'z ichiga oladi. Bu makon uni boshqarish usulini belgilovchi jismoniy va ma'muriy chegaralarga, uning bozor raqobatbardoshligini belgilovchi tasvir va tasavvurlarga ega. Ushbu maqolada turizm sohasida destinatsiyaning ahamiyati va mohiyati ochib berilgan. Destinatsiya atamasiga ilmiy ta’rif keltirilgan.

Kalit so'zlar. Destinatsiya, turizm yo'nalishlari, turizm xizmatlari, destinatsiyalarni boshqarish, turizm infratuzilmasi.

Turizm o'zida jahon iqtisodiyotining murakkab va majmuaviy soxalarini mujassam etganki, bu butun jahon xo'jaligiga sezilarli ta'sir o'tkazadi. Alohida mamlakatlar xo'jaligiga ham, xududlarga ham u birday tegishli. Ayrim mamlakatlarda xalqaro turizm valyuta tushumlarining yagona manbai hisoblanadi. Uning sharofati bilan iqtisodiy taraqqiyot yuqori darajasi va xalq turmush farovonligi qo'llab –quvvatlanib turiladi.

Butun dunyo bo'yicha turistik xizmatlarga o'sib borayotgan talab eng avvalo ijtimoiy–iqtisodiy sabablar bilan izohlanadi (umumiy daromadlar o'sishi va bo'sh vaqtning ko'payishi, haq to'lanadigan ta'tillar muddati ko'payishi, nafaqa ta'minotining yetarli darajasi oila tarkibini bolalar kamayishi evaziga o'zgarishi va h.k). Shuningdek transport taraqqiyotidagi o'sish, uni arzonlashishi

va hammaning qurbi yetishi, valyuta cheklovlarining kamaytirilishi yoki bekor qilinishi, viza rejimining liberallashtirilishi kabilar.

Bu borada yurtimizda ham juda ko'p yangiliklar kuzatildi: turizmni rivojlantirishga yo'naltirilgan yangi farmon va qarorlar, turistik xizmatlarni sifatini oshirish borasida hukumat tomonidan qator qonun hujjatlar yangi taxrirda ishlab chiqildi va qo'shimchalar kiritildi, xalqaro va mahalliy tadbirlar, yangi ta'lim muassasalari faoliyatining yo'lga qo'yilishi, sayyohlar oqimining oshishi, yangi turistik mahsulotlar, yangicha yo'nalishlarni rivojlantirish, infratuzilmani takomillashtirishga oid sa'y-harakatlar, xorijiy investorlarni jalb qilish, OAV vakillarining tashrifi hamda O'zbekistonning ko'plab xalqaro reytinglarda yuqorilashi va h.k. Shu o'rinda turizm sohasini destinatsiyasiz tasavvur qilish qiyin. Har bir sayyoh ma'lum hududni, joyni ko'zlagan holda sayohatni amalga oshiradi. So'zimizning isboti sifatida joriy yilning 26 aprel kuni Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida "Turizm xizmatlari ko'lamini kengaytirish va infratuzilmasini rivojlantirish chora-tadbirlari" bo'yicha videoselektor yig'ilishi o'tkazildi va ushbu yig'ilishda sohada erishgan yutuqlarimiz qatorida mavjud imkoniyatlarimiz ham bayon etildi. Ayniqsa e'tibor potensial destinatsiyalarga qaratildi. Lekin biz har bir hududni ham destinatsiya deb atay olmaymiz. Fanda turizm hududi, turistik joy va fanga yangi bo'lgan destinatsiyalardan iboratdir. Ushbu darslikda turizm destinatsiya tushunchasi mazmun mohiyati ochib berildi. Xorijiy olimlar va UNWTO tomonidan turizm destinatsiyasi maqomini beraolishimiz uchun kriteriyalar keltirib o'tilgan. Destinatsiyaning tarixi rivojlanish bosqichlari va tipologiyasi yoritib berilgan. Turizm destinatsiyasini ish faoliyatini tashkil etish va boshqarishning ilmiy asoslari keltirilgan.

Turizm destinatsiyalarini boshqarish - hududni potensial sayyoh sifatida kashf etish, uning barqaror rivojlanish kompleks strategiyasini shakllantirish va amalga oshirish uchun bosqichma-bosqich murakkab jarayondir. Turizm destinatsiyalarini boshqarish, destinatsiyalarin rivojlanishini boshqarish usullari, shakllari va vositalari to'plamidir.

"Turizm destinatsiyasi menejmenti" bir necha fanlar chorrahasida joylashgan: "Turizm asoslari", "Menejment nazariyasi", "Turizm destinatsiyasi geografiyasi", "Turizm iqtisodiyoti" va "Marketing".

Turizm destinatsiyalari menejmenti vazifalari quyidagilardan iborat.

- global tendentsiyalarning xalqaro sayyohlik va mehmonxona - restoran biznesining muhitiga ta'sirini hisobga olish qobiliyati;
- turizm destinatsiyasining samarali raqobatbardosh innovatsion faoliyatini tashkil etish qobiliyati;
- mintaqaning marketing strategiyasini ishlab chiqishda ishtirok etish, uni amalga oshirishga qaratilgan tadbirlarni rejalashtirish va amalga oshirish;
- xalqaro va ichki turizm bozorlarida marketing tizimini shakllantirish qobiliyati;
- o'z faoliyatida normativ-huquqiy hujjatlardan foydalanish qobiliyati;
- turizm destinatsiyadagi ijtimoiy ahamiyatga molik muammolar va jarayonlarni tahlil qilish qobiliyati;
- makroiqtisodiy muhitning turizm tashkilotlari va davlat va shahar boshqaruvi organlarining faoliyatiga ta'sirini baholash qobiliyati;
- mahalliy, milliy va xalqaro miqyosda davlat va xususiy sektor uchun barqaror turizm siyosatini shakllantirish, integratsiya qilish va muvofiqlashtirish qobiliyati.

Turizm destinatsiya - turizm tizimining eng muhim elementi. Turizmning kontseptual modeli asosida turizm tizimi (sohasi) ikkita kichik tizimni o'z ichiga oladi: turizm faoliyat sub'ekti (sayyohlar) va sayyohlik faoliyati ob'ekti (sayyohlik resurslari, sayyohlik korxonalar va tashkilotlari). Ushbu tizimning turli elementlari (quyi tizimlarining) tabiati va funktsiyalarini, shuningdek, ular bilan tashqi muhit o'rtasidagi mavjud aloqalarni bilish uning xatti-harakatlarini ko'p jihatdan tushunishga, ishlash mexanizmini ochishga imkon beradi.

Turistlar ushbu tizim doirasida sotuvchilar - turizm xizmatlar va tovarlarni etkazib beruvchilar tomonidan qarshilik ko'rsatuvchi talab yoki xaridor sifatida harakat qilishadi. Har bir sayyoh sayohatga chiqayotib, transport tashkilotlari, joylashtirish korxonalari, tunash va ovqatlanish, ko'ngilochar va boshqa muassasalar xizmatlariga haq to'lash orqali turizmga bo'lgan talabini bildiradi. Binobarin, turizm faoliyatning sub'ekti – turistga tizimda turizm faoliyatning ob'ekti – turist tomonidan iste'mol qilinadigan tovar va xizmatlar ishlab chiqaruvchisi vazifasini bajaradigan turizm sanoati qarama-qarshi qo'yiladi. Turizm resurslaridan foydalangan holda turizm sanoati rivojlanmoqda. Turizm resurslar ishlab chiqarish vositasi va mehnat ob'ekti sifatida harakat qiladi, ya'ni. turizm xizmatlarini ishlab chiqarish uchun asosdir. Infratuzilma ushbu xizmatlarning bevosita ishlab chiqaruvchisi hisoblanadi. Tizim sifatida turizmning asosiy elementi turistlarni o'ziga tortadigan, ular sayohat qiladigan va ma'lum vaqt o'tkazadigan hudud – turizm yo'nalish hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak turistik yo'nalishlarni boshqarish kompleksli tadbirlarni o'z ichiga olgan murakkab jarayondir. Turistik destinatsiyalarni boshqarishdan maqsad nafaqat ularni jozibadorligini oshirib foyda olish balki, bu hududlarni tabiiylikini saqlagan holda butunligicha kelajak avlodlarga ham yetkazishdan iboratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Квартальнов В.А. Туризм: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Зорин И.В., Зорин А.И. Дестинация в контексте ЮНЕСКО. – М.: РМАТ, 2011.
3. Leiper N. Tourism Management. – Pearson Education, Australia, 2004.
4. Т.В. Рассохина. Менеджмент туристских дестинаций. Москва «Советский спорт» 2014.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТНИНГ

РИТОРИК АСОСЛАРИ

Носирова Мадина Мўмин қизи

ЎзМУ, Фалсафа(соҳалар турлари),

2 босқич магистранти

Аннотация: Мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиш, халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида маънавий маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.³⁰Бу вазифани амалга оширишда тарғиботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва шакллари, таҳдидларга қарши самарали кураш усуллари ишлаб чиқишда назария ва амалиётни бирлаштириш зарур. Чунки, “илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди.”

Калит сўзлар: Маънавият, тарбия, риторика, нутқ, энтимема, индукция, нотик, метод.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётган экан, турли хил усуллар билан ўз манфаатларини ифода этувчи оқимлар ҳам кўпайиб бормоқда. Буларга қарши чуқур билим ва маърифат билан жавоб бера оладиган нотиклик, воизлик маҳорати орқали фикр етказиш санъатини эгаллашга эҳтиёж ортиб бормоқда. «Мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан катта кучга эга» бўлган бугунги кунда ижтимоий гуманитар соҳа вакилларининг олдида турган вазифалар мулоқот ва муомалани, коммуникатив компетенцияни эгаллашларини талаб қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида диний ва дунёвий омиллар ўртасида соғлом мувозанатни тўлиқ таъминлаш, кучли тарбиявий

³⁰Қаранг: Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.:“Ўзбекистон” нашриёти, 2021. 278 б.

салоҳиятга эга бўлган ва халқимиз маънавиятини асрлар давомида мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг, азалий анъана ва урф одатларимизнинг қадрсизланишига деидеологизацияга йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда.³¹ Баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда. Тарғибот ишлари самараси камайган жойда турли хил англашилмовчилик ва низолар пайдо бўлиши аниқ. Шундай бир ҳолатда маданий детерминантларни излашга, жамиятимиз маънавий ҳаётини яхшилашга хизмат қилувчи илмий фалсафий парадигмаларга эҳтиёж туғилмоқда. Шундай парадигмалардан бири антик давр фалсафий мероси, унинг нотиклик санъати билан боғлиқ жиҳатларидир.

Антик даврда нотиклик санъатининг шаклланиши қадимги грек полисининг ўзига хос иқтисодий, сиёсий ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Полис тузилиши эркин мулкдорлар ва ишлаб чиқарувчилар, яъни полис фуқаролари жамоасининг мустақил иқтисодий ва сиёсий эркинлигига асосланган. Полис фуқаролари ўз ватанининг тақдирига алоқадор бўлган давлат масалаларида фаол қатнашиш имконига эга бўлганлар. Уларда ватанпарварлик, тенглик ва давлат қонунларига онгли равишда бўйсунуш ҳисси ривожланган.

Бу даврда жамиятнинг маданий ва илмий ҳаёти ривожланиши учун кенг имкониятлар мавжуд эди. Аввал аристократлар ва коҳинларнинг имтиёзи ҳисобланган интеллектуал маданият жамоа умумий маданияти билан қўшилиб кетди ва унинг таркибий қисмига айланди. Натижада таълим ва тарбия олиш ҳар бир фуқаронинг мақсадига, идеалига айланди. Билим, ахлоқий қадриятлар, фикрлаш маҳоратини майдонларда намоён қилиш бошланди. Жамоа олдида, гувоҳлар иштирокида нутқ сўзлаш оммавийлашди, нотиклик санъати шаклланди. Аудитория ва нотик муносабатлари риториканинг ривожланишига сабаб бўлди.

³¹ Қаранг: Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.:Ўзбекистон, 2021. 292 б

Халқ йиғилиши давлатни бошқаришнинг бош органи бўлган ва сиёсатчилар ўз нутқларини халққа мурожаат қилиб сўзлаганлар. Нутқнинг тўғри тузилганлиги, тингловчиларни ўзига жалб қилиши, масаланинг моҳиятини аниқ ва тушунарли баён қилиниши нотикнинг, сиёсатчининг обрў эътиборини оширувчи омил бўлган. Эрамиздан аввалги V асрга келиб, Афинада Горгий биринчилардан бўлиб, фуқароларни нотиклик санъатига ўргата бошлаган. Горгийнинг нотиклик санъатига қўшган янги ғоялари “Горгий фигуралари” номи билан машҳур бўлган. Антик нотиклардан Исократ (эр.ав.436 338) ҳам нотиклик санъати амалиёти ва назариясини ривожлантирган. У нотиклик мактабида аристократларга “нутқ фалсафасидан” дарс берган. Исократ айтган эдики, риториканинг барча санъатлар —илмлардан афзаллиги руҳнинг жисмдан афзаллиги кабидир (А.Ф.Лосев изоҳи)³². Исократ тингловчиларини ахлоқий ва сиёсий тарбиялашни мақсад қилган. Антик даврнинг энг йирик файласуф олими Платон (427 - 347) ҳам нотиклик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Антик даврда нотиклик санъатининг назарий асосларини биринчи бўлиб ишлаб чиққан файласуф Аристотелдир. У “Риторика” асарида нотиклик санъатига таъриф беради, унинг мантикий асосларини кўрсатади, нотик нутқига қўйиладиган талабларни, нутқнинг турлари ва бошқа шу каби масалаларни батафсил тушунтириб беради. Аристотел риторикани диалектикага мос санъат, уларнинг ҳеч бири алоҳида фанга боғлиқ эмас, улар ҳамма ва ҳар бир инсон баҳраманд бўладиган соҳаларга тааллуқлидир, деб кўрсатади. Риторика барча соҳаларда қўллаш мумкин бўлган санъат бўлиб, бирон бир фикрни қўллаш ёки рад этиш, айблаш ёки оқлаш мақсадида қўлланади. Риторика - хитоба ҳар бир аниқ фикрга тингловчиларни ишонтиришнинг мумкин бўлган йўллари, усулларини топиш санъати (қобилияти)дир.³³

³² Арасту. Поетика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011. 228 б

³³ Арасту. Поетика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011. 229 б

Аристотел ишонтириш усулларини нотехник ва техник турларга ажратади. Нотехник усулларга гувоҳлар, қийнаш йўли билан олинган кўрсатмалар, шартномалар ва б. киради. Техник усуллари эса шахсий имкониятлар ва метод ёрдамида яратилади.

Нутқ орқали ишонтириш усулларига нотикнинг феъл атори, ахлоқи; тингловчиларнинг кайфияти ва нутқнинг ўзи киради. Нотик обрў эътиборга эга, ахлоқли, илмли, таниқли бўлса унинг нутқини қизиқиб тинглашади. Нотик ўз нутқи орқали тингловчиларнинг кайфиятига таъсир ўтказиши, уларнинг ўз фикрини маъқуллашларига эришиши мумкин. Тингловчиларнинг кайфияти, яъни уларнинг нотикқа ишонишлари ёки ишонмасликлари, бирор масала бўйича ғазабланган бўлишлари ҳам ишончнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Нутқнинг ички структурасига амал қилинган бўлса, нутқ аниқ, тушунарли, холис баён қилинганда ҳам нотик тингловчини ўз сўзларига ишонтира олади.

Аристотел риторик нутқни уч турга бўлади: маслахатлашувчи нутқ; суддаги нутқ ва эпидейктик нутқ. Маслахатлашувчи нутқда нуқтаи назар ё маъқулланади ёки рад этилади. Суддаги нутқ ё оқлаш ё айблаш учун сўзланади. Эпидейктик нутқ эса мақташ ёки ёмонлаш учун сўзланади. Нотик нутқ сўзлаганда муҳокамага қўйилган масала бўйича икки қарама қарши нуқтаи назарнинг мавжудлигини таъкидлаши, улардан бирини маъқуллаб, бошқасини рад этиши керак. Масала фақат биргина ечимга эга бўлса, уни муҳокама қилишга эҳтиёж бўлмайди. Нотик масалани савол қўйишдан бошлаши керак. Масалан, уруш қилиш керакми ё сулҳ тузиш. Аристотел нотик сўзлаши мумкин бўлган масалалар доирасини аниқлаб беради. Масалан, маслахатлашувчи нутқ давлатнинг молиявий ахволи, уруш ва тинчлик масалалари, мудофаа, озиқ овқат ва қонунчиликка оид бўлади.

Аристотел ишонтирувчи методлар сифатида энтимема ва мисол (индукция)ни кўрсатади. У энтимема силлогизмнинг қисқарган кўриниши

эканлигини ва ундаги хулоса асослари ҳаммавақт ҳам чин мулоҳазалардан ташкил топмаслигини таъкидлайди. У риторик энтимемада хулоса асослари эҳтимолий (проблематик) мулоҳазалар бўлиши, белгилар ҳақидаги мулоҳазалар бўлиши ва билимни ифодаловчи (аподейктик) мулоҳазалар бўлишини аниқлайди. Белгилар ҳақидаги мулоҳазаларда якка ва умумий белгиларнинг алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратади.

Аристотел риторик исботлашда мисолдан фойдаланганда, ўрганилаётган масала бўйича бир нечта мисол таҳлил қилиниб, умумлаштирилган хулоса чиқарилишига эътиборини қаратади ва бундай хулосаларнинг чин бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Аристотелда мисол аналогияни ҳам билдиради. Унинг таъкидлашича, мисол кучли ишонтирувчи метод ҳисобланади.

Аристотел эзгулик ва бахт ҳақидаги нутқда нотик эътибор бериши керак бўлган жиҳатларни таҳлил қилади. У бу масалаларга турли нуқтаи назардан ёндашиш мумкинлигини таъкидлайди. Аристотел ахлоқий масалаларни аргументлашда тушунчаларни таърифлаш ва бўлиш мантиқий амалидан фойдаланади. Унинг таъкидлашича, моҳир нотикда аввалдан тайёрланган далиллар мавжуд бўлади. Бу далиллар мақоллар, афоризмлар ёки бадий адабиётдан олинган парчалар бўлиши мумкин.

Аристотелнинг “Риторика” асаридаги ғоялар Шарқ перипатетиклари ва Ғарб мантиқшунослари томонидан ижодий ривожлантирилди. Хусусан Абу Наср Фаробий, Ибн Синолар “Риторика” номли асарларини ёздилар ва нотиклик санъатининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бугунги кунда ҳам бу ғоялар ўз қимматини сақлаган ва маънавий соҳадаги тарғибот ташвиқот ишларида улардан унумли фойдаланилмоқда.

Шарқ Ренесансининг омилларидан бири бўлган антик давр фалсафий мероси бугунги Учинчи Ренесанс учун ҳам ибратлидир. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларининг самарадорлигини оширишда маънавий маърифий соҳа вакилларининг нутқий

компетенциясини юқори даражага кўтариш, уларни аудиториянинг ишонч эътиқодини ўзгартирувчи методлар билан қуроллантириш, яъни нотиклик маҳоратини эгаллашларига ёрдам бериш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада антик даврнинг машҳур файласуф олими Аристотелнинг нотиклик санъатиги оид “Риторика” асари муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай мафкура омма онгига тўғри сингдирилгандагина, у қудратли куч касб этади. яқин йилларда ва ҳозирги кунда ҳам турли хил экстремистик оқимлар ҳаёт ҳақида у қадар тажрибага эга бўлмаган ёшларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. Дин ниқоби остида ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга, ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга уринганлари сир эмас. Баъзан ёшларнинг бундай ғояларга эргашишларига мухтожлик сабаб қилиб кўрсатилади. Лекин бундай ғояларга эргашган ёшлар орасида ўзига тўқ оилаларнинг ҳам фарзандлари борлиги бу ҳолатнинг сабаби бошқа эканлигини билдиради. Экстремистик ғоя тарғиботчиларининг ўз ғояларини жозибадор қилиб кўрсатиш маҳоратини чуқур эгаллаганлиги бунга кўпроқ сабаб бўлмоқда.

Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга таҳдид мавжуд экан, унг қарши курашиш учун энг таъсирчан восита бўлган сўз, нутқдан тўлиқ фойдаланишни ўрганишимиз, билишимиз ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлишимиз шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.:Ўзбекистон, 2021
2. Арасту. Поетика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011.
3. А.Ф. Лосеф. Античные теории в их историко-эстетической значимости//«Античныериторика». Изд.: МГУ, 1978

**O‘ZBEKISTONNING SHHTDAGI RAISLIGI: BIRGALIKDA
RIVOJLANISH ORQALI UMUMIY MUVAFFAQIYAT SARI**

Rashidova Odina Olimjon qizi

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti magistranti

Annotatsiya: Xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar mamlakatlar o‘rtasidagi turli kelishmovchiliklarni yengib o‘tish, o‘zaro anglashuvni mustahkamlash, siyosiy va iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish, savdo-sotiqni kengaytirish xamda madaniy-gumanitar almashinuvni rag‘batlantirishga yordam beradi. Ko‘p tomonlama faoliyatga asoslangan eng yosh institutlardan biri – Shanxay hamkorlik tashkiloti aynan mana shunday maqsad va vazifalarni ko‘zlaydi. Bu tashkilot madaniy-sivilizatsion qarashlari turlicha, o‘z tashqi siyosiy yo‘nalishlari va milliy taraqqiyot modellariga ega mamlakatlarni birlashtira olgan o‘ziga xos davlatlararo tuzilmadir.

Bugungi kunga kelib SHHT hamjamiyati – ulkan geografik makonni qamrab olgan va sayyoramiz aholisining qariyb yarmini birlashtirgan, dunyodagi eng yirik mintaqaviy tashkilotdir. O‘zbekistonning Shanxay hamkorlik tashkilotiga raisligi dunyo miqyosida shiddatli jarayonlar kechayotgan o‘ziga xos “tarixiy evrilish” pallasiga to‘g‘ri keldi – bir tarixiy davr nihoyasiga yetmoqda hamda bashorat qilish mushkul bo‘lgan yangi bir davr boshlanmoqda.

Kalit so‘zlar: Shanxay Hamkorlik Tashkiloti, Samarqand, hamkorlik aloqalari, innovatsiya, tashqi savdo, eksport, import.

Abstract: International and regional organizations help to overcome various differences between countries, strengthen mutual understanding, develop political and economic cooperation, expand trade and stimulate cultural

and humanitarian exchange. The Shanghai Cooperation Organization, one of the youngest institutions based on multilateral activities, pursues exactly such goals and objectives. This organization is a unique interstate structure that can unite countries with different cultural-civilizational views, their own external political orientations and models of national development.

Today, the SCO community is the largest regional organization in the world, covering a huge geographical area and uniting almost half of the population of the planet. Uzbekistan's chairmanship of the Shanghai Cooperation Organization has coincided with a unique period of "historical evolution" in which intense processes are taking place on a global scale - one historical period is coming to an end and a new one, which is difficult to predict, is beginning.

Key words: Shanghai Cooperation Organization, Samarkand, cooperation relations, innovation, foreign trade, export, import.

*“Bizning asosiy shiorimiz – **“Har birimiz kuchli bo‘lsakgina SHHT kuchli bo‘ladi.** Uni amalda ro‘yobga chiqarish yo‘lida Tashkilotni yanada kuchli va xalqaro hamkorlarimiz uchun yanada jozibador bo‘lishiga erishish uchun jiddiy harakat qildik”.*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev

Kirish. Xalqaro hamkorlikning universal prinsip va normalarga asoslangan tizimi izdan chiqib borayotgani bugungi kun haqiqatidir. Buning asosiy sabablaridan biri – global darajada davlatlar o‘rtasidagi o‘zaro ishonchning chuqur tanazzulga yuz tutayotgani bilan bog‘liq. Bu esa o‘z navbatida geosiyosiy qarama-qarshiliklarga rag‘bat berib, “bloklarga mansublik” stereotiplarining qayta tug‘ilish xavfini yuzaga keltirmoqda. Davlatlar o‘rtasidagi bunday o‘zaro ishonchsizlik jarayoni jahon iqtisodiyotining

avvalgi taraqqiyot yo‘liga qaytishini va global ta‘minot zanjirlarining tiklanishini murakkablashtirmoqda.

Dunyoning turli nuqtalarida davom etayotgan qurolli mojarolar savdo va investitsiya oqimlarini izdan chiqarib, oziq-ovqat va energetika xavfsizligini ta‘minlash borasidagi muammolarini yanada keskinlashtirmoqda.

Shu bilan bir qatorda, global iqlim o‘zgarishi, tabiiy boyliklar va suv resurslari tanqisligining ortishi, bioxilma-xillikka putur yetishi hamda xavfli yuqumli kasalliklar tarqalishi jamiyatlarimizning zaif tomonlarini yanada yaqqolroq ko‘rsatib bermoqda. Bu muammolar insoniyat taqdiriga bevosita daxldor bo‘lgan mushtarak qadriyat va ne‘matlarning yemirilishiga olib kelib, odamlar hayoti va faoliyatiga tahdid solmoqda, ularning daromad manbalarini qisqartirmoqda.

Bunday murakkab sharoitda bir haqiqat aniq: hech bir mamlakat yolg‘iz holda ushbu global xavf-xatarlarni chetlab o‘tish yoki bartaraf etishga qodir emas.

“Bugun biz yashayotgan, jarayonlar o‘zaro chambarchas bog‘langan dunyoda xavfli muammolar girdobidan chiqishning yakkayu yagona yo‘li – konstruktiv muloqot va har bir tarafning manfaatlarini hisobga olish va hurmat qilishga asoslangan ko‘p tomonlama hamkorlikdir” – deya ta‘kidlaydi hurmatli Prezidentimiz.³⁴ Aynan inqiroz va bo‘hronlar davrida mamlakatlar, ular xoh katta, o‘rta yoki kichik bo‘lsin, o‘zlarining tor doiradagi manfaatlarini ustun qo‘ymasdan, aksincha, asosiy e‘tiborni global hamjihatlikka qaratishlari lozim. Tinchlik, xavfsizlik va barqaror taraqqiyotga xavf tug‘dirayotgan, har qaysi mamlakatga rahna soladigan tahdid va xatarlarga qarshi umumiy sa‘y-harakat va imkoniyatlarni birlashtirish va safarbar etish barchamiz uchun birdek manfaatlidir.

Samarali xalqaro hamkorlik – bu dunyoda barqaror, ishonchli va farovon taraqqiyotning eng muhim omilidir. Aynan shunday yondashuv zamonamizning

³⁴ Prezident Sh. Mirziyoyevning Samarqanddagi SHHT yig‘ilishida qilgan ma‘ruzasidan.

dolzarb muammolarini bahamjihat hal etish, yangi xavf-xatar va ijtimoiy larzalardan himoyalaniş uchun eng aniq, maqbul va samarali yo‘l hisoblanadi.

Barchaning va har bir tomonning manfaatlariga javob beradigan xalqaro hamkorlikni ko‘p tomonlama institutlarsiz amalga oshirib bo‘lmaydi. Ushbu institutlar faoliyatidagi muayyan kamchiliklarga qaramasdan, ular mintaqaviy va global miqyosda davlatlararo hamkorlikning eng muhim vositasi bo‘lib xizmat qilishda davom etmoqda. Xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar mamlakatlar o‘rtasidagi turli kelishmovchiliklarni yengib o‘tish, o‘zaro anglashuvni mustahkamlash, siyosiy va iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish, savdo-sotiqni kengaytirish hamda madaniy-gumanitar almashinuvni rag‘batlantirishga yordam beradi.

Ko‘p tomonlama faoliyatga asoslangan eng yosh institutlardan biri – Shanxay hamkorlik tashkiloti aynan mana shunday maqsad va vazifalarni ko‘zlaydi. Bu tashkilot madaniy-sivilizatsion qarashlari turlicha, o‘z tashqi siyosiy yo‘nalishlari va milliy taraqqiyot modellariga ega mamlakatlarni birlashtira olgan o‘ziga xos davlatlararo tuzilmadir. Tarixan qisqa davrda SHHT katta yo‘lni bosib o‘tib, global siyosiy va iqtisodiy tizimning ajralmas qismiga aylandi, deb qat’iy ishonch bilan aytish mumkin.

Bugungi kunga kelib SHHT hamjamiyati – ulkan geografik makonni qamrab olgan va sayyoramiz aholisining qariyb yarmini birlashtirgan, dunyodagi eng yirik mintaqaviy tashkilotdir.

Asosiy qism. SHHTning xalqaro tashkilot sifatidagi jozibadorligi uning faoliyati asosini tashkil etadigan quyidagi tamoyillarda namoyon bo‘lmoqda: Shanxay hamkorlik tashkilotining turli bloklardan xoli maqomga ega ekani, ochiqlik, uchinchi mamlakatlar yoki xalqaro tashkilotlarga qarshi qaratilmagani, barcha ishtirokchi tomonlarning tengligi va suverenitetini hurmat qilish, ichki ishlarga aralashmaslik, siyosiy qarama-qarshilik va ixtilofli raqiblikka yo‘l qo‘ymaslik.

Shanxay Hamkorlik Tashkiloti (SHHT) shiddat bilan o‘zgarib borayotgan hozirgi zamonning eng dolzarb muammolarini samarali hal qilishda,

xavfsizlik va barqaror taraqqiyotni ta'minlashda katta hissa qo'shib kelayotgan nufuzli xalqaro tashkilot hisoblanadi.

Shanxay hamkorlik tashkilotining muvaffaqiyat garovi – mintaqaviy xavfsizlikni ta'minlash orqali ko'p tomonli hamkorlikni ilgari surishdadir.

SHHT o'z mohiyatiga ko'ra, tinchlik, hamkorlik va taraqqiyot yo'lida birlashishga, ayirmachilik unsuridan xoli bo'lgan jozibador makonga aylanishi lozim.

Shu sababli ham SHHT faoliyatiga qo'shilish istagidagi davlatlar soni yildan yilga ortib bormoqda. Bu tendensiya xalqaro va mintaqaviy munosabatlar tizimi transformatsiya jarayonini boshidan kechirayotgan bugungi sharoitda yaqqol ko'zga tashlanmoqda.

SHHT makonidagi davlatlarning yuksak insoniy, intellektual va texnologik salohiyatga, jadal rivojlanayotgan iqtisodiyotlarga va hali to'laqonli foydalanilmagan tabiiy zaxiralarga ega ekani tashkilotning iqtisodiy ahamiyatini yanada oshirishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda SHHTga a'zo davlatlar yalpi ichki mahsulotining umumiy hajmi jahon ko'rsatkichining qariyb chorak qismini tashkil qilmoqda. Bu esa endigina 20 yoshga to'lgan ushbu mintaqaviy Tashkilot tomonidan dunyoning barqaror rivojlanishiga qo'shilayotgan hissasining salmog'i yuksak ekanidan dalolat beradi.

Yangi sinovlar va imkoniyatlar vujudga kelayotgan bugungi dunyoda SHHTning transformatsiyasi va yuksalishi uchun nafaqat a'zolar sonining ko'payishi hisobiga, balki tashkilot rivojining yangi strategik yo'nalishlarini ilgari surish orqali keng istiqbollar mavjud. Bu o'rinda gap transport va o'zaro bog'liqlik, energetika, oziq-ovqat va ekologiya xavfsizligi, innovatsiyalar, raqamli transformatsiya va "yashil" iqtisodiyot kabi muhim yo'nalishlar haqida bormoqda.

O'zbekiston Respublikasi Shanxay hamkorlik tashkilotiga raislik qilishdek mas'uliyatli vazifani o'z zimmasiga olgach, asosiy e'tiborni hamkorlikning yangi ufqlarini ochish va har bir ishtirokchi mamlakatning

foydalanilmagan rezervlarini ishga solish orqali Tashkilotni jadal rivojlantirish strategiyasiga qaratdi.

O'zbekiston Shanxay hamkorlik tashkilotiga asos solgan davlatlardan biri sifatida uning ko'p qirrali faoliyatida muhim va faol rol o'ynamoqda. O'zbekistonning tashabbuslari ShHTning xalqaro nufuzini va salohiyatini yuksaltirishga, ko'p tomonlama hamkorlikni mustahkamlashga hamisha xizmat qilib kelgan. O'zbekistonning 2021-2022 yillarda ShHTga raisligi mazmundorligi va natijaga qaratilganligi bilan ahamiyatlidir.

Dunyo hamjamiyati, xalqaro yetakchi ekspertlar tamonidan bildirilayotgan xulosalarga ko'ra pandemiya va global inqiroz oqibatlariga qaramasdan, O'zbekistonning ShHTga Raislik rejasi birgalikda to'liq amalga oshirildi. 80 dan ortiq yirik xalqaro tadbirlar o'tkazildi. ShHT doirasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, oziq-ovqat xavfsizligi va kambag'allikni qisqartirish kabi sohalardagi hamkorlikning yangi format va mexanizmlari ishga tushirildi. Iqtisodiyot, sanoat, innovatsiyalar, turizm, sog'liqni saqlash, xalq diplomatiyasi, gender tengligi va ayollar tadbirkorligini ilgari surish borasidagi dolzarb masalalar bo'yicha forumlar, konferensiyalar va boshqa tadbirlar o'tkazildi.³⁵

Ushbu xalqaro nufuzli tadbirning aynan Samarqandda o'tkazilishida ham katta mazmun –ma'no bor. Samarqand qadim-qadimdan Sharqiy Osiyodan to Shimoliy Afrika, Yaqin Sharq va Yevropagacha bo'lgan makonda yashaydigan xalqlar o'rtasida ma'naviy, iqtisodiy, madaniy va ilmiy almashuvlarning markazi bo'lib kelgan.

Samarqand O'zbekiston raisligida bo'lib o'tgan Shanxay hamkorlik tashkiloti Davlat rahbarlari kengashining 22-majlisida tarixiy voqeyliklar guvohi bo'ldi. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev Samarqandda asrlar davomida turli sivilizatsiyalar vakillari o'rtasida samarali muloqotning o'ziga xos madaniyati yaralgani, Samarqand – ShHTni tuzishda asos qilib olingan

³⁵ Qodir Jo'rayev, Oliy Majlis Qonunchilik palatasi Xalqaro ishlar va parlamentlararo aloqalar qo'mitasi raisi o'rinbosari nutqidan.

bagʻrikenglik, turli xalqlarning anʻana va qadriyatlariga hurmat tamoyillari asrlar davomida amalda boʻlgan hayotiy bir namuna ekanini oʻz maʼruzalarida aytib oʻtdilar.

Sammit ishida SHHTga aʼzo mamlakatlar – Pokiston, Rossiya, Tojikiston, Xitoy, Oʻzbekiston, Qirgʻiziston, Qozogʻiston, Hindiston, shuningdek, tashkilot huzuridagi kuzatuvchi davlatlar – Belarus, Moʻgʻuliston va Eron yetakchilari ishtirok etdi.

Faxriy mehmon sifatida Turkiya, Ozarbayjon, Turkmaniston va Armaniston, shuningdek, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, boshqa nufuzli xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar rahbarlari taklif etilgan. SHHT sammiti yakunlari boʻyicha 40 dan ortiq hujjat qabul qilindi.

Sammit doirasida koʻplab ikki tomonlama uchrashuvlar boʻlib oʻtgan hozirgi global muammolar yechimiga yoʻl ochishiga ishonchimiz komil.

Prezidentimiz xorijiy delegatsiyalar rahbarlari Xitoy Xalq Respublikasi, Eron, Tojikiston, Qirgʻiziston, Ozarbayjon, Turkmaniston va boshqa qator davlatlar rahbarlari bilan dolzarb mintaqaviy va xalqaro kun tartibidagi masalalarni, zamonamizning global muammolarini muhokama qildilar.


Ushbu uchrashuvlarda turli davlat rahbarlari bilan global va mintaqaviy rivojlanishning asosiy masalalari muhokama qilindi. Muzokaralar natijasida mintaqadagi keskinlikni pasaytirishga xizmat qilgan muhim qarorlar qabul qilindi.

Davlatimiz rahbari aytganlaridek, samarali xalqaro hamkorlik – bu dunyoda barqaror, ishonchli va farovon taraqqiyotning eng muhim omilidir. Aynan shunday yondashuv zamonamizning dolzarb muammolarini bahamjihat hal etish, yangi xavf-xatar va ijtimoiy larzalardan himoyalani uchun eng aniq, maqbul va samarali yoʻl hisoblanadi. Ishonchimiz komilki, Sammit doirasida boʻlib oʻtgan koʻplab ikki tomonlama uchrashuvlar hozirgi global muammolar yechimiga sabab boʻladi.

Tahlil va natijalar. Shanxay hamkorlik tashkiloti (ShHT) faoliyatining ustuvor yoʻnalishlaridan biri bu savdo aloqalarini

rivojlantirishdir. ShHT mamlakatlari bilan tashqi savdo O‘zbekiston tashqi iqtisodiy faoliyatida muhim o‘rin tutadi. Xususan, Rossiya, Xitoy va Markaziy Osiyo mamlakatlari O‘zbekistonning asosiy savdo-iqtisodiy hamkorlari qatoriga kiradi.

So‘nggi 5 yil ichida O‘zbekistonning ShHT mamlakatlari bilan aylanmasi 1,7 barobar, eksport 1,2 barobar, import 2 barobar oshdi. Shu bilan birga, ShHT mamlakatlari bilan tovar aylanmasining mamlakatning umumiy tashqi savdo aylanmasidagi ulushi ham 47,2% dan 50,2% gacha o‘ydi.




1-rasm. SHHT ga a'zo davlatlar bilan O'zbekistonning savdo aylanmasi (yillar kesimida).³⁶

2021 yilda ShHT mamlakatlari bilan tovar aylanmasi 24 foizga o‘ydi va 21,2 milliard dollarni, eksport 29 foizga o‘tib, 7,2 milliard dollarni va import 21 foizga o‘tib, 13,9 milliard dollarni tashkil etdi.

2021 yilda O‘zbekiston umumiy tashqi savdo aylanmasining 50,2 foizi, eksportning 43,5 foizi va umumiy importning 54,5 foizi ShHT mamlakatlari hissasiga to‘g‘ri keladi.

³⁶ www.daryo.uz sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

SHHT mamlakatlarining eksportning umumiy hajmidagi ulushi 57,8 foizga, tovar aylanmasining umumiy hajmida esa 55,6 foizga oshadi.



2-rasm. Prezidentimizning mamlakatimiz SHHT raisligida belgilab bergan ustuvor vazifalari.³⁷


SHHT mamlakatlari bilan ichki savdo hajmi doirasida O'zbekiston aylanmasining eng katta ulushi Rossiya - 35,7% va Xitoy – 35,2%, Qozog'iston – 18,5% va Qirg'iziston - 4,5%ni tashkil etadi.

2021 yilda SHHT davlatlarining yalpi ichki mahsuloti 23,5 trillion AQSh dollarini tashkil qildi.

2021 yilda 2020 yilga nisbatan SHHT mamlakatlari yalpi ichki mahsuloti jahon yalpi ichki mahsuloti o'sishining 5,8 %ga nisbatan 7,8 %ga oshdi.

³⁷ www.rewiev.uz sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

2021 yilda SHHT davlatlarining jahon yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 24,5 %ni tashkil etdi. Taqqoslash uchun, 2016 yilda SHHTga a'zo mamlakatlarning jahon yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 20,7 %ni tashkil qilgan.



3-rasm. SHHTga a'zo mamlakatlar bilan O'zbekiston o'rtasidagi eksport aloqalarida eng katta ulushga ega davlatlar.³⁸

Eksport bo'yicha eng katta ulushlar allaqachon 5 mamlakatga to'g'ri keladi: Xitoy – 34,9%, Rossiya – 28,8%, Qozog'iston – 16,3%, Qirg'iziston – 10,9%, Tojikiston – 6,9%. Importning asosiy hajmi Rossiyadan – 39,3%, Xitoydan – 35,4% va Qozog'istondan – 19,7%.

2022 yil yanvar-iyul oylari yakunlariga ko'ra, o'tgan yilning shu davriga nisbatan O'zbekistonning ShHT mamlakatlari bilan aylanmasi 25,3 foizga o'sib, 14,0 milliard dollarni tashkil etdi, eksport 24,4 foizga o'sib, 4,6 milliard dollarni, import 27,3 foizga o'sib, 9,4 milliard dollarni tashkil etdi.

Bunday natijalarga asosan ShHT hududida tranzit salohiyatini rivojlantirish, ShHTga a'zo davlatlar hududlari bo'ylab transportni boshqarish bo'yicha kelishilgan tizimni ishlab chiqish orqali erishildi. Ushbu murakkab va kapitalni talab qiladigan ish kamida o'n yil davom etdi.

Umuman olganda, ShHT Markaziy va Janubiy Osiyo, Yevroosiyo, Sharq mamlakatlarini birlashtiradi, ShHT ishtirokchilari sonini iqtisodiyoti rivojlangan

³⁸ www.daryo.uz sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

bir qator Arab davlatlari bilan to'ldirish rejalashtirilgan, bu SHHTni dunyo aholisining deyarli yarmi uchun istiqbolli maydonga aylantiradi, bu yerda o'zaro manfaatli savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratiladi.

Xulosa. Xulosa sifatida shuni ta'kidlash lozimki, o'tgan davrda SHHT o'zini samarali mexanizm sifatida namoyon etib, siyosat va xavfsizlikdan iqtisodiy va ijtimoiy hamkorlikkacha bo'lgan keng qamrovli masalalarni o'z ichiga olgan mintaqaviy muammolarning butun bir majmuini hal etishga qodir xalqaro forum sifatida jahon siyosat sahnasidan mustahkam o'rin egalladi. Dunyo bo'ylab keng tarqalgan pandemiya esa SHHTga bo'lgan obyektiv hayotiy zaruratni yanada oshirmoqda. Bugun zamonaviy va jadal rivojlanayotgan infratuzilmalarga ega bo'lgan Samarqandning bunday noyob jihatlari uni mintaqaviy va global xatarlarni birgalikda muhokama qilish, bu borada zarur yechimlarni izlab topish uchun eng qulay va maqbul maydonga aylantirmoqda.

Insoniyatning bir butunligi va o'zaro bog'liqligi shu darajada yuqoriki, mavjud xatarlarning aksariyati nafaqat mintaqalar, balki umumjahon miqyosida hamkorlik qilishni taqozo etmoqda.

Ko'p yillik birgalikdagi ishlarimiz tajribasiga tayanib ishonch bilan aytamizki, SHHTning Samarqand sammiti **umumiy xavfsizlik va taraqqiyot yo'lidagi** o'zaro hurmat, ishonch, konstruktiv hamkorlik prinsiplariga asoslangan yangi, inklyuziv muloqotni yo'lga qo'yish borasida o'ziga xos namuna bo'la oladi.

Samarqand tashqi siyosat bobida ustuvor yo'nalishlari turlicha bo'lgan davlatlarni birlashtirish va murosaga keltirishga qodir aynan shunday platformaga aylana oladi.

Tarixan shakllangan tushunchaga ko'ra, Samarqanddan turib qaralganda, dunyo tarqoq emas, balki yaxlit va bo'linmas bo'lib ko'rinadi. "Samarqand ruhi" degan noyob fenomenning mazmuni ham asli shunda mujassam bo'lib, u xalqaro hamkorlikning, jumladan, SHHT doirasidagi

sheriklikning prinsipial jihatdan yangi formatini shakllantirish borasida mustahkam poydevor bo'lishi mumkin.

Aslini olganda, "Samarqand ruhi" bundan 20 yil avval mamlakatlarimizning davr talablariga mos, yangi tashkilotni yaratishiga turtki bergan "Shanxay ruhi"ni uyg'un ravishda to'ldirib turadi.

Shu sababdan aminmizki, Samarqandda SHHT hayotining yangi bosqichi boshlanishiga guvoh bo'lamiz – Tashkilotning tarkibi kengayib, uning kelajak kun tartibi shakllanadi va bunda chuqur ramziy ma'no mujassam.

Ishonchimiz komilki, Shanxay hamkorlik tashkilotining bo'lajak sammitida qabul qilinadigan qarorlar mintaqaviy darajada ham, global miqyosda ham muloqot, o'zaro anglashuv va hamkorlikni mustahkamlashga salmoqli hissa qo'shadi.

Foydalanilgan manbalar.

1. www.iiv.uz
2. www.oz.sputniknews-uz.com
3. www.daryo.uz
4. www.rewiev.uz

USTOZ OTANGDEK ULUG‘,USTOZ QADAMI QUTLUG‘

Qashqadaryo viloyati kasbi tumani 52 maktab

boshlangich ta'lim o'qituvchisi

Hisenova Susana Fozilovna

*Deydilar, ustoz jabri — ota mehridan afzal,
Shogirdlarning iqboli — ustoz jabriga badal,
Navoiy demish, kasbni egallagil mukammal,
Saodatning kaliti, bilgilki, ilmu amal,
Ustoz qadami qutlug‘, ustoz — otangday ulug‘.*

Ilm bebaho boylik, uni egallash oson ish emas. Ulamolar ilm olishni igna bilan quduq qazishga o‘xshatishgan. Inson shunday bebaho xazinaning sohibi bo‘lishida ustozning o‘rni beqiyos.

Payg‘ambarimiz sollallohu alayhi vasallam bir hadisi sharifda o‘zidagi bilim va hunarni boshqalarga o‘rgatuvchi insonlar haqida: «**Albatta, Alloh taolo uning farishtalari, samovot ahli, hattoki, kavakdagi chumoli, dengizdagi baliqqacha barchalari insonlarga yaxshilik o‘rgatuvchi kishi haqiga salovat-duo aytib turadilar**», deb marhamat qilganlar.

Xalqimizda “Ustoz otangdek ulug‘” — degan hikmat bejiz aytilmaydi. O‘tgan ulug‘larimiz, ota-bobolarimiz ustoz va muallimlarning haqqini yaxshi bilganlar, ularning qadri nechog‘li baland ekanini teran anglaganlar va shunga ko‘ra muomala qilganlar. Imomi a‘zam Abu Hanifa rahmatullohi alayh shunday deganlari rivoyat qilinadi: «Ustozim Hammodning hurmati uchun uning uyi tomonga oyog‘imni uzatmaganman. Holbuki, uning uyi bilan mening uyim orasida yettita ko‘cha bor edi. Hammod vafot etgandan so‘ng qachon namoz o‘qisam har safar albatta ota-onamga qo‘shib, unga ham Allohdan mag‘firat

so‘raganman. Nafaqat u ustozim, balki kimdan nimadir o‘rgangan bo‘lsam yoki kimdir menga nimadir o‘rgatgan bo‘lsa, albatta, o‘sha kishilar uchun ham doim Allohdan mag‘firat so‘rayman».

Ustozlar haqida gap borganda hazrat Alisher Navoiyning bu baytlaridan oshirib bir so‘z aytmoq mushkuldir:

Haq yo ‘lida kim senga bir harf o ‘qutmish ranj ila,

Aylamak bo ‘lmas ado oning haqin yuz ganj ila.

Shunday ekan o‘quvchi yoshlar, talabalar va barchamiz ustozlarni qadrlab, doimo ularga hurmat-ehtirom ko‘rsatishimiz lozim. Talabalik odoblariga rioya qilgan shogird haqiqiy ma’noda ustozlarini hurmat qilgan bo‘ladi va olayotgan ilmu hunari samarali bo‘lib, vujudiga singadi va kelajakda manfaatli bo‘ladi.

Mamlakatimizda ustoz va murabbiylarga ehtirom ko‘rsatish, ularni e‘zozlash, ijtimoiy imtiyozlar yaratish borasida ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Jamiyatning ma’naviy-ma’rifiy darajasi ustoz va murabbiylarga bo‘lgan munosabatga qarab baholanadi. Jamiyatning ko‘p qismini tashkil qiluvchi yoshlarimizga ta’lim-tarbiya berib kelayotgan ustoz va murabbiylarimizni har vaqt hurmatlashimiz va e‘zozlashimiz lozim.

Zero, kelajak avlodni barkamol va yetuk ma’rifatli bo‘lib yetishishida ularning xizmatlari kattadir. O‘zbekiston bugungi dunyo hamjamiyatida o‘zining munosib o‘rnini egallab, ta’lim, madaniyat, sport va boshqa sohalarda o‘zini ko‘rsatib, xalqaro maydonda o‘z mavqe’iga ega bo‘lishida ustoz va murabbiylarning o‘rni beqiyosdir. Shu munosabat bilan yurtimizda har yili 1 oktyabr kunini “Ustoz va murabbiylar kuni” sifatida nishonlanadi. Bu kunda ustozlarga yanada ko‘proq hurmat-izzat ko‘rsatiladi va ularga xursandchilik baxsh etishga harakat qilinadi.

Demak, jamiyatda muhim o‘rin tutgan, mashaqqatli kasb egalarining mas’uliyatlari qanchalik katta bo‘lsa, ularning hurmatlarini saqlash ham xalqqa

shunchalik burch bo'ladi. Dinimiz ta'limotiga ko'ra ilmlariga amal qiluvchi ulamolar va odamlarga foydali ilmlarni ta'lim beruvchi muallimlarning Alloh taolo huzurida sha'nlari ulug', qadrlari yuksakdir. Insoniyat uchun foydali bo'lgan har qanday ilm Islomda ardoqlanadi. Zamonaviy bilimlardan dars beruvchi ustozlar ham yaxshi niyatlari sabab ajru savobga erishadilar.

Ulamo va ustoz murabbiylarni qadrlash va ehtirom qilish shar'an vojib amallardandir. Zero ular o'tgan ulug' zotlar va olimlarning merosxo'rlaridir. O'tgan olimlar molu dunyoni emas, balki ilmni meros qoldirgandirlar. Ilmning fazilati haqida Imom Buxoriydan quyidagi hadis rivoyat qilinadi: "Rasululloh sallallohu alayhi vasallam aytganlar: ***"Tushimda menga bir idishda sut keltirildi, qongunimcha ichdim, hatto tirnoqlarimdan sut chiqqanini ko'rdim"***. Sahobai kiromlar so'radilar: "Yo Rasululloh, sutni nimaga yo'ydingiz?". ***"Ilmga"***, - dedilar Rasululloh alayhissalom".

Mashhur muhaddis olim Abul Qosim ibn Asokir ilm ahllariga odobsizlik qilgan kishiga nasihat qilib, shunday degan: *"Bilginki, ulamolarning go'shtlari zaharlidir. Kim biror olimni haqorat qilsa Alloh taolo uning o'limidan avval qalbini o'limi bilan baloga giriftor qiladi"*.

Ya'ni, ilm ahllariga nisbatan odobsizlik qilib, ular yo'qliklarida ortilaridan gapirgan kishi go'yo zaharli go'sht yegandek bo'ladi. Uning bu qilgan ishi sababli Alloh taolo uning o'zidan avval qalbini ko'r qilib qo'yadi.

Alloma ibn Najjorning "Tarix"ida Qozi imom Abu Toyyibdan qilingan sahih rivoyatda shunday voqe'ni keltiriladi "Biz Bag'doddagi jome' masjidida o'tirgan edik. Bir xurosonlik yosh yigit kelib, olimlardan bir masala haqida so'rab dalilini talab qildi. Shunda unga so'ragan masalasini javobini aytib Abu Huraya raziyallohu anhudan rivoyat qilingan hadis ushbu masalaning dalili ekani aytili. Yigit: "Abu Hurayra hadisi hujjat bo'ladigan odam emas" dedi. U gapini tugatib bo'lmasdan "jome'" shiftidan katta bir qora ilon tushdi. Bu holatni ko'rgan odamlar qo'rqib ketib, har tomonga qocha boshlashdi. Ilon ayni o'sha yigitni ta'qib qilardi. Shunda yigitga qarata "hozir aytgan gapingdan tavba qil"

deyildi. U shoshganicha “tavba qildim” degan edi ilon hech qanday iz qoldirmay ortiga qaytib ketdi”. Ushbu hikoyani keltirgan mashhur muhaddis olim Ibn Saloh “ushbu rivoyat ishonchli sanad bilan sobit bo‘lgan bo‘lib, rivoyat qilganlarni barchasi ishonchli kishilardir” degan.

Yuqoridagi keltirilgan va undan boshqa ko‘plab shar‘iy dalillardan xulosa qiladigan bo‘lsak insonlarni, ayniqsa, ustozlar va ilm ahllarini haqorat qilish, ortlaridan g‘iybat qilish, odamlar o‘rtasida obro‘sizlantirishga urunish shar‘an harom amaldir. Aksincha ularni qadrlash, hurmat qilish, nasihatlariga quloq tutish esa marg‘ub va matlubdir. Har bir inson qo‘lidan kelganicha ularga nisbatan samimiy bo‘lishga, o‘zaro mehr-muhabbat asosida muomalada bo‘lishga harakat qilishi lozim. Zero hazrati Ali raziyallohu anhu aytganlaridek “Ulamolarni yaxshi ko‘rish ham diyonatdandir”.



Kashqadaryo viloyati Kasbi tumani boshlangich ta'lim yo'nalishidagi trener o'qtuvchilari jamoasi

**ОБ ОПРЕДЕЛЕНИИ ЖЕСТКОСТИ НА ИЗГИБ ПАКЕТНОЙ
КОНСТРУКЦИИ ПИЛЬЧАТОГО БАРАБАНА РАСЧЕТНО-
АНАЛИТИЧЕСКИМ СПОСОБОМ**

Mexmonaliyev Lazizbek

research assistant, Andijan Engineering Institute,

Uzbekistan, Andijan city

Сайидмурадov Мирзохид, PhD., доцент

НамИТИ, Узбекистан, Г.Наманган

Аннотация: В статье исследован вопрос об определении изгибной жёсткости пильчатого барабана хлопка очистительного агрегата УХК, образованного путем набора на вал пакета из дисков, имеющих одинаковые толшины при разных диаметрах и сжатого продольным усилием сжатия. Поставленная задача решена на основе общих правил теоретической механики и силового анализа

Ключевые слова: пильчатый барабан; очистительный агрегат; жесткость на изгиб; функция; продольные усилия; сжатие; дисковой элемент; радиус; конструктивный фактор; эксплуатационный фактор; геометрический параметр; физический параметр.

Введение. В различных отраслях экономики в качестве несущих элементов и в качестве рабочих органов применяются разнообразные составные конструкции, которые по способу функционирования можно делить на два вида: составные конструкции без использования силовых факторов в конструктивных целях и составные конструкции с использованием силовых факторов в конструктивных целях.

Силовые факторы в составных конструкциях могут использоваться в целях повышения несущей способности и жесткости путем упругого упрочнения, образования жесткой пространственной конструкции с помощью посадок с натягом и образования пакета из многочисленных элементов, способного работать на растяжение, сжатие, изгиб и кручение.

В указанных целях применяют продольные, поперечные в т.ч. радиальные и моментные силовые факторы.

Одновременное удовлетворение современных требований к составным конструкциям, в своем большинстве противоречивых, является весьма сложной задачей, успешное решение которой требует использования нетрадиционных подходов к ее решению.

Одним из таких подходов является оптимальное проектирование. Особенностью оптимального проектирования является нахождение оптимального или экстремального значения некоторого параметра, например, массы или стоимости при нескольких заданных исходных параметрах или факторах ограничения.

Увеличение количества подлежащих к учету факторов при одновременном повышении требований к точности проектирования, характерные оптимальному проектированию, привели к потребности резкого повышения требуемой точности определения указанных факторов, имеющих различную физическую природу.

В машиностроении, текстильных аппаратах используются составные конструкции в виде пакета плоских элементов, сжатых продольным усилием, сообщаемым специальным натяжным тросом. Плоские элементы могут иметь одинаковые или изменяемые по определенной закономерности форморазмерные характеристики, а также быть изготовлены из одинакового или различного материала.

Основной целью применения подобных конструкций является увеличение жесткостных параметров несущих элементов и рабочих

органов машин в виде гибких пакетных конструкций. В технологических машинах современной текстильной промышленности часто применяются составные рабочие органы в виде пакета плоских дисковых элементов, набранного на вал, и сжатого продольным усилием, сообщаемым валом.

Теоретическая часть. Одним из важнейших рабочих органов очистительного агрегата является пильчатый барабан(рис.1), который набран на валу из дисков двух разных диаметров [1]. Набор дисков образует чередующиеся выступы и пазы, ширины которых равны между собой. Набор дисков зажимными гайками сжимается продольным усилием и образует пакет, способный работать не только на сжатие, но и на изгиб и на кручение.

Важными механическими параметрами пильчатых барабанов являются продольные, изгибные и крутильные жесткости. Очевидно, эти параметры пильчатого барабана будут равны сумме жесткостей вала и пакета в виде набора дисков. Так как жесткостные параметры вала определяются известным образом [2], нам достаточно определить параметры пакета дисковых элементов.

Вопросы механики подобных пакетных конструкций разработаны весьма слабо, что связано с отсутствием к настоящему времени научно обоснованного и надежного метода теоретического определения их жесткостных параметров и особенностей протекания динамических процессов в них.

Исследуем вопрос об определении жёсткости пакета плоских дисковых элементов при отсутствии работающих на изгиб и кручение продольных элементов - гибкого пакетного стержня, который для краткости будем называть также просто пакетом.

Гибкий пакетный стержень представляет собой пакет длиной L , собранный из дисков произвольной формы, выполненных возможно из разных материалов и имеющих малые толщины по сравнению с длиной и

поперечными размерами. Собранному с помощью гибкой нити и зажимных гаек пакету она сообщает осевое сжимающее усилие величиной N , достаточное для работы гибкого пакетного стержня как монолитное тело.

Такие конструкции находят применение в ряде отраслей машиностроения и строительства. В частности, гибкий пакетный стержень является составной частью пакетных рабочих органов в виде пильных цилиндров хлопкоочистительных машин, где гибкая нить заменена работающим на изгиб валом. Жесткость на изгиб пильных цилиндров очевидно, равна сумме жесткостей на изгиб вала и гибкого пакетного стержня.

Для определения жесткости на изгиб гибкого пакетного стержня в первом приближении принимаем, что он собран из одинаковых абсолютно жестких круглых дисков радиусом R малой толщины с центральным отверстием, через которое продета гибкая нить.

Уравновешивание внешних изгибающих моментов, действующих на пакет, происходит за счёт появления реактивных изгибающих моментов, обусловленных сжимающим усилием, создаваемым растянутой гибкой нитью.

Рассмотрим условия равновесия одного из дисков гибкого пакетного стержня, на который действует суммарный момент внешних сил с учётом того, что точки приложения составляющих усилий растяжения нити и сжатия пакета, действующих на диск, находятся на изогнутой оси гибкого пакетного стержня [3].

Условия равновесия с учетом сказанного и принятых основных допущений одного из плоских элементов приведены на рис. 1.




Рис. 2.

Плоский элемент малой толщины dz испытывает давление со стороны других элементов, расположенных по обе его стороны.

В рассматриваемых условиях величины давления и их распределение на площадях контакта на обеих сторонах равны и противоположны по знаку. Поэтому они полностью уравниваются друг - друга и на рисунке не показаны. В гибкой нити действуют усилия растяжения $N(\theta)$, где θ – угол наклона вектора N к оси OZ .

Для простоты считаем, что слева величина усилия равна горизонтальной составляющей усилия растяжения нити, равной номинальному усилию растяжения нити при отсутствии изгиба $N_{л} = -N$ и направлен по оси OZ , а справа – $N_n = \frac{H}{\cos \theta}$, где $\theta = \frac{\partial v}{\partial z}$ – угол поворота поперечного сечения гибкой нити при искривлении ее геометрической оси вследствие изгибной деформации гибкого пакетного стержня.

Так как длина dz мала, то можем считать, что все они приложены в точке пересечения геометрической оси нити и плоскости симметрии плоского элемента O .

Тогда условия равновесия линейных силовых факторов в проекциях на оси OZ имеют вид:

$$\sum Z = 0 \text{ или } H = N \cos \frac{\partial v}{\partial z} \quad (1)$$

Выполнение силового анализа приводит к выражению для реактивного момента внутренних сил гибкого пакетного стержня при его работе на изгиб следующего вида:

$$M_p = NR \left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)^2 \quad (2)$$

Несложными преобразованиями полученного выражения на основе дифференциальной зависимости между углом поворота поперечных сечений $\frac{\partial v}{\partial z}$ и продольными деформациями $\frac{\partial w}{\partial z}$ с учетом малости угла θ получаем:

$$C = 2NR^2$$

Таким образом, изгибная жесткость гибкого пакетного стержня расчетно-аналитическим способом в первом приближении может быть определена как удвоенное произведение усилия номинального усилия растяжения гибкой нити или усилия сжатия плоских элементов на квадрат расстояния от крайней точки на поверхности контакта плоских элементов на вогнутой стороне изгибающегося гибкого пакетного стержня до геометрической оси гибкой нити.

Экспериментальная часть. Экспериментально определенные значения изгибной жесткости гибкого пакетного стержня на 1-2 порядка превышают определенные по (3), что объясняется большими влияниями конструктивных и эксплуатационных факторов.

По методике, аналогической приведенной выше с учетом дифференциальной зависимости малых вертикальных перемещений плоских элементов и их продольных перемещений при незакрепленных против сближения торцов пакета теоретически были определены аналитические виды функций влияния самых значимых конструктивных факторов – толщины плоских элементов l и коэффициента трения между ними k :

$$\lambda_l = \frac{l}{2R \left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)} \quad (3)$$

$$\lambda_k = \frac{kl}{R \left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)^2} \quad (4)$$

Если их объединить в одну суммарную функцию влияния конструктивных факторов

$$\lambda_c = \lambda_l + \lambda_k$$

выражение (3) примет следующий вид:

$$C = 2(1 + \lambda_c)NR^2 \quad (5)$$

Исследования показывают, что на величину изгибной жесткости определенное влияние оказывают эксплуатационные факторы, главным из которых являются упругие деформации дисков стягивающей нити, возникающие при работе пакета на изгиб.

Влияние упругих деформаций обуславливается возникновением дополнительных усилий на элементах пакета. Это влияние зависит от степени относительного изменения величины продольных усилий в результате упругих деформаций и носит криволинейный характер, и сильнее проявляется при малых значениях продольного усилия.

Величина дополнительного усилия сжатия пакета, очевидно, может быть определена посредством относительной дополнительной продольной деформации, вызванной изгибом пакета следующим образом:

$$N_g = \varepsilon E_b F_b \quad (6)$$

Здесь: N_g – величина дополнительного продольного усилия;
 ε – величина относительной дополнительной деформации элементов гибкого пакетного стержня;
 E_b – площадь поперечного сечения вала;
 F_b – модуль упругости материала вала.

Проведенный силовой анализ привел к определению функции влияния упругих деформаций элементов пакета на изгибную жесткость гибкого пакетного стержня в следующем виде:

$$\lambda_g = \frac{1}{2} \left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)^2 \quad (7)$$

Последняя зависимость приводит к выражению в следующем виде:

$$C_n = 2 \left[(1 + \lambda_c) (N + \lambda_g E_b F_b) \right] R^2 \quad (8)$$

Как следует из (3), (4) суммарная функция влияния толщины дисков и силы трения между ними, и изгибная жесткость гибкого пакетного стержня являются нелинейными функциями величины деформаций с «мягкой» характеристикой. При этом теоретическое определение величины и оценка функций влияния затруднительно из-за наличия делителей

$$\left(\frac{\partial v}{\partial z} \right) \text{ и } \left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)^2.$$

Далее из (7) следует, что функция влияния упругих деформаций на изгибную жесткость также является нелинейной функцией величины поперечных деформаций, но с «жесткой» характеристикой. При этом теоретическое определение величины и оценка функций влияния упругих деформаций затруднительно также из-за наличия множителя

$$\left(\frac{\partial v}{\partial z} \right)^2.$$

Поэтому для их изучения был использован экспериментальный метод. Эксперименты проводились на стендах, на которых были установлены наиболее характерные составные рабочие органы с пакетами - пыльные цилиндры различных типов хлопкоочистительных машин.

При фиксированных значениях продольного усилия определялись фактическое значение изгибной жесткости по величинам прогиба и соответствующего ему изгибающего момента. Учитывая, что при достаточно близких значениях N_i и N_{i+1} искомые функции можно заменить прямолинейной зависимостью, получали $(n-1)$ систем из двух уравнений, по которым определялись значения функций λ_c и λ_g .

Результаты эксперимента показали, что характеры изменения функций и для всех типов пакетных рабочих органов аналогичны и различие состоит в величинах постоянных коэффициентов, которыми они могут быть заменены на практически важном диапазоне изменения поперечных деформаций порядка $(10^{-3} \dots 10^{-2})L$, где L – длина пакета.

Заключение. Эксперименты подтвердили «мягкий» характер функции λ_c и «жесткий» характер функции λ_g при умеренно выраженном «мягком» общем характере функции жесткости.

В результате проведенного исследования впервые разработан научно-обоснованный расчетно-аналитический метод определения изгибной жесткости пакета дисков пыльчатого барабана очистительного агрегата, образованного путем набора на вал пакета из дисков, имеющих одинаковые толщины при разных диаметрах и сжатого продольным усилием сжатия в функции продольного усилия сжатия пакета N и радиуса дисковых элементов R .

В этом методе количество функций влияния, определяемых экспериментально, равно двум – суммарной функции влияния конструктивных факторов λ_c и функций влияния эксплуатационных факторов λ_g .

Таким образом, появляется возможность определения изгибной жесткости гибкого пакетного стержня расчетно-аналитическим способом исходя из геометрических и физических параметров, как и в случае стержня монолитной конструкции.

Список литературы:

1. Макаров А.И. и др. Расчет и конструирование машин прядильного производства. М.: Машиностроение, 1981, 464 с.
2. Работнов Ю.Н. Сопротивление материалов. – Москва: Государственное издательство физико-математической литературы, 1962, 456с.
3. Абдувахидов М. Динамика пакетных роторов текстильных машин. Ташкент: ФАН, 2011, 165с.
4. Абдувахидов М., Сайидмуратов М.М. Исследование теоретических основ определения изгибной жесткости пакетных конструкции. “Проблемы механики” НТЖ. –Ташкент, 2017. -№ 4.
–С. 51-56.
5. Абдувахидов М., Сайидмуратов М.М. Феноменологическое определение параметров жесткости пакетных конструкций. НамМТИ илмий-техника журнали. –Наманган, 2019. -№ 2. –С. 128-133.
6. Абдувахидов М., Сайидмуратов М.М. Аналитическое определение продольной жесткости пакетных конструкций. Экономика и социум. Институт управления и социально экономического развития (Россия). Электронное научно-практическое периодическое издание. № 6 (73)-2020. ISSN 2225-1545.

**ЎЗБЕК ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИИ
КУНДАГИ ТУТГАН ЎРНИ**

Қаюмов Шохжахон Фахриддин ўғли
Ўзбекистон давлат консерваторияси
хузуридаги Ботир Зокиров номидаги
Миллий Эстрада санъати институти
Эстрада хонандалиги бўлими
2-босқич магистранти

Аннотация: В предлагаемая статья рассматривается уровень изучения музыковедом на тему “узбекской эстрадной музыке и узбекские песни”.

Аннотация: Тавсия этилган мақолада “Ўзбек эстрада мусиқаси ва ўзбек эстрада қўшиқчилиги” мавзуси мусиқашунос олимлар томонидан ўрганиш даражаси ҳақида сўз боради.

Annotation: The proposed article examines the level of study by musicologists on the topic “Uzbek pop music and Uzbek song”

Ключевые слова национальное эстрадное искусство, новая технология исполнения.

Калит сўзлари миллий эстрада санъати ,ижро этиш янги технологияси.

Keywords new technology of performance of national pop art.

Ўзбек мусиқий эстрадаси соҳаси ҳозирги кунга қадар турли авлод мусиқашунослари томонидан тадқиқ қилинганлигини кўрамиз. Масалан, санъатшунослик фанлар номзоди С. Воҳидовнинг “Ўзбек совет қўшиғи” тадқиқотида ўзбек эстрада мусиқасининг XX асрда юзага келиши асосан композиторлик ижоди кесимида ўрганилади ва бунда муаллиф асосий

этиборни “оммавий кўшиқ” хусусиятини касб этган жанр, унинг оҳанг асоси ҳамда ундамиллий мусиқа унсурларини тутган ўрни кабилар ҳақида жиддий мушоҳадалар юритади.³⁹

Л. Юсуповнинг номзодлик диссертациясида эса мусиқий эстрада масалалари турли ижодий жамоалар ва, энг аввало, жаз гуруҳлари, Ўзбек эстрада симфоник оркестри (ЭСО) ҳамда вокал - чолғу ансамбллари мисолида тадқиқ қилинади.

Санъатшунослик фанлари номзоди О.Бековнинг “Замонавий ўзбек эстрада кўшиғи Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида” номли тадқиқотида “ эстрада” атамаси жуда кенг талқин қилиниб, унинг маъносида умуман сахнавий санъат, яъни катта ва кичик (ҳатто ашула, мақом ва б.) жанрларнинг асосан сахна билан боғлиқ намоён бўлиши тушунилади. Шу билан бирга муаллиф миллий эстрада кўшиқларининг келиб чиқиш илдизлари тўғрисида ҳам қизиқарли фикр-мулоҳазаларни баён этган. О.Беков 1980-йиллари ўзбек мусиқий эстрадасида тамойил кучини ола бошлаган кўр-кўрона тақлидчилик ва “кўчирмачилик” ҳолатларини асосли равишда танқид остига олганлиги ҳам этиборлидир.⁴⁰

Санъатшунослик фанлар доктори, профессор Т.Б. Гофурбековнинг “Эстрадиция” узбекского фольклора” мақоласида эстрада соҳасининг мусиқий фольклорга таъсири ҳақида жиддий фикрлар ўртага ташланиб, бу борада эришилган ютуқ ва муаммоли ҳолатлар тилга олинади. Масалан, шу асосда ўзбек эстрада кўшиқчилигида янги фактурали гармоник ҳамда ладо – ритмик сифатлар юзага келгани маълум натижа, албатта. Муаллиф Лариса Москалёва, Севара Назархон ҳамда “Нола” гуруҳи мисолида ўзбек эстрада мусиқасига ижобий уйғунлашаётган хориж (жаз ва б.) мусиқаси анъаналарини теран таҳлил қилади. Аммо шу билан бирга, эстрада

³⁹ Вахидов С. Узбекская советская песня. – Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма, 1976. (с12 – 17)

⁴⁰ Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана., Т.; СИТИ. М (м) Б – 42 № 931. 1994.

кўшиқчилигида “кўчирмачилик” (плагиатлик) салбий ҳолатлари тобора ортиб бораётганлиги ташвишлидир. кучли тамойил сифатида ҳозирлаб келаётган кескин танқид қилинган.

Санъатшунослик фанлар доктори, профессор Н.С.Янов-Яновскаянинг “Ўзбек мусиқа маданиятининг ҳозирги давр ривожланиш босқичи ҳақида” (“О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры”) номли мақоласида композитор ва мусиқий эстрада муносабатлари хусусида эътиборли фикр-мулоҳазалар юритилади. Муаллиф мусиқий эстраданинг бугунги кунда жадал ривожланиб бораётганлигини эътироф қиларкан, шу муносабат билан қуйидаги ўта жиддий муаммони ўртага ташлайди: “Эндиликда композиторлик санъати оммавий мусиқа босимига бардош бериши лозим. Санъатни “ рухнинг жиддий меҳнати”дан кўра кўнгилхушлик домига тортаётган поп – маданиятнинг ҳужуми айниқса мусиқанинг маънавий кучига таянган Шарқ ҳудудлари учун долзарб муаммо бўлиб қолди”⁴¹.

Н.Амонованинг мусиқий эстрадага доир илмий мақолалари ҳамда Д.Омонуллаева билан ҳамкорликда ёзган “Жаз ва эстрада мусиқаси тарихи”⁴² ўқув қўлланмасида шу жабҳада юзага келган турли услуб ва йўналишлар ҳақида зарур маълумотлар берилади.

Ўрганилаётган мавзу кесимида санъатшунослик фанлари номзоди Д. Муллажоновнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки муаллиф “1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси” мавзуида номзодлик диссертациясини бажарган ҳамда шу асосда бир қатор илмий мақолаларини матбуотда эълон қилган эди.

Лола Абидова “ Жаз тарихи ва замонавий эстрада мусиқий услублари” китоби академик лицей ва мутахассис коллежлар учун

⁴¹ Янов – Яновская . О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры. // Ж. Общественные науки в Узбекистане. 1992. № 5 – 6.

⁴²Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. Т.: Санъат, 2010; Аманова Н. Основные этапы развития узбекской эстрадной музыки.....

қўлланма бўлиб, унда эстрада мусиқаси 3 қатламга бўлиниб ўрганилади: жаз, рок – мусиқаси ва поп мусиқаси. Китобда замонавий эстрада мусиқаси 3 даврга ажратилади.

Ўзбекистон давлат консерваторияси “ Мусиқа тарихи ва танқиди” кафедраси доценти, с.ф.н. Гулшаной Турсунова ўзининг “Ўзбекистонда эстрада санъатини шаклланиш ва ривожланиш босқичлари” номли тадқиқотларида Х.Х. Ниёзий давридан бошлаб ҳозирга қадар Ўзбекистонда эстрада санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ўз ҳиссаларини қўшган ижодкор ва ижрочиларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида батавсил тавсилотлар берадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.1. Азимова О. Вопросы синтаксиса восточной монодии. – Т.:Фан, 1989.
- 1.2. Азимова О. Вопросы синтаксиса восточной монодии: К истории его становления и развития. Т.:Фан. 1998. – 103 с.
- 1.3. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. Т.: Санъат, 2010.
- 1.4. Аманова Н. Основные этапы развития узбекской эстрадной музыки. В сб: Ўзбекистон санъати макон ва замон талқинида Тошкент, 2011
- 1.5. Беков О., Муллажонов Д. Миллий эстрада санъати. // Ўзбекистон санъати (1991 – 2001йиллар). – Т.; “Шарқ” нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси, 2001.
- 1.6. Вахидов С. Эстрадная песня // Узбекская музыка на современном этапе. Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма. 1977. – 123 – 139с.
- 1.7. Вахидов С. Узбекская советская песня. – Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма, 1976.

TILNING JAMIYAT TARAQQIYOTIDAGI O'RNI

Nazarova Shahlo Nodirjon qizi,

Chirchiq davlat pedagogika universiteti

O'zbek tili va adabiyoti yo'nalishi talabasi

Annotatsiya: Mazkur maqolada o'zbek tilining shakllanishi, o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, "Davlat tilini rivojlantirish departamenti"ning tashkil etilishi, shuningdek, til va jamiyat, adabiy tildagi yo'l qo'yilayotgan xatolarga e'tibor qaratiladi.

Kalit so'zlar: Differenziatsiya, integratsiya, dialektlar, nutq birliklari, lisoniy birliklar, tendensiya, davlat departamenti.

Insoniyat paydo bo'libdiki, til uning muloqotiga xizmat qiladi. Insonning jamiyatdagi o'rnini ham belgilaydi. Inson qalbiga jamiki ezgu sifatlar, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Til – insoniyat uchun eng katta boylik va buyuk mo'jiza.

O'zbek tilining paydo bo'lishi va rivojlanish tarixi shu tilda so'zlashuvchilarning tarixi bilan bog'liqdir. O'zbek xalqi kabi bir millatning paydo bo'lishi turk va eron tillarini birlashtiruvchi bir qator etnik guruhlarining birlashishi bilan bog'liq edi. Buning orasida katta farq bo'lgan o'zbek lahjasidagi dialektlarning ko'pligidan bilish mumkin. O'zbek tilining paydo bo'lishi XI-XIX asrlarga to'g'ri keladi. Shu vaqt ichida o'zbek tili ko'plab qo'shni tillar ta'sirida rivojlanadi. Tilning shakllanishiga, rivojlanishiga shoir Alisher Navoiy ulkan hissa qo'shdi. Tilning paydo bo'lishi va rivojlanishi insoniyat jamiyati bilan bog'liq. Til insoniyat tarixi qadar qadimiydir. Til jamiyat taraqqiyoti bilan birga rivojlanadi, tilning grammatik qurilishi takomillasha boradi. Kishilik tarixidan shu narsa ma'lumki, avval urug'dosh tili, keyin qabila tili, elat, xalq va millat tili shakllangan.

Dialektlar urug'chilik davridan boshlab jamiyat taraqqiyotining keyingi bosqichiga qadar son jihatdan ko'payib boradi. Bu qabilalarning yashash tarzi bilan bog'liq. Avval har bir qabila ittifoqiga kirgan tillar markazdan uzoqlashgan sari ulardagi dialektal farqlar orta boradi va bu dialektal farqlar oxir oqibatda yangi til paydo bo'lishi uchun asos bo'ladi. Dialektlar sonining ko'payishi va ular orasida yangi-yangi tillarning vujudga kelishi til taraqqiyotining differentsiatsiya jarayonini tashkil qiladi.

Differentsiatsiya tillarning dialektlarga parchalanishidir. Har bir millat o'z adabiy tilining mustahkamlanishi uchun harakat qiladi. Jamiyat taraqqiyotining keyingi bosqichlarida dialektlar kamayib, adabiy tilga yaqinlasha borishi kuzatiladi. Buni adabiy til ta'sirining kengayishi bilan izohlash mumkin. Til taraqqiyotidagi bu jarayon integratsiya deb yuritiladi.

Integratsiya bir tilga mansub shevalarning adabiy til me'yorlariga yaqinlashuvidir. Bunday jarayonlar tasodifan ro'y bermaydi, balki jamiyat taraqqiyotiga, ijtimoiy hayotning taraqqiyot jarayonlariga bog'liq tarzda sodir bo'ladi. Til – kishilarning muhim aloqa vositasi. Til odamlarning bir-biri bilan munosabatda bo'lishi uchun yordam beradigan eng muhim vositadir. Odamlar til vositasida o'z fikrlarini his tuyg'ularini ifodalaydilar. Insoniyat jamiyatining shakllanishida tilning roli beqiyosdir. Tilsiz jamiyat, jamiyatsiz til bo'lishi mumkin emas, shuning uchun til ijtimoiy hodisa hisoblanadi, ya'ni til yakka odamga emas, balki butun jamiyatga daxldor bo'ladi. Shu sababli jamiyat a'zolari tilni shakllantirib, rivojlantirib boradi. Til insonning birlamchi ehtiyoji, anglash, bilish, so'zlash, aloqa vositasi, mansub-xoslik omili bo'lgani bois, hamisha jamiyat ravnaqining asosiy mezonlaridan biri bo'lib kelgan. Jumladan, o'zbek tili o'zbek millatining uzoq tarixiy ildizlariga, o'z siyosiy-huquqiy asoslariga ega muqaddas qadriyati, ulkan ma'naviy yutug'idir.

Adabiy til paydo bo'lgunga qadar nutq madaniyati borasida amal qilgan talab va tasavvurlar adabiy til paydo bo'lgandan keyingi davr, ya'ni adabiy til bilan bog'liq bo'lgan nutq madaniyati tasavvurlaridan farqlanadi. Chunki nutq

madaniyati chinakam ma'noda adabiy til va uning normalari bilan bog'liqdir. Avvalo, adabiy til tushunchasining mohiyatiga qisqacha to'xtalsak.

Adabiy til – xalq tilining, milliy tilning oliy shakli deyilgan. Adabiy tilning oliy shaklligi bu tilning o'ziga xosligida va vazifasida ko'rinadi. Adabiy til xalq tili negizida yuzaga keladi. Adabiy tilning paydo bo'lishi va uni yaratishdan maqsad umumxalq aloqa vositasini yaratishdir. Adabiy tildan rasmiy davlat tili sifatida foydalanish bu tilning ijtimoiy-siyosiy sohalar tili, rasmiy va yozishmalar tili, idoraviy ishlar va hujjatlar tili, diplomatik aloqalar tili, radio va televedeniye tili, og'zaki targ'ibot va tashviqot tili, ilmiy til, badiiy adabiyot va sahna tili kabi ko'p yo'nalishlarda rivoj topish uchun yo'l ochadi. Bu hol adabiy tilda ko'p vazifali xususiyatni yuzaga keltiradi. Adabiy til vazifasining kengayishi, unda murakkab uslubiy tarmoqlanishning yuzaga kelishi adabiy til vosita va imkoniyatlarning rivoj topishini va boy bo'lishini taqozo qiladi. Shu sababli ham adabiy til xalq tilining boshqa ko'rinishlariga nisbatan boy lug'aviy fondi, takomillashgan grammatik qurilishga egaligi hamda uslubiy tarmoqlarning rivoj topganligi bilan farqlanadi. Kishilardan nutq madaniyatini, ya'ni to'g'ri so'zlash va yozishni talab qilish uchun mana shunday so'zlash va yozishga vosita bo'la oluvchi qurolni belgilash lozim bo'ladi. Bunday qurol – adabiy tildir. Adabiy tilsiz nutq madaniyatini tasavvur qilib bo'lmaydi. Adabiy til nutq madaniyatining to'g'ri so'zlash va yozishning o'lchovi, mezonidir. Adabiy til tayyor holda qayerdandir paydo bo'lgan, birdan tayyor holda osmondan tushgan hodisa emas. U aslida nutq madaniyatining tarkibiy qismi, o'zi ham madaniylikka intiluvchi hodisadir. Nutq madaniyati tushunchasining aniq mavjud hodisa ekanligi, uning adabiy til va nutq madaniyati bilan bog'liqligida bo'lsa, ikkinchi tomondan, kishilarning kundalik nutqiy faoliyati bilan aloqadorligidadir. Adabiy tilning mavjudligining o'zigina hali nutq madaniyatini tashkil etmaydi. Adabiy tildan shu tilda gaplashuvchi kishilar jamoasi o'z nutqiy faoliyatlarida foydalangandagina adabiy til mavjud nutqiy hodisaga, nutq madaniyatining kuchli vositasiga aylanadi. Oddiy so'zlashuv nutqi o'zbek tilida tabiiy holda mavjud bo'lgan og'zaki nutq

ko‘rinishlaridan biri. Masalan, turli o‘zbek sheva va lahjalari tili, ya’ni dialektal nutq ko‘rinishlaridan iborat. Turli o‘zbek sheva va lahjalar tili, ya’ni dialektal nutq ko‘rinishlari, shevachilik unsurlari ta’sirida bo‘lgan kundalik so‘zlashuvning boshqa xil ko‘rinishlaridir.

Oddiy so‘zlashuv nutqining til bazasini adabiy til tashkil etmaydi. Shu tufayli oddiy so‘zlashuvdan biz talqin qilayotgan ma’nodagi nutq madaniyati talab qilinmaydi. Oddiy so‘zlashuv tili oldiga qo‘yiluvchi nutqiy talablar aniq lahja va shevalarning tabiiy normalari bilan ko‘proq lisoniy talablar bilan bog‘liq bo‘ladi. Adabiy so‘zlashuv nutqi adabiy tilning og‘zaki nutq doirasidagi vazifalardan yuzaga keladi. Boshqacha qilib aytganda adabiy so‘zlashuv nutqi adabiy til madaniyatiga, ya’ni adabiy til normalariga amal qilgan holda gaplashishdir. Ammo adabiy tilda so‘zlash adabiy tilda yozishga nisbatan ancha qiyinchilik bilan erishiladigan jarayondir, buning bir qator sabablari bor:

a) *og‘zaki nutqda yozma nutqdagi kabi o‘ylab ish tutish imkoni kam bo‘ladi. Chunki og‘zaki nutq yozma nutqdan tezkor jarayon ekani bilan farqlanadi;*

b) *og‘zaki nutqda yozma nutqda shevachilikning ta’siri kuchli bo‘ladi;*

c) *og‘zaki nutqning o‘ziga xos grammatik tuzilishi, qurilish tartibi mavjud. Chunonchi, gap bo‘laklarining tushib qolishi, qisqarib ketishi, o‘rin almashinishi, aksincha, keraksiz unsurlarning, takrorlarning bo‘lishidir;*

d) *og‘zaki nutqda talaffuz, ohang, imo-ishora vositalari muhim rol o‘ynaydi.*

Nutqning yuqorida keltirilgan shakllari ham nutq madaniyatiga bo‘ysunadi. Nutq shakllarining asosiy lisoniy xususiyatlari adabiy normalar bo‘lib, bu nutqlarda yo‘l qo‘yilayotgan ba’zi nuqsonlarning obyektiv va subyektiv sabablari o‘zbek tilshunosligida kam o‘rganilgan. Ba’zi maqolalarda adabiy talaffuzni buzish bilan aloqador ba’zi kamchiliklar ko‘rsatib o‘tiladi,

ammo bu kamchiliklarni tuzatishning samarali ilmiy amaliy yo'llari yetarli ravishda ko'rsatib berilmaydi.

Buyuk ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy ta'kidlanganidek, "Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadurg'on oyinayi hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur" deb bejizga aytmagan.

Adabiy tilning shartli ekanini bilsak, unga munosabatimiz biroz yengillashadi. Imlo qoidalariga rioya etish kerak, albatta, lekin yozma nutq isloh etilmasa, qotib qoladi va og'zaki nutqdan uzoqlashib boradi. Shu bois, ba'zan shevalarni adabiy tilga moslab borish lozim. Aslida jamiyatda adabiy tilning ham, shevalarning ham o'rni bo'lishi lozim. Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, adabiy tilning ham, shevaning ham kundalik turmushimizda o'z o'rni bor, faqatgina undan maqsadli foydalana olishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Zunnunov A., Hotamov N., Esanov J. Maktabda adabiyot o'qitish metodikasi. – Toshkent: O'qituvchi, 1993.
2. Yo'ldoshev K. Adabiyot o'qitishning ilmiy-nazariy asoslari. – Toshkent: O'qituvchi, 1996.
3. www.lex.uz
4. www.ziyonet.uz

О'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUG'URTA HIZMATLARI

Shokirov Humoyiddin Baxriddin o'g'li

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi

Sayfullayeva Nigora Fayzulla qizi

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi

Toshtemirova Muhliisa Davronbek qizi

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi

Azimova Tamara Abrorovna

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi

Annatsiya: Sug'urta hizmatlarining vazifalari, turlari va ishlash mexaynizmi o'rganish. Nima uchun sug'urta hizmatlaridan hozirda rivojlangan mamlakatlar keng foydalanishini tahlil qilish. Mamlakatimizda sug'ura hizmatlaridan foydalanishda xalqimiz duch keladigan qo'rquvning sababi va bu qanchalar to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini tekshirish. Sug'urta bizga taqdim etadigan imkoniyatlardan foydalanish.

Kalit so'zlar: Sug'urta, bozor, Prezident, huquq, qonun, kontsepsiya, iqtisodiyot, milliy iqtisodiyot, YIM, shartnoma, soliq, sug'urtalovchilar

Hozirgi kunga kelib butun dunyoda sug'urtaga bo'lgan qiziqish va talab ortib bormoqda xususan O'zbekistonda ham bu jarayon tobora tezlashmoqda. Bunga misol tariqasida "O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta'minlash chora-tadbirlari tog'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori yaqqol isbotdir. Respublikada moliya bozorini yanada rivojlantirish, aholini sifatli molyaviy xizmatlar bilan qamrab olish ko'lamini kengaytirish, sug'urta tashkilotlari faoliyatini qo'llab

quvvatlash, shuningdek ushbu sohada iste'molchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari izchil amalga oshirilmoqda deyilgan ushbu qarorda.

Shu bilan bir qatorda sug'urta kontseptsiyasini tariflaydigan bo'lsak. Sug'urta noqulay va tasodifiy vaziyatlarda mulkiy yoqotishlarni moddiy jihatdan qoplab berishga yoki kamaytirishga mo'ljallangan iqtisodiy munosabatlar tizimi hisoblanadi.

Sug'urta - tabiiy ofatlar (zilzila, suv toshqini, yong'in va boshqa tabiiy ofatlar), har xil baxtsiz hodisalar ro'y berishi natijasida ko'rilgan zararni moddiy jihatdan qoplash va boshqa pul qoplamalari to'lash uchun maqsadli pul jamg'armalarini tashkil etish va undan foydalanish bilan bo'g'liq iqtisodiy munosabatlar tizimi.

Sug'urta jamg'armasi milliy iqtisodiyot jamg'armasining muhim va o'ziga xos bo'g'ini hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasida sug'urta sohasida tartibga soluvchi qonunchilik hujjatlari, normalari xalqaro standartlarga muvofiklashtirilgan. Respublikada sug'urtaga oid huquqiy munosabatlar O'zbekiston Respublikasining yangi "Sug'urta faoliyati to'g'risida" qonuni bilan tartibga solinadi. Milliy iqtisodiyotni turli baxtsiz hodisalardan molyaviy himoya qiladi. Rivojlangan mamlakatlarda sug'urta ishi nihoyatda taraqqiy etgan bo'lib, bu mamlakatlar yalpi ichki mahsulotida sug'urta badallari hajmi o'rtacha 8-12% ni tashkil etadi. Sug'urta funksiyalari va turlari Rossiya Federatsiyasining tegishli qonunida ko'rsatilgan. Rossiya Federatsiyasi fuqorolari rasmiy kompaniyalar bilan qorqmasdan shartnoma tuzishlari mumkin. Ularning manfaatlarini qonun himoya qiladi.

Sug'urtalash majburiy va ixtiyoriy shakllarda amalga oshiriladi. Majburiy sug'urtaning o'zi majburiy va majburiy davlat sug'urtasiga bo'linadi. Ularning har ikkalasi ham qonunchilik hujjatlariga muvofiq joriy etiladi. O'zbekistonda umumiy foydalanishdagi avtomobil transporta, suv, havo, temir yo'l transportlari yo'lovchilari, transport vositalari egalarining fuqorolik

javobgarligi va boshqalarga majburiy sug'urta turlari belgilangan. O'zbekiston Respublikasi Mudofaa, Ichki ishlar, Favqulodda vaziyatlar vazirliklarining harbiy xizmatchilari, Milliy xavfsizlik xizmati, Davlat chegaralarini qo'riqlash, Davlat bojxona, Davlat soliq qo'mitalari xodimlari majburiy davlat sug'urtasiga olingan va bunday sug'urta turlari uchun sug'urta badali davlat byudjeti hisobidan to'lanadi. Ixtiyoriy sug'urta turlari sug'urta munosabatlarida qatnashuvchi tomonlarning o'zaro roziligi va yozma shartnoma asosida amalga oshiriladi, sug'urta javobgarligi hajmi, sug'urta badali miqdori, sug'urta hodisasi yuz berganda to'lanadigan sug'urta puli summasi - shartnoma shartlari sug'urta qiluvchi bilan sug'urta qilinuvchi tomonlar o'rtasida kelishiladi. Boshqacha qilib aytganda, bunday kelishuv o'zingizni baxtsiz hodisa tufayli kata yoqotish xafidan himoya qilishga yordam beradi. Ishtirokchilar o'z hissalarini qo'shadilar, ulardan to'langan pul zaxira fondiga aylantiriladi. Agar sug'urta ob'yekti zararlangan yoki ishlatib bo'lmas holga kelgan bo'lsa, sug'urta tashkiloti yoqotishni qoplaydigan darajadagi zarur mablag'ni to'lab beradi. Bundan tashqari sub'ekt nafaqat zararlarni qoplashdagi pul mablag'ini oladi va yana shartnomada ko'rsatilgan hollardagi tovonga ham ega bo'ladi. Zararni qoplab berishga olib keladigan hodisa sug'urta hodisasi hisoblanadi. Bu yuridik xizmatlarni amalga oshiruvchi shaxslar sug'urtalovchilar deb ataladi. Sug'urtalovchilar faoliyatini amalga oshirish uchun davlat talablariga javob berishi, rioya qilishi va litsenziya olishi lozim. Sug'urtada miqdorini aniqlash mumkin bo'lgan har qanday xavf sug'urta qilinishi mumkin. Da'volarni keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan o'ziga xos xavf turlari xavfli deb nomlanadi. Sug'urta polisi qaysi xavf-xatarlar bilan qoplanishi va qaysi biriga tegishli emasligini batafsil bayon qiladi. Sug'urtalashning bir qancha turlarini ko'rib chiqsak

- **Avtomatik sug'urta**

Buzilgan transport vositasi, Kopengagen Avtoullov sug'urtasi, sug'urta qildiruvchini o'zlariga tegishli transport vositasi bilan bog'liq hodisa yuz berganda, avtoullovning shikastlanishi yoki o'g'irlanishi uchun mulkni qoplash, tana jarohati yoki mol-mulkka etkazilgan zarar uchun boshqalar oldida qonuniy

javobgarlik uchun javobgarlikni qoplash, shikastlanishni davolash, rehabilitatsiya va ba'zan yo'qolgan ish haqi va dafn xarajatlari uchun tibbiy qoplash.

- **Bo'shliqlarni sug'urtalash**

Gap sug'urtasi sizning sug'urta kompaniyangiz to'liq kreditni qoplamagan taqdirda, sizning avtokreditingiz bo'yicha ortiqcha summani qoplaydi. Kompaniyaning o'ziga xos siyosatiga qarab, u franshitni ham qamrab olishi yoki qoplamasligi mumkin. Ushbu qamrov past narxni qo'yganlar uchun sotiladi, dastlabki to'lovlar, kreditlari bo'yicha yuqori foiz stavkalari, va 60 oylik va undan uzoq muddatga ega bo'lganlar. Gap sug'urtasi odatda moliya kompaniyasi tomonidan transport vositasi egasi o'z transport vositasini sotib olayotganda taqdim etiladi, ammo ko'plab avtoulov sug'urta kompaniyalari iste'molchilarga ham ushbu sug'urta qoplamasini taqdim etadilar.

- **Tibbiy sug'urta**

Tibbiy sug'urta polislari davolanish xarajatlarini qoplaydi. Tish sug'urtasi, tibbiy sug'urta singari, sug'urta qildiruvchilarni stomatologik xarajatlar uchun himoya qiladi. Ko'pgina rivojlangan mamlakatlarda barcha fuqarolar o'zlarining hukumatlaridan soliq to'lash orqali to'lanadigan sog'lig'ini qoplaydilar. Ko'pgina mamlakatlarda tibbiy sug'urta ko'pincha ish beruvchining imtiyozlarining bir qismidir.

- **Daromadlarni himoya qilish sug'urtasi**

Ishchilarning tovon puli yoki ish beruvchilarning javobgarligini sug'urtalash ba'zi mamlakatlarda majburiydir. Nogironlik bo'yicha sug'urta, sug'urta qildiruvchi kasalligi yoki jarohati tufayli ishlay olmasa, siyosat moliyaviy ko'mak beradi va majburiyatlarni to'lashga yordam berish uchun har oyda yordam beradi, ipoteka kreditlari va kredit kartalar, qisqa muddatli va uzoq muddatli nogironlik siyosati jismoniy shaxslar uchun mavjud. Xarajatlarni hisobga olgan holda uzoq muddatli siyosatni kamida olti raqamli daromadlari bo'lganlar masalan shifokorlar, advokatlar va boshqalar olishadi. Nogironlikning

qisqa muddatli sug'urtasi odatda olti oygacha bo'lgan muddatga odamni qamrab oladi. Tibbiy to'lovlarni va boshqa zarur narsalarni qoplash uchun har oyda stipendiya to'laydi.

- **Bemorlarni sug'urtalash**

Bemorlarni sug'urtalash baxtsiz hodisalardan sug'urta qilish, har qanday o'ziga xos mulk bilan bog'liq bo'lishi shart emas. Sug'urtalashning keng spektridir, boshqa bir qator sug'urta turlarini tasniflash mumkin. Masalan avtoulov, ishchilarga tovon puli va ba'zi javobgarlik sug'urtalari.

- **Jinoyatchilikni sug'urtalash**

bu sug'urta qildiruvchidan kelib chiqadigan zararlardan sug'urtalovchini qoplaydigan baxtsiz hodisalardan sug'urtalashning bir shakli jinoiy harakatlar uchinchi shaxslarning. Masalan kompaniya kelib chiqadigan zararni qoplash uchun jinoyat sug'urtasini olishi mumkin o'g'irlik yoki o'zlashtirish.

- **Hayot sug'urtasi**

Hayotni sug'urtalash merosxo'rning oilasiga yoki boshqa tayinlangan benefitsiarga pul nafaqasini beradi va sug'urtalangan shaxsning oilasiga daromad, dafn marosimi, dafn marosimi va boshqa yakuniy xarajatlarni aniq ko'rsatishi mumkin. Hayotni sug'urtalash bo'yicha sug'urta polislari ko'pincha foyda oluvchiga pulni bir martalik naqd to'lov shaklida to'lash imkoniyatini beradi annuitet. Ko'pgina shtatlarda, odam o'zlari bilmagan holda boshqa shaxsga nisbatan siyosatni sotib ololmaydi.

Shu o'rinda aytish lozimki: O'zbekiston Respublikasida jami sug'urta kompaniyalarining sug'urta javobgarligi 3,25 trln. so'mni, yig'ilgan badallar tushumlari summasi 21,7 mlrd. so'mni, to'langan sug'urta puli summasi 2,4 mlrd. so'mni tashkil etadi. Sug'urta to'lovlarining umumiy tuzilmasida mol-mulk sug'urtasi 70 %, shaxsiy sug'urta 6,2 %, javobgarlik sug'urtasi

5 % dan iborat bo'ldi.

Xulosa

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, rivojlanish kurtak ochayotgan bir zamonda zamon bilan bir nafas bo'lish lozim. Bu eng avvalo o'zimiz uchun zarur. Sug'urta bugungi kunga kelib hayotimizning ajalmas bir qismiga aylanishi shubhasiz chunki sug'urta ochib berayotgan imkoniyatlar bizning manfaatimizni to'la-to'kis qondirishi hozirgi paytda sir emas. Bizning jonimiz ham mulkimiz ham qonuniy jihatdan himoya bilan kafolatlanadi. Eng muhimi sug'urta insonga hotirjamlik va halovatni taqdim etadi va qurquvning yoqolishiga sababchi bo'ladi. Rivojlangan mamlakatlarning deyarli barchasi allaqachon bu tizimga o'tishgan. Mamlakatimizda bu tizimning sekinlik bilan rivojlanayotganiga sababni psixologik jihatdan aytadigan bo'lsak buning negizida qo'rquv va ishonchsizlik yotadi. Bunga qaramasdan hozirgi kunga kelib xalqimizning fikrlashi oshib, zamon bilan birlashmoqda. Bu esa yaqin davr ichida biz ham bu tizimga o'tishimizni ko'rsatadi. Bu jarayonni tezlashtirish uchun reklama va targ'ibot ishlarini yanada kuchliroq isloh qilish ko'zlangan maqsadga erishish uchun eng qisqa yo'l vazifasini bajaradi. Shu orqali xalqimiz ishonchi kafolatlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1. uz.drunkentengu.com**
- 2. hozir.org**
- 3. data.gov.uz**
- 4. uz.m.wikipedia.org**
- 5. lex.uz**

**ШАХСНИНГ ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Журабоев Носир Юсупович

Тошкент давлат транспорт университети

ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Дунё цивилизациялари ривожда инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти, унинг асосини ташкил этувчи таълим ва тарбия масалалари доимо ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Турли халқлар ва миллатларнинг давлатчилик тараққиётида маънавий-маърифий ўзгаришлар ўзига хос хусусиятлар асосида кечган бўлса-да, пировардида улар башарият равнақининг умумий қонуниятлари ва тенденцияларини белгиловчи бир бутун ижтимоий-сиёсий жараён сифатида намоён этилган.

Таянч сўзлар: Инсон маънавий-ахлоқий камолоти, халқ, Ислом дини, масъулият, оммавий маданият, халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик.

Дунё цивилизациялари ривожда инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти, унинг асосини ташкил этувчи таълим ва тарбия масалалари доимо ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Турли халқлар ва миллатларнинг давлатчилик тараққиётида маънавий-маърифий ўзгаришлар ўзига хос хусусиятлар асосида кечган бўлса-да, пировардида улар башарият равнақининг умумий қонуниятлари ва тенденцияларини белгиловчи бир бутун ижтимоий-сиёсий жараён сифатида намоён бўлмоқда. Инсониятнинг бош мақсади осуда ва фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган экан, бунда маънавий омилнинг аҳамияти ва таъсири янада ортиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари кескин

суръатлар билан ривожланаётган бугунги шароитда инсониятнинг зийнати бўлган маънавий қадриятлар ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши мавзунинг долзарблигини янада оширмақда.

Асрлар давомида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимоти билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб келган. Аммо ўтган асрнинг 70 йили давомида халқимиз маънавиятига тамомила ёт бўлган ва умуман инсоният маънавий тараққиётини буткул тескари изга солиб юборишга уринган даҳриёна "инқилобий" фалсафа асосидаги тоталитар мафкуравий тазйиқ бир неча авлод онгига шафқатсиз қатағонлар йўли билан сингдиришга уринди. Бундан 28 йил олдин эришилган сиёсий Мустақиллик миллатимизга ўз асл қадриятларимизни эркин ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятини қайтиб берди. Эндиликда бизнинг вазифамиз қадимий ва барқарор анъаналаримизни ҳозирги замоннинг мутлақо янгича шароитларига мос равишда қайта тиклаб, халқимиз тафаккур тарзига мувофиқ ва тушунарли шаклда ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб улғайишига имкон даражасида ўз ҳиссамизни қўшиш бўлмоғи керак.

Бугун мамлакатимиз Ўзбекистонда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда шахснинг жамият олдидаги масъулиятини юксалтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги намоён бўлмоқда. Айниқса, глобаллашув шароити таъсирида авж олаётган “оммавий маданият” каби таҳдидларга қарши туришда шахсда масъулият туйғусини такомиллаштириш бугунги даврнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи жиҳати бу унда масъулият ҳиссининг мавжудлигидадир. Мана шу масъулият туйғуси орқали инсон ўзининг маънавий мавжудот эканлигини англаб боради. Инсон ўзининг маънавий камолот имкониятларини юзага чиқариш лозимлигини англаб етган сари ўзлигини англай бошлайди. Ҳар

қандай инсонни шахс деб атай олиш қийин. Шахсга ижтимоийлик хусусиятлари хос. Инсонлар шахс бўлиб дунёга келмайдилар, ижтимоийлик хусусиятлари наслдан наслга ўтмайди, балки кишилар ижтимоий муҳитда, жамиятда шахс бўлиб шаклланадилар. Инсон жамиятдаги кишилар билан мулоқоти жараёнида ижтимоий муносабатларга киришади ва унда секин аста индивиддан шахсга айлана бориш имконияти юзага келади⁴³. Ижтимоийлашув сабабли инсонда янгидан-янги шахсий хислатлар пайдо бўлади, яъни ўзининг ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзи-ўзини тарбиялаш, ижтимоий фаоллик, мустаҳкам эътиқодга, ўз дунёқаршига эгалик, мустақил қарорлар қабул қилиш ва ўз фикрларини эркин баён этиш шахсга хос хусусиятдир. Инсон қачон ўзининг оила аъзолари олдидаги, миллат олдидаги, Ватан олдидаги, жамият олдидаги ва, қолаверса, умуминсоният олдидаги масъулиятини жиддий ҳис этса, уни том маънодаги ҳақиқий шахс ҳисоблаш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, шахс масъулияти инсоннинг ҳақиқий моҳиятини белгилайди, деб хулоса қилиш мумкин.

Дунёвий нуқтаи назардан шахс масъулиятини шакллантирувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- ҳуқуқий жиҳатдан шахс масъулиятини таъминланиш даражасининг мавжудлиги;
- шахс масъулиятини иқтисодий фаровонликка эришилишдаги муҳим аҳамияти;
- шахснинг сиёсий масъулияти яъни, фуқароларнинг ўз давлати олдидаги бурч ва мажбуриятларини англаган ҳолда фаолият олиб бориш кўникмаси;

⁴³ Ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам "шахс" тушунчаси "ўз ҳатти-ҳаракатлари ва билдирган фикр-мулоҳазалари учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ёш даври"га тўғри келади.

- инсонларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён қилиш имкониятларининг таъминланиши;

Шахс масъулиятини шакллантирувчи мазкур омиллар ўзаро уйғун бўлгандагина таъсирчанлиги юқори бўлади.

“Масъулият ижтимоий характерга эга. Ижтимоий масъулият оилавий, фуқаролик, жамият ва шахсий хизматларни бажараётганда вужудга келади”.⁴⁴

Ёшларда масъулият сифатларини ўстириш уларда мустақиллик, шижоатлилик, доминантлилик, ўзига ишончлиликни шакллантиришга хизмат қилади. Психолог олим Н.С.Сафоев, “Инсон ҳаёт қонуниятларини билиш ва уларни ўз фаолиятида қўллашга қодир экан, демак шу нуқтаи назардан унинг хулқ-атворини ижтимоий меъёрлар билан бошқариш мумкин. Қолаверса, инсон ўз қилмишлари учун масъулиятни ҳис қилиши лозим”⁴⁵ - деб таъкидлайди.

Яна бир психолог олима Сагиндикова “Масъулият ўзи ва бошқалар, жамоа олдидаги ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъулликни бўйнига олиб, шахсининг ўзини бошқариши ва хулқ-атворини шакллантирувчи энг асосий характер сифатидир”⁴⁶ – деб таърифлаб ўтади.

“Масъулият” – фалсафий категория сифатида ижтимоий воқеликда инсоннинг англанилган ҳатти-ҳаракатларини ифодалайди. Бу фалсафий категория орқали инсонларнинг ижтимоий-маънавий, моддий-жисмоний, рухий-табиий масъулият каби хислатлари қамраб олинади ва таҳлилга тортилади. Ижтимоий фалсафада бу тушунча шахсининг жамият олдидаги маънавий-ахлоқий талабларни бажариши нуқтаи назаридан олиб қаралади. Шахс маънавий камолотида масъулият масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

⁴⁴Эргашев И. С. Шахс маънавий камолотида эркинлик ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. номз. Дисс. Автореферати . - Тошкент: 2011, -Б. 15.

⁴⁵Сафоев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Автореф. Дисс. ... док. псих. Наук. –Ташкент: 2005, -С. 14.

⁴⁶Сагиндикова Н.Д. Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари. (PhD)док. дисс. Автореферати . - Тошкент: 2017, -Б. 13.

Масъулиятнинг ижтимоий–маънавий функцияси турли замон ва маконга қараб ўзгача мазмун касб этиб боради. Бу бевосита шахслараро, гуруҳлараро, давлат ва жамиятлараро муносабатлар тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, шахс маънавий тараққиётининг ҳар бир босқичида ўз ифодасини топган масъулият даражаси ҳам ўзгариб боради ва шахс маънавий фаолияти, унинг турфа хусусиятлари билан бир бутунликда кечади. Демак, ижтимоий масъулият инсон маънавий ҳаётининг мазмун- моҳиятини ташкил қилувчи бош омил ҳисобланади. Ҳар бир шахс ўзининг ватан, халқ, жамият олдидаги фуқаролик бурчи виждон иши эканлигини ҳис қилмоғи лозим. Зеро, ўз бурчини, масъулиятини яхши ҳис қилган одамларнинг халқ, юрт олдида обрўйи, кадр-қиммати, мавқеи ошиб, бундай шахсларни барча бирдай эъзозлайди⁴⁷.

Мутафаккир олим Абдурауф Фитрат масъулиятни шахснинг “ маънавий хатти – ҳаракатлари мажмуи ” сифатида талқин этади⁴⁸. Дарҳақиқат, инсон маънавий мавжудот экан, унинг хатти – ҳаракатларида ҳам маънавийлик акс этиши табиий ҳолдир. Шахс қачон ўзининг ҳаракатлари оқибатини ўйласа ва бунинг учун маънавий жавобгарлигини виждонан ҳис этса, ана шунда масъулият ҳақиқий маънавий хатти-ҳаракатлар мажмуасига айланади. Масъулиятда шахснинг ўзига хос маънавий жиҳатлари намоён бўлади. Масалан иймон-эътиқодлилик, виждонийлик, ор-номуслилик, иродалилик, руҳан поклик, самимийлик, ғурурлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик. Демак, маънавий баркамол шахсни шаклланишида масъулиятнинг ўрни беқиёс.

“Масъулият” араб тилидан олинган бўлиб, “жавоб бермоқ ”, “жавобгар бўлмоқ ” деган маъноларни англатади. Масъулият тушунчаси Европа илмида илк бора фалсафий тушунча сифатида XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб қўлланила бошланган. “Масъулият” тушунчаси биринчи

⁴⁷Эргашев И. С. Шахс маънавий камолотида эркинлик ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. номз. Дисс. Автореферати . - Тошкент: 2011, -Б. 12.

⁴⁸Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Тошкент: 2010, -Б. 633.

марта фалсафага 1859 йилда Альфред Бэн томонидан киритилган. хулосага келинди:

Шахс масъулиятини шаклланишида диний ва дунёвий омилларни тадқиқ этиш бир қатор адабиётлар, илмий тадқиқотларни ўрганишни тақозо этди.

Биринчидан, Шахс масъулиятинининг диний ва дунёвий талқинига кўра киши ўз-ўзини чуқур англашига урғу берилади. Ўзини англаган кишида ижтимоий ва иқтисодий масъулият ҳисси юксак бўлади. Инсоннинг етукликка эришуви ҳақидаги тасаввурлар ҳар қандай даврда ҳам маданий-маънавий ғоялар, концепсияларнинг асосини ташкил этган.

Иккинчидан, исломий қадриятларни шакллантиришдан мақсад миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, кенг жамоатчилик хусусан ёшлар дунёқарашида ислом динига нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат.

Учинчидан, исломий қадриятларни асл мазмун-моҳиятини ёритишда ислом дини асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ўзлигимизни англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни сақлаш, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни бир авлоддан иккинчи авлодга безавол етказишда беқиёс омил бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки ислом диннинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган аҳамиятли жиҳатлари айнан ана шу масалаларда намоён бўлади.

REFERENCES

1.Эргашев И. С. Шахс маънавий камолотида эркинлик ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. номз. Дисс.Автореферати . - Тошкент: 2011, -Б. 15.

2.Сафоев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Автореф. Дисс. ... док. псих. Наук. –Ташкент: 2005,
-С. 14.

3.Сагиндикова Н.Д. Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари. (PhD)док. дисс. Автореферати . - Тошкент: 2017, - Б. 13.Й ФЦ1

4. Хайруллаев.М.М. Маънавият юлдузлари. “Абдулла Қодирий”. – Тошкент: 1999.

5.U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod. RATIONALE AND HISTORY OF HUMAN REFLECTIONS IN THE MUSLIM PHILOSOPHY. // International Journal of Advanced Science and technology, 2020. 1453-1458.

6. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.

7. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.

32. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.

8. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

9. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

10. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИНГ
РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

Мирзаев И. Ҳ

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

ўқитувчиси .

Ҳасанов М.

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

ўқитувчиси .

Аннотация (резюме) Мақолада ҳозирги замонда глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларининг тобора ошиб бораётганлиги тўғрисида гап боради. Ривожланган давлатлар ўз таъсир доираларини тобора кенгайтириш мақсадида энг замонавий ахборот воситларидан самарали фойдаланишмоқда. Жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли шаклдаги таҳдидларни олдини олиш мақсадида ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мақолада таҳдидларга қарши курашишнинг замонавий йўллари ёритиб берилган.

В статье речь идет о повышении различного вида идеологических, духовных и информационных угроз против национальной духовности в условиях глобализации. Развитые государства в целях расширения своих сфер влияния эффективно используют самые современные информационные средства. Основной задачей нашего общества, в целях предотвращения различных угроз, является укрепления идеологического

иммунитета молодежи. В статье раскрываются современные пути борьбы против угроз.

The article deals with the rise of various types of ideological, spiritual and informational threats against national spirituality in the context of globalization. Developed countries in order to expand their spheres of influence effectively use the most modern information tools. The main task of our society, in order to prevent various threats, is to strengthen the ideological immunity of young people. The article reveals the modern ways of dealing with threats.

Ахборот технологияларининг ривожиди, ахборот орқали таъсир кўрсатиш имкониятларининг кескин ортиши, ахборотлашган жамиятнинг турли давлат ва нодавлат тузилмаларига бевосита кириб бориши, глобал ахборот маконидаги ўрнатилган янги қарашлар, ёндашувлар, муносабатлар, ахборот соҳасини ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим воқелигига айланиб улгургани, жаҳон афкор оммасининг унга бўлган қарашлари ва тасаввурларини ўзгартирмоқда. Ахборот кишилиқ жамияти учун энг муҳим кундалиқ эҳтиёжга, муҳим ресурсга айланди. Жаҳонда ахборотнинг миқдори, кўлами, ахборот олиш ва тарқатиш манбаларининг сони ва имконияти ортиб бормоқда. Ахборот субъектларининг жамиятнинг барча соҳаларида, давлат бошқарувида, халқаро муносабатларда, инсон онги ва тафаккурига таъсир кўрсатишдаги ўрни ва роли юқори босқичга чиқди. Интернетнинг ривожланиши, интернет воситалари орқали маълумот алмашинувнинг тезлашиши, ижтимоий тармоқларнинг анъанавий ахборот воситаларига нисбатан тезкорлик, таъсирчанлик, ахборот тарқатиш аудиториясининг кенглиги, турфа хиллиги ахборот омилини бирламчи таъсир воситасига айланишини таъминлади. Давлатлар ўртасидаги рақобат, ўзаро зиддиятлар, муносабатларнинг кескилашуви ахборот маконида содир бўлмоқда. Анъанавий урушлар ўрнини “ахборот урушлари” эгаллаб, душманни мавҳ этишнинг кам маблағ сарфлаб, кўпроқ натижага эришишга имкон берувчи информацион техник воситаларнинг роли ортмоқда. “Ахборот урушлари”, “гибрид урушлар”нинг масштаби кенгайиб, рақибга иқтисодий зарар етказишда ахборотнинг техник воситалари асосий вазифани бажариб бермоқда. Жамиятда

айланиб юрган ахборотлар мажмуаси информацион массивни ташкил қилади. Ижтимоий тараққиёт жараёнида бу массивни микёси ва роли ортиб боради. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт нафақат моддий ва маънавий захиралар, балки информацион ишлаб чиқариш, айланиши ва истеъмол қилинишига асосланган бўлса, унда жамият информацион жамиятга айланади. Бундай жамиятнинг маънавий ҳаракатлантирувчи кучи ижтимоий интеллектдир.

Ижтимоий интеллект олдинги фалсафий ва назарий тафаккурда бир неча атамаларда ифодаланган: ноосфера, Поппернинг «учинчи олами», «ижтимоий онг» ва бошқалар. Жамиятдаги ўзгаришлар ва янгилашишлар олдин ижтимоий ақл- доирасида белгиланади, дастурга айланади, ижод этилади. Ижтимоий интеллектни фаоллиги ва ижодкорлиги ижтимоий тузум ва вазиятга боғлиқдир. Анъанавий жамиятларда ижтимоий интеллектни фаоллиги ва ижодкорлиги юқори даражада бўлмади. Индустриал жамият индивидуал ва ижтимоий интеллектг ишлаб чиқарувчи кучга айлантиради.

Индивидуал интеллект ижод этади, яратади, ижтимоий интеллект яратилган маънавий қадриятни кўпайтиради, тарқатади, инглаб чиқаради ва ҳаётга татбиқ этади, ижтимоий бошқариш ва назорат қилиш ишларини амалга оширади. Буларни интеллектни ўзи қилмайди, балки интеллекга эга бўлган инсон ва гуруҳлар амалга оширади. Ижтимоий интеллект ижтимоий информация билан боғланади. Инсон унинг табиати ҳақидаги ахборот ижтимоий информациядир ва уни инсон ҳиссий ва ақлий билиш босқичларида қабул қилади, қайта ишлайди, унга нисбата муносабат шаклланади. Ушбу билимлар инсонни. жамиятни, ўзгаришга, ривожланишига хизмат қилади⁴⁹. Ижтимоий интеллект аслида ижтимоий субъектнинг ҳислатидир. Интеллектлар мажмуаси маълум ижтимоий табақалардан ҳосил бўлади: олимлар, ижодкорлар, муҳандислар, бошқарувчилар ва ҳақозолар. Булар носферани ижодкор қатламини ташкил қилади. (когнитиолотин билиш, билиш). Ижтимоий

⁴⁹ Кузнецова А.Я. Духовный мир и картина индивида в условиях инфомационного общество. Новосибирск.: 2013. – С. 34.

интеллектни ифода қилиш учун охирги вақтларда «ижтимоий когнитивология» тушунчасидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ижтимоий когнитивология - ижтимоий фикр, тафаккур соҳаси бўлиб, ижтимоий интеллектни ҳаракатлантирувчи қисмидир. Инсонлар ижтимоий гуруҳлар маълум фикрлаш услубига, стилига, маданиятига эгадирлар. Ижтимоий фикрни туғилиши, жамиятга таъсири, ҳамкор ёки мухолиф ҳақида образларни яратиши - ижтимоий когнитивология доирасига киради.

Информацион жамиятнинг шаклланиши. Жамиятни постиндустриал таракқиёт босқичида информацияни ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида инқилобий ўзгариш содир бўлди. Бу инқилобни ахборотни ишлатиш ҳажми глобал миқёсга етгани, меҳнатни жадаллашиши ва интеллектуаллашиши, бошқариш жараёнини мураккаблашиши келтириб чиқаради.

“Информацион жамият” термини биринчи бор XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ва Японияда параллел равишда вужудга келган. 1961 йилда К.Курокава, 1963 йилда эса Т.Умесао ва Ф.Махлуп асарларида ишлатила бошланди⁵⁰”.

Информацион инқилобнинг техник базасини электрон ҳисоблаш машинаси ташкил қилди. Постиндустриал жамиятни информацион жамият дейишга иқтисод ва ижтимоий ҳаётда сифатий ўзгариш, яъни, катта миқёсда ҳатто халқаро ва глобал параметрларга эга бўлган информацион секторни (бўлимни) пайдо бўлиши асос бўлмоқда. Олдин содир бўлган маданий ёки техник инқилоблар моддий ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олган эди.

“Информацион жамият – ижтимоий, иқтисодий ривожланиш энг аввало, ахборот тайёрлаш, унга ишлов бериш, сақлаш ва жамият аъзоларига етказиб беришга боғлиқ бўладиган жамиятдир. Бундан ташқари информацион жамият очик жамиятдир⁵¹”. Информацион инқилоб моддий ва маънавий ишлаб

⁵⁰ Варакин Л.Е. Глобальное информационное общество: критерии развития и социально-экономические аспекты. М., 2001. –С. 43.

⁵¹ Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Жамоавий монография. – Т.: Наврўз, 2017. –Б. 194

чиқариш, ижтимоий ҳаётни иқтисодий, ижтимоий, маънавий, илмий-техник соҳаларни қамраб олган.

Жамият соҳаларини модернизациялаш ва инновационлаштириш шундай жараёнки, унда инсоннинг анъанавий турмуш тарзи замонавий кўламдаги янги босқичга ўтади ва унинг заминида ижтимоий ҳаётнинг барча тизимларида туб ўзгаришларга эришилади⁵².

Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида эса инфор­мацион технологияларни яратиш ва ишлатиш салмоқли ўринни эгалламоқда. Ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш инфор­мацион секторига фан, лойиҳалаштириш, маркетинг, таълим, санъат, бошқариш, реклама, оммавий ахборот коммуникациялари ва воситалари киради. Жамиятни инфор­мация лаштириш ва компьютер лаштириш таъсирида ижтимоий структура, табақа ва касблар соҳасида ҳам кўп ўзгаришлар содир бўлмоқда. Информацион фаолият бошқариш, таълим, фан, хизмат кўрсатиш, маданият соҳасидаги касбларни асосий мазмуни бўлиб келмоқда.

Информация (ахборот) жамиятнинг асосий маҳсулоти ва бош қадриятларидан бирига айланмоқда. Информацион жамият хусусияти турли ижтимоий - фалсафий концепцияларда ҳар хил талқин қилинмоқда.

Информацион жамият концепцияси постиндустриал жамият концепциясини негиздан чиққан, уни давоми ва бир кўринишидир.

“Жамиятни ахборотлаштириш жараёни ҳозирги кунда глобал хусусиятга эга бўлиб, илмий-техникавий ва ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг ўзагини ташкил этади”⁵³. Информацион жамиятни келиб чиқишини иқтисодиётни қишлоқ хўжалик, саноат ва хизматлар кўрсатиш жабҳасидан кейин келадиган «тўртинчи», инфор­мацион секторни пайдо бўлиши билан боғлайдилар. Капитал ва меҳнатга асосланган индустриал жамиятни

⁵²Эргашев Т.Э. Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2021. 18 б.

⁵³ Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М., 2000. – С. 446.

ўрнини информация ва билимга асосланган информацион жамият эгаллайди деган фикр таъкидланмоқда.

Информацион технологияларни инқилобий таъсири шунга олиб келадики, информацион жамиятда синфлар ўзаро кам фарқланган «информацион ҳамжамиятлар» (Э.Масуда) га алмашади.

А.Тоффлернинг фикрича, энди «информосфера» ва «техносфера» бирлаштирилган кичик информацион корхоналар, информацион хизмат кўрсатиш муассасалари катта корпорацияларни ўрнини босадилар⁵⁴.

Жон Пелтон «глобал электрон цивилизацияси» лойиҳасини олға сурди. Унда телевидение, компьютер хизмати тизими ва энергетика бирлаштирилиб «телекомпьютер энергетика» пайдо бўлиши керак. Компьютер инқилоби анъанавий матбуот ва тизимини электрон китоблар билан алмаштиради.

“Информацияланган жамиятда” ахборотни қабул қилиш, юбориш, қайта ишлаш, ўз мақсадларига мослаштириш, техникавий-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар қулай шароитга эга бўладилар. Мана, шу устунлик туфайли улар ўз манфаатларига мос келувчи технологияларни ишлаб чиқаради, иқтисодий кудратли давлатга айланади, кадриятлар ва ғояларни илгари суради, шу ғоялар атрофида жипслашишга бошқаларни ҳам ундайди.

Информацион жамият моҳияти, унинг кўлами ва хусусиятларини таҳлил этиш дунё тадқиқотчиларининг долзарб муаммосига айланган. Ахборотлашган жамиятга интернет онлайн луғатда “телекоммуникация, радио, телевидение, интернет, шунингдек, анъанавий ва электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланаётган ахборот жамияти бўлиб, глобал ахборот маконини яратиш, одамларнинг самарали ахборот алмашинуви, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига кириш имконияти, ахборот

⁵⁴ Тоффлер Э. Третья волна//Э. Тоффлер. М. : Изд-во АСТ, 1999. -С. 776.

махсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш”⁵⁵, деб таъриф берилган.

Информацион жамият – глобал ахборотлашган борлиқ, ижтимоий, маънавий ва техник хусусиятларга эга бўлган макон, ахборотнинг жаҳон бўйлаб тақсимланганлиги, ягона ахборот тизимлари, тезкор ахборий муносабатлар бўлиб, инсонларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқи ва эҳтиёжининг таъминланиши, ўз навбатида оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотнинг долзарблиги, тўлаллиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги таъминланиши, натижада омма онгининг юксалиши ва инновацион тафаккури ўсишнинг юзага келишидир. Жамиятни модернизация қилишда, ислохотларни жадаллаштиришда рақамли иқтисодиёт истиқболли аҳамиятга эга. Ахборотлашган жамиятга ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, у учун шарт-шароитлар яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш, бу ишларга юртимиздаги ва хориждаги мутахассисларни, айниқса ёшларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда ва қонунчилик билан мустаҳкамланмоқда.

Информацион жамият – электроника ва компьютерларга асосланган жамият. Информация ҳаётнинг турли тармоғига кириб бориб. Бутун ижтимоий ҳаётда ўзгариш ҳосил қилади. Инсон ва унинг интеллекти жамиятнинг ривожланиш асосига айланади⁵⁶. Бундай жамият ўз навбатида барча соҳаларда сунъий интеллектга асосланган рақамли технологиялар, инновацияларга ўтиш жараёнларини тақозо этади.

Информацион жамиятда модернизация жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, ўзига хос тараққиёт тамойилини ҳосил қилади,

⁵⁵ Информационное общество. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

⁵⁶ Синергетика -2: назария ва амалиёт. (Масъул муҳаррир: проф. Тураев Б.О.) Монография. –Токент: “FAN ZIYOSI” нашриёти, 2022. –Б. 359.

чунки, бу жамият техник ва технологик ривожланиш ва жадал янгиликларга асосланган ижтимоий макондир⁵⁷..

Информацион жамиятда эркинлик муаммолари информацион маданият даражасини тақозо этади. Истиклолдан олдин чоп этилган фалсафий адабиётларда эркинлик объектив заруриятни билиб амалга қилишдир деб тавсифланган. Бу нуқтаи назарга кўра инсон объектив қонунларни нақадар чуқур пайқаган сари, унинг фаолиятини шу қадар англаб олинган ва эркин бўла борган. Мазкур ёндашувда инсон фаолиятини мақсади, манфаатли томони, фаолияти, йўналиши, танлаш имкониятлари, инсонни иродаси, фаолиги эътиборга олинмаган. Заруриятни билишни ўзи ҳали эркинликка олиб бормади. Бу ерда эркинлик кўп фикрлилик билан айнанлаштирилган. Тўғри, кўп фикрлилик эркинликни намоён этувчи демократия тартиботнинг бир унсуридир. Шу билан бирга эркинлик кенгрок мазмунга эга бўлиб у инсонни ўз манфаати ва мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатиш миқёсини, йўл танлаш имкониятини борлигини билдиради. Компьютер инқилоби ва информацион жамиятни шаклланиши инсон эркинлигини структураси ва параметрларига таъсир кўрсатади.

Информацион жамиятда тезкор суръатларда ўзгарувчан, янгиликни борувчи информацияни қабул қилиш, қайта ишлаш, хотирада сақлашда инсон тафаккури муаммоларга дуч келади, чунки, инсон ахборот тезлигига мослашишга улурмай қолиши мумкин⁵⁸. Ижтимоий ҳаётни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш инсон фаолияти миқёсини кенгайтиради, алтернатив йўллари танлаш ёки эркин фаолиятни шартли бўлган келажакни, келажакда бўладиган ҳодисалар моделини аниқроқ тузишга анча ёрдам беради. Демак, инсон эркинлигини миқёси сифат ва миқдор жиҳатдан ортади, тасодиф ёки муҳим бўлмаган оқибатлардан қарамлиги камади. Бу нарсани амалга ошириш учун яна битта омилни бўлиши керак.

⁵⁷ Эргашев Т.Э. Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2021. 18 б.

⁵⁸ Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Жамоавий монография. – Т.: Наврўз, 2017. –Б. 203.

Бу ҳам бўлса - ижтимоий ҳаётни демократлаштиришни чуқурлаштириш ва кенгайтириш компьютер ва информацион тизимлар давлат ва муассасалар қўлига ниҳоятда кучли қурол беради. Бу тизим орқали давлат фуқароларини ҳар бир қадами, сўзи, ҳатти-ҳаракатини назорат қилиши мумкин.

Швецияда давлат информацион тизимларда ҳар бир фуқаро ҳақида ёши, маълумоти, жинси, туғилган жойи, яшаш жойи, мутахассислиги, оилавий ва ижтимоий аҳволига оид маълумотлар йиғилган. Лекин мавжуд демократик анъаналар, полиция ва хавфсизлик органларини фаолиятини доираси қатъис белгиланганлиги, фуқаролар ҳаётини махфий кузатиш таъқиқ этилганлиги инсон эркинлигини чегаралашга олиб келмайди, шахс устидан назорат қилишга йўл қўймайди. Демак, жамиятни ахборотлаштириш сиёсий, иқтисодий, маънавий ва шахсий эркинлик билан боғлаб амалга ошириш лозим. Бунда албатта, аналитик ва синтетик, танқидий тафаккурга таяниб, информацион маданиятни риволантириб инсон ўз-ўзини назорат қилиш, ахлоқий меъёр ва чегарага амал қилиш, тарбиялаб туриши муҳим аҳамиятга эга.

Инофрмацион жамият моҳиятига кўра очик жамият экан, бунда инсоннинг ташқи ахборот хуружидан ҳимояланиш даражаси пасаяди. Ташқаридан келадиган турли ахборот воситалари, интернет, хорижий ОАВ орқали кириб келадиган турли зарарли инофрмациялардан инсонларни ҳимоялаш мураккаблашади⁵⁹.

⁵⁹ Муминогва З.О. Маънавий борлиқнинг синергетик таҳлил. Монография. –Самарқанд : “Zarafshon”, нашриёти, 2016. – Б. 151.

REFERENCES:

1. Ramatov, J., Inoqov, K., Ismailova, S., & Khudoykulov, S. (2021). Requirements of Education of Young People with Active Citizenship. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 1-3.
2. Ж. С. Раматов, М. Н. Ҳасанов, & Ж. Қ. Шукуов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙ НИГОҲИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 976-979.
3. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
4. Муминогва З.О. Маънавий борлиқнинг синергетик таҳлил. Монография. –Самарқанд : “Zarafshon”, нашриёти, 2016. – Б. 151
5. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
6. Ш.Ф.Турабоев, З.Т.Тоиров, Ж.З.Абдуллаев, Ш.М.Ғуломов, & М.Н.Ҳасанов. (2022). ФОРОВИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 141–146. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/628>
7. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*,

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳасанов Миршод Нўъмонович –

*Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Мақолада Таҳдидларни шартли равишда иқтисодий, социал, сиёсий, табиий –иқлимий, экологик, демографик, мафкуравий ва ҳарбий тоифаларга ажратар эканмиз буларнинг барчасини умумий «ижтимоий таҳдид» номи билан белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки, барчасининг замирида ижтимоий муносабатлар, авваламбор инсон фаолияти билан боғлиқ жараёнлар ётади.

Калит сўзлар: Инсон, жамият, , социал, сиёсий, табиий –иқлимий, экологик, демографик, мафкуравий ва ҳарбий Таҳдидлар. ижтимоий таҳдид.

Бугун дунёнинг барча минтақаларида глобаллашув жараёни ижтимоий-маданий ҳодисаларга ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Бундай таъсирнинг бир хил эмаслиги дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва геосиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Таҳдидларни шартли равишда иқтисодий, социал, сиёсий, табиий –иқлимий, экологик, демографик, мафкуравий ва ҳарбий тоифаларга ажратар эканмиз буларнинг барчасини умумий «ижтимоий таҳдид» номи билан белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки, барчасининг замирида ижтимоий муносабатлар, авваламбор инсон фаолияти билан боғлиқ жараёнлар ётади.

«Таҳдид» - (арабча сўздан олинган бўлиб, хавф- хатар дегани) бу инсон ҳаётининг фаолияти, умуман, яшашни чигаллаштирувчи унинг ўз салоҳиятига таяниб асрлар давомида ўзи учун мақбул, шу билан бирга жамият барқарорлиги, хавфсизлигини асрашга қаратилган муҳофаза тизимига ҳамда маълум тарихий давр мобайнида барпо этилиб, аниқ мақсад сари йўналтирилган ижтимоий сиёсий тузилма, аниқроғи, давлатнинг сиёсий асосини заифлаштириши, кейинчалик эса, уни емирилишига олиб келувчи маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва ниҳоят, умумсайёравий салбий омилларнинг кириб келиши натижасида аниқ макон ва замонда юз берувчи ўта салбий нохуш, беқарор сиёсий ижтимоий тарихий вазиятдан иборатдир. Юқоридан келтирилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, сўз асосан, жамиятга, сиёсий ҳаётга турли-туман салбий таъсирлар, омилларнинг кириб келиши натижасида шаклланган ва уни издан чиқаришга қаратилган макон ва замонда аниқ ва ўта салбий, беқарор ижтимоий вазият тўғрисида бормоқда. Умуман, тажриба гувоҳлик берадики, жамият, давлат, инсон манфаатларига нисбатан таҳдидлар даражасидан қатъий назар улардан келадиган зарарли оқибатларнинг таъсири нуқтаи назаридан деярли бир хиллигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.⁶⁰ Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг, “Фарзандларимизнинг турли радикал ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик – асосий вазифамиздир. Бу борадаги ишларни янгича ёндашувлар билан давом эттиришимиз керак”⁶¹ – деган сўзи барчани огоҳликка чақиради.

Биз тадқиқотимизда таҳдидларнинг миллий маънавиятимизга салбий таъсири ва уларга қарши курашишда шахс масъулиятини исломий қадриятлар асосида такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишни бугунги глобаллашув жараёни шиддатли тус олаётган бир

⁶⁰ Пахруддинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди. Тошкент: 2001, 178-б.

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил, 28 декабрь.

даврининг энг долзарб фалсафий муаммолари сифатида ёритишга ҳаракат қилдик.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият - энгилмас куч» асарига: «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим..»⁶² деб таъриф берилади.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бир даврда маънавиятга қарши қаратилган бундай мудҳиш хавф – хатарлар азалий умуминсоний ғоялар билан йўғрилган ислом дини билан бевосита боғлиқ миллий қадриятларимизнинг илдизига ҳам болта уришга хизмат қилмоқда.

«Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз - ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин»⁶³.

Маънавий таҳдидлар вайронкор кучларнинг ўз моддий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар хил марказлар томонидан бирон бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган маънавий бузғунчиликнинг муайян шаклидир. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг маънавий руҳий ҳиссиётлари, миллий туйғулари, ҳар қандай жамиятда мавжуд ижтимоий–иқтисодий муаммолардан, шунингдек ОАВ, Интернетдан усталик, фирромлик, ноҳолислик билан фойдаланишга ҳаракат қилади.

⁶² Ислом Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» Тошкент2008 . Маънавият 14 бет

⁶³ Ислом Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» Тошкент2008 . Маънавият 12 бет

Маънавий тажовузлар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар ниқоби ортида иш кўради.⁶⁴

Бу борада маънавий таҳдидларнинг уч турини алоҳида таъкидлаш жоиз:

Мафкуравий таҳдидлар.

Ғоявий таҳдидлар.

Информацион таҳдидлар.

Мафкуравий таҳдид – ижтимоий сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз мафаатини ифодаловчи ўз мафкурасини кўрkitув, зўрлик йўли билан бошқаларга тиқиштириш. Мафкуравий таҳдидлар жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф – хатарлар мажмуаси. Ўзбекистон ҳам бундай таҳдидлардан четда қолаётгани йўқ. Фуқаролар онгида бу сиёсий экстремизм, диний фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жинойтчилик, мафкуравий таҳдидлар шаклида намоён бўлмоқда . Айниқса, ўрта аср араб халифалигини қайта ўрнатиш ғояси ҳамда халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий – ғоявий таъминланаётган ақидапарастлар мафкураси бугун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик, учун катта хавф бўлиб турибди.

Ғоявий таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қарашлар ва мақсад – муддаоларни шакллантиришга интилади. Бугунги кунда ғоявий таҳдидларнинг қуйидаги кўринишлари намоён бўлмоқда : ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм, индивидуализм, «оммавий маданият» , миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиш, миллатлараро низолар келтириб чиқаришга уриниш, ёшлар онгини заҳарлаш.

⁶⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғафур Ғулом нашриёти. Тошкент -2010 й 316 бет .

Бундан кўзланган мақсад ривожланаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликларига эгалик қилишдир. Чунки ғоявий таҳдидлар охир – оқибатда давлатни инқирозга олиб келади⁶⁵.

Информацион таҳдидлар эса инсоннинг онгини заҳарлаш ва шу тариқа ўзлигига эга бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. Бугунги кунда информацион таҳдидлар асосан интернет воситасида кириб келмоқда. Ҳозирги давр дунё миқёсида мафкуравий жараёнлар мисли кўрилмаган даражада глобаллашиб бораётган даврдир. Ахборот тарқатиш жараёни бутун Ер юзини қамраб олмоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида яратилган мўъжиза халқаро компьютер тармоғи, яъни интернет тизимининг вужудга келиши ва у орқали ахборот алмашинуви жараёнларининг тезлашиб бориши бугунги кунда ғоявий таъсир ўтказиш кўламини кенгайтормоқда.⁶⁶

Дарҳақиқат, дунёда глобаллашув шароитида интернет тизими бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Бу жараён ўсиб келаётган ёш авлод онгини салбий қарашлар билан банд этиб, бугунги кунда жамиятда ўта жиддий ва хавфли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, интернетдан шахс онгини вайронкор ғоялар орқали заҳарлаш ва зарарлаш мақсадида фойдаланиш, аниқроқ қилиб айтганда, шахснинг қалби ва онгини мафкуравий кураш объектига айлантириш, мафкуравий курашнинг энг оммавий ва тезкор усулларида бири бўлиб қолмоқда. Натижада шахс кибер хуружлар қаршисида ожиз бўлиб қолмоқда. Яъни, биз буни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилар эканмиз, шахснинг ижтимоий тармоқлар орқали юборилаётган нотўғри информациялар, бузғунчи ғоялар домига тушиб

⁶⁵ Тураев Ш. Маънавий таҳдид: Фалсафий талқин. – Т.: Мухаррир., 2010. 19 – б.

⁶⁶ Тайлоқова Ш. Ўқувчи- ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш : Педагогика фанлари доктори. (DoctorofPhilosophy) ...дисс. – Т.: 2018. - 112 -бет.

қолишининг асосий сабаби, уни онг соҳасиданда кучлироқ бўлган онгости соҳасига таъсир этишининг илғор методларидан фойдаланилишидадир⁶⁷.

Бугунги глобаллашув асрида компьютер техникаси терроризмнинг виртуал кўринишларидан кибертерроризмнинг асосий объекти бўлиб қолмоқда. Энг оғриқли нуқтаси шундаки, ушбу техникадан маънавий таҳдид қилиш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Бунинг учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бадий асарлар, кинофильмлар, театр асарлари, ҳужжатли фильмлар яратиш зарур. Уларнинг портретлари мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият саройлари, кутубхоналар, кино ва концерт заллари фойеларида, хатто метро бекатларида бўлса, ёш авлодга ўрнак олиш, тақлид қилиш, интилиш учун имкониятлар яратган бўлар эдик. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўз пайтида ижод аҳлига кино, телевидение ва театрларимизда замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш тўғрисида ниҳоятда зарур кўрсатмалар берган эди. Лекин, афсуски, бу вазифа кўнгилдагидек бажарилмади. Чунки фарзандларимиз ўзимизнинг миллий қаҳрамонларимизни билмаса, у ҳолда, четдан “қаҳрамон” излаб топади. У топган “қаҳрамон” банклардаги сейфларни очиб, пул ўмарадиган ўғрими, одам ўлдиришдан тап тортмайдиган ашаддий каллакесарми, инсонларнинг мабдағларини турли замонавий усуллар билан ўзлаштирадиган фирибгарми, буниси энди бизга номаълум. Айтишадику, агар биз ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбияламасак, уларни “тарбияловчилар” бир зумда топилади.

67

REFERENCES

1. Пахруддинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди. Тошкент: 2001, 178-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил, 28 декабрь.
3. Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» Тошкент 2008 . Маънавият 14 бет
4. Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» Тошкент 2008 . Маънавият 12 бет
5. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
6. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
7. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
8. М.Н.Ҳасанов, Б.З.Зайниддинов, О.А.Абдухалилов, & Д.Д.Джурайев. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 116–123. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/624>

9. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 752-758.

10. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.

11. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod. RATIONALE AND HISTORY OF HUMAN REFLECTIONS IN THE MUSLIM PHILOSOPHY. // *International Journal of Advanced Science and technology*, 2020. 1453-1458.

**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА
ЁШ АВЛЮД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Чўлнонова Х

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

ўқитувчиси

Ҳасанов М.

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

ўқитувчиси

Маълумки, 2022 йил бошланишидаёқ инсоният учун катта, оғир, мусибатли, қачон тугаши номаълум бўлган синовлар даври бошланди. Дунё олдида кишилиқ тарихида умуман учрамаган глобал муаммо, яъни барча давлатлар ва халқлар манфаатларига дахлдор бўлган, инсоният келажагига жиддий хавф туғдирадиган муаммо вужудга келди.

Ҳозирги кунга келиб, барча давлатлар, халқлар ва миллатларнинг асосий ташвиши янги пайдо бўлган офатни –коронавирус балосини даф этишдан иборат бўлиб қолди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари издан чиқди. Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, хуллас ҳамма йўналишларда катта муммолар юзага кела бошлади. Мутахассислар фикрича, ҳозирги кунда “айбдорни” топиш, вирус пайдо бўлиш манбаси ва тарқалиб кетиш воситаларини излашга беҳуда вақт сарфлашнинг зарурати

йўқ. Асосий эътибор унинг давосини топиш, касаликка чалинганларни зудлик билан даволаш, вируснинг тарқалиб кетиш доирасини максимал даражада камайтиришга қаратилмоғи лозим.

Мухтарам Президентимиз Мирзиёев Ш.М. раҳбарлигида давлатимизда коронавирусни бартараф этиш бўйича муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда ва бу ҳолат ўзининг ижобий самараларини бермоқда.\

Лекин шу билан бир қаторда халқимиз орасидаги “ҳар ёмоннинг ҳам бир яхшиси бор”, “ҳар бир нарсанинг ўз ҳикмати бор” ибораларида ҳам қандадир ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Пандемия туфайли карантин ҳолатининг жорий қилиниши натижасида Ўзбекистонда аҳамияти пасайиб бораётган баъзи кадриятларимизнинг асл ҳолига келиш жараёнини кузатиш мумкин.

Халқимизнинг асосий вақти энди уйда бўлганлиги боис “оила” деб номланувчи миллий кадриятимиз ўзининг том маънодаги моҳиятига қайтмоқда. Албатта, ҳар бир инсон оилада камол топади. Шунини айтиш жоизки, инсоннинг онгини ва дунёқарашини шакллантиришга оиладаги муҳит ва ўзаро шахсий муносабатлар катта таъсир кўрсатади.

Тарбия қанчалик юксак даражада бўлса, фуқароларнинг жамиятдаги масъулияти ва фаоллиги шу даражада кенг қамровли бўлади. Демак, фуқаролик жамиятини барпо этишда оиланинг роли беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти томонидан нашр қилинган “Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати”да Оила тушунчаси қуйидагича таърифланган: “Оила – эр–хотинлик иттифоқи, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота– она ва

болалар, ака – ука ва опа–сингиллар, бобо–бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи”.

Инсон тақдири, унинг жамиятдаги ўрни, ҳаёти ва меҳнат фаолиятидаги эришган ютуқлари, шу билан бирга мувофақиятсизликлари ҳам унинг оиласидаги маънавий-руҳий ҳолатга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, жамиятнинг маънавий-руҳий ҳаётига таъсир қилади. Чунки, ҳар бир инсон – оила аъзоси, оила эса жамиятнинг ажралмас қисмидир. Инсоннинг баркамоллиги ва жамиятдаги тутган ўрни – оила тарбияси, у камол топган ижтимоий муҳитдан қувват олади.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий йўли бўлган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, жиддий ёндошишни талаб этувчи давлат миқёсидаги долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 15 июнда “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида “Турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда” деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда ажралишлар сонининг ошиб бораётганлиги оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларни олдини олиш ва ёшларни никоҳга тайёрлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу борада мамлакат аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда ажримларнинг олдини олишга қаратилган чора-

тадбирларга қарамасдан оилавий ажримлар сонининг ошаётганлиги ташвишли ҳолатдир. Никоҳдан ажралишлар асосан 20-35 ёш орасидаги фуқаролар томонидан амалга оширилаётганлиги ўз навбатида, ёшлар онгида оила ва унинг муқаддаслиги ҳақидаги тушунчаларнинг саёзлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларни оила-никоҳ муносабатларига тайёрлаш муҳим вазифа сифатида ўзини намоён этади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан хотин – қизларнинг маънавий–маърифий, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий ислохотларда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди. Хотин – қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оила ва жамиятнинг ижтимоий–сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ролини ва мавқеини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва ҳукумат Қарорлари қабул қилинди, Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ5325-сон Фармонида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларни олдини олиш ва ёшларни никоҳга тайёрлашга катта эътибор бериш зарурати ва бу борада амалий чора-тадбирлар белгилаб берилганлиги аҳамиятлидир.

2018 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида 230-сон қарори қабул қилинди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажралишларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини оширишни ташкил этиш махсус ўқув курсларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжатларда оила институтини рағбатлантириш, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, улар юртимиздаги ҳар бир ота-онанинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу жиҳатидан, ҳар бир оиланинг энг асосий вазифаси, энг аввало, фарзанд тарбиясидир. Бунинг тарихи инсониятнинг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Азал-азалдан аёлларнинг бирламчи иши бу оиллага қараш, уй юмушларини бажариш, болалар тарбияси ва хоказо.

Лекин цивилизация деймизми, илм-фан тараққиёти деймизми, жамиятларнинг ривожланиши деймизми, факт шундаки, секин-аста оиланинг асосий функцияси бўлган фарзанд тарбияси унинг асосий иши бўлмай қолди. Тарбия билан энди боғча, мактаб, коллеж, лицей, Ёшлар иттифоқи ва хоказолар шуғуллана бошлади. Лекин шунини очиқчасига тан олиш керакки, ҳеч бир энг яхши, барча қулайликларга эга бўлган энг замонавий боғча ҳам болани ўз онасидек тарбиялай олмайди. Хаттоки педагогика, болалар психологияси билан кучли қуролланган энг мохир боғча опа ҳам онанинг ролини тўлиқ бажара олмайди.

Мен бу ерда асло мактабгача таълим муассасаларининг бола тарбиясидаги, унинг шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётга тайёрлашдаги ўта ижобий жиҳатларини инкор этмоқчи эмасман. Лекин оила бу оила, боғча бу боғча. Гап бошқа томонда. Шу пайтгача оиланинг барча аъзолари турли-туман ташвишлар, юмушлар билан банд эди, яъни кимдир давлат ишида, кимдир тадбиркорлик билан болалар боғча, мактаб, институтда ўқишлари ва хоказо. Ҳеч кимнинг ортиқча вақти ҳам, имконияти ҳам мавжуд эмас. Замон шиддат билан ривожланиб, ҳамманинг тезкор ҳаракатларини талаб қилмоқда эди. Баъзи ота-оналарни одатда боғча ёки мактабни танлашда унда “продленка” бор-йўқлиги қизиқтиради. Яъни эрталаб соат 8 дан то кечки 19 гача боланинг ўша муассасада бўлиши уларни бемалол ўз ишлари

билан шуғулланишга имкон беради. Шанба, якшанба кунлари-чи? Бу кунлар одатда уй хўжалиги билан боғлиқ ишлар, бозор-ўчар, кейин биласиз кўп оммавий тадбирлар, масалан, тўй, юбилей, туғилган кун, шунингдек, эркакларнинг гаплари ҳам айнан шу кунларга тўғри келади. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек оила ўзининг асосий функциясини бажармаяпти.

Коронавирус туфайли вазият тубдан ўзгарди. Энди ота-оналар ўз фарзандлари билан яқиндан бевосита мулоқотда бўлишга, уларнинг ҳаётлари, қизиқишлари, орзу-хаваслари, муаммолари ва хоказолар билан шуғулланишга етарлича имконитга эга бўлдилар.

“Қадрият” тушунчаси кундалик турмушда, оммавий ахборот воситаларида қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусиятларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда. Биз юқорида оилани миллатимизнинг муҳим аҳамиятга эга қадрияти сифатида эътироф этдик. Шунингдек инсон учун албатта унинг биринчи навбатда соғлиги, тинчлиги, ота-онаси, фарзандлари, Ватани, ёр-дўстлари, касби-кори қадрлидир. Шу нарсага эътибор қаратиш керакки, бирор нарсанинг қадри у йўқлигида билинади. Соғ-саломат бўлсангиз ҳеч нарсага эътибор қилмайсиз. Мабодо бемор бўлсангиз, масалан тишингиз оғриб қолса, кўзингизга ҳеч нарса кўринмайди. Фақат тезроқ тузалиб кетишни ўйлайсиз. Киши кексайиб, ёши бир жойга борганда, ёшлигини қўмсайди: “Қани энди ҳозир бўлсам, уни ундай қилардим, буни бундай қилардим”, деб. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Инсон, хом сут эмган банда, ҳеч қачон бор нарсанинг, олдидаги нарсанинг қадрига етмайди. Ҳозирги вазиятга келадиган бўлсак, яқиндагина биз ҳеч нимани ўйламасдан бемалол ишга, ўқишга, театрга, концертга ва хоказо жойларга борардик. Биз кундалик ҳаётимизга шунчалик ўрганиб қолган эдикки, ҳар доим шундай бўлади, деб ўйлаб, ҳаёлимизга ҳеч қачон вазият ўзгариши мумкин, олам остин-устин бўлиб, барча уйида қолиши, ҳамма корхона, ташкилот, муассасалар фаолиятини тўхтатиши, хатто миллий ёки

халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирлар, масалан, Наврўз байрами, Токио-2020 олимпиадаси, Москвада Қизил майдонда Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилиши режалаштирилаётган ҳарбий парад, Хаж-20 ва бошқа қатор анжуманлар, фестиваллар, танловлар бекор қилиниши мумкин, деган фикрлар келмас эди.

Натижада нима бўлди: боғчадан, мактабдан безор бўлган болалар энди уларнинг қадрига етаяпти, қачон карантин тугаб, тезроқ боғча, мактабга боришни, қадрдон боғча опа ва ўқитувчиларини кўришни орзу қилишаяпти.

Шу ўринда Ғарб давлатлари халқлари билан Шарқ халқларининг карантин шароитини, чекловлар ҳолатини қандай бошдан кечиришлари билан ҳам бир-бирларидан фарқ қилишини кўриш мумкин. Маълумки, Ғарб кишига ўзини кўпроқ ўйлаш, фақат ўзи ҳақида қайғуриш, индивидуаллик, худбинлик хусусиятлари хосдир. Улар фикрича, ҳаёт Аллоҳи Таоло томонидан фақат унга берилган ва бу ҳаётни қай тарзда ўтказиш фақат унинг ўзигагина боғлиқ. Атрофдагилар, кўни-қўшни, ҳамкасбларнинг унинг ҳақидаги фикрлари уни умуман қизиқтирмайди, яъни уйланиш ёки бўйдоқ юриш, нима еб, қандай кийим кийиши, қандай уйда яшаши, қандай машинада юриши – булар унинг шахсий иши. Ҳар ким ўзи учун яшайди. Ҳеч кимнинг бу масалаларга аралашинишга ҳаққи йўқ.

Шарқ халқларига эса кўпроқ жамоавийлик хусусиятлари хосдир. Кўпгина тадбирлар жамоа иштирокида ташкил қилинади. Масалан, олдинги пайтларда биронта ҳам одам қурувчиларни ёллаб, уй қурмас эди. Оммавий ҳашар эълон қилинади ва барча инсонлар келиб, биргаликда, иш ҳақи олмасдан уйни тиклашади. Иморат қуриш барчанинг олдида турган вазифа бўлганлиги учун одамлар оғринмасдан келиб ҳашарда қатнашар эдилар. Ҳашар қилиб ариқлар қазилар, боғ-роғлар барпо қилинар, масжид, мадраса, кўприклар қурилар эди. Бу азал-азалдан давом этиб келган. Тўй-

ҳашам, турли хил маросимлар биргаликда ўтказилар эди. Бировнинг ахлоқсизлик қилган боласига танбеҳ бериш одатий ҳол бўлган. “Бир болага етти маҳалла ота-она”. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар билан муносабатларда ҳам самимийлик, бағрикенглик, тотувлик, оқибатлилик каби хислатлар устувор эди.

Минг йиллик қадриятларимиз негизида ҳаётимиз осойишталиги ва барқарорлигини таъминлаш ётади. Бугунги синовли кунларда маърифатли миллат сифатида зарурат туфайли жорий этилган карантин қоидаларига сўзсиз риоя қилсак, юзага келган бўш вақтимизни эса фарзандларимиз тарбиясига сарфласак икки карра ютган бўламиз. Ҳозир ягона мақсад йўлида бир тан-у, бир жон бўлиб жипслашиб, халқ сифатида карантин талабларига риоя қилиб, аввало ўзимизга, қолаверса Ҳукуматга кўмак беришимиз мумкин. Зеро, маърифатли халқларгина ҳар қандай синовни ақл ва сабот билан енгиб ўтади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил
3. Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси, 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури. - Тошкент, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сиссиясидаги нутқи. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>. //

6. А.Г.Муминов. Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар. –Тошкент.: «Akademiya», 2010. – 193 б.

7. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187

8. Миршод Нўмонович Хасанов (2022) АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИНСОННИ АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 3 (6), 776-784.

9. Gafurovna, A. S., & Juraevna, N. N. (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 27-30.

10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Хасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

11. М. Н. Хасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АХЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

12. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo.,Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMNING O'RNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.

13. М.Н.Хасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мамлакатимизнинг янгилаштириш жараёнида ва бугунги пандемия шароитида маънавий қадриятларнинг жамият барқарорлиги ва ёшлар тарбиясига таъсири масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият барқарорлиги, маънавий қадрият, маънавий тарбия, оила тарбияси, ёшлар камолоти

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается влияние духовных ценностей в формировании нового поколения молодёжи в условиях обновления нашего общества.

Ключевые слова: устойчивое развитие общества духовные ценности, новое поколение, воспитание молодёжи,

О`SMILARDA O`Z JONIGA QASD QILISHNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

Akbarov Faxriddi Vasiliddin o`gli

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti

Yuridika fakulteti yurisprudensiya yo`nalishi

3- bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada o`smir yoshlarda suisidal holatlarni oldini olish haqida so`z boradi. O'z joniga qasd qilishdan oldin ko'pincha xatti-harakatlarning o'zgarishi (masalan, tushkun kayfiyat, o'zini o'zi qadrlashning pastligi, ishtaha va uyquning buzilishi, diqqatni jamlay olmaslik, maktabda befarqlik, somatik shikoyatlar va o'z joniga qasd qilish fikrlari) tez-tez shifokor maslahatiga olib keladi.

Kalit so`zlar: O'z joniga qasd qilish, xatti-harakatlar, tushkun kayfiyat, o'zini o'zi qadrlashning pastligi, uyquning buzilishi, diqqatni jamlay olmaslik, maktabda befarqlik, shifokor maslahati.

O`z joniga qasd qilishga urinish har kimning birgina motivatsiyasidan kelib chiqmaydi. Ba`zilar uchun o`z joniga qasd qilish surunkali hissiy yoki jismoniy og`riqni hal etishning yagona yo`li sifatida qaraladi. Boshqa paytlarda, odam o`zini haddan tashqari his qilib, hayotdagi salbiy voqealarni hal qila olmaydi. Boshqalar uchun o`z joniga qasd qilishga urinish boshqalarga ularning og`ir azoblari va ehtiyojlarining jiddiyligi haqida xabar berish vositasi bo`lishi mumkin. Ko`p hollarda, o`z joniga qasd qilishni o`ylayotgan odam, ruhiy kasallik bilan yashaydi, masalan depressiya yoki bipolyar buzilish. O`z joniga qasd qilishga urinishlarning barchasiga jiddiy yondashish va odamga tegishli yordam so`rash kerak.

Dunyoda o'z joniga qasd qilish ko'paymoqda, bu har yili bir millionga yaqino'limni keltirib chiqaradi. So'nggi 20 yil ichida o'z joniga qasd qilish 30% dan oshdi va 2016 yilda o'z joniga qasd qilish 10-34 yoshdagi o'limning 2-asosiy sababiga aylandi.

So'nggi o'n yil ichida o'z joniga qasd qilish fikrlari yoki xatti - harakatlari tufayli kasalxonaga yotqizilgan bolalar soni ikki baravar ko'paydi.

Bu o'z joniga qasd qilish ko'rsatkichlarining ko'tarilishi har birimizni biz tanigan va sevadigan insonlar hayotga qanday munosabatda bo'lishlariga ko'proq e'tibor berishga chaqiradi. Birovning hayoti tashqi tomondan yaxshi bo'lib tuyulishi, uning shaxsiy daqiqalarida hammasi yaxshi degani emas.

O'z joniga qasd qilishdan oldin ko'pincha xatti-harakatlarning o'zgarishi (masalan, tushkun kayfiyat, o'zini o'zi qadrlashning pastligi, ishtaha va uyquning buzilishi, diqqatni jamlay olmaslik, maktabda befarqlik, somatik shikoyatlar va o'z joniga qasd qilish fikrlari) tez-tez shifokor maslahatiga olib keladi.

"Hech qachon tug'ilmagan bo'lsam edi" yoki "Men uxlab qolishni va hech qachon uyg'onmaslikni xohlardim" kabi bayonotlar o'z joniga qasd qilish haqidagi e'lonlar sifatida jiddiy qabul qilinishi kerak.

O'z joniga qasd qilish tahdidi yoki urinish - boshdan kechirgan umidsizlik intensivligining muhim belgisidir.

Yuqorida aytib o'tilgan xavf omillarini erta bosqichda tan olish o'z joniga qasd qilishga urinishning oldini oladi. O'z joniga qasd qilishga urinish yoki yuqori xavfli xatti-harakatlarning dastlabki belgilari mavjud bo'lsa, kuchli terapevtik aralashuvni boshlash kerak.

O'smirlarning baxtsizligi va o'z-o'zini yo'q qiladigan fikrlari haqida bevosita so'roq qilish kerak; bunday maqsadli savollar o'z joniga qasd qilish xavfini kamaytiradi.

Shifokor asossiz ishonchni bermasligi kerak, bu esa shifokorning o'ziga bo'lgan ishonchini pasaytiradi va o'smirning o'ziga bo'lgan hurmatini yanada pasaytiradi.

Shifokorlar tibbiy sharoitda o'z joniga qasd qilish uchun tekshirishlari kerak.

2017-yilda chop etilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, o'z joniga qasd qilish bilan bog'liq bo'lmagan tibbiy sabablarga ko'ra tez yordam bo'limiga kelgan bolalarning 53 foizi o'z joniga qasd qilish tendentsiyasi uchun ijobiy sinovdan o'tgan.

Oxir-oqibat o'z joniga qasd qilish natijasida vafot etgan kattalar va bolalarning aksariyati o'limdan bir yil oldin tibbiy yordam olganligi haqida dalillar ham mavjud.

2019 yil iyul oyidan boshlab, Qo'shma komissiya kasalxonalardan standart tibbiy yordamning bir qismi sifatida o'z joniga qasd qilish xavfini baholashni talab qildi.

O'z joniga qasd qilish skriningidan tashqari, shifokorlar bemorlarga o'z joniga qasd qilish xavfini kamaytirishga yordam berishlari kerak:

- Aqliy, jismoniy va moddalarni iste'mol qilish kasalliklari uchun samarali davolanishni oling
- Ruhiy salomatlik xizmatlaridan foydalanish
- Oila va jamiyatdan yordam oling
- Mojarolarni tinch yo'l bilan hal qilish yo'llarini topish
- O'z joniga qasd qilish bilan bog'liq kontentga ommaviy axborot vositalarining kirishini cheklash

Inson hayotining barcha davrini yaxlit tarzda qamrab olgan klassifikatsiyalardan biri bu butun jahon olimlarining qaroriga ko'ra 1965-yili Fanlar akademiyasining maxsus simpoziumida qabul qilingan sxema bo'yicha o'smirlik davri 13-16 yoshgacha erkaklarda, ayollarda 12-15yoshgacha deb keltirib o'tilgan. Pedagogik psixologiyaning taniqli namoyondasi B.A.Kureteskiy insonning ontogenetik kamolotini belgilashda o'smirlik yoshini 11 yoshdan 15 yoshgacha deb belgiladi. O'smirlik - bolalikdan kattalikka o'tish davri bo'lib, fiziologik va psixologik jihatdan o'ziga xos xususiyatlari bilan

xarakterlanadi. Bu bosqichda bolalarning jismoniy va psixik taraqqiyoti juda tezlashadi, hayotdagi turli narsalarga qiziqishi, yangilikka intilish ortadi, xarakteri shakllanadi, ma'naviy dunyosi boyiydi, ziddiyatlar avj oladi.

O'smirlik balog'atga etish davri bo'lib, yangi hislar, sezgilar va jinsiy hayotga taallukli chigal masalalarning paydo bo'lishi bilan ham xarakterlanadi. Bu yoshda o'smir rivojida keskin o'zgarishlar ro'y bera boshlaydi. Bu o'zgarishlar fiziologik hamda psixologik o'zgarishlardir. O'smirlik va aloqa qiyinchiliklari deyarli sinonimdir.... Qiyin, o'tish davri, inqiroz davri - bu o'smirlik davri, ya'ni 12-16 bola mutlaqo noaniq holatga tushib qoladi, chunki bolalik allaqachon tugagan, ammo haqiqiy voyaga etish hali boshlanmagan.

Yaqinda mehribon, tushunadigan va itoatkor bola ota-onasining iltimoslarini e'tiborsiz qoldiradigan va hamma narsani xohlaganicha namoyishkorona qiladigan o'tkir va tajovuzkor o'spiringa aylanadi. O'smirlar o'zlarini kattalardek tutishga harakat qiladilar. Ular o'zlarining layoqat, qobiliyat va imkoniyatlarini ma'lum darajada o'rtoqlari va o'qituvchilariga ko'rsatishga intiladilar. Bu holatni oddiy kuzatish yo'li bilan ham osongina ko'rish mumkin. O'smirlik davri «o'tish davri», »krizis davr», «qiyin davr» kabi nomlarni olgan psixologik ko'rinishlari bilan xarakterlanadi.

Chunki, bu yoshdagi o'smirlarning xatti-harakatida muqobil, yangi sharoitlarda o'z o'rnini topa olmaganligidan psixik portlash hollari ham kuzatiladi. O'z davrida L.S.Vigotskiy bunday holatni "psixik rivojlanishdagi krizis" deb nomlagan. Kichik maktab davridan so'ng bola alohida olingan shaxs sifatida o'zo'ziga munosabatini shakllantirish jarayonida asosan ikki bosqichni boshidan kechiradi. Bu bosqichlar o'smirlik yoshini ikki xil davrga - kichik o'smirlik davri va katta o'smirlik davrlariga to'g'ri keladi. Birinchi bosqichda o'smir o'zini "bola"lardan ajratib, endi o'zini kattalar olamiga mansubligini ta'kidlamoqchidek bo'ladi. Kattalar hayotiga kirishga qiziqish o'smirlarning asosiy xarakteristikallari hisoblanadi.

Adabiyotlar ro`yxati

1. *Амбрумова А. Г., Бородин С. В., Михлин А. С.* Предупреждение самоубийств. — М., 1980. -105 с.
2. *Амбрумова А. Г.* Роль личности в проблеме суицида. Тр. Моск. НИИ психиатрии МЗ РСФСР. - М., 1981. -89 с.
3. *Гилинский Я. И.* Самоубийство как социальное явление. Проблемы борьбы с девиантным поведением. — М., 1989. -114с
4. *Ефремов В.С.* Основы суицидологии. –СПб., 2004.-479 с
5. *Конангук Н. В.* О психологическом смысле суицидов// Психологический журнал. - 1989. - Т. 10. - № 5

**YENGIL ATLETIKACHILARNI UZUNLIKKA SAKROVCHANLIGINI
MAXSUS MASHQLAR YORDAMIDA RIVOJLANTIRISH**

Chirchiq shahar sportchilar ko'chasi 19-uy,

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Ziyayev F.CH

Axmatov J.O

KIRISH. Yurtimizda jismoniy tarbiya va sportga davlat siyosati miqyosida e'tibor qaratilishi, O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A. Karimovning "O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tashkil qilish to'g'risida"gi Farmoni (2002) va shu Farmonni bosqichma - bosqich amalga oshirish bo'yicha hukumat tomonidan qabul qilingan Qaror (2002) bolalar sportiga tamomila yangicha yondashish, ilmiy asoslangan texnologiyalar asosida iste'dodli sport zahiralarini tayyorlash maktablarini yaratish masalalarini o'rtaga tashlamoqda. Yosh avlodni har tomonlama, aqliy, axloqiy va jismoniy jihatdan rivojlanishda jismoniy tarbiya asosiy o'rinlarni birini egallaydi.

Sog'lom avlod - sog'lom yurt demakdir. Sog'lom avlodni tarbiyalash vazifasi esa birinchi navbatda maktabgacha tarbiya muassasalari zimmasidadir. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov jismoniy tarbiya va sport ishlariga e'tiborni kuchaytirishni ko'zda tutib, o'zining salomatligi haqida shaxsan g'amxo'rlik qilib borish, madaniyatini yoshlikdan oila, maktab, mahalla, sog'liqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport ko'magida singdirish kerak ekanligini aytib o'tgan.

Ma'lumki, sportning porloq kelajagi sport zahiralari doirasining kengligi va sifatiga bevosita bog'liqdir. Binobarin, o'zbek sportini jahon maydoniga olib chiqish, uni raqobatbardosh pog'onaga ko'tarish bolalar sportini ilmiy asosda tashkil qilish va bu borada samarali pedagogik texnologiyalar joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi. Faqatgina maqsadga muvofiq tashkiliy va uslubiy tadbirlarni ilmiy asosda amalga oshirilishi talab qilinadi. Bunday sifatlarga erishish nihoyatda ehtiyotkorlik, mashg'ulot yuklamalarini asta-sekinlik bilan, "to'lqinsimon" yo'nalishda oshira borish evaziga amalga oshirilishi mumkin. Albatda, bu jarayon uzluksiz va muntazamlik hamda mashg'ulot yuklamalarini shug'ullunuvchi "obekt"ning funksional imkoniyatlariga mos tarzda qo'llash tamoillari asosida yanada samarali va jadalroq kechadi.

Mavzuning dolzarbligi. Maktab o'quvchi – qizlarining uzunlikka sakrovchanligi rivojlanmaganligi ularning sportdagi natijalariga ta'sir ko'rsatmokda. Tezkor-kuch sifatlari natijalarning asosi bo'lib hisoblanadi va ularni rivojlantirish orqali sportchilar yuqoriroq natijalarga erishishlari mumkin.

Ishning maqsadi. Uzunlikka sakrovchi o'quvchi – qizlarning tezkor kuch sifatlarini rivojlantiruvchi samarali vosita va uslublarni aniqlash. Ishning yangiligi. Tezkor – kuch sifatlarini rivojlantiruvchi vosita va uslublarni tadqiqot davomida tahlil qilish, mashqlarni shiddati va intervallarini to'g'ri taqsimlash orqali yaxshiroq samaraga erishish.

Tajriba guruhining tajribadan oldin, keyin natijalari va ularning farqi.

Nomi	30 m Yugurish (sek)	60 m Yugurish (sek)	Узунликк a sakrash t/j (sm)	Uchxatlabs akrash (sm)	Bal sakrasht/j (Abalakovus ulidasm)	uz.sak. (to'loiqmasof asm)
Tajribadanoldi n	5,56	9,81	199,4	5,52	28,6	3,65

Tajribadan kiyin	5,01	9,60	217,9	6,09	33,1	4,17
Farqi(%)	9,9	2,1	8,5	9,4	13,6	12,5

Nazorat guruhining tajribadan oldin, keyin natijalari va ularning farqi.

Nomi	30 м Yugurish (sek)	60 м Yugurish (sek)	Узунликка sakrash t/j (sm)	Uchxatlabs akrash (sm)	Bal sakrasht/j (Abalakov usulidasm)	uz.sak. (to'loiqma sofasm)
Tajribadan oldin	5,62	9,80	199,8	5,40	28,2	3,62
Tajribadan kiyin	5,21	9,68	215,4	5,92	32,1	3,92
Farqi(%)	7,3	2,0	7,2	8,8	12,1	7,7

XULOSALAR

Ilmiy-uslubiy adabiyotlarni tahlil etish natijasida shu narsa aniqlandiki, maktab yoshidagi uzunlikka sakrovchi qizlarning mashg'ulot mobaynida murabbiy tomonidan beriladigan yuklamalar shiddati va dam olish intervallariga oz e'tobor berishi tezkor – kuch sifatlarini sekin sur'atda o'sishiga olib kelmoqda.

2. Tezkor – kuch sifatlarini rivojlantirishda asosan mashqlarni rasional rejalashtirgan xolda mashg'ulotlarni o'tkazish maqsadga muvofiq ekanligi ma'lum bo'ldi.

3. Harakat imkoniyatlarini tezkor – kuch sifatlarini unumli takomillashtirishda haftasiga 12 soat mobaynida mashg'ulot o'tkazish kerakligi aniqlandi.

Biz tomondan qo'llanilgan uslub va vositalar, ularning shiddati tezkor – kuch sifatlarini tarbiyalashda va sportda yuksak natijalarga erishishda katta yordam berishiga ishonamiz.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 martdagi PF-5368-sonli farmoni “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. (Xalq So‘zi. 2018 yil 5- mart.)

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF 5924-sonli farmoni “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi. Farmoni (Xalq so‘zi 2020 yil 24-yanvar).

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ 3031-son qarori “Jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi (Xalq so‘zi 3 iyun 2017 yil)

4. Soliev I.R, Khaydrov B.SH, Mirzatillayev I.I, Khujamkeldiyev G.S, Ziyayev F.CH. Functional training level of runners student-athletes sprinters. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol.24, Issue 05, 2020, <http://www.psychosocial.com/article/PR201878/17061/> 46-50 betlar.

5. Soliyev I. R. Qisqa masofalarga yugurishda sportchilarni texnik tayyorgarlik davrida start reaksiyalarini takomillashtirishni tahlil qilish. // FAN-SPORTGA ilmiy – nazariy jurnal. Toshkent. 2018 yil 2 son. 56-60 betlar.

6. Soliyev I. R. Yuqori malakali uzoq masofaga yuguruvchi sportchi qizlarni tayyorgarlik mashg‘ulotlari va musobaqa jarayonining qiyosiy tahlili. // O‘zMU XABARLARI. Toshkent. 2018 yil №1/1 2018y. 171-174 betlar.

7. Azimov I., Sobitov F. Sport fiziologiyasi. –T. 1993 yil. 89-93 betlar.

8. Kerimov F.A., Umarov M.N. Sportda prognozlashtirish va modellashtirish. - T.: O‘zDJTI, 2005yil. 279 bet.

9. Olimov M.S., Soliyev I.R., Haydarov B.Sh. Sport pedagogik mahoratini oshirish. – 2017 yil 245 betlar

10. Ozolin N.G. “Legkaya atletika” 1971 yil 576-600 betlar.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
ЖАМИЯТДАН АЖРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН
ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.**

*Муаллиф: Уйчи туман прокурорининг секторлар фаолияти бўйича
ёрдамчиси, 1-даражали юрист Маъмуров Санжарбек Илхомович*

*Илмий раҳбар: Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга
қарши курашиш кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори Камалова Дилдора Гайратовна*

Аннотация: Мазкур мақолада жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг назарий ва амалий асослари муҳокама қилинган. Жумладан унда: жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг турлари, ривожланиш тарихи ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий қонунчилигимизда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг жорий этилиши халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида ва тамойилларига мос бўлиб, ўз навбатида, миллий сиёсатнинг халқаро-ҳуқуқий сиёсат билан ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, барча ривожланган давлатларда ҳам ҳуқуққа ҳилоф муайян бир ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсга нисбатан тайинланадиган таъсир чоралари мамлакат ривожланиши ва демократик ислохотлар натижасида ўзгартирилиб такомиллаштириб борилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳам жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими муайян даражада либераллаштирилиб борилмоқда. Ҳар қандай мавзунини тўлиқ таҳлил қилиш,

унинг тарихий жиҳатларига эътибор қаратишни талаб қилади. Мавзунинг тарихий жиҳатларини ўрганиш бизга ушбу соҳа тўғрисида муфассал тасаввурга эга бўлиш, келажакда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишда муҳим тажриба вазифасини бажаради.

Бизга маълумки, бугунги кунга қадар мамлакатимизда узоқ ўтган давр мобайнида шариат қоидалари амалда бўлган ҳамда жиноят ва жазо масалалари айнан шариат қоидалари бўйича тартибга солинган. Араб ҳуқуқшунос олими Муҳаммад ал-Фаделнинг қайд этишича, “жазо – жиноят содир этган кишига қонун томонидан белгиланган азобдир”⁶⁸.

Таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган ҳозирги замон ҳуқуқшунос олимлари шариатда жазо турларини бир нечта гуруҳга бўлиб, турлича фикр билдиришган. Жумладан, М.И.Садагдар мусулмон ҳуқуқида жазо алоҳида хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги турларга: қасос – ўч олиш; дия – товон ҳақи; ўлим жазоси, тошбўрон қилиш, қўл-оёғини кесиш, савалаш, дарра уриш, сургун ва бадарға, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқалардан иборатдир⁶⁹, деб кўрсатган бўлса, Г.М.Керимов шариатдаги барча жазолар асосан тўрт турга: 1) бир хилда ўч олиш; 2) товон ёки жарима; 3) қиёс (аналогия) асосида қонун билан белгиланган жазо; 4) шариат судьяларининг ихтиёрига кўра бериладиган жазоларга бўлинган⁷⁰.

М.Ражабованинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқи бўйича барча жиноятлар жазо белгиланиши ва тажовуз объектига қараб учта гуруҳга ажратилган:

- 1) ҳад жазо турлари;
- 2) қасос ёки товон ва каффорот жазо турлари;
- 3) таъзир жазо турлари⁷¹.

⁶⁸ Муҳаммад ал-Фадел. Жиноят ҳуқуқининг умумий асослари. – Дамашқ, 1964. – Б. 521.

⁶⁹ Садагдар М.И. Основные черты мусулманского права и его развитие в Иране по шиитскому направлению. Автореф... дисс. на соис. учен.степ. к.ю.н. – М., 1963. – С. 17.

⁷⁰ Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность. – М.: Наука, 1978. – С. 41

⁷¹ Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б. 84.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, шахсга тан жароҳати етказилганлиги учун “жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, кулоққа-кулоқ, тишга-тиш” тарзида қасос олинган экан. Шариатда товон ҳақи жазоси кенг тарқалган жазо турларидан бўлган. Ҳозирги кунда ҳам жазонинг товон ҳақи туридан шариат қонун-қоидалари ҳукмрон бўлган Саудия Арабистони, Уммон, Яман ХДРларда бошқа жазо турлари каби самарали фойдаланиб келинмоқда.

Мамлакатимиз ҳудуди XIX асрнинг охирида Чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилгандан сўнг, дастлаб Чор Россиясининг қонун қоидалари ва шариат қоидалари биргаликда амалда бўлиб турди. 1922 йилда СССРда янги жиноят қонунчилиги ишлаб чиқилгандан сўнг, 1926 йилда Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖК қабул қилинган. Мазкур кодексда қуйидаги жазо чоралари назарда тутилган:

- 1) халқ душмани деб эълон қилиш ва СССР ҳудудидан бутунлай бадарға қилиш жазо чораси;
- 2) қаттиқ режим билан озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси;
- 3) қаттиқ режимсиз озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси;
- 4) озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишлари жазо чораси;
- 5) муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазо чораси;
- 6) муайян муддатга СССР ҳудудидан чиқариш жазо чораси;
- 7) Ўзбекистон ССР ҳудудидан чиқариш жазо чораси;
- 8) мансабдан четлатиш жазо чораси;
- 9) муайян мансабда бўлишни тақиқлаш жазо чораси;
- 10) жамоат иззаси жазо чораси;
- 11) мол-мулкни мусодара қилиш;
- 12) жарима;
- 13) огоҳлантириш⁷².

⁷² Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Юрид. изд. НКЮ УзССР, 1926. – С. 6.

1959 йилда Ўзбекистон ССРнинг янги Жиноят кодекси қабул қилинган ҳамда мазкур кодекси 1960 йил 1 январдан кучга кирган. Ушбу Жиноят кодексининг 21-моддасида қуйидаги жазо турлари назарда тутилган:

- 1) озодликдан маҳрум қилиш;
- 2) сургун;
- 3) бадарға қилиш;
- 4) озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш иши;
- 5) муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иши билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- 6) жарима;
- 7) лавозимдан озод этиш;
- 8) жамоат иззаси;
- 9) фавқулодда жазо тури сифатида ўлим жазоси;
- 10) мол-мулкни мусодара қилиш;
- 11) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
- 12) интизомий батальонга юбориш⁷³.

Юқоридаги кўрсатилган таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, собиқ Иттифоқ даврида ҳам жазо тизимида шахсга нисбатан жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар кўпроқ бўлгани ҳолда, мазкур жазолар орасида инсон қадр-қимматини камситувчи ва жиноят қонунининг бошқа талабларига мувофиқ келмайдиган жазолар кўзда тутилган эди. Ваҳоланки, мазкур Жиноят кодексига ҳам “жазолар одамга жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситишни мақсад қилиб қўймайди” (21-модда), деб белгиланган эди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг, бутун ҳуқуқий тизим каби жиноят қонунчилиги ҳам қайта кўриб чиқилди ҳамда

1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят

⁷³Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 18.

кодекси қабул қилинган. Мазкур кодексда жиноий жазо тизими қайта кўриб чиқилди ҳамда жиноий жазоларнинг инсон қадр-қимматини камситувчи, ҳақ-ҳуқуқларини бошқача тарзда бузадиган, шунингдек кодексда биринчи мартаба белгилаб принциплар талабларига мувофиқ келмайдиган жазо турлари олиб ташланди.

Кодекснинг 1994 йилги таҳририга кўра, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкинлиги белгиланди: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; в) ахлоқ тузатиш ишлари; г) хизмат бўйича чеклаш; д) қамоқ; е) интизомий қисмга жўнатиш; ж) озодликдан маҳрум қилиш; з) ўлим жазоси.

Шунингдек, унда маҳкумларга асосий жазолардан бошқа ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкинлиги қайд этилди.

Бугунги кунда амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жиноий жазолар тизими жазонинг оғирлигига кўра озодликдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ бўлган жазолар (озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш) ва озодликдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ бўлмаган (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш) жазо турларига бўлинади⁷⁴.

Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш мақсадида 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш

⁷⁴Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 335 бет.

тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамиятни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги фундаментал демократлаштириш даражасидаги янги босқичи бошланганлигини қайд этиш жоиздир.

Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноят қонунчилиги доирасидан четга чиқувчи қатор вазифалар муваффақиятли равишда бартараф этилди.

Биринчи. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатда янгича қараш ҳисобланган, жиноятлар таснифи ўзгартирилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кенгайишига олиб келди. Шундай қилиб, ушбу қонун қабул қилингунга қадар озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар барча жиноятлар таркибининг 18,7 фоизини ташкил этган. Қонуннинг қабул қилиниши эса мазкур кўрсаткични 38,9 фоизгача оширишга хизмат қилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо белгиланган жиноятлар назарда тутилди. Шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирувчи ижтимоий хавфли қилмишлар доираси ҳам кенгайтирилди.

Бешинчи. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш босқичида жамиятдаги барча ёшдаги аҳоли қамраб олинди. Мазкур масала юзасидан собиқ мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан “биз вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини

қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутлади. Ишончим комилки, бу борадаги эркинлаштириш жараёнини изчил давом эттиришимиз зарур”⁷⁵, деб таъкидланган фикрни қайд этиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар таркибига вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ортган эркекларга нисбатан тайинланадиган жазо муддатларини киритиш мумкин. Авваллари, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахс уч йилдан беш илгача озодликдан маҳрум этилган бўлса, эҳтиётсизликдан содир этилан жиноят учун эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85, 87 моддаларига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайдиган бўлди. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаганларга нисбатан, суд жазодан озод этиш ва мажбурлов чораларини қўллаш масаласини муҳокама қилиши кераклиги белгиланди.

Жиноят қонуни нормаларининг ўзгартирилиши натижасида вояга етмаганларни жамиятдан изоляция қилмасдан жазонинг тарбиявий функциясини ошириш имконияти яратилди. Мазкур ўзгаришлар вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш 2001 йилда 39,7 фоиздан 15,9фоизга қисқаришига, 2010 йилда эса маҳрум этилган вояга етмаганларнинг умумий сони камайишининг асосий омили бўлди. 84,1 фоиздан кўп жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

⁷⁵ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.42

Адолат ва инсонпарварлик ғояси аёллар ва 60 ёшдан катта эркакларга нисбатан қўлланиладиган жазонинг муддати ва турларининг ўзгаришига таъсир этди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган Қонунга мувофиқ олтмиш ёшдан катта эркакларга ўлим жазоси қўлланилиши тақиқланган эди⁷⁶. Мазкур масала юзасидан суд-ҳуқуқ тизими ислохотчиси И.А.Каримов: "...фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакроп ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади"⁷⁷, деган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 50-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан тамом бўлмаган жиноятлар учун ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги белгиланди.

Жиноятлар таснифининг ўзгариши ва жиний жазоларнинг либераллаштирилиши, судларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш имкониятини яратди. 2001 йилда 7,2% маҳкумларга жарима жазоси тайинланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 16,9% ни ташкил этди. Бу муддат ичида ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш 21,5% дан 37,1% фоизга, шартли ҳукм қилиш эса

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни. Олдин мазкур жазо тури фақат аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан қўлланилмаган.

⁷⁷Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.43.

7,9% дан 10 % га ошди. Бу билан бирга қамоқ 1.3%дан 0,9 %га ва озодликдан маҳрум қилиш қилиш 39,7% дан 30,9% га камайди⁷⁸.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир”⁷⁹.

Хулоса сифатида, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг тарихий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида, бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1) шариат қоидалари жорий этилгандан Чор Россияси истилоси давригача бўлган давр: бу даврда тўлиқ шариат қоидалари амалда бўлган, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазолар шариат қоидаларида амалда бўлган жазолар эди;

2) Чор Россияси истилосидан 1926 йилгача бўлган давр: бу даврда шариат қоидалари ва Чор Россияси декретлари бараварига амалда бўлган;

3) 1926-1994 йиллар: ушбу даврларда иккита ЖК амалда бўлган бўлса-да, давлатда инсон қадр-қимматини камситувчи айрим жазо турлари ҳам амалда бўлган;

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архиви 2000 -2010 йилларга.

⁷⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.20.

4) 1994-2001 йиллар: 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги ЖК қабул қилиниши муносабати билан кўплаб жазолар жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланди, жиноий жазо тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди;

5) 2001 йилдан ҳозиргача бўлган давр: жиноят қонунини либераллаштириш сиёсати давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазо чиқарилди, жиноий жазоларни тайинлаш механизми ва амалиётида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухаммад ал-Фадел. Жиноят ҳуқуқининг умумий асослари. – Дамашқ, 1964. – Б. 521.

¹ Садагдар М.И. Основные черты мусульманского права и его развитие в Иране по шиитскому направлению. Автореф... дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. – М., 1963. – С. 17.

¹ Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность. – М.: Наука, 1978. – С. 41

¹ Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б. 84.

2. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Юрид. изд. НКЮ УзССР, 1926. – С. 6.

3. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 18.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 335 бет.

5. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.42

6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. Олдин мазкур жазо тури фақат аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан қўлланилмаган.

¹Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.43.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архиви 2000 -2010 йилларга.

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.20.

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ЁШ АВЛОД
ОНГИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ
ШАКИЛЛАШТИРИШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Бобошев З.Н.

Тошкент давлат транспорт университети

ўқитувчиси

Замонавий олам юксак технологик тараққиётга дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Шу билан бирга инсониятнинг маънавий қиёфасида ҳам ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳар қандай тарихий шароитда мамлакатлар тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида аҳоли, айниқса ёшлардаги юксак маънавий маърифий тарбия саналади. Бунда маънавий фазилатларни юксалтириш масаласи беқиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, ушбу вазият ижтимоий фалсафа фанининг олдида ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада юксалтиришнинг самарали йўллари, воситалари ва механизмларини аниқлаш билан бирга, амалиётга маънавий тарбия ҳақида янада чуқурроқ билимларни тақдим этиш заруратини кўймоқда.

Жаҳон мамлакатларида миллий идентиклик масаласида кўплам илмий марказлар тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, Япония, Малайзия, Сингапур давлатларида ёш авлод онгида ватанпарварлик туйғуларини чуқур сингдиришнинг ўзига хос механизмлари ишлаб чиқилган. Бунда “Юксак тарбия миллий тараққиёт калити” тамойили асосида махсус дастурлар бўйича фаолият йўлга қўйилгани билан ажралиб туради. Бундай тарбия механизми Германияда ҳам кузатилади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида юртга садоқат, ватанпарварлик тарбияси ўз кўламига кўра ижтимоий фалсафа соҳасининг

муҳим тадқиқот объектига айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир»⁸⁰. Бундан хулоса қилган ҳолда, ёшларда маънавий фазилатларларнинг гултожи бўлмиш ватанпарварлик туйғусини юксалтириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда ва шунинг учун ҳам Президент ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусни илгари сурди.

Барчамизга яхши маълумки, ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ҳамда ривожланиши инсон омилига, хусусан, ёш авлоднинг илмий, ижодий ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимизда ёшлар сиёсати самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг эзгу мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

2017 йил 30 июнда мамлакатимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилди.

Масалан, “Тарих – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродаси” қадриятлари негизида япон миллий ғояси ишлаб чиқилди. Одамларга ишонч, рағбат берилди. Мактабнинг тарбиявий ишлар тизими, ғояси ислоҳ қилинди. Уюшган миллатнинг жуда қаттиқ меҳнати ўлароқ, дунё “Япон

⁸⁰Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 88.

мўъжизаси”нинг гувоҳи бўлди. Хитойда ҳам миллий заминга – Конфуций таълимотига мурожаат қилинди. Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий (хулқ учун) асос сифатида фойдаланди. Ёшлар тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” ғояси асосида ташкил этилди. Ёшларга шахсий ва миллий манфаатларни уйғун тутиш ўргатиб борилди .

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги глобаллашув асрида ёшларнинг дунёқараши, фикри кун сайин ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда ёшларни ҳайратлантириш, уларнинг кўнглидан чуқур жой оладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳам қийинлашиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдаланиши, дунёда рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан тез хабардор бўлиши билан ҳам изоҳланади. Шу сабаб, ҳозирда Ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар, метод ва услублардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Зиёли маънавий баркамол инсон, илмли, ўқимишли, маърифатли шахс маъноларини англаувчи тушунча. Халқимиз тарихида зиёли, маърифатли кишилар кўп бўлганини яхши биламиз. Улар ўртасида ўқитувчи ва мураббийлар, устозларнинг ўрни, аҳамияти катта . “Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимиз яхши тасаввур қиламиз. Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин,

мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз” . Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” да бир қатор вазифалар белгилаб ўтилган. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган бешинчи устувор йўналишида “Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият”⁸¹ концепцияси ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилган. Ушбу концепцияни ҳаётга татбиқ этишдан кўзланган мақсад аввало, ҳаётимизнинг миллий-ғоявий асосларини давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш демакдир. Ўз навбатида мазкур концепция ёшларни ижтимоий, иқтисодий, маърифий, маданий, сиёсий жиҳатдан фаоллигини ошириш билан бирга ижтимоий тафаккурини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини, айниқса ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш кенгаймоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 19 мартдаги бешта муҳим ташаббусининг учинчи муҳим ташаббуси ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида, маҳалла фуқаролар йиғинлари гузарларида кутубхоналар ташкил этилишига катта эътибор берилаётгани ўсиб келаётган ёш авлодни маърифатли бўлиб камол топишига қаратилган ислоҳотлар ҳисобланади. Яқинда ижтимоий тармоқларда Японияда аҳоли эрта тонгдан кутубхона эшигида навбатда тургани кенг тарқалди. Японияни қисқа муддатда дунёнинг етакчи юқори даромадли мамлакатга айланганининг сабабларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Ифтихор билан айтишимиз мумкинки, ҳозирда бизда ҳам кутубхоналарда аҳоли, айниқса ёшлар кундан кунга кўпайиб, илм, маърифат ва зиё истовчи аҳоли қатламининг кўлами кун сайин ошиб

⁸¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “Ўзбекистон”, Тошкент:, 2022, -Б. 291.

бормоқда. Шу ўринда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти: “Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга”⁸². Барчага маълум XXI аср ижтимоий-гуманитар соҳаларни сиқиб чиқариб, ўрнига аниқ фанлар, ахборот технологиялари соҳаларини кенг кўламда ёйилишига урғу бермоқда. Ҳақиқатда ҳам бугун рақамлаштириш ислохотлари шиддат билан ривожланар экан, ўсиб келаётган ёш авлод ўзига муносиб иш ўрнини топиш учун хоҳлайдими йўқми ахборот технологиялари, чет тили, аниқ фанларни чуқур ўрганишга интилади. Аммо бир нарсани ҳеч қачон унутмаслик керакки, бутун сайёрани турли бало-қазолардан қутқариб қоладиган куч албатта, инсонларнинг маънавий ва маърифий гўзаллиги ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда ёш авлод орасида замонавий ахборот технологиялари билан бир қаторда инсонийлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилувчи кўникмаларни ҳам кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамиз.

XX асрнинг бошарида яшаган Абдуссалом Азимийнинг “Ойна” газетасида эълон қилинган “Таълим ва тарбия” мақоласида, “Агарда ҳар миллатнинг истиқболига назар ва аҳволи туфулиятларини мулоҳаза этмак керак. Чунки алар ўтган замонларни натижаси ва келар замонларни унвони ва бошқа таъбир бирла ойинайи оянданамосидирлар. Ва аларни таваллуд топиб оналари қўйнига тарбият топганларини ва мактаб ва мадрасалардан таълим олиб, ҳадди рўшдга етганларини тафтиш ва тадқиқ этмак лозим”⁸³ - дейди. Умуман олганда мақолада бола тарбиясининг жамият

⁸² Каримов И.А. Миллий исьтиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. –Б.33

⁸³ Норкулов Н., Раббимов К. “Ойна” (1914-1915 й.). Т., “Академия”, 2001, -Б. 41.

тараққиётидаги ўрни, тараққий этган давлатлар бола тарбиясига миллионлаб маблағ сарфлаётгани бежиз эмаслиги таҳлил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Расул Кўшербаев мақоласида Мактаб таълим жараёнидаги муаммолар сифатида қуйидагиларни баён этади: “9 йиллик таълим, 12 йиллик таълим, 11 йиллик таълим, лотин ва кирилл алифбосидаги ўзаро мослашмаслик, таълимда экспериментларнинг муттасил ўтказилиши узлуксиз таълимда салбий асоратлар қолдирмоқда, авлодлар ўртасидаги тарихий билимларнинг ўзаро номувофиқ ҳолда шаклланишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, таълим жараёнига жалб этилганларнинг ижтимоий ва моддий аҳволи етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги, Олий ўқув юртига киришда сунъий ва мантиқсиз синов тест имтиҳонларининг жорий этилгани, оқибатда ёшлар билим олишга эмас, тест ечишга тайёрланаётгани, олий таълим ва меҳнат бозори ўртасида ўзаро мувофиқликнинг йўқлиги ҳам бу борада муҳим муаммолар қаторида турибди” – деган муаммоларни ўртага ташлайди. Бир томондан муаллифнинг фикрларида ҳам қайсидир маънода жон бор. Лекин кейинги йилларда ижтимоий соҳанинг ажралмас қисми бўлган фан, таълим, тарбия соҳаларига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ миқдори бир неча баробарга ошганлигига гувоҳ бўляпмиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар орасида ватанпарварликни тарғиб қилувчи тадбирлар кўлами йилдан йилга сони ҳам, сифати ҳам ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмак берувчи тренинглари таълим муассасаларида, интернет тармоқларида ташкил этилиб, уларни ҳам жисмонан бақувват, ҳам руҳан ва ақлан баркамол қилиб тарбиялаш, турли хавф-хатарларга бардошли қилиб тайёрлашга катта урғу берилмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг

24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида ёшлар тарбияси масаласига тўхталиб: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устозмураббийлар, жамоатчилик, маҳалла бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур” – дея таъкидлаб ўтди . Бундан кўринадики, ёшларнинг ижтимоий фаоллик позициясини оширишда самарадорлигига қараб ҳам анъанавий, ҳам замонавий услублардан фойдаланишга аҳамият қаратмоқ лозим.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши баробарида жамият тафаккурининг ўзгаришида намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, фалсафа турли даврларда дунёнинг турли мамлакатларида тўпланган билимларни, тажрибаларнинг яқунларини умумлаштиради, яқинлаштиради ва бирлаштиради ҳамда яқуний хулосаларни беради. Шу асосда, фанларнинг яқинлашуви, муаммоларнинг муштараклашуви инсоният илмий ва амалий фаолиятининг кенгайиши учун янги имкониятларни юзага келтиради. Инсон бу тафаккур орқали ўз моҳияти, жамият, табиат ҳақида тизимли билимлар кўникмасини ҳосил қилиш билан чекланмай, улар асосида илмий тафаккур ривожини, амалий фаолият учун муҳим бўлган умумий хулосалар чиқаришга ҳам интилади. Натижада фан учун янги кашфиётлар қилиниб, инсониятни янгиланишга етаклайди. Бу эса фаннинг такрорланмас ютуғидир. Сир эмаски, ҳозирги даврда фалсафа фанига бўлган қараш кескин ўзгариб бормоқда.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини тарбиялаш ва дунёга муносабатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Чунки ёш авлод эртанги кунимиз давомчиларидир. Шу маънода, ёшларда ижтимоий фаоллик позициясини шакллантиришда фалсафа ва унинг роли ҳамда аҳамияти хусусида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг қуйидаги жиҳатлари аҳамиятга молик:

биринчидан, фалсафий билимлар билан озикланган ёшларда фалсафий дунёқараш, ижтимоий фаоллик позицияси шаклланади, уларда оламга, воқеа-ҳодисаларга, атрофини ўраб турган жамият аъзоларига бўлган онгли муносабат шаклланади;

иккинчидан, ёшларда фалсафий билимлар натижасида ҳар қандай муаммоли вазиятларда воқеликни креатив таҳлил қилиш қобилияти шаклланади ва ўсиб боради;

учинчидан, фалсафа ўзининг ёндош, яъни унинг тармоқлари билан биргаликда ёшларда ахлоқий сифатларни “Этика” фани орқали, гўзаллик, нафосат, нафислик сингари тушунчаларни “Эстетика” фани орқали, жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва унинг қонуниятларини ижтимоий фалсафа орқали тушунтиради, униб-ўсиб келаётган баркамол ёшлар онгида универсал табиатга эга бўлган дунёқараш ривожланишида бирламчи аҳамият касб этади;

тўртинчидан, фалсафа ўз ўрнида ҳам миллий ҳам умуминсоний қадриятлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ҳар қандай муаммо-масалани фалсафий таҳлил қилишда, шунингдек, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини баҳолаш ва уларга қўйиладиган талабларни белгилашда юқоридаги таҳлилий муносабатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларда ватанпарварлик туйғуларини чуқур сингдириш бирмунча қийинчиликлар билан амалга оширилади. Сабаби, ёшлар онгига ҳар хил таъсир этувчи омиллар кўп

бўлиб, фикрлар хилма-хиллиги ҳамда космополитик қарашларнинг шиддатли ёпирилиши ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ватанпарварликнинг юксак намуналаридан яна бири албатта, ижтимоий фаоллик кўринишида намоён бўлади. “Ижтимоий фаоллик” кенг камровли тушунча бўлиб, у талаба ёшларнинг таълим-тарбия, илм-фан соҳасидагина эмас, балки маданият, санъат, сиёсат, ҳуқуқ каби соҳаларда ҳам фаол бўлишини англатади. Демак, “ижтимоий фаоллик” ўзининг туб моҳиятига кўра, кишилар жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, социал ва бошқа соҳалардаги фаоллигини ифодалайди. Бозор муносабатлари ва янги дунёқараш шахснинг ижтимоий фаоллиги структурасида маънавий-интеллектуал, ижтимоий-сиёсий фаоллик етакчи ва ҳал қилувчи элемент эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда”. Мамлакатда сўз эркинлигини таъминланиши, халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг мурожаатларини қабул қилувчи ва ўрганувчи ижтимоий, сиёсий институтлар шаклланганлиги, ҳокимият вакилларининг ишлаш принципидаги ижобий ўзгаришлар сабаб бўлди дейиш мумкин.

Дунё миқёсида турли ғоя ва мафкуралар кураши одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда миллий оммавий ахборот воситаларини таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши тарафдоримиз. Афсуски, бугунги кунди радио ва телевиденияда тарбиявий аҳамиятга молик кўрсатувлар етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Юксак тарбиявий характерга эга ижтимоий реклама роликлари сони сифатини янада ошириш зарур.

Яна бир муаммо, энг оммавий санъат бўлган миллий кино санъатини ривожлантиришга ҳам бугун катта эҳтиёж сезилмоқда. Сабаби, кинонинг беқиёс имкониятларидан самарали фойдаланиш ахборот даврининг энг катта талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам кино санъати миллий маънавиятимизни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, келажак авлодларга етказиш, энг асосийси, ёшлар онгида миллий ғурур, мафкура ҳамда ватанпарварлик ҳиссини янада юксалтиришга хизмат қилувчи куч ва восита ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, барча соҳаларда ислохотлар бўлгани сингари, миллий кинематографияни янада ривожлантириш ҳам миллий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этилиши шарт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида мазкур соҳага алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, стратегияда белгиланган 100 та мақсаднинг 78-мақсади айнан “миллий кино санъатини ривожлантириш” деб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, стратегияда кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаб, миллий киноларимизни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тўғриси айтиш керак корейс, турк киночилари тажрибаларини чуқур ўрганиб, бизда ҳам буюк бобокалонларимиз ҳаёти ва ижодий фаолиятини тарғиб этувчи фильмларни, сериалларни ишлаб чиқишга урғу берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жанубий Кория кино ижодкорлари томонидан яратилган “Тангем”, “Денгиз ҳукмдори”, “Теран илдизлар” каби чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тарихий сериаллари бизда ҳам севиб томоша қилинди. Юртимизда юксак тарбиявий аҳамиятга молик, эстетик қиймати баланд киноасарлар яратилаётганидан мамнунмиз, албатта. Мустақиллик йилларида ишланган “Ёлғиз ёдгорим”, “Қор қўйнида лола”, “Ўтов” сингари қатор асарлар томошабинлар қалбидан жой олганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугун ижод эркинлиги бошқа

соҳалар қаторида кино санъатимизга ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Бугун давлат студиялари қаторида нодавлат студияларида ҳам йилига ўнлаб фильмлар яратилмоқда. Лекин, буюк аجدодларимизнинг миллий маънавиятимизни юксалтириш, бардавомлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона фаолиятини очиб берувчи таъсирчан сериаллар ишланмаганлиги ҳам рост.

Мазкур параграфни яқунлар эканмиз, қуйидаги хулосаларни келтириб ўтамиз. Шиддатли глобаллашув кўп сонли ёшларимизда миллий маънавиятни чуқр сингдириш йўлидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида баҳолаш лозим.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 88.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “Ўзбекистон”, Тошкент., 2022, -Б. 291

3. Каримов И.А. Миллий исьтиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. –Б.33

4.Норқулов Н., Раббимов К. “Ойина” (1914-1915 й.). Т., “Академия”, 2001, -Б. 41.

5.U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod. RATIONALE AND HISTORY OF HUMAN REFLECTIONS IN THE MUSLIM PHILOSOPHY. // International Journal of Advanced Science and technology, 2020. 1453-1458.

6. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.

7. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.

8. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.

9. Ж. С. Рамагов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

10. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

ТАЛАБА ВА ЁШЛАРНИ БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Мирзакулов Исажан Мусаёжонович

Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси

Аннотация: Вақт кишилар учун қадриятдир. Ҳамма ҳам вақтнинг қудратини тўлиқ англай олмайди. Бу таркибга кирувчиларнинг асосийси ёшлар ҳисобланади. Мақолада мамлакатимизда ёшларга яратилган имкониятлар, уларнинг ҳаёт стратегиясини шакллантиришда бўш вақтнинг ўрни таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: бўш вақт, турмуш тарзи, стратегия, муваффақият стратегияси, ривожланиш стратегияси, маънавий эҳтиёж, тайм-менежмент, самарали вақтни бошқариш усуллари.

XXI аср глобал ўзгариш, динамизм ва тезлашув билан ажралиб туради. Технологиялар, таълим ва даромаднинг ўзгариши инсоннинг турмуш тарзига, шунингдек вақтдан фойдаланишга таъсир қилади. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир ёшнинг бўш вақтини оқилона уюштириши катта аҳамиятга эга. Зеро, бўш вақтни оқилона уюштириш талабаларнинг маданий савияси ва дунёқараши ўсишининг, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидар биридир. Чунки бўш вақт талабаларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Жамиятимиз тараққиёти натижасида ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланиши мураккаблашиб бормоқда. Бу эса талаба ёшларни ақлий ривожлантиришни, касб, билим ва малакаларини оширишни, маънавий эҳтиёжларини қондириб боришни тақозо этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса бўш вақтдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ.

Бўш (ёки дам олиш) вақт - бу шахс, гуруҳ ёки умуман жамият ижтимоий вақтининг бир қисми бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий саломатлигини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш, унинг интеллектуал яхшиланиши учун ишлатилади. Бу вақт алоқа ва сеvimли машғулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш, уй ва маиший муаммоларни ҳал қилиш, очиқ ҳавода юриш ва ҳ.к. Мутахассис Л.А.Акимова дам олишнинг қуйидаги вазифаларини кўрсатиб беради: ижтимоий-маърифий; ривожланиш; кўнгил очиш; компенсацион; маданият ва ижодкорлик; ижтимоий йўналтирилган; соғлиқни тиклаш, яъни қайта тайёрланиш ва тайёрлаш (психофизик кучларни тўлдириш, инсоннинг соғлиғи ва ижодий салоҳиятини тиклаш) [1].

“Бўш вақт” – ёшларнинг ўқишдан ташқари вақтининг бир қисми. Ижтимоий ҳаётда талаба ёшларнинг умумий вақтини икки қисмга – ўқиш вақти ва ўқишдан ташқари вақтга бўлиш мумкин. Ўқишдан ташқари вақтда баъзи талабаларнинг кино, театрларга жуфт-жуфт бўлиб киришлари, хиёбонларда бесамар юришлари, кўча-куйларда сигареталар чекиб юришларини кўриб, умрнинг зое кетаётганлигини англамаётганлигини кўрсак, баъзи талабалар эса пул топиш мақсадида хусусий ташкилотлар, кафе, ресторан, бозорларда иш фаолиятини олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам талабанинг асосий мақсади ўқишдан қолиб кетишини кузатиш мумкин. Америка ёзувчиси Джеймс Купер, шунингдек, бекорчилик дам олиш эмас, балки вақтни йўқотиш деган ғояни илгари суради. [2]

Мамлакатимизда ёшларга жуда кўплаб шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, асосий масала ундан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартда Ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни

тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишлари янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, 3 апрелда ушбу ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилиб, ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.[3] Худудларда 5 та муҳим ташаббус бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, айниқса китобхонлик бўйича кўрик танловларнинг ўтказилиши (Олий ўрин учун автомобиль мукофоти ва қолган ўринларга пул мукофоти ҳамда китоблар совғаси) ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши натижасида ёшларнинг китобни ўқишга бўлган қизиқиши ортаётганилигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга ўз интилиш ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун яратилган имконият – юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устувор мақсадларидан бир сифатида, ҳукуматимиз томонидан Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 40 та қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилинди ва ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилдики, бу эса ёшлар ва улар билан боғлиқ масалалар янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир соҳадаги самарали фаолияти, ютуқлари ва иқтидорларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинган сана – 30 июнь мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида белгиланди. Бу, ўз навбатида, тегишли давлат тузилмалари ва жамоатчилик эътиборини яна бир бор ёшлар билан боғлиқ масалаларга қаратишга, галдаги вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида [4]: “ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ... ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш” ва бошқа шу сингари ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган. Кўришиб турибдики, сўнгги уч йилликда ёшлар ва улар билан боғлиқ масалалар янги босқичга кўтарилганлигини кузатишимиз мумкин.

Хусусан бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи “Ўзбекистон ёшлари – 2025” **концепциясини** ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур [5]”лиги кўрсатилди. Демак, ёшлар билан боғлиқ масала ҳар қачонгига нисбатан янада долзарблашди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида ёшларнинг «Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш» 46-мақсад сифатида, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва ИТ соҳаларига ўқитиш» 50-мақсад «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» эса 70-мақсади [6] эътиборга молик. Бугунги кунда ушбу фонд орқали хорижий таълим дастурлари кесимида номзодлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ҳар қандай инсон учун бир сутка 24 соатдан иборат, лекин ҳар ким ҳам етарлича бахтли омадли эмас. Кимлардир муваффақиятли, кимлардир эса муваффақиятсиз, кимларнингдир ҳаёт сифати юқори кимларнидир ҳаёти сифатсиз, кимлардир ҳар кунги 24 соатлик вақт капиталидан фойдаланиб ҳаётда истаган нарсасига эришади, кимлардир эса вақт ресурсларини бекорга сарф этиб оқибатда ҳеч нимасиз қолади. Тошкент давлат транспорт университети талабалари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилсак (2021 йил), талабалар асосан кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказишларини қайд этганлар. Ижтимоий тармоқларда ҳар бир талаба учун кунига ўртача 7 соат вақт кетиши, ўқув фаолияти учун бироз камроқ вақт талаб қилаётгани ва унга талабалар кунига 5,5 соат вақт сарфлашини айтиб ўтдилар. Талабалар турар жойларида яшайдиган кўпгина талабалар кунига 1,5 соат китоб ўқиш учун вақт ажратиши маълум бўлди. Гигиеник муолажалар учун ўртача талабаларнинг кунига ўртача атиги 15-30 дақиқани ташкил этади. Замонавий қизларнинг аксарияти ўзларини тартибга келтириш учун кўп вақт сарфлашади. Ўртача ҳар бир қиз бунга ҳар куни тахминан 1 соат сарфлайди.

Кўплаб талабалар ухлашни яхши кўрадилар, ҳар бир талаба учун ухлаш учун кунига ўртача 11 соат керак бўлади. Афсуски, ҳамма талабалар

спорт билан шуғулланишни қайд этишмади. Замонавий талаба ҳафтасига атиги 3 соат спорт билан шуғулланади. Ихтиёрий ҳаракатларда ҳафтада уч соатдан кам (ўртача 2,5 соат) ва ундан ҳам кам қатнашадилар.

Маълумки, талаба ёшлар ҳаёти ва турмушида илмий китоблар, газета ва бадий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар билан чекланиб қолган талаба ёшларнинг билим доиралари пасайиб бормоқда. Кўпгина ёшлар телевизор, интернет ва турли ҳар хил кинолар билан бандлар. Бу эса ёшларни бўш вақтдан самарали фойдалана олмаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантириш масаласи бу мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ёшлар ҳаёт стратегияси деганда, бу уларнинг орзу ва интилишлари, мақсад ва қизиқишларини амалга ошириш учун олдиндан ҳаётини режалаштириш, мақсад ва орзуларга эришиш йўлида қатъий курашиш усул ва йўлларини танлаш ва ишлаб чиқиш, шунингдек тузилган режа асосида ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга оширилишини ҳисобга олсак, бу борада социологлар, психологлар, иқтисодчилар 1-5, 10 йиллик режалар тузиш ва босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатишган [7,9,10,11,12]. Шунингдек, ҳозирги кунда тайм менежмент – вақтни бошқариш санъатидан фойдаланган ҳолда ҳаётда аниқ мақсадларни қўйиш, режалар тузиш, тайм менежментнинг самарали усулларидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли, ҳаётдан ва ўзидан қониқишни ўргатувчи курслар ташкил қилинмоқда. Лекин, Блогер Майо Ошин ўзининг Medium’даги устунчасида нима учун тайм-менежмент вақтни бефойда сарфлаш эканини тушунтириб берди. Самаралироқ ишлаш учун қувватни ақл билан йўналтириш кераклигини тушунтирди [8].

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда муваффақиятли, бахтли, ҳаётдан қониққан инсон бўлиш учун ҳар қандай инсон тайм-менежментдан боҳабар бўлиши, самарали вақтни бошқариш усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар ўзини ўзи ривожлантириш мақсадида:

- кундалик вақтни режали тақсимлаши;
- спорт ва китоб ўқишга вақт сарфлаши;
- Smart-мақсадлар, ярим соат назарияси, Эйзенхауэр жадвали, Кун давомида миянинг иш унумдорлигини ошириш;
- ўзини бошқара олиш қобилиятини шакллантириш;
- ижтимоий назорат, бунда педагог ўқитувчилар масъул бўлмоғи, балки ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланишлари учун оналарнинг таъсир доирасини ва масъулиятини ҳам кучайтириш, назорат қилиши лозим, деб уйлаймиз.

Зеро, халқимизда бугунги ишни эртага қўйма деган нақл асосида иш олиб бориш ва вақтни тўғри тақсимотиға эътибор қаратиш муҳимдир.

REFERENCES:

1. Соотношение понятий “досуг” и “свободное время”.
https://studopedia.ru/17_10906_sootnoshenie-ponyatiy-dosug-i-svobodnoe-vremya.html
2. Соколов Э. В. Свободное время и культура досуга - М., 2011.
3. Бешта ташаббус бўйича дастурлар ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларига хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 4 апрель, №65 (7295).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий республикаси-президенти-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. 2022 йил 28 январь. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

7. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod. RATIONALE AND HISTORY OF HUMAN REFLECTIONS IN THE MUSLIM PHILOSOPHY. // International Journal of Advanced Science and technology, 2020. 1453-1458.

8. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41. Abdusalamovna, A. S. ., & Juraevna, N. N. . (2022). A Strong Family as a Determining Development of Society. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 31–36. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/1423>

9. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.

10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

11. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

YOSHLARNING SALOMATLIK HAQIDAGI G'OYALARI.

Abdullayeva Nasiba

Xudoyberdiyeva Jumagul

Xudoynazarova Nodira

TerDU 2-kurs magistratura talabalari

Anotatsiya: Salomatlik tushunchasining asosiy xususiyatlari va sog'liqni saqlashni qayta tuzishning ayrim masalalari: batafsil ma'lumot Salomatlik haqidagi g'oyalar , salomatlikning psixologik tomoni, turlari haqida.

Kalit so'zlar: Salomatlik, sog'lik, kasal holatlar,o'zgarishlar, individual salomatlik, jamoa solomatligi, emlash, biokimyoviy tuzilish.

Salomatlik — har qanday tirik organizmning o'zi va uning barcha a'zolari o'z vazifalarini to'liq bajara oladigan holati: nuqsonlar, kasalliklarning yo'qligi (salomatlik tushunchasining batafsil ta'rifi quyida keltirilgan). Salomatlikni o'rganadigan fanlarga dietologiya, farmakologiya, biologiya, epidemiologiya, psixologiya (salomatlik psixologiyasi, rivojlanish psixologiyasi, eksperimental va klinik psixologiya, ijtimoiy (sotsial) psixologiya), psixiatriya, pediatriya, tibbiy sotsiologiya va tibbiy antropologiya, psixoxigina, defektologiya va boshqalar kiradi. Inson salomatligini muhofaza qilish (sog'liqni saqlash) — davlatning vazifalaridan biridir. Dunyo miqyosida inson salomatligini saqlash bilan Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti shug'ullanadi. Butunjahon salomatlik kuni har yili 7 aprel kuni nishonlanadi, Butunjahon ruhiy salomatlik kuni — 10 oktyabr.

P. I. Kalyu «Salomatlik tushunchasining asosiy xususiyatlari va sog'liqni saqlashni qayta tuzishning ayrim masalalari: batafsil ma'lumot» nomli ishida dunyoning turli mamlakatlarida, turli davrlarda va turli ilmiy me'yorlar tomonidan tuzilgan salomatlikning 79 ta'rifini ko'rib chiqdi. Ta'riflar orasida quyidagilar uchraydi:

1. Sog'lik — organizmning barcha darajalarda normal faoliyat ko'rsatishi, shaxsiy yashab qolish va nasl qoldirishga imkon beradigan biologik jarayonlarning normal kechishi.
2. Organizm va uning funktsiyalarining atrof muhit bilan dinamik muvozanati.
3. Ijtimoiy faoliyatda va jamoat foydali ishlarida qatnashish, asosiy ijtimoiy funktsiyalarni to'liq bajarish qobiliyati.
4. Kasalliklar, kasal holatlar va o'zgarishlar bo'lmasligi.
5. Organizmning doimo o'zgarib turadigan atrof-muhit sharoitlariga moslashish qobiliyati.

Kalyuga ko'ra, barcha mumkin bo'lgan salomatlikning barcha tavsiflari quyidagi tushunchalarga tenglashtirilishi mumkin: Tibbiy model — tibbiy belgilar va xususiyatlarni o'z ichiga olgan ta'riflar uchun; salomatlik kasallik va uning alomatlari yo'qligi sifatida. Biotibbiy model — organik buzilishlar va nosog'lomlikning sub'yektiv hissiyotlari yo'qligi. Bioijtimoiy (biosotsial) model — ijtimoiy belgilar birinchi o'ringa qo'yiladigan tibbiy va ijtimoiy belgilar birgalikda qaralishi qo'shiladi. Qiymat-ijtimoiy model — qiymat sifatida insonning salomatligi qaraladi; JSSTning ta'rifi aynan shu modelga to'g'ri keladi. Individual salomatlik — bu alohida insonning sog'lig'i. Guruh salomatligi — ijtimoiy va etnik guruhlarining salomatligi. Mintaqaviy (regional) salomatlik — ma'muriy hududlar aholisining salomatligi. Jamoat salomatligi — populyatsiya salomatligi, umuman aholining sog'ligi; «kasalliklarni oldini olish, hayot davomiyligini uzaytirish va tashkiliy sa'y-harakatlar orqali

sog'lomlashtirish, jamiyat, tashkilotni o'z fikriga binoan tanlash (davlat yoki xususiy, jamoat yoki individual) ilmi yoki san'ati» deya ta'riflanadi. Jamiyat sog'lig'ining profilaktikasi usullari — ta'lim dasturlarini joriy etish, siyosatni, xizmat ko'rsatishni ishlab chiqish va ilmiy tadqiqotlar o'tkazishdir. Emlash tushunchasi jamoat salomatligi tushunchasi bilan bog'liq. Davlat sog'liqni saqlash dasturlarining ulkan ijobiy ta'siri keng e'tirof etilgan. XX asrdagi sog'liqni saqlash siyosati natijasida qisman, chaqaloqlar va bolalar o'limining pasayishi kuzatildi va dunyodagi ko'plab odamlar hayot davomiyligi barqaror o'sdi. Misol uchun, amerikaliklarning o'rtacha umr ko'rish darajasi 1900 yildan boshlab 30 yilgacha, butun dunyoda olti yilga ortganligi qayd etildi.

Inson salomatligi — sifat ko'rsatkichi bo'lib, u miqdoriy arametrlar: antropometrik (bo'y, vazn, ko'krak qafasi hajmi, a'zolar va to'qimalarning geometrik shakli); jismoniy (yurak urish tezligi, arterial qon bosimi, tana harorati); biokimyoviy (tanadagi kimyoviy elementlar, eritrotsitlar, leykotsitlar, gormonlar va boshqalar miqdori); biologik (ichak florasining tarkibi, virusli va infeksiyon kasalliklar mavjudligi) va boshqa biomarkerlardan tashkil topadi. Inson organizmi holati uchun «norma» tushunchasi mavjud bo'lib, bunda parametr qiymatlari tibbiyot fani va amaliyoti bilan belgilanadigan diapazonga to'g'ri kelishi inobatga olinadi. Qiymatning berilgan diapazondan og'ishi, salomatlik yomonlashuvining belgisi va dalili bo'lishi mumkin. Tashqi tomondan, sog'likni yo'qotish tananing tarkibiy tuzilmalari va funktsiyalarida o'lchanadigan buzilishlarda, uning moslashuvchanligi o'zgarishida ifodalanadi. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti erkaklar va ayollar salomatligidagi farqlarni o'rganishda biologik mezonlarni emas, balki gender (irsiy) mezonlardan foydalanishni tavsiya qiladi, chunki aynan ular mavjud farqlarni yaxshi tushuntiradi. Sotsializatsiya jarayonida erkaklarda o'z-o'zini himoya qiladigan xatti-harakatlardan voz kechish, katta daromad olishga qaratilgan xatarli va tavakkalli xatti-harakatlar amalga oshirilishi rag'batlantiriladi; ayollarda esa bo'lajak onalar sifatida salomatlikni saqlash. Ammo salomatlikning tashqi

chiroy kabi namoyoniga urg'u berilganda, sog'lom faoliyat ko'rsatish o'rniga xarakterli ayollar buzilishlari sodir bo'lishi mumkin, qoida tariqasida oshoqozon-ichak buzilishlari. Erkaklar va ayollarning umr ko'rish davomiyligidagi farq yashash joyiga bog'liqdir;

Shifokorlar erkaklarga nisbatan o'zlarining kasalliklari haqida ayollarga to'liq bo'lmagan ma'lumot berishlari ko'rsatilgan. Salomatlik omillariga daromad va ijtimoiy mavqe, qo'llab-quvvatlash ijtimoiy tarmoqlari, ta'lim va savodxonlik, bandlik / mehnat sharoitlari, ijtimoiy muhit, jismoniy muhit, sog'liqni saqlash bo'yicha shaxsiy tajriba va qobiliyatlar, bolaning sog'lom rivojlanishi, biologiya va genetika rivojlanganlik darajasi, tibbiy xizmatlar va madaniyat tegishlidir.

Ruhiy (psixik) salomatlik — insonning murakkab hayotiy sharoitlarini yengish, shu bilan birga eng optimal hissiy fonni va xatti-harakatlarning adekvatligini saqlab qolish qobiliyatidir. Ruhiiy salomatlik tushunchasi, *euthumiya* («ruhiyatning yaxshi holati») Demokrit tomonidan tasvirlangan, Suqrotning hayoti va o'limiga tegishli bo'lgan ichki garmoniyaga erishgan insonning obrazi Platonning dialoglarida qayd qilingan. Turli tadqiqotlarda ruhiy azob-uqubatlarning manbai ko'pincha madaniyat deb ataladi (Zigmund Freyd , Alfred Adler, Karen Horney, Erix Fromm ishlarida). Viktor Frankl ruhiy sog'lomlikning muhim omilini insonda qadriyatlar tizimining mavjudligi deb ataydi.

Ilmiy tadqiqot mavzusi sifatida «kasbiy (professional) salomatlik» birinchi bo'lib XX asrning 80-yillari o'rtalarida psixologik ilmiy adabiyotlarda paydo bo'ldi. Birinchi marta 1986 yilda Jorj Everly tomonidan mehnat gigienasi va mehnat psixologiyasi kabi sohalarda tashkiliy ishlarni amalga oshirish jarayonida integratsiya muammolari bo'yicha nashrda ishlatilgan. R. A. Berezovskaya ta'kidlaganidek, ushbu tadqiqotchi ish joylarda salomatlikni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish dasturlarini ishlab chiqish va amalga

oshirishda psixologlarning muhim roliga e'tiborni qaratdi. Keyinchalik, 1990-yilda Gavaya universiteti tadqiqotchilari Reymon, Vud va Patrik (J. Ramond, D. Wood, W. Patrick) o'z maqolalarida psixologiyaning vazifalaridan biri sog'lom professional muhit va sog'lom ish o'rinlari yaratish bo'lishi kerak degan fikrni shakllantirgan.

Keyinchalik, psixologiyaning rivojlanayotgan yangi bo'limi — salomatlik psixologiyasida kasbiy salomatlik (endi har qanday kasb-hunar uchun) «kishi organizmining muayyan davri davomida belgilangan samaradorlik va davomiylik bilan muayyan kasbiy faoliyatga qodirligi, shuningdek bu faoliyatga hamrohlik qiluvchi noqulay omillarga bardosh bera olishini baholash maqsadida organizm funktsional holatining jismoniy va ruhiy ko'rsatkichlarining integral xarakteristikasi» deb ta'riflana boshladi. Kasbiy salomatlikning mezoni sifatida «mutaxassis faoliyatining uning organizmi funktsional holati, fiziologik qiymatini hisobga olishdan kelib chiqib, mumkin bo'lgan maksimal samaradorligi» deb belgilanadigan insonning mehnat qobiliyati xizmat qiladi. Zamonaviy tushunchada, kasbiy salomatlik kasbiy faoliyat talablariga javob beradigan va uning yuqori samaradorligini ta'minlaydigan mutaxassis xarakteristikalarining muayyan darajasi ko'riladi. Insonning kasbiy salomatligini saqlash va bir vaqtning o'zida samaradorlikni ta'minlash insonning psixologik kasbiy adaptatsiyasi (moslashuvchanligi) bilan bog'liq. Adaptatsiyaning buzilganligi (dezadaptatsiya belgilari) bir tomondan salbiy psixik holatlarning yuzaga kelishi bo'lsa, ikkinchi tomondan uning faoliyat samaradorligi pasayishi hisoblanadi.

Fodalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Sog'lom avlod xaqidagi farmoni . Ma'rifat gazetasi №9 1.03.2000. . 2. Almatov X.T. Ulg'ayish fiziologiyasi. M.Ulug'bek nomidagi UzMU bosmoxonasi.
2. T.2004 3. Sodiqov B, S.Aripova Yosh fiziologiyasi va gigienasi. Darslik. T.:Yangi asr avlodi 2009 y.
3. Maxmudov E.Vozrastnaya fiziologiya i osnovi gigieni. Izd. Lit. Fonda soyuz pisateley Respubliki Uzbekistan. T. 2006.
4. Xripkova A.G. , Antrapova M.V. Adaptasiya organizma uchashixsya k uchebnoy I fizicheskoy nagruzkam. M.:Prosveshenie. 2002.
5. I.G.Azimov va boshq «Umumiy va sport fiziologiyasidan amaliy mashg'ulot» Toshkent 1992
6. A.Qodirov «Odam anatomiyasi va fiziologiyasidan» amaliy ishlar. T 2005.

**TOS- SON BO'G'IMI DISPLAZIYASI KASALLIGI, KELIB
CHIQUISHI VA DAVOLASH CHORALARI.**

Qurbonboyeva Aziza Azizbek qizi.

*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika
universiteti Tabiiy fanlar fakulteti biologiya yo'nalishi 305-guruh talabasi*

Annontatsiya: Tos-son displaziyasi kasalligining kelib chiqish sabablari, oldini olish choralari, davolash usullari.

Kalit so'zlar : displaziya, gestoqlar, ortoped-travmatolog, fizoterapiya.

Hozirgi kunda juda ham keng tarqalgan, yangi tug'ilgan chalaqaloqlar da yuqori ko'rsatgichni tashkil qiluvchi tos-son bo'g'imi displaziyasi ya'ni xalq tilida oyoq qiyshayishi haqida o'rgangan bilimlarim va kuzatuvlarim natijasini bayon qilmoqchiman. Kuzatishlarim natijasida shunga amin bo'ldimki bu kasallik bir necha omillar natijasida paydo bo'luvchi xastalikdir. Meni eng xayratga solgan narsa bu kasallik yangi tug'ilgan chaqaloqlar orasida bu kasalliklarga chalinish o'g'li bolalarga nisbatan qiz bolalarda ko'proq uchraydi. Bu xastalikka chalingan chaqaloqlarda dastavval oyoqlaridagi nomutanosiblikni oldini olish uchun gips qilishadi. Mening fikrimcha bu usulda oyoqdagi nomutanosiblikni oldini olishga urinish qo'pol xato hisoblanadi. Chunki gips taqish orqali o'sha oyoqda joylashgan nerv va qon tomirlarining qisqib qolishiga sabab bo'ladi. Bundan tashqari oyoqdagi muskullarning shakllanishida ham to'sqinlik qiladi.

Kasallik, uning kelib chiqish va oldini olish choralari.

Toz-son bo'g'imi displaziyasi – bu bo'g'imlarning rivojlanish davrida tug'ma buzilishi. Displaziya lotinchadan tarjima qilinganda “noto'g'ri o'sish” ma'nosini anglatadi.

Ma'lumotlarga ko'ra, displaziya tayanch-harakat tizimi kasalliklarining eng keng tarqalgan tug'ma patologiyalardan biri hisoblanadi, yangi tug'ilgan chaqaloqlarning 3 foizida uchraydi. Shuningdek, qizlarda o'g'il bolalarga nisbatan yetti baravar ko'proq bo'ladi. Kasallik bir tomonlama yoki ikki tomonlama bo'lishi mumkin.

Kasallikni kelib chiqish sabablari:

- *irsiy omil, ota-onasida kasallik bo'lgan bo'lsa;*
- *yomon muhit, sifatsiz oziq-ovqatlar va ichimliklar;*
- *35 yoshdan keyingi homiladorlikda;*
- *homiladorlik vaqtida yondosh xastalikda: ortiqcha vazn, kamqonlik, buyrak, jigar, yurak kasalliklari;*
- *kuchli toksikoz va gestozlar, ko'p dorilar iste'mol qilish, nosog'lom turmush tarzi;*
- *bolani bachadonda noto'g'ri joylashishi;*
- *homiladorlik paytida infeksiyon kasalliklar;*
- *bolaning muddatidan avval tug'ilishi.*

Belgilari:

Tajribasiz ota-onalar buni sezmay qolishi ham mumkin. Displaziya yangi tug'ilgan chaqaloqni bezovta qilmaydi, oyoqlarni bir biriga nisbatan qisqarishi, teridagi burmalarni simmetrik emasligi, oyoqlar harakati hajmi cheklanganligi kuzatiladi.

Shularni hisobga olib, bolaning dastlabki oylarida, albatta, ortoped-travmatolog ko'rigiga olib borish zarur. Kerak bo'lsa, qo'shimcha tekshiruvlar rentgen, ultratovush diagnostikasi yordamida kasallik aniqlanadi.

Davolashni shifokor nazoratida olib borish kerak. Bunda oyoqlarga to'g'ri pozitsiya berish, faol harakatchanlikni saqlash, fizioterapiya muolajalari va uzluksiz butunlay sog'aygunga davolash zarur.

Asoratlarning oldini olish uchun kasallikni bola hayotining birinchi oylarida tashxislash va davolash muhim ahamiyatga ega. Agar o'z vaqtida davolanmasa, bolaga jiddiy muammo tug'dirishi mumkin. Masalan, bola yurishni boshlaganda oqsoqlanish paydo bo'ladi. Chaqaloq oyog'ini yon tomonga siljita olmaydi yoki katta qiyinchiliklar bilan bajaradi. Bola kattalashgan sari davolanmagan displaziya oqibatlarini yomonlashadi. Yurish shakli "o'rdak yurish" deb nomlanadigan shaklga o'tadi. Bunday bolaning harakatchanligi cheklanadi, boshqa bo'g'imlar ham deformatsiyalanadi: umurtqa pog'onasida skolioz, oyoqlarni tiza va tovon bo'g'imlari qiyshayishi kuzatiladi. Kelajakda oyoq mushaklari yaxshi rivojlanmaydi. Toz va tiza bo'g'imlariga muntazam og'riq qo'shiladi. Umurtqa pog'onasining qiyshayishi ichki a'zolar faoliyatini ham yomonlashtiradi. Maymoqlik — ikki xil bo'ladi: tug'ma va orttirilgan. Homilaning ikki-besh oyligida oyoq panjalari rivojlanadi, — deydi **ortoped-travmatolog Rustam SHAROPOV**. — Shu vaqt oralig'ida onaning qandaydir xastalikni boshdan kechirishi yoki oilaviy kelishmovchiliklar, asab buzilishi holatlari homilaga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Qolaversa, shifokor nazoratisiz turli dori vositalarini qabul qilish ham shunday holatga olib keladi. Rentgen yoki ish joyidagi sharoit taqozosi sabab nurlanishlar ham bolada tug'ma oyoq qiyshiqchiligiga sabab bo'ladi. boshqalarga ko'rinishdan uyaladi, odamovi bo'lib qoladi. O'rtoqlari bilan bemalol o'ynay olmaydi. Ota-ona ham farzandining bu holatidan siqiladi.

Maymoqlikning yana bir turida bola kichikligida oyog'ini qiyshiq tashlab, keyinchalik tabiiy ravishda to'g'rilanib ketadi. Ekologik muhitning buzilishi, hamda texnikaning rivojlanishi sabab hozir aksariyat bolalarda bu holat kuzatilmoqda. Bola tug'ilgan vaqtda son suyak boshchasi to'liq rivojlanmaydi. Shu bois bola son suyagining to'g'ri harakatlanishi uchun

qadamini ichkariga qarab bosadi. Bu unga ancha qulaylik tugʻdiradi. Toʻgʻri yursa, tez charchab qoladi. Ayrim chet davlatlarda bunday holatlar bemorlik hisoblanmaydi. Maʼlum vaqt oʻtib son suyak boshchasi oʻsib, asta-sekin joyiga tushadi. Oyogʻi ham toʻgʻrilanib ketadi. Nisbatan yengil turlarida shunday, ogʻir darajalarini, albatta, davolash zarur.

Shu bilan birga, ovqatlanishga alohida eʼtibor berib, vitaminlarga boy taomlar isteʼmol qilish tavsiya etiladi. Suyak rivojlanishi uchun kerakli boʻlgan kalsiyga boy sut, tvorog kabi mahsulotlar tavsiya etiladi. Shuningdek, uni toza havo va quyoshda chiniqtirish ham yaxshi samara beradi.

Avvallari yosh bolalar keng shim, shalvarlar kiyishardi. Tor tikilgan shimda bola qiynalib yuradi. Hatto oyogʻini tashlay olmaydi. Hozir hamma zamonaviylik ortidan quvib bolalarni ham qiynab qoʻyishyapti. Shu tarzda bolaning oyogʻi qiyshayishiga oʻzimiz sababchi boʻlib qolamiz. Kiyimlarining toza paxtadan, yurishga qulay boʻlishiga alohida eʼtibor berish juda muhim. Bolaning oyoq kiyimi esa toza teridan tikilgan, yengil va tag qismi yumshoq boʻlish kerak. Shunda bolaning oyogʻi erkin bukilib, yoziladi. Uning oldi uchli emas, dumaloq boʻlishiga alohida eʼtibor bering. Har bir bolaning oyoq kiyimi oʻziga mos boʻlsin. Baʼzan ota-onalar bir-ikki oʻlcham katta oyoq kiyim olishadi. Bu juda zararli. Uning ichida oʻynab turgan oyoq qiyshayishga moyil boʻladi. Bitta paypoq bilan loyiq turishi kerak. Poyabzalning tovon qismi tekis emas, albatta, bir santimetr baland boʻlishi kerak. Bolada tayanch-harakat tizimining toʻgʻri rivojlanishida bu kabi jihatlarni eʼtibordan chetda qoldirib boʻlmaydi.

Foydalanilgan amaliyotlar roʻyhati :

1. N. Ahmedov, Z. Sodiqova “Normal Anatomiya va fiziologiya “
2. *Shifokor Xurshid Aʼzamxo jayev tavsiyalari asosida tayyorlandi.*
3. **ortoped-travmatolog Rustam SHAROPOV. Tavsiyasi**
4. Shahnoza Rahimxoʻjayeva maqolasi.

**ОСНОВНЫЕ МИНЕРАЛОГО-ГЕОХИМИЧЕСКОЙ ОСОБЕННОСТИ
МЕДНО-ВИСМУТ-ВОЛЬФРАМОВОГО ОРУДЕНЕНИЯ
УЗУМЛЕКСКОЙ ПЛОЩАДИ**

Д.Р. Рахимов

*НУУз имени Мирзо-Улугбека, факультет Геологии и
геоинформационных систем*

РЕЗЮМЕ

В работе рассматриваются основные минералого-геохимические особенности медно-висмут-вольфрамового оруденения Узумлекской редкометаллоносной площади (хр. Майгашкан).

Основная рудовмещающая структура - зона Узумлекского разлома мощностью 250-300м, состоящая из системы сближенных, субпараллельных трещин с интенсивной пропилитизацией и рудной минерализацией. Рудная зона представляет собой линейно вытянутый штокверк с неравномерным медно-висмутовым оруденением.

По проведенным в последнее время исследованиям (2014-2018 гг.) приведены особенности продольно-вертикальной геохимической зональности рудных и окolorудных зон месторождения Узумлек, которые способствуют значительному расширению масштабов распространения железо-оксидных руд, отличающиеся высокой концентрацией Cu, Bi, W, Co, Pb, Zn.

Ключевые слова: Месторождение, Фация, Минерализация, Геохимическая зональность, Содержание, Минеральная форма, Cu, Bi, W, Оруденение, Узумлек.

SUMMARY

The paper discusses the main mineralogical and geochemical features of the copper-bismuth-tungsten mineralization in the Uzumlek rare-metal-bearing area (the Maygashkan range).

The main ore-accommodating structure is the zone of the Uzumlek fault with a thickness of 250-300 m, consisting of a system of close, subparallel cracks with intensive propitization and ore mineralization. The ore zone is a linearly elongated stockwork with uneven copper-bismuth mineralization.

According to recent studies (2014-2018), features of the longitudinal-vertical geochemical zonality of the ore and near-ore zones of the Uzumlek deposit, which contribute to a significant expansion of the distribution of iron-oxide ores, characterized by a high concentration of Cu, Bi, W, Co, Pb Zn.

Key words: Deposit, Facies, Mineralization, Geochemical Zonality, Content, Mineral Form, Cu, Bi, W, Mineralization, Uzumlek.

Месторождение располагается в приводораздельных частях хр. Майгашкан, в верховьях Узумлекская, среди покровных образований липарит-трахилипаритовой формации C_3-P_1 , в северной краевой экзоконтактовой части экструзивной жерловины крупного (десятки км²) субвулкана липаритовых порфиров верхней перми. Эти вулканиты относятся к единой структурной постройке – аппарату центрального типа, располагающегося ближе к ядерной части Майгашканской кальдеры, в проницаемой пограничной зоне Чаткальского и Кураминского регионов.

Месторождение Узумлек, его отдаленные фланги и участки (Верхний Бельдерсай, скважина-1, штольня-1, Узумлек 1, 2, Катта-Карабаш, Кой-Кара, канава-41, Новое- I, II, III) интенсивно тектонически преобразованы, причем план разрывных деформаций указывает на наследование ими ослабленных контактовых зон вулканно – аппаратов – кольцевых и в меньшей мере радиальных структур (рис 1).

Породы жерловой фации, представленные вязкими кислыми образованиями липаритовой формации, тектонизированы в зоне

контактного шва. Разрывы в покровных образованиях привели к незначительным вертикальным смещениям блоков пород (десяток метров), но при более существенном горизонтальном перемещении, достигающем амплитуды 500 м – 1000 м.

Эрозией жерло вулкана вскрыто на глубину около 1000 м, покровные образования бронируют северный склон хр. Майгашкан. Суммарная мощность вулканитов покровов – 220-250 м. Наиболее древние из них – это преобладающие алевролиты, относительно широко распространенные песчаники, туфы липаритов, туфы смешанного состава, редкие прослойки аргиллитов и флюидального липаритового порфира.

На участках Узумлек и Кунакбай туфы, песчаники и алевролиты вскрыты эрозией в виде веретеновидных тектонически «расташенных» блоков – основных носителей медно-висмут-вольфрамового оруденения с **Co, Te, Se**.

Макроскопический – это зеленоватые и серые до черной породы иногда с пепельным оттенком.

Экструзивная фация представлена липаритовыми порфирами, грубоконцентрически зонального строения. В центральной зоне экструзии выделяются розовато-серые липаритовые порфиры, сменяемые к контактовым зонам бордовыми взрывными, а затем экструзивными лавобрекчиями. Морфогенетически материал представлен обломками липаритовых порфиров и редко- андезитовых порфиритов. Непосредственно в зоне контакта с покровными образованиями отмечаются глыбы (до 10-15 м²) более ранних диабазовых порфиритов и карбоновых среднезернистых гранитов, возможно Чимганского интрузива, а также лаво- и туфобрекчий. Контакт экструзии с покровными вулканитами крутой, рвущий, с зоной тёмнобордового стекла мощностью от 10 до 80 см. Редко породы экструзии обнаруживаются в покровных вулканитах в виде выступов «залитов» [2].




Рис. 1. Карта рудно-магматической системы Узумлекского рудного поля.

I Липарит-трахилипаритовая формация (P_2). Жерловая (экструзивная) фация: 1-Липаритовые порфиры, их туфолавы, туфы, лавобрекчи с обломками андезитовых и диабазовых порфиритов. Покровные образования: 2-Лавобрекчи и туфы трахилипаритовых порфиритов, 3- Флюидальные липаритовые порфиры, их туфы и туфолавы. **II Липаритовая формация (C_3-P_1).** Покровные образования: 4-Липаритовые агломераты и лавобрекчи с обломками андезитовых порфиритов и липаритовых порфиритов. 5-Туфы и туфолавы липаритового и андезитового состава, туфоаргиллиты и туфогравелиты. 6-Липаритовые порфиры, их лавобрекчи, туфы, туфопесчаники, туфоаргиллиты, туфогравелиты. 7-Алевролиты, туфоалевролиты, аргиллиты с прослоями песчаников. 8-Разломы. 9-Канавы. 10-Геологические разрезы. 11-Элементы залегания. 12-Меднорудные тела (0,1-3,0% Cu) с висмутом (10-100г/т) и вольфрамом (100->500г/т). Околорудные изменения: 13-хлоритизация, гематитизация, гидроокисление, эпидотизация, прожилковое окварцевание и хлоритизация. 14-эпидозиты, гранат-эпидот-амфибол-гематит-кварцевые, амфибол-биотит-полевошпатовые и калишпат-эпидотовые породы. 15-вторичные кварциты (кварцевая фация). 16-гематитизация и пятнистая гнездообразная прожилковая эпидотизация.

Основная рудовмещающая структура - зона Узумлекского разлома мощностью 250-300м, состоящая из системы сближенных, субпараллельных трещин с интенсивной пропилитизацией и рудной минерализацией. Рудная зона представляет собой линейно вытянутый штокверк с неравномерным медно-висмутовым оруденением: богатые гнезда халькопирита и тетрадимита встречаются среди прожилково-вкрапленных руд в пропилитах с калишпатом и гематитом [1].

По минеральному составу в гипогенных рудах определены: вкрапленно-прожилковый халькопирит-тетрадимитовый тип в калишпатизированных и гематитизированных пропилитах, вкрапленно-гнездовый халькопирит-тетрадимитовый в окремненной породе, штокверково-гнездово-прожилковый борнит-халькопиритовый в эпидозитовых скарноидах.

Выделены следующие минеральные ассоциации: гранат-амфибол-полевошпат-эпидотовая, эпидот-серицит-хлоритовая, магнетит-борнит-халькопиритовая, калишпат-гематит-тетрадимит (висмутин)-халькопиритовая, кварц-халькопирит-тетрадимитовая и хлорит-пиритовая.

Среднее содержание Те по Э.А. Дунин-Барковской [1], в различных типах руд колеблется от 0,004 до 0,23%. В сульфидных полуокисленных рудах соотношение Вi к Те в среднем около 9, колеблется от 1 до 65 раз, в окисленных - в среднем 4, от 1 до 40 раз.

По полученным данным ИСР ГП «ИМР» в 2014г. [3], распределение отношений **Вi/Те** в оруденелых зонах Узумлека наблюдается в диапазоне 2-995, четко разделяясь на две группы: 47-995 (16 проб) и 2-8 (16 проб). Интересно, что также снижены значения во второй группе отношений **Вi/W** (0.09-1.97) из-за аномально высоких концентраций шеелита в интервале опробования.

Практически в этом же интервале опробования резко возрастает концентрация теллура (до 120г/т), в том числе и по отношению к селену – диапазон отношений **Se/Te**-0,03-0,62.

Особенности продольно-вертикальной геохимической зональности рудных и окологрудных зон месторождения характеризуются следующим.

Распределение **Cu** (0,2-21,9%) в целом характеризуется резкой флюктуацией аномально-высоких содержаний, определенных размещением медно-сульфидных руд (рис. 2).

Характерно поведение на объекте **W** (80-900г/т) и **Bi** (10-1000г/т), когда **Bi** резко преобладает над **W** по разрезу № 1 – превышение содержаний тетрадимита над шеелитом, а по разрезу № 2 уже также резко, но ему уступает – соотношение тетрадимита и шеелита обратное. Интересно, что в таком же соотношении по родственно-геохимическим типам руд распределяются по разрезам № 1 и № 2 селен (5-800г/т) и теллур (5-120г/т), подчеркивая этим преобладание медно-железо-сульфидных руд (селеновый тип) по разрезу № 1, а по разрезу № 2 – редкометалльных (теллуrowый).

Еще более необычно поведение тесного геохимического тандема - никеля и кобальта, для которых соотношение **Co/Ni** достигает величины в 35,6.




Рис. 2. Диаграмма распределения Cu в рудовмещающих, околорудных образованиях и рудах месторождения Узумпек, г/т

Очевидно, что подобная концентрация кобальта (max 315 г/т) может быть явно вызвана *его собственной минеральной формой выделения в рудной массе*.

Столь явное превышение концентрации Co над Ni – явление достаточно редкое в связи с процессами рудогенеза кислых магм (гранитоиды и липариты), примером чего и является Узумлекская вулканоструктура. Мировые данные по распределению Ni и Co в этих типах кремнещелочных пород – 15 и 10 г/т соответственно, хотя общее мировое производство никеля в последние годы превышает добычу кобальта в 20 раз. Однако по стоимости металлов кобальт превосходит никель пятикратно (5:1).

Распределение урана и тория в рудно-околорудных зонах Узумлека характерно примерно равным числом случаев превышения содержаний одного элемента над другим. Так, максимальная величина отношения Th/U – 3,65, а U/Th – 20, что, исходя из особенностей геохимии **U** и **Th** в эндогенных процессах, позволяет предположить *свободное, хотя и акцессорного уровня выделение минеральных форм урана, скорее всего оксидов*.

Уровни концентрации редких, редкоземельных элементов и иттрия в тех же рудоносных зонах отличаются высокой дисперсией содержаний. Отмечаются аномальные максимумы (г/т): суммы редких земель–506,81 и иттрия–38,3. Раздельное концентрирование Au и Ag, особенно в зонах окисления сульфидных руд, по известному мнению, А.А. Маракушева связано с геохимическим родством пар Ag-Se и Au-Te, выделяющих в связи с этим подобно Se и Te на месторождении Узумлек Ag-сульфидный (разрез №1) и Au-редкометалльный (разрез №2) типы руд.

В зонах окисления месторождений Se и Te часто выступает как элементы – комплексообразователи, резко повышающие миграционную подвижность Au и Ag, образующих ореольные поля дальней миграции (в железных «шляпах»).

Возможно, именно с этим и связаны невысокие уровни концентрации Au и Ag в изученных эталонных сечениях месторождения Узумлек. Однако, углубление горных выработок в его коренное **Cu-Bi-W-Co-Te –Se** оруденение, опираясь на установленные параметры вертикальной геохимической зональности рудно-околорудных зон, позволяет прогнозировать в них не только увеличение масштабов основных типов руд, но и появление собственной Au-Ag минерализации.

По сравнению с данными по месторождению Узумлек XX века, исследованиями ГП «ИМР» 2013-2017 годов в его объеме значительно расширены на месторождении и масштабы распространения железо-оксидных руд, отличающиеся к тому же высокой концентрацией Cu, Bi, W, Co, Pb, Zn.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Э. А. Дунин-Барковская. Геохимия и минералогия висмута (Чаткало – Кураминские горы). Ташкент, Изд-во «Фан», Уз ССР, 1978. С. 272.
2. Ю.Б. Ежков, И.В. Левченко. Магматизм и геохимические особенности магматических и осадочно-метаморфических пород Чаткальской подзоны за 1968-72гг.
3. Ю.Б. Ежков и др. – Отчет о результатах совместного геологического изучения «JOGMЕС» - ГП «ИМР» Узумлекской площади в Чаткало-Кураминской редкометалльной зоне за период с 2013 по 2017гг. ГП «ИМР», Ташкент.

**BOSHLANG'ICH SINFLARDA AKT DAN FOYDALANISHNING
MUHIM PRINSPLARI**

Ergasheva Mohirabonu Mirzohidjon qizi

19-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Ergasheva Mohigul Muzaffarjon qizi

Mirzaboyeva Saidaxon Nazirjonovna

*Buvayda tumani qo'ng'iroq qishlog'i 18-maktab boshlang'ich sinf
o'qituvchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich darslarida AKT dan foydalanish va uning samaralari, o'quvchilarning murakkab mavzularni o'zlashtirishida AKT dan foydalanish haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: AKT, metodik dars ishlanma, pedagogik texnologiya, nutqiy ko'nikma, elektron darslik.

Jamiyatning har tomonlama rivojlanishi ta'lim-tarbiyaning takomillashuvi va mazmunan rivojlanishiga bog'liq. Ta'limning globallashuvi, innovatsion texnologiyalarning joriy etilishi ta'lim muassasalarida ta'lim sifatining oshishiga olib kelmoqda. Darhaqiqat, har qanday texnologiya ta'limning yangi mazmunini rivojlantiruvchi ta'lim tamoyillariga asoslanadi. O'quv jarayonining faol sub'ektlari o'qituvchilar va talabalar bo'lib, ularning birgalikdagi faoliyati muayyan mavzu bo'yicha nazariy va amaliy bilimlarni chuqurlashtirish imkoniyatini beradi.

O'qituvchining faol, samarali faoliyatiga yo'naltirilgan ta'lim jarayonining uslubiy kursini ishlab chiqishdan farqli o'laroq, ta'limning

pedagogik texnologiyasi o'quvchilarga qaratilgan, shuningdek, ularning individual va o'qituvchi bilan birgalikdagi faoliyatini hisobga oladi. o'quv materialini o'zlashtirish uchun sharoit yaratadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarning murakkab mavzularni o'zlashtirishida o'qituvchidan eshitgandan ko'ra AKT orqali ko'rib tushungani o'qituvchining o'ziga ham yordam beradi. O'quvchining yozma nutqiy ko'nikmalarini hosil qilishda nafaqat grammatik bilimlar, balki sara bilimlarni egallashi zarur. Chunki o'quvchilar grammatik bilimlar yordamida to'g'ri jumlar tuzishni o'rgansa, nutqiy bilimlar orqali so'zlarni tanlash, so'zlarni o'z joyida ma'lum ifoda vositalari sifatida qo'llab, mazmunini maqsadga muvofiq ifodalashga o'rganadilar.

Boshlang'ich sinflarda murakkab mavzuni o'quvchilar ongiga osongina yetkazish uchun «Aqliy hujum», «Zakovat», «Modul dars», «Zigzak», «Interfaol», «O'yin dars», «Munozarali-bahsli dars», «Sayohat dars», «Musobaqa dars» kabi usullardan foydalanish maqsadga muvofiq. Ta'lim har doim yangilanishga mushtoqdir. Shuning uchun, iloji boricha, ta'limning yangi usullari ustida izlanishimiz talab qilinadi. Chunki o'quvchilarga ham bir xil shakldagi darslar yoqmaydi, ularni zeriktiradi. Natijada o'quvchi darsni yaxshi o'zlashtira olmaydi. Har bir usuldagi darslar ikki-uch marta o'tilganda o'zini oqlaydi. Me'yoridan oshmasligi, o'quvchilarni zeriktirmasligi uchun usullarning har xil bo'lishi darsning samaradorligini yanada oshiradi. Dars jarayonlarida notiqlik, suhbat, hikoya, mustaqil ish, yozma ish, zamon bilan bog'lash, mustaqil fikrga tayanish shakllariga katta e'tibor berishimiz kerak.

Bugungi jadal taraqqiyot davrida dunyo har daqiqada o'zgarib borayotgani, yosh avlodning tafakkuri, dunyoqarashi turlicha bo'lib, bugungi ta'lim tizimidagi bu jarayon o'qituvchidan tinimsiz izlanishni, yangidan yangi g'oyalarni qo'llashga, ta'limda innovatsion texnologiyalardan, AKTdan foydalanish zaruratini tobora orttirmoqda.

Ma'lumki, boshlang'ich sinfl darslarida noan'anaviy darslarni joriy etish va ularni ta'lim mazmuniga integratsiyalash, o'qitishning yangi usullarini izlash Davlat ta'lim standartlari talablarini qondirishga xizmat qiladi. Shaxsni har tomonlama kamol toptirish, yosh avlodda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga hurmat tuyg'usini shakllantirish, milliy til, o'z xalqining urf-odatlar bilan faxrlanish tuyg'ularini shakllantirishda boshlang'ich sinf darslarining o'rni beqiyos. Shunday ekan, har bir o'qituvchi o'z darsini tashkil etishda bir xil maqsadlar sari harakat qilishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarning har bir darsga bergan bahosi biz uchun muhim. Bugungi kunda o'qitish usullarini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlaridan biri o'qitish va o'qitishning interfaol usullarini joriy etishdir. Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarda mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosa chiqarish, o'z fikrini bayon etish, ularni asosli himoya qilish, sog'lom muloqot qilish, bahs-munozara, bahs-munozara kabi ko'nikmalar shakllanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Mahmudov M.H. Ta'limni didaktik loyihalash prinsiplari. — T.: A.Qodiriy nomidagi xalq nashriyoti, 2002.
2. Gulomov A.Q. Ona tili darslarida o'quvchilarning o'quv-bilim faoliyatini aktivlashtirish. — T.: 2003.
3. Mirqosimova M. O'quvchilarda adabiy tahlil malakasini shakllantirish va takomillashtirish asoslari. Monografiya. — Toshkent: Fan, 2006.
4. Niyozmetova R. Boshlang'ich sinf darslarida yangi o'zbek adabiyotini o'qitish masalalari. — Toshkent, 2010.
5. To'xliyev B., Niyozmetova R. va b. Til va adabiyot ta'limining zamonaviy texnologiyalari. — Toshkent, 2011.
6. Ahmedova H. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga ona tili o'qitishning zamonaviy texnologiyalari. — Toshkent, 2012.

INVESTITSIYA LOYIHALARINI BANK KREDITLARI HISOBIGA
MOLIYALASHTIRISHNING XORIJ TAJRIBASI

Toshkent moliya instituti talabasi

Kuldashev F.G.

Ilmiy rahbari: DSc Rajabov Sh.U.

So'nggi yillarda mamlakatimizning ishlab chiqarish tarmoqlariga zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy qilib, sifatli mahsulotlar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yuvchi, import o'rnini bosuvchi investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga alohida ahamiyat berilmoqda. Xorijiy banklarning kredit resurslarini investitsiya loyihalarini, shu jumladan, kichik biznes loyihalarini, ya'ni xususiy sektorni moliyalashtirishga jalb qilish va ularni samarali o'zlashtirish maqsadida Vatanimizga yuqori sifatli texnika-texnologiyalarni yetkazib beruvchi investorlarga nisbatan ochiq eshiklar siyosati olib borilmoqda. Tashqi iqtisodiy faoliyat yanada erkinlashtirilmoqda, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilishni ta'minlovchi ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy va boshqa shart-sharoitlar yanada takomillashtirilmoqda, xorijiy banklar kredit liniyalaridan to'liq foydalanish maqsadida kredit olish uchun taqdim etilayotgan texnik-iqtisodiy asoslashlarni puxta-pishiq ishlab chiqish, investorlarning qo'ygan kapitali va ularning huquqlarini himoyalashni kafolatlashni yanada kuchaytirish bo'yicha tegishli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Hozirgi kunda rivojlangan mamlakatlarda investitsiya loyihalarini moliyalashning qulay, foydali va zamonaviy usullaridan foydalanish va ular orasidan optimalini tanlab yuqori daromad olish asosiy maqsadlardan hisoblanadi. Shunday usullar orasida bank kreditlari hisobiga moliyalashtirish ham mavjud bo'lib bu ancha rivojlangan usullar sirasiga kiradi. Sababi banklar

rivojlangan mamlakatlar amaliyotida juda kata moliyaviy investitsiya manbalarga ega tarmoq hisoblanadi.

Mamlakatimizda xorijiy banklar xususiy sektorga alohida e'tibor bermoqda. Dunyoning ko'plab mamlakatlaridagi xorijiy banklar, jumladan, Xalqaro Taraqqiyot Assotsiatsiyasi kredit liniyasi, Xususiy Sektorni rivojlantirish bo'yicha Islom Korporatsiyasi moliyalashtirish liniyasi, Germaniyaning "Commerzbank AG", "Landesbank AG", "Landesbank Berlin AG" kredit liniyalari va Germaniya rivojlanish kredit agentligi (KfV), Koreya Eksport-import banki kredit liniyasi, shuningdek, Xitoy taraqqiyot Davlat banki kredit liniyalari, aynan, xususiy tarmoqni rivojlantirish uchun investitsiya kiritishga tayyor ekanliklari shundan dalolat beradi. Buning sababi shuki, xususiy tarmoqni rivojlantirish davlat mulkchiligiga asoslangan totalitar tuzumdan xususiy mulkchilik tamoyillari amal qiladigan demokratik jamiyatga o'tish jarayonining uzviy qismi bo'lib, o'ta muhim va hal qiluvchi o'rin tutishini unutmasligimiz kerak. Aynan mulkchilik shaklining o'zgarishi iqtisodiyot va jamiyat hayotida ortga qaytarib bo'lmaydigan jarayonlar va o'zgarishlar uchun mustahkam zamin va asos yaratadi. Shundagina jamiyat hayotida ishlab chiqarish va ishlab chiqarish munosabatlarini tashkil etishning, mehnatga munosabatning tamomila yangicha tamoyillari amal qila boshlaydi.

Investitsiya loyihalarini bank kreditlari hisobiga moliyalashtirishning xorij tajribasiga nazar soladigan bo'lsak asosan yirik loyihalarni moliyalashtirish jarayonida ularning ishtirokini respublikamizda amalga oshirilayotgan loyihalarda ham ko'rishimiz mumkin. Misol uchun xorijiy bank va investorlar ishtirokida moliyalashtirilgan Ustyurt gaz kimyo majmuasini keltirishimiz mumkin. Bu loyihaning amalga oshirilishi biz uchun ulkan tajriba hamda iqtisodiyotimiz rivoji uchun ulkan turtki bo'ldi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Mamlakatda investitsiya faoliyatini tartibga solishning zaruriy asosi bo'lib, davlat qonunchiligi va uning huquqiy asosini shakllantirish hisoblanadi. Bu borada huquqiy shart-sharoitlarni yaxshilash maqsadida respublikamizda "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi, "Chet el investitsiyalari

to'g'risida"gi, "Chet ellik investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilish choralari to'g'risida"gi, "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunlari qabul qilinishi yaqqol dalildir.

Bugungi kunda bank biznesi Respublikamiz iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan segmentlaridan biri bo'lib, sohadagi aktivlar, kapital darajasi, kredit qo'yilmalari va investitsion amaliyotlar hajmi kabi asosiy ko'rsatkichlarining o'sish sur'atlari buni yaqqol tasdiqlamoqda. Yaratilgan qulay investitsiyaviy muhit, jumladan, banklarning kredit portfeli tarkibida uzoq muddatli investitsiyaviy moliyalashning ulushiga qarab tabaqalashtirilgan foyda solig'i stavkalarining joriy etilganligi tijorat banklarining investitsiyaviy faolligini oshirishga xizmat qilmoqda. Shu bilan birga, tizimda erishilgan yutuqlarni e'tirof etgan holda, islohotlarning mantiqi va izchilligi, shuningdek, ularning eng zamonaviy bozor me'yorlariga muvofiqligini baholash mamlakatimiz bank tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarni yanada chuqurlashtirish va kengaytirishni talab etmoqda. Chunki mamlakatimizning moliyaviy-iqtisodiy barqarorligi, ko'p jihatdan bank sohasining samarali faoliyatiga bog'liqdir.

Bu borada tijorat banklarining kredit faoliyati birinchi navbatda mijozlarning bank kreditlariga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish, bankning o'z va jalb qilingan mablag'larini qulay shart-sharoilarda joylashtirish orqali daromadligini oshirish, bank aktsiyadorlarining yuqori daromad olishlarini ta'minlash, likvidlik ko'rsatkichlarini me'yor talablari darajasida ushlab turish, kredit portfelini diversifikatsiyalash orqali risklarni kamaytirish, kreditlash jarayonlarida qonun va me'yoriy huquqiy hujjatlarga rioya qilinishini, kreditlash bo'yicha yangi bank mahsulotlarini joriy etilishini ta'minlashdan iborat bo'lishi lozim. Banklarning kapitallashuv va likvidlik darajasining oshirilishi, depozitlarning yuqori sur'atlarda o'sishi bir tomondan ularning moliyaviy barqarorligini ta'minlash va mustahkam resurs bazani shakllantirish uchun zamin yaratsa, ikkinchidan iqtisodiyotni rivojlantirishga hamda tijorat banklarining investitsiyaviy faoliyatini yanada kengaytirishga xizmat qilmoqda

Shuni ta'kidlash joizki, keyngi yillarda bank tizimini yanada rivojlantirishda banklarning moliyaviy barqarorligini yanada mustahkamlash va investitsiya faolligini oshirish ustuvor vazifalardan biri bo'lib, ushbu vazifalar doirasida tijorat banklarining resurs bazasini yanada kengaytirish, ularning investitsiyaviy faolligini kuchaytirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash bo'yicha strategik muhim investitsiya loyihalarini amalga oshirishga, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni moliyaviy qo'llab-quvvatlashga yo'naltiriladigan kreditlar hajmlarini ko'paytirish kabi muhim chora-tadbirlarni samarali amalga oshirishni taqozo etadi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, Respublikamiz iqtisodiyoti hali yosh iqtisodiyotlar sirasiga kiradi, lekin shunday bo'lsa ham iqtisodiyotimizda 30 yil mobaynida har bir mamlakat orzu qiladigan darajadagi sezilarli ishlar amalga oshirildi hamki, bu iqtisodiyotning rivoji investitsiyalarga bog'liqligini ko'rsatib qo'ydi. Mustaqillikning dastlabki yillaridanoq bank sektoriga berilgan kata e'tibor hozirgi kunda o'zini oqlab kelmoqda. So'ngi yillarda bank sohasida sezilarli darajada o'zgarishlarni kuzatishimiz mumkin har jabhada bankning ishtiroki hamda roli ortib bormoqda.

Tijorat banklarining investitsion jarayonlardagi ishtirokini faollashtirish zarurati, bank tizimi va milliy iqtisodiyotni uzviylikda barqaror rivojlantirish maqsadlaridan kelib chiqadi. Bir tomondan, tijorat banklari ularning faoliyati uchun zarur shart-sharoitlarga ega bo'lgan barqaror iqtisodiy muhitga ehtiyoj sezsa, boshqa tomondan esa, iqtisodiy rivojlanishning barqarorligi ko'p jihatdan bank tizimning ishonchlilik darajasiga hamda uning samarali faoliyat yuritishiga bog'liq bo'ladi. Mamlakatda investitsiya faoliyatini takomillashtirishda tijorat banklarini ishtirokini iqtisodiyot tarmoqlari va hududlari rivojini ta'minlash, ulardagi asosiy fondlarni yangilash, kengaytirish va zamonaviylashtirish orqali ishlab chiqarishni rivojlantirish, texnik va texnologik yangilash, raqobatbardosh maxsulotlar ishlab chiqarilishini ta'minlashdagi hissasi bilan baholash mumkin.

**BO‘LAJAK O‘QITUVCHILAR KASBIY KOMPETENSIYALARINI
RIVOJLANTIRISHDA SHAXSGA YO‘NALTIRILGAN TA‘LIM
TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH**

*Iskandarova Malika Islomovna,
Navoiy davlat pedagogika instituti,
pedagogika nazariyasi va tarixi
yo‘nalishi magistranti*

Annotatsiya: Mazkur maqolada kompetensiya tushunchasining mazmun mohiyati ochib berilgan. Ta‘lim oluvchilarda kasbiy kompetentlikni pedagogik jihatdan rivojlantirish yo‘llari ko‘rsatilgan. Bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentlikning rivojlanishida shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim texnologiyalaridan foydalanishning samaradorligi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: kompetentlik, kasbiy kompetentlik, shaxsiy tajriba, texnologiyalar, amaliy faoliyat, rivojlantirish, shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim.

Abstract: This article reveals the essence of the concept of competence. Ways to pedagogically develop professional competence of learners are shown. The effectiveness of using personalized educational technologies in the development of professional competence of future teachers is highlighted.

Key words: competence, professional competence, personal experience, technologies, practical activity, development, person-oriented education.

Аннотация: В данной статье раскрывается сущность понятия компетентности. Показаны пути педагогического развития профессиональной компетентности обучающихся. Выделена эффективность использования персонализированных образовательных

технологий в развитии профессиональной компетентности будущих педагогов.

Ключевые слова: компетентность, профессиональная компетентность, личный опыт, технологии, практическая деятельность, развитие, личностно-ориентированное образование.

Bugungi kunda fan va texnika rivoji ta'lim va uning natijalariga qo'yiladigan talablarni tubdan o'zgartirishni talab etmoqda. Shunga asosan, yangi avlod standartlarini yaratish pedagoglarning oldiga muhim vazifa qilib qo'yilmoqda. Hozirgi vaqtgacha yaratilgan davlat ta'lim standartlari tizimli-faoliyatli yondashuvga asoslangan, ya'ni ta'lim maskanlarining maqsadini bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish tarzida aniqlashtirishdan iborat edi. Shu bois yangi davlat ta'lim standartlarini o'z-o'zini rivojlantirishga qaratilgan kompetent faoliyatli yondashuvga asoslanishdan kelib chiqqan holda belgilash talab etilmoqda. Chunki oliy ta'limda tashkil etilayotgan o'quv-tarbiya jarayonining mohiyati tinglovchilarning ehtiyojlari va qobiliyatlarini rivojlantirish emas, balki bilimlarni axborot-verbal tarzda yetkazish, ko'nikma va malakalarni shakllantirishdan iborat bo'lib qolmoqda. Bunday reproduktiv tarzda o'zlashtirilgan ma'lumotlar tinglovchining amaliy faoliyat tajribasini rivojlantirishga yetarlicha imkon bermaydi. Oqibatda, talabalar juda ko'p axborotni behuda jamg'arilishi, ta'limning samarasi past ekani va uning real voqelikka mos kelmasligi kabi tafovutlar ko'zga tashlanmoqda. Aniqrog'i, o'quvchi real hayotdan uzoqlashib qolgandek, uning oldiga faqat ilgaridan to'plangan axborotlarnigina o'zlashtirish maqsadi qo'yilgandek tuyuladi.

Hamkorlik pedagogikasi Hamkorlik pedagogikasi XX asrning 80-yillarida rivojlana boshladi va ta'limdagi ko'pgina innovatsion jarayonlarni hayotga chorladi. Bu texnologiya negizida taniqli rus va chet el pedagoglarining tajribasi yotadi. Sh.A.Amonashvilining inson-shaxs texnologiyasi. U o'zining eksperimental maktabida hamkorlik pedagogikasini, shaxsiy yondashuvini, tili va matematika o'qitishning ajoyib pedagogikasini ishlab chiqdi va hayotga tadbiq etdi.

Muxtaram prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev “Yoshlarimiz mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo’lib, dunyo miqiyosida o’z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo’sh kelmaydigan insonlar bo’lib kamol topishi, baxtli bo’lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” [1], degan fikrlari ham mustaqil O’zbekistonimiz yoshlarini erkin fikrlashni tarkib toptirishga qaratilayotgani ham e’tibordan holi emas. Shunday ekan biz o’qituvchilar hozirgi yangi davr talabi asosida darslarni tashkzamonaviy yondashuvlar asosida tashkil qilishimiz oldimizdagi yuksak vazifalardan biridir. Ushbu muammoli vaziyatdan chiqishning yagona yo’li - oliy ta’limda yangicha, ya’ni kompetent yondashuvni joriy etishdir. Kompetent yondashuv talabadan bilim va ko‘nikmalarni alohida-alohida emas, balki yaxlitlikda egallashni talab etadi. Mazkur talab bilan bog‘liqlikda, o’z navbatida, o’qitish metodlarini tanlash tizimi ham o’zgarishga uchraydi. O’qitish metodlarini tanlash va amaliyotda qo‘llash ta’lim jarayonida qo‘yiladigan talablarga muvofiq keladigan kompetensiya va funksiyalarni takomillashtirishni talab etadi. Kompetent yondashuv oliy ta’limni modernizatsiyalash nuqtayi nazaridan yangi pedagogik voqelik hisoblanadi. Mazkur yondashuv doirasida amaliy faoliyat tajribasi, kompetensiya va kompetentlikni didaktik birliklar sifatida ko‘rib chiqish hamda ta’limning an’anaviy uch elementi (triada) - “bilim - ko‘nikma - malaka”ni oltita birlik (sektet) - “bilim - ko‘nikma - malaka - amaliy faoliyat tajribasi - kompetensiya - kompetentlik” tarzida tahlil qilish talab etiladi. Dastlab “kompetensiya” tushunchasining mohiyatini aniqlashtirib olish zarur. Kompetensiya (lotincha so‘z bo‘lib, erishaman, to‘g‘ri kelaman ma’nolarini bildiradi) - sub’yektning maqsadni qo‘yish hamda unga erishish uchun tashqi va ichki zaxiralarni samarali amalga oshirishga tayyorgarligi, boshqacha qilib aytganda, bu subyektning muayyan faoliyat obyekti bilan bog‘liq muammolarni muvaffaqiyatli hal etishga doir shaxsiy qobiliyatidir. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, “kompetensiya” tushunchasiga berilgan aksariyat ta’riflar kasbiy ta’lim, kasbiy faoliyat bilan bog‘liqlikda bayon etilgan. Biroq umumiy o’rta ta’lim bilan

bog'liqlikda mazkur tushuncha innovatsiya tavsifiga ega bo'lganligi sababli, uning mohiyatini aniqlashtirishga alohida ehtiyoj mavjud. Kompetensiya - lotincha «Competentia» so'z bo'lib, o'zbek tilidagi lug'aviy ma'nosi «inson yaxshi biladigan», «tajribaga ega bo'lgan» kabi ma'nolarni bildiradi. Kompetentlik - biron bir ishni samarali qila olish qobiliyati, ishni bajarishda talablarni qondira olish qobiliyati, aniq ishchi funksiyalarni bajarishda talablarni qondira olish qobiliyati [2]. Kasbiy kompetentlik - mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalda yuqori darajada qo'llay olinishidir [2]. Kasbiy kompetentlikning tarkibiga kasbiy faoliyatdagi kompetentlik, kasbiy muloqotdagi kompetentlik, mutaxassisning o'z kasbini nomoyon eta olishdagi kompetentligini kiritish mumkin.

O'qitishning zamonaviy texnologiyalarini qo'llash, o'qitish jarayonini yagona shaklga keltirish va yuqori samaradorlikka erishishga imkon yaratadi. Endi shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalarning nima uchun bugungi kunda dolzarb bo'lib borayotganligi, nima uchun mazkur texnologiyalar ta'limning hozirgi kuni, kelajagi bo'lib qolganligi hamda ularning mohiyati haqida qisqacha to'xtalamiz. Mazkur o'qitish texnologiyasida pedagogikaning o'quvchiga munosabati avtoritar xarakterga ega, ya'ni ta'lim jarayonida u yagona subyekt sifatida namoyon bo'ladi, o'quvchilar esa faqatgina obyekt vazifasini bajaradi, xolos. Boshqacha qilib aytganda avtoritar o'qitish texnologiyasida o'quvchining tashabbusi va mustaqilligi deyarli yo'qoladi, o'qitish majburiy yo'sinda amalga oshiriladi. Hanuzgacha jahonda eng ko'p tarqalgan o'qitishning sinf-dars tizimida mashg'ulotlari asosiy birligi dars bo'lib, u bitta fanining bitta mavzusiga bag'ishlanadi va o'qituvchi tomonidan boshqariladi. O'z-o'zidan ko'rinadiki, an'anaviy o'qitish texnologiyasi o'z tabiatiga ko'ra ta'lim muassasalari oldiga jamiyatimiz tomonidan qo'yilgan talablarga butunlay javob bermaydi. Bundan farqli o'laroq shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalarda o'quvchi ta'limning milliy modeli mohiyatiga ko'ra pedagogik jarayon markaziga qo'yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy

imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratib beriladi. Ta'limning milliy modelini – shaxs, davlat va jamiyat, uzluksiz ta'lim, fan, ishlab chiqarishdan iborat 5 ta tarkibiy qismida «shaxs» asosiy tarkibiy qism – birinchi o'rinda turadi. Boshqacha aytganda, butun ta'lim tizimi, shu jumladan o'qitish o'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Shaxsiga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalarining kommunikativ asosi – pedagogik jarayonda o'quvchiga insoniy-shaxsiy yondashishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. T.: "O'zbekiston" nashriyoti, 2016.

2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni yangi tahrirda 2020-yil 23-sentabr

3. Семина Е.А. (2010). Компетентностная модель выпускника педагогического вуза - будущего учителя математики. Альманах современной науки и образования. - № 5 (36). - С. 133-135.

4. Muslimov N.A., Urazova M.B., Eshpulatov Sh.N. (2013). Kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. - T.: Fan va texnologiya nashriyoti

5. Indiaminov N. va b. Ta'lim samaradorligini oshirishda shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim. Ta'lim texnologiyalari. 2014(8)

UCHINCHI RENESSANSNING YARATILISHIDA ILMIIY-MA'NAVIY MEROSLARINING AHAMIYATI

*Abdug'aniyeva Gulnoza Abdurahim qizi
Abduxoshimova Shirinoy Shuxratjon qizi
Namangan davlat universiteti*

O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim–tarbiya tizimini takomillashtirish, ilm-fan sohasi rivojini jadallashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020-yilning 30-sentyabrdagi O'RQ-637 sonli O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni tasdiqlandi va amalga kiritildi, shu yilning 30-sentyabr kuni Prezidentimiz o'qituvchi va murabbiylar kuni munosabati bilan ta'limga oid murojaat nutqini so'zladilar. Bu ikki muhim hujjat ta'lim islohotlarini yangi bosqichga ko'tardi va mutlaqo yangi vazifalar belgilab berildi.

Ushbu ikki hujjat yangi O'zbekistonda ta'lim islohotlarini yangicha asosda amalga oshirish va uni yakunlash vazifalarini belgilab berdi. Bu borada Prezidentimiz quyidagicha vazifani qo'ydi: “Ta'lim islohotlari orqali O'zbekistonda yangi uyg'onish davri, ya'ni Uchinchi Renessans poydevorini yaratishni o'zimizga asosiy maqsad qilib belgiladik”.[1] E'tibor berilsa bu taraqqiyot jarayoni faqat ta'lim islohotlari orqali amalga oshiriladi. Shu sababli mazkur hujjatlar talabalar, professor-o'qituvchilar va amaliy faoliyatdagi pedagoglar tomonidan idrok etilishi, o'zlashtirilishi hamda ularda belgilangan yangi vazifalar ijrosiga kirishilishi kerakligi taqozo etadi. Yangi qonun ta'lim sohasidagi munosabatlarni milliy va xalqaro standartlar asosida tartibga soladi, shu sababli u uchinchi Renessansning poydevori sifatida eng muhim hujjat hisoblanadi. Prezidentimiz nutqida ta'lim islohotlarining yakuniy va yangi vazifalar belgilanib, unda asosiy masala ta'lim islohotlarining samaradorligiga tezroq erishish nazarda tutildi. Bu yangi vazifalar uchinchi Renessans davri,

ya'ni uyg'onish voqeligiga bog'liq holda belgilanadi. Chunki ilm, fan va amaliyot integratsiyasini o'zida mujassamlashtirgan ta'lim barcha Renessnslarning negizi bo'lgan.

Yuqorida keltirilganidek, Prezidentimiz deydi, – “Men bugun bildiradigan fikrlarni avvalo, hurmatli muallim va o'qituvchilarga, barcha jonkuyar ziyolilarimizga, yo'llangan Murojaat sifatida qabul qilishingizni istar edim” [2]. Bunda quyidagilar idrok etilishi kerak:

Murojaat – ta'lim sohasi bo'yicha yakuniy islohotga doir vazifalar va ularda barchaning ishtirok etishiga da'vat;

Muallim – oliy va o'rta maxsus ta'lim muassasalarida saboq beruvchi mutaxassislar;

O'qituvchilar – umumta'lim muassasalarida faoliyat yurituvchi pedagoglar; Tarbiyachi – maktabgacha ta'lim muassasalarida faoliyat yurituvchi xodimlar;

Ziyolilar – ilm-fan va ma'rifatga fidoiy vakillar. Demak, ta'lim sohasiga oid barcha shaxslar mazkur nutqda qo'yilgan yangi vazifalar ijrosida faol ishtirok etish zurratdir. Shu sababli quyidagilar e'tibor qaratish kerak:

- Renessans – ilm, fan va barcha sohalarda Uyg'onish (yangilanish, yaratish, ixtiro qilish, kashfiyot va farovonlikni) tarkib toptirish;

Uchinchi Renessans – birinchi Renessans yurtimizda IX – XII asrlarda, ikkinchi Renessans XIV – XV asrlarda kechgan va uchinchi Renessansni barpo etilishi kerak. Ta'lim sohasi – barpo etiladigan uchinchi Renessansning poydevori bo'ladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Renessans, ya'ni Uyg'onish davrlarini e'lon qilar ekan, jadid ma'rifatparvarlari tomonidan 1900-1920 yillarda tamal toshi qo'yilgan Uchinchi Renessans davrini davom ettirish va yakunlash vazifasini qo'ydi. Bunda “Renessans” lotincha so'z bo'lib, “uyg'onish”, “qayta oyoqqa turish”, “milliy va xalqaro miqiyosda rivojlanish” ma'nolarini anglatadi. Shu jihatdan Renessans tushunchasini quyidagicha idrok etish kerak:

- Milliy davlatchilikni rivojlantirish

- Ilm-fan va texnologiya rivojiga erishish
- Moddiy farovonlikning milliy shaklini ta' sis etish

Bunday yondoshuv asosida keyingi ikki ming yillik O'zbekiston tarixida Birinchi Renessans IX-XII asrlarda kechganligi e'tirof etiladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti deydi: "Antik davrda Yunonistonda yongan ilm mash'alasi to'qqizinchi-o'n ikkinchi asrlarda Markaziy Osiyo hududida qayta porladi. Bu davrda yurtimiz hududida birinchi Renessans yuzaga keldi va u butun dunyo tan oladigan mashhur daholarni yetishtirib berdi".[2]

Bu o'rinda ikki masalaga e'tibor berish lozim: 1."Antik davr Yunonistoni" degandi Suqrot, Aflotun, Arastu kabilar boshliq global meros nazarda tutiladi;

2) "Markaziy Osiyo hududi" deganda esa qadimgi vatandoshlarimiz Movarounnaxr va Xuroson hududlari e'tiborga olinmoqda. Bu tushunchalar bo'lajak pedagoglar tomonidan aniq idrok etib olinishi lozim.[3]

Shu o'rinda davlatimiz rahbari ta'lim asosida yuzaga kelgan Birinchi Renessans ilm - fanning dunyoviy va diniy qatlamiga e'tiborni tortdi. Dunyoviy fanlar: "Muhammad Xorazmiy (IX asr), Ahmad Farg'oniy (IX asr), Abu Rayhon Beruniy (XI asr), Abu Ali ibn Sino (XI asr) singari buyuk allomalarimizning jahonshumul ilmiy – ijodiy kashfiyotlari mumbashariyat taraqqiyoti rivojiga beqiyos ta'sir ko'satdi". Diniy fanlar: "Islom madaniyatining oltin davri" deb e'tirof etiladigan bu davrda Ona zaminimizdan yetishib chiqqan Imom Buxoriy (IX asr), Imom Termiziy (XI asr), Imom Motrudiy (X asr), Burhoniddin Marg'iloniy (XII asr), Abul Mu'in Nasafiy (XII asr), Maxmud Zamaxshariy (XII asr) kabi ulug' ulamolar butun musulmon olamining faxru iftixori va cheksiz g'ururi hisoblanadi.

Bu mutafakkirlar nomi o'quvchilarga tanish. Ayni paytda, bo'lajak pedagoglar bu mutafakkirlar ijodi va faoliyatiga e'tibor berish lozim. Mutafakkirlarning dunyoqarashi va faoliyatini o'rganishda misol uchun, Abu Rayhon Beruniy (XI asr) "Hindiston" asarida 1492 yili Xristofor Kolumb tomonidan kashf etilgan Amerika qit'asining mavjudligini quyidagicha bashorat

qilgan: “Yerning 25 foizi odamlar yashaydigan joydir. Uni G’arb va Sharq tomonidan Muhit okeani (Antarktika va Tinch okeani) o’rab turibdi. Bu Muhit okeani Yerning obod qismini dengizlarning narigi tomonida bo’lishi mumkin bo’lgan quruqlik yoki odamlar yashaydigan orollardan ikki yondan (G’arb va Sharqdan) ajratib turadi” [4]. Mazkur mutafakkirlarning asarlarini o’qish uchun ularning asarlarining asoslari o’zbek va rus tillarida nashr etilgan.

Birinchi Renessansning yuzaga kelishida mutafakkirlarimizning salmoqli hissa qo’shganligi bilan yurtimiz fuqarolari faxrlanadi.

Zero, Birinchi Renessansda uch omil muhim o’rin tutadi:

- milliy davlatning mavjudligi;
- ilm-fan rivoji;
- ta’lim taraqqiyoti.

Ikkinchi Renessans davrida uch masala idrok etilishi kerak:

1) Milliy davlatchilik. Amir Temur va temuriylar davlati (Movaraunnahr va Xuroson hududida). Mashhur davlat boshliqlari: Amir Temur, uning o’g’li Shoxruh Mirzo, uning o’g’li Mirzo Ulug’bek va chevarasi Sulton Husayn Bayqaro. Davlatchilikning asosiy asari ”Temur Tuzuklar”; [5]

2) Ilm-fan rivoji. Prezident tilga olgan mutafakkirlar: Qozizoda Rumiyy (XV asr), Mirzo Ulug’bek (XV asr), G’iyosiddin Koshiy (XV asr), Ali Qushchi (XV asr), Sharofiddin Ali Yazdiy (XV asr) Mirxond (XV asr) va Xondamir (XV asr).

3) Adabiyot va san’at taraqqiyoti. Prezident tilga olgan mutafakkirlar: Lutfiy (XV asr), Sakkokiy (XV asr), Hofiz Xorazmiy (XV asr), Abdurahmon Jomiy (XV asr), Alisher Navoiy (XV asr), Bobur Mirzo (XVI asr), Mahmud Muzahhib (XV asr), Kamoliddin Behzod (XVI asr). E’tibor berishlozim bo’lgan mutafakkirlar: Nosiruddin Ra’buziy (IV asr), Qutb Xorazmiy (IV asr), Mavlono Atoiy (XV asr).

Ikkinchi Renessansda uch omil muhim o’rin tutadi:

- milliy davlatning homiyligi;
- dunyoviy ilm-fan va san’atning rivoji;

- ijod va kashfiyotning taraqqiy etishi.

Mamlakatimiz ayni paytda Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev rahbarligida Uchinchi Renessansga qadam qo'ymoqda. Shu maqsad yo'lida ta'lim tizimi tubdan isloh qilinmoqda. 2020 yil 29 dekabrda Prezidentimiz Oliy Majlisga Murojaatnomalarida ham bu haqda quyidagi fikrlarni bildirib o'tdilar: "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Mirzo Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak". Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib, xizmat qilishi lozim. Prezidentimiz idrokida Renessans masalasida uch muhim masala bor. Renessans merosiga vorislik, ajdodlardan ibrat olish; yangi Renessans tamalini asosli qo'yish.

Uchinchi Renessans davrida quyidagilar e'tibor qaratish kerak:

- Uchinchi Renessans 1900-2020 yillar davomida jadid ma'rifatparvarlari tomonidan boshlangan va u mustaqil O'zbekistonda 2020-yildan boshlab barpo etiladi;
- Uchinchi Renessans Birinchi va Ikkinchi Renessaslarning mantiqiy davomi hisoblanadi;
- Uchinchi Renessansda asosiy g'oyalarni ilm, milliy uyg'onish va taraqqiyot tashkil qiladi;

Bu g'oyalar zamonaviy texnologiyalarni ta'xis etishi kerak.

Shuningdek, Prezident ta'kidlagan Abdulla Avoniy, Mahmudxo'ja Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Ubaydulla Xo'jaev, Abdurauf Fitrat, Ishaqxon Ibrat, Abdulhamid Cho'lpon, Abdulla Qodiriy, Ashurali Zohiriy, Hoji Muin kabi jadid ma'rifatparvarlarining merosini fundamental asosida o'rganish va ijodini tadqiq etish. O'zbekistonda yangi Uyg'onish davri, ya'ni Uchinchi Renessansning poydevorini yaratishda Birinchi va Ikkinchi Renessans davridagi ilmiy-ma'naviy meroslari, jadid ma'rifatparvarlarining

amaliy tajribalariga tayanish orqali ta'lim islohotlariga bog'lanishi davr talabidir. Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko'mak berish – barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. Shundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi O'RQ – 637 sonli Qonuni.2020 yil 30 sentabr.
2. O'zbekiston Respublikamiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "O'qituvchi va murabbiylar kuni" munosabati bilan so'zlagan nutqi. 2020 yil 30 sentabr.
3. Qurbanova, M. F. (2020). Methods for improvement of training competitions for classifications leading on the organization of independent works. *Экономика и социум*, 8, 432-437.
4. Qurbanova M. F. (2020). Yoshlarda kreativ tafakkurni shakllantirishning pedagogik asoslari. *Xalq ta'limi*, 3.
5. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 7021-7030.
6. Qorayev.S.B. (2020). Professional ta'limda o'quv amaliyotlarini tashkil etishning o'ziga xos hususiyatlari. *Academic research in educational sciences*, 1(3).
7. Mahkamova SH. R, Asadullayeva M.A. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в Узбекистане. *Science and Education*, 1(4).

**ZOMIN MILLIY TABIAT BOG'IDA TARQALGAN ASTRAGALUS L.
TURKUM TURLAR TARKIBI HAQIDA.**

Ismoilova Nilufar Shamsiddin qizi

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya: Mazkur ishda Zomin milliy tabiat bog'i va unda tarqalgan Astragalus L. turkum turlari haqida ma'lumotlar berib borilgan.

Tayanch so'zlar: Zomin milliy tabiat bog'i, Astragal, Qizil kitob, Pufak astragal.

Zomin milliy tabiat bog'i – Turkiston tog' tizmasining shimoliy yon bag'rida, dengiz satxidan 1200 metrdan 4033 metrgacha balandlikda joylashgan. 1976 yilda milliy bog'ni tashkil qilish va loyihasini tuzish bo'yicha asosiy sxema tashkil qilingan. Ajratilgan maydon milliy bog' tashkil qilish uchun to'liq javob beradi. Milliy bog' tashkil qilingan vaqtda umumiy maydon 24110 ga bo'lib, hozirgi vaqtda 23894 ga teng. Undan qariyb 13000 gektari o'rmonzor bilan qoplangan.

Milliy bog'ning shimoliy chegarasi Molguzar tog' tizmasining janubiy-sharqiy qismidan boshlanib Chortangi darasigacha davom etadi, so'ngra janubdan shimolga tomon qayrilib Yettikechuvsoy bo'ylab Duoba qishlog'igacha davom etadi. Sharqda Usmonlisoy, O'riklisoy, Sharilloqsoy va Kattanishabar orqali Tojikiston Respublikasi bilan chegaralanadi. G'arbiy tomondan Qashqasuv va Qizilmozorsoy suv havzalari o'rtalig'i orqali Zomin tog' o'rmon qo'riqxonasi bilan chegaralangan. Milliy bog' hududi orqali Zomin va Baxmal tumanlarini bog'laydigan avtomagistral o'tgan. Bu magistral asosan O'riklisoy va Sharilloqsoy orqali o'tib, Supa dovoni hamda Chortangi darasi

orqali Ko'lsay bilan tutashib ketadi. Trassa orqali Qashqasuv posyolkasidan o'tib Qumbel dovoni orqali Tojikiston bilan tutashadi. Milliy bog' hududida bir qancha aholi punktlari mavjud bo'lib, ulardan eng yiriklari Yettikechuvsoy, O'rikli, Tog'terak. Milliy bog' markazidan Zomin va Baxmal tumanlari markazlarigacha 50 km. [1].



Milliy tabiat bog'i hududida 20 xil kamyob va yo'qolib ketish xavfi bo'lgan yovvoyi holda o'suvchi o'simlik turlari, 107 xil yovvoyi holda o'suvchi o'simliklarning dorivor va ozuqabop turlari, 6 xil yovvoyi holda o'suvchi o'simliklarning texnik turlari aniqlangan. Jumladan Pufak astragal – *Astragalus leptophysus* Vved, Belolipov astragali – *Astragalus belolipovii* Kamelin ex F.O.Khass, Sumbul kovrak – *Ferula sunbul* (Kauffm) Hook. f., Fedchenko kovraki – *Ferula fedtschenkoana* Koso-Pol, Korolkov lolasi – *Tulipa korolkovii* Rgl, Isoqul piyozi – *Allium isakulii* R.M. Fritsch et Khass, G'alati uchqat – *Lonicera paradoxa* Pojark kabi O'zbekiston Respublikasi "Qizil kitob"iga kiritilgan endemik turlar Zomin milliy tabiat bog'ining ko'rki bo'lib, bu o'simliklar himoyaga muhtoj turlar hisoblanadi.

Ushbu bog'ning hududida 50 dan ortiq shifoboxsh giyohlar va oziq o'simliklari o'sadi. Shu jumladan Burchoqdoshlar oilasiga mansub *Astragalus* L. turkumi turlarining biologiyasi, shifobaxshlik xususiyatlari, ulardan oqilona foydalanish, kamyob va xo'jalik ahamiyatiga molik turlarni o'rganish muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Astragal(Astragalus) – burchoqdoshlar oilasiga mansub o’simliklar turkumi. O’t, chala buta va ba’zan butalardan iborat. 1600 turi bor . Barglari odatda murakkab, toq patsimon. Gullari kallak yoki boshoqsimon to’pguldajoylashgan. Mevasi – dukkak. O’rta Osiyoda 592 va O’zbekistonda 250 turi o’sadi. Talayginasi (no’xatak, singren) yaxshi yem-xashak hisoblanadi. Kopetdog’ va Turkmanistonda o’sadigan A.dan (A. piletocladus, A. turcmenorum) tibbiyotda, qandolat sanoatida va texnikada qo’llaniladigan, suvda erimay , faqat bo’kadigan tragakant yelimi olinadi. Ayrim turlarining yer ustki qismi tarkibida glitserizin moddasi, flavonoidlar va mikroelementlar bor. Damlamasi gipertoniya kasalligini davolashda qo’llaniladi. [2].

Zomin milliy tabiat bog’ining O’zbekiston “Qizil Kitobi”ga kiritilgan *Astragal L.* turkum turlari(2009)

О’збекча номи	Русча номи	Лотинча номи
Knorring astragali	Астрагал Кнорринг	Astragalus knorringianus Boriss.
Пуфак астрагал	Астрагал тонкопузо’рчато’й	Astragalus leptophysus Vved.
Belolipov astragali	Астрагал Белолипова	Astragalus belolipovii Kam ex F.O. Khass

Qirilib bitish arafasida turgan turlar

О’збекча номи	Ruscha nomi	Ilmiy nomi	Uchrashi		
			nodir	Odat dagi	Ko’p sonli
Pufak astragal	Астрагал тонкопузо’рчат о’й	Astragalus leptophysus Vved.	+		
Belolipov	Астрагал	Astragalus	+		

astragali	Белолипова	belolipovii Kamelin ex F.O.Khass			
-----------	------------	--	--	--	--

Zomin Milliy tabiat nodir o'simliklarining turlar tarkibi

Oqish gulli astragal	Астрагал снежноцветко во'й	Astragalus chionanthus Popov	+		
Titov astragali	Астрагал Титова	Astragalus titovii Gontsch	+		
Otiluvchi astragali	Астрагалстрелк ово'й	Astragalus subscapus	+		
Binafsharang astragal	Астрагал стентрално'й	Astragalus centralis	+		
Bobrov astragali	Астрагал Боброва	Astragalus bobovii	+		
Yonbargchali astragal	Астрагал прилнетниково 'й	Astragalus stipulosus	+		
Zarhal astragali	Астрагал позолоченно'й	Astragalus auratus	+		
Иккиранг астрагал	Астрагал двухцветковид но'й	Astragalus dainthoides	+		
Knorring astragali	Астрагал кнорринга	Astragalus knorringianus	+		
Рахмоқ tukli astragali	Астрагал ложкоязвенник овий	Astragalus pseudanthylloides	+		

Pufak astragali	Астрагал тонко пузирчатый	Astragalus leptohysus	+		
Yulingan astragali	Астрагал оборванный	Astragalus rhacodes	+		

Miqdori kamayib borayotgan o'simliklar turlar tarkibi

Yong'oqsimon astragal	Астрагал ореховый	Astragalus nuclcosus	+		
--------------------------	----------------------	-------------------------	---	--	--

izoh:

Nodir – mavsum davomida bir yoki bir necha marta uchrovchi turlar

Odatdagi– kun davomida bir yoki bir necha marta uchrovchi turlar

Ko'p sonli – biotopga xos bo'lgan ko'p uchrovchi turlar

Pufak astragal- Astragalus leptohysus

Ko'p yillik poyasiz o't. Ingichka novdalari faqat tuproq ostida rivojlanadi. Bargi toq patsimon 15-35 juft, uzunligi 10-20 sm, bandining uzunligi 3-7 sm, hurpaygan oq tukli. Bargchalari cho'ziq-tuxumsimon, ba'zan yaproqchalari bir-biriga tegib turadi, uzunligi 10-17 mm, eni 6-9 mm. Gulpoyasi hurpaygan oq tukli. Kosachasi uzun naysimon, uzunligi 2,5 sm, eni 3-4 mm. Gullari yirik, uzunligi 3 sm gacha, oq, keyinroq to'q qizil. Dukkagi yumaloq-tuxumsimon, uzunligi 4 sm gacha etadi, eni 3 sm. May oyida gullab, iyunda mevasi etiladi. Urug'idan ko'payadi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'simlik dunyosi ob'ektlarini hisobga olish va boshqa ma'lumotlarni ro'yxatdan o'tkazish kitobi // Zomin, 2020 yil.
2. O'z.Milliy ensiklopediyasi 1-jild.Toshkent, 2000.
2. Zomin milliy tabiat bog' hisobotlaridan.

АВТОМАТИЗАЦИЯ РАСЧЕТОВ КОНСТРУКЦИЙ НА ОСНОВЕ МЕТОДА КОНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ

¹ ассистент, *Нормуродов Шахбоз Улужбекович*

² инженер, *Султанов Отабек Раджапобич*

¹ *Ташкентский государственный транспортный университет*

² *МОСТОТРИАД №67 - г. ТАШКЕНТ*

Аннотация. В настоящей статье приводятся сведения о системе автоматизации расчетов конструкций метода конечных элементов, которая может быть реализована на современных ПЭВМ. На основе анализа решения упругих и неупругих задач для шарнирно-опертой железобетонной балки оценивается выполнения расчетов по определению напряженно-деформированного состояния конструкций.

Ключевые слова: система, пакет программ, метод конечных элементов, балка, напряжение

ЧЕКЛИ ЭЛЕМЕНТЛАР УСУЛИ АСОСИДАГИ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада замнавий шахсий ЭҲМ ларда ишлатилувчи ва чекли элементлар усули асосида яратилган конструкцияларни ҳисоблашни автоматлаштириш тизими ҳақида маълумотлар келтирилади. Шарнирга таянган темирбетон балкаси учун эластик ва ноэластик масалаларни ечиш орқали конструкцияларни кучланиш-деформацияланиш ҳолатларига баҳо берилади.

Калит сўзлар: тизим, дастурлаш пакети, чекли элементлар усули, тўсин, кучланиш.

**THE AUTOMATION OF CALCULATIONS OF STRUCTURES
BASED ON FINITE ELEMENT METHOD**

Abstract. This article provides information about the automation system for calculating structures based on finite element method, which can be implemented by modern PCs. On the basis of analysis of the solution of elastic and inelastic problems for a hinged-supported reinforced concrete beam the performance of calculations is evaluated to determine the stress-strain state of structures.

Key words: system, software package, finite element method, beam, stress

Разработанная на кафедре «Мосты и тоннели» Ташкентского Государственного Транспортного Университета системный пакет MODUL является реальной имитационной программной моделью для проведения расчетов и вычислительных экспериментов, связанные с определением напряженно-деформированного состояния конструкций и сооружений на основе метода конечных элементов (МКЭ). В системе нет строгих определенных ограничений на физические и геометрические характеристики исследуемого объекта или на вид внешнего воздействия. Ограничения для отображения расчетной схемы объекта на мониторе компьютера с большим числом степеней свободы, т.е. числом неизвестных в задаче, в основном опираются на оперативную память [1].

При решении задач принять следующий порядок анализа:

- построение модели с разбиением конструкции на конечное число элементов;
- вычисление матриц жёсткости элементов и вектора нагрузки системы;
- построение полной матрицы жёсткости и полного вектора нагрузки системы;

- решение системы уравнений первой степени относительно смещения узловых точек.

- вычисление напряжений и деформаций в конечно-элементной системе.

Для решения проблемы автоматизированной дискретизации конструкции, использованы два способа:

- графический ввод данных с помощью редактора;
- разбиение конструкции методом топологии.

